

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб*_{ва}
жамият

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ УФҚЛАРИ

Пьесалар тўплами

ТОШКЕНТ
“АДАБИЁТ” НАШРИЁТИ
2020

УЎК: 821.512.133-21

КБК: 84(5Ў)

Ҳ 60

Ҳ 60

Тўплам

Ўзбек драматургияси уфқлари [Матн]. *Пьесалар.* – Тошкент: “ADABIYOT” нашриёти, 2020. – 512 б.

ISBN 978-9943-6471-7-6

Масъул муҳаррир:

Шуҳрат Ризаев

Таҳрир ҳайъати:

*Сирожиддин Саййид, Минҳожиддин Мирзо, Эркин Аъзам,
Муқаддас Аҳмаджонова, Шуҳрат Ризо, Ғайрат Мажид,
Муҳиддин Абдусамад*

Тўпловчилар:

Мафтуна Муҳаммадаминова, Сардор Ҳамроев

Қўлингиздаги мазкур тўпламда сўнги олти-етти йил орасида ёзилган турли жанрдаги драматик асарлар жамланди. Таниқли драматурглар Эркин Аъзам, Ҳайитмат Расул, Шароф Бошбеков, Нафас Шодмонов, Нурилло Аббосхон, Абдуқаюм Йўлдошев, Қўчқор Норқобил, Иброҳим Содиқов, Инъомжон Турсунов ҳамда Эркин Норсафар, Мафтуна Муҳаммадаминова, Ҳуснора Рўзматова, Жавлон Жовлиев, Обиджон Рўзибоев, Ҳуснилло Жомонкулов, Бобур Ҳамроев каби ушбу соҳага кириб келаётган ёшларнинг ижод намуналари драматургия ихлосмандларига яхши совға бўлади, деган умиддамиз.


*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
“Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6471-7-6

© “ADABIYOT”, 2020

МУНДАРИЖА

<i>Шухрат Ризаев. Сўзбоши.....</i>	4
<i>Ҳайитмат Расул. Моҳи Турон.....</i>	7
<i>Эркин Аъзам. Танҳо қайиқ ёхуд девонанинг орзуси.....</i>	42
<i>Шароф Бошбеков. Ер барибир айланаверади.....</i>	71
<i>Жўра Маҳмуд. Нажот қирғоғи.....</i>	97
<i>Инъомжон Турсунов. Оқ эртак.....</i>	127
<i>Иброҳим Содиқов. Алпомишнинг болалиги.....</i>	145
<i>Нурилло Аббосхон. Ўзгалар дарди.....</i>	156
<i>Шухрат Ризо, Абдуқаюм Йўлдош. Залолат.....</i>	194
<i>Нафас Шодмонов. Нуҳ кемаси.....</i>	218
<i>Қўчқор Норқобил. Заминдан олис кетма.....</i>	255
<i>Ғафур Шермуҳаммад. Таъзиядаги тўй.....</i>	295
<i>Эркин Норсафар. Тоғ булбулининг сўнгги хониши.....</i>	329
<i>Мафтуна Муҳаммадаминова. Видо кечаси.....</i>	359
<i>Жавлон Жовлиев. Ўрик гуллари.....</i>	378
<i>Ҳуснилло Жомонқулов. Мозордаги бозор.....</i>	397
<i>Ҳуснора Рўзматова. Ялдо.....</i>	418
<i>Обиджон Рўзибоев. Меросхўр.....</i>	437
<i>Бобур Ҳамроев. Устоз.....</i>	472
<i>Қайдлар учун.....</i>	505



Театр, турмушдаги етишмаган ва ор-
тиқча ерларни кўз олдимизга мужассам
этиб кўрсатувчи бир ойнадир... Ёшлари-
мизнинг тарбия ери мактаб бўлса, катта-
ларимизники театрулардир.



Абдулла ҚОДИРИЙ

СЎЗБОШИ

Драматургиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, нодир асарлар уммондан топиб чиқилган дур каби қимматга эга ва улар ҳар доим ҳам учрайвермайди. Янги Ўзбекистон даври, унинг ғоявий ва маънавий мезонлари жамиятнинг барча аъзолари тақдирида аниқ-тиниқ акс этаётгани, табиийки, ижод аҳли, хусусан, драматурглар учун илҳомбахш манбадир.

Бугунги ўзбек драматургияси ҳақида сўз кетганда, театрларимиз репертуарларидаги маълум умумийлик кўз ўнгимизда гавдаланади. Ҳозирги даврда театр санъати зиммасидаги вазифа ҳар доимгидек оғир ва масъулиятлидир. Ҳатто айтиш ўринлики, бугунги кунда бу масъулият аввалгиларидан-да залворлироқ ва мушкулроқ. Интеллектуал ривожланган, техникавий тараққий этган ахборот асрида томошабинларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш осон иш эмас. Драматургиянинг қудрати атоқли олим ва ёзувчи Иззат Султон айтганидек, айнан адабиётга мансублигини йўқотмаган ҳолда сахна ва экранда иккинчи бор туғилиб, яшай олишида.

Республикамиздаги ҳар битта театр жамоаси ўз томошабинига эга. Уларнинг қалбига йўл топиш, руҳий-маънавий куч бағишлаш эса драматург меҳнатисиз амалга ошмайди. Ҳозирда фаол ижод қилиб келаётган драматурглар сафи кенгайиб, улар ўз асарларида замонавий қаҳрамонларнинг ҳаёти, орзу-интилишлари ва давр руҳини акс эттиришга интилмоқда. Драматургия соҳасидаги бу янгиланишлар салмоғи бадиият мезони билан баҳоланиши эса табиий. Бу жиҳатдан ҳозирги вақтда ёзилаётган барча пьесаларни талаб даражасида деб бўлмайди, албатта. Миллий драматургиямиз ютуқлари, аввало, санъатнинг бош мезони – бадиият қонуниятлари билан ҳамоҳанг бўлишида кўринади.

Ҳарқалай, соҳада муайян силжишлар давом этмоқда. Тажрибали драматурглар изидан ёшлар ҳам эргашиб, салоҳиятларини намоён қилишга ҳаракат қилишмоқда. Миллий драматургияда пайдо бўлган, сахна юзини кўрган энг яхши асарларни тўплам ҳолида нашр этиш тажрибаси анъанага айланди. Ўтган йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди кўмагида ёш драматургларнинг асарларидан иборат “Жозиба” ҳамда “Мустақиллик даври ўзбек драматур-

гияси антологияси” нашр этилди. Йиллар ўтиб драматургия-мизда қўлга киритилган натижаларни яна бир марта назардан ўтказиш эҳтиёжи юзага келди.

Қўлингиздаги мазкур тўпلامда сўнги олти-етти йил орасида ёзилган турли жанрдаги драматик асарлар жамланди. Таниқли драматурглар Эркин Аъзам, Ҳайитмат Расул, Шароф Бошбеков, Нафас Шодмонов, Нурилло Аббосхон, Абдуқаюм Йўлдошев, Қўчқор Норқобил, Иброҳим Содиқов, Инъомжон Турсунов ҳамда Эркин Норсафар, Мафтуна Муҳаммадаминова, Ҳуснора Рўзматова, Жавлон Жовлиев, Обиджон Рўзибоев, Ҳуснилло Жомонкулов, Бобур Ҳамроев каби ушбу соҳага кириб келаётган ёшларнинг ижод намуналари драматургия ихлосмандларига яхши совға бўлади, деган умиддамиз. Мазкур пьесаларнинг ҳаммаси ҳам бадиий савия жиҳатидан бирдек эмас ва айримлари жиндек камчиликлардан холи бўлмаса-да, устоз-шогирд анъаналари узилмай давом этаётгани, янги ижодий изланишларга туртки бериши билан аҳамиятлидир.

Бугунги зукко китобхон ва томошабин мазкур тўпلامдаги асарларга, балки, бироз танқидий назар билан қараши ҳам мумкин. Чунки яқин уч-тўрт йил оралиғида бутун дунёда ва жумладан, Ўзбекистонда рўй берган воқеалар тасаввур ва тушунчаларимизни кескин ўзгартириб юборди, десак янглишмаймиз. Ҳаётнинг ўзи воқелик саҳнасига фавқулудда рангин тарихлар ва қаҳрамонларни чиқарди. Уларнинг ҳар бири битта-иккитадан, балки ундан ҳам зиёд роман, қисса, пьеса ва киносценарийлар мавзуси. Кўз қўриб, қулоқ эшитмаган не-не воқеалар бўлиб ўтди. Ҳар бир фуқаро, онгли инсон синовдан ўтди. Синовки, одамийлик синови, инсоний фазилатлар, ватанпарварлик, миллатдошлик, юртдошлик синовлари. Кеча баъзи хатти-ҳаракатларига шубҳа билан қараганимиз айрим касб эгалари синов даврида, аксинча, юксак маънавий хислатларини намоён этдилар. Энг муҳими, улар ўзлари билиб-билмай давримизнинг қаҳрамонларига айландилар. Масалан, порахўр ёки ўз касбига хиёнат қилган, Гиппократ қасамини бузган дея қораланган айрим шифокорлар, тиббиёт ходимлари глобал пандемия шароитида ўз жонини, оиласи, бола-чақасини хавф остига қўйиб бўлса-да, ўзгалар ҳаёти ва соғлиғи учун курашган фидойи қаҳрамонлар бўлиб майдонга чиқдилар. Тиббиёт ходимларининг юзлаб, минглаб вакиллари фуқаролик ва шифокорлик бурчини теран англаган, замона-

мизнинг энг илғор намояндалари бўлиб гавдаландилар. Айни шундай фикрни тадбиркорлар, фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, Миллий гвардия аскар ва зобитлари ҳамда яна қатор бошқа муҳим жабҳаларда ҳалол ишлаган, кечаю кундуз ўз хизмат жойларида жонбозлик кўрсатган инсонлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ана шулар янги-янги асарлар, хусусан, драматургик изланишлар мавзулари ўлароқ китобхон ва томошабинлар томонидан талаб этилиб турибди. Айни шу вазиятда энди каттаю кичик драматургларимиз барчаси ўз ижодий режаларини қайта кўриб чиқмоқлари, янги рўй берган жараён ва қаҳрамонларни қайта идрок этиб, пьесалар ёзмоқлари давр талаби, замон тақозоси бўлиб турибди.

Ана шу қараш ва талаблар турли ёшдаги, турли жабҳалардаги одамлар турмуш тарзида, дунёқарашида қандай акс этаётганлигини реал ифодалаш драматурглардан теран, фалсафий мушоҳадалар, баланд савия ва юксак бадиий маҳоратни талаб қилади. Анъанага кўра, кейинги йилларда китобхонларга тақдим этиладиган тўпламларда янада ранг-баранг, теран инсоний ҳолатлар, кучли эҳтирослар, конфликт ва коллизиялар акс этган драматик асарлар салмоғи кўпроқ бўлади, деган умиддамиз. Бу борада заҳматкаш ижодкорларимизга, уларнинг сафини тўлдираётган ёшларга янги зафарлар тилаб қоламиз.

Шухрат РИЗАЕВ,

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Драматургия (театр ва кино) кенгаши раиси,
филология фанлари номзоди.*

Ҳайитмат РАСУЛ



1937 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Драматург, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби. Унинг “Шоир хаёли”, “Қиёмат кўнғироғи”, “Зухранинг жасорати”, “Муқаддас диёр”, “Ака”, “Суюнчи беринг, одамлар”, “Қуёвнинг омонати”, “Қизи борнинг нози бор”, “Йиғлама, Ғарибим”, “Ўлмасин жайрон”, “Узоқ қишлоқ”, “Муҳаббат султони”, “Пири коинот”, “Муқаддас тахтизар”, “Олтин куз”, “Боши қотган ошиқлар”, “Тили асалим”, “Моҳи Турон” номли элликдан ортиқ турфа жанрдаги драматик асарлари пойтахт ва вилоятлар театрларида сахналаштирилган.

МОҲИТУРОН

*Икки парда ўн кўринишли
тарихий драма*

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

А м и р Т е м у р – Турон ҳукмдори.

Б и б и х о н и м – Амир Темурнинг хотини, сарой бош маликаси.

Д и л ш о д о ғ а –

Н у р м у ш о ғ а –

Ў л ж о й Т у р к о н – Амир Темур никоҳидаги маликалар.

Ш о ҳ р у х М и р з о – Амир Темурнинг ўғли.

У л у ғ б е к М и р з о – Амир Темурнинг набираси, Шоҳрух Мирзонинг ўғли.

Х о н з о д а Б е г и м – Халил Султоннинг онаси.

Х а л и л С у л т о н – Амир Темур набираси.

Ж а ҳ о н С у л т о н – Халил Султоннинг биринчи хотини, энага.

А м и р С а й ф и д д и н – Халил Султон қўшини саркардаси.

Ш о д и М у л к – Амир Сайфиддиннинг канизаги, сўнгра Халил Султоннинг хотини.

О д и л д а р в е ш.

С у л у в Б и к а – Бибихонимнинг чўриси.

О ғ а б е к – шаҳар доруғаси.

Ф а қ и р – косиб.

Б о ш м е ъ м о р.

Я с о в у л л а р.

А м и р в а с а р к а р д а л а р.

К а н и з а к л а р.

Турли юртдан келган меҳмонлар.

Воқеа 1404–1408 йилларда Самарқанд ва Ўтрорда содир бўлади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Кечқурун. Амир Сайфиддиннинг меҳмонхонасида рақсу алёр авжида. Ҳурматли меҳмон сифатида тўрда ўтирган амирзода Халил Султонга қизлар ўртасида рақс тушаётган Амир Сайфиддиннинг канизаги Шоди Мулк гоҳ кўз сузиб, қош қоққанча қайта-қайта табассум қилади, гоҳида хизматкорлар қўлидан шароб тўла қадаҳларни олиб кетма-кет унга тутуди. Халил Султон канизакнинг ҳусну жамолига маҳлиё боққанча қадаҳлардан шароб сипқоради.

Амир Сайфиддин шароб тўла жомни қўлга олиб, зиёфатда ўтирганларга юзланади.

А м и р С а й ф и д д и н. Азиз саркардалару сафдош биродарларим!

Ушбу соатда менинг камтарин ошенимда улуғ шодиёна! Сабаби шулким, Буюк Соҳибқиронимнинг суюкли набираси, шаҳзодаи жувонбахт, келажаги улуғ амирзода Халил Султон зиёфатнинг сабабчиси ва кулбамизнинг азиз меҳмонидурлар! Бул навқирон сиймонинг ботирлигию шоирлиги ҳақда қанчалаб дostonу шеърлар битилганлиги Турону Эронда маълуму машхур! Ҳофизларнинг ноласида анинг хуш номи! Анинг шеърин ким тингларкан, тошур илҳоми! Ҳазалларин ҳар сатрида ўтли муҳаббат! Минг-минг гўзал юрагига ишқдин солур дард! Сўровимиз, шоир Халил Султон муҳаббатдан айтсалар бир шеър?!

Х а л и л С у л т о н. Кўпнинг илтимоси шоирга илҳом. *(Бехтиёр Шоди Муллка боқиб шеър ўқий бошлайди.)*

Соқие, тутгил қадах, бул кунки жонон бундадир,
Не керак сайри гулистон менга, бўстон бундадир.

Менга, эй соқий, майи нобу газак даркор эмас,
Боқки, аччиқ кўз ёши ҳам тотли ширмон бундадир.

Ш о д и М у л к *(ўзини йўқотиб).*

Ёр ўз бағримда-ю, мен жон узар ҳолатдаман,
Қўл солиб бағримни кўргил, тандаги жон бундадир.

Боғ аро беҳудага, эй қумри, чекма нолалар,
Не қилурсан сарвни, сарви хиромон бундадир...

Х а л и л С у л т о н. Шоди Мулк!.. Якто суманбар!..

Ш о д и М у л к. Амирзодам...

А м и р С а й ф и д д и н. Ана, кўрдингизму? Амирзода, шоир Халил Султон шеърларини ҳатто бизнинг канизак қизларимиз ҳам ёд биладур! Қани, қадаҳлар тўла шароби антахур шул улуғ меҳмонимизнинг ҳурмати ҳақи кўтарилсин, бир томчи қолмай!

Қадаҳларга шароблар сузилиб, меҳмонларга тутилади. Шоди Мулк бошчилигида канизак қизлар рақси авжига чиқади. Кетма-кет ичавериб, ўта маст бўлган Амир Сайфиддинни хизматкор суюганча олиб чиқиб кетади. Халил Султон ҳам кетишга шошилади. Шоди Мулк уни бир четга етаклаб, кўзларига узоқ тикилади.

Ш о д и М у л к. Амирзодам! Шоири замоним! Яна қайларга шошаяпсиз! Кўйингизда куйиб, вужуди кулга айланган мен бечора канизакни бунда қолдириб, яна жўнаб қолмоқчимусиз, ўтган сафарги зиёфат чоғидек одатни қўллаб?

Х а л и л С у л т о н. Ўтган сафар... Ўтган сафарги зиёфатда мен... мен...

Ш о д и М у л к. Хуммор эрдингиз! Хўш, бугун-чи, бугун?

Х а л и л С у л т о н. Бугун... Бугун мен маст эрмасмен!

Ш о д и М у л к. Бўлмаса... Бўлмаса, мен бечора канизакнинг тингланг додини! *(Уни саҳнанинг бир бурчагига етаклайди.)* Амирзодам! Ўтган сафарги зиёфат чоғи, “Қайдин, кимдан топса бўлур ошиқлик номли дарднинг давосин?” дея берган саволим эсларидаму?

Х а л и л С у л т о н. Ҳа, ҳа, эсимда!

Ш о д и М у л к. Ўшал саволимға бугун ҳам фақат сиздин жавоб истаймен!

Х а л и л С у л т о н. Ул дарднинг давоси... Унинг давоси... Мана, мен ўзим!.. *(Уни оғушига олади.)*

Ш о д и М у л к. Амирзодам!.. Саркардаи жувонбахт!.. Шоири даврон! Мен... Мен бул дамларни кўп узоқ кутдим!.. Ҳа, ҳа, жуда узоқ!..

Х а л и л С у л т о н. Гапирма, жоним, гапирма!.. Фақат... Фақат кўксимга бошингни кўйиб тингла сени бедор кутган шайдо дилнинг ноласин!

Ш о д и М у л к. “Булбул гул учун қилганда нола,
Дардига дармон бўлғуси лола”.

Х а л и л С у л т о н. Ҳа, ҳа, сен менинг ишқ бўстонимда етилган қирмизи лола! Энди сендин айро тушмоқ мен-чун кўп оғир! Жуда ҳам оғир!

Ш о д и М у л к. Мен учун ҳам... Мен учун ҳам энди сиздин айро яшамоқ – ўлмоқ билан тенг!

Х а л и л С у л т о н. Тангри шоҳид! Эрта-индин “Боғи эрам” сен гўзалга кошона бўлғай!

Ш о д и М у л к. Бир умр сизга чўри бўлиб яшамоқ мен-чун саодат!

Х а л и л С у л т о н.

Бугун лаъли лабинг этди мени то тўйгунча меҳмон,
Тирилмишдир сенинг хушбўй ҳидингдан мурдаи ҳижрон.
Юзинг кўргач, унутдим барча дарду ғам-аламларни,
Кўзингнинг ўқи заҳмидан юрак бағрим эди нолон...

Ш о д и М у л к.

Юзига боқдим оҳиста, менга бахш этди жон ёрим,
Ғараз кони рақиблардан у дардимни қилиб пинҳон...

Х а л и л С у л т о н. Гўзалим... Жоним...

Ш о д и М у л к. Амирзодам... Якто шоирим... Бахтим саркори... *(Бир-бирининг бағрига отиладилар.)*

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Чошгоҳ. Сарой. Улуғ маликаларга хос либос кийиб, беаги юксак ором курсида ўтирган Бибихоним қўлидаги қоғозга асабий ҳолатда тикилган. Унинг қаршисида саркардаларга хос кийинган Халил Султон, Амир Сайфиддин, шаҳар доруғаси Оғабек, шаҳар бош меъмори ва косиб фақирлар қўл қовуштириб, ерга тикилганча туришибди.

Б и б и х о н и м. Хўш, Амир Сайфиддин жаноблари! Фақир косиб томондин ушбу арзномада ёзилган гаплар ростму?

А м и р С а й ф и д д и н. Бизни... Ҳмм... Мени кечиргайлар, ҳазрати олиялари!.. Косибнинг... Бу одамнинг арзномадаги гаплари ёлғон!.. Ҳа, ҳа, бутунлай ёлғон!

Ф а қ и р. Ё алҳазар... Бор-йўғи қирқ газ келадурғон еримдаги экинларни пайҳон қилиб, бола-чақам билан туну кунлар тер тўкиб, кесақдан тиклағон ғарибона уйимни бузиб, текислаб, устига шоҳона қаср қурғон ким? Наҳотки, ҳамманинг кўз олдида содир бўлғон бул машъум воқеани ёлғонга чиқарсангиз?.. Ахир, сизда... Сиз жанобда инсоф, виждон деган... *(Кўз ёши қилганча Бибихонимга термულлади.)*

Б и б и х о н и м. Сўйлангиз, амир! Косибнинг бул гаплари ҳам ёлғонму?

А м и р С а й ф и д д и н. Косибнинг бул даъвосида ҳам асос йўқ!

Б и б и х о н и м. Сабаб?

А м и р С а й ф и д д и н. Чунки... Чунки бу косиб ўлтирғон ер аслида менинг бобомнинг ери бўлғон!

Б и б и х о н и м. Косибнинг ери менга бобомерос денг?

А м и р С а й ф и д д и н. Шундай, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Бул ҳақда бобонгиз сизга қолдирғон васитнома борму?

А м и р С а й ф и д д и н. Аслида... Аслида... Йўғ-у... Аммо қўни-қўшни гапларига қараганда...

Б и б и х о н и м. Беҳуда гапларни бас қилинг, амир! Соҳибқирон йироқдалигидан фойдаланиб, фуқарога жабр ўтказишга ким изн берди сизга? Сизнинг бошқа қилмишларингиз ҳақда ҳам фуқаролардин келаётган шикоятларнинг сон-саноғи йўқ! Одамларнинг пода-пода йилқиларин, сурув-сурув қўй, молларин ўзиники қилиб олишлар, бировларнинг қиз-келинларин зўрлашга сарбозларга йўл қўйиб беришлар, хазинага тушадиган закотларни ўз нафси йўлида ишлатишлар, бори-барчаси сизнинг қилмишларингиз меваси эрмасму, амир? Нега жимсиз?.. Сўйланг, ахир, сўйланг!.. (суқунат) Доруға Оғабек!

О ғ а б е к. Лаббай, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Косиб Фақир шикоятидин, умуман бошқа фуқаролар шикоятидин сиз огоҳмусиз?

О ғ а б е к. Маълум бирларидин огоҳмен! Кўпларидин эрса...

Б и б и х о н и м. Соҳибқирон сизга шаҳар доруғалигин топшираётиб не деганлари хотирингиздаму?

О ғ а б е к. Ҳа, хотиримда, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Ўшанда ул зот не деб эрдилар?

О ғ а б е к. “Шуни унутмаким, шаҳарни гул қилмоқ ҳам, кул қилмоқ ҳам доруғанинг ақл билан иш тутишига боғлиқ!” – дегандилар.

Б и б и х о н и м. Хўш, Соҳибқироннинг ушбу ўгитига хос сиз не ишлар қилмоқдасиз шаҳри азимда?

О ғ а б е к. Қўлимдан келгунча мен, чоқарингиз...

Б и б и х о н и м. Иккита масжид, мадраса қурилиши қай аҳволда?

О ғ а б е к. Бори... Барчаси яхши кетяпти, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Хўш, бош меъмор, бул зотнинг гапларин ростлигин тасдиқлай оласизму?

Б о ш м е њ м о р. Мутлақо йўқ! Масжиду мадраса қурилишига ажратилғон маблағ менинг имзойимсиз неларгадир сарф бўлиб, қайларгадир ғойиб бўлғонига қуявериб, юракларим дардга тўлғон, ҳазрати олиялари!

О ғ а б е к. Ёлғон! Бунинг... Бош меъморнинг бул гаплари мутлақо ёлғон!

Б и б и х о н и м. Мутлақо ёлғон денг?

О ғ а б е к. Ҳа, ҳа! Бутунлай ёлғон!

Б и б и х о н и м. Мен эрса шаҳар кезаётиб, бош меъмор гапларин ҳақлиғин сезгандек бўлдим! Янги қудуқлар қазиишга, йўлу ариқларни обод қилишга, работларни таъмирлашга Соҳибқирон томондин берилган фармон ижроси соз ҳолатда эрмаслиғин шоҳиди бўлдим!.. Хўш, доруға жаноблари, балки сиз бул қилмишлар сабабларин бизга бирма-бир баён қилур-сиз?

О ғ а б е к. Мен... Мен, хом сут эмган банда... Айбимга иқрор-мен, ҳазрати олиялари! Мени афв этгайлар, афв этгайлар, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Ясавулни бунда чорланг! *(Сарбоз ташқари чиқади, ясавул кириб Бибиҳонимга таъзим қилади.)* Амир Сайфиддин ва доруға Оғабекни ҳозироқ шаҳар қозикалони ҳузурига элтинг! Соҳибқирон Самарқандга келгунлариға қадар бул шаввозлар ҳибсда сақлансинлар! Ва шуни ҳам тайинлангким қозикалонга, ушбу косиб Фақир номли фуқаронинг кулбаси ўрниға Амир Сайфиддин томондин қурилғон ҳашаматли қаср косиб ихтиёриға ўтиши ҳақда фармони олий ёзсинлар! Ул фармонга ёлғиз ўзим муҳр босурмен!

А м и р С а й ф и д д и н. Ҳазрати олиялари!.. Ахир... Ахир, бул фармонни... Бул ишингиз...

О ғ а б е к. Менга... Мен осий бандага раҳмингиз келсин, ҳазрати олиялари! Раҳмингиз келсин!

Б и б и х о н и м. Олиб чиқинг буларни! *(Ясавул Амир Сайфиддин билан доруға Оғабекни олиб чиқиб кетади.)* Бош меъмор жаноблари!

Б о ш м е њ м о р. Лаббай, ҳазрати олиялари?!

Б и б и х о н и м. Доруға бажармағон шаҳарни ободонлаштириш юмушлари энди сизнинг зиммангизда бўлғай!

Б о ш м е њ м о р. Амрингиз бошға тож, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Энг аввало, “Боғи Беҳишт” фаввораси қурилишин жадаллаш хотирда бўлсун!

Б о ш м е ъ м о р. Бош устига, ҳазрати олиялари!

Б и б и х о н и м. Сизга рухсат! *(Бош меъмор орқаси билан юриб чиқиб кетади. Бибиҳоним Халил Султонга бесўз узоқ тикилиб қолади.)* Шоир замон, навқирон Саркарданинг ишлари қалай?

Х а л и л С у л т о н. Бари меъёрида, ҳазрати Бибижон!

Б и б и х о н и м. Бироз ҳорғинлик кўргандек бўляпмен юз-кўзларингизда?

Х а л и л С у л т о н. Баъзида шеър... Жанг машқи меъёрдин ошиб кетиб...

Б и б и х о н и м. Балки, шеър, жанг машқи эрмас, қуюқ меҳмондорчилик, кайфу сафолар боисдур бул ҳорғинлиққа?

Х а л и л С у л т о н. Гапингизга тушунмадим, ҳазрат Бибижон?

Б и б и х о н и м. Балки, Амир Сайфиддиннинг, қолаверса, баъзи санамларнинг зиёфатлари боисдур бул ҳорғинлиқларга, демоқчимен! *(Халил Султон бир нима демоқчи бўлади-ю, сўнгра гапиришга журъат қилмасдан ерга боққанча жим туриб қолади. Бибиҳоним қуюниб сўзлашда давом этади.)* Улуғ Соҳибқирон сизни “Шеър ёзишда, жанг қилишда, идрокни жойида ишлатишда, ботирлик бобида ўткир олмосим” деб атаганлари эсингиздин чиқибди чоғи? Сизнинг шоирлигингиз, ботирлигингиз бутун Эрону Туронда дoston. Шаънингизга юз-юзлаб шоирлар қасидалар, ғазаллар битганларидин дунё хабардор! Саркардалиқ ҳурматингиз амирлару сарбозлар аро ҳаддан зиёда! Шундай эркан, сизга берилган юксак мақомлар шаънин ўйлаб иш тутмоқлик бурч эрмасму сизга, амирзода? Сўзларим боисин тушунгандурсиз?

Х а л и л С у л т о н. Тушунгандек бўляпмен, ҳазрат Бибижон!

Б и б и х о н и м. Энди эрса бўлмағур ҳислардин тамом воз кечиб, Соҳибқирони аъло Самарқандга қайтгунга қадар, анинг шаънига бериладурғон тўй тадориғи бошида бўлинг!

Х а л и л С у л т о н. Хўп бўлади, ҳазрат Бибижон!

Б и б и х о н и м. Энди боринг! Савоб ишлар қилиш йўлида яратган Оллоҳим ёрингиз бўлғай! *(Халил Султон чиқиб кетади. Бибиҳоним бироз хаёлга чўмади. Шу пайт Жаҳон Султон кириб келиб таъзим қилади.)*

Ж а ҳ о н С у л т о н. Ассалому алайкум, ҳазрат Бибижон!

Б и б и х о н и м. Ваалайкум ассалом! Келинг, Жаҳоной?..

(Жаҳон Султон ҳиқиллаб йиғлай бошлайди.) Сизга не бўлди, келинпошша? Нега йиғлаяпсиз?

Ж а ҳ о н С у л т о н. Набирангиз Халил Султон хулқи ўзгариб, мени жеркаверадиған қилиқ чиқарди! Ҳафтадурки, шабистонда кўрмаймен ани! Уйқусида қандайин бир аёл номин ғўлдирайди-ю, тўшагидан сапчиб туриб, қайларғадир ғойиб бўладир!.. Ҳурмат шулму набира келин Жаҳон Султонга?

Б и б и х о н и м. Шундай денг?.. Подшо қизин жеркадур денг?..

Ж а ҳ о н С у л т о н. Авваллари бундай қилиқ ёт эрди анга! Гулим, жоним, дея эркалардилар ҳар бир соатда! Энди эрса...

Б и б и х о н и м (ғазабда). Энди эрса чўби ясоқ киритадур ул бетайин, нобакор ақлин!

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Чошгоҳ. “Боғи Биҳишт”да қад қўтарған қаср хонасида Сулув Бика Бибиҳонимни шошилинч кийинтирмақда.

Б и б и х о н и м. Тезроқ шошил, Сулув Бика! Соҳибқирон Самарқандга яқинлаб қолғанга ўхшайди!.. Ана, эшитаяпсанму карнай-сурнай, табиллар овозини?

С у л у в Б и к а. Ҳа, ҳа, Бибим, эшитаяпмен, эшитаяпмен!

Б и б и х о н и м. Югур! Чоп! Саройдаги бори маликаларга хабар қил! Соҳибқирон пешвозига шайлансинлар тез! (Сулув Бика кетади. Халил Султон шошиб киради.)

Х а л и л С у л т о н. Биби! Бибижон! Улуғ бобом Самарқандга жуда яқинлаб қолди! Мен... Мен нима қилай?

Б и б и х о н и м. Сарбозларни жанговар ҳолатга келтиринг! Анинг пешвозига чиқишга бутун қўшин шай бўлсин!

Х а л и л С у л т о н. Хўп бўлади!.. Шоди Мулк ҳам бобомиз пешвозига биз билан бирга чиқсинму?

Б и б и х о н и м. Йўқ! Биз билан бирга набира келин Жаҳон Султон чиқадур бобонгиз пешвозига!

Х а л и л С у л т о н. Шоди Мулкнинг тақдири не бўладур?

Б и б и х о н и м. Шоди Мулк, Шоди Мулк! Бошларга бало бўладур ўшал Шоди Мулк! Сизнинг бул қилмишингиз хусусда Соҳибқирон сўраб қолсалар, мен не деб жавоб қилурмен?! Ўз қилмишингиз ҳақда мен эрмас, Улуғ Амирга ўзингиз жавоб қилурсиз!

Х а л и л С у л т о н. Ахир, мен... Мен, ахир, қандай қилиб...

Б и б и х о н и м. Амирзода, дадил бўлинг! Отланинг! Кетдик Соҳибқирон истиқболига!

Улар ташқарига юришлари билан халқнинг: “Хуш келибсиз Самарқанди шаҳри азимга! Фирдавсмонанд қалъамизнинг кўрки, селовати, бўстонларнинг таровати Сизнинг чашми ёғдунғизга зору мунтазир, эй Соҳибқирон! Сизни қўмсаб халқ соғинчи ҳаддин ошди! Паноҳимиз умрлари зиёда бўлғай! Улуғ амир яшагайлар дунё тургунча!” деган хитоблар ҳар ёқларда акс садо беради.

Чироқ ўчиб-ёнганда биз хона тўрида, махсус ясатилган ўриндиқда ўтирганча Бибихонимга ташна тикилган Амир Темурни кўрамиз. Хона ўртасида эни ярим, узунаси бир газ келадиган, қўйма олтиндан ясалган устал ҳар тарафга шуъла таратиб турибди. Унинг устида китоб қўйиладиган олтин лавҳ. Усталнинг тўрт бурчагига ихчамгина олтин найзалар банд қилинган. Усталга ёндош қўйилган катта сандиқ қопқаси очиқ ҳолатда. Сандиқ ичидан таралган жавоҳирот ёғдуси кўзни қамаштиради.

Амир Темур ва Бибихоним бир-бирларидан узоқ муддат кўз узолмайдилар.

А м и р Т е м у р. Соғинч мени тамом қилди, Биби, Бибижон!

Б и б и х о н и м. Етти йил айрилиқ оловларида мен ҳам куйиб кулга дўндим, Соҳибқироним!

А м и р Т е м у р. Йўқ, йўқ, кулга эрмас, атри дил яшнатар гулга дўнибсиз, гулчеҳра Биби!

Б и б и х о н и м. Бул мақтовлар дил дардимға дармон, Амирим! Хуш келибсиз! Сафо келибсиз Бибихоним ошёнасиға! Соҳибқироним ташрифлариға жонлар тасаддуқ!

А м и р Т е м у р. Ушбу сандиқ тўла жавоҳирот – лаълу олмослар бори-барчаси биздин Сизга совға бўлғай, Мулки Саройим!

Б и б и х о н и м. Олис айрилиқдин сўнг Сизнинг омон қайтишингиз Самарқанди фирдавсмонандға, мен учун ҳар қандай совғадин минг бор аъло, Соҳибқироним!

А м и р Т е м у р. Сиз каби оқила хилқат олдида мен фақир тамоман ожизмен! Бир сиқим хокмен, Биби, Бибижон!.. Сизнинг идрокингиз ҳосиласи: “Эски дарахтлар ўрнига янги кўчатлар ўтқазинг” – деган, фақат менгина тушунадиган сирли ўгитингиз, мени жангга чекинишдан фориг қилиб, ёв устидан ғолиб келишимго ундағонидин, ёким Тўхтамишнинг кетидин ту-

шуб, Олтин Ўрдада тўхтаб, сарбозларга емиш топишда, аларга маош тўлашда ночор ҳолатга юз тутганим чоғ: “Емишу маблағ соб бўлғон эрса, сиёсатингиз ҳам соб бўлдиму? Шундай эркан, сарбозлар еяётган моллар ошиқин қарз ўрнида гаровга қўйинг!” дея нома орқали берган сабоғингиз мушкул аҳволимга чек қўйғонидин сиздин ҳамон бошим осмонда, Биби!

Б и б и х о н и м. Сизнинг шодлигингиз мен учун чексиз саодат, Амирул аъло!

А м и р Т е м у р. Ушбу олтин устал Дамашқ аҳлидин Сизга то қиёмат инъом этилди! Усталнинг тўрт бурчагидаги олтин найзалар бул қадри юксак туман бойликни ҳимоя қилғуси ҳар қандай ёвдин!

Олтин устал устидаги бул тилла лавҳдин китобул муқаддас “Қуръони Карим” бир умр жой олғай яқин кунларда! Шул сабаб бул олтин устал “Тахти Қуръон” дея аталгусидир!

Б и б и х о н и м (*ҳаяжонда*). “Тахти Қуръон?”

А м и р Т е м у р. Ҳа, Биби, “Тахти Қуръон!”

Б и б и х о н и м. Ё Раббим!.. Демак... Демак, ушбу биҳиштий кулба тоабдағи “Қуръони Карим” шуъласидин мунаввар бўлғай?

А м и р Т е м у р. Иншоолло, Бибим, иншоолло!

Б и б и х о н и м. Ани қайдин келтирурсиз, ҳазрат Амирим?

А м и р Т е м у р. Хуросондин! Ани бунда яқин кунларда етказур кўз қароғи Шоҳрух Мирзонгиз!

Б и б и х о н и м. Ул китобнинг... Ўғлимиз Шоҳрух Мирзонинг йўллариға кўзлар нигорон!

А м и р Т е м у р. Қани, энди сўз очсинлар Самарқанди фирдавсмонанд аҳволотидин?

Б и б и х о н и м. Улуғ Амир ҳимматларидин Самарқандда ободонлик ғоят зиёда!

А м и р Т е м у р. Яқин кунлар қулоғимга битта сўз етди! Амирзода Халил Султон қандайин бир...

Б и б и х о н и м. Ҳа, ўшал сўз рост, Амирим! Набирамиз Халил Султон барчамизни иснодға қўйди! Сизу биздин берухсат Амир Сайфиддиннинг Шоди Мулк отли канизагини ўз никоҳига...

А м и р Т е м у р. Нима? Ўз никоҳига?..

Б и б и х о н и м. Шундай, Амирим!

А м и р Т е м у р. Ёлғон десам, ул муждалар ростмиди ҳали? Сарбозларга буюринг! Топиб бунда келтиришсин ўшал беюз шармандаларни! (*Бибихоним ташқарига чиқиб, яна қайтиб*

кирди. Соҳибқирон ғазабда.) Соҳибқирон салтанатин иснодга қўймоққа аларга ким йўл қўйди, ким? О, Амир Темур, Амир Темур, наслу насаб тарбиятида хатоликка қачон йўл қўйдинг? Хушёрликни қачон бой бердинг?

Ясавул Халил Султон билан бошига рўмол ёпинган Шоди Мулкни бошлаб киради. Халил Султон ўзни йўқотган ҳолда Соҳибқирон оёғига йиқилади.

Х а л и л С у л т о н. Бобо!.. Бобожон!.. Ҳазрат бобожон!.. Мени... Бизни кечиринг, азиз бобожон! Сўраймен, кечиринг!..

А м и р Т е м у р. Тур ўрнингдан!.. Қўзларимга яхшилаб қара!.. Сен кимнинг насли, кимнинг фарзандисен?

Х а л и л С у л т о н. Амир Темур Кўрагон наслидин!.. Мироншоҳ Мирзо фарзандимен!

А м и р Т е м у р. Йўқ! Ёлғон! Ёлғон!.. Мироншоҳ Мирзони тилинга олма! Тилга ола кўрма!.. Анинг руҳин чирқиллатма, кўрнамак фарзанд! Ушбу санам сенга ким бўладур?

Х а л и л С у л т о н. Бобо!.. Бобожон!..

А м и р Т е м у р. Ким бўладур деяпмен сенга?

Х а л и л С у л т о н. Бул қиз... бул... бул... Ани ўзидин сўранг!

А м и р Т е м у р. Хўш, гапир, хоним!

Ш о д и М у л к. Мен... Мен... Набирангиз... Набирангиз... Амирзода Халил Султоннинг... Амирзоданинг...

А м и р Т е м у р. Наслингдин гапир!

Ш о д и М у л к. Наслим... Асли зотим... Отам темирчи. Онам... Онам Соҳиб бой эшигида чўри бўлиб...

А м и р Т е м у р (*Халил Султонга*). Насли пастлар зурриё-дига меҳр қўйишга сени нима мажбур қилди, амирзода?

Х а л и л С у л т о н. Ишқ, муҳаббат мажбур қилди, ҳазрат бобожон! Севги мажбур қилди!

А м и р Т е м у р. Кўрагон насли ҳар бир нарсанин, ҳатто муҳаббатдин ҳам авлоди қонин юксак қўйишин наҳот унутдинг?

Х а л и л С у л т о н. Кечиринг, бобо! Мени... Бизни кечиринг!

А м и р Т е м у р. Амир Темур Кўрагоний фармони! Соҳибқирон сулоласин қонин булғанган, Амирзода Халил Султонни сеҳру жодулаб, анинг никоҳига ўтган ушбу жодугар... дорга тортилсин!

Х а л и л С у л т о н. Йўқ, йўқ, бобожон! Фармондин кечинг! Сўраймен, кечинг фармондин! Ундай қилманг! Ундай қилманг, бобожон!

А м и р Т е м у р. Гуноҳкор Халил Султон эрса ҳозироқ тор-

тилсун чўби ясоққа! Айбдорлар олиб чиқилсин! *(Сарбозлар Халил Султон билан Шоди Мулкни олиб чиқишади.)*

Б и б и х о н и м. Йўқ, тўхтанг! Тўхтанглар!.. Мени афв этгайлар, Соҳибқироним! Ул қизни ҳозир ўлдирмоқ мумкинмас!

А м и р Т е м у р. Сабаб?

Б и б и х о н и м. Анинг бўйида бор! Уч ойлик ҳомиласи бор набирангиз Халил Султондин!

А м и р Т е м у р. Ҳомиласи бор?

Б и б и х о н и м. Ҳа, ҳомиласи бор!.. Ўшал ҳомила томирларида Соҳибқирон наслин қони оқмоқда! Шул сабаб канизакни асло ўлдириб бўлмас! *(Амир Темур узоқ ўйга чўмади.)*

А м и р Т е м у р. Анда не қил дейсиз менга?

Б и б и х о н и м. Ўшал бахтиқаро қизга жони омонлиқ беришингизни тилаймен, Улуғ Амирим?

А м и р Т е м у р. Жони омонлиқ денг?

Б и б и х о н и м. Ҳа, жони омонлиқ тилаймен сиздин ўшал ночорға?

А м и р Т е м у р. Ҳмм... Сўнг пушаймон қилмайсизму бул ишингиздин?

Б и б и х о н и м. Йўқ, мутлақо, Соҳибқироним!

А м и р Т е м у р. Майли, Сиз сўраркансиз, ўшал беўй канизакка жони омонлиқ берганим бўлсин!

Б и б и х о н и м. Ташаккур!.. Минг бор ташаккур сизга, Амирул аъло! *(ташқарига қараб)* Канизак ўлим жазосидин озод этилсин! *(Амир Темурга қулиб боққанча)* Саховатпеша, Сиз яхшилик офтобидин менга инъом бўлғон зако бойлиги қарзин қачон адо айлагаймен, Соҳибқироним?

А м и р Т е м у р. Битта табассуми гўзал хилқатнинг сандиқ-сандиқ жавоҳирлар нархидин минг бора қиммат эрконин наҳот билмасалар, Моҳи Туроним?

Б и б и х о н и м. Моҳи Турон?

А м и р Т е м у р. Йўқ, йўқ! Моҳи Турон деган ном ҳам Сизга камлик қиладур! Балки... Балки Офтоби Турон...

Б и б и х о н и м. Йўқ, асло! Моҳи Турон деган номга ҳам арзимагаймен! Аммо Офтоби Турон деган ном фақат муносибдир ҳазрат Соҳибқиронга!

А м и р Т е м у р. Хўш, билсак бўлурму Моҳи Туроннинг Офтоби Туронга яна қандай, не гаплари бор?

Б и б и х о н и м. Гаплари бисёр Моҳи Туроннинг!

А м и р Т е м у р. Қулоқлари Сизда Соҳибқироннинг!

Б и б и х о н и м. Энди бизни соғинч ўтига ташлаб ҳеч қайларга кетмасалар, Амирул аъло?!

А м и р Т е м у р. Кетмасалар денг?.. *(узоқ сукунат)* Бунинг асло иложи йўқ, ойчеҳра Биби!

Б и б и х о н и м. Нега, ҳазратим? Хўш, нега?

А м и р Т е м у р. Хитой “ўлпон бер” дея сайрашдин толмас. Мен аларга ўлпон тўлаш нелигин кўрсатиб қўймоққа “Қуръони Карим” дин қасам ичганмен! Қасамни бузмоққа ҳаққим йўқ асло! Ул томон юришни тез бошламоқдин бошқа илож йўқ!

Б и б и х о н и м. Бошқа илож йўқ денг?

А м и р Т е м у р. Ҳа, асло илож йўқ!

Б и б и х о н и м. Анда мен ҳам Сиз ила бирга кетурмен! Энди айролиққа асло тоқат йўқ менда!

А м и р Т е м у р. Соҳибқирон мақсуди ҳам худди шул, Биби! Ой ила Кун бир бўлмоғи олий саодат!

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўтрор. Намозшом. Атрофда бўрон-изғирин. Амир Темур ётган ўтов олдида турган Бибихоним ўта ҳаяжонда.

Б и б и х о н и м. Нега бунча увиллайсан, изғирин?.. Йироқларга чекин, юзларимга ураётган қор учқунлари! Эй Яратган, Соҳибқирон дардларига ўзинг шифо бер! Олий мақсудларга етмоқ йўлида анга мададкор бўл! Сўравим сендин, андин мурувватинг дариғ айлама! Сафоли кунларга қайта дувчор қил!.. Омонлик бер! Омонлик бер ҳазрат султонга!

Я с а в у л. Соҳибқирон сўрайдурлар сизни, ҳазрат маликам! *(Ўтов ичи ёритилиши билан, ёстиқларга суяниб ўтирган Амир Темур олдида Бибихоним кириб боради.)*

А м и р Т е м у р. Келинг, Биби... Безовталиқ сизни дилгир қилмуш чамамда?

Б и б и х о н и м. Безовтамен изғирин, қор бўронин тинмаслигиндин!

А м и р Т е м у р. Ҳали-вери тинмас чамамда, қай бир зотнинг ноласиға ҳамоҳанг бўрон!

Б и б и х о н и м. Соҳибқироним... *(Кўз ёши қилганча унинг ёнига чўккалайди.)*

А м и р Т е м у р. Илтимосим, Моҳи Турон йиғламоқни бас айлағайлар!

Б и б и х о н и м. Улуғ Амир...

А м и р Т е м у р. Энди... Энди... Сиз ила видолашмоқ пайти келди, чамамда, Биби!

Б и б и х о н и м. Ундай деманг! Ундай деманг, Амирул аъло!

А м и р Т е м у р. Яратган чорларкан ўз хузурига, анинг сари йўл олмоқдин бошқа илож йўқ!

Б и б и х о н и м. Юрагимни қийма қилманг, ҳазрат Амирим!

А м и р Т е м у р. Сиз или хур яшаб, юрт кезган дамлар, мен учун энг саодатли онлар эрди, билсангиз, Биби! Бўстонларда бирга яйраб сайр айлағон соатларда мен бечора ўзни ожиз билиб моҳтоб олдида, бир Мажнуний хокисорға дўниб қолар эрдим!.. Бир замонлар навқирон, гулқомат Сарой Мулк Хоним ёнимга ўлтуриб, буюк муҳаббатдин ёна-ёна дoston сўйларкан, мен ўшал дostonдин маст-аласт бўлиб, ўзни кўрар эрдим арши аълода!

Б и б и х о н и м. Етар, Амирим, етар!.. Мени ўртаманг! Ўртаманг!

А м и р Т е м у р. Энди барчасиға алвидо, жоним!.. Мендин рози бўлинг, ойчеҳра Биби!

Б и б и х о н и м. Йўқ, йўқ, ҳазратим! Ундай деманг! Ундай деманг!.. Ҳали сиз... Ҳали мен сиз билан...

А м и р Т е м у р (*ясавулга*). Энди саркардаларни чорлангиз бунда!.. (*Ясавул Саркарда, амирларни бошлаб киради.*) Азизларим! Садоқатли кўмондонларим! Англаб турибманки, руҳ куши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи! Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман. Сизларни анинг лутфу марҳаматига топширдим! Оби дийда қилиб ўлтирманглар! Оху нола чекманглар! Чунки бундин фойда йўқ. Руҳимни фотиҳа ва такбир билан шод айлағайсиз! Мен сиздин розиман! Сизлар ҳам мендин рози бўлғайсиз! Яхшилаб тингланг! Шу кундин эътиборан набирамиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси қилиб тайинладикким, Самарқанд тахти анинг амри фармонида бўлғай! Саркардаларим, Пирмуҳаммад Жаҳонгирга итоат омини этингиз!

С а р к а р д а л а р. Омин! Итоатдамиз! Итоатдамиз! Оллоҳу акбар!

А м и р Т е м у р. Энди боринглар! Тангри сизга ёр бўлсин!.. (*Саркардалар чиқишади. Соҳибқирон Бибиҳонимга беҳол тикилади.*)

Б и б и х о н и м. Амирим...

А м и р Т е м у р. Моҳим... Биби... Мендин... Мендин... (*ҳолсизлана бошлайди*) “Ла-илаҳа Иллаллоҳ!..”

Б и б и х о н и м. Оҳ... Соҳибқироним... (*кўкка қўл чўзиб*) Эй Сен, Яратган! Сўровим сендин! Жон керакса, мана, менинг жонимни ол! Аммо... Аммо қайта жон ато эт Соҳибқиронга! Ялинамен! Жудо қилма элни Офтобзамондин! Жудо қилма бахтдан олам аҳлини! (*Бибихоним кўкка боққанча илгари юриши билан саҳна айланишда давом этади.*) Ҳазон қилма саодатнинг таянчин! Нега жимсан, эй сен, курраи олам! (*пауза*) Энди не кечадир замоннинг ҳоли? Туронзамин қай алпоз кун кечирур сенингсиз, Амирул аъло? Салтанатнинг тоғ-таянчи сен эрдинг!.. Бахт карвонин карвонбоши сен эрдинг! Сени мендин сўраб қолса ўзинг камол қилғон жаннат бўстонлар, сўраб қолса, қайдалигинг давру давронлар, мен аларға не деб жавоб қилгум, Соҳибқироним? (*узоқ сукунат*) Фирдавсмонанд Самарқанднинг кўксига қалқон ким бўлур энди? Ҳар ёқлардан бул жаннат заминга ташна кўз тиккан ёвларга мардона зарба ким берур энди? Энди юртга бош бўладир қайси фарзандинг? Қайси фарзанд тинглашга шай элингнинг дардин? Шул дард қайғусида оташда ёнадир юрагим менинг! (*Одил дарвеш бош эгганча Бибихоним ёнида пайдо бўлади.*)

О д и л д а р в е ш.

О, ул эрди олам аҳлин томирда қони!

Эрка ташна инсонларнинг номус, виждони.

Иншоолло, ҳеч чопишдан тўхтамас тулпор!

Анга жой бер жаннатингдан, Якто Биру бор!

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Саройда шодиёна авжидида. Олтин тахтда ўлтирган Халил Султон жуда шод. Унинг ёнида тик оёқда турган Амир Сайфиддиннинг кайфи чоғ. Рақс тушаётган канизак қизлар бот-бот қадаҳларга майлар куйиб, турли юртлардан келиб, шодиёнада қатнашаётган меҳмонларга тутадилар. Меҳмонлар маст. Маликаларга хос кийинган Шоди Мулк гоҳ меҳмонларга тавозе қилиб, гоҳ уларни ўйинга тортади. Саҳнанинг ўнг бурчагида яшириниб ўтирган Бибихоним, чап бурчагида ўтирган Жаҳон Султон бир-бирларига боққанча, унсиз кўз ёши қилиш билан банд. Канизак қизлар рақси яна ҳам жозиба касб этади.

А м и р С а й ф и д д и н. Турли юртлардан зиёфатга ташриф этган азиз меҳмонларнинг қадамлариға минг-минг ҳасанотлар бўлғай!

Султони аъло шаънига достону қасидалар битгон озарбайжонлиқ шоир Гунаш ҳам бугунги улуғ зиёфатимиз меҳмонидурлар! Эндиги сўз навбати Озарбайжон булбули, шоир Гунаш ўғилларга! Марҳамат!

Г у н а ш.

Санин васфинг деюра зўр забон йўх,
Қиличингдин ғанимлара омон йўх.

Сан гўзал моҳ ишқида мисли Мажнун,
Лайли ёринг кибин гаши камон йўх.

Оташ ўғлон эрур оламда одинг,
Санин бастинга данг бир паҳлавон йўх.

Гунаш айдар ҳузурингда эгиб бош:
Санингтеқ очунда чўх хушзабон йўх.

(“Офарин!” ва “Тасанно!” деган олқишлар.)

Б и р и н ч и м е ҳ м о н. Ботирларнинг ботири, саркардаларнинг гули, Соҳибқирон бўстонининг булбули, подишо, шоир Халил Султондин муҳаббат ҳақда ўзлари битган битта ғазал ўқишларин сўраймиз! *(Кетма-кет қарсақлар ва “сўраймиз” деган овозлар.)*

Х а л и л С у л т о н *(ўрнидан туриб, Шоди Мулкка боққанча виқор-ла шеър ўқий бошлайди.)*

Юз жон фидо нозингга, жонимни олди нозинг,
Гар қайта ўлдирурсан, мен бунга ишқибозинг.

Воқиф эмас сирингдан кўйингдаги кишилар,
Бир дил фақат хабардор, маҳрам билур у розинг.

Чангни садога келтир, эй, ҳофизи хушовоз,
Халил, ёнингда ёринг, баланд эрур парвозинг..
(“Офарин”, “Тасанно” деган овозлар.)

Х а л и л С у л т о н. Энди эрса тақдирлаш маросими бошлансин!

Чокарлар олтин-кумушлар тўла сандиқларни кўтариб келиб саҳна ўртасига қўядилар. Шоди Мулк ҳам маликаларга хос ҳаракатлар билан сандиқдаги олтин-кумушларни бошқа мамлакатдан келган вакилларга тарқата бошлайди. Совға бериш маросими анча вақт давом этади. Бул мурувватдан бошлари

осмонга етган меҳмонлар Шоди Мулкни даврага олиб, рақс тушадилар. Шоди Мулкнинг совға улаштириши бир неча марта қайтарилади. Малика энди меҳмонлар устидан дуру гавҳарлар соча бошлайди. Шу тақлид қатор-қатор сандиқлар бўшаб қолади. Шоди Мулк бўшаб қолган сандиқлар устига чиқиб хитоб қилади.

Ш о д и М у л к. Соҳибқирон Амир Темурдин қолғон беҳисоб бойлик қанча юрту элатларга тортиқ қилинса ҳам, асло-асло тугамағай! Соб бўлмағай ҳеч бир айёмда!

Х а л и л С у л т о н. Соҳибқирон авлодлари ҳимматларидин олам аҳли саодатга эришур бешак!

Одил дарвеш кириб, кўз ёши қилганча, ғамнок Бибихоним ёнига чўккалайди.

О д и л д а р в е ш.

Юрак дош бермағай бундай ситамға,

Фалак отмуш бизни дарёи ғамга.

Нечун барвақт кетдинг, Соҳибқироним?

Санингсиз зулматға дўнди давроним...

Бибихоним ва Жаҳон Султон йиғлашганларича бир-бирининг бағрига отиладилар.

Ш о д и М у л к. Қани, шодиёна давом этсин токи тонг қадар!

ИККИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Амир Темур вафотидан сўнг орадан уч йил вақт ўтган. Олтин тахт раҳига қўлини қўйиб, тик турган Халил Султон асабий ҳолатда. Унинг ўнг ёнида турган Хонзода Бегим ва чап ёнида турган Шоди Мулкларнинг ҳам асаблари таранг.

Х а л и л С у л т о н. Уҳ, Биби, Биби... “Халил Султон тахтни эгаллаб, биринчи қилғон иши бобоси хазинасини қоқлаш бўлди” деган гапни ҳарамдаги хонимлару канизакларга дoston қилди денг?

Х о н з о д а Б е г и м. Ҳа, дoston қилди, дoston қилди!

Ш о д и М у л к. Дoston қилиши ҳам гапму, сурнай қилди, карнай қилди, ноғора қилди, десангиз дуруст бўларди! Ҳа-

рамдаги ўша Сарой Мулка... Сизнингча айтганда, ўша Биби-хонимга ўхшаш эрсираган маст байталларни битта-битталаб саркардаю навкарларга бериб юбориш керак, дея мен айтгон гап маъносини энди англаб етдиларму, Султони доно?

Х о н з о да Б е г и м (*кесатиб*). Собитликни бой бераркан ҳар қандай Султон, анинг ҳар қадамда қоқилмоғи муқаррар бешак! Салтанатни сақлаш йўлида Соҳибқирон барпо қилгон ҳаёт мактабидин баҳра олишни ўзингизга эп кўрмайсиз чоғи, Султони аъло? (*Ясавул киради.*)

Х а л и л С у л т о н. Сўйла, не гап?

Я с а в у л. Хуросонга Сиз йўллагон Хуфя ташриф қилдилар!

Х а л и л С у л т о н. Кирсин! (*Ясавул чиқиши билан Хуфя кириб таъзим қилади.*) Гапир!

Х у ф я. Бир қошиқ қонимдин кечғайлар, шоҳим! Хуросон Султони Шоҳрух Мирзо лашкари бул томон юришга бутунлай шай қилингон!

Х а л и л С у л т о н. Шай қилингон?

Х у ф я. Шундай, шоҳим!

Х а л и л С у л т о н. Юришнинг аниқ куни белгиланганму?

Х у ф я. Ани аниқлашга имкон бўлмади, шоҳим!

Х а л и л С у л т о н. Чиқ!.. Жўна!.. Жўна!.. Ҳой ясавул, тезда саркардаларни машваратга чорланг! Амирларни жадалланг бунда!

Я с а в у л. Саркардалар, амирлар Самарқандни тарк этишган!

Х а л и л С у л т о н. Тарк этишган?

Я с а в у л. Шундай!

Ш о д и М у л к. Нима учун, ахир?

Я с а в у л. “Подшоликдин хизматга яраша ҳақ олмадик” деб!

Х а л и л С у л т о н. Зудликда аларни қайда бўлса ҳам ахтариб топиб, Самарқандга қайтаринг! Хазиналарда нимаики қолгон бўлса, йиғиб бунда келтиринг!

Я с а в у л. Хазиналарда ҳеч нима қолмагон!

Х а л и л С у л т о н. Ҳеч нима қолмагон? (*Шоди Мулка еб қўйгудек тикилиб*) Шундайму, малика? Энди нима қиламиз? Хўш, нима қиламиз энди?

Ш о д и М у л к. Фуқародан зудликда солиқ ундирмоқ керак!

Я с а в у л. Фуқаро чўнтагида ҳам ҳеч вақо қолмагон!

Х а л и л С у л т о н. Ҳой малика, бул қандай гап? Шунча хазинадаги жавоҳирот, олтин-кумушларни нима қилдингиз, а? Нима қилдингиз?

Ш о д и М у л к. Нима қилардим! Ироққа кетди! Ажамға кетди! Ҳиндистону Озарға кетди!

Х а л и л С у л т о н. Нима учун, ахир? Нима учун?

Ш о д и М у л к. Нима учун бўларди! Сизнинг, юртнинг осойишталигини сақлаш учун!

Х а л и л С у л т о н. Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! Сен ани бошқа мақсадда йўқ қилғонсен! Ҳа, ҳа, бошқа мақсадда!

Ш о д и М у л к. Жим бўлинг! Тилингизга эрк бераверманг! Кимнинг тили узун бўлса, ани кимлардир кесиб ташлашларини ҳам унутманг, Султон!

Х о н з о д а Б е г и м. Нима?

Ш о д и М у л к. Андин кўра сиз неча минглаб сарбозларни таъминлашга етадиғон, Соҳибқирон томонидин Бибиҳонимга инъом этилғон “Пинҳон хазина”ни қўлга киритиш йўлини ўйланг!

Х а л и л С у л т о н. Ани минг йилда ҳам қўлга киритиб бўлмайди! Анинг қаерда пинҳонлигини Бибидин бошқа ҳеч ким билмайди!

Ш о д и М у л к. Сиз эрса, шоҳим, шундай тадбир қўлангким, Бибиҳоним ўз нозик қўллари билан Султони аълоға ўша “Пинҳон хазина” калитини тутқозғонин сезмай қолсин!

Х а л и л С у л т о н (*ясавулга*). Бош малика Бибиҳоним ҳазрати олияларини бунда чорлаб келтиринг!

Ясавул ташқари чиқади. Кулоҳ кийиб, зўрға оёқда турган Одил дарвеш кириб келади.

Х а л и л С у л т о н. Одил дарвеш? Бунда сени ким қўйди? Нега келдинг?

О д и л Д а р в е ш. Нон тилаб келдим!

Ш о д и М у л к. Нега энди келиб-келиб подшодин нон сўрашинг керак, бойлардин, савдогарлардин эрмас?

О д и л Д а р в е ш.

Савдогарнинг моли касод,

Оч қолғонлар қилурлар дод.

“Аҳволимиз ёмон”, – дейди,

“Бўлур охир замон”, – дейди.

Хазиналар бўм-бўш эмиш,

Соб бўлибди юртда эмиш.

Дарвешлар ҳам бўлди тамом,
Ҳеч ким бермас бир бурда нон.

Бунда келдим ноилождан,
Оҳ, қорин оч, чиқай дер жон!..

Ш о д и М у л к. Кўздин йўқотинг бул тентакни!

Навкар кириб уни судраб олиб чиқиб кетиши билан Бибихоним кириб келади.

Б и б и х о н и м. Ассалому алайкум!

Х о н з о д а Б е г и м. Ваалайкум ассалом! Хуш келибсиз...

Б и б и х о н и м. Хушвақт бўлсинлар!

Ш о д и М у л к. Соҳибқирон ҳарамдаги маликаю канизакларнинг аҳволлари қалай, доно Бибижон?

Б и б и х о н и м. Кесатишдин ўзни тийинг, “гўзал” малика!

Х о н з о д а Б е г и м. Сиз ҳам маликага дўқ қилишдин ўзни тийинг, Сарой Мулк хоним!

Ш о д и М у л к. Бибихоним денг, онажон! Ахир, бул ном Бибимизга совға эрур бобомиз Амир Темурдин!

Бибихоним Шоди Мулкка нафрат-ла узоқ тикилади-ю, сўнг-ра ўзини босиб Халил Султонга юзланади.

Б и б и х о н и м. Бизни сўротғон эрканлар, ҳазрати Султон?

Х а л и л С у л т о н. Ҳарамдаги бева маликаларга: “Халил Султон тахтни эгаллаб, биринчи қилғон иши бобоси хазинасини қоқлаш бўлди” деганингиз ростму, Бибижон?

Б и б и х о н и м (*Хонзода Бегимга маъноли қараб*). Сизга бул муждани кимлар еткизди?

Х а л и л С у л т о н. Ростму деяпмен?

Б и б и х о н и м. Ҳа, рост! Бори рост!

Х а л и л С у л т о н. Анга асосингиз борму?

Б и б и х о н и м. Албатта, бор!

Х а л и л С у л т о н. Сўйланг бўлмаса!

Б и б и х о н и м. Ани, мендин кўра мана бу гўзал маликангиз Шоди Мулкдин сўрасангиз яхши бўларди?!

Ш о д и М у л к. Мендин?

Х о н з о д а Б е г и м. Шоди Мулкдин?

Б и б и х о н и м. Ҳа, Шоди Мулкдин!

Х а л и л С у л т о н. Тушунмадик.

Б и б и х о н и м. Нега тушунмайсиз? Салтанатнинг тақдирини қўлга олиб, Соҳибқироннинг бор хазинасини елга со-
вирғон ким?

Ш о д и М у л к. Бул қандайин тухмат менга? Нега жимсиз, хукмдор? Гапиринг, ахир!

Б и б и х о н и м. Шошманг! Шошилманг, хоним! Ҳали мен гапларимни тугатганим йўқ!

Х о н з о д а Б е г и м. Гапингизни қисқа қилинг, Биби!

Х а л и л С у л т о н. Йўқ! Гапирсинлар! Малика ва мен яна қандай гуноҳлар қилғон эрканмиз?

Б и б и х о н и м. Малика Шоди Мулк ва Сиз, Халил Султон, барча амирлару келгиндиларни ўзимизга қарам қиламиз дея хазиначилар эшигини аларға равон очиб қўйдингиз! Бесаноқ саркардалар, аслзодалару элчилар аҳли туну кунлар Сизлар қилғон базми жамшидда иштирок этиб, бошлари чиқмади шаробхўрликдин! Хўш, бул янглиғ хангомалар нелар эвазига дунёга келди? Балки, Соҳибқирондин қолғон хазиначилардаги жавоҳирлар эвазигадир?

Ш о д и М у л к. Ҳой Биби, бу қандай гап? Сиз... Сиз ҳали бизни...

Б и б и х о н и м. Ўзингизни босинг, малика!

Х о н з о д а Б е г и м. Ҳаддингиздан ошяпсиз, Сарой Мулк Хоним!

Б и б и х о н и м. Мен Соҳибқирон ҳарамининг бош маликаси Бибахонимман, ҳурматли Хонзода Бегим! Қаршингизда, уч йил ичида битта қолмай шамолға созурилғон хазиначиларга юраклари куйиб, кулга айланган Бибахоним турғонин унутманг! Агар... Агар бутун дунё халқи котибларга айланиб, Соҳибқирон Самарқандга йиққан бойликларнинг йиллар давоми ҳисобини олганларида, алар ақалли битта хазинанинг ҳам ададига ета олмағон бўлардилар!.. Хўш, қани? Энди қайга кетди ўша хазиначилар? Юртда тобора ошиб бораётғон муҳтожликлар сабабчиси ким?.. Не сабаб фуқаронинг уст-боши юпун? Қоринлари оч? Алар, ахир, Соҳибқирон подшолигида ҳар жиҳатдин таъминланғон зотлар эрди-ку?

Х а л и л С у л т о н. Биз неки иш қилғон бўлсак фуқаронинг, мамлакатнинг тинчин ўйлаб қилдик!

Б и б и х о н и м. Мол-дунёси йўқ, халқи қашшоқ мамлакат ҳеч қачон тинч бўлолмайди, Ҳазрати Султон! Тинчлик замирида тўқлик, бойлик ётишини ҳам унутманг!

Х а л и л С у л т о н. Хўш, сўйлайверинг! Биз яна қандай гуноҳ ишлар қилғон эрканмиз?

Б и б и х о н и м. Сиз ҳали ўз қилғон гуноҳларингизни ўзин-

гиз билмайсиз, чамамда? Улуғ бобонгиз Амир Темур никоҳи-даги Тумон оғони, ўшал дуру гавҳар, гўзал марваридни тош билан тенг қилиб, Шайх Нуриддиннинг ифлос кўйнига тиққан ким? Ахир, ул маликаи ғариб Сизга она мақомида эрди-ку?

Ш о д и М у л к. Подшоҳ Халил Султоннинг оналари битта! Ул ҳам бўлса, мана, ёнларида ўлтирғон Хонзода Бегим! Бошқа онага муҳтож эрмаслар! Энди сиз ҳам гапларимни яхшилаб эшитиб олинг, Сарой Мулк Хоним! Хоҳласак... Хоҳласам, ҳарамдаги текинхўр Дилшод оғонгизни ҳам, Нурмуш оғо, Ўлжой Туркониғизни ҳам дуч келган бек, дуч келган сарбознинг кўйнига тиқиб қўямен!

Б и б и х о н и м. Ё алҳазар!.. Қайтаринг, нима дедингиз?

Ш о д и М у л к. Қайтариш шарт эрмас!.. Ростин айтсам, энди Сиз ҳам ортиқчасиз бул салтанатда!

Б и б и х о н и м. Эй Худо, қайлардин келяпти бул машъум овоз? Мабодо зимистон қаъридин эрмасму бул сас?

Ш о д и М у л к. Кесатманг, Хоним! Унутманг, ҳақиқат доим аччиқ бўлади! Ҳали ёшсиз! Гўзалликда якто санамсиз! Кимлар қарамайди сизга, билсангиз!

Б и б и х о н и м. Эшитяпсизму, амирзода? Бул қандай ҳақорат? Ҳурмат шулму Соҳибқирон ёстикдошиға? Нега жимсиз? Сўйланг! Мен сизга руҳан онаман-ку? Сўйланг дедим!

Х а л и л С у л т о н. Маликадин ортиқ айтар сўзим йўқ!

Б и б и х о н и м. О, қайдасиз? Қайлардасиз, Соҳибқироним? Қандайин чидаймен бул ҳақоратларга? Қандай чидаймен?

Ш о д и М у л к. Соҳибқирон руҳин безовта қилманг! Имдод ҳам кутмангиз андин энди сиз! Наҳот англамайсиз марҳумлар аҳли баъзи калондимоғ тирик мурдаларга мададға келолмас-лигин?

Б и б и х о н и м. Тирик мурда менму ёким сен танноз?

Х а л и л С у л т о н. Маликани ҳақорат қилманг, Биби!

Б и б и х о н и м. Оҳ, Бибихоним, Бибихоним, ўшанда нега адашдинг, нега? (*Шоди Муллка*) Мен ўшанда сенинг “уч ойлик ҳомилам бор” деган ёлғон сўзингга ишониб, Соҳибқирондин сенга жони омонлиқ тилаганимда, айтғон эрдилар: “Келажакда бул қилғон ишингдин пушаймон емайсенму”, – деб!

Ш о д и М у л к. Ўтмиш ортда қолди! Ҳозир анга қайтиш шарт эрмас! Андин кўра Сиз тахт вориси, валиаҳд Халил Султон ва бизнинг ёнимизда туриб...

Бибихоним. Валиаҳд Халил Султонмас!

Шоди Мулк. Ким бўлмаса?

Хонзода Бегим. Ким экан у?

Бибихоним. Пирмуҳаммад Жаҳонгир!

Шоди Мулк. Пирмуҳаммад?

Халил Султон. Пирмуҳаммад энди йўқ! У ўлган!

Бибихоним. Сизнингча, ўлган! Бизнингча, у тирик!

Халил Султон. Тирик?

Бибихоним. Ҳа, тирик!

Халил Султон. Бўлмаса, нима қилиб турибсиз бу ерда?

Жўнанг ўшал тирик Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг олдига!

Хонзода Бегим. Жўнанг!

Шоди Мулк. Жўнанг!

Хонзода Бегим. Жўнанг!

Шоди Мулк. Жўнанг!

Халил Султон. Жўнанг!

Ўзини йўқотган ҳолатда Амир Сайфиддин киради.

Амир Сайфиддин. Султоним!.. Ҳазрати Султон!..

Халил Султон. Сўйла, яна нима гап?

Амир Сайфиддин. Шум хабар, Султоним! Шоҳрух Мирзо йигирма минг суворийси билан Жайхундин кечиб ўтиб, Самарқанд сари жадал от суриб келаётганмиш!

Бибихоним *(Амир Сайфиддинга)*. Ўлиминг яқинлабди-да, иблис?

Халил Султон *(таҳликада)*. Тамом! Ҳаммаси тамом! Энди не қилурмиз? Не қилурмиз энди?.. *(Бибихонимнинг олдида тиз чўкиб)* Биби!.. Бибижон!.. Сўраймен, ялинамен, ҳазрати Модар! Тўхтатинг!.. Бул томон юришдин тўхтатинг Шоҳрух Мирзони!.. Шаштидин қайтаринг, онажон! Шаштидин қайтаринг!..

Бибихоним. Ногаҳонда кўкда чақнаган чақинни ортга қайтаришга қодир Илоҳий қудрат йўқ менда!

Шоди Мулк. Демак... Демак, Сизнингча, Шоҳрух Мирзо кўкда чақнаган чақин? Ул томондин бул томон сўнган оловкор яшин, шундайму?

Бибихоним. Ани, ул зот бунда етиб келғоч, ўзларидин сўраб билурсиз, “доно малика!” *(Ташқари сари юради, Шоди Мулк унинг олдини тўсади.)*

Шоди Мулк. Йўқ!.. Тўхтанг!.. Ҳозироқ Шоҳрух Мирзога ортга қайтиш ҳақда нома жўнатиб, “Пинҳон хазина”нинг қайдалигини айтмагунингизча, бу ердин омон чиқиб кетолмайсиз!

Б и б и х о н и м. Майли, Шоҳрух Мирзога нома жўнатганим бўлсин! Аммо ул нома ортга қайтиш ҳақда эрмас, амирзоданинг бул ёққа зудликда етиб келиши ҳақда бўлади!

Х а л и л С у л т о н. Зудликда етиб келиши ҳақда?

Б и б и х о н и м (*Шоди Мулка*). Сиз тилга олғон хазина эрса менинг қалбим тўрида пинҳон! Қурбингиз етса, суғуриб олинг Бибиixonимнинг юрак тўридин!

Х а л и л С у л т о н. О, Биби, Бибижон... Наҳот бизни ажал ўтиға ташлаб, яхшилик тилайсиз бегоналарга?

Б и б и х о н и м. Ким-кимга бегона, яхшилаб ўйланг!

Х а л и л С у л т о н. Энди бизга имдод йўқму ҳеч бир кимсадин?

Б и б и х о н и м. Ҳар ким экканин ўрадур, “Султони доно!”

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Ғубор босган хонада Амир Темур бевалари Дилшод оғо, Нурмуш оғо, Ўлжой Турконлар тушкун, бир-бирларига суяниб ўтирганларича аста куйлашмоқда.

У ч о в и.

Қачон етгай буюк зотға фиғонлар,
Анингсиз ёнмоқда қалб аро жонлар.

Ёруғ олам биз учун, оҳ, зимистон,
Бизни ташлаб кетди Темур Хоқонлар.

Ўшал ондин кўзларда ёш, бағир қон,
Қаршимизда ҳатто чўлдир гулистон...

Д и л ш о д о ғ о (*оғир бир дард билан*). Қуёш пинҳон ўлғондин сўнг анинг қадри ойга ўтаркан! Бир замонлар дарёдек тошқин кўнгил, ул зот боқий оламға кетғоч, чўкиб адо бўлди!

Йўлларига қарай-қарай, оҳ, толди кўзлар!

Заъфаронға дўниб қолди гул каби юзлар!

Н у р м у ш о ғ о. Оқшомлари ою юлдузларға боқиб ёлба-рамен, биз соғинғон Соҳибқирондин хабар бер, дея... Аммо нолишларим самоларда қолур муаллақ! Шул сабабдин туну кунлар оҳ чекамен, оҳ!..

Ў л ж о й Т у р к о н. Гулустонда кезаётиб қандайин бир излар кўрамен! Балки, бизни йўқлаб юрғон Амиримнинг изларидур дея хаёл сурамен! Аммо... Аммо ўшал излар биз ёққа эрмас, бошқа ёққа равонлигин кўруб, алам дарёсида йиғлаб сузамен!..

У ч о в и. Қайлардасиз?.. Қай ёқдасиз, биз кутган инсон?.. Дарак беринг! Дарак беринг, бағримизни айламасдин қон!

Улар ҳар ёқларга умидвор тикиладилар. Ўша пайт оқ либосларга чулғаниб, елкасига камонлар осганча, учта ихчамгина ғилдиракли сандиқчаларни ғилдиратиб, улар сари келаётган Амир Темур руҳи кўзга ташланади. Аёллар унинг пешвосига шошадилар.

У ч о в и. Улуғ Амир. Буюк Соҳибқирон! Хуш келибсиз! Сафо келибсиз муштипарлар кошонасига!

Амир Темур Маликаларни бағрига босганча узоқ мuddат бесўз туриб қолади. Сўнг ҳар биттасини сандиқчалар устига ўтқазиб, қўлларига камон тутқазганча яна орқасига қайтиб кета бошлайди. Ўша пайт шиддат билан саҳнага кириб келган Шоди Мулк Маликаларнинг қулоқ-бўйинларидаги қимматли тақинчоқларга чанг солиб, ҳаммасини ечиб олади ва бир томонга қараб “киринг” ишорасини қилиши билан Амир Сайфиддин ва икки сарбоз кириб келиб, ҳар бири маликалар қаршисига тўхтайдилар.

Ш о д и М у л к. Марҳамат, танланг!

Маликалар “Соҳибқирон!” деганларича бир неча марта хитоб қиладилар. Юксакка қўтарилаётган Амир Темур ортига ўгирилиб, хитоб қилади.

А м и р Т е м у р. Отинг! Ўлдилинг! (Бибихоним пайдо бўлади.)

Б и б и х о н и м. Отинг! Ўлдилинг!

Маликалар камонларга ўқ жойлаб, Амир Сайфиддин ва сарбозларга ўқталиши билан улар қочиб чиқиб кетишади. Маликалар Шоди Мулкка камон тўғрилайдилар.

Ш о д и М у л к. Йўқ, йўқ!.. Отманглар!.. Ўлдирманглар!.. Ўлдирманглар!..

Маликаларнинг бўйинларидан ечиб олган тақинчоқларни улар томон ирғита бошлайди.

Ш о д и М у л к. Мана, олинг!.. Олинглар!.. Отманглар!.. Ўлдирманглар!.. Ўлдирманглар!.. (Саҳнадан қочиб чиқиб кетиши билан туюқлар товуши ва табиللар садоси тобора яқиндан қулоққа чалинади. Юксакда турган Амир Темур руҳи йироқларга тикилади.)

А м и р Т е м у р. Шоҳрух Мирзо?!

Б и б и х о н и м. Шоҳрух Мирзо?!

М а л и к а л а р. Шоҳрух Мирзо!.. Шоҳрух Мирзо!.. Шоҳрух Мирзо!.. (Улар илгарига дадил қадам ташлайдилар.)

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна олди, атроф ғубор ҳолатда. Ташвишга тушган Амир Сайфиддин пайдо бўлади.

А м и р С а й ф и д д и н. Ётиб қолгунча отиб қол, Амир Сайфиддин! Умринг давомида олтин тахт ишқида азоб чекдинг! Энди мақсудга етмоқ пайти келди, чамамда... Бул жумбоқни қандай, қай йўл билан ҳал этмоқ бўлур? Қай йўл билан?.. Аҳ-ҳа, балки, бул жумбоқни ҳал қилмоққа Шоди Мулкни, собиқ канизагим, гўзал Шоди Мулкни алдаб, авраб кўндиришга ҳаракат қилсам-чи?.. Ҳа-ҳа... Шундай қиламен! Албатта, шундай қиламен!.. *(Амир Сайфиддин шошилинч кетиши билан, ғамнок ҳолатда Жаҳон Султон кўзга чалинади.)*

Ж а ҳ о н С у л т о н. Юрагимда ғулғула, кўрқинч? Бул оқшом Султон ҳақида ўйлайвериб мижжа қоқмадим! Нега безовтамен? Халил Султон, Халил Султон... Илк бор кўнгил қўйғон умр йўлдошим... Сен бир онлар қароғимда макон тутғон шунқорим эрдинг! Мурғак кўнгил ҳимматингдин нурафшон эрди! Мажнун ишқида куйиб кул бўлғон Лайли санам тақлид севардим сени! Аммо мени сендин жудо қилди беюз маккора! Лек дилдаги сенга бўлғон соф муҳаббатим ҳамон ўзинг сари ундайди мени! Сенинг омонлигинг саодат менга... Вой, бунда кимдир келяпти... *(Саҳна бурчагидаги парда ортига бекинади. Зум ўтмай, безовта Шоди Мулк пайдо бўлади.)*

Ш о д и М у л к. Тақдирингни ўзгартирмоқ пайти келди, Шоди Мулк! Бардам бўл! Олтин тахт ишратбоз Халилникимас, сеники бўлиши керак! Ҳа, фақат сеники! Ох, қандай мароқли яккаҳокимлик! Яккаҳукмдорлик қўлингга теккач, бутун олам эгилади сенинг пойингга! Қаршингда тиз чўкиб не-не даҳолар мудом шай турурлар фармойишингга! Энди сен ўласен, ланж Халил Султон! Сенинг қасдингда бунда келётғон Шоҳрух Мирзо эрса менинг макр тузоғимга илинур бешак! Менинг бир қарашмам кифоя анга! Оқибат Шоди Мулк олтин тахт эгаси, юрт маликаси! *(Илгари қадам ташлаши билан парда кўтарилиб, томошабинга терс ўгириб шеър машқ қилаётган Халил Султон кўзга чалинади. Шоди Мулк секин у сари юради. Жаҳон Султон парда ортидан чиқиб, унинг ҳаракатини кузатади. Шоди Мулк ёнидан ханжар олиб, Халил Султонга яқинлаша боради.)* Шеър ишқида... Оромдасен... Беоромлик фақат малика Шоди

Мулк чекига тушган!.. Энди сенга маскан бўлғай йўқлик олами... *(Шоди Мулк Халил Султонга ханжар урмоқчи бўлган пайт Жаҳон Султон у томон интилади.)*

Ж а ҳ о н С у л т о н. Тўхта, маккора!

Ш о д и М у л к. А?!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Халил...

Х а л и л С у л т о н *(сесканиб)*. Нима? Нима гап?..

Шоди Мулк Жаҳон Султон томон ханжарни улоқтиради.

Ш о д и М у л к. Жаллод... Азроил... Ушланг уни, ушланг!

Х а л и л С у л т о н. Жаллод?

Ш о д и М у л к. Ҳа!.. Мана бу жаллод хотин Сизни ана у ханжар билан...

Х а л и л С у л т о н. А?

Ш о д и М у л к. Бул азроил Сиз томонга пусиб келиб...

Х а л и л С у л т о н. Тезроқ гапир!

Ш о д и М у л к. Ўлдирмоқчи бўлди!

Х а л и л С у л т о н. Мени?

Ш о д и М у л к. Ҳа, Сизни!

Х а л и л С у л т о н *(ғазабнок)*. Жаллод!.. *(Жаллод киради.)*
Мана бу хотин ҳозироқ дорга тортилсин!

Ш о д и М у л к. Тезда олиб чиқинг бул одамхўрни!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Тўхтанг! *(Халил Султонга)* Бир оғиз гапим бор сизга!

Х а л и л С у л т о н. Сен, азроил гапин тинглашдин ҳазар қиламен! Олиб чиқинг! *(Саҳна айланиб, томошабин кўз олдида дор пайдо бўлади. Жаҳон Султон жаллод қузатувида сиртмоқ тагида тўхтайдди.)*

Х а л и л С у л т о н. Охирги сўзингни айт!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Охирги сўзим... Муҳаббат, севги ва садоқатни жаллод кўлиға бериб, бир тубан кимсага айлангон андишасиз шоҳларнинг, беюз маккораларнинг бул ёруғ жаҳондин зимистон қаърига, йўқлик оламига кетишларин истаймен! Алвидо, бегуноҳ бечораларнинг додиға етишдин ғафлатда қолгон бевафо дунё! Алвидо, муҳаббат номли сафоли гулшан! *(Жаллод Жаҳон Султон бўйнига сиртмоқ солган пайт Бибихоним билан Сулув Бика саҳнага отилиб кирадилар.)*

Б и б и х о н и м. Тўхтанг! Тўхтатинг жазони! Сиртмоқни олинг маликанинг бўйнидин! *(Жаллод сиртмоқни ечади. Бибихоним Жаҳон Султонни бағрига босади.)* О, шўрлик малика...

Агар... Агар яхши одамлар бизга бул ёвузлик хабарин етказмаганда, хазон бўлур эрди вафо бўстонида камолға етган яна бир беғубор ғунча!

Ш о д и М у л к. Сиртмоқдин нега бўшатдингиз ани? Бул захарли илон ўлимға маҳкум! Султон ҳаётиға қасд қилмоқчи бўлгон жирканч аждарға асло шафқат йўқ!

Б и б и х о н и м. Кимки гуноҳкор, албатта, анга ҳеч бир кимсадин асло шафқат бўлмағай! “Қуръони Карим”ни бунда бер, Сулув Бика!.. (Жаҳон Султонга “Қуръони Карим”ни тутқазиб) Каломулладин онт ичинг, Малика! Сиз ҳақмусиз ёким йўқ?!

Ж а ҳ о н С у л т о н. “Қуръони Карим” урсин, минг бора ҳақмен! Султон жониға қасд қилиш фикридин у дунё-бу дунё йироқмен, Биби!

Б и б и х о н и м (“Қуръони Карим”ни Шоди Мулка чўзиб). Малика, энди Сиз ҳам онт ичинг!

Ш о д и М у л к. А?.. (“Қуръони Карим”га беихтиёр қўл чўзади-ю, сўнгра ўзини орқага олади.) Йўқ, йўқ... Мен... Мен... Покмен... Ҳақмен... Ҳақмен...

Б и б и х о н и м (Унга “Қуръони Карим”ни тутганча устига бостириб бора бошлайди.). Ушланг! Онт ичинг!

(Шоди Мулк орқага чекинаётиб нимагадир қоқилиб йиқилади.) Жаллод, нега қараб турибсиз? Дорга тортинг бул маккорани! (Жаллод Шоди Мулк сари юра бошлайди, Халил Султон жаллоднинг олдини тўсади.)

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Парда олдида Шоди Мулк ва Амир Сайфиддин шошилнч пайдо бўладилар.

А м и р С а й ф и д д и н. Нима гап, Маликам?

Ш о д и М у л к (Унга қоғоз тутқазди.). Тез ўқинг!

А м и р С а й ф и д д и н (Қоғозга кўз югуртириб, қўркувга тушади.) Ё Раббий... Мен... Мен бу ишни... Бу ишни...

Ш о д и М у л к. Ўчиринг овозингизни! Жон керак бўлса... Боринг! Киришинг тез!.. (Чироқ ўчиб-ёниб, парда кўтарилиши билан энага дод солганча ичкаридан чиқиб келади.)

Э н а г а. Вой-дод, Малика! Қайдасиз, Жаҳоной? Қайлардасиз? Бу ёққа чиқинг! Чиқсангиз-чи тез! (Шошганча Жаҳон Султон кўринади.)

Ж а ҳ о н С у л т о н. Нима гап, энага? Нима гап?

Э н а г а. Шаҳзода... Шаҳзода... Саид Аъло... Саиджон...

Ж а ҳ о н С у л т о н. Гапир тез!

Э н а г а. Бешиқда йўқ!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Нима?

Э н а г а. Шаҳзода бешиқда йўқ!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Нималар деяпсиз? Нелар деяпсиз? *(Ичкарига чопиб кириб, яна қайтиб чиқади.)* Қайда у? Саид Аълом қайда? Гапир! Қайда?

Э н а г а. Анга... Анга овқат қиламен деб ошхонага... ошхонага киргандим... қайтиб чиқсам... қайтиб чиқсам, бешиқда йўқ!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Оҳ... Болам! Болажоним! *(Хушсиз йиқилади.)*

Э н а г а. Ҳой, ким бор? Кимлар бор? Бу ёққа чиқинглар! Чиқинглар тезроқ! *(Ўзини ҳовлиққандай кўрсатиб Шоди Мулк чиқади.)*

Ш о д и М у л к. Нима гап, энага? Нега додлайсан? *(хушсиз ётган Жаҳон Султонга кўзи тушиб)* Не бўлди анга?

Э н а г а. Жаҳоной... Хушсиз... Хушсиз... Шаҳзода Саид Аъло бешиқдан... Бешиқдан ғойиб бўлди!

Ш о д и М у л к. Ғойиб бўлди?

Э н а г а. Ҳа, ҳа! Ғойиб бўлди!

Ш о д и М у л к. Сув олиб чиқ! Тез бўл! *(Энага ичкарига чопиб кириб идишда сув олиб чиқади.)* Унга бер! *(Идишдан Жаҳон Султоннинг юзига сув сепди, у кўзини очиб, Шоди Мулкка тикилади.)*

Ж а ҳ о н С у л т о н. Ўғлим қани? Қани ўғлим? Шаҳзодам – Саид Аълом қани? Қани?

Ш о д и М у л к. Мен сендан сўраймен! Қани шаҳзода? Нима қилдинг ани? Хўш, нима қилдинг? Ҳой Амирзода! Ҳазрати Султон! Бу ёққа чиқинг! Чиқсангиз-чи тезроқ! *(Ҳовлиққанча Халил Султон чиқади.)*

Х а л и л С у л т о н. Нима гап?

Ш о д и М у л к. О, Султоним, шаҳзодадан... Шаҳзода Саид Аълодан айрилиб қолганга ўхшаймиз!

Х а л и л С у л т о н. А? Нима бўлган шаҳзодага? Нима бўлган?

Ш о д и М у л к. У бешиқдан ғойиб бўлган! Ўғирланган!

Х а л и л С у л т о н. Ўғирланган?

Ш о д и М у л к. Ҳа, ўғирланган! Меросхўримиз... Меросхўрингиз ўғирланган! О, бахтимиз қаро бўлганга ўхшайди, Султоним! Пешонамиз шўр бўлганга ўхшайди, Ҳазрати Султон!

Х а л и л С у л т о н. Ҳой энага, ўғлим қани? Нима қилдинг, уни, а? Нима қилдинг?

Э н а г а. У бешиқдан... Уни бешиқдан...

Х а л и л С у л т о н. Ким ўғирлаган, ким?

Э н а г а. Кимлигини кўролмадим! Билолмадим!

Ж а ҳ о н С у л т о н (*Шоди Мулка ташланади.*) Уни сен ўғирлагансан! Сен! Ўғлимни топиб бер! Саид Аъломни топиб бер, ўғри! Топиб бер! Топ! Топ!

Ш о д и М у л к. Ҳой Султон, кўряпсизми? Бу.. бу манжа-лақи тухмат қияпти менга! Тухмат қияпти!... Аслида болани ўғирлагон, шаҳзодани йўқ қилгон бул асроилнинг ўзи, ҳа, ўзи!

Х а л и л С у л т о н (*Жаҳон Султонга*). Шундайму, алвасти, шундайму?

Ш о д и М у л к. Бул ёвуз хотин Сиздан қасд олиш учун шаҳзодани... Меросхўрни... Меросхўрингизни ўзи йўқ қилиб, шодлигингиздан, ягона суюнчиғингиздан айирмоқчи бўлгон. Шу йўл билан Сизнинг наслингизни бутунлай қуритиб, юрагингизга дард солмоқчи бўлгон!

Х а л и л С у л т о н. О, жаллод хотин, асроил хотин, нелар қилиб қўйдинг?! Не қилиб қўйдинг?

Ж а ҳ о н С у л т о н. Ишонманг! Бул азозилнинг гапларига ишонманг, Султон, ишонманг!

Х а л и л С у л т о н. Анинг гапларига ишонмай, сен ёвузнинг гапларига ишонайму? Сен асроилнинг гапларингга ишонайму? Ёлғизгина қувончимдан айирдинг мени! Энди мен сени... Сен асроилни энди мен бутун тахту бахтдан жудо қиламан! Сен... Сен ушбу соатдан менга уч талоқсан! Уч талоқсан!

Ж а ҳ о н С у л т о н. Бахтдан жудо бўлғонимга ачинмай-мен, Шоҳ! Ачинмаймен талоқ қўйганингга ҳам! Аммо... Аммо ёвузларнинг макрига учиб, ёлғонни рост дея бўйнингга тумор қилғонингга ачинамен! Ҳақиқатни бой берғонингга ачинамен!

Х а л и л С у л т о н. Ўғитингга муҳтож жойим йўқ, олчоқ! Ҳой, ясавул!

Я с а в у л (*чиқиб*). Лаббай, Султоним!

Х а л и л С у л т о н. Сарой аҳлин тезда оёққа турғаз! Зудликда соқчи қўй дарвозаларға! Амир қайда! Амир Сайфиддин қайда?

А м и р С а й ф и д д и н (*кўриниб*). Бундамен, Шоҳим!

Х а л и л С у л т о н. Шаҳзода... Чақалоғимиз Саид Аъло бешиқдан ўғирлангон!

А м и р С а й ф и д д и н. Ё Тангрим!.. Нелар деяпсиз, шоҳим? Нелар деяпсиз? Ахир, анинг онаси?.. Энагаси?..

Х а л и л С у л т о н. Алар ғафлатда қолғанмушлар!

А м и р С а й ф и д д и н. Ё алҳазар!.. О, бу қандай кўргулик биз учун, ҳазрат Султоним! Қандай кўргулик биз учун, Ҳазрат Султоним! Қандай кўргулик!

Х а л и л С у л т о н. Энагани олиб чиқиб, жаллодга топширинг!

А м и р С а й ф и д д и н *(энагага)*. Қани, юр, алвасти!

Э н а г а. Менда гуноҳ йўқ!.. Мен... Мен... Жаҳоной... Малика...

Ж а ҳ о н С у л т о н. Энагага тегманг! Ўлдирсангиз, мана, мени ўлдилинг!

Х а л и л С у л т о н. Олиб чиқинг! *(Амир Сайфиддин энагани судраганча олиб чиқиб кетади.)* Бу жаллод хотин эрса бадарға қилинсин дашту сахрога! *(Жаҳон Султон энтикканча илгари юриши билан Халил Султон ва Шоди Мулклар турган жой ғуборлашиб, Жаҳон Султоннинг юзи ёритилади.)*

Ж а ҳ о н С у л т о н. Қайлардан ахтарай, сени, ёлғизим? Бошгинамни урай қай гўшаларга? Кимлардан сўроқлай сени, болам-а?.. Қуёш янглиғ юзларингни соғиндим! *(томошабинга)* Шаҳзодамни, Саид Аъло ўғлимни сизлар кўрмадингларми?.. Қош устида тарикдайин холи бор! Қиқир-қиқир... тилларида боли бор! Наҳот кўрмадинглар болажонимни? Оҳ, шунқорим, мен онангни ҳасрату ғамда қолдириб, наҳот қайтмас бўлиб парвоз қилдинг йироқларга сен? *(эсини йўқотиб)* Ана!.. Ана!.. Эшитяпсизми?.. Унинг овозини эшитяпсизми?.. “Онажоним, мен бундаман!” деяпти!.. “Меҳрибоним, мен бундамен!” деяпти! Ёмонлардан нари тур, болам! Шамоллардан нари тур, болам! Кел! Оғушимга, кела қол, жоним! Онанг томон кела қол, жоним! Дарёларга отма ўзингни! Ёвузларга сотма ўзингни! Оҳ, ёлғизим, ёлғизгинам-а... Қани, қўлингни чўз! Қўлларингни чўз суянчим! Энди не қиламен? Не қилгум энди, оҳ? *(Ҳушидан кетиб йиқилади.)*

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Шаҳар сари бостириб келаётган Шоҳрух лашкарларининг шовқин-сурони атрофни қуршайди. Ваҳимага тушган Амир Сайфиддин, Халил Султоннинг беш-олтита навқари, сўнгра жанговар либосда, қилич яланғочлаган Халил Султон билан Шоди Мулк кўрқинч ҳолатда саҳна олдида пайдо бўладилар.

Х а л и л С у л т о н. Бўш келманг, лочинларим! Бўш келманг!

А м и р С а й ф и д д и н. Ёяндозлар, ўқларга заҳар суртинг! Қалқонларни шай қилинг!

Ш о д и М у л к. Ёвни ўтказманг! Ўтказманг бунда!

Х а л и л С у л т о н. Дарвозаларга қулф солинг! Қулфланг тезда!

А м и р С а й ф и д д и н. Найзабозлар, сафни зич ҳолда ушланг!

Ш о д и М у л к. Мадад! Мададга! *(Саҳна айланиши билан Халил Султон, Шоди Мулк ва Амир Сайфиддин Бибиҳонимнинг олдига кириб борадилар).*

Х а л и л С у л т о н. Ёрдам беринг, Биби! Ёрдам беринг! Душманнинг, Шоҳрухнинг олдини тўсинг! Самарқандга кирмасин! Киритманг ани, киритманг!

Ш о д и М у л к. “Пинҳон хазина” қайдалигин айтинг ҳозироқ! Калитини беринг! Беринг деяпмен!

Х а л и л С у л т о н. Нега жимсиз, Биби? Нега жимсиз?

Ш о д и М у л к *(Бибиҳонимга бақиради)*. Хазина калитини берасенму ёки йўқ?

Б и б и х о н и м. Йўқ!

Ш о д и М у л к. Бер! Бер дедим!

Б и б и х о н и м. Йўқ!

Ш о д и М у л к *(Амир Сайфиддинга)*. Мана бу сандиқни олиб чиқинг!

Б и б и х о н и м *(унинг йўлини тўсиб)*. Сандиққа қўлингни теккизма, малъун!

Ш о д и М у л к. Мана сенга малъун! *(Бибиҳонимнинг кўксига ханжар санчади.)*

Б и б и х о н и м. Оҳ... Азроил... Шоҳрух Мирзо!.. Болагинам, қайдасан?.. Қайлардасан?

Жанг сурони яқиндан эшитилади. Халил Султон талвасада.

Х а л и л С у л т о н. Нималар қилиб қўйдинг, ҳой жаллод хотин?! Ана Шоҳрух!.. Шоҳрух...

Улар қиличларини шай қилган пайт Шоҳрух Мирзо отилиб киради.

Ш о ҳ р у х. Аҳ-ҳа, бундамисиз, хоин, иблислар?..

Халил Султон, Амир Сайфиддин ва Шоди Мулк Шоҳрухга ташланади. Улар ўртасида қиличбозлик жанги бошланади. Бироздан сўнг Шоҳрух Мирзо уларнинг қиличларини уриб ерга ту-

ширади.) Олиб чиқинг бул мурдорларни! *(Иккита сарбоз уларнинг қўлларини қайирганча олиб чиқиб кетишади.)*

Б и б и х о н и м *(азобда тўлғониб)*. Шохрухим... Арслоним...

Ш о ҳ р у х. Биби... Бибижон... Оҳ, бу қандай кўргулик? Бул ханжар билан ўша учта азроилнинг ҳам жонларини жаҳаннамга йўллаймен, жаҳаннамга!..

Б и б и х о н и м. Соҳибқирон айтғон муқаддас китоб “Қуръони Карим” қайда?

Ш о ҳ р у х. Олиб кириг “Қуръони Карим”ни!

Иккита сарбоз катта ҳажмдаги “Қуръони Карим”ни кўтариб киришлари билан Бибиҳоним ўзида бошқача бир куч сезиб, ўрнидан туради-ю, Муқаддас китобни сарбозлар қўлидан олиб бағрига босади.

Б и б и х о н и м. Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим!

(Олтин устал устидаги тилла лавҳга авайлабгина “Қуръони Карим”ни кўяди.) Бул китобул муқаддас Соҳибқирон салтанатин офтоби бўлиб, кўп асрлар саховат нурин таратғай жумла оламға!

Ш о ҳ р у х. Иншоолло, Бибижон, иншоолло!

Б и б и х о н и м. Улуғим... Улуғбегим... Бухородан... Бухородан...

Ш о ҳ р у х. Улуғбек Бухородан Самарқандга яқинлаб қолди, Бибижон! Яқинлаб қолди!

Б и б и х о н и м. Кечикмаса бўлди... Кечикмаса...

(Ташқаридан Улуғбекнинг “Қайдасиз, Бибижон? Қайдасиз, модар” деган овози эшитилади.) Бундамен, жоним... Бундамен, кўзим...

(12 ёшлик Улуғбек отилиб киради.)

У л у ғ б е к. Биби!.. Бибижон!..

Б и б и х о н и м. Улуғим... Келдингми лочиним?.. Келдингми, жоним болам?..

У л у ғ б е к. Сизга нима бўлди, моможон? Нима бўлди?

Б и б и х о н и м. Бул сенга! Бобонг Соҳибқирондин... “Пинҳон хазина” калити! Ул... Ул хазина “Боғи биҳишт” фавворасин остида пинҳон! *(Ҳолсизлана бошлайди.)* Улуғбегим!.. Султоним болам!.. Сенга... Сенга тахту давлат муборак бўлсин!

У л у ғ б е к. Момо!.. Моможон!.. Ҳазрат моможон!

Б и б и х о н и м. Ла-илаҳа иллаллоҳ... *(Жимиб қолади.)*

Ш о ҳ р у х. Онажон!.. Ҳазрати модар!

У л у ғ б е к. Моможон!.. Ҳазрат моможон!..

*Одил дарвеш ғамнок ҳолатда кириб келиб, майит ёнига
чўккалайди.*

О д и л д а р в е ш.

Йиғла, олам, сўнди Турон Моҳтоби,

Мотамға кел, коинотнинг офтоби!

Оҳ, не айлай, Ҳумо кетди бу элдин,

Ёниб битди садоқатнинг китоби...

ПАРДА

Эркин АЪЗАМ



1950 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг Журналистика факультетини тамомлаган. Адибнинг “Чироқлар ўчмаган кеча” (1977), “Отойининг туғилган йили” (1981), “Олам ям-яшил” (1984), “Жавоб” (1986), “Байрамдан бошқа кунлар” (1988), “Пақананинг ошиқ кўнгли” (2001), “Кечикаётган одам” (2002), “Шовқин”, “Эрталабки хаёллар” каби роман, қисса ва ҳикоялардан иборат китоблари нашр этилган. “Талваса ёхуд жаннат ўзи қайдадир”, “Фаррош кампирнинг туши”, “Танҳо қайиқ ёхуд девонанинг орзуси” каби пьесалари Республика театрларида сахналаштирилган. Асарлари асосида “Эркак”, “Дилхирож”, “Забаржад”, “Паризод” каби бадиий фильмлар суратга олинган. Э. Аъзам айни чоғда “Тафаккур” журнали бош муҳаррири.

ТАНҲО ҚАЙИҚ ЁХУД ДЕВОНАНИНГ ОРЗУСИ

Орол бободан драматик ривоят

Баҳодир Йўлдошевнинг
турткиси билан,
Баҳодир Йўлдошевга
атаб ёзилган.

РИВОЯТДА НАҚЛ ЭТИЛМИШЛАР:

Орол бобо.
Амет.
Жумабой.
Тиловберган.
Генжамурод.
Ўтаган махсум.
Қалимбет.
Гулхадича.
Роҳат Собировна.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Атрофи қамиш чий билан ўралган, дов-дарахтсиз яйдоқ ҳовли. Бир ёнда баҳайбат дурадгорлик дастгоҳи, тегишли асбоб-анжом; ерда эски иморатлардан чиққан узун-қисқа тахтаю тунука қирқимлари, нам латта ўраб симга тортилган эгма-қайишқоқ тол новдаларию йирик-йирик мум палахсалари ва қиринди-пайраҳалар аралаш-куралаш бўлиб ётибди.

Иш чала, чала ишлар...

Қарши тарафда тайёр маҳсулот – катта-кичик қайиғу қайиқчалар қатор қилиб четанга суяб қўйилган. Бири қорамойга бўялган, бири қизил, бири кумушранг; четроқдагилари ҳали бўёқ қўрмаган – ажралиб турибди.

Ҳовлининг тўрида – рўпарада ғарибгина, пастқам бир кулба. Эшиги нимочиқ, деразалари ланг. Зеҳн солиб қаралса, эшик ҳам, дераза қасноқлари ҳам қайиққа менгзаб кетади, алланечук қайиқсимон намойишда. Уйнинг чап томонида бўғотга тираб қўйилган нарвон ҳам шундай; аслида-ку, у эски бир қайиқ бўлиб, тўнкарилгану орқасига тахта қоқиб зина ясалган, холос.

Том бошида ҳам бир қайиқ! Аммо у хийла ҳайбатдор, ҳашаматли, икки учида балиқсимон безаклари ҳам бор.

Ана шу қайиқнинг қоқ беллида контопарлар киядиган соябони сербар аллақандай мовут қалпоқ чўққайиб кўринади. Сувда қалқиб турган каби у гоҳ баралла кўзга ташланади, гоҳ “чўкиб” кетади...

Тонг бўзара бошлаган палла. Бир маромдаги хуррак товуши.

Том устидаги қайиққа жон кириб дафъатан чайқалиб кетади-ю, ундан соч-соқоли ўсиқ, ёшини билиб бўлмайдиган бир қария бош кўтаради. У кўкрагида ётган қалпоқни ҳафсаласизгина бошига кўндириб, теварак-атрофга вазмин аланглаб назар солади.

Оролбобомиз мана шу киши.

О р о л б о б о (*ташвишманд ғудраниб*). Қум, қум... Еру осмон қум-а, тавба! (*Тикила-тикила, бирдан юзи ёришади.*) Йў-ўқ, сув бу, сув! Қара, офтобда шишадай ялт-юлт қияпти жонивор!.. Орол қайтиб келибди! Оролим! Бир кечада сувга тўлибди, яшасин, дод! Ана – мавжлари! Ана – тўлқинлар! Ваҳ, қайиқлар ҳам сузиб юрибди!.. (*У ҳувиллаб қолган овул томларидаги узоқ-яқин қайиқларни ўзича санай кетади.*) Бир, икки, уч... етти, саккиз, тўққиз... Ие, шошма, сув нега бунча сарғиш? Ана, мавжлари ҳам, тўлқинлар ҳам сап-сарик!.. Ҳа-а, бўлди, бўлди – лойқаланган. Лойқаланиб-лойқаланиб тўлади-да сув! Аммо... худдики қум дейсан, қумнинг ўзгинаси-я!.. Кўзингни йириброқ қарасанг-чи, каллаварам, қум бўлмай нима у, ахир?! Орол сувга тўлганмиш! Сувлари мавжланиб ётганмиш! Сен ясаган қайиқлар сузиб юрганмиш!.. Ҳар эрта шу аҳвол-а! Тушингни ана – қумга, қумликларга айт! Ҳе, эсини еган телба чол! Оролинг сени ташлаб кетганига неча замонлар бўлди-ку! Энди қайтмайди у, эй нодон! Сен эса бир овулда бир ўзинг сўппайиб ўтирибсан. Кўни-қўшни овулдошларинг аллақачон кўч-кўронини кўтарган, ҳовли-жойлари бойўғлига макон бўлиб ётибди, ана! Лекин – ҳар бирининг томида биттадан қайиқ. Сен ясаган қайиқлар, шогирдларинг ясаган қайиқ. Сувга ташна, сувга илҳақ. Сузадиган сув бўлмаса, мавжу тўлқинлар бўлмаса, ясаган қайиғинг кимга керак?! (*Қария руҳсиз, қайиқнинг икки ёнидан ушлаб, эран-қаран жойидан кўзғалади. Ётоқ-қайиқ узра ажаб бир қиёфада қад ростлаб, осмонга боқади.*) Куёш! Бугун ҳам чиқибди. Ҳар куни чиқади. Чарчамайди, эринмайди. Қаримасмикан шу? Қарийди, қарийди. Қишга бориб бу ҳам қарийди. Сенга ўхшаб қолади – ҳарсиллаб, қарашлари хира тортиб... Аммо

кўклам келганда тагин чарақлаб кетади-да. Яшариб... Сен-чи, сен ҳам қайтиб яшарармикансан? Тавба де, тавба де! Ўзингни куёшга тенг кўрдинг-а, манглайи қора! Ёшлик чоғларинг, Орол бўйларида Ойкумушнинг белидан кучганларинг ёдингдан чиқибди-да, ношукур?! Ҳа-а, эсингни таниб, кўрган-билганинг – Орол бўлди. Кўм-кўк мавжлараро отанг қайиқда эшкак эшиб бораётир, сен унинг қўйнида... Шундан отинг “Оролбола” бўлиб кетди. Кейин-кейин – Оролбой, эндиликда – Орол бобо. Ўзингнинг отинг-чи, ўзингнинг чин отинг нима эди? Э, кимнинг эсида бор дейсиз! “Орол” бўлса керак-да... Ишқилиб, ёшингни яшадинг, ошингни ошадинг энди, биродар... Уфф! Не-чага кирдим ўзи? Худди минг йилдан буён борман-у, яна минг йил ўлмайдигандекман-а! Йў-ўқ, Оролбой, ҳозирликни кўра-веринг, бугун бўлмаса, эртага... Ёшлигингиз ҳам, умрингиз ҳам Орол билан кетган, қайтмайди энди у! Уфф!.. (Қария энгашиб, қайиқ ичида қармоққа илашиб ётган каттакон балиқни думидан кўтаради, у ён-бу ён айлантириб қарайди.) Йириккина! Худойим бу кеча ҳам сийлабди. Қуллуқ, қуллуқ!

Қария бир қўлида қалпоғи, бир қўлида балиқни осилтириб том қирғоғига келади ва авайлабгина қайиқ-нарвондан ҳовлига тушади. Ёнбошдаги ўчоқ тараф юриб, балиқни қозонга солади-да, устунга илиғлиқ сочигини елкасига ташлаб уй орқасига ўтиб кетади.

2

Дурадгорлик дастгоҳининг бир четида тушлик дастурхон: нон бўлаклари, уч-тўрт дона оққанд, қора қумғонда чой. Орол бобонинг шогирдлари – ўспирин йигитлар Жумабой, Тиловберган, Генжамурод – бирови дастгоҳ қиррасига суяниб нон кавшамоқда, бирови ерга чўнқайиб сопол косадан хўриллатиб чой ичаётир, калта-култа тахтадан қўлбола курси ясаб олган яна бири бекорчиликдан хуштак чалиб ўтирибди.

Ягона буклама брезент ўриндиқда Оролбобонинг ўзи энсасини қашлаб ўй суради.

О р о л б о б о (хуштакчи Генжамуродга). Ҳа, шайтонни чақиряпсанми?

Г е н ж а м у р о д (анқайиб). Шайтонни? Нега?..

О р о л б о б о. Хуштак чалиш – шайтонни чақиряш билан баробар. Шундай гап бор, эшитмаганмисан?

Г е н ж а м у р о д. Ҳамма чалади-ку хуштакни...

Орол бобо. Билиб-билмай чалса керак-да. Сенга ўхшаб.
Жумабой (*илжайиб*). Овулингизда шайтон қоптими,
Орол бобо, ҳаммаси ҳар ёққа тўзиб кетган-ку!

Орол бобо. Шайтон дегани ҳамма жойда бор, ҳамма жойдан топилади. Одамзоднинг ичида бўлади-да у. Сездирмайгина кириб, ин қуриб олади...

Тиловерган. Бизнинг-чи, бизнинг ҳам ичимизда борми?

Орол бобо (*мийғида қулимсираб*). Қайдам дейсан... Ичида борини ҳар ким ўзи билади.

Генжамурод. Масалан, менинг ичимда шайтон-пайтон... ҳеч нарса йўқ.

Тиловерган (*қиқирлаб*). Шунинг учун хуштак чалиб уни чақираётгандирсан-да. А, бобо?

Орол бобо. Сизларда шайтон нима қилсин, болам! Бадният кўнгилда бўлади у. Сизларнинг дилларинг оқчорлоқнинг тўшидек беғубор! Йўқса, менга ўхшаган бир девонага қўшилиб, бекордан-бекор қайиқ ясаб ўтирармидиларинг!.. Ҳатто қўл чайгали бир қўлмак топилмаса, Оролимиз хув олисларга кетиб қолган бўлса...

Тиловерган. Бир куни қайтиб келади, дейсиз-ку ўзингиз доим?

Орол бобо (*жонланиб, комил ишонч билан*). Албатта, қайтади! Мен кўролмасам, сизлар кўрасизлар ўша кунни, худо хоҳласа! Бу ясаган қайиқларинг нима учун, ахир!..

Жумабой (*тамшаниб*). Балиқ еб бунақа тотлисини кўрмаганман, рости!

Орол бобо. Ҳа-а, балиқдан балиқни ажрата биласан, сен бола! Қулбой қармоқнинг неварасисан-да, илигинг балиқ мойига тўла. Ўша бобонг мен ясаган қайиқларни миниб ов овлаган...

Жумабой. Эшитганман. Отам айтган. Лекин сиз ҳар куни бунақасини қаёқдан оласиз-а, Орол бобо?

Орол бобо (*ажаб бир ихлосу қаноат билан*). Худо беради, болам, худо!

Тиловерган (*ажабланиб*). Худо?! Ўз-ўзидан бераверадим, бекордан-бекор?.. Бу қум саҳрода қаёқдан топаркан у?

Орол бобо. Оллоҳимнинг каромати беадад, ўғлим! Керак бўлса, мана шу қумингни зарга айлантиради. Керак бўлса...

Тиловерган. Нимага бўлмаса Оролни тўлдирмаяпти?

Г е н ж а м у р о д. Ҳа, нега қуритиб қўйди уни?

О р о л б о б о. Тавба деб гапиринглар, болаларим. Худо эмас, сен билан менга ўхшаганлар бошига етди Оролнинг. *(Шогирдларининг саволчан назарига жавобан.)* Ғазабини қўзғадик-да. Ҳали айтдим-ку, шайтон оралади ичимизга, васваса солди. Ана шуни қувсанг, ана шундан халос бўлсанг, бир кун қарабсанки, Оролинг сувга лиммо-лим тўлиб турибди-да! *(Бир лаҳза тин олиб.)* Қани, йигитлар, қўзғалдик! Бекорчидан худо безор... Омин, Оролимиз сувга тўлсин, сувлари балиққа тўлсин, Оллоҳи акбар! *(Қария юзига фотиҳа тортиб, кафтини тиззаларига тираганча, инқиллай-синқиллай ўрнидан туради.)* Мен пешинимни ўқиб олай, сизлар... Тилов, сен бола бўёғингни охирига етказ, хўпми? Сен, Жумабой, анови ўлчаб қўйилган тахталарни арралаб турасан. Генжа қарашар... *(Ташвишманд аланглаб.)* Амет... Аметимиздан бугун ҳам дарак йўғ-а? Нима бўлди экан? Кейинги вақтда машқи пастроқ кўринади ўзи шу боланинг...

Ж у м а б о й. Ким билсин, ҳар эрта орқаларингдан етиб бораман, дейди-ю, кейин эса...

Худди шу чоқ четан эшик очилиб, шерикларидан тикроқ, дадилроқ йигит – Аметнинг ўзи кўринади.

О р о л б о б о *(чеҳраси ёришиб).* Хизрни йўқласак бўларкан... Кел, Аметбой, тинчликми?

А м е т *(хомушроқ).* Ассаломалайкум. Уйда юмуш кўпайиб кетди, оқсоқол...

О р о л б о б о. Майли, буларингга бош-қош бўлиб тур-чи, гаплашармиз.

Г е н ж а м у р о д. Бунингизнинг ичига ҳали сиз айтган шайтон кириб олган бўлмасин тағин, Орол бобо!

О р о л б о б о *(унга ўқрайгандек).* Тилингни тий, бола! Алҳазар!

Чол ўчоқ оғзида турган сопол офтобасини олиб, уйнинг панасига ғойиб бўлади.

Шогирдлар топширилган юмушларга уннаб кетишади. Тиловберган бўёқ челагини кўтариб, четанга суяб қўйилган қайиқлар томон юради. Жумабой билан Генжамурод бир четга уйилган тахталарни сараламоққа киришади.

Биргина Амет ҳовли ўртасида бекор қаққайиб турибди. Ўйчан, алланечук тараддудда.

Г е н ж а м у р о д *(ўгирилиб).* Ҳа, шайтон, сен-чи?..

А м е т *(унга бепарво).* Бу ёққа келинглар-да. Гап бор!

У болаларни гирдига йиғиб, қўлида узун бир калтак, ерга ажи-бужи шакллар чизган бўлиб алланималарни уқтира бошлайди...

Ж у м а б о й (*ахийри жиғибийрон бўлиб*). Калланг жойидами, Амет, шунча шишани қаёқдан оласан, ахир?!

Г е н ж а м у р о д. Хомхаёл, хомхаёл! Уч кун уйда ўтириб, топиб келган гапини қара бунинг! Нима, шиша зовутинг борми-дики... Ёнғоқ-понғоқнинг остида ётмаганмидинг ишқилиб?..

А м е т. Ана – овулни шиша босиб ётибди! Ҳеч кимга кераги йўқ, эгасиз! Аста кўчириб олаверасан-да...

Ж у м а б о й. Хўп, кўндик, сен айтгандай бўла қолсин, майли. Лекин бу бепоён сахрони бир овулгинадан чиққан шиша билан қандай тўлдирасан, шунисидан гапир!

А м е т. Сидирғасига шиша тўшаб чиқиш шарт эмас, ошна, тушунсанг-чи. Ҳар-ҳар жойга ташлаб кетилса кифоя, кўзни қамаштириб, сувдай ялтираб ётаверади. Кейин, чор тарафни шишага тўлдирасан деяётганим йўқ-ку, ахир. Фақат Орол томони бўлса бас...

Г е н ж а м у р о д. Умуман, шу масхарабозчилик кимга керак ўзи?! Шўрлик чолни алдаб, лақиллатгандай бўлиб...

А м е т. Ҳеч ким уни алдамоқчи, лақиллатмоқчи эмас, жўра, ўйлаб сўзла! Кўнгил овлаш дейдилар бунинг, билсанг! Мана, сену менга шунча хунар ўргатди, устозимиз, кўриб кўзи бир қувнасин, армонда кетмасин деган ниятда эдим-да, холос...

Ж у м а б о й. Биламиз, биламиз, чолнинг сенга меҳри бўлакча, шогирдларининг зўрисан. Лекин эрта-индин ўзинг ҳув бир ёқларга чоғланиб турибсан-ку, бу ёғи неча пулдан тушди?..

А м е т. Мен ҳеч қаёққа бормайман! (*Кейин сал бўшашганроқ кўйда*.) Кетар бўлсам ҳам... Майли, сенлар кўшилмасанг кўшилма, шу ишни бир ўзим бажармасам, номард сананглар мени!

Г е н ж а м у р о д. Катта кетманг, катта кетманг, Аметбой! Ёлғиз ўзингиз...

А м е т. Ана кўрасизлар! Мен сизларни ошна, оғайни деб юрсам!..

О р о л б о б о (*намозини тугатиб қайтган, ҳовли бошида тўхтаб*). Йигитлар дейман... мана, Аметбойимиз келиб, сафларинг тўлди. Кўш-қўш бўлиб анови икки қайиқни томга қўндириб келсаларинг-чи, а?

Ж у м а б о й. Тўғри, тўғри. Қуриб ётганига неча кун бўлди!

О р о л б о б о. Шундай қилинглари, чироғларим.

Худди шу фармойишни кутиб тургандек, аслида хуфя маслаҳатлари чала қолганидан норози шогирдлар дарҳол қанот чиқариб, четанга суяб қўйилган тайёр қайиқлар сари юришади.

Ж у м а б о й (*чолга ўгирилиб*). Кимникига элтамиз, бобо?

О р о л б о б о (*ўйланган бўлиб*). Қизғишини-и...

Ж у м а б о й (*ялинганнамо*). Пирназар эшкакнинг томига қўяйлик шунни...

О р о л б о б о (*шаҳодат бармоғини таҳдидли ўқтаб*). Пирназар – тоға қавминг-да, а? Қай гўрга кўч кўтарган ўзи шу?

Ж у м а б о й (*ҳамон илинж билан*). Нукусга. Баланд уйларга. Катта ўғли ўша ёқда-ку, амалдор!

О р о л б о б о (*чўрт кесиб*). Йўқ! Эшкакка хиёнат қилиб жуфтак ростлаганга қайиқ йўқ! Бунинг Намим муаллимнинг томига ўрнатасан. Уқдингми?

Т и л о в б е р г а н. Қорасини-чи, қорасини? Ўзим бўяганман... Тўқлибой полвонникига олиб борайлик. Хиёнат қилмаган у!

О р о л б о б о. Ота-бобосининг овулини ташлаб Хоразм томонларга қочган баччағарни айтасанми? Ҳаҳ, муғомбир! Отанингни ошнаси эди-да у, шундайми?

Т и л о в б е р г а н. Бир серканинг устидан отам у билан роса уришганлар, ўзим кўрганман!

О р о л б о б о. Қўй, қўй... Бири у ёққа тортади, бири бу ёққа... Ҳе, ғирромлар! Ғирром устанинг қўлидан чиққан қайиққа сув киради, билиб қўйинглар!

Т и л о в б е р г а н (*норозиланган каби*). Сув дейсиз, сувнинг ўзи қани?!

О р о л б о б о (*ер остидан унга ўткир тикилиб*). Сув – бўлади! Сув – келади!.. Келмайдиган бўлса, нега қайиқ ясаб ўтирибсан, хўш? Ол, кўтар! Элтиб бунинг хув овулдан чиқаверишдаги Жанғил момонинг кулбасига тиклаб келасанлар. Гап шу!

Г е н ж а м у р о д. Жанғил момо дейсизми? Унинг ўлиб кетганига минг йил бўлди-ку!..

О р о л б о б о (*шаштидан қайтмай*). Яна минг йил бўлсин! Жаннати кампир эди. Боёқишнинг чоли Оролга чўкиб кетган... Минг йил эмиш! Ўзлари нечага кирдилар, йигит?

Ж у м а б о й (*ер сузиб*). Бу йил ўн тўққизга тўламан.

О р о л б о б о. Баракалла, ўн тўққизга тўладиган азаматнинг гапини қаранг! Бўл! Нариги бошидан ол-чи, қани!

Г е н ж а м у р о д (*Жумабой билан шериклашиб қайиқни елкасига қўндираркан*). Овулингизнинг томлари қайиқмозор бўлиб кетди-ку, Орол бобо!

О р о л б о б о (*ногаҳон қаҳрдан бўкириб*). Ўв-ўв! Мен сенларга неча бор айтдим, манглайи қора! Қўлтиғингга ол, ахир, қўлтиғингга! Нима бу, Орол бобонгнинг тобутимидики бошингга қўйиб олдинг?! Шайтон урибди сенларни, шайтон! Ҳе!..

Шогирдлар қайиқни апил-тапил қўлтиқлаб олишади-да, четан эшик сари юришади.

Ҳовли ўртасида Орол бобо ёлғиз. Титраб турибди.

О р о л б о б о. Нима жин урди-я буларни, тавба! (*Сўнг оҳиста ерга чўкиб.*) Тўғри-да ахир, сен қарияга-ку, худойим ғойибдан ризқ етказиб турибди, бугиналар нима қилади эртага? Нима еб, нима ичади? Ҳе, худбин, ноинсоф чол!

3

Кечки пайт. Ҳовли кимсасиз.

Ота-ўғил – қўлида “дипломат” портфель, башанг кийинган Қалимбет, унинг ортидан кундалик энгил-бошда Оролбобо кириб келади.

О р о л б о б о (*қўл силтаб*). Қўй, Қалимбет, қариган чоғимда сарсон қилиб юрма одамни. Ўз уйим – ўлан тўшагим дебдилар...

Қ а л и м б е т (*ўзини эшитмаганга солиб*). Ҳамма жиҳози муҳайё! Меҳмонхонаю ошхоналарини кўрдингиз... Бир бошга яна нима керак, тўғрими? (*“Дипломат”ни дастгоҳ устига ташлаб.*) Кичикроқ бўлсаям ободгина ҳовли. Ёзларда каравотни қўйиб олиб...

О р о л б о б о. Кимники ўзи у?

Қ а л и м б е т. Сизники-да, ота, сизники! Сизга деб олинди.

О р о л б о б о (*ҳанг-манг*). Меники?! Сотиб олдингми? Кимдан, қанчага?

Қ а л и м б е т. Узумини енг-у, боғини сўраманг. Ҳукумат бобо қурган уни! Пули тўланса бас, қуриб бераверади. Қариган чоғингизда бир суюнтирайлик дедик-да сизни. Ўтиринг бундай, ўтиринг... (*У меҳрибонлик билан кифтидан тутиб отасини ҳовли ўртасидаги буклама ўриндиққа ўтқизади, ўзи шунга ёндош қўлбола курсидан жой олади.*) Юрасизми энди бу чўлу биёбонда! Эл-улус бизни айб қияпти-ку, шундоқ ўғил-қизлари шаҳарларда даврон суриб юрибди-ю, оталари хув бир овлоқда қаровсиз қолиб кетган, деб...

О р о л б о б о (*ҳасратомуз*). Чўлу ёбон дейсан... Онанг мана шу ерда ётибди, бобо-момоларинг шу ерда... Уларни ташлаб мен қаёққа кетардим, ўғлим, ўйлаб гапиряпсанми? Онангнинг мозорини зиёрат қилмаган куним дунё кўзимга қоронғи... Бу ёқда қайиқларим, Орол...

Қ а л и м б е т. Эски ашула! Орол, Орол! Ўзингиз биласиз-ку, ота, у энди ҳеч қачон ўзанига қайтмайди, тўлмайди. Қайиқларингиз ҳам бировга кераксиз...

О р о л б о б о (*шашт билан бош кўтариб, жўшиб*). Нима?! Қайтмайди, тўлмайди... Сиз қаёқдан билибсиз, худомисиз?! Ҳа, тўлмайди! Тўлдиролмайсан уни! Ҳеч биринг! Олиму уламонг ҳам, бошқанг ҳам! Чунки баринг фойдани кўзлайсан! Орол ғирром эмас, сенлар ғирром, ҳа! Худо сенларга инсоф берган кунни у ўз-ўзидан сувга тўлади! Худойим тўлдиради уни, билиб қўй! (*Оғир хўрсиниб*). Ўша кунни кўриб ўлсам армоним қолмасди...

Қ а л и м б е т. Майли, майли, отажон, қаттиқроқ кетибман, тавба қилдим. Лекин гапнинг бори ҳам шу-да, ахир. Одам эртасини ўйлаб иш тутгани яхши. Худо кўрсатмасин-у, эртага бир кун... Биз шарманда бўлиб қолмайлик дейман-да.

О р о л б о б о. Гап бу ёқда дегин? Шарманда бўлмайсан, кўрқма... (*Бир зум ўйга толиб*.) Мана, ўзинг бошладинг, ўғлим. Мабодо бир кун ажалим етиб, сув келганини кўрмай кетар бўлсам, айтиб қўяй, жасадимни қайиққа солиб, Оролга элтиб ташлайсан! Майли, балиқларга ем бўлай! Майли...

Қ а л и м б е т (*сапчиб тушгудек*). Ие-ие, ота, бу нима дега-нингиз?! Ахир, мусулмончилигимиз қаёқда қолади унда?

О р о л б о б о (*бояги шаштидан тушмай, бирмунча мулойим, аммо қатъий йўсинда*). Бир мусулмон бўлса, менчалик бўлар, Қалимбет! Ўғлиммисан, мана шу айтганимни бажарасан, гап тамом! Васият бу, худойим ҳам кечирар...

Қ а л и м б е т (*ясама бир кўтаринкилик билан*). Э, отабой, кўйинг ҳалитдан шу совуқ гапларни! Сиз ҳали кўп яшасиз, кўп! Янги уйларда даврон қилиб, а!.. Қалай, маъқул келдими ўзи сизга?

О р о л б о б о (*бўшашиброқ, совуққина*). Яхши, яхши... Лекин... (*Қўл силтаб*.) Ҳай, ўзингдан гапир. Ишлар жияптимми, ахир?

Қ а л и м б е т (*жиддий тортиб*). Ишларим ёмонмас, ота. Ёмонмас-у, шу кейинги вақтда унчалик яхшиям эмас. Орқага кетгандайроқ. Бир хизрсифат одам маслаҳат бериб қолди

денг. Бориб отангизнинг кўнглини обдон овлаб, дуосини олиб келсангиз, бари юришиб кетади, дейди...

О р о л б о б о. Шундай дедими ўша хизрсифатинг? Бўпти, мана, дуоси биздан: илойим, ишларинг бирдан юришиб кетсин! (*У юзига фотиҳа тортиб қўяди.*) Шунга келдим де?

Қ а л и м б е т (*норозиланиб*). Бунақа дуо эмас-да, ота!

О р о л б о б о. Қанақасидан бўлсин, айт?.. Қулоғингга қуйиб олгин, бола: чинакам ғайрат билан, тоза кўнгил билан қилинган иш ҳеч қачон орқага кетмайди – дуоси ўзи билан бўлади унинг!

Бир дамлик сукут.

Қ а л и м б е т. Ҳа, айтгандай, эшитдингизми – Гулхадичамиз депутат бўлмоқчи!

О р о л б о б о. Депутат? Қандай депутат?

Қ а л и м б е т. Жўқорғи Кенгесга!

О р о л б о б о. Унияма дуо қилиб қўйиш керакми? Нима деб? Жўқорғи Кенгесга ўтсин дебми, ундан наригами?..

Қ а л и м б е т. Ўзимиздан чиққани яхши-да, ота. Фойдаси тегиб туради: сизга ҳам, менга ҳам, ўзига ҳам...

О р о л б о б о. Менга?! Нима, Оролни тўлдириб берадими?

Қ а л и м б е т. Тўлдириб берар... (*кулиб*) гап билан! Қизингиз маҳмадана-ку, шунинг учун сайланяпти-да.

О р о л б о б о. Навзанбиллоҳ, навзанбиллоҳ... (*Дафъатан юмшаб.*) Қўзи-қўчқорларинг яхши юрибдими? Бир олиб ҳам келмайсан, невараларимни кўрмаганимга неча замон бўлди...

Қ а л и м б е т. Ҳозир, ҳозир... (*У шоша-пиша туриб, дастгоҳ устида ётган “дипломат”идан алланарса – планшетини олади-да, тугмачаларини боса-боса отасининг бошига келади.*) Мана, кўринг... Қани, топинг-чи, манови ким?

О р о л б о б о (*синчиклаб-суқланиб*). Камолингми? Вой-бў-ў, арслондек бўлиб кетибди-ку! (*Юзини четга олиб.*) Туф-туф, ёмон кўзлардан асрагайсан, илойим! (*Сўнг журъатсизгина энгашиб, планшетга лаб тегизиб қўяди – ўпган бўлади.*) Шугинани қаватимга қўйиб кетмадинг-да, Қалимбет. Тўнғич неварга – бобосиники деган удумлар бўлгич эди...

Қ а л и м б е т. Нима, овулма-овул тезак териб юрсинмиди!..

О р о л б о б о (*орзумандона*). Қайиқсоз қилардим. Зўр қайиқсоз уста!

Қ а л и м б е т (*эшитмаганга олиб*). Бунисини танияпсизми? Ким?.. (*чол тикила-тикила тополмагач*) Гулзира-ку, Гулзира! Яхшилаб қаранг...

О р о л б о б о. Қиз махлуқнинг шайтони бўлармиш, қулоғидан тортиб ўстираварармиш... Чўзилиб қолибди қизинг. Омон бўлсин, омон бўлсин.

Қ а л и м б е т. Мана буниси-чи?..

О р о л б о б о (*қарай-қарай, бўйнига олади*). Бунингни таниёлмадим, рости. Кўрмаган эканман. Кенжатойинг бўлса кераг-а?

Қ а л и м б е т. Ҳа, оти ҳам Кенжабек.

О р о л б о б о. Умрини берсин, илойим.

Қ а л и м б е т. Келинг, энди дунёга саёҳат қиламиз! (*У “мўъжиза”сининг тугмачаларини бир-бир босиб, изоҳ бера бошлайди.*) Мана бу ер Арабистон, Саудия Арабистони... Каъбамиз шу ерда, қаранг... Буниси – Ҳиндистон, буниси – Покистон... Мана – Ўзбекистонимиз! Оролни топинг-чи, қани, кўрайлик... (*чол ҳадеб тикилавергач*) Мана, мана!

О р о л б о б о (*ҳафсаласи пир бўлиб*). Шугинами? Орол шуми? Э-э, кўтар! (*У қўлининг орқаси билан планшетни нари суради.*)

Қ а л и м б е т (*қулиб*). Шугина!.. Сизга қолса, бутун дунё Оролдан иборат бўлсин-да, а? Ў-ўртасида битта қайиқ – якка, танҳо қайиқ, унда – сиз...

О р о л б о б о (*қуфри қўзиб*). Тур, жўна, уй-пуйинг керак эмас менга!

Қалимбет мулзам ўтира-ўтира, дастгоҳ устидан “дипломат”ини юлқиб олиб планшетни жойлайди-ю, отаси томон бир ўқрайиб, ҳовлини тарк этади.

4

Оролбобонинг ҳовлиси.

Қулоғига қалам қистирган, бўйнида метр ўлчагич тасма – қария дастгоҳ қошида тахта чамалаш билан машғул.

Дастгоҳнинг нариги бошида кўҳнадан-кўҳна транзистор ёўнғиллаб турибди.

Ташқаридан отнинг кишнагани, тепингани эшитилади. Хаял ўтмай четан эшикни ғийқиллатиб, қўлида бежама қамчи, ёўддайганроқ бир киши – Аметнинг отаси Ўтаган махсум киради.

Ў т а г а н. Ҳорманг, оқсоқол, ҳорманг! Ассаломалайкум.

О р о л б о б о (*таниёлмаган каби кафтини пешонасига соябон қилиб*). Ўтаганбойга ўхшайдими? Келинг, келинг, иним.

Кўшқўллашиб кўришадилар. Орол бобо хос ўриндиғидан, Ўтаган махсум қўлбола курсидан жой олади.

Қани, бахайр?

Ўтаган. Сизни би-ир зиёрат этайлик деб...

Орол бобо. Хуш келибсиз, ҳожи махсум, хуш келибсиз!

Ўтаган (*оғринганнамо*). Куляпсиз-да, бобой?

Орол бобо. Кулганим йўқ, кулганим йўқ. Илгари кимсан – мулла Гулбойнинг ўғли, Ўтаган махсум эдингиз. Қайта-қайта ҳаж қилиб, мана, ҳожи бўлдингиз. “Ҳам ҳожи, ҳам махсумман” деб эл-улусга ёйган ўзингиз-ку, биз нима дейлик?!

Ўтаган. Майли, майли... (*Ҳар ёнга аланглаб*). Ҳаммаёқни қайиқ қилиб юборибсиз-ку! Зўр, зўр.

Орол бобо. Бу ўрамларга қадам изи қилмаганингизга кўп бўлдим дейман, махсум, кўрмаган экансиз-да? Ота-бобомиздан қолган хунар, қўлимиздан бошқа иш келмаса...

Ўтаган. Бекорчи хунар денг... Зўр, зўр. Шогирдлар кўринмайди?

Орол бобо. Бир юмушга жўнатувдим, ҳозир кепқолишадди. (*Четан девордаги бўёғи чала қайиқни кўрсатиб*.) Хув ановинисини ўғлингиз Аметбой ясаган. Қаранг, қандоқ бежирим! Муллазодалардан ҳам уста чиқаркан, дуппа-дуруст қайиқсоз бўлиб қолди бола!

Ўтаган (*энсасини эрмакка қашлаб*). Ўшанга келувдим, оқсоқол. Мен уни Ленинградга юбормоқчиман. Акасининг олдига. Тўғри-да, қачонгача тезак босиб, лайлак ҳайдаб юради бу ерда!

Орол бобо (*ўзича мароқланиб*). Лайлак ҳайдаб дейсизми? Лайлак қоптими, иним! Лайлагу ғозигача қирилиб битган...

Ўтаган. Бойўғлининг макони денг! Бош бойўғли – ўзлари...

Орол бобо (*ҳазилга буриб*). Юмронқозикдан келсангиз-чи, махсум!

Ўтаган (*баттар ачитмоқчидек*). Шуни айтаман-да, юмронқозиғу битта сиз қолгансиз бу биёбонда!

Орол бобо (*мураса йўлига*). Насиба-да, махсум, пешонага ёзилгани шу экан... Ленинградга жўнатаман, дедингизми? Нима қилади у ерда Амет?

Ўтаган. Бу ерда нима қилади?

Орол бобо. Бу ерда... (*ҳовлига аланглаб*) мана, қайиқ ясайди!

Ў т а г а н. Ясаган қайиғи кимнинг дардига шифо, оқсоқол?! Ўша ёқларга борсин, тайинли бир ишнинг бошини тутсин, пул топсин дейман-да!

О р о л б о б о (*дами ичига тушиб*). Тайинли иш... Нима иш экан, нимага юбормоқчисиз уни?

Ў т а г а н. Салат кесишга.

О р о л б о б о (*ростдан ҳам тушунмай*). Саллат? Нима дегани у? Нега кесади?

Ў т а г а н. Сала-ат... Шу, ўт-пўт-да. Кўкат деймиз-ку..

О р о л б о б о (*лол қолиб*). Шошманг, Амет келиб-келиб ўт кесадими? Аметимиз-а?! Қайиқ ясади-ку у, қайиқсоз уста!

Ў т а г а н. Қайиғингизни еб бўлмаса! Салатни эса (*у бармоғини дастгоҳ қиррасига уриб-уриб*) тўғраб-тўғраб, маза қилиб туширилади.

О р о л б о б о. Шугинани ўзлари тўғраб еса бўлмасмикан, махсум, нимаси қийин?

Ў т а г а н (*қўлидаги қамчини тиззасига уриб*). Бўлмайди, оқсоқол, бўлмайди. У ёқларда биров кесиб беради, биров ейди. Ресторан деганини айтяпман-да.

О р о л б о б о. Кейин шуни кесгани учун пул ҳам оладими?

Ў т а г а н. Худди шундай! Қайиқ ясагани учун эса шамата-лоқ ҳам олмайди!..

О р о л б о б о (*маъюс тортиб*). Навзанбиллоҳ, навзанбиллоҳ...

Ў т а г а н. Қайтага, уй-уйидан ул-бул кўтариб келиб сизни боқади, шундайми?

О р о л б о б о. Унақа миннатни қўйинг, махсум. Мен шо-гирдларим олиб келган ноннинг ушоғига ҳам шериклик қилмайман...

Ў т а г а н. Ўзим ясаган қайиқларни ғажиб-ғажиб кун кўряпман десангиз-чи!.. Қўйинг-э, оқсоқол!

О р о л б о б о. Ия, нега? Худо берган ризқим бор, иним! Мен балиқ гўшти ейман, билсангиз!

Ў т а г а н. Опқочинг-а, опқочинг! Туш-пуш кўряпсизми дейман. Шу дашту биёбонда балиқни ким бераркан сизга?!

О р о л б о б о (*қўлларини баравар осмонга чўзиб*). Худо! Ҳожи бўлмасак ҳам, махсум бўлмасак ҳам – беради. Кунига биттадан. Бизники ана шундай, ҳожи махсум, кунбайи!

Четан эшик очилиб, орқама-кетин йигитлар кўринади.

Ўтаган махсум қамчинини ҳавога сермаб ўрнидан туради-да, Амет томон бостириб боради.

Ўтаган (унга қаҳрли ўқрайиб). Сен болага нима деган эдим?! Қани, олдимга туш-чи! Қайтиб шу ерга қадам боссанг!..

Орол бобо (қалтирай-қалтирай қўзғалиб). Ҳай, ҳай! Шайтонга ҳай беринг, махсум!..

Ўтаган (ижирғаниб). Э-э, алжирама, тентак чол!

Амет аввал Орол бобога, сўнг шерикларига ўкинчли бир назар ташлайди-да, секин бурилиб отасининг изидан чиқади. Аммо шу заҳоти қайтиб киради. Ўртоқлари билан бир-бир қучоқлашиб хўшлаша бошлайди.

Жумабой (таъна аралаш минғирлаб). Э қўй-э, Амет, бўлмадинг, ошна!

Амет кўча тарафга имо қилиб, ғамгин елка қисади: начора, отам!..

Генжамурод (ачитиб). Анув ишни бошлаб қўйиб, энди қочиш экан-да, а?

Амет (чол томон хавотирли нигоҳ ташлаб олиб, пичирлайди). У ёғини ўзларинг...

Жумабой. Кетавер, кетавер, бир ҳисоби бўлар.

Тиловерган (чапаничасига қўл ташлашиб). Яхши бор, дўст!

Амет гуноҳкорона бош эгиб, хос ўриндиғида хомуш қотган Орол бобонинг қошига келади. Чол уни бўйнидан қучиб, бир муддат сўзсиз қолади. Таъсирли ҳолат!

Орол бобо (ниҳоят тилга кириб). У ёқларда фақат ўт кесиш билан бўлиб юраверма, бола. Яхши-ёмонни кўр, бил, хўпми? (Сўнг бирдан ўпкаси тўлиб, кўзлари ёшлангандек.) Бизларни унутсанг унут, Оролни эсдан чиқарма, Оролимизни!..

Ташқаридан Ўтаган махсумнинг дағдағали овози эшитилди: “Аме-ет!..”

Амет тағин барчага бир-бир хомуш бош силкиб чиқади-да, шалвирабгина четан эшик томон юради.

Орол бобо ўриндиғига чўкканча мунғайиб қолган. Йигитлар ҳам паришонҳол серрайиб турибди.

Ташқарида отнинг кишнаши, тепингани, қамчи товуши...

Орол бобо (ҳасратомуз). Бориб-бориб хув дўзахий пирга ўхшаб бир ўзим шўппайиб қолмасам денг...

Шогирдлар тушунмай унга анқайиб қарайди.

О р о л б о б о (*ривоятга киришиб*). Пирнинг қирқ муриди бор экан. Сизларга ўхшаган шогирди. Қирқ йил ичида камая-камая, охири шулардан биттагинаси қолибди. Аметинг мисоли бирин-сирин ташлаб кетган-да. Пир ўша қолган муридидан сўрабди: “Буларинг нега бундай қилди экан?” Мурид чайнала-чайнала айтибди: “Улар сизнинг таълимингиз билан Мангу китобни ўқийдиган мақомга етди. У китобда эса...” “Тапир-гапир”, – деб қистабди пир. “У китоб сизни дўзахий деб ёзган экан, устоз...” “Биламан, – дебди пир. – Ҳақрост, шундай ёзилган. Аммо мен жаннатдан ҳам улуғроғини кўзлаганман-да...” Улар-ку жаннат илинжида кетибди, хўш, сен нега қолдинг?” “Чунки ўша китобни ўқишни сиздан ўрганганман-да, пирим”, – дебди мурид. Қаранг, қандай оқибатли экан-а шогирди!..

Йигитлар ривоятдан таъсирлангандек ўйга толади.

Г е н ж а м у р о д. Бобо-о, жаннатдан ҳам зўр деяпсиз, қанақа жой у?

О р о л б о б о. Бор, ўғлим, шундай жой бор. Ҳақ, ҳақнинг даргоҳи дейдилар уни. Бандаси умидвор-да. Мана, бобонг ҳам умид билан яшаяпти-ку!..

ИККИНЧИ ҚИСМ

5

Ўша ҳовли. Тун. Осмонда юлдузлар чарақлайди, эринибгина ой сузади. Шамолнинг бир маромда увиллаши; олислардан чиябўриларнинг “ҳи-ҳи, ҳи-ҳи”лаган товуши садо беради.

Бошига сербар оқ қалпоқ илган бир қўланка ҳарсиллай-ҳарсиллай кулба биқинидаги қайиқ-нарвонга тирмашиб, томга чиқиб бораётир.

Орол бобомиз!

Том устига чиқиб олгач, у бир муддат нари-бери бориб келади. Осмонларга қарайди, ою юлдузларни томоша қилган бўлади. Сўнг аста келиб қайиғига ўрнашиб ўтиради-да, теварак-атрофни яна бир қур кўздан кечиргач, икки ёндаги эшакларни қўлга олади. Эшак эша бошлайди. Аввалига сустроқ, бир маромда, кейин эса навқирон бир ғайрат билан.

Шамол увиллашию чиябўриларнинг “ҳи-ҳи”лаши ногаҳон сув шовқинига – мавжу тўлқинлар сасига айланиб-қоришиб кетади. Шалоп-шулуп, шалоп-шулуп... Ой ёғдусида чарх этаётган денгиз қушлари – чағалаю оқчорлоқларнинг сувга тўш

уриб учишлари, кумуш қанотлари нимқоронғиликда ялт-юлт аксланиб кўзга чалинади...

Чол бир замон эшкак эшишдан тиниб, тимирскилай-тимирскилай қайиқ ичидан узун алланимани оладую узоқни чамалаб уни ҳавога – “сув”га улоқтиради. Шалоп-шулуп...

“Балиқчи” кафтларини қулоқпана қилиб пастга энгашиган – нимадир сасни эшитмоқчи...

Сукунат, сукунат...

Бир пайт қайиқ четида кўндаланг ётган эгма хода қимирлаб кетиб, шалоп-шулуп товуш чиқаради. “Балиқчи” шоша-пиша ходани “сув”дан кўтаради.

Нақд тумшуғидан илинган лаққа ой ёруғида биланглаб турибди!..

О р о л б о б о (уни завқ билан айлантриб томоша қиларкан, шодон). Берганингга шукр! Берганингга шукр, тангрим!..

Сўнгра у балиқни қармоқдан узиб, қайиқ ичига ташлайди. Ов ашёларию эшакларни жой-жойига қўйиб саранжомлагач, қайиқ бўйлаб оҳиста чўзилади.

Кўкси узра таниш оқ қалпоқ!..

О р о л б о б о (ҳорғин, уйқули овоз). Берганингга шукр, эгам! Берганингга шукр!..

Тун. Кўкда юлдузлар чарақлайди, эринибгина ой сузади. Шамолнинг бир маромда увиллаши, олисларда оч чиябўрилар саси...

6

Ҳовли. Кундуз кунни. Уч шогирд – Жумабой, Тиловберган ва Генжамурод қайиқ ясаш юмушлари билан банд. Ўчоқ устидаги ярми кесилган бочка идишдан қорамтир дуд кўтарилади – мум эритилмоқда.

Шошиб-ҳовлиқиб Қалимбет кириб келади. Одатдагидек, қўлида “дипломат”.

Қ а л и м б е т (аланг-жаланг қилиб). Отам қани?.. (йигитларга қараб) Хўв укалар! Қани, югуринглар! Овулнинг оғзигинасида мошинамиз қумга ботиб қолди, чиқаришворинглар. Ҳа, баракалла!.. (Қулба эшигида бир учи чўмичсимон узун косов кўтарган Орол бобони кўргач...) “Жип” денг тағин! Шундай мошинаки ботиб қолганидан кейин аҳволни билавер-да!

Орол бобо амрига маҳтал шогирдларига “Майли, бориб қарашинглар” дегандек ишора қилади.

Усти-бошини қоқа-қоқа, улар ҳовлидан чиқиб кетишади.

Чолнинг ўзи индамай ўчоқбоши тарафга юради.

О р о л б о б о (*қўлидаги анжом билан “қозон” кавламоққа тушаркан*). Ке, Қалимбет, шовқин солиб юрибсан?..

Қ а л и м б е т (*“дипломат” уни тиззасига қўйиб курсига ўрнашаркан, ясама хушнудлик билан*). Бир ўйнаб берасиз энди, отабой, зўр сюрпризимиз бор сизга! (*синовчан сукутдан сўнг, ширин қилиб*) Би-ир ҳажга бориб келсангиз-чи, а? Ҳамма бизни изза қиляпти-ку: шундоқ пулдору бадавлат ўғиллари, қизлари бўла туриб, оталарини ҳажга жўнатмаяпти, деб.

О р о л б о б о (*ишидан чалғимай*). Буниям ҳув анови хизр-сифат маслаҳатгўйинг айтгандир?

Қ а л и м б е т. Топдингиз, у ҳам шундай деган эди.

О р о л б о б о. Куллуқ, куллуқ. Лекин отанг ҳеч қаёққа бормайди, овора бўлма.

Қ а л и м б е т. Ие, ие! Ҳажга ҳам-а? Ҳаждан бўйин товлаган мўминни энди кўришим! Ота, ўйлаб гапиряпсизми ўзи? Ахир, ҳажи муборак ҳар бир мусулмонга...

О р о л б о б о. Биламиз, биламиз – фарз.

Қ а л и м б е т. Билсангиз, нега бундай оёқ тираяпсиз? Баъзилар ҳатто от миниб, пул кўтариб чопиб юрса-ю, сиз бўлсангиз...

Чол *қўлидаги косовни “қозон” четига қўйиб, ўриндиғига келиб жойлашади.*

О р о л б о б о. Ҳажга қилган-кечган гуноҳларидан тавба этмоққа бориларди чоғи, шундайми, ахир?

Қ а л и м б е т. Ие, албатта, бунинг учун ҳам...

О р о л б о б о. Унда отанг қайси гуноҳини ювгали борсин, хўш?

Қ а л и м б е т. Э, э, Орол бобо, куфр кетгандайсиз, бегуноҳ банда бор эканми бу дунёда?!

О р о л б о б о. Шошма, оғзимга урмай тур... Ёлғон гапирганимни ё бировга фириб бериб иш битирганимни биласанми? (*Қалимбет елка қисади.*) Гапир, гапир, эшитганмисан ҳеч?

Қ а л и м б е т. Йўқ...

О р о л б о б о. Бировнинг ҳақиға хиёнат қилган жойим борми, айт?

Қ а л и м б е т. Ота...

О р о л б о б о. Кимсанинг моли ё жуфти ҳалолога кўз олай-тирганимни-чи? Кулоқ-пулоғингга чалинган чиқар?..

Қ а л и м б е т. Э, ота, иззага қўйманг-да одамни. Фақат шулар учунгина ҳаж қилинмас...

О р о л б о б о. Ҳа, нима учун борилар экан бўлмаса? Шунчаки сайру томошагами? Ё номчиқараргами? Тўғри, унақаларини ҳам биламиз. Ана – ўзимизнинг Ўтаган махсум. Йил сайин қатнайди. Нима, авлиё бўлиб қоптими у? Ўша-ўша, келиб тагин гуноҳга ботгани ботган... Йўқ, ўғлим, ҳаж зиёратининг шартлари, қонун-қоидалари бор. У ерга обдон ҳозирлик кўриб, риёзату машаққатлар чекиб борилади!

Қ а л и м б е т. Эски замонларнинг гапини қўйсангиз-чи, ота. Машаққат чекиб нима фойда? Ҳозир тап-тайёр самолёт, оппа-осонгина бориб келинаверади. Бу ҳам тангрининг марҳамати-да, ахир!

О р о л б о б о. Қуллуқ, қуллуқ. Аммо... тавба қилдим, тавба қилдим, кўнглида бир тоза нияту чин ихлоси борми-йўқми, дуч келган одам ҳаж экан деб жўнайверса... Худди тўйга отлангандай... Зиёрати қабул бўлармикан?.. Ахир, бандаси покланиб, тозаланиб бормайдими унақа жойларга?!

Қ а л и м б е т. Мен ҳам шуни айтяпман-да, ота! Ҳалигина ўзингиз исботлаб бердингиз: бировга ёмонлик қилмагансиз, хиёнат қилмагансиз, кўз олайтирмагансиз... Сиз бормай ким борсин ҳажга?!

О р о л б о б о (*эриб кетиб*). Рости, бир-икки дафъа чоғланиб ҳам кўрганман. Юрак дов бермади-да: ўзинг ким бўпсан-у, ҳажни орзу қилсанг дегандай. Биз-ку, бир хашаки банда, ҳаж зиёрати насиб этмаган не-не улуғ зотлар ўтган, ўғлим! Лекин ичимдаги бир сирни сенга айтсам: баъзан худдики бориб келганга ўхшайман! Нияти билан-да...

Қ а л и м б е т (*жонланиб*). Ана энди чинакамига бориб келасиз, отабой! Мана, ҳамма хужжатингиз тайёр! (*Ушоша-пиша "дипломат" уни очиб, бир даста қоғоз чиқаради.*) Мана...

О р о л б о б о (*оғзи очилиб*). Ия, бир оғиз сўрамадинг-ку, Қалимбет, менсиз қандай қилиб?..

Қ а л и м б е т. У ёғи билан ишингиз бўлмасин, отабой. Биз киришдикми, битмайдиган иш йўқ!

О р о л б о б о. Барибир олдимдан бир ўтишинг керак эди-да, ахир...

Қ а л и м б е т. Ўтсам-ўтмасам, энди масала ҳал! Азза-базза биттасининг ўрнига гаплашганман-а!..

О р о л б о б о. Нима? Бировнинг ўрнига?! (*Убалодан қочган каби икки қўли олдинда, тисланиб.*) Йўқ-йўқ, бормайман!

Минбаъд! Бировнинг ўрнини тортиб олиб ҳажга жўнаш!.. Ўйлаб қилдингми шу ишни, Қалимбет? Гуноҳ-ку бу ахир, гуноҳи азим!

Қ а л и м б е т (*сув юқтирмай*). Ҳе, кўчадаги биттаси боргандан кўра – сиз, менинг отам боргани яхши эмасми?!

О р о л б о б о (*қатъий туриб*). Йўқ дедимми, йўқ! Кимнинг ўрнини олган бўлсанг, ўшанинг ўзига элтиб топширасан, гап тамом! Худойим ўзи кечирар, отангнинг сиғинадиган Каъбаси ҳам, зиёратгоҳу ибодатгоҳи ҳам мана шу ўзи туғилиб ўсган ташландиқ овулу бугун қуриб қолган бўлсаям, умрини бергани – Орол! Шундан ўзга ҳеч нарса керак эмас унга, билиб ол, бола!

Қ а л и м б е т. Орол, Орол... Ҳаҳ, Орол отагинамдан! (*У қувлик билан ялтоқланиб чолнинг елкасидан қучади.*) Ишни буздингиз-ку, бобой, энди нима қилдиг-а?..

Талай замон мум тишлаб қоладилар.

Бу орада чол ўчоқбошига бориб, оловини тортиб келади.

О р о л б о б о. (*куфридан тушган; илтижоли оҳангда*). Қалимбет, хув бирда кўрсатган матоҳнингни менга ташлаб кетсанг-чи, а? Невараларимни соғинганда томоша қилиб ўтирардим. Майли, анови уй ҳам, ҳаж сафари ҳам сеники, ўзингга сийлов...

Қ а л и м б е т (*муғомбирона бош чайқаб*). Йў-ўқ, бобой...

О р о л б о б о (*қалпоғини қўлида ғижимлаб ўрнидан туради*). Бўпти, мен кетдим унда.

Қ а л и м б е т. Ия, қаёққа?

О р о л б о б о. Онангнинг олдига, мозорга. Эрталаб хабар ололмаган эдим...

Қ а л и м б е т (*бўғилиб*). Мендан нима гуноҳ ўтди, ота? Айбим – сизни ҳажга жўнатмоқчи бўлганиму янги уй тортиқ қилганимми?!

О р о л б о б о. Беайб – парвардигор, менинг ҳам бир гуноҳим бор бу дунёда. Нималигини айтайми? Сени, сендайларни дунёга келтирганим!..

Қ а л и м б е т (*алам-изтироб ила*). Ота-а!..

Орол бобо қалпоғини бошига босиб, ҳовлидан чиқиб кетади.

Қ а л и м б е т (*бир лаҳза суқутдан сўнг, ижирғаниб*). Мияси айниб қопти бу чолнинг... (*У ёнидан телефончасини олиб, қўнғироқ қила бошлайди.*) Гул, ўзингмисан? Ҳеч гапга унама-япти-ку бу қайсаринг. Шаҳар яқинидан яп-янги ҳовли олиб

бердим, мана, ҳажга тўғрилаб қоғозларини келтириб ўтирибман – қани, кўнса! Ўзинг бир йўлини топмасанг бўлмайди, сингил. Сенга меҳри бўлакча, яхши кўради...

7

Оқшом. Орол бобо одатдаги ўриндиғида; ҳорғин, беҳафсала кўринади. Ёнбошдаги қўлбола курсида омонатгина бўлиб қизи Гулхадича ўтирибди; тиззасида сумкачаси, ўта замонавий кийинган.

Шогирдлар иш билан машғул. Ора-орада ота-бола томон қараб қўйишади.

Оролбобо. Депутатликка чоғланганмишсан, шу ростми? Эринг бошингда, бу ёқда жужуқларинг – нима кераги бор эди, қизим?

Гулхадича. Ҳа, Жўқорғи Кенгесга. Бўласан-чи бўласан, деб қўйишмади-да, ота... *(Бирдан тумшайиб.)* Лекин бошим қоғтиб қолган. Устимдан ёза-ёз!

Оролбобо. Ия! Нима деб ёзади, ким?

Гулхадича *(қўзларини ёшлаб)*. Ўлгур рақибларим-да, душманларим!

Оролбобо. Сенда душман нима қилсин? Ажаб гапларни гапирасан-а!

Гулхадича. Бирга от суриб юрганлар душман бўлмай нима? Бари ўзим депутат бўлай, бу қолиб кетсин дейди, ярамаслар!

Оролбобо. Қандай айбинг бор экан, хўш?

Гулхадича *(бармоқуни билан қовоқларини артиб, аразлаган сингари)*. Э-э, сизни айтиб ёзади-да!..

Оролбобо *(ёқасини жуфтлаб)*. Мени?! Мен нима қипман уларга? Бирортасини танимасам, билмасам...

Гулхадича. “Туққан отасини бир гўрларга ташлаб қўйган, қарамайди, бориб ҳолидан хабар олмайди! Шундай оқпадар инсон депутат бўлиши мумкинми?” ва ҳоказо. Ишқилиб, оёғимдан чалса, бадном қилса бўлди уларга!

Оролбобо *(хижолатга тушиб)*. Мен ҳеч кимга арз қилганим йўқ-ку, жоним қизим... Сенлардан бирор нарса керак эмас, ўз ҳолига қўйсаларинг... ия, тинчгина юрса кифоя оталарингга. Шундай-шундай гап деб, тўғриси тунтирмайсанми ўшаларга?

Г у л х а д и ч а. Кимга тушунтираман? Сайловчиларгами? Халққами? Халқингиз тушунмайди барибир! Ишонмайди-да...

О р о л б о б о. Шугинани тушунтиролмасанг, шунга ишонтиролмасанг, депутат бўлиб нима қиласан, қизим?!

Г у л х а д и ч а. Э-э, сиз ҳам тушунмаяпсиз, ота. Қўйма-япти-да, ахир! Ўзимга қолса-ку, аллақачон туф деб юборардим. Безорим чиқиб бўлди ўзи!

О р о л б о б о (*ажабланиб*). Ким қўймаяпти, ким? Ўша сайловчиларми?

Г у л х а д и ч а. Улар ҳам... Куёвингиз, куёвингиз! Бу ёқда оғам – Қалимбет. Бизнесларига ёрдам бўлармиш...

О р о л б о б о. Оббо-о! Эркакман деб белига камар бойлаган азаматлар бир заифани ўртага солиб, шунинг соясида... Суф-э сенларга!.. Ҳай, мени йўқлаб қолибсан? Шу гапни айтгани келдингми ё?

Г у л х а д и ч а (*қуйинган каби афтини буриштириб*). Ранг-рўйингизни қаранг, отажон, кўрган кишининг раҳми келади-я!

О р о л б о б о (*саросимада қолиб*). Рангимга нима қипти, Гулхадича? Соппа-соғман, ҳеч бир жойим оғримаса...

Г у л х а д и ч а. Шундай бўлсаям бир-икки кун дам олиб келсангизми девдим. Зўр бир жойга олиб борсам сизни... Вуй, боғларини кўрсангиз – гулу гулзор!..

О р о л б о б о. Қанақа жой экан у? Тўппа-тўғри жаннат бўлмасин тағин!..

Г у л х а д и ч а. Ундан ҳам зўр! Ҳозир... (*У дик этиб ўрнидан туради-да, бир кафтини оғзига карнай қилиб қўча томон овоз солади.*) Роҳат Собировна! Роҳат Собировна!

Четан эшик очилиб, қўлида ялтироқ қутиси, ясан-тусанда Гулхадичадан қолишмайдиган оқ халатли жувон – Роҳат Собировна киради.

Р о ҳ а т С о б и р о в н а (*ҳовлига аланглаб, атай хушқоллик билан*). Вой-бў-ў, ҳаммаёқ қайиқ-ку! Сувимиз қани, сув?.. Ассаломалайкум, отахон, бормисиз? Шундоқ пустиняда бир ўзингиз-а! Не понимаю, не понимаю. (*Дашном оҳангида*) Гуляхон, адангизни бироз чарчатиб қўйибсизми дейман-а, ўртоқ? (*У қутисини тагига қўйиб рўбарў ўтиради-да, гўёки сеҳрламоқчидек Орол бобога қаттиқ тикилади. Чол хижолат, кўзини қаёққа яширишни билмайди.*) Қани, бошладикми? Тилингизни кўрсатинг-чи, отахон...

Оролбобо. Тилимни?.. *(Довдираб Гулхадичага қарайди.)* Бировга оғзингни очиб тилингни кўрсатиш ноқулай-ку, қизим? Мазах қилгандай гап-да бу.

Гулхадича. Кўрсатинг, кўрсатаверинг, ада, бу киши дўхтир-ку! *(Кулиб)* Суғуриб олмайдилар, кўрқманг.

Оролбобо *(таажжуб аралаш)*. Нима? Нима дединг? Бир сўз айтгандай бўлдинг...

Гулхадича *“жим ўтиринг энди” деган каби уни секингина туртиб қўяди. Чол баттар мулзам, тишсиз милклари орасидан аранг тилининг учини чиқаради...*

Дўхтир қутисидан олган игнаю болғачаларини ишга солиб, беморни обдон текшириб кўргач, саволга тутади.

Роҳат Собировна. Кўп туш кўрасизми, отахон? Масалан, нималар киради тушингизга?

Оролбобо. Ҳа, унда-бунда кўриб турамиз. Ҳар хил тушда, қизим... Кўпинча раҳматли кампирим киради тушимга, мана бунинг онаси.

Роҳат Собировна *(Гулхадичага юзланиб, шунчаки)*. Ойингизларми?

Гулхадича *(эшитилар-эшитилмас)*. Ойим, ойим, Роҳат Собировна.

Роҳат Собировна. Отахон, айтинг-чи, тушларингизда балиқ ҳам тутасизми?

Оролбобо *(энсаси қотиб)*. Нега энди тушимда экан? Тушимда эмас, ўнгимда тутаман балиқни. Ҳар кеча!

Роҳат Собировна. Ҳар кеча дейсизми? Зўр-у! Қаердан овлайсиз уни, сувданми?

Оролбобо *(тоқати тоқ бўлиб)*. Сувдан бўлмай қумдан овланармиди у жонивор?! Сувдан-да, албатта. Орол сувларидан!

Роҳат Собировна *(Гулхадича билан ўғринча маънодор кўз уриштириб олиб)*. Орол деганингиз олис-ку, отахон, жуда олисда! Қанақа қилиб борасиз у ерга ҳар кеча?

Оролбобо *(дўхтирга узоқ тикилиб)*. Нима десам экан сизга? Айтганим билан барибир ишонмайсиз-да, қизим. Ҳеч ким ишонмайди бунга... *(У алам билан мунғайиб, бошини солинтириб олади.)*

Роҳат Собировна Гулхадичани четга имлаб, унинг кифтига ҳамдардона қўл ташлайди.

Роҳат Собировна *(пичирлаб)*. Всё ясно. Симптомы налицо. Опкетамиз, депутатим! Тайёрланг...

Гулхадича. Уколми? Бўлмаса кўндиrolмайсиз, точно!

Роҳат Собировна. Да, укол!

Гулхадича (*орқадан келиб чолни бўйни аралаш қучади*).
Ота... Ия, ада... Дўхтир опа айтяптиларки, сизни укол қилмаса
бўлмас экан. Кўрқманг, кўрқманг, билагингизга. Биттагина,
холос. Ҳечам оғримайди, мана кўрасиз...

Оролбобо (*вазмин бош буриб*). Менинг нимами укол
қиласан, қизим, ҳеч жойим оғримаса...

Гулхадича (*тўсатдан жазаваси кўзиб*). Оғрийди, оғрий-
ди! Ана – афтингизга қаранг! Гапириб ўтирган гапларин-
гиз-чи!.. Эй-й, ҳамманг жонимга тегдинг! Бирови “Депутат бўл-
санг – бўлганинг, йўқса, тўрт томонинг қибла” деб шарт кўйса!
Униси “Депутатликка чиқмасанг, сендай синглим йўқ” деб сиё-
сат қилиб турса!.. Нима қилай? Нима қилай ахир, айти-инг! (*У
аламидан йиғламсираган бўлади.*)

Оролбобо. Майли, майли, сенга шу керак бўлса, ма, қила
қол уколингни... (*У ҳафсаласиз кўлини узатади.*)

Гулхадича *отасининг билагидан тутиб туради, Роҳат Со-
бировна абжирлик билан игнасини санчади.*

Хаял ўтмай Орол бобо ўриндиққа чўзилиб қолади.

Болалар ҳангу манг, ташвишга тушиб қолган, ўзаро пи-
чир-пичир.

Жумабой. Хў опа, бобомизни нима қилдингиз?

Гулхадича *ўгирилиб ҳам қарамай, “э, ишингни қил” деган
каби улар томон жаҳл билан кўл силтайди.*

Роҳат Собировна. Чақираверинг.

Гулхадича (*кўча томон чинқириб*). Оға-а! Оға-а! Бўлди,
тайёр!

Қалимбет *ва ҳайдовчиси пайдо бўлиб, чолни кўлтиғидан
кўтарганча ташқарига судрайди.*

Гулхадича билан Роҳат Собировна бир-бирининг елкасига
кўл ташлашиб уларнинг ортидан юради.

Шогирдлар *беихтиёр чопиб бориб йўлни тўсмоқчи бўлади.*

Жумабой. Ие, оға, қаёққа опкетяпсиз бобомизни?!

Қалимбет (*зарда билан*). Энангнинг уйига!

Тиловерган (*унга тармашиб*). Опкетмайсиз, йўқ!

Қалимбет (*тиззаси билан унинг куймучига бир тепиб*).

Нари тур-э, маймоқ!

Тилов учиб кетиб, бир четга ағнаб қолади. Болалар сароси-
мада, ноиллож тек қотган.

Роҳат Собирова (*Ўйл-ўйлакай, ҳовлига яна бир қур кўз ташлаб*). Чудак! Настоящий чудак!

8

Намозшом пайти. Жумабой ва Генжамурод қайиқсозлик билан банд. Одатдаги юмушлар: ўлчаш, тахта қирқиш, елимлаш, бўёқ-сўёқ...

Ж у м а б о й (*туйқус ишдан бош кўтариб*). Бобомизни қаёққа опкетди-я булар?

Г е н ж а м у р о д. Ота – уларники, хоҳлаган жойига олиб кетаверади-да.

Ж у м а б о й. Соппа-соғ одамни укол қилди-я, тавба!

Г е н ж а м у р о д (*билағонлик кўрсатиб*). Қилади! Керак бўлганда қараб ўтирмайди. Ўзим кўрганман! Жапақ амакимни билардинг-а, дўхтирлар уни мана шундай укол санчиб, мошинага босиб олиб кетишган, эсимда.

Ж у м а б о й. Амакинг тўрт туманга номи кетган бир жинни-санғи эди-да! Бобомиз, ахир...

Г е н ж а м у р о д (*нафсонияти кўзиб*). Бобонг нима, соғ эканми? Ҳамма уни “девона, савдойи” деб юради-ку!..

Ж у м а б о й. Айтиб қўй, ўшаларингнинг ўзи девона, ўзи савдойи! Шунга гап деб кўтариб юрган сен ҳам соғ эмас, Генжабой!

Г е н ж а м у р о д. Ўзинг ҳам шу! Тиловнинг ҳам... Бобонинг гирдида юрганларнинг барини эл-улус шунақа деб ўйлайди, билсанг!

Ж у м а б о й. Ўйлайверсин! (*муштумини дўлайтириб*) Қани, бирортаси келиб ўзимга шундай деб кўрсин-чи!..

Бир ўрам эски сим кўтариб ҳовлига Тиловберган киради.

Т и л о в б е р г а н (*қўлидагини ерга ташлаб*). Жума-а, овулингда шиша деган матоҳ қолмабди-ёв! Амет билиб айтган экан: кеча эрталаб бу ёққа келаётиб, Жангил момонинг томига чиқиб қарасам, ростдан ҳам Орол тараф сувга тўлгандай, офтобда чарақлаб кўзни олади!

Ж у м а б о й (*ишдан бош кўтариб*). Мен ҳам кўрдим. Худди сувнинг ўзи! Шу иш Аметнинг хаёлига қаёқдан кеп қолди экан-а?..

Т и л о в б е р г а н. Биласан-ку, китобни кўп ўқиган у. Ўзиям каллали. Ўтаган махсумнинг боласи-да, муллазода!

Г е н ж а м у р о д. Муллангнинг боласи бугун аллақайларда салат кесиб юрибди. Каллали эмиш!..

Ж у м а б о й. Ким нима деса десин, барибир, зўр иш бўлди шу. Маладес, Амет!

Г е н ж а м у р о д. Бобонг кўрмаганидан кейин бу ҳаммаси бир пул, ошнам! Ўша киши учун қилинди-ку, тўғрими?

Т и л о в б е р г а н. Шундай, шундай!..

Худди шу чоқ четан эшик ғийқиллаб, Орол бобомизнинг ўзи пайдо бўлади!

Бир лаҳза ҳайратда қотган шогирдлар гувва бориб, талаша-тортиша унинг бўйнига осилади: “Келдингизми, бобожон, келдингизми?”, “Устоз, устоз!”, “Соғиниб кетдик сизни, бобо!..”

О р о л б о б о (уларни баравар бағрига босиб, кўзлари жиққа ёш). Чироғларим!.. Шерларим, бургутларим!..

Шогирдлари чолни кўтариб келиб, эъзоз билан хос ўриндиғига ўтқазадилар. Ўзлари ён-верида чўнқайиб, алланечук ачиниш аралаш унга кўз тикадилар.

Т и л о в б е р г а н (*йиғламсираб*). Нима бўлди сизга, бобожон, бунча қолиб кетдингиз?

О р о л б о б о (*қўл силтаб*). Э, сўраманглар, болаларим!.. Қочдим, қочиб келдим! Кўрдиларинг, “мазангиз йўқ, мазангиз йўқ” дея нима балодир қилиб уйига олиб кетди-ю, қамаб қўйгандай аҳволга солди-я мени! Анови дўхтир дугонаси кунда икки маҳал укол қилиб кетади, ухлаганим ухлаган, кўзларимни очолмайман! Депутатлигига керакмиш-да касофатнинг!.. Сизларни соғиндим-у, қўйган пойлоқчиларини ҳам доғда қолдириб, бугун кўзни ишқай-ишқай йўлга тушдим!.. Ҳай, ўзларингдан гапиринглар, қани? Аметбойимиз кўринмайди?.. (*Шогирдлари ерга қараб қолгач, таассуф ила бош чайқайди, оғир хўрсинади.*) Бола кетибди-да барибир. Атта-анг, атта-анг. Яхшигина уста бўлиб қолувди-я, касофат!

Г е н ж а м у р о д (*ғаши келиб*). Касофатингизнинг ўрнини билдирмаяпмиз лекин, бобо! Ана, сиз йўғингизда бир эмас, иккита қайиқ ясаб қўйганмиз!

О р о л б о б о (*руҳланиб*). Баракалла, чироғларим, баракалла! Хўш, яна нима янгилик?

Т и л о в б е р г а н. Сиз бирдан кетиб қолдингиз, мана, бугун бирдан келиб қолдингиз – янгилик шу!

Бараварига кулиб юборишади.

О р о л б о б о (*ўрнидан оғир кўзғалиб*). Аср пайти кеп қолгандир, мен намозимни ўқиб олай энди!.. бир ҳафталик қилиб!

Чол ўчоқбошидан офтобасини олиб, уй орқасига ўтади. Йигитлар қайтиб ишга тутинади.

Жумабой қандайдир тахтани айлантириб кўздан кечираётганида унинг бир учи дастгоҳ адоғида турган транзисторга тегиб кетадию шўх ялла янграйди.

Қорақалпоқларнинг машхур “Дембермас”и!..

Ана шу тарона асноси ҳовли қоронғилашиб, кейин яна аста ёриша бошлайди.

Тонг! Узоқлардан келаётган денгиз шовқинлари бояги қўшиққа қоришиб, уни босиб кетади. Ана – тўлқинлар бир-бирига урилиб шалоплаши, жонсарак мавжлар шивир, эшакларнинг бир маромдаги ғичир-ғичир... Ана – чағалайларнинг бетиним чуғур-чуғурию сувга тўш уриб учаётган оқчорлоқлар саси...

Еру осмон ғайриоддий, ғайритабиий бир ёғдулар, чароғонлик қўйнида...

Том бошидаги она қайиқда Оролбобомиз тик турибди. Қалпоғи қўлида, қувончдан кўзлари чақнаб ҳар ёнга аланглаётир.

Четан ортидан шогирдлар саси эшитилади: “Кўрди! Ана, қаранглар – кўрди!”

О р о л б о б о (ҳайқира-қийқира). Мана, келди! Ахийри келди! Сув, сув!.. Оролимиз сувга тўлди, одамлар! Яшасин, дод! Шу кунни кўрдим-а! Энди ўлсам армоним йўқ... (Қўлларини кўкка чўзиб.) Омонатинг ол, эгам! Розиман, барига розиман! Шукр, шукр...

Чол шунда бир қалқийди-ю, оёқлари майишиб, бўшаша-бўшаша, баайни сувга чўкаётган мисол, қайиқ ичида кўринмай кетади.

Атрофни сукунат чулғайди – пурҳикмат, тантанавор бир сукунат!..

9

Чол қайиқ ичига “чўкиб” кетгач, андак сукунатдан сўнг, чамаси, четан ортида бу манзарани – нима бўлишини кузатиб-пойлаб туришганми, бирин-кетин шогирдлар кириб келади. Улар ҳовли ўртасида саф тортиб, томбошига бақрайганча қотиб қолишади.

Бир вақт четан эшик оғзида елкасига сафархалта осган нотаниш либосли йигит пайдо бўлади. Амет! У оҳиста яқинлашиб, уч ўртоқни орқасидан бирваракай қучиб олади.

Т и л о в б е р г а н (*ваҳима ичида*). Амет! Сенмисан? Осмондан тушдингми, нима бало?..

А м е т (*айбдорона*). Келдим. Кўнглим бир нимани сезгандай бўлаверди... (*Тўрт ўртоқ йиғламсираганча қучоқлаша кетади*.) Сизларни... Оролни унуголмадим, жўралар. Келдим. Бобомиз қани?

Ж у м а б о й (*томбошига ишора қилиб*). Юраги ёрилиб ўлиб қолди... Кўзларига ишонмаган-да!

А м е т (*юзини чангаллаб*). Мен, ҳаммасига мен айбдор!.. (*У жаҳл билан елкасидаги сафархалтани ерга отади*.)

Т и л о в б е р г а н. Энди нима қилдиг-а, болалар, нима қилдик?

Ж у м а б о й (*саркорликка ўтиб*). Юринглар. Олиб тушиш керак...

Бирин-бирин қайиқ-нарвонга тирмашиб, томга чиқа бошлайдилар.

Г е н ж а м у р о д (*чиқаётиб*). Айтиб эдим-ку, бу ишимизнинг охири зил бўлиб чиқади, деб!..

Ж у м а б о й (*тепадан, жеркиб*). Қўй энди сен ҳам шу пайтда!.. Ҳар не бўлгандаям муродига етди-ку бобомиз! Сувни кўргандай бўлиб кетди...

Йигитлар томда қайиқни қуршаб, бараварига унга энгашадилар.

Амет беихтиёр чолнинг қалпоғини олиб, бошига қўндиради.

Т и л о в б е р г а н (*изиллаб*). Бобожон, ўлманг! Кўзингизни очинг...

А м е т. Кечиринг, устоз, беоқибат шогирдингизни кечиринг...

Ж у м а б о й (*ўқрайиб*). Бўлди!.. Қани, олдик!

Томбошида тўрт ўғлон – тўрт шогирд қайиқ-тобутни даст кўтариб турибди!

Ғойибона видолашув...

О р о л б о б о (*овози*). Келганинг чинми, Амет болам? Бобонгнинг ўлишини кутиб юрганмидинг ё?..

А м е т (*овози титраб*). Ундай деманг, бобожон, ундай деманг. Келдим, мана. Бутунлай келдим.

О р о л б о б о (*овози*). Билиб қўй, Орол чақирди сени, Оролимиз! Ишонмасанг, ана – атрофга боқ, сувнинг ўзидан сўрагайсан!

А м е т (*овози*). Сизларни ташлаб қаёққа ҳам борардим, бобо?!

О р о л б о б о (*овози*). Ота боласи эмас, Орол бўлиб қайтдим де? Баракалла, чироғим! Бобонгнинг васияти – анови қалпоқни ҳеч қачон бошингдан қўймагайсан!

А м е т (*овози*). Руҳингиз хотиржам бўлсин, бобо, сиздан мерос бу қалпоқ ҳамиша бошимда туғ!..

Т и л о в б е р г а н (*овози, йиғи аралаш*). Бизларни кечиринг, бобожон...

Г е н ж а м у р о д (*овози*). Мен сизни бугун билдим, Орол бобо! Ўзимни ҳам энди танияпман. Саркашроқ болангизнинг қилиқларидан ўтарсиз, бобожон...

Ж у м а б о й (*овози*). Бундай бўлиб чиқишини ким ўйлабди дейсиз, Орол бобо! Биз сизни бир суюнтирмоқчи эдик-да...

О р о л б о б о (*овози*). Бу дунёдан, сизларнинг барингиздан рози бўлиб кетяпман, қароқларим, йиғламанглар, мен учун кўзёши қилиб юрманглар. Сизлар бор экансиз, бобонгиз ўлмаган, ўлмайди. Сизлар бор экансиз, Орол ўлмайди, Оролимиз тирик! Тоабод бор бўлгай, омин!

Қайиқ-тобут ногаҳон бир силкиниб, бошлар узра оҳиста қўтарила бошлайди. Юксала-юксала, қўк денгизи сари сузиб кетади...

Тўрт ўғлон осмонга қўл чўзиб, уни гўё кузатиб қолган...

Узоқлардан келаётган денгиз шовқинлари тобора кучаяди. Ана – тўлқинларнинг бир-бирига урилиб шалоплаши, жонсарақ мавжлар шивири, эшакларнинг бир маромдаги ғичир-ғичири... Ана – чағалайларнинг бетиним чуғур-чуғурию сувга тўш уриб учаётган оқчорлоқлар саси...

ТАМОМ

Шароф БОШБЕКОВ



1951 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Драматург, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Шароф Бошбековнинг “Тушов узган тулпорлар” (1983), “Эшик қоққан ким?” (1987), “Темир хотин” “Эски шаҳар гаврошлари” (1998), “Тақдир эшиги”, “Тентак фаришталар” (1995), “Зўрдан зўр чиқса” (1996) каби саҳна асарлари мамлакатимиз театрларида такрор-такрор саҳналаштирилган. Шунингдек, “Қасосли дунё”, “Шариф ва Маъруф”, “Юзсиз”, “Тилла бола”, “Масхарабоз”, “Фарҳод ва Ширин” каби фильмлар, “Чархпалак” номли 60 лавҳали видеофильм сценарийлари муаллифи.

ЕР БАРИБИР АЙЛАНАВЕРАДИ

Мистик буффонада

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Ҳ о к и м.
С о б и қ.
П о п у к х о н – ёрдамчи-котиба.
М у ҳ а н д и с – кўприклар бўйича.
Я ш и л Я п р о қ – шоир.
Ч о л.
А ё л.
Б о л а – 5–6 ёшларда.

* * *

Саҳна – қўш қаватли уй мисол қўндалангига қоқ иккига бўлинган. Тепа қаватда нима борлиги кўринмайди – қоронғи.

Пастки қаватда бир кишилик қамоқ камераси жойлашган. Жиҳозлар ҳам шунга яраша: ерга михланган курси, стол, каравот ва ҳоказо.

Саҳнанинг икки чеккасида юқори ва пастки қаватларни боғлаб турувчи айланма зина бор. У ҳозирча керак бўлмайди. Пастки қават ёришади.

Биз томошабин узра узоқ-узоқларга тикилиб турган Собиқни кўрамиз.

Эғнида оппоқ қўйлак, қора шим, оёғида зулукдай қоп-қора туфли.

Тушуниб бўлмайдиган овозлар – арава ғилдирагининг ғижирлаб айланиши, итларнинг вовуллаши.

“Ахборот” кўрсатувининг мусиқаси, трактор овози, чақалоқ йиғиси, муаззиннинг азон айтиши, ҳарбийларнинг жўрликда қасамёд қилиши, реактив самолётнинг учиб ўтгани – ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Бу англаб бўлмас шовқиннинг хотимаси эшикнинг инграниб очилиши-ю, мелиса ҳамроҳлигида Ҳокимнинг кириб келиши бўлади. Кутилмаган бу учрашувдан иккаласи ҳам бир муддат саросимами, ҳаяжонми, ҳуллас, хижолат аралаш кўрқувдан довдираб қолишади. Мелиса чиқиб кетади. Собиқ – кўпни кўрган одам эмасми, биринчи бўлиб ўзига келади.

Темир панжаранинг нариги томондан эшикнинг қулфлангани эшитилади.

С о б и қ. Ваалайкум ассалом!..

Ҳ о к и м. Ассалому алайкум... (*кўришмоқ учун бўлса керак, бир-икки қадам босади, аммо қарши томондан ташаббус бўлмагач, тўхтаб қолади.*)

Анча пайт шу қўйи жим туришади.

С о б и қ. Бир кўриб кетай, дебсиз-да?

Ҳ о к и м. Ҳа, шунга ўхшашроқ...

С о б и қ. Мен энди олдимга пашшайам киролмаса керак, деб ўйловдим. Анча овора бўлгандирсиз?

Ҳ о к и м. Ҳа, президентгача чиқишга тўғри келди.

С о б и қ. Нечук? Жа унчалигам қадрдонлигимиз йўғ эди-ю? Шунчалик экан, шу саъй-ҳаракатингизни бола-чақамга қилсангиз бўлармиди, бир кўриб қолардим.

Ҳ о к и м. Биласиз-ку, униси қўлимдан келмайди.

С о б и қ. Шу, қўлингиздан келганигаям шуқр... (*чуқур тин олиб.*) Ҳаво иссиқдир?

Ҳ о к и м. Ҳа, қирқдан кам эмас...

Собиқ (*аламли жилмайиб*). Бу ер салқин, сезилмайдиям...

Сукут.

Бу ерга фақат об-ҳаводан гаплашгани келмагандирсиз?

Ҳ о к и м (*қулимсираб*). Нима, шошаяпсизми?

С о б и қ (*дона-дона қилиб*). Бу ерда ҳеч ким шошмайди, бу ерда шошилтиришади!

Ҳ о к и м (*узромуз*). Тушунарли... Мени илгариям танирминдингиз?

С о б и қ. Йиғилиш-пиғилишларда кўриб юрардим-у, лекин очиги, яхши билмасдим. Одам ўзини танитиш учун минбарларда шақиллаб туриши керак. Сизни бирор жойда бирор оғиз гапирганингизни эслолмайман. Жуда пассив эдингиз, и-индамай ўтираверардингиз. Баъзан, шу боланиям тили-жағи бормикан, деган хаёлга борардим. Ҳайронман, менинг ўрнимга нега айнан сизни лозим топишди экан? Отам раҳматли айтардилар: “Индамай ўтирган одам, биринчидан, ақлли кўринади, иккинчидан, узо-оқ яшайди”, – деб. Биз бўлсак ўзимизни ўтга-чўққа уриб, ақлли кўринишним ўйламабмиз, узоқ яшашни ҳам! Мана, оқибати...

Ҳ о к и м. Хўп, майли, бу гапларни қўя турайлик. Олдингизга келишимдан мақсад, нега шунақа бўп қолганини билмоқчи эдим.

С о б и қ. Қанақа бўп қолганини?

Ҳ о к и м. Бир пайтлар бутун республикага гуриллаган вилоят бугунга келиб нега ҳамма соҳада ўтириб қолди? Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, соғлиқни сақлаш, маориф, кўйинги, ҳамма-ҳамма соҳа! Мен янги одамман, иш бошлайман деб қайси соҳага қўл урсам, қумдай тўкилиб кетяпти!

С о б и қ (*пинагини бузмай*). Ана, тергов ҳужжатлари бор, сўроқ протоколлари бор – марҳамат, танишинг. Шунинг учун овора бўлиб бу ерга келиб ўтиришингиз шарт эмасди.

Ҳ о к и м. Ҳужжатлар билан танишиб чиқдим. Лекин... нима деб тушунтирсам экан... Тергов ҳужжатларига, протоколу бошқа қоғозларга тушмай қолган, терговдаям, суддаям айтилмаган қандайдир сабаблар ҳам бўлиши керак. Нега, нима учун шундай бўлди? Айб кимда – раҳбардами, тузумдами, одамлардами – нимада? Кимдир жавоб бериши керак-ку ахир?

С о б и қ. Буни менам охиригача тушуниб етганим йўқ. Буни ҳеч ким билмайди...

Ҳ о к и м. Бутун бошли вилоятнинг иқтисоди бутунлай издан чиқиб кетсин-у, ҳеч ким билмасин – йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

С о б и қ (*хотиржам*). Ҳамма ёқ дабдала бўп кетибдими, демак, мумкин экан-да.

Ҳ о к и м. Бу саволни ўша куни бермоқчи эдим, афсуски, сиз келмадингиз.

С о б и қ. Гапингиз қизиг-а, қайси ҳоким ўзи ишдан олинган йиғилишда қатнашибдики, мен қатнашай? Бошқалардан кам жойим бор эканми, менам бормай қўя қолдим...

Ҳ о к и м. Менам шунисига доғман-да, нега қатнашмайсиз? Ахир, залда ўтирган шунча одам сизга душманмас, елкама-елка ишлашган сафдошларингиз-ку! “Ҳа?” десанг, “мазаси йўқ, стационарда ётибди” дейишади! Мана кўрасиз, мен ўзим бўшатиладиган мажлисда албатта қатнашаман! Нимаики қилган бўлсам, у меники – тўғри ишимам, нотўғрисиям! Ишда бўлади – кимнингдир дилини ноўрин оғритиб қўйгандирман, кимнидир сўкканим эса тўғри бўлгандир. Ўша мажлисда узр сўраш керак бўлса, узр сўрайман, тўғри қилган бўлсам, унияма айтаман. Менинг ўрнимда ишлайдиган одамга муваффақият тилаб, кейин минбардан тушиб кетаман. Ана бу – марднинг иши! Стационар қилиб ётиб олиш – қип-қизил дизертирлик бўлади!

С о б и қ (*ваҳима билан*). Шу гапингизни ўйлаб гапиряпсизми, ўша йиғилишда президентнинг ўзлари бўладилар-ку!..

Ҳ о к и м. Нима бўпти, қилғиликни қип қўйгандан кейин жавобиниям бериш керак-да! Емоқнинг қусмоғи бор!

С о б и қ. Ўшанда кўрамиз! Ҳали-ку, стационар экан, сичқоннинг ини минг танга бўп кетмаганини!

Ҳ о к и м. Биласизми, мен ишни нимадан бошламоқчиман?

С о б и қ. Қаёқдан билай, нима ишга қўл урсангиз, қумдай тўкилиб кетаётганмиш-ку...

Ҳ о к и м. Порахўрликдан.

С о б и қ (*афтини буриштириб*). Нимадан-нимадан-нимадан?

Ҳ о к и м. Порахўрликни тугатишдан. Чунки порахўрлик хукм сурган жамиятнинг келажаги вой бўлади!

Собик (*артистона*). Кечирасиз, порахўрлик билан қандай курашмоқчисиз? Қўлини кестирасизми?.. Унда дунёни чўлоқ босиб кетади-ку, кейин сиз кимга ҳокимлик қиласиз? Инвалидларгами?

Ҳ о к и м. Тасаввур қилинг: чақалоқ дунёга келди. Кўзини очиб, нимани кўради? Порани! Боғча – пора, мактаб – пора, институт – пора, дўхтир – пора, катта-кичик лавозимлар – пора!!! Ҳаммаёқ – пора! Шахсни жамият тарбиялайди, шакллантиради, деймиз. Хўш, бунда жамиятда у ким бўлади? (*секин*) Порахўр бўлади... Бу мансабга келгунича у қанча харажат қилган? Ана ўшани чиқариб олиши керак! Эртага нима бўлади – худо билади, шунинг учун вақт ғаниматда – “юлиб қол”, “олиб қол”, “ташиб қол”. Донишмандлардан бири: “Пора – қонунни бузиш ҳуқуқини берадиган мандат”, – деган экан. Эътибор қилинг, “қонунни бузиш ҳуқуқини”, демак, исталган қонунни оёқости қилиш мумкин, дегани бу! Қонун нима бўпти, ҳатто конституцияни ҳам! Шунинг учун ихтиёр менда бўлганда, кейинги йилни “Порахўрликка қарши кураш йили” ёки “Ҳалоллик йили” деб эълон қилган бўлардим.

С о б и қ (*кесатиб*). Майли, худо қувват берсин... Пора дегани минг йил аввалам бўлган, ҳозирам бор, бундан кейинам бўлаверади. “Қон билан кирган – жон билан чиқади”. Сиз уни айтасиз, ҳатто она ўз боласини бетаъма эмизмайди, “қариганимда менга қарайди, мени боқади” деб эмизади! Таъма борми – пора бўлаверади. Эҳ-ҳе, не-не даҳолару не-не султонлар йўқ қилолмаган нарсани сиз даф қилмоқчимисиз?

Ҳ о к и м. Нима деярганингизни тушунапсизми ўзи? Сиз айтгандай бўлса, жамиятни бошқариб бўлмай қолади-ку! Қо-

нунлар ишламайди, чунки пора ёрдамида уни айланиб ўтишнинг иложи бор! (*бироздан кейин*) Тўғри, бу иллат шўролар давридаям бор эди, лекин эвида эди. Ҳеч курса, бунақа олди-берди хуфиёна, яширинча қилинарди. Энди-чи? Очик бўп кетди! Фақат ҳар бир идоранинг тепасига: “Бу ерда пора фалон сўм” деб ёзиб қўйиш қолди! Худоданам қўрқишмайди, бандасиданам!

С о б и қ (*бирпасдан кейин*). Биласизми, қадим замонда бир юртга ким подшо бўлса, кўп ўтмай ўлиб қолавераркан. Халқ подшо қилиб кўтаравераркан, қарабсизки, бир оз вақт ўтиб бунисиям ўлиб турибди-да! Навбатдаги подшолардан бири – буниси ақлли ва айёр экан – бир авлиёни хузурига чақириб, бу жумбоқнинг жавобини сўрабди. Шунда авлиё: “Бу юртнинг одамлари ҳалол, бировнинг ҳақидан ҳазар қиладиган мўмин бандалар, шунинг учун уларнинг дуосиям, қарғишиям ижобат бўлади. Сиздан олдинги подшолардан халқ норози бўлиб қарғаган эди, ҳаммалари қарғиш уриб ўлиб кетишди”, – дебди. Шунда подшо бир айёронга чора ўйлаб топибди. “Ҳар бир меҳнатга яроқли фуқаро биттадан тухум опкелиб, шаҳар майдонига қўйиб кетсин!” – деб фармони олий қилибди. Подшо амри вожиб – тухум дегани хирмон бўп кетибди. Пешинга бориб: “Энди фуқаролар тухумларини опкетишсин!” – деб яна фармон берибди. Кимдир йирик тухум опкелган, кимдир майдароқ, биров товук тухуми, биров ўрдак, ғоз тухуми, жа кунини кўролмайд қолганлар, тухум бўлса бўлди-да, деб каптар тухуминиям кўтариб келаверишган экан. Энди олишга келганда одамлар катта-кичиклигига қарамай опкетаверишибди. Шундай қилиб, бировнинг ҳақи бировга ўтиб қопти. Бировнинг ҳақини ейиш ҳаромми? Ҳаром еган ҳалқум эгасининг на дуоси ижобат бўлади, на қарғиши ўтади! Шундай қилиб, ҳалиги подшо умрининг охиригача мамлакатни сўраб, даври даврон сурган эка-а-ан...

Жимлик.

Ҳ о к и м. Сиз даҳшатли одам экансиз. Мен умримда бировга ўлим тиламаганман. Гапларингизни эшитиб туриб, бизда ўлим жазоси бекор қилинганидан афсусланиб кетяпман...

С о б и қ. Э, қўйинг унақа баландпарвоз гапларни! Ҳамма тўғри, ҳалол яшаяпти, деб ўйлайсизми? Кабинетдан чиқиб мундоқ айланинг, одамларнинг ичига киринг! Бу иморатлар-у, бу мошиналар фақат маошга келяпти, деб ўйлайсизми? Кечи-

риб қўясиз! Қўша-қўша иморатлар қозони ойлаб гўшт кўрмайдиганларнинг ҳақи эвазига қурилмаяпти, қатор-қатор хориж мошиналар ўлигига кафанлик тополмайдиганларнинг насибаси эвазига келмаяпти?! Э, тилимни қичитасиз!..

Ҳ о к и м. Ҳамма ҳаром еб ётибди, шунинг учун бу халқнинг қарғиши ўтмайди, демоқчисиз-да, а?

С о б и қ. Мен ундай демадим!

Ҳ о к и м. Ахир гапингизнинг нишаби шу ёққа қараб кетяпти-да. Сиз қаердалигингизни унутиб қўйдингиз чоғи? *(атрофга истехзо билан қараб)* Шунинг ўзи ҳаром кириб бормаган хонадонларнинг кўплигидан далолат эмасми? Вилояти-миз халқи сиз уйдирган тухум хирмонидан айнан ўзиникини олиб кетганининг исботи шу эмасми? Бояги чўпчагингиз қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас!

С о б и қ *(бироздан кейин)*. Сиз хулоса қилишга шошилманг. Ҳали ёш экансиз *(алоҳида таъкидлаб)*. “Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек!” Ҳозир ҳеч ким ҳеч кимдан кўрқмайдиган замон бўп кетди. Илгари эди у: “Қоч, биргад келяпти!”, “Ана, раис келяпти, қочиб қол!” Ҳозир-чи? Ўлсин агар биров ҳайиқса! Ҳокиммисан, вазирмисан, депутатмисан – бир тийин! Ҳеч ким ишлашни хоҳламайди! Лекин ишлатиш керак. Керак! Вилоят амалдорларини беш панжамдай биламан: бу мансабга қай йўл билан эришган, ким қаердан ейди ва қанча ейди – ҳамма-ҳаммасини биламан. Уларам менинг билишимни билишади. Ана шундан кўрқишади! Мендан, қуруқ жасадимдан эмас, менинг хабардорлигимдан кўрқишади! Ураманми, сўкаманми, ишқилиб, ишлатиб ётибман-да...

Ҳ о к и м. Демак, кўра-била туриб қинғир ишларга йўл қўйиб бергансиз. Хўп, мақсадингиз шунчалик олийжаноб экан, буларнинг барини ҳеч қандай таъмасиз, холис қилсангиз бўлмасмиди?

С о б и қ *(ер чизиб)*. Ҳа энди, беайб – парвардигор...

Ҳ о к и м. Ҳа-а, ғалати фалсафа... Нима бўлгандаям, айла-ниб келиб тағин ҳаммаси халқнинг бошига бало бўлиб ёғилди. Жабр-жабр – халққа жабр...

С о б и қ *(кўзининг пахтаси чиқиб)*. Нима?.. Халқ?!

Шу пайт кутилмаган воқеа рўй беради: у айланма зинадан шиддат билан юқорига кўтарилди бошлайди. Йўл-йўлакай зина панжарасига илиб қўйилган костюмини кийиб, бўйинбоғини тақиб олади ва... вилоят ҳокимига айланади-қолади.

(Пастдаги ҳокимга.) Сиз қанақа халқни айтаяпсиз!?

Тепа қават ёришиб кетади. Кўз ўнгимизда ҳашаматли кабинет намоён бўлади. Собиқ жуда ваҳимали креслога келиб ўтиради. Ёрдамчиси Попукхон кириб, унга саволомуз қарайди.

С о б и қ. Нечта одам бор?

П о п у к х о н. Тўртта.

С о б и қ. Навбати билан қўявер.

П о п у к х о н. Хўп... *(чиқиб кетади.)*

Ҳоким пастда турганича воқеаларни диққат билан кузатяпти. Чол кириб келганда Собиқ қоғозга кўмилиб ўтирган бўлади.

Ч о л *(томоқ қириб олиб)*. Ассалому алайкум...

С о б и қ *(ишдан бош кўтариб, очиқ чеҳра билан)*. Э-э, келинг, ота, келинг! Қани, бу ёққа-бу ёққа...

Ч о л *(кўрсатилган жойга ўтириб)*. Барака топинг... Қани, омин, соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, омин, Аллоҳу акбар!

С о б и қ *(селекторга)*. Попук, битта аччиқ кўк чой бўлсин! *(Столни айланиб ўтиб, чолнинг рўпарасидаги стулга ўтиради.)* Оббо, отам-ей, бардам-бақувватгина юрибсизми?

Ч о л. Ҳа энди, тупроқдан ташқарида, деганларидай, қи-мирлаб турибмиз...

С о б и қ. Ҳа, яхши-яхши... Хўш, отагинам, биз ёқларга қайси шамол учирди?

Ч о л. Э-э, ўғлим, гапирманг... Туман ҳокими “планга жичча етмай турибди” деб ҳар бир хўжаликка пахта солиғи солди. Ўшанинг шамоли-да... Биласиз, кенжамиз фермер, 82 гектар ери бор. Шундан 41 гектари пахта, қолгани ғалла. Пахтани 124 фойиз, ғаллани бу йил худо бериб, салкам 200 қип қўйдик. Энди пахта йўқ.

С о б и қ. Ие, нега йўқ? Совсем йўқми?

Ч о л. Сапсем йўқ. Ишонсангиз, ўғлим, далада йилт этган оқ бўлса – тепамда худо!.. Бун қаранг энди, халқ шунча пахтани қаердан олади? Кўрпасини сўкиб берадимми?

С о б и қ. Шу гапларни туман ҳокимигаям айтдингизми?

Ч о л. Айтдим. Кўплашибам тушунтирдик. Йўқ, икки оёғи-ни бир этикка тиқиб туриб олган-да: “Берасанлар – тамом!” Ҳокимнинг ўзи келиб, қартама-қарта юриб кўриб кетди. Вой, тавбангдан кета-ай, ўз кўзига ўзи ишонмаган одамни энди кўришим! Қарасам, тумандагилар билан шўрва пишмайдиган,

тўғри олдингизга келавердим. Туманда 37 та пахта берадиган хўжалик бор, қолгани чорва, боғдорчилик (*уч-тўрт варақ қоғоз узатиб*). Мана, ўша 37 та хўжаликнинг “дод-вой”и. Шу, десангиз, ўзи узоқ йўлга бўлмай қолганман. Начора, кўпнинг гапини етказай деб...

С о б и қ (*қоғозни бир чеккага қўйиб*). Келиб яхши қилибсиз. Тўғри, пахта керак. Лекин бу битта-яримта раҳбарнинг инжиқлиги эмас, бу – сиёсат! Телевизор кўриб турасизми, отам?

Ч о л. Йўқ, кўрмайман.

С о б и қ. Ие, нега кўрмайсиз?

Ч о л. Э, у қурмағурнинг қулоғини у ёққа бурасангизам ярим яланғоч яллари қизлар ишва билан ёнига имлайди, бу ёққа бурасангизам! Одамнинг ёши бир жойга боргандан кейин бунақа нарсалар сал айил ботар экан кишига... Яхшиси, “Машғал”дан кансерт эшитаман.

С о б и қ (*қулиб*). Пулини тўлаб қўйгандан кейин кўрсатади-да, сиз билан мени кўрсатсинми бўлмасам? (*давом қилиб*) Ўзбекдай меҳнаткаш халқимиз бор экан, пахта бобида қилни қирқ ёрадиган сиздай бободехқонларимиз бор экан, ҳеч қачон юзимиз ерга қараб қолмайди!

Ч о л. Тўғри-ю, аммо-лекин йўқ бўлгандан кейин йўқни йўндириб бўлмас экан-да, ўғлим...

С о б и қ. Бўлади, отам, бўлади. Бундан қийин пайтлардаям йўқни йўндиргансиз, бу нима бўпти! Ҳамма гап сизда, сиз “хўп” десангиз, одамлар сизга эргашади. Мана, масалан, шу масалада туманингиз раҳбарлари юрак ютиб олдимга келишолмабди-ку, сиз келиб ўтирибсиз! Бу нимадан? Бу – одамларнинг сизга ишонганидан! Пахта – обрўйимиз, отам! Қанчадан-қанча чет давлатларга “пахта берамиз” деб ваъдаи карсон қилиб қўйганмиз! Бунақада гапимизнинг устидан чиқолмай, бевурд бўп қолмаймизми?

Ч о л (*самимий*). Уларам одам-ку, “бу йилча сабр қила туринглар” десак тушунишар?

С о б и қ (*қулиб юбориб*). Оббо, отам-ей!.. У, қўшнингиздан қарз олсангиз айтасиз: “Мамарайим, бу йилча сабр қила тур, ҳозир қурбим келмай турибди” деб! Айтяпман-ку, бу сиёсат, сиёсатда ғиди-биди кетмайди! (*юшшоқ оҳангда*) Сизни эсимни таниганимдан бери биламан, ҳамма вақт, ҳамма жойда гапингизни ўтказиб келган одамсиз. Сиз айтсангиз, бошқалар ҳам кўнади. Шундай бўлсин, отам...

Ч о л. Ишонмасангиз, ўзингиз бориб кўринг, бир сиқимам пахта теролмайсиз.

С о б и қ. Э, ана! Бир сиқим бўлмасаям, ярим сиқим чиқаркан-ку! Тома-тома кўл бўлур, отам. Сиздай одам шунақа деб тургандан кейин биз додимизни кимга айтамыз? Бунақамас-да... *(Ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.)* Дадамиз раҳматли бир воқеани айтиб берувдилар. Урушдан кейинги йиллар. Биласиз, дадамиз ўша йиллари колхозга раислик қилганлар.

Ч о л. Ҳа, ҳа, “Арслонов” деса ҳамма ўрнидан турарди...

С о б и қ. Худди шу, ҳозирги аҳвол юз берибди: областдан районга, райондан колхозга кўрсатма бўпти – “Яна фалон тонна пахта берасанлар!” Дадамизнинг колхозчилари сира кўнмасмиш: “Пахта капут, бир килоям беролмаймиз!” Обком секретари кепти, райком секретари кепти, клубга ҳаммани йиғиб, роса уринишибди – ҳеч иш чиқмабди. Шунда сизга ўхшаган бир оқсоқол минбарга чиқиб: “Халча холанинг гапи, ўртоқлар!” – дебди. Одамлар: “Ҳа-а, ундай бўлса берамиз ўша пахтасини”, – деб норози тўнғиллаб, тарқашибди. Ташқарига чиққандан кейин обком секретари дадамиздан: “Халча хола-си ким, у нима деган экан?” – деб сўрабди. Урушдан илгари колхозда Хадича деган аёл раис бўлган экан. Одамлар қисқартириб “Халча хола” деб кетишган. Бир куни ўша Халча хола қизини турмушга берадиган бўп қопти. Тўй куни қизи: “Ая, биринчи никоҳ кечаси куёвнинг ўнг томонида ётганим яхшими, чап томонида ётганим яхшими?” – деб сўраган экан...

Шу пайт чойнак-пиёла кўтариб Попукхон кириб келади. Бу латифани кўп марта эшитган, шекилли, мийиғида кулганича чой қайтаришга тутинади.

(Попукхон томонга қараб қўйиб.) Хуллас, шунақа деб сўрабди... *(қулимсираб.)* Шунда Халча хола: “Э-э, болагинам, куёвнинг ўнг томонида ётсангам, чап томонида ётсангам... барибир шўринг қурийдими!” – деб жавоб қилган экан!

Чол кулиб юборади. Ҳатто пастда турган Ҳоким ҳам ўзини тутолмай кулгига қўшилиб кетади. Попукхон қариянинг олдида хижолат бўлгандай лабини тишлари билан жиловлайди-да, аввал Чолга, кейин Собиққа чой узатиб чиқиб кетади.

Ч о л *(кулгидан ёшланган кўзларини қийиқчасига артиб).* Оббо, кампири тушмагур-ей, шунақа дебдимиз, а?..

С о б и қ. Рост-да, у пайтлар замон нозик, пахта берса “бор экан-ку, нимага бекитиб ётибсан” деб саботажчига чиқариб

қамаворади, бермасаям қамайдиган пайтлар бўлган экан-да (чолнинг кўзларига тикилиб). Энди, худога шукрки, ҳеч ким ҳеч кимни қамамайди...

Ч о л (*жиддий тортиб, кўзини олиб қочмай*). “Халча хола-нинг гапи” денг?

С о б и қ. Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди! Отангизга раҳмат, отам! Хўш, нима дейсиз?

Ч о л (*иккиланиб*). Шу... қийин масала-ёв...

С о б и қ. Э, бу дунёда осон иш бор эканми!

Чол “*гап тамом*” дегандай юзига асабий фотиҳа тортиб, эшик томон йўналади.

С о б и қ. Ҳа, отам, бир нима деб кетмайсизми?

Ч о л (*эшик дастасини тутганча*). Фермерлар билан бир кенгашиб кўрайлик-чи...

С о б и қ. Майли, кенгашинг, тушунтиринг, ишқилиб, кўн-диринг. Кўндирмасангиз бўлмайди, отам. Келишдикми?

Чол (*қийналиб*). Уф-ф, келишдик... (*Чиқиб кетади.*)

С о б и қ (*эшик ёпилгандан кейин, пастда турган Ҳокимга*). Шу халқми!? Пахта йўқлигини ўзимам яхши биламан, лекин “хўп” деб кетди-ку! Шу халқми!? Хўп, анави туман раҳбарлари-ни-ку, тушунса бўлади – улар қўрқишади. Саксонга бориб қолган чол нимадан қўрқади? Унвони бўлмаса, мансаби бўлмаса – ажраб қоламан деб қўрқса! Нега дадамнинг колхозчиларига ўхшаб “пахта капут” деёлмайди, нега?! “Келишдикми?” десам, “келишдик” деб чиқиб кетди! Айтинг, шу халқми?!

Ҳ о к и м. Ҳурмат юзасидан, андиша қилиб юзингиздан олмадилар-да. Ўзбек – андишали халқ.

С о б и қ (*зинадан тушиб кела туриб*). Э, андишанинг нима алоқаси бор бунга! Нотўғрини нотўғри дейиш керакми? Менинг “яна фалон тонна пахта берасанлар” деган буйруғим нотўғри-ку, ахир, далада бир грамам пахта йўқ-ку! Шу андишамми?! Менинг ўрнимда ёвуз одам бўлса-чи? Айтайлик, Гитлер бўлса-чи? Ўшандаям андиша бўладими? А? Мана, сиз раҳбарсиз. Салкам тўрт ярим миллионлик вилоят аҳолисига оталик қиласиз. Айтинг-чи, керагидан ортиқча андишали бўп кетма-яптимикиан ўша сиз айтган халқ?

Ҳ о к и м. Бу энди масалага қайси томондан қарашга боғлиқ.

С о б и қ. Э, истаган томонингиздан қарайверинг – андиша ўзбекни еди! Бошига етди! Қаранг, ҳаётнинг аччиқ-чучугини

татиган, оқ-қорасини бошдан кечирган, кап-катта одам Халча хола ҳақидаги чўпчакка ишониб, “хўп” деб кетди!.. (эзилиб.)
 Ҳа, ота, ота, ота-ей!.. (ҳокимга.) Мана, томоша қилинг – буниси бошқа тоифа...

Собиқ зинадан шошилмай қўтарила бошлайди. Жойига ўтириши билан Попукхон киради.

П о п у к х о н (чимирилиб). Анувлар келувдилар...

С о б и қ. Ким?

П о п у к х о н. Анув-чи... шоир Яшил Япроқ...

С о б и қ (қоғозлар билан овора бўлиб). Келган бўлса, кирсин. Менга қара, нега шу одам ҳар келганида бурнингни жийи-расан? Нима қипти, шоирдақа шоир...

П о п у к х о н. Исми ғалати... Яшил Япроқ! Масалан, Ҳамид Олимжонни “Ҳамид ака” дейиш мумкин. Асқад Мухторни “Асқад ака”, Пўлат Мўминни “Пўлат ака” дейиш мумкин ва ҳоказо. Бу кишини “Япроқ ака” деб бўлмаса, “Яшил ака” деб бўлмаса!..

С о б и қ (қулиб). Ўзидан сўрамабсан, “одамбашара тахаллус танласангиз бўлмайдимиз” деб.

П о п у к х о н (зорлангандай). Сўрадим!..

С о б и қ. Нима деди?

П о п у к х о н (масхара қилиб). “Япроқ қачон яшил бўлади? Баҳорда, ёзда! Қалбимиз доим – баҳор-ёз! Тахаллус – шоирнинг башараси, Попукхон!” – дейди. Э, башаранг қурсин!..

С о б и қ (қулиб). Қўявер, битта шоир юрса юрибди-да. Мени билмайди дейсанми, совет даврида “овмин”ни “совмин”га қофия қилиб, кун кўриб юрган одам-да. Чақир.

Попукхон чиқиб кетиши билан эшикдан Яшил Япроқ мўралайди. У кўзойнак таққан, шимини нақ кўкрагигача қўтариб олган ёқимсиз бир киши.

Я ш и л Я п р о қ (кириб). Ассалому алайкумлар! Мумкин-милар?

С о б и қ (ўрnidан туради, лекин столни айланиб ўтмайди). Э-э, келинг, мавлоно, келинг! (Қўл олишиб кўришади.)

Я ш и л Я п р о қ (унинг қўлини қўйиб юбормай). Соғликлар? Бола-чақалар? Янгамлар? Аҳволлар? Ана, борингки, ишлар?

С о б и қ. Раҳмат, ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида... (Қўлини зўрға суғуриб олиб). Хў-ўш, мавлоно, шеърият бўстонида нима янгиликлар?

Я ш и л Я п р о қ (чайналиб). Шу, ҳозирча... сукутлар.

С о б и қ. Ие, нега сукутдасиз? Ҳеч нима ёзмаяпсизми?

Я ш и л Я п р о қ. Шу, китоб чиқариш бобинда қоғозлар масаласи андак... кўндаланг бўп турибдилар...

С о б и қ. Шуни айтмайсизми! Сиздай ижодкорларга фойдамиз тегмаса биз нима қилиб ўтирибмиз бу ерда? (*Ёзишга тугиниб.*) Қанча керак, икки тонна етадимми?

Я ш и л Я п р о қ (*унинг ёзганига мўралаб*). Ташаккурлар, ташаккурлар... Ўшани бирлар қилинг, бирлар...

С о б и қ. Бир тоннами? Етадимми, ишқилиб? Етмай қолса, яна овора бўлиб тагин келиб юрманг, дейман-да.

Я ш и л Я п р о қ. Етадилар, етадилар...

С о б и қ (*ўчириб, қайта ёзгандан сўнг унга узатади*). Бу ердан чиққанингиздан кейин учинчи муовинимга учрашасиз. Тез топаркансиз, денг.

Я ш и л Я п р о қ. Раҳматлар, раҳматлар...

С о б и қ. Шу, анчадан бери сиздан бир нимани сўрайман деб, нуқул эсимдан чиқиб кетаверади. Склероз-да, склероз... Бу, Ғафур Ғулом билан Ҳамид Ғулом ака-уками?

Я ш и л Я п р о қ (*кўзлари дум-думалоқ бўлиб*). Йўғлар-э!..

С о б и қ. Ие, алоқаси йўқ, денг? Уям Ғулом, буям Ғулом – мен ака-ука бўлса керак, деб юрибман.

Я ш и л Я п р о қ. Просто однофамилецлар-да!

С о б и қ. Ҳа-а... Яхшиям, сиздан сўраб билиб олганим, бўлмаса битта-яримта жойда шарманда бўп қоларканман-да, а?

Я ш и л Я п р о қ. Тўғри, шармандалар, шармандалар...

С о б и қ. Хўш, яна нима?

Я ш и л Я п р о қ (*оғзининг таноби қочиб*). Яқинда сизнинг юбилейингиз бўларканлар. Шунга рухсатлари билан бир нима қоралаб келувдим. Кўриб берсангизлар...

С о б и қ (*энсаси қотиброқ*). Қани, ўқинг-чи...

Я ш и л Я п р о қ (*папкасидан бир варақ қоғоз олиб ўқийди*). Отамиз!

С о б и қ (*томоғига чертиб*). Бу маънода?

Я ш и л Я п р о қ (*капалаги учиб*). Йўғлар-э!.. Падар маъноларин-да.

С о б и қ. Ҳа-а, узр, узр...

Я ш и л Я п р о қ. Отамиз! Бу – сарлавҳалари...

С о б и қ. Шеърингиз нечта ўзи?

Я ш и л Я п р о қ. Битталар, битталар...

С о б и қ. Хўп, ўқинг-чи. Фақат “Ҳой-ҳой, отамиз, тошни кесар болтамиз” бўлмасин-а? Уларнинг даври ўтиб кетган.

Я ш и л Я п р о қ. Аслолар, аслолар. (*Ўқийди*)

Сиз ҳокиму, ҳақ ҳакам,
Сизсиз дунё бири кам.
Муҳтарамсиз, муҳтарам,
Отамизсиз, отамиз!

Тўрт фасл ҳам ёз бўлар,
Энди бўлмас хатомиз.
Соз устига соз бўлар,
Отамизсиз, отамиз!

Ҳар калом, ҳар сўзимиз,
Икки қора кўзимиз,
Наврўзимиз, рўзимиз,
Отамизсиз, отамиз!

Сиз бир осмон – фалаксиз,
Орзу-умид, тилаксиз,
Ҳаммамизга кераксиз,
Отамизсиз, отамиз!

Яшил Япроқ сўлмайди,
Шеър ёзмасам бўлмайди,
Сиздай одам ўлмайди,
Отамизсиз, отамиз!

У савол назари билан Собиққа қарайди.

С о б и қ. Хў-ўш... (*У ёқдан-бу ёққа юриб.*) Сизга бир савол:
мен кимман?

Я ш и л Я п р о қ (*дудуқланиб*). Отамиз...

С о б и қ (*афтини буриштириб*). Э, қўйинг унақа баланд-
парвоз гапларни! “Отамиз, отамиз!” Умримда онангизни кўр-
маган бўлсам. Саволимни яна қайтараман: мен кимман?

Я ш и л Я п р о қ (*чайналиб*). Ҳокимсиз...

С о б и қ. Бор экансиз-ку! Э, яша-анг. Бўлмаса “ҳоким” денг-
да, нима қиласиз одамнинг бошини қотириб!

Я ш и л Я п р о қ (*қоғозга худди ҳозир портлайдиган бомба-
га қарагандай тикилиб*). Унда қофия масалалари на бўлғай?..

С о б и қ. Мен қаёқдан биламан – на бўлғай? Шоир сиз, зебу
забарини тўғрилаб ёзинг-да! “На бўлғай!..” Бўпти, сизга рухсат.

Я ш и л Я п р о қ (*ажабланиб*). Нимага – рухсат?..

С о б и қ (*бирпас тикилиб туриб*). “На бўлғай”ини тўғри-лашга-да! Боринг!..

Яшил Япроқ Собиқни шу пайтгача бунақа дарғазаб қиёфада кўрмаган эди, капалаги учиб кетди.

Я ш и л Я п р о қ. Хўп, хўп, хўп... (*орқаси билан юриб чиқиб кетади.*)

С о б и қ (*ҳокимга*). Шу халқми?! Шу кетишда ҳозир туппа-тузук шеърни дабдала қилиб келгани кетди! Одам битта соҳани билиши мумкин, келинг, ана, иккита соҳани билсин. Лекин дунёдаги ҳамма нарсани билиб бўлмайди-ку! Оғзимдан чиққан нимаки гап бўлса тўғри бўп кетаверадими?! Билмайдиган нарсаларим жуда кўп. Мен шеърятни тушунарканманми? Вой тавба, тавба, тавба!.. “На бўлғай”миш!..

Ҳ о к и м. Шунингиз менгаям ёқмади. Бунақа одамлардан узоқроқ юрган маъкул.

С о б и қ. Булардан жон сақлаш қийин. Эшикдан ҳайдасанг, тешикдан кириб келаверади!

Шу пайт эшик оҳиста очилиб, Яшил Япроқнинг калласи кўринади.

Я ш и л Я п р о қ. Кечирасиз, минг бор узрлар... Ҳалиги, қоғозлар масаласи...

С о б и қ. Э, айтдим-ку, ўринбосар ҳал қилади деб!

Я ш и л Я п р о қ. Кечирасиз-да энди, хаёлимиздан фаромуш бўпти... Хафа бўлмайсиз, шоирчилик...

Яшил Япроқнинг калласи ғойиб бўлади ва эшик юмшоқ ёпилади.

С о б и қ (*раҳбарга*). Кўрдингизми?

Эшик тақиллайди.

Киринг! (*раҳбарга.*) Буниям дарди катта...

Муҳандис киради. У новча, озғин, кўзойнак таққан, олтмиш ёшлар атрофидаги одам.

М у ҳ а н д и с (*эгилиброқ*). Мумкинмў-ў?..

Жавоб ҳам кутиб ўтирмай пилдираганича келиб, қўлтиғидаги карнай қилиб ўралган катта қоғозни Собиқнинг столига ёзади.

Мана! Комиссия тасдиқлади. Ўзларигаям бир кўрсатиб олай, деб...

С о б и қ (*ишдан бош қўтармай*). Комиссия тасдиқлаган бўлса бўпти-да. Нима, мен мутахассисманми?

М у ҳ а н д и с. Биз учун сизнинг розилигингиз ўн та комиссиядан ҳам афзал. Кўз қирингизни бир ташлаб қўйсангиз кифоя. Мана, ҳали сиёҳи қуримай туриб олиб келавердим...

С о б и қ (*чизмага эринибгина кўз ташлаб*). Кўприк-да бу, а?

М у ҳ а н д и с. Кўприк, кўприк, кўприк...

С о б и қ. Унчалик тушунмаяпман.

М у ҳ а н д и с (*лойиҳани чаққонлик билан ўнглаб қўйиб*). Мана, ҳозир... Тескари турган экан...

С о б и қ. Қаерга қурмоқчисизлар?

М у ҳ а н д и с. “Учтепа”дан сал нарироқ. Хў бирда кўрсатувдим-ку, маъқул дегандингиз. Ўша жойда.

С о б и қ. Нариги томон қўшни вилоят-да, а?

М у ҳ а н д и с. Қўшни, қўшни, қўшни...

С о б и қ. Шу...

М у ҳ а н д и с (*беихтиёр*). Шу, шу, шу...

С о б и қ (*унга бош-оёқ тикилиб*). Кайфингиз борми?

Мухандис (*қўрқиб*). Йўғ-э!.. Мен умуман ичмайман. Ошқозон чатоқ.

С о б и қ. Нега гапни бўласиз бўлмаса?!

М у ҳ а н д и с. Узр, узр, узр...

С о б и қ. Шу... (*муҳандисга қараб олиб*) Каллага бир фикр келди-да.

М у ҳ а н д и с. Табриклаймиз, табриклаймиз, табрик... (*Собиқнинг ўқрайиб турганини кўриб, тўхтаб қолади*.)

С о б и қ. Шу, кўприкни дарёни энлаб эмас, бўйига қурсак бўлмасмикан?

М у ҳ а н д и с (*ўйлаб ўтирмай*). Бўлади, бўлади, бўлади...

С о б и қ. Нима – бўлади?

М у ҳ а н д и с. Сизнинг айтганингиз-да...

С о б и қ. Қайси айтганим?

М у ҳ а н д и с. Ҳозирги-да, ҳозир айтдингиз-ку... (*бутунлай довдираб*.) Ҳалиги... Сал тушунмадик, шекилли...

Пастда турган Ҳоким мийиғида кулганича бош чайқаб қўяди.

С о б и қ. “Сал”мас, умуман тушунганингиз йўқ!

М у ҳ а н д и с. Тушунмадик, тушунмадик, тушунмадик...

С о б и қ (*қалам билан лойиҳани кўрсатиб*). Мен айтяпман, манови дарё, а?

М у ҳ а н д и с. Дарё, дарё, дарё...

С о б и қ (*унинг гапига аҳамият бермай*). Сиз кўприкни мана бунақасига қурмоқчисиз?

Муҳандис. Шунақасига, шунақасига, шунақасига...

Собиқ. Шуни, деяпман, энига эмас, узунасига курсак деяпман! Қўшни вилоятгаям яхши бўлади – одамлар истаган жойидан ўтиб кетаверади, “кўприк қаерда” деб қидириб юрмайди! Нима дедингиз?

Муҳандис (*кўзларини пирпиратиб*). Тўғри, тўғри, тўғри...

Собиқ (*ўзини аранг қўлга олиб, тишларининг орасидан*). Нимаси тўғри!?

Муҳандис. Нима... ҳалиги... қидириб юрмайди-да...

Собиқ. Бўлмаса, сизга рухсат. Бошлайверинг. (*Муҳандис “хўп” дея доводиранича кета бошлайди.*) Мановини опкетмай-сизми? (*чизмана кўрсатиб*) Ё осмондаги ойга қараб қурмоқчимисиз?

Муҳандис. Ҳозир, ҳозир, ҳозир...

Пилдиранича келиб лойиҳани карнай қилиб ўрайди ва эшик томон йўналади. Ниманидир ўйлаб, туриб қолади.

Собиқ. Ҳа, нимани ўйлаб қолдингиз?

Муҳандис (*секин минғиллаб*). Дарёнинг узунлигини...

Пастда турган Ҳоким қулиб юборади.

Собиқ. Вилоятимиздан оқиб ўтадиган қисми йигирма тўққиз километр. Бўлдимми?

Муҳандис. Бўлди, бўлди, бўлди...

У чиқиб кетади ва эшикни нариги томонидан авайлабгина ёпиб қўяди.

Собиқ (*пастга, Ҳокимга*). Шу халқми?! Йўқ, шу халқми? Вой, тавба қилдим-ей!.. Кўрдингизми? Мен энди нима қилишим керак? Бошингни қайси тошга уришни билмайсан... Дарёга узунасига кўприк қуриб бўларканми? Ким кўриб, ким эшитган бунақасини?! Ахир, дарёга кўприк керак, қопқоқ эмас-ку! Шу кетишда ҳозир қургани кетди... Шу халқми?

Ҳоким. Битта-яримта бунақаларга қараб бутун бошли халққа баҳо бериб бўлмайди. Бунақалар ҳар бир халқдаям топилди.

Собиқ. Тўғри-ю, лекин бизга шунақалардан сал кўпроқ насиб қилганми, дейман-да (*масхараомуз*). “Узр, узр!” “Раҳмат, раҳмат!” “Бўлади, бўлади!” Э, ўл “бўлади!” Бунақалар бир-икки кунга хотинингни бериб тур, десанг ҳам “хўп” дейди! Э, одамнинг ҳар нима бўлгани яхши!.. Сиз ҳали янги одамсиз. Энди кўраверасиз! Мен бошидан ўтган одам сифатида икки нарсадан сақланишни маслаҳат бераман: биринчиси, мақтовдан

эҳтиёт бўлинг. Мақтов – мисоли радиация, ҳиди йўқ, ранги йўқ, кўринмайди-билинмайди, лекин одамни ич-ичидан емиради ва охир-оқибат барбод қилади! Иккинчиси, фарзандлар доим назоратда бўлсин – ҳаддидан ошмасин! Бошидан маҳкам турмасангиз, кейин контролдан чиқиб кетади. Сизнинг юзингиздан ўтиб, биров мушугини “пишт” деёлмайди, бора-бора гапингиз ҳам ўтмай қолади. Мана шу иккита нарсадан тийилсангиз, эҳтимол, узоқ яшарсиз. Лекин тўғриси айтиладиган бўлсам, бу лавозимда фақат иккита йўл бор: ё инфаркт бўлиб шифохонага ётасиз, ё сиз ҳам кўникиб кетасиз. Учинчи йўл йўқ! Менам янги келганимда жа-а ҳақиқатчи эдим. Ишни жуда яхши бошлаганман. Секин-секин бу ботқоққа қанақа қилиб ботиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бундай мақтовлар, ҳали-ку одам экан, тошни эритиворади! Ҳозирдан бошлангандир?

Ҳ о к и м. Нима?

С о б и қ. Мақтовлар-да! Аввал “отам, отам” дан бошланади, кейин ўзлари “дода” қилиб олишади!

Ҳ о к и м. Лекин ўзингизнинг ҳам “хўп” деган вақтларингиз бўлган-ку?

С о б и қ. Тўғри, менам “хўп” дердим. Чунки менгаям пастдан “хўп-хўп” деб туришарди. Бу уят ҳисобланмасди. Ҳатто фазилат саналарди. Талант! Бир жойингиз узоқ вақт оғриб турса, бориб-бориб бу оғриққа кўникиб кетасиз, сезмайсиз ҳам уни, соппа-соғдай юраверасиз. Оғриқ тўсатдан тўхтаб қолса, ўзингизни ноқулай сезасиз, гўё нимадир етишмаётгандай... Менам соғман деб ўйлабман. Фақат мен эмас, ҳамма!.. Дард – дард-да, ўз ишини барибир қилар экан... *(Бирпас сукут сақлаб.)* Касал барибир бир кун... ўлади!

Ҳ о к и м. Агар касал одам даволанмаса, ўлади. Ахир, ўз вақтида даволаниш мумкин-ку!

С о б и қ. Ҳамма гап шунда-да, касаллигини ҳеч ким тан олмайди. Соғман деб ўйлайди. Даволаниш хаёлигаям келмайди! *(атрофга разм солиб)* То менга ўхшаб пешонаси тақ этиб урилмагунча ҳеч нимани ўйламайди!..

Сукут.

Ҳ о к и м. Барибир! Раҳбар касал бўладими, жамият касал бўладими – калтак айланиб келиб барибир оддий халқнинг бошида синади.

С о б и қ. Яна халқ дейсиз-а! Майли, энди муттаҳам, лаганбардор эмас, тўғри, пок, меҳнаткаш одамнинг аҳволини томоша қилинг! *(Тугмачани босади.)*

Попукхон киради.

П о п у к х о н. Лаббай?

С о б и қ. Тағин борми?

П о п у к х о н. Ҳа.

С о б и қ. Ким?

П о п у к х о н. Бир аёл.

С о б и қ. Нима масалада кепти?

П о п у к х о н (*елка қисиб*). Ким билади, мақсадиниям айтмайди, дардиниям айтмайди, нуқул йиғлагани-йиғлаган.

С о б и қ. Қизиқ... Майли, айт, кирсин.

Попукхон чиқиб кетади ва қўп ўтмай аёл киради. Уст-бошидан узоқ бир қишлоқдан келгани кўриниб туради. Орқасидан олти-етти яшар бола эргашиб киради.

А ё л (*йиғламсираб*). Бор, болам, пастдаги фонтанни томоша қилиб тургин, мен тезда чиқаман...

Бола чиқиб кетади. Аёл эшикни ёпиб, қатор териб қўйилган стулларнинг энг чеккадагисига ўтиради ва ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ, ўкириб йиғлашга тушади. Собиқ унга бир қараб қўйиб, ҳеч гап бўлмагандай, ёзув-чизуви билан машғул бўлаверади. Аёл анчадан кейин, ниҳоят, йиғидан тўхтаб, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артганича Собиққа умидвор қарайди.

С о б и қ. Бўлдингизми?

Аёл тағин йиғлашга тушади. Собиқ унга халақит бермоқчи эмасдай, сейфдан қандайдир папкаларни олиб, бир-бир кўздан кечира бошлайди. Анчадан кейин аёл йиғидан тўхтайдди. Бирпас кутади, лекин ҳадеганда Собиқдан садо чиқавермайди. Бир-икки хўрсиниб қўяди, бу ҳам кор қилмайди.

Агар чаласи бўлса, йиғлаб олаверинг, мен ҳеч қаерга шошаётганим йўқ (*хотиржам, беозор*).

Аёляна йиғлашга тушади. Йиғи аралаш ажабланиб Собиққа қарашга ҳам, кабинетни кўздан кечиршишга ҳам имкон топади. Йиғидан иш чиқмаслигига кўзи етдими ё чарчадими, ишқилиб, тўхтади.

Хўш... (*олдидаги қоғозларни йиғиштира туриб*) Гапирсам, йиғлавормайсизми?

Аёл энди йиғлашга чоғланган эди, улгурмади...

Бас қилинг!!! (*столни муштлаб*) Э, индамаган сари...

Аёл сапчиб тушади ва тек қотади.

Энди гапиринг.

А ё л. Шўрим қуриб қолди...

С о б и қ. Қанақа қилиб қуриди?

А ё л. Болаларимнинг отасини қамаб қўйишди...

С о б и қ. Нима учун?

А ё л. Кўкнори эккани учун...

С о б и қ. Томорқасига кўкнори эккан бўлса, қамайди-да! Орден берсинми бўлмасам! Эрингиз худди бир қахрамонлик қип қўйгандай, оғзингизни тўлдириб “кўкнори эккани учун” дейсиз! Эрингиз ким эди?

А ё л. Трактирчи...

С о б и қ. Қачон қамалди?

А ё л. Тўрт ойдан ошди...

С о б и қ. Бир ўзини қамашдими ё группавойми? (*бирдан, бақириб*) Вей, менга қаранг, ҳар битта гапни шунақа ичингиздан суғуриб оламанми? Бир бошидан, тартиб билан гапирмайсизми мундоқ! Эри қамалган хотинам шунақа лавашанг бўладими!

А ё л (*йиғламсираб*). Шу арзимаган нарсага саккиз йил беришди. Бир этак бола билан қаёққа боришимни, кимга нима дейишимни билмай гаранг бўп ўтирибман. Униси ундоқ дейди, буниси бундоқ дейди. Ҳаммаси шу гапни билиб олган...

С о б и қ. Қайси гапни?

А ё л. Ҳалиги гап-да... Кимга рўпара бўлсам, “кўкнори сотган бўлса, қамамай медаль берсинми” дейишади... (*бурнини тортиб*) Улар медаль дейишувди, сиз орденга чиқдингиз. Катта идоранинг гапиям катта бўлади шекилли-да...

С о б и қ. Менга қаранг, сиз бу ерга эрингизга нажот истаб келдингизми ё бизнинг ишимизни тафтиш қилганими?! Бунақа ревизорлигингизни эрингиз кўкнори сотаётганда қилмайсизми – бу кўргуликлар ҳам йўқ эди!

А ё л. Айтганман, минг марта айтганман!..

С о б и қ. Нимани айтгансиз?

А ё л. Шу ишингизни қўйинг, деб-да... Лекин хўжайин ҳам чорасиз-да...

С о б и қ. Нима, эрингиз наркоманми?

А ё л. Йўғ-э, худо сақласин!.. Ўзлари папирос ҳам чакмайдилар.

С о б и қ. Нега бўлмасам “чорасиз” деяпсиз? (*бирпас жимликдан сўнг.*) Ё ўзингизам шерикмисиз?

А ё л. Вой, у нима деганингиз?..

С о б и қ (*сўё аёл гарангдай, овозини баландлатиб*). Кўкнорининг пулидан сизам бола-чақангиз билан егандирсиз, дейман, кийгандирсиз?

А ё л (*Ўрнидан қўзғалиб олиб*). Бо-о, худо!.. Уйда саксон олтига кирган қайнотам бор. Бутун вилоятга донғи кетган Парпи пахсачи! Сиз ҳам эшитгандирсиз? Ҳатто қўшни вилоятлардан келиб опкетишади. Ёшликларидан кўкнор ўлгурга ўрганганлар. Шу бўлмаса, на чой ичадилар, на овқат ейдилар. Улар учун атиги уч тупгина қадаб қўювдилар...

С о б и қ (*ишонқирамай*). Уч туп холосми?

А ё л. Ёлғон бўлса, тил тортмай ўлай!..

С о б и қ. Билиб қўйинг, наркотик масаласида сизга ҳеч ким ёрдам беролмайди, ўртагаям тушолмайди, ёнингизниям ололмайди. Ҳатто мен ҳам.

А ё л. Қанақа наркотика? Айтяпман-ку, атиги уч тупгина, деб. Уям дори учун.

С о б и қ. Уч тупми, минг тупми – барибир наркотик-да.

А ё л. Қайнотам ўша ўлгурдан озгинасини чойда эзиб ичмасалар бўлмайди. Ичиб олсалар, пастда туриб лой отишларини кўриб ваҳимангиз келади! Тепада иккита барзанги йигит зўрға улгуришади! Ўша зорманда бўлмаса, бўш челақниям кўтаролмайдилар... Раҳмингиз келсин, энди экмайдилар...

Аёл йиғлайди. Собиқ креслодан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.

С о б и қ. Мол-мулкларингизниям мусодара қилишдимми?

А ё л. Мол-мулк бўлса мусодара қилади-да. Битта ғунажин бор эди, худо уриб унияам поезд босиб кетди. Сиз бир бориб уйимизни, туриш-турмушимизни кўринг! Наркотика билан шуғулланган одамнинг ҳеч қурса егани нони, ичгани оши бўладими? Эр-хотин йил бўйи итдай ишлаймиз – топганимиз қориндан ортмайди! Бошқасини-ку қўяверинг... Каттамыз армиядан келадиган, уйлантириш керак – сандиққа ташлаб қўйган икки кийимлик нарса йўқ! Бу ёғиям ейман-ичаман деб турибди... (*Йиғлайди.*)

С о б и қ. Э, бўлди-да энди, ҳадеб йиғлайверасизми!

А ё л (*йиғидан тўхтаб, юз-кўзини артади*). Мелиса опкетгани келганда: “Катта кўчадан ўтамыз, дурустроқ кийиниб олинг”, – деди. Дурустроғи қаёқда, ўша қирқямоқ кастумда кетдилар... (*Ўзини аранг тутиб*) Қандай кун кўришимизни эл-юрт билади, қўни-қўшнилари билади, нега уларни чақириб сўрамайди? Бир кўзи чақчайган терговчиси бор экан, тилига одам тушунмайди, битта қоғозни кўтарволиб бақиргани-бақирган, болаларнинг юрагини ёриб... Қанақадир қоғозга қўл қўйдириб опкетишди...

С о б и қ. Аҳвол шунақа экан, тушунтирмайдими мундоқ! Кўл қўй деса қўяверадими, эрингизам роса бўлган экан! (*бироздан сўнг*) Хафа бўлманг, айби бўлмаса, қўйворишади.

А ё л (*йиғлаб*). Қанақасига қўйворишади, саккиз йилга кес-воришди-ю!..

С о б и қ. Кейин ҳеч ким ҳолингиздан хабар олмадими?

А ё л. Ким хабар олади?

С о б и қ. Масалан, ҳокимиятдан... дейлик, маҳалла-қўй... “женсовет” деганлари бор..

А ё л. Ҳеч ким келгани йўқ, фақат мачит имом-хатиби билан қишлоқ оқсоқоли бир марта келиб кўнгил сўраб кетишди... “Худо хоҳласа, бир-икки йилда чиқиб қолади”, – дейишди. Жўжабирдай жонмиз, бир-икки йилгача очимиздан ўлиб қолмаймизми!.. (*Яна йиғлайди.*)

С о б и қ. Э, ҳозир биров очдан ўладиган замонми, қизиқ гапни гапирасиз! Аҳволи сиздан бешбаттарлар бор! Ўлиб қолгани йўқ, сиз ўлиб қоласизми?!

А ё л. Бошқаларгаям осон тутмайман, лекин уларга қийинлигидан менинг оғирим енгил бўп қолмайди-да. Ҳамма ўзидан ўтганини ўзи билади...

С о б и қ. Қўйинг, унақа куйинаверманг. Ҳозир замон бошқа, айби йўқ биронта одам ҳам қамоқда ўтирмайди.

А ё л (*бутунлай руҳи тушиб*). Ана, сизам хўжайинни айбдорга чиқаряпсиз...

С о б и қ. Ие, ким айбдорга чиқаряпти? Мен эрингизни ҳатто танимайман-ку! Нима қилган, нима қўйган – мен қаёқдан биламан! Сизга вазиятни тушунтиряпман, холос.

А ё л. Айби йўқ одам қамалмайди, деяпсиз-ку. У киши бўлса ўтирибдилар. Бундан чиқди, айбдор эканлар-да, а, шунақа демоқчимисиз?

С о б и қ. Сира гапга тушунмас хотин экансиз-да ўзингизам! Яна такрор айтаман, айби йўқлар уйига қайтиб келяпти! Кетма-кет амнистиялар бўп турибди, терговлар тўхтатил-япти! Сизам бориб болаларингиз билан хотиржам ўтираве-ринг! Эрингиз келади.

А ё л. Қанақа қилиб хотиржам ўтираман...

С о б и қ. Боринг, дедим!

А ё л. Сизданам ёруғлик чиқмас экан... Э, худойим-а!.. (*Туриб кета бошлайди.*) Болаларим бўлмаганда бир кунам яшамасдим бу дунёсида!.. Қирилиб кетсин ҳаммаси!..

С о б и қ. Жаврамай кетинг, бу ер қишлоғингизмас!

Аёл йиғлай-йиғлай чиқиб кетади.

(Пастга, Ҳокимга.) Шу халқми?! Халқми шу?! Хўнг-хўнг йиғлашдан бошқа нарсани билмайди! Эрининг бегуноҳлигини билар экан, бола-чақаси билан танг аҳволда қолган экан, нега столни муштлаб талаб қилмайди? Нега? Шу, кўзининг сийдигини оқизиб юриши бўлса, биронта идорада иши ҳал бўлмайди! На бир мундоқ тушунтиришни билади, на исботлашни билади, на талаб қилишни билади! Шу халқми?!

Сукут.

Ёмон кўриб кетаман шунақаларни кўрсам!.. Биласизми, одамнинг асабига тегади, ғашини келтиради. Одамам ўзини шунчалик пастга урадими-а? Бўлмасам, эрининг бегуноҳлигини кўнглим сезиб турибди, қамоқдан чиқариб олишам қўлимдан келади...

Ҳ о к и м *(гапини бўлиб)*. Унда нега ёрдам қилмадингиз? Жўжабирдай жон экан, раҳмингиз келмадими?

С о б и қ. Нимасига раҳмим келсин, нимасига?! Молга ўхшаб, “берсанг ейман, урсанг ўламан” деб мўлтираб туришигами?! Бунақалар ҳеч қачон қаддини тиклолмайди! Шунақа ўлиб кетади! Ота-онасини кўриб болалариям журъатсиз бўлади! Ўз ҳуқуқини танийдиган, ҳақини талаб қилоладиган одам чиқмайди! Эртадан кечгача сериал кўрадиган халқдан бирон нима чиқишига кўзим етмайди *(қулимсираб)*. Биласизми, мен сериални нимага ўхшатаман?

Ҳ о к и м. Хўш, нимага экан?

С о б и қ. Хўрозқандга. Ёш болани андармон қилиш учун яхши овунчоқ...

Ҳ о к и м *(танглайида кетма-кет овоз чиқариб)*. Сиз ўзимизнинг вилоятдаги аҳволдан гапиринг. Ўзингиз ҳамма ёқнинг расвосини чиқариб қўйиб, энди бошқаларни айбдор қил-япсизми?

С о б и қ *(тўнғиллаб)*. Мен ҳеч кимни айбдор қилаётганим йўқ, шунчаки, фактларни айтяпман...

Ҳ о к и м. Жа унчаликмасдир? Ҳақини талаб қила оладиганлар ҳам бор, ҳаммани бир қарич билан ўлчаб бўлмайди.

С о б и қ. Битта-яримта бўлса бордир. Унақалар чиқса зиёлилардан чиқади. Пастдан чиқмайди. Юқоридан, яъни раҳбариятдан ҳам чиқмайди. Мана, сизнинг аппаратингизда “Йўқ, шу ишингиз нотўғри” ёки “Бу гапингизга қўшилмайман” дея

оладиган, ҳеч қурса, битта одам топиладими? Мен, шахсан, унақасини учратмадим. Райкомда ишладим, область халқ кон-тролида ишладим, обкомда ишладим – унақаси йўқ! Йўқ!

Сукут.

Ҳ о к и м. Ҳалиги чўпчагингизга қарши бир ривоят. Қадим замонда бир мамлакатда бош хазинабон тайинлаш зарурати туғилиб қопти. Талабгорлар учта: вазирнинг ўғли, лашкарбошининг ўғли, боғбоннинг ўғли. Подшо ҳар бирига биттадан ошқовоқ уруғи бериб: “Мана шуни тувакка экасизлар, қайси бирларингники серавж, палаги узунроқ бўлса, ўшани хазинабон қилиб тайинлайман, акс ҳолда, юз дарра урдираман”, – дебди.

(Собиқ ривоятни беҳафсалалик билан тинглайди.) Орадан маълум вақт ўтгач, учаласи саройда ҳозир бўлишибди. Вазирнинг ўғли билан лашкарбошининг ўғли олиб келган тувакда ошқовоқлар яшнаб турганмиш, боғбоннинг ўғлидаги тувак бўм-бўш эмиш. Сабабини сўрашганда боғбоннинг ўғли: “Вақтида сув бердим, ўғит бердим, ҳамма меҳнатим зое кетди – ошқовоқ кўкармади”, – деб жавоб қилибди. Шунда подшо айёрона жилмайиб, “учала уруғ ҳам қайнатилган эди” дебди ва боғбоннинг ўғлини бош хазинабон қилиб тайинлабди, қолган иккита талабгорни юз дарра билан сийлабди. Сизам атрофингиздаги одамларингизга ошқовоқ уруғини бериб кўрмабсиз-да?

С о б и қ *(ҳафсаласиз қўл силтаб)*. А-а, фойдаси йўқ... Қайна-тилганмас, қовурилган уруғ берсангизам, бу одамларнинг тувагидан кўкариб чиқаверади! Ҳеч ақлим етмайди, қанақа одам ўзи булар, а? Қаердан пайдо бўлади? Ё тарбияси шунақамикан? *(куйиниб)* Ахир, қурбақани боссангизам “вақ” дейди-ку! Бу қурбақаларни боссангиз, “хўп” дейди! “Ўл” десангиз – ўлади, “тирил” десангиз – тирилади! Шу халқми?! *(бироз сукут сақлаб)* Ана шунинг учун ҳам бизда раҳбар бўлиш ниҳоятда оғир. Жуда оғир. Қанчалик қаршилик қилма – барибир фойдаси йўқ. Бу “хўп-хўп”чилар дунёсида бурнингиз осмон қадар кеккаяди-ю, оёғингиз ботқоққа ботиб кетаверади! Бунингиз ҳам англамай қоларкансиз... Мен бу ҳақиқатни энди тушундим. Шу ерда тушундим...

Ҳ о к и м. Мен эса тушунмадим. Одамлар ҳақида шундай фикрда бўла туриб, қандай қилиб уларга оталик қилиш мумкин? Жуда ғалати-ку?

С о б и қ (*мийғида қулиб*). Оталик денг? Оддий халқ учун ким оталик қилишининг фарқи йўқ. Дастурхонидаги битта нони иккита бўлдими, у – яхши раҳбар, иккита нони битта бўп қолдими – ёмон раҳбар. Баҳо аниқ. Бу халқ не-не “оталар”ни кўрмади, яхши “оталар” ҳам бўлди, албатта, аммо халқнинг онасини учқўрғондан кўрсатиб кетганлариям бўлди. Ҳар даврнинг ўз “ота”си бўлади. Бир ақлли одам айтганидай: “Ҳар бир халқ нимага арзиса, шунга яраша “ота”га эга бўлади!” Тўғри гап.

Бу галги сукут анча узоқ давом этади.

Ҳ о к и м. Америка буюк танглик даврини бошидан кечираётган йиллар. Шунда етти ярим миллиондан ортиқ мухбир кўчага чиқади. Улар ўткинчиларга битта савол билан мурожаат қилишади: “Сиз мамлакатимизнинг буюк бўлиши учун нима иш қиляпсиз?” “Мен таксичиман, вазифамни ҳалол бажаряпман!” “Мен новвойман, ширин-ширин нонлар ёпаяпман ва вазифамни сидқидилдан адо этаяпман!” “Мен ўқитувчиман, болаларга виждонан дарс беряпман!” “Мен шахтёрман, жон-жаҳдим билан кўмир қазияпман!” Эътибор қиляпсизми, уларнинг деярли ҳаммаси “ҳалол”, “виждонан”, “сидқидилдан” деган сўзларни ишлатишяпти! Ана шундай қилиб, Америка буюк кризис бўҳронидан чиқиб олган экан. (*сукут*) Ҳар бир одам ўз участкасида, ўз вазифасини сидқидилдан бажарсагина Ўзбекистон – келажаги буюк давлат бўлади, акс ҳолда, Ўзбекистон – келажаги куюк давлат бўлиб қолаверади!

С о б и қ. Кечирасиз, бу ер Америка эмас. Америка бўлганида осонроқ бўларди. Бизда эса... Баъзан орзу қилиб кетаман, биров менга “Йўқ, сизнинг фикрингиз нотўғри, бунақа бўлиши керак” дея қолса-чи, дердим. Шунчаки, йўлига-да! Барибир уларнинг айтганини қилмайман-у, ҳеч курса, кўнгил учун айтса-чи, деган хаёлга борардим. (*ютиниб олиб*) Биласизми, ҳатто шу гапларни соғинган пайтларим ҳам бўлган!.. Лекин айтишмасди... Ҳеч ким! Ҳамма соқов, ҳамма жим! Ишонасизми, уйда шу гапларни магнитофонга ёзиб эшитардим! “Сен ёмон раҳбарсан, халқни ўйламайсан, чўнтагингни қаппайтиришдан бошқа дардинг йўқ, падарингга лаънат!” деб ёзардим-да, эшик-тешикни бекитволиб ҳеч ким йўғида эшитардим! Йўқ, шу гапларни биров айта қолса нима бўларди-я, нима бўларди?! Осмон узилиб ерга тушармиди ё ер ўз ўқи атрофида айланишдан тўхтаб қолармиди?! Сиздан сўраяпман, нима бўларди?!

Унинг саволи акс садо бериб жаранглайди. Ҳоким ялт этиб тепага қарайди, лекин индамайди.

(Чуқур тин олиб...) Энди менга барибир... Ишқилиб, сизларнинг ишларингиз ўнгланиб кетсин. Агар фойдаси тегса, майли, ҳамма айбни биз – собиқ раҳбарларга ағдараверинглар. Ҳеч бўлмаса, шу билан жамиятга фойда келтирган бўламиз-ку...

Шу пайт ҳали чиқиб кетган аёлнинг боласи йиғлаганча югуриб киради.

Б о л а *(Собиққа, исёнкорона).* Нега ойимни йиғлатдинг?! Сен ёмон одамсан!.. Ҳе, онангни с... сени!..

С о б и қ *(дабдурустдан тушунмай).* Нима?.. *(селекторга)* Ким қўйди бунини?! Бу ер ҳокимиятми ё карвонсаройми?! Пастдаги мелисалар қаёққа қараяпти?.. Ким ўзи бу?!

Ҳ о к и м *(хотиржам).* Халқ бу! Оталари, оналари, ака-опалари андиша қилиб айтолмаган гапни айта оладиган халқ бу!!!

Собиқ жажжи муштчалари билан юз-қўзини ҳимоя қилиб турган кичкинагина “халқ”қа ҳайрат билан боққанича қотиб қолади. Чироқ ўчади.

Тушуниб бўлмайдиган овозлар – арава филдирагининг ғижирлаб айланиши, итларнинг вовуллаши, “Ахборот” кўрсатувининг мусиқаси, муаззиннинг азон айтиши, ҳарбийларнинг жўрликда қасамёд қилиши, реактив самолётнинг учиб ўтгани – ҳамма-ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади...

ТАМОМ

Жўра МАҲМУД



1942 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1971 йилда Тошкент Театр ва рассомчилик санъати институтини тугатган. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби. “Соҳибжамол”, “Адолат кун”, “Берк кўча”, “Уч дангаса”, “Олмос ботир”, “Тазарру”, “Тамға”, “Садоқат”, “Бўлмағур гаплар”, “Иккивой ва бешвой”, “Осмондан танга ёққан кун” сингари пьесалар муаллифи. Асарлари пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилган. “Актёрлик маҳорати”, “XX аср режиссураси”, “Режиссура асослари”, “Эргаш Масофоев”, “Тошхўжа Хўжаев”, “Маннон Уйғур” каби дарслик ва монографиялари чоп этилган. Ҳозирда Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти профессори.

НАЖОТ ҚИРҒОҒИ

Комедия

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

А ё л – 55 ёшларда.

Э р к а к – 65 ёшларда.

* * *

Кўп қаватли хонадонлардаги бир хоналик уй. Чап томондаги стол устида идиш-товоқ, қачонлардир яшнаб турган гулдаста қолдиғи. Тахи бузилган газета, варағи ёпилмаган китоблар. Бу хонага кўпдан супурги ораламагани яққол кўзга ташланади. Ногиронлар аравасида ўтирган аёл бир нуқтага тикилганича, хаёл оғушида. Дераза ташқарисида ҳар томонга ғизиллаб ўтиб турган машиналар овози тинмайди. У ташқаридаги шовқинга қулоқ солар экан, бир қарорга келди, шекилли, аравани аста ғилдиратиб дераза ёнига яқинлашади. Дераза токчасига таяниб аравадан туради, сўнг токчага чиқишга ҳаракат қилади. Юки оғир бўлганидан бу иш осон кўчмайди. Ниҳоят хийла уриниб гавдасини дераза токчасига қўяди. Энди токчага чиқиши керак. Неки уринмасин, бу ишнинг уддасидан чиқа олмади. Энди қўлига таяниб гавдасини деразадан кўча тарафга олади. Пастга, кўчага қарайди. Аста-секин оғирлигини ташқарига ташлайди. Шу пайт ташқаридан эркак кишининг овози эшитилади.

Э р к а к. Янга, яхшимисиз?

А ё л. Нимайди?

Э р к а к. Ўзим, шундай. Отмиш биринчи дом шуми?

А ё л. Шу бўлса, нима қилардингиз?

Э р к а к. Сўраяпман-да. Бу, тўққизинчи хонадон керак эди.

А ё л. Хўш? Нима ишингиз бор эди?

Э р к а к. Керак эди-да.

А ё л. Керак бўлса, гапиринг. Вақтим йўқ.

Э р к а к. Мабодо, Мушаррамхон деганлари ўзлари эмасми?

А ё л. Яна қизил чироқ!!! Қизил чироқ ёндими?

Э р к а к. Қизил чироқ?! Ҳа-а. Ҳозир... муюлишда ёниб турипти...

А ё л. Уфф! Учинчи бор шундай бўлиши.

Э р к а к. Қизил чироқ ёнса-ёнар. Э, сизга нима? Шунга ҳам Ота гўри – қозихонами? Эшиклари очиқми?

А ё л. Қанақа эшик?

Э р к а к. Уйингизни эшигини айтяпман-да!

А ё л. Нимаиди?

Э р к а к. Мен ҳозир...

А ё л. Қаёққа? Тўхтанг! Ҳой дейман, шошманг.

Дераза токчасига ўтириб олади. Энди пастга, аравага тушиб ўтириш керак. Эшик қўнғироғи чалинади.

А ё л. Ҳозир... Кимсиз?

Э р к а к. Аввал эшикни очинг. Муслимамисиз ўзи?

А ё л. Балким, ўғридирсиз. Мен қаёқдан билай. Эркак киши бўлсангиз.

Э р к а к. Эшикни очинг, кейин биласиз, ўғриманми, тўғриманми. Жухудга ўхшайсиз-а. Товба! *(Аёл аравага ўтириб олади. Дераза пардасини ёпади. Бу орада эшик қўнғироғи уч-тўрт чалинади. Қоронғуликда бирин-кетин эшикнинг учта қулфи шарақ-шуруқ буралади. Эшикнинг ғийқиллаб очилгани эшитилади. Ташқаридан тушган ёруғлик қўлида тугун билан остонада турган соч-соқоли оппоқ нуруний бир кексани ёритади.)*

А ё л. Бугун сиз билан тўртинчи киши садақа сўраб келиши.

Э р к а к. Тоштурманинг қамоқхонасида ҳам бу қадар кўп қулф-калит бўлмаса кераг-ов.

А ё л. Бу тухуминг қуригур тиланчилардан безор бўлганимдан шундай қилишга мажбурман. Девдай, девдай барзанги бўлсанг, тоғни урса талқон қиладиган ҳайбати бор. Уят-андиша деган нарсаларнинг уларга алоқаси йўқдек... Берадиган пулим ҳам қолмади. Бир килограмм гўшт ўттиз-қирқ минг бўлса, шу бир хоналик уй ўлгурнинг тўловига ярим пенсия пулим кетса... Жонимдан тўйдириб юборишди...

Э р к а к *(хона ичига кўз югуртириб чиқади)*. Сичқонлар ҳас-са таяниб қолибди, ўзиям.

А ё л. Кўрдингизми, энди эшикни орқасидан ёпиб қўйинг. Боринг, Худо хайр бергур, одамниям каловлатиб юбордиларинг!.. *(Эшикни ёпмоқчи бўлади.)*

Э р к а к. Бисмиллоҳу Раҳмонир Раҳийм. *(Ичкарига киреди.)* Очилган эшикни ёпишга шошилманг, ойим.

А ё л. Нима? Эс-песингиз жойидами, отам тенги одамга қанақасига “ойи” бўлай? Товба!!!

Э р к а к. Бизнинг Фарғона томонларда аёлларимизни шундай алқаймиз-да, ойим. Айбга буюрмайдилар.

А ё л. Фарғонадан ҳам гадой чиқибди-да, савил!

Э р к а к. Бизди фарғоналик лўлилар гадойчилик қилишмайди. Ома лекин, мен сизга айтсам, ойим, ўша тиланчилар

сиз билан мандан юз баробар бадавлат. Уларни қурган иморатларини кўрсангиз, капалагингиз учади, валлоҳи аълам!

А ё л. Қулоғим сизда, гапира қолинг.

Э р к а к. Лимузинлар муборак бўлсин, ойим. Ана, бўлар экан-ку, ожизалар меҳнатини енгиллаштирса. Битта, ҳалиги темир дастёр бўлса, супуриш-сидириш, кир ювиш, овқат пишириш, зинғиллаб магазинга, бозор-ўчарга бориб келишга ярайди. Худо хоҳласа, унақасини ҳам кўрармиз. Япунлар денг ана шунақа “темир дастёр”ларни ҳам ўйлаб топишибди. Худди жомашовга ўхшайди, қизиталоқ. Отасига раҳмат. Хўпам эринмаган халқ экан, ўзиям.

А ё л. Ҳали гапингиз кўпми?

Э р к а к. Ёшлигимдан сергапроқман, айбга буюрмайсиз, айниқса, кўҳлик аёлларни кўрсам, қулфи дилим очилиб кетиб, лаб-лунжимни йиғиштиролмай қоламан.

А ё л. Қизингиз тенги аёлга шунақа гапларни гапиргани... уят-э!

Э р к а к. Ҳатто яратган эгамга ҳам ҳамду сано хуш келади.

А ё л. Қулоғим сизда!

Э р к а к. Лаббай?

А ё л. Гапира қолинг, дейман.

Э р к а к. *(Ўтиришга жой қидиради. Аммо қоронғуликда кўзи бирон яроқлик буюмни кўрмагач, эшик раҳига суянади.)*

“Ҳожи бобо” бўлишни кўнгилга тугиб қўйган эдик, валлоҳи аълам. Шу десангиз, рўйхатни охирида бўлсак ҳам, қоранг, навбатимиз яқинлашибди...

А ё л. Яхши бориб келинг.

Э р к а к. Лаббай? Қулоқ қургур жиндай ҳалигидай.

А ё л. Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, дейман. Мен нима қилай? Бир ўн беш кун кутсангиз, нафақа пули оламан. Ўшандан садақа берарман. Ҳозир сира иложим йўқ. Кўриб турибсиз, чироқни ҳам “қарзингиз бор” деб ўчириб кетишган.

Э р к а к. Айни вақтида келибмиз-да. Оновини қоранг, оқсоқол билиб жўнатган экан. Отасига раҳмат.

А ё л. Ҳозир сиз билан гаплашишга вақтим йўқ.

Э р к а к. Икковимиздиям вақтимиз зиқ экан. Ўхшатмасдан учратмас, деганлари шу бўлса керак-да. А, нима дедилар?

А ё л. Мен нима қилай, суюнчи берайми?

Э р к а к. Арзимаса ҳам, шу озгина омонатни қабул қилиб, “палончи палончидан палон сўм садақаи жория олдим” деган икки энлик тилхат ёзиб берсангиз.

А ё л. Нимани олдим дейман?

Э р к а к. Монови тугундаги садақани-да.

А ё л. Ўлар энди келиб-келиб, неваралик одамдан садақа олсам. Қўйинг, керак эмас.

Э р к а к. Навбатим қуйиб кетмасин, ахир. Тилхат ёзиб бермасангиз, рўйхатдан ўчириб ташлашади. Нега тушунмайсиз?

А ё л. Қоғоз-поғозингиз борми?

Э р к а к. Э-э! Шу нарса хаёлдан кўтарилибди-ку.

Аёл аравасини ғилдиратиб хонани айланади. Ошхонага ўтиб бир энлик оқ қоғоз топиб чиқади.

А ё л. Нима деб ёзиш керак?

Э р к а к. Олдин пулни санаб олмайсизми, ойим?

А ё л. Садақани ҳам санайдими?

Э р к а к. “Топиб олсанг ҳам, санаб ол” деган нақл бор. Аввал пулни санаб олсинлар. Ана ундан кейин тилхат ёзсинлар. Таомили шунақа бўлади-да, ойим!

А ё л. Маҳаллада мендан кўра муҳтожроқ оила йўқ эканми?

Э р к а к. Ағини билмадим. Суриштириб ўтирмадим. Сизни адресингизни беришган эди, келавердим. Қолаверса, бу ҳам Аллоҳнинг марҳамати. Истараси иссиққина аёл экансиз. Деразадаги туришингиз, кўрғазмага қўйган суратга ўхшар экан. Кўзимга бошқачароқ кўриниб кетдингиз-да, ойим.

А ё л. Вой савил-ей! Мени ким деб ўйлаяпсиз. Олинг пулингизни. Уйимни бўшатиб қўйинг. Боринг, боринг.

Э р к а к. Эс-хуши жойидами бу аёлди? Хушомад қилиб бўлмайти ҳамми?

Маҳалладаги ёрдамга муҳтож оила фақат сиз бўлсангиз, биз виноватми? Кўнглингизга бошқа гап келмасин-у, пийсабиллоҳ ўзим рози бўлиб беряпман.

А ё л. Осмондан тушганмисиз? Шу замонда биров бировга бекордан бекорга пул берганини эшитганмисиз? Ҳозирги кунда-я! Тушингизни сувга айтинг. Мен унақа сиз ўйлаган аёллардан эмасман, билдингизми? Бошимда эрим бўлмагани билан номусига доғ туширмаган аёлман.

Э р к а к. Нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Киши биров бировини тушунмаса қийин экан. Мен тоғдан келсам, сиз, ойим, боғдан келасиз.

А ё л. Ўзингизни фаришта қилиб кўрсатмай қўя қолинг. Кўзингиз йилтираб турипти. Ниятингизни билиб турибман. Боринг, боринг.

Э р к а к. Иштонбоғимни аранг топаман-у, қаёқдаги гапларди гапирасиз-а, ойим. Кўз кургур тез-тез ёшланиб туради. Бу қарилиқдан, ойим. Пулди сананг.

А ё л. Сиз эркакларнинг ҳийласини жуда яхши биламиз. Мушук бекорга офтобга чиқмайди, буважон. Агар, бу аёлгинани пул билан бошини айлантираман деб хаёл қилган бўлсангиз, бекорларни бештасини ебсиз. Қани, бир туёгингизни шиқиллатиб қолинг-чи. Пулингиз ўзингизга буюрсин. Нега серрайиб турибсиз? Боринг, боринг.

Э р к а к. Э, қанақа ғалча аёлсиз. Сиздақа аёлдан худони ўзи асрасин. Бу, поччамиз қандай чидаркинлар, ҳайронман.

А ё л. Поччангиз мени шу кунларга ташлаб, ўзи нариги дунёда айшини суриб юргандир.

Э р к а к. Шундоғ демайсизми? Аллоҳ шафоат қилсин. Ҳай, бўладиган гапди гапирайлик. Монови пулди олинг-да, менга икки энлик хат беринг. Ҳали қиладиғон ишларим кўп. Шашилиб туриппан.

А ё л. *(Аравасини ғилдиратиб атрофни айланиб ниманидир қидиради.)* Қаёқда қолдийкин яшшамагур.

Э р к а к. Нимани ахтаряпсиз?

А ё л. Песни, моховни! Ручкани-да.

Э р к а к. Монови тўсиқни сағал суриб қўйинг. Хонага ёруғ ораласин. Ўзиям уйни моғол ҳиди тутиб кетипти. *(Бориб дераза пардасини сурмоқчи бўлади.)*

А ё л. Ийй, оча кўрманг! Шамол киради. Ўзи шундоғ ҳам шамоллаганим ўтиб кетмаяпти.

Э р к а к. Бетизга офтоб тегмаса, яна ҳам чирк босиб кетмаганингизга шукур қилинг. Одам деган ҳам шунақа ёруғликдан кўрқадими?

А ё л. Нима, деразанинг туйнукларини кўрмаяпсизми? Игнадек туйнукдан туядек совуқ киради, деган гапни эшитмаганмисиз.

Э р к а к. Қани совуқ? Ташқарида куёш чарақлаб, болалар иштончанг чўмилиб ётган бўлса-ю, бу кишим ҳали ҳам қишдан кўрқсалар. Ё, ба пармони худо!

А ё л. Бўпти, гапни кўп чўзманг. Қани, қанақа пул бу ўзи? Қаердан олгансиз, неччи сўм?

Э р к а к. Бағи билан ишингиз бўлмасин. Узумини енг-у, боғини суриштирманг. Хўшш! Бир миллион.

А ё л. Бир миллион?! Ҳазиллашяпсизми? Менга-я?

Э р к а к. Ўзимданам тешиб чиқмасди. Аммо Оллоҳнинг бешинчи фарзини адо этмай ёғоч отга миниб жўнаб қолсак, бўйнимизда қарз қолиб кетмасин, дедик-да.

А ё л. Сизни музейга қўйиш керак. Инсофли экансиз. Худо хайрингизни берсин. *(У пулларни бағрига босганича “қаерга яширсам экан” дегандек атрофга қарайди. Унинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришни меҳмон сезмайди.)* Менга қаранг, муллака, бу ерга келганингизни бирор ким билмадими? Атрофимда ёмон одамлар кўп. Уруғингга қурт тушгурлар, “бор бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса, беролмайди”. Шунақа! Энди билдингизми, нега эшикни қулфлаб, пардани тушириб ўтиришимни?

Э р к а к. Дарвозанинг қулфи ҳам учта, шекилли?

А ё л. Қулфимни учталигини сиз ҳам сездингизми?

Э р к а к. Дарвозани қийналиб очганингиздан ҳам билса бўлади.

А ё л. Шунисини ўйламабман. Яна битта қулф ўрнатишим керак бўлади. Менга қаранг, танишингиз йўқми, яхшироқ қулф ўрнатиб берса. А?

Э р к а к *(хонани кўздан кечираркан)*. Бу уйда ўғрининг қўлига илинадиган ортиқча нарсанинг ўзи йўққа ўхшайди-ку.

А ё л. Ҳо, уларни яхши билмас экансиз, муллака. Искович итга ўхшаб, искаб-искаб дарров топиб олишади.

Э р к а к. Нимани?

А ё л. Олтин ва тиллаларни-да, муллака.

Э р к а к. Энди менам ишлик одамман, ойим. Пулларди олдингиз. Икки энлик қоғозга, “олдим” дегандай хат-пат қоралаб беринг. Онови корчолонларга пеш қилмасам, бу йилги навбатдан ҳам қолиб кетадигонга ўхшайман, боланг катта бўлгур.

А ё л. Вой, сиз ҳам қора рўйхатдамисиз?

Э р к а к. Гапни чувалаштириб нима қиласиз? Бўлинг, ёзинг!

А ё л. Кейин мени қийнашмайдими?

Э р к а к. Нега қийнашаркан? Тушунмадим.

А ё л. Сиз уларни билмайсиз. Сочингизни юмшоққина бурашади. “Дод” ласанг, томоғингизни юмшоққина сиқишади. Пулларингизни, тиллаларингизни олишади. Шунақа!... Шунинг учун танишингиз бўлса, битта яхши қулф ясаб берсин. Илтимос.

Э р к а к. Хўп, хўп. Ясаб беради. Менга бояги айтганим, хат ёзиб беринг.

А ё л. Ёзиб бераман. *(У қўлида қоғоз-қалам ушлаганича ар-васини ғилдиратиб хонани айланади.)* Қаёқда қолди?

Э р к а к. Нимани ахтаряптилар?

А ё л. Ручка шу ерда эди-ку, қуриб кетгур.

Э р к а к. Э, бу қоронғиликда одам ўзини тополмайди-ку, ручка топиб бўлармиди, ойим?! *(Бориб деразанинг қора пардасини бир чеккага суриб ташлайди. Энди уйдаги тартибсизликлар яққол кўзга ташланади.)*

А ё л. Ёпинг, ёпинг. Шамоллаб қоламан.

Э р к а к. Юрагим сиқилиб кетди. Мен кетгандан кейин яна ёпиб оларсиз. Бош ҳам ғум бўлди. Бўла қолинг, ойим. Ручка билан қоғоз қўлингизда.

А ё л. *(Хат ёзишга тутинади.)* Ким эдиз?

Э р к а к. Маклатура... Ҳа йўқ. Мирзамухаммаддўстовман.

А ё л. Ким, ким?

Э р к а к. Мирзамухаммаддўстов...

А ё л. *(Аёл ёза бошлайди.)* Ҳай... Ростдан ҳам бир миллионми? Мир...

А ё л. У яна ким бўлди?

Э р к а к. Мен, менман. Мирзамухаммаддўстов...

А ё л. Фамилиянгиз ҳам бизнинг қўшқаватли иморатга ўхшар эканми...

Э р к а к. Энди бориға барака. Ота-энамиз биздан сўрашмай ёздириб қўйишган.

А ё л. Исмингиз?

Э р к а к. Исмин... Мирзамухаммадқодир.

А ё л. *(Унга тикилиб қолади.)* Астағфуриллоҳ, Шунақаям қўшқаватли исм бўларканми?

Э р к а к. Бобокалонларимиздан бирлари Худоёрхон замонида Қўқон саройида мирзалик қилишган экан. Шажарамизни суриштириб келадиган бўлсангиз, нақ Одам атоға бориб тақалар экан.

А ё л. Яхшиямки, ҳозир шажара поспуртга ёзилмайди. *(Ҳижжалаб ёза бошлайди.)* Бўлдими ёки яна қўшимчаси борми?

Э р к а к. Бўлди, бўлди.

А ё л. Худога шукур. Пулларингиз ростдан ҳам бир миллионми?

Э р к а к. Ҳажга борадиғон одам ҳам ёлғон гапирадими? Тоза одамиға учрадим, шекилли.

А ё л. *(Аёл хаёл суриб тўхтаб қолади. Аравасини ғилдира-тиб, эркакнинг атрофида айланади. Қотиб-қотиб кулади.)* Кейин сиз Ҳожи бобо бўласизми?

Э р к а к. Шу кунга етармиканман деб, йигирма йилдан бери тинганим йўқ. Ит тинса тиндики, мен тинмадим. Кундузи уй-рўзғор, бола-чақа учун ҳукумат ишида, кечаси ўзим учун кўчама-кўча қўлбола аравани судраб маклатура, баклашка йиғиштириб топшираман. Пулим энди ҳисобга тўғри келганда борсам, нарх-наво ошиб турган бўлади. Одамлар уч-тўрт марталаб боради. Тижорат қилади... Бир қўшним тўрт борди. Қурт обориб, ўша ерда Худонинг муқаддас даргоҳида “қуртпурушлик” қилиб ўтирса. Бунга нима дейсиз? Имонсиз Аллоҳнинг ҳузурида нима жавоб топаркин, ҳайронман, ойим! Қиладиган иши мол бозорида даллоллик. Беш вақт намозни канда қилмайди. Гоҳида туриб-туриб, мана бу калла ғум бўп қолади. Тўй-тўркинда элдан бурун тўрга чиқиб олади. Насихат қилишга келса, булбулигўё бўлиб кетади. Бозорда қиладиган ишини кўрсанг, турган-битгани риё! Қайси гапи рост-у, қайси-си ёлғон, билолмай ҳайронсан, ойим! Шундай кезларда омилигимиз панд бериб қўяди... Ҳай, “эчкини ҳам ўз оёғидан осади” деган экан машойихлар. Шундай деб ўзимизни овутамиз-да, яна шалдироқ аравани судраб кўчама-кўча тентирашга тушиб кетамиз. Ким хақ, ким ноҳақ, ёлғиз яратганга аён. Тушунганим шу бўлдики, ҳақиқатнинг ўзи ҳам ўта мўрт нарса экан. Кимнинг ҳамёни қаппайганроқ бўлса, “ҳақиқат” ҳам ўша томонга оғиб кетар экан. Гапирмай дейман-у, мана бу ер тирналиб-тирналиб кетади.

А ё л. Қизил чироқ нима эканлигини энди англадингизми? Ўша одамни қизил чироғи куйиб қолган. Ишламайди. Гунг ва лол!

Э р к а к. Қанақа чироқ?

А ё л. Қизил, қизил чироқ! У ҳар бир одамнинг бояги сиз айтган ерида бўлади.

Э р к а к. Гапингизни сағал тушунмайроқ турибман, ойим.

А ё л. Ўзи ёқилиши керак.

Э р к а к. Қаерда, уидами?

А ё л. Одамнинг мана бу ерида. *(Кўкрагини кўрсатади.)* Доймо ёниқ туриши керак. Агар одамнинг қизил чироғи куйиб қолса борми, панд-насихатингиз икки пул. Кўр ва кар бўлиб қолади. Шунақа, муллака!

Э р к а к. Нега?

А ё л. Негаки, у, ҳар бир инсоннинг виждони, нафси аммо-раси, уят ва номуси. Шарму ҳаёси. Энг олий ҳақиқат, билсангиз, мана шу!

(Қоғозни йиртиб, ручкани нари суради.)

Э р к а к. Э-э-ээ! Нега йиртдингиз, ойим?

А ё л. Ололмайман.

Э р к а к. Сабаб?

А ё л. Сизда қизил чироқ бор.

Э р к а к. Бу гапларди сизга тегишли ери йўқ. Ўзим шундай, бир юракнинг чигилини ёзиб олдим-да. Олаверинг, кўрқманг, ойим.

А ё л. Гадой эмасман. Бева аёл экан деб, раҳм қилманг. Худо раҳм қилсин. Одам ўзига-ўзи раҳм қилсин. Ўз қадр-қиммати-ни билсин. “Бир нарсалик бўлиб қолай” деб ўзининг набираси тенги одамларга ялтоқланиб, қадр-қимматини тупроққа қориб юрган эркакларни кўрсам, ёниб кетаман. Бундай ҳолатлар ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган. Эримнинг бошлиқлар олди-даги ялтоқланиши кўз ўнгимда. Ўз-ўзимдан уяламан. Бундай одамлар, бир чўқим ширинлик деб, циркда ўмбалоқ ошадиган айиққа ўхшайди.

Э р к а к. Тушунаман. Биламан. Омма, сиз шу пулларди ол-масангиз, мен рўйхатдан тушиб қоламан, ахир. Сиз ҳам мени тушунинг-да.

А ё л. Йўқ дедимми – йўқ!

Э р к а к. Яна тушунтирайми? “Ҳажга боришни истаганлар оввал ўзи яшайтурған маҳалладаги ҳалиги нима деярди... кам таъминланган бирон-бир оилага ёрдам бериб, оғирини енгил қилишга ҳаракат қилсин. Савоб ишни ўз маҳалласидан бошласин”, – деб оқсоқоллар фотиҳа беришибди. Ҳа, хўп, кимга ёрдам берай, десам, сизни рўпара қилишди. “Ёлғиз, ногирон аёл. Бир киши арава совға қилди. Сиз дори-дармонига пул билан ёрдам беринг”, – дейишди. Мана ўша пул. Тортинманг, олинг.

Индамай бошқа қоғозга нимадир ёзиб, эркакка беради.

А ё л. Соғ-омон бориб қайтинг.

Э р к а к. Яна бирон ёрдам-пордам керак эмасми?

А ё л. Менга ҳам шифо сўранг.

Э р к а к. Сўрайман, сўрайман.

А ё л. У ерларга бориш биздақаларга йўл бўлсин.

Э р к а к. Вэй, инсон астойдил сўраса, бераркан. Ўзимдан мисол. Эсим қурсин. Кўпдан шу аҳволдаларми?

А ё л. Аҳволимга нима қипти?

Э р к а к. Бу... яъни, нима десам экан... Ўзлари ҳалигидай... юролмайдиларми, демоқчиман-да.

А ё л. Зинада бошим қаттиқ оғриб... урилдимми... йиқилдимми. Уч йил бўлди-ёв. Ўшандан бери... Бирдан оёғим тортиб юргизмай кўяди. Уй ишларини ҳам эмаклаб юриб... Яқинда шу аравани олиб келиб... Ҳокимни ўзи, барака топгур...

Э р к а к. Бу, фарзандлар сағал нобопроқ чиққанми дейман.

Аёл хаёлга чўкди.

А ё л. “Ёлғизим” деб ялаб-юлқадим. Совуққа олдирмай, иссиққа куйдирмай, топганимизни оғзига тутдим. “Кулиним” деб кўкка учирмадим, “ёлғизим” деб ерга кўндирмадим. Кўча-кўйдаи, меҳмон-измондами, бирон-бир яхшироқ нарсани кўриб қолса, олдирмасдан қўймайдиган бўлди. Ўзига ўхшаган ёш бола бирон нарса ўйнабми, ебми турган бўлса, ёпишиб тортиб оларди. Ўз ўйинчоғини эса ҳеч кимга бермаганидан: “Тойчоғимиз пишиқ-пухта чиқди, ўз ҳақини бировга бермайди” деб эр-хотин суюнар, топганимизни арзандамизга тиқиштирардик. Шу есин, шу кийсин, шу кўрсин, дедик. Олтинчи синфга кўлида тилла соат билан борди. Совға-саломлар билан “аъло баҳолар”га ўқитдик. Пулдан тиргович тираб институтга киритдик, ишга жойладик. Бир ота-она фарзанди учун нимаики қилиши керак бўлса, ҳаммасини амалладик...

Э р к а к. Ағи нима бўлди?

А ё л. Аммо бир нарсани ўргатмабмиз. Ҳа, энг муҳим нарсани унутибмиз. Қизил чироқ тўғрисида тушунтиришни унутибмиз, муллака. Қизил чироқ борлигини айтмабмиз. Аслида она болага кўкрак беришдан аввал уни кўкрагидаги қизил чироғи ёниқ туриш керак экан. Шунақа! Ота-онанинг ўзида қизил чироқ бўлмаганидан кейин... Нима дедингиз, муллака?

Э р к а к. “Оввал ўзинга боқ, сўғин ноғора қоқ” демоқчилар-да, а, ойим? (*Аёл жавоб бермайди. Ўз хаёли билан банд. Бир нуқтага тикилганча унсиз.*)

Африқо деган юртда бир ҳайвон яшаркан. Шу десангиз, жонивор боласини яхши кўрганидан ялаб-юлқайвериб, ялаб-юлқайвериб, ахири ўлдириб қўяркан.

А ё л. (*Унга бир муддат тикилиб қолади. Сўнг секин шивирлайди.*) Мен ўша ҳайвонга ўхшайманми. Яхшироқ қаранг... Ўхшайманми?

Э р к а к. Ҳайвонди айтяпман, сизнимас, ойм. Гап келгани учун айтдим-қўйдим-да.

А ё л. *(Деворда осиглик расмга тикилиб қолади. Унинг руҳиятида яна ўзгариш.)* Нега менга тикиласан, болам? Ўзингку, “Берган пулларимни нима қиялпсан?” деб сўраганимда дарров жаҳлинг чиқиб, тўнингни тескари кийиб оласан. Нима ёмонлик қилдим? Бўлди, бўлди, қўй, болам. Энди сираям сўрамайман. Аданг билмасин, дейман-да. Билса, сени хафа қилиб қўядими, деб қўрқаман. Анави Пирривойни ўғли билан юрмасанг бўларди. Отаси ёшлигида қамалган. Ҳа... ўғрилиқ қилиб қамалган. Ўғлини ҳам кўзи бежо. Ўшани уйга бошлаб келсанг, нукул нимадир йўқолиб қолади. Кейин аданг менга ўшқиради. Икковинг уйга кириволиб, худо билади, нима қиласизлар. Ота-она деган боласини тергайди-да. Хўп... хўп. Мана, бўлди қилдим. Бошқа гапирмайман. Ёнимда борини кеча бердим-ку. Бўпти... Бўпти. Аданг гўштга ташлаб кетганди. Аданг билмасин. Яна менга ўшқиради. Икковларингни ўрталарингда қозилиқ қилавериб мен ҳам чарчадим, болам... Эртароқ кел. Йўлингга тикилиб кўзим тешилмасин. Онагинанг ўргилгур. Ёмон болаларга қўшилма...

Аёл расмга тикилганича жимиб қолади.

Э р к а к. *(Эркак ундаги ўзгаришни энди пайқайди.)* Эса, мен бора қолай, ойм. Яхши қолинг.

А ё л *(унга узоқ тикилиб).* Бирон нарса дедимми?

Э р к а к. Менгами? Йўқ. Ўзим, бора қолай энди дейман-да.

А ё л. Илтимос, бироз ўтиринг. Мен ҳозир чой қўйвораман. *(Аравасини ғилдиратиб ошхона томонга ўтмоқчи бўлади.)*

Э р к а к. Кераги йўқ. Овора бўлманг, рўзаман.

А ё л. Рўза ойи келдими?

Э р к а к. Йўқ. Қазо кунларим бор эди.

А ё л. Савдо-ғавфо! Қилкўприкнинг устида юради одам.

Э р к а к. Бўлса бордир. *(Уй ичини кўздан кечиради.)*

А ё л. Хўжайиним шаҳарда энг катта магазинни директори бўлган. Эҳтимол, билсангиз керак... Ғалати одам эди. Ўзи шалдироғи чиққан эски бир “Москвич” машинасида юрарди. Мен эса “Волга”да. Театрга бориб қолсам, директор билан казо-казо артистлар эшик тагида кутиб олишарди. Импортний туфли, импортний пўстин, импортний шляпа... Фақат олдинги қатордаги ўнинчи курсида ўтирардим. Ўзимни, қимматбаҳо кийимларимни кўз-кўз қилиб бошқаларни куйдиришни яхши кўрардим.

Э р к а к. Театр-чи, театрни кўрмасмидингиз?

А ё л. Театрни унча тушунмасам ҳам, аммо артистларнинг артистлигига қойил қолардим. Ўзиям йиғлайди, сизни ҳам йиғлатади. Бошқаларни билмадим-у, уларнинг ўзидан кўра ўйинига кўпроқ ишонаман. Тушунаман, йиғиси ҳам, кулгиси ҳам ёлғон, аммо ишонаман. Бир сафар денг, “Алишер Навоий” спектаклида уни заҳарлаш учун косасига заҳар солиб қўйишади. Навоий айланиб келиб бояги косани қўлига олганида, “Ичманг! Ичманг, ичида заҳар бор” деб бақириб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Артист ҳам менинг сўзимга ишонди шекилли: “Заҳар дедиларми?” – дея мендан сўради. Жон-жаҳдим билан “Ҳа, бобо, заҳар, ана, анави амаки солди”, – деб бақирдим.

Э р к а к. Артист ичмадими?

А ё л. Ичмади. Менга ишонди... Бунга кўп бўлди. Ёш эдимда. Унда еттинчи синфда ўқирдим. У вақтлар бошқача эди. Ёлғон гапирадиган одамлар каммиди, билмадим. Ҳамма гапга ишониб кетаверардим.

Э р к а к. Тўғри айтасиз, ойим. Ёлғон камроқ эди. Одамлар ҳам бошқачароқ эди. Бировнинг ҳақидан кўрқишарди. Ёлғон гапиришдан кўрқишарди. Хиёнатдан кўрқишарди. Ҳа, хўп замонлар эди.

Бу хонада диққинафас бўлиб ўтиргандан кўра бориб турсангиз бўлмайдими ўша театр-пеатрларга.

А ё л. Ҳам кўрқаман, ҳам уяламан.

Э р к а к. Нимадан кўрқасиз?

А ё л. Таниш-билишлар кўриб қолса, ана, пулдор магазинчининг хотини. Эрининг соясида биз билан қўл учида кўришарди. Сен осмон-у, биз ер эдик. Хўш, қалайсан энди, дейишмаса ҳам, кўзларидан биламан. Ундан кейин, бундай ўйлаб қарасам, театрга томоша кўргани эмас, ўзимни кўрсатгани борар эканман. Энди эса одамларнинг кулгисидан кўрқаман.

Э р к а к. Осон эмас экан сизга, ойим. Пайғамбаримиз Саллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир юртдан меҳмон келибди. Пайғамбаримиз меҳмонни очиқ чехра билан кутиб олибдилар. Уйга таклиф қилибдилар. Ичкарига киришганда меҳмонни юқорига, ўзлари ўтирадиган биргина хурмо барглари солинган кўрпача устига таклиф қилиб, ўзлари пойгакка қўнибдилар. Шунда меҳмон ҳайратланиб: “Мен бир миллат подшоҳининг ҳузурига келдим, шоҳона анжомлару тилла тахт

устида ўтирган подшоҳни кўраман, деб ўйлагандим. Наҳотки шу подшоҳнинг уйи бўлса?” – дебди. Шунда пайғамбаримиз: “Қачонки менинг умматларим подшоҳлардек яшаса, мен ҳам подшоҳлардек яшайман”, – деган эканлар.

Кўрдингизми, ойим, Аллоҳнинг ердаги ноибининг туриш-турмуши қандай бўлган экан. Биз ғофил бандалар қўлимизга тўрт танга тушса, ё иморат соламиз, ё бўлмаса, тўй қиламиз. На худодан кўрқамиз, на бандасидан.

А ё л (*сукутдан сўнг*). Муллака, нега биз шунақамиз? Тилимиздан “Худо” тушмайди, дилимиздан рибо чиқмайди? Бармоқларимда қўша-қўша узук. Қулоғимда шода-шода тилла зирак, эгнимда қўша-қўша кўйнак. Қўлимни қаёққа узатсам етади. Бор-йўғи уч киши учун ўттиз хоналик уй қурдик. Ҳар бир одамга ўнтадан хона. Эшик тагида хизматкор. Министрдан кўп ойлик тўлаймиз. Унча-мунча одамни дарвозага яқин йўлатмайди. Эшикларни маҳкамлаб, тунда эр-хотин пул санаймиз. Бу пуллар кимнинг пули, қаёқдан келяпти? Суриштирадиган одамнинг ўзи йўқ. Суриштирадиганнинг хонадонида ҳам шу аҳвол. На ялангоёқни кўраман, на ғарибнинг сўзига қулоқ тутамиз...

Э р к а к. Индаллоси ...

А ё л. Лаббай?

Э р к а к. Индаллоси нима бўлди, дейман?

А ё л. Тушунмадим.

Э р к а к. Қани ўша бойликларингиз?

А ё л. Қани? Қани? Қани? (*Кафтларини ёзиб кўрсатади. Бирдан қаҳ-қаҳ отиб қулади. Кулгидан ўзини сира тўхтатолмайди. Кулги йиғига айланиб кетади. Эркак индамай унга тикилиб ўтиради. Аёл ўзини тўхтата олмагач, сув туттади. Аммо аёл сувни ичмайди. Бирдан бир нуқтага тикилганича тўхтаб қолади. Яна хаёлот оламига шўнғиб кетади.*)

Туринг! Туринг! Пастки қаватда кимдир юрипти. Жим! Эшитяпсизми, ана, ана, зинадан кўтарилмоқда. Зина ғижир-лаяпти. Туринг. Қоровулларни уйғотинг. (*Баралла бақира бошлайди.*) Ҳой, ким бор?! Дарвозаларни ёпинг! Эшикларни қулфланг! Милтиқларни ўқланг! Тақинчоқларим! Тақинчоқларим қани? Темир сандиқ, темир сандиқни яширинг! (*Аёл борлиқдан узилган кўйи хонада аравасини ғилдиратиб гир айлана бошлайди.*) Деразаларни ёпинг. (*Бориб дераза пардаларини ёпа бошлайди. Хона яна хиралашади. Кўзи эркакка тушади.*)

Ҳеч нарсамиз йўқ. Қолмади. Олишди. Ишонмасангиз, мана кўринг, қулоғимдаги зиракни ҳам юлиб олишди. Мана, бармоқларимдаги узукларим ҳам қолмади. Эримми? Бечорани пақ!.. Пақ! Ўлигиниям беришмади. Рост. Йўқ, жаноза ўқилмади. Ана, кўрмаяпсизми? *(Девордаги бўш рамкага ишора қилади.)* Қаранг, йиғлаяпти. Менми? Мен ҳам йиғлаяпман. Мана, мана рост йиғлаяпман. *(Кўзларига тупук суртади.)* Кўряпсизми? Қолмади... Қолмади... Қолмади... Кўз ёшим қуриб қолди. Билдингизми? Қуриб қолди. *(Эрининг расми турган бўш рамкага тикилганича қотиб қолади. Эркак ўрнидан туриб кетишга тараддудланади. Аёл у томонга қарамайди. Секин-аста ўзига кела бошлайди.)* Илтимос, яна пича ўтиринг. *(Устидаги халати чўнтақларини титкилайди. Стол устини пайпаслаб чиқади.)* Доримга кўзингиз тушмадими?

Кунига уч маҳал ичишим керак. Эсимдан чиқиб қолади нуқул. Мени кечиринг. Эътибор берманг. Томдан йиқилган одамнинг ё оёғи синади, ё калласи лат ейди. Шунақа! Калламнинг дориси тугаб қолипти. Қизил чироғим ўчиб қолади. Мени кечиринг. Ҳозир ўтиб кетади. Пардаларни сиз ёпиб қўйдингизми?

Э р к а к. Ўзингиз...

А ё л. Илтимос, очиб қўйинг.

Э р к а к. Жоним билан. *(Дераза пардасини очади. Хонага ёруғлик қуйилади.)*

А ё л. Агар малол келмаса, шу деразани ҳам бироз очиб қўйсангиз. *(Эркак деразани ҳам очиб қўяди. Қаердандир дуторда эшилиб-эшилиб, “дилхирож” қуйи янграйди. Эркак ўзини тугатиб туролмай қандайдир бир дард, алам ва ўкинч билан турган ерида хиром қила бошлайди. Аёл ҳам ўтирган ҳолда бу куйга ром бўлиб қолади.)*

Э р к а к. Мана бу ердаги ярам тимдаланиб, армонларим фиғонга айланиб кетди, ойим!

А ё л. Сиз ҳам артистмисиз?

Э р к а к. Бўлмоқчи эдим.

А ё л. Нега артист бўлмадингиз?

Э р к а к *(Отелло монологини ўқийди.)*

Сабаби бор, жоним сабаби, сабаби жоним!

Мен уларни айта олмайман, тиниқ юлдузлар.

Бироқ кучли сабаби бор. Мен қон тўкмайман.

Қордан оппоқ, қабрдаги мрамардай силлиқ

Бу баданни тирнамайман, яраламайман.
 Тирик қолса, бошқаларни яна алдайди,
 Шунинг учун мутлақо ўлиши керак!
 Шамни пуфлай... Шамни пуфлай...

Хўш ундан кейин,

Ана бордим, ўчирдим ҳам. Порлоқ чироғим...
 Ўчирсаму ундан кейин бўлсам пушаймон,
 Сенинг худди шу ўтингни қайтароламан
 Ёндира оламан...

Бироқ сенинг ўтинг ўчса, эй гўзал малак,
 Табиатнинг хусни учун ўрнак бўлган тан,
 Билолмайман, машъалингни ёқишлик учун
 Қайдан топай абадият алангасини.

Кўкаришлик хосиятин бера олмайман.

У сўлади.

Ўз шохида бир искаб олай.

(Дездемонани ўпади.)

Ўх, қанчалик ширин нафас ва бу нафаслар

Адолатнинг қиличини бука олади.

Яна, яна! Ўх, Шундай қол ўлиминггача.

Ўлдираман, аммо сени яна севаман.

Яна ўпай, яна ўпай сўнгги мартаба!

Ўлим олди бўсалари қанчалик ширин.

Йиғлаяпман. Бироқ бу ёш йўқлик йиғиси.

Ишқим учун осмон менга бермоқда жазо.

Ана ўзи кўзин очди, уйғониб қолди.

А ё л. Вой, артистман демайсизми?

Э р к а к. Бўлмоқчи эдим.

А ё л. Ийй! Ҳалиги нимаиди... Аброр...

Э р к а к. Ҳидоятлов.

А ё л. Худди ўзи. Радиодан эшитганман. Роса ўхшатиб ўқи-
 дингиз. Нега артист бўлмагансиз? Олдин қўрқиб кетдим. Ўлай
 агар. Кейин эсимга тушди. Бу ахир, Отеллонинг монологи-ку,
 дедим. Тўғрими? Ўзини хотинини бўғиб, билмасдан ўлдириб
 қўйган. Ростми?

Э р к а к. Атайлаб ўлдирган.

А ё л. Вой шошманг. Нега ўлдирган?

Э р к а к. Бошқаларни алдамасин деб.

А ё л. Кейин-чи, кейин нима бўлган?

Э р к а к. Кейинми? Кейин ўзини ўзи ўлдирган.

А ё л. Қўрқиб кетган бўлса керак-да, а?

Э р к а к. Ўлимдан қўрқмаган. Ўлдиргандан кейин, хотини бегуноҳ эканлигини билиб қолган. Нега бегуноҳ одамни ўлдирдим, деб ўз устидан ўзи ҳукм чиқарган.

А ё л. Нима бўлганда ҳам, мард экан. Артистларга мазза-да! Нега артист бўлмагансиз-а?

Э р к а к. Ўша сиз эслаган “Алишер Навоий” спектаклида ажойиб бир сўз бор. Эшитганмисиз?

А ё л. Қанақа сўз экан?

Э р к а к. “Азизларнинг боши ер депсинади, итларнинг боши мис тобоқда”... Бу асарни Иззат Султон билан, шоир Уйғун ёзган вақтларида, ҳали мамлакатда қатағон давом этарди. Ҳатто театримизнинг отаси Маннон Уйғур ҳам отилиб кетишига бар баҳя қолган замонлар эди, ойим. У вақтда биз дунёга келмаган эдик. Яхшиям бўлган экан. Ким билади, туғилмай ўлган бўлармидик.

А ё л. Нега ундай, муллака, орамизда яхшилардан кўра ёмонлар кўп-а!

Э р к а к. Ундай эмас, ойим. Раҳмон қафасда-ю, Шайтон озодликда!

А ё л. Наҳотки худо ердаги ҳамма ёмонликларни кўриб индамай қўл қовуштириб ўтирса? А, муллака! Нега?

Э р к а к. Масаланинг аши ерига тишимиз ўтмайди-да.

Ўзимдан мисол: Мен йигирма тийинга бешта пирожки олиб, бир сутка чидардим. Ёнимдаги ҳамкурсим, кечқурун ресторанда овқатланарди. Мен ўқишдан кеч қолмай деб, эрталаб соат бешда турардим. Ҳар куни олти километр пиёда юриб ўқишга қатнардим. Ҳамкурсим отаси олиб берган машинада ўқишга кечикиб келарди. Сиёсий иқтисод фанидан у мени ёзганларимни кўчириб беш баҳо оларди, менга эса домла учдан юқори баҳо қўймасди. Унинг учун артистлик ҳавас эди. Мен учун дард эди. У ҳаётда бойвачча, танги, ақлли одам ролини қойилмақом қилиб ўйнарди. Мен ўз-ўзимдан узоқлаша олмасдим. Унинг ҳамма баҳолари “беш” эди. Имтиёзли стипендия оларди. Мен ўқишимни давом эттиришим учун дам олиш кунлари мардикорчилик қилиб яшардим. У вақтларда барча ўқишлар бепул бўлса ҳамки, мен кабилар кўп эди. “Алишер Навоий”, Ғофир, Ҳамлет, Отелло ролларини, албатта, ўйнайман, деб бор кучим, заковатим билан тиришардим.

Учинчи курсда “Отелло” трагедиясидан парча ҳам кўрсатганмиз. У Яғони, мен Отеллони ўйнаганман. Устозим менинг ижроимдан хурсанд бўлди, комиссия эса менга “Уч” баҳо, унга эса “Беш” баҳо қўйди.

Дарсдан кейин зинадан тушиб келаётсам, “Ҳа, қишлоқи, яна “уч-пуч” олдингми?” – деб нафсониятимга тегиб қўйди. Аламданми, жаҳлданми, таҳқирлангандай бўлдим, шекилли, бир мушт туширганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Зинадан йиқилиб, яп-янги костюми қонга беланди. Ўша куниёқ институтдан ҳайдашди. Лекин хафа бўлмадим, аксинча, қилган ишимдан хурсанд бўлдим.

Мардикорчилик қилмай яшаса ҳам бўлар экан. Трамвай, автобусларда нима кўп, анграйиб юрган одам кўп. Ризқимни ўшаларнинг чўнтагидан топиб юрдим. Тўрт йил маҳбуслик мактабини ўтаб чиқдим. Аммо ўша ерда барибир “Отелло”-ни ўзим саҳналаштириб, ўзим бош ролни ўйнадим. Эркаклар орасидан “Дездемона” ҳам топилди. Ҳар ерда бўлганидек, ўша ерда ҳам хайрихоҳ одамлар кўп эди. Ҳақиқат билан ноҳақлик ҳамиша ит-мушук эканини ўша ерда англадим. Қамалган деган тамғам бўлгани учун ўқишни давом эттиролмадим.

Аммо дурадгорлик ҳунарини ўрганиб қайтдим. Шу ҳунар ортидан уйлик-жойлик, оилалик, фарзандлик бўлдим. Аммо саҳна ишқи ҳамон мени тарк этгани йўқ, ойим.

А ё л. “Ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур” деган ашула бўларди. Дард билан ҳавас роса икки йил курашди. Барибир ҳавас зўр чиқди. Аввалига роса хурсанд бўлдим. Нимаики орзу қилган бўлсам, ҳаммаси муҳайё бўлди. Лекин тушимда нукул ашула айтиб юрардим. Саодат Қобулованинг “Бу кўнгилдир, бу кўнгил” деган ашуласи бўларди, Лутфий ғазали билан айтиладиган. Эшитганмисиз?

Бизни шайдо қиладурғон бу кўнгилдир, бу кўнгил!

Э р к а к. Эслаёлмаяпман...

А ё л. Бизни шайдо қиладурғон, бу кўнгилдир, бу кўнгил.
(*Аёл ашула айтади.*)

Э р к а к. Бопладингиз, ойим. Василага ҳам шунақа дардли ашулалар айтарди. Бир-биримизда кўнглимиз ҳам йўқ эмасди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! Оқар сувга ўхшаркан умр. Шув этди, ўтди кетди. Нима дедингиз? (*Иккаласи ўйга толади.*)

А ё л. Чой ҳам ичмадингиз. Совиб қолди.

Э р к а к. Қаранг, ёшлиқда қилинган битта хато инсон умрини чаппасига айлантириб юборар экан. Балким, мен ҳам машҳур артист бўлиб кетармидим, а? Қизил чироғимиз ёнмаган-да! Нима дедингиз?

Хайр менинг саодатим, завқим тинчлигим,
Учар қушдай қанотланган шонли қўшим,
Қаҳрамонлик одат бўлган жанговарларим,
Барабанлар қаҳқаҳаси, ғолиб оҳанглар,
Сўлиқ чайнаб кишнаган у шўх арғумоғим,
Шод байроғим, бутун талант, бутун шарафим,
Эй ерларга даҳшат солган момақалди роқ
Каби ўлим қуроллари, аслаҳа-яроқ,
Отеллонинг бойликлари, ҳаммангизга хайр!
А ё л. Ростдан ҳам Отелло ўзини ўлдирганми?
Э р к а к. Ўлдирган.

А ё л. Ана уни эркак деса бўлади.

Э р к а к. Бошқалар-чи?

А ё л. Битта аёл деб ўзини қурбон қилиш ҳамма эркакнинг ҳам қўлидан келмайдиган иш.

Э р к а к. Бундай ишларга биз гумроҳларнинг ақлимиз етмайди. Омма, бир хотиннинг ҳийласи қирқ эшакка юк бўлади, деган гап ҳам бор, ойим.

А ё л. *(Аёл ялт этиб унга қарайди. Бу беҳосдан айтилган гапдан қаттиқ таъсирланади. Хаёлан ўзининг ўтмишига назар ташлагандай бўлади.)*

Шу деразани ёпиб қўйсангиз. Негадир совқотдим. Йўқ, ўзим ёпаман.

Э р к а к. Хаёлингиз қочдими? *(Бир нуқтага тикилиб қолади.)*

А ё л. Ана, энди қанча югурсанг ҳам, бошингдан тушиб қолмайди. Мана бундай бостириб кийиб чопқиллаб юрасан. Ишонмайсанми? Ишонмайсанми?

Ҳозир кўрасан. *(Столдан коса олиб тўр дўппини унга кийдиради-да, ўз аравасини ғилдиратиб хонани айланади.)* Ана кўрдингми? Тушмадими? Шунақа! Бувиси тўқиб берган дўппи Дилшоджоннинг бошидан тушиб қолмайди. Энди битта тумор ҳам тўқиб, кўзмунчоқ осиб қўямиз. Мана бундай, мана бундай. *(Аёл гапириб туриб тўқилган дўппининг ипларини яна копток қилиб ўрай бошлайди.)*

Кўклам келиб қир далалар
Кўк кўйлакка бурканди.
Кўзим нури, қувончим
Оқ кафанга бурканди.

Кўзим нури, қувончим
Оқ кафанга бурканди.

Тўхта, тўхта! Қизил чироқ!.. Қизил чироқ ёниб турибди-ку, кўрмисан?! Бу чироқни ҳайвон учун эмас, сен, инсон учун қўйишган-ку, ахир... Эй одам боласи! Наҳотки сени ҳайвондан фарқинг қолмаган бўлса? Қаёққа шошасан?! Нимадан куруқ қоляпсан?! Авлодимдан ёлғиз ёдгорим, тикилган юлдузим, келажакдан умидим, бору йўғим, пешонамга битган биргина набирамни, ўзингга ўхшаган бир одамни ўлдириб қўйдинг-ку, нобакор! Наҳотки мана бу ерингдаги қизил чироғинг ёнмаган бўлса?! Додимни кимга айтай? Урғочи арслондай кекирдагингни чайнаб ташлашга ҳам тайёрман. Гўштарингни бурдалаб ташлашда фақат мана бу еримдаги қизил чироғим тўхтатиб турибди. Шу чироқ бўлмаганида... Эй худо, сенга нима ёмонлик қилувдим?

Э р к а к. Ло ҳавло, вало ҳувло, алиюл азим.

А ё л. Тўхтамади, муллака! Қизил чироқ ёниб турган бўлса ҳамки, тўхтамай йўлакдан ўтиб бораётган набирагинамни босиб кетди. Қизил чироқни кўрмади. Эндигина уч ёшга тўлган эди. Ўлиб қолди. Мана қаранг, ўзим тўқигандим. Туғилган кунда кийдириб қўяман дегандим. Энди буни нима қиламан?

Э р к а к. Пешонасида бор экан-да, ойим. Ўйламанг. Худо бераридан қисмасин.

А ё л. Овунчоғим эди. Қаёққа борсам, ортимдан қолмасди. Унга ўрганиб қолгандим... *(Эркак аёлга қандай таскин беришни билмайди. Ўрнидан туриб эшик томон юради. Аёл эса қўлидаги ўралган ипга тикилганича миқ этмай ўтиради. Эркак ортига қайтиб, аёлнинг қўлидаги ўрамни олиб стол тортмасининг ичига яширади. Аёл бир нуқтага тикилганича ҳамон унсиз. Ташқаридан "Тез ёрдам" машинасининг овози эшитилади. Машина узоқдан катта тезликда келиб ўтиб кетади. Эркак деразани очиб ташқарига қарайди. Аёл бирдан ўзига келади. У ҳам аравасида дераза ёнига боради.)*

Э р к а к. Ўзинг асрагин, парвардигор.

А ё л (ҳеч нарса бўлмагандай). Авария бўлди, шекилли.

Э р к а к. Ҳамма шошади. Ҳамма елиб-югуради. Бир донишмандга савол беришипти. Дарахт шохида бир қуш ниҳоятда чиройли сайрармуш. Сўнг ерга тушиб гўнг кавлаб емиш қидирармуш. Қорнини тўйдириб яна дарахтга қўниб сайрармуш. Бир бўғоз итнинг қорнидаги боласи акиллаб борармуш. Бир от осмонга сапчигудек гижинглаб турган эмуш. Суворий уни ушлаб олмоқчи бўлиб яқинлашса, от нари кетармуш. Суворий яна унга яқинлашса, от нари кетармуш. Суворий қанча ҳаракат қилмасин унга етолмасмуш.

Донишманддан бунинг сирини сўрашганда шундай жавоб берган экан:

Дарахт шохидаги қушнинг сайраши воизларнинг гапига ўхшайди. Минбарда ақлли гапларни кўп гапиришади-ю, аммо айтган гапларига ўзлари амал қилишмайди. Итнинг қорнидаги боласининг акиллаши, охир замон аломати. Болалар оталарга ақл ўргатади. Катталарнинг олдига тушиб уларга сўз ҳам бермайди, йўл ҳам бермайди. Суворий ва отнинг аломати бу – бахт! Энди бахтга эришдим деганда, у сиздан нари кетади. Сиз уни қувлаб юраверасиз, у сиздан қочиб кетаверади. Шунинг учун “бахтнинг ўзи нима” эканини ҳеч ким тузук қуруқ тушунтириб бера олмайди. Аслида чанқаб қорнингиз очганида бир бурда нонни сувга ботириб нафсингизни қондирган онларингиз дунёда сиздан бахтли одам бўлмайди. Омма, буни ҳамма ҳам қадрини билмайди. Аслида одамзотга кўп нарса керак эмас. Қорин тўяр, кўз тўймас.

А ё л. Шунақа экан, қариган чоғингизда, кўчама-кўча арава тортиб, эски-туски йиғиб ўзингизни хор қилиб юргандан кўра тинчгина тоат-ибодат қилиб, қолган умрингизни роҳатда ўтказмайсизми?

Э р к а к. Ўғилларим ҳам худди шу гапни айтади. Бурноғи йили ҳайё-ҳуйт дедим-у, турист бўлиб Японга бориб келдим. Тамомий бўлакча олам. Кўча-кўйда бекорчи одамди кўрмайсиз. Бир қарич бўш ётган ерди ўзи йўқ. У ерда ҳеч ким меҳнат қилишдан ор қилмас экан. Ишонасизми, бояги параход тўхтайдигон ерда бир чол-кампир, чамамда, ўзиям юзлардан ошган бўлишса керак, чол-кампир қулупнай сотяпти десангиз. Бу бизди жаннати мевамизни қаёқдан олдийкин деб разм солсам, барака топгурлар уч қулоч ерди ўша жойдан ижарага олиб, тўрт қават яшиқ ўрнатибди. Аши яшиқларни тупроққа

тўлдириб, ёзин-қишин қулупнай етиштириб сотар экан. Ана сизга тадбиркорлик деганлари. Уларди ишбилармонлигидан ёқамни ушлабман десангиз. Рўпарасиданми, ёниданми, дуч келсангиз, икки букилиб салом беради. Ана сизга мусулмонлик! Туриш-турмушга келсак, жуда оддий, жуда содда. Уйларида ортиқча жиҳозни кўрмайсиз. Рўзғорда зарур нарсаларгина бор. Ҳеч ким манманликни, бир-биридан ўзишликни хаёлига ҳам келтирмайди, десангиз. Мени донг қолдирган нарса шу бўлдики, уларнинг лафзида сўкиш йўқ экан. Ёшу қарисининг чеҳрасида ҳаминқадар табассум.

Япониядан келганимдан сўнг шоир Эркин Воҳидовнинг монови шеърини топиб, ёдлаб олдим. Эшитинг-а:

Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
Чунки япон биздек қоронғу
Саҳар туриб ошга бормайди.

Таъзияда эл кўзи учун
Минг кишилиқ зиёфат қурмас.
Ҳайити йўқ, бел боғлаб уч кун
Шамдай қотиб кўчада турмас.

Гарчи биздан юз бор фаровон,
Гарчи биздан юз карра тўқдир.
Тўй харжида юзта бой япон
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.

Бу сўзимни японга айтсам,
Деди бадтар қисиб кўзини:
– Япон бундай яшолмас ҳеч ҳам,
Харакири қилар ўзини.

А ё л. Улар қизил чироқларини қўлида кўтариб юрса керак-да.

Э р к а к. Ўлманг! Киноларида кўп кўрганман. Токим қаршидан келаётган одамга озор етмасин учун, кечкурунлари узун таёққа боғланган чироқ кўтариб юришар экан...

А ё л. Бир жойда ўтириб қолганингдан кейин дунёда нима-лар бўлаётгани билан қизиқмай ҳам қўяркансан. Ўз ташвишинг

билан бўлиб, бошқалар билан ишинг ҳам бўлмай қолади. Ўйламай деганинг билан бу калла қурғур ўз билганидан қолмайди.

Э р к а к. Одам ҳам қурт-қумурсқага ўхшаб тинмай ғимир-ғимир қилиб туриши керак. Бир жойда ўтириб қолсанг борми, ҳовуздаги сувга ўхшаб айниркан киши.

А ё л. Баъзан деразадан кўчага қараб қоламан. Мошиналар бўлмаган замонда ҳам одамлар шунақа шошқалоқ бўлганмикин? Сиз чумолига ўхшаб “ғимир-ғимир” қилиш керак дейсиз? Нима учун? Ким учун? Нега бунчалик югуриб-елиш керак? Тепадан туриб бақиргинг келади. “Ҳей одамлар! Нега бунчалик шошиласиз? Қаёққа шошиласиз?.. Ахир, ҳаммамизнинг борадиган жойимиз аниқ-ку! *(Томошабинларга ўгирилади.)* Сиз, азизим, нега шошиласиз? Нимадан қуруқ қоляпсиз? Ҳа-а... Пул топиш керак! Пул! Иморат қуриш учун пул керак! Тўй қилиш учун пул керак! Яхши яшаш учун пул керак! Ҳаммани пайта-васига қурт туширган шу пул демоқчисиз-да. Шундайми?! Йўқ! Мен унга қараганда ақлли эканимни кўрсатиб қўйишим керак! Мен сенга нисбатан бойроқ эканимни кўрсатиб қўйишим керак. Сенга нисбатан мансабим, амалим катта эканини кўрсатиб қўйишим керак. Мен зўрман! Мен ақллиман! Мен бойман!!! Мана, бизнинг мақсадимиз. Мана, бизнинг нодонлигимиз! Мана, бизнинг ҳануз бирлашолмай юрганимиз. Мана, бизнинг ҳануз халқ бўлолмаётганимиз! *(Аёл бу гапларни гапирар экан, беихтиёр аравадан туриб кетганини ҳам сезмай қолади. Лекин бироздан кейин таққа тўхтайдди. Дарров аравага ўтириб олади.)* Мен ҳам сизга ўхшаб шошилганим-шошилган.

Қаердандир Э. Воҳидов шеъри билан айтиладиган “Эй инсон” кўшиғи эшитилади.

Э р к а к. Монови аравадан туриб, юриб кўришга ҳаракат қилмадингизми?

А ё л. Қўрқаман.

Э р к а к. Кимдан?

А ё л. Йиқилиб тушсам, нима бўлади? Ким мени кўтариб аравамга ўтқазади? Аравам йўқлигида кўп йиқилганман. Мана бу ерим *(чеккасини кўрсатиб)* сағал панд бериб қолади. Уйнинг у бурчаги билан бу бурчагининг оралиғи уч метру қирқ саккиз сантиметр. Бир куни шу деразанинг олдига бориб, ўрнимдан туришга хўп уриндим. Дераза токчасига тирмашиб ўрнимдан ҳам турдим. Аммо токчага кўтарилишга қурбим келмади. Бугун бир амаллаб дераза токчасига чиққанимда... Сизга рўпара бўлдим.

Э р к а к. Ташқарига қарамоқчи бўлгансиз-да. Шундайми?

А ё л. Йўқ. Ўзимни пастга ташламоқчи бўлгандим. Ўзимни ўлдиришга ҳам кучим етмаса-я! Товба.

Э р к а к. Менда ҳам бир вақтлар худди шундай бўлганди.

Кампиримдан ажралганимдан кейин, ҳеч кимга керагим йўқдай туюлди. Кўчага чиқаман, уйга кираман. Кўчага чиқаман, уйга кираман. Мен билан гаплашишга ҳеч кимнинг вақти йўқ. Ўғиллар ишга, келинлар боласини етаклаб бири мактабга, бири боғчага шошади. Овқат егим борми-йўқми, сўраб-суриштириш йўқ. Бир чойнак чой, иккита қовурилган тухум, яримта нон хонтахтага қўйилади. “Олинг-қўйинг” дейиш йўқ. Бир куни десангиз, айланиб бозорга тушиб қолдим. Ул-бул олган бўлдим. Невараларимни бир суюнтирай деб, беш-тўртта курт ҳам сотиб олдим.

Кечкурун бўлди жанжал, бўлди жанжал. Катта келин дўхтир. Ҳамма нарсадан ҳалиги нимайдиям... хаҳ отинг қурғур, ҳа, микроб қидиради. Ўғлининг қўлидаги қуртни кўриб қолса бўладими. Бола бечоранинг қўлидан қуртни юлиб олиб ахлат челака ирғитиб солди-ю. Қўлини спирт билан артиб, оғзини алланима билан чайиб, эртасига дўхтирга обориб, ичига ўша микроб кирганми-йўқми, текширтириб келди. Кейин бундай қарасам, ўғлимга ўдағайлашга тушди. Қарасам, икки ўртада жанжал чиқадиғон. Шундан кейин беш хоналик уйни сотиб, икки келинга икки хоналикдан уй олиб бердим. Ана сизга ҳол-аҳвол. Болаларим яхши есин, яхши кийсин, уйлантирай, уйлик-жойлик қилай, келин кўрай, невараларни етаклаб юрай деб, қирқ йил суяк қидирган итдай югуриб-елибман-а! Тирикчиликнинг кирмаган кўчаси, бойлик топишнинг мен юрмаган кўчаси қолмади, ойим! Мақсадимга етдим, худога шукур, энди мазза қилиб яшайман, деганимда, бояги аҳволга тушиб ўтирибман. Ўз уйимга ўзим сиғмасам, опичиб катта қилган ўғлимга сўзим ўтмаса, не-не орзулар, тўй-томошалар қилиб ўғлимнинг қўйнига солиб қўйган келинга бегона бўлиб ўтирсам-а, ойим!..

Яхшиямки, беш-тўрт танга тежаб-тергаб юрганим бор экан, қўшиб-чатиб ўзимга бир хоналик уй қилиб олдим. Худога шукур, ўзимга бек, ўзимга хонман. У ёғини сўрасангиз, яхшиям бўлган экан. Хоҳласам, хуррак отаман, хоҳласам, қўшиқ айтаман. Шунга айтарканлар-да, “оч қорним – тинч қулоғим” деб.

А ё л. Текин пул одамни тентак қилиб қўяркан, муллака!

Тўрт мучам соғ бўлгандами, ўзим билардим нима қилишни. Эшикка термулиб ким нима бераркин, деб мўлтираб ўтирмасдим. Ҳеч бўлмаса, кўча супуриб бўлса ҳамки, ўзимни овутиб юрган бўлармидим. Худойимдан ўргилай, бир бандангга шунчалар ҳам азобни раво кўрасанми-я?!

Э р к а к. Бу бирон-бир қариндош-париндошлар йўқми, ҳол-аҳвол сўраб турадиган.

А ё л. Борлигида ҳеч нарса бермаганман. Қизғонганман. Мен учун ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Энди йўқлигида улар учун мен ҳам йўқман. Текин – тешиб чиқади, деганлари шу экан...

Бошлаб отасидан айрилдим. Ортидан сувга солдирмай, елга олдирмай ўстирган арзандам, ҳалиги қурибгина кетгурни кўпроқ укол қилиб қўйибди, шекилли... Домла, жаноза ўқимайман, деб туриб олса бўладими. Оқсоқолимиз, барака топгур аранг кўндирди.

Тикилган туморим, уч яшар неварамни ҳам худо кўп кўрди. Унинг ортидан кўч-кўронини кўтариб келин ҳам бошқа турмуш қуриб кетди. Қўш куббали ҳайхотдай саройга сиғмаган, ўзим хон-қўланкам майдон бўлиб, димоғимдан қор ёғиб турган мендек пошшахон, сувга тушган товукдай якка мохов бўлиб, каталак уйда ҳурпайиб бир ўзим қамалиб ўтирибман, муллака.

Э р к а к. Ҳаммаси худонинг иродаси, ойим.

А ё л. Ундоғ эмас, ундоғ эмас. Товба, деб гапирай, оиланинг калити хотин кишининг қўлига ўтдими, шу хонадоннинг бадастирлиги, оиладаги таълим-тарбия, фарзандларнинг келажак тақдири учун ҳам унинг фаҳм-фаросати, йўл-йўриғи унга боғлиқ экан. Бизнинг орзу-ҳавасимиз чегараси бўлиши керак экан. Гуноҳни ўзимиз қилиб, айбни худога тўнқаш ғирт саводсизлигимиздан. Бунинг учун мен жазоланишим керак. *(У яна бир нуқтага тикилиб жим қолади.)*

Э р к а к. Товба денг, ойим, товба! Қарс икки қўлдан, дейдилар. Хотин нодон бўлса, эр доно бўлиши керак эмасми?

А ё л. Уйнинг калити хотиннинг қўлидами, демак, оила фаровонлиги унга боғлиқ, муллака!

Э р к а к. Бир куни “Толзор” маҳалласидаги дорихонадан кўнғироқ чалиб қолишди денг. Аравани судраб бордим. Дорихонага кўпроқ мол келганми, ҳайтовур, қоғоз яшиқларни ҳарчанд буклаб, тепиб жойлаштиргунимча хийла вақт ўтди

десангиз. “Шом” диям кўчанинг бир четида амалладим. Сўғин аравани судраб мошин йўлига чиқсам денг, йўлди қоқ ўртасида уч-тўрт мошин шағал ағдариб қўйишипти, барака топгурлар. Ишдан мошинда қайтаётган одамлар сигнал чолиб дунёни бошига кўтариб турипти. Бир маҳал денг, аши шағалди тўктирган участканинг эгаси чиқиб келди. Бошида оқ тўр дўппи, эгнида оқ яктак кийган элликлар атрофидаги бир паҳлавонсифат одам. Шу ердаги бировнинг иморатини сотиб олиб, бинойидек жойни буздириб, ўрнига уч қават қилиб иморат соляпти, деган гапди эшитгандим. Ҳалиги одам денг, қўлини пахса қилиб, нега одамни безовта қиласанлар, ана, шошилаётган бўлсаларинг, нарироқдан айланиб ўтларинг, дея ўнқир-чўнқир йўлни кўрсатиб, одамларга дағдаға қиляпти, десангиз. Сигнал чолганларнинг орасида бир ёши улуғроғи бор экан, одамлар ўтадиган йўлга ҳам тош-шағал тўкадими, қурилишга яқинроқ жойга тўкса ҳам бўларди-ку, деса, нима дейди денг? “Тошингни тер! Шағални хоҳлаган жойимга тўкдираман. Менга насиҳат қиладиган отам ўлиб кетган. Ана, шудгор, керак бўлса, ўша жойдан юр, юрмасанг, машинангни қўйиб пиёда кет”, – дейди. Ана сизга бизди ўзбекка теккан “манманлик” деган саратон касаллиги. Менам чидаб туролмадим, десангиз. Бояги оқ дўппиликнинг ёнига бордим-да:

“Одам борки, одамларнинг нақшидир,

Одам борки, ҳайвон андин яхшидир”; – деб Навоий бобомиздан бир байт ўқидим.

Овволига индамай қулоқ бериб турди. Сўғин десангиз, гапди маънисини тушунди, шекилли, менга ўдағайлашга ўтди, денг. Мен сенга ҳайвон қанақа бўлишини ҳозир кўрсатиб қўяман, деб менга қўл кўтаряпти. Яхшиямки, бир студент бола орага тушиб, мени пана қилиб қолди. Зўравон мен қолиб студентга ёпишиб қолса бўладими. Одамлар ҳай-ҳайлаб орага тушса ҳамки, студентни ураман дейди, баччағар. Омма студент ҳам болади, отасига раҳмат. Оввал “ёқамни қўйиб юборинг” деб уч дафъа огоҳлантирди. Сўнгра билмай қолдим, нима каромат кўрсатди, бояги манмансираган худобеҳабар бир замон қарасам, ўзи тўктирган қумнинг устида эмакляб юрипти. Бўлди кулги, бўлди кулги. Студент, барака топгур, қум устида эмакляб юрган оқ дўппига қараб, “Эрталаб кўча топ-тоза, сув сепиб супурилган бўлмаса, сиз билан бошқача гаплашаман”, – деб попкасини кўтариб жўнаб қолди. Дарҳақиқат, эртамаган

ўша йўлдан ўтаётиб, кўчани чиннидай тозалаб қўйилганини кўриб, “отанга раҳмат, студент” деб қўйдим ичимда.

А ё л. Студентингизнинг қизил чироғи ёнган. Тўғрими?

Э р к а к. Гапди бағини эшитинг, ойим. Ўзиям қирқ одам ишлатдими, эллик одам ишлатдими, бир йил деганда Амир Олимхоннинг саройидан ўн чандон ҳашаматли иморат битди. Кўча четига арчалар экилиб, девору дарвозалар бўялди. Ҳовлидаги фонтанни вошиллаши кўчага эшитиладиғон бўлди. Омма Худонинг кароматини қорангки, оқ дўппиликка бу қошо-нада яшашлик бир кун ҳам насиб этмаган экан. Эртага кўчиб келаман, деб турган жойида азроилга рўпара бўлиб турипти, десангиз. Яна қаерда денг, ҳожатхонада! Ана сизга манманси-рашликнинг оқибати, ойим. Кўпчиликнинг қарғиши, албатта, ижобат бўлишига имон келтириб қўйдим. Астағфуриллоҳ! Астағфуриллоҳ! Астағфуриллоҳ!

Такаббур аҳлига сен салом-алик этмай ўтғил,

Аларнинг бошида минг деву малъуннинг ҳавоси бордур.

А ё л. Кўзимизга мол-дунёдан бошқа нарса кўринмайди. Бир кун келиб пешонангиз “тақ” этиб деворга урилганида, бундай ўгирилиб қарасангиз, ортингизда қанчадан-қанча қизил чироқларга кўзингиз тушади. Биз уларни пайқамай ўтиб кетовурибмиз, кетовурибмиз.

Э р к а к. Тунов куни бир ажабтовур иш бўлди. Ҳа-хув деб олтмиш ёшни уриб қўйган эканмиз, икки ўғил хотин, болачақаси билан бостириб келиб қолса бўладими, барака топгурлар, бир хоналик уйни зум ўтмай остин-устун қилиб ташлашди. Юринглар, бир сизларни айлантриб келай, деб чувалашиб магазиннинг олдига чиқсам, носфуруш ўртоғим йўлиқиб қолди. Аф-бағдан гаплашиб қопмиз, ўгирилиб қорасам, бештасининг қўлида бешта морожний. Ё, ба пармони худо, қаердан олдиларингиз, десам, ҳов амаки олиб бердилар, деб, бир бола етаклаб кетаётган одамди кўрсатишди. Қоранг, неварасига морожний ола туриб, мўлтираб турган бизди тойчоқларга кўзи тушиб қолиб, невараларимизни ҳам “ҳайитлик” деб меҳмон қилибди азамат. Шунда денг, ўйланиб қолдим. “Мен бировни боласига бирон марта, пийсабиллоҳ, бир дона конфет ёки курт олиб бердимми, худо йўлида, бировга фойдам тегдими?” Бу ҳам сиз айтган қизил чироқ-да, а, нима дедингиз?

А ё л. Шу дейман, дунё фақат ёмонликдан ташкил топган экан-да, муллака?

Э р к а к. Яхшилар ҳам кўп. Омма ёмонлик қурғур кўзимизга кўпроқ ташланадиган бўлиб қолдимикан, деб ўйлаб қоламанд-да.

А ё л. Эҳтимол, шундайдур.

Э р к а к. Қайси йилиям, эсласангиз, сентябрь ойида қор ташлаганди. Аши вақтда қариндошларни бир зиёрат қилиб келай деган мақсадда водийга йўлим тушди, десангиз. Водилга бориб ота-эналарим ўтган ерларни зиёрат қилдим. Хешу ақраболарни топдим. Ўн кунлар чамаси сайру саёҳат қилиб, ортга қайтдим. Фарғонага келиб, таксига ўтирдим. Бир аёл, уч эркак, Тошкент қаердасан, деб йўлга тушдик. Бояги энг баланд довоonga етиб келганимизда ҳаво бир айниб, қор-ёмғир савалапти. Хужжатларни текширадиғон жойда одам демаган тирбанд. Қотарасига беш-олти миршаббаччалар пошпурт текширяпти. Ҳаво айниган сари улар шашилмайди десангиз. Ҳамманинг мақсади шу чиғириқдан тезроқ ўтиб, пастга шашилади.

Бизга навбат келганда бояги аёлди хужжатидан ишқал чиқиб турибди-да. Миршаби тушмагур, пошпуртдаги бир ҳарфга тармашиб олган. “Қ” ҳарфининг думи калта бўлиб, “К” ҳарфига ўхшаб қолган экан. Ашинга аёлди мошиндан тушириб қоляпти. Аёл бояқиш шу ялинади, ёлборади, учта ёш болам йўлимга кўз тикиб ўтиришибди, бир қариндошимиз қайтиш бўлиб қолганди, шунга келиб “кўнгил сўраб” кетяпман, деб худони зорини қиляпти ҳамки, бояги сўррайган пинагини ҳам бузмайди. Аёлди мошиндан туширди. Ташқарида қор аралаш ёмғир. Совуқ одамди илма-тешик қилиб ташляпти. Аёл бечора юпинроқ кийинган экан, жағи-жағига тегмай қалтирайди. Тескари жаҳлим чиқиб шартта мошинди эшигини очаётгандим, таксичи бола “ота, овора бўлиб ўзингизни уринтирманг, уларга гапирдингиз нима-ю, гапирмадингиз нима, тошга азон айтган билан баробар” деб ўзи мошиндан тушиб, бояги худобехабарни ёнига борди. Уни енгидан ушлаб нарироққа олиб ўтди. Мен қараб турибман. Назаримда, часовойни чўнтагига алланарса солиб, аёлди пошпуртини олиб қайтди. Аёл бечора суюнганидан йиғисини тўхтатолмайди. Тошкентга келибоқ мошинни ўша аёл яшайдиган томонга бурди. Шўринг қурғур, уч бола ярим кеча бўлишига қарамай, дорвозанинг олдида “Онамиз қачон келар экан?” деб мушук болага ўхшаб шумшайиб ўтиришган экан. Онаизорни кўрибоқ учови бараварига аёлнинг бағрига отилса бўладими. Чамамда, тунги соат ўн иккиларда мени ман-

зилимга яқинлашиб қолгандик. “Ана холос” деб, шопир шартта мошинни тўхтатиб, акалар, бояги хотин тугунини унутибди-ку, деб қолди. Ярим шаҳарни айланиб, яна аёлнинг уйига қайтиб бордик. Бояқиш шопирни қайтиб келади деб ўйламаган экан, тугунларини кўриб суюнганидан оёқ-қўли бўшашиб ўтириб қолса бўладими. Тугунди ичида болаларига совға-салом билан бор пулларини ҳам солиб қўйган экан-да, бояқиш.

А ё л. Биринчи марта эшитишим. Индамай кетаверса ҳам бўларди-ку, а, муллака?

Э р к а к. Гапди бағини эшитинг. Ука, миршабни қандай кўндирдингиз, десам, э, отахон тиргович деган нарса нималар қилмаяпти бизнинг замонда, деб қолди.

А ё л. У нима дегани бўлди?

Э р к а к. Мен ҳам шуни сўрадим...

А ё л. Нима экан?

Э р к а к. Шопири тушмагур, қизил чироқ экан: “Отахон, мен миршабни қўлтиғига тиргович қўйдим. У бошлиғининг қўлтиғига тиргович қўяди. Бошлиқ эса ўзининг бошлиғига... шундай қилиб десангиз, хув шийпонга етиб тўхтади”, – деди. Ағини, ойим, ўзингиз тушуниб олаверасиз.

А ё л. “Қўл-қўлни танийди” деб бекорга айтилмас экан.

Э р к а к. Тарбия берган отасию устозларига Оллоҳнинг раҳмати ёғилгур монови Президентимиз тўқсон тўққиз фоиз халқимизнинг дилидаги гапди айтди: давлат ва давлат органлари бундан бағига халқ учун хизмат қилсин, деди. Бу гапди тагида олам-олам маъни бор, ойим.

А ё л. Эл кўзига ҳамма қўлини кўксига қўйиб “хўп-хўп” лайдую, тагини суриштириб келсангиз, “ишим битгунча, эшагим лойдан ўтганча” қабилида ўз билганидан қолмайди.

Э р к а к. Мана, ҳалигина ўзингиз айтган қўшқаватлик иморатни магазин директорининг маоши ҳисобидан куриб бўлармиди?

А ё л. Билмасам.

Э р к а к. Нега билмайдилар. Тилла тақинчоқлари, қўша-қўша энгиллар, мошин қаёқдан келяпти, деб сира ўйлаб кўрганмилар?

А ё л. Шуни ўйлаб кўрмаган эканман, муллака.

Э р к а к. Одамлар, мен сизга айтсам, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, қонунлардан кўрқмайдиган бўлиб кетишганди. Тўғрими?..

А ё л... (жим)

Э р к а к. Омма шопир бола бировнинг ҳақидан қўрқар экан. Ҳамма гап шунда. Бировнинг ҳаққи бир кунмас, бир кун тешиб чиқишини билар экан. Ана, масала қаерда!

А ё л. Муллака, бир яхшилик қилсангиз.

Э р к а к. Хизмат?

А ё л. Ана шу дераза токчасига чиқиб олишимга кўмаклашиб юборсангиз. Ўша шопир йигитнинг мана бу еридаги қизил чироқни кўргим келиб қолди.

Э р к а к. Гап бўлиши мумкин эмас. Келинг.

Аёлни дераза токчасига ўтқазади. Аёл ташқарига тикилади. Сўнг эркакка ўгирилади.

А ё л. Раҳмат сизга. Энди бораверинг. Боринг.

Қийиқчадаги пулларни стол устига уйиб, белбоғни белига боғлайди. Эшик томон борар экан, аёлга қараб-қараб қўяди.

Э р к а к. Орадан яхши-ёмон гап ўтган бўлса, узр-а.

Эркак эшикни ёпиб чиқади. Аёл дераза тутқиқчларига таяниб бир амаллаб ўрнидан туришига интилади. Мана, у дераза токчасида тик ҳолда кўчага тикилиб турибди. Эркак қайтади.

Э р к а к. Оз бўлмаса, тилхатни унутибмиз-ку! (*Столдан қоғозни олади.*) Узр-а! (*Аёлга қарайди. Кўнгли хатарни сезади.*) Ҳа, бу тилхатга имзо қўймабдилар-ку, ойим.

А ё л. Йўғ-э, ростданми?

Э р к а к. Мана, кўринг. (*Хатни аёлга рўпара қилади. Аёл хатни оламан деганда эркак унинг қўлидан маҳкам ушлаб пастга туширади.*) Шамоллаб қолмасинлар.

А ё л. Нега қайтдингиз?

Э р к а к. Қизил чироқ йўлдан қайтарди.

А ё л. Боринг, сиз кеч қоляпсиз. “Ҳаж” га боришингиз керак.

Э р к а к. Қани, бир қадам ташланг-чи...

А ё л. Қаёққа қадам ташлай?

Э р к а к. Мен томонга... Бўла қолинг.

Аёл эркак томон бир қадам ташлайди.

Э р к а к. Яна бир қадам. Кўрқманг.

Аёл эркак томон бир неча қадам ташлайди. Ўзини тутолмай қалқиб кетади. Эркак уни маҳкам ушлаб қолади. Икковлашиб саҳна ўртасига кичик бир қизил чироқ ўрнатиб, унга тикилишади. Аста чироқлар ўчади. Саҳнада ёлғиз қизил чироқ қолади.

ИНЪОМЖОН ТУРСУНОВ



1956 йилда Фарғона вилоятида таваллуд топган. Тошкент Театр ва рассомчилик институтини тугатган. Драматург, шоир. Фарғона вилояти мусиқали драма театрида ижодий фаолият юритган. “Қоғоз қайиқчалар”, “Пахтамиз оппоқ эди”, “Оқ эртак”, “Бир никоҳ фожiasi”, “Аловиддиннинг сеҳрли чироғи”, “Илонлар маликаси”, “Ғаройиботлар ўрмони” сингари қатор асарлари мамлакатимиз ва Ўш вилояти театрларида саҳналаштирилган. И. Турсунов 2009 йилда вафот этган.

О Қ Э Р ТА К

Эртак-драма¹

¹ Япон халқ эртаги мотивлари асосида.

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Заркокил.
Маматқул.
Олғирбой.
Довдирбой.
Турналар.

БИРИНЧИ САҲНА

Тун. Тўлин ой шуъласи рақс тушаётган турналарни ёритади. Заркокил улар орасида.

Турналар (*куйлашади*).

Ҳайқирмоқда изғирин, бўрон,
Жунжикмоқда боғлар, далалар,
Кел, учайлик бирга, сингилжон,
Бизни кутар олис ўлкалар.
Бизни чорлар бепоён осмон,
Олис юртлар бизга мунтазир,
Бўл, учайлик бирга, сингилжон,
Қиш бостириб келмоқда, ахир.

Заркокил. Мени кечиринглар, лекин сизлар билан учолмайман.

Биринчи турна. Нега?

Заркокил. Негалигини биласиз-ку, опажон. Мен Маматқулни ташлаб кетолмайман. У менсиз яшолмайди.

Иккинчи турна. Заркокил, одамзоднинг севгисига ишонма. Улар ўз ваъдаларини ҳам, севгиларини ҳам тез унутадилар. Одамларнинг меҳри қаҳрга, муҳаббати эса нафратга айланиши жуда осон.

Заркокил. Маматқул бошқаларга сира ҳам ўхшамайди. Наҳотки мени ўлимдан қутқариб қолганини унутган бўлсангизлар?

Учинчи турна. У ҳали ҳам сенинг турна эканлигингни билмайдими?

Заркокил. Йўқ...

Тўртинчи турна. Наҳотки ҳеч нарса сезмасан?

Заркокил. Мен ундан ўтмишим, ҳаётим тўғрисида ҳеч нарса сўрамасликни илтимос қилганман. Вақти-соати келганида ўзим айтаман. Опажонлар, энди хайрлашайлик, биз сиз-

ларни келгуси баҳорда шу ерда кутиб қоламиз. Сафарингиз олис, қорбўрон бошланмай туриб тезроқ уча қолинглар.

Б и р и н ч и т у р н а. Йўқ, Заркокил, биз бугун ҳам қоламиз. Яна бир ўйлаб кўр. Эртага сўнгги марта келамиз.

Қушлар Заркокилнинг атрофида айланиб, сўнг учиб кетишади. Тонг ёриша бошлайди. Қуёшнинг илк нурлари қулба айвонида ухлаётган Маматқулнинг юзига тушиб туради. Унинг ёнига Заркокил киради ва Маматқулнинг ёнига ўтириб унга меҳр билан тикилади. Сўнг сочига қистирилган патни олиб унинг юзига теккизади. Маматқул ғингишиб ўгирилиб олади. Заркокил ҳаракатини такрорлайди.

М а м а т қ у л. Э-э-э, яна бироз ухлаб олай...

З а р к о к и л. Турсанг-чи... Тур энди.

М а м а т қ у л. Азизим, қаёқда эдинг? Мен шунақанги кўрқинчли туш кўрдимки!

З а р к о к и л. Қанақанги туш?

М а м а т қ у л. Тушимда аллақандай одамлар сени орқангдан қувлаётган эмиш. Мен сенга ёрдам берай десам, ҳеч иложи йўқ, ўрнимдан қимирлай олмасмишман. Овозим ҳам чиқмасмиш. Улар сенга етиб олай-етиб олай деганда сен учиб кетибсан. Сенинг ортингдан югурибман. Сен бўлсанг: “Маматқул, нега менга ёрдам бермадинг, нега мени ёвуз одамларга тутиб бермоқчи бўлдинг?” деб қичқирганча осмонга кўтарилиб кетибсан.

З а р к о к и л (*ҳаяжонланиб*). Кейин-чи?

М а м а т қ у л. Мен югуриб кета туриб йиқилиб тушибман. Кейин уйғониб кетдим. Қарасам, сен йўқсан.

З а р к о к и л. Мени ахтардингми?

М а м а т қ у л. Йўқ, яна ухлаб қолдим. Сен қаерда эдинг, Заркокил.

З а р к о к и л. Жоним, сен ҳеч қачон суриштирмасликка ваъда берган эдинг-ку.

М а м а т қ у л. Тўғри, ваъда берган эдим...

З а р к о к и л. Мен сени ҳаётимдан ҳам ортиқ кўраман. Сен учун кўп нарсалардан воз кечдим, ака-укаларимдан, опа-сингилларимдан...

М а м а т қ у л. Нега мени қариндошларинг билан таништирмайсан?

З а р к о к и л. Ҳозирча бунинг иложи йўқ... Бошқа бу ҳақда сўрама, илтимос...

М а м а т қ у л (*аразлаб*). Хўп...

З а р к о к и л. Мен сен учун ҳамма нарсага тайёрман. Сен шунақанги содда, беғуборсанки, бутун умримни сенга бағишласам ҳам оз. Фақат ҳеч қачон мени алдамасликка, ўзгармасликка сўз бер. Сўз берасанми?

М а м а т қ у л. Хўп... Заркокил, мени қорним очди.

З а р к о к и л. Мен тезда нонушта тайёрлай, сен эса ювиниб кел.

Маматқул эриниб чиқиб кетади. Заркокил нонушта тайёрлай бошлайди. Югуриб Маматқул киради.

М а м а т қ у л. Заркокил, қара, турналар, турналар учишяпти.

(Тобора яқинлашиб келаётган турналар овози янграйди.)

Бундай пайтларда улар аллақачон иссиқ ўлкаларга учиб кетган бўларди. Бугун-эрта қор ёғади-ю, улар ҳали ҳам учиб кетишмабди. Эшитяпсанми, Заркокил, улар қандай қичқиришяпти.

З а р к о к и л. Улар куйлашяпти, куйлаганда ҳам жуда мунгли куйлашяпти...

М а м а т қ у л. Заркокил, юр, турналарнинг ортидан югурамиз.

З а р к о к и л. Қўйсанг-чи, ёш бола бўлма. Улар нима деб ўйлашади?

М а м а т қ у л. Кимлар?

З а р к о к и л *(ўзини ўнглаб)*. Нонушта қилмоқчи эдинг-ку.

М а м а т қ у л. Кейин... Қорним очгани йўқ.

Маматқул Заркокилнинг қўлидан тортади. Заркокил қулганича унинг ортидан чиқиб кетади.

Д о в д и р б о й. Ана, кўрдингми? Бу ўша!

О л ғ и р б о й. Адашганинг йўқми?

Д о в д и р б о й. Йўқ! Мен матоларни ана шу Маматқул тентакдан сотиб олганман.

О л ғ и р б о й. Мана энди “тентакдан?”

Д о в д и р б о й. Уни қишлоғимизда ҳамма шундай деб атайди. Ўзи ҳам ғирт аҳмоқнинг ўзгинаси-да!

О л ғ и р б о й. Йўғ-э?!

Д о в д и р б о й. Менга ишонавер. Ёш боланинг ўзгинаси. Истаган нарсанга лаққа ишонтиришинг мумкин.

О л ғ и р б о й. Наҳотки шундай хурлиқо қаёқдаги бир тентакнинг хотини бўлса? Ҳеч ишонгим келмайди.

Д о в д и р б о й. Мен ҳам шунисига куяман-да! Бу тентак худо урган дангаса эди. Куну тун ағанаб ётишдан бошқасига ярамасди...

О л ғ и р б о й. Лекин хотини кетворган экан. Бунақанги гўзал аёлни шаҳарда ҳам кўрмаганман!

Довдирбой, бу тентакка шундай париваш қандай тегди экан-а?

Д о в д и р б о й. Аниғини ҳеч ким билмайди. Аммо фақат шу аёл туфайлигина Маматқул қўлини совуқ сувга урмай туриб бойиб кетди.

О л ғ и р б о й. Менга қара, ўша матоларни чиндан ҳам Маматқулнинг хотини тўқийдими?

Д о в д и р б о й. Ҳа, лекин унинг матони қандай тўқиётганини ҳалигача ҳеч ким, ҳатто Маматқулнинг ўзи ҳам кўрмаган. Қишлоғимиздагилардан қанчаси шунақа мато тўқишни ўрганмоқчи бўлди, лекин Заркокил ҳеч кимга сирини ўргатмади.

О л ғ и р б о й. Ҳм... Жуда қизиқ...

Д о в д и р б о й. Ҳа-да! У матони тўқиш учун дастгоҳга ўтирганда ўзининг қандай ишлаётганини кўришни тақиқлаб қўяркан. Маматқул тентак мук тушиб ухлаганча эрталаб уйғониб қараса, ажойиб мато тайёр!

О л ғ и р б о й. Мато ҳақиқатан ҳам гўзал... Мен шунча шаҳарларни кўрдим, ҳинду фаранг савдогарларининг моллари билан савдо қилдим, аммо бундай ажойиб матони ҳеч қаерда учратмадим...

Д о в д и р б о й. Ўшанда ҳам мен туфайли!

О л ғ и р б о й. Ҳа, ҳа. Албатта, сен туфайли-да! Менга қара, Довдирбой, бу аёл, Заркокил мато учун ишлатиладиган патни қаердан олар экан-а?

Д о в д и р б о й. Шунисини билолмадим... Миш-мишларга қараганда патни тирик турна баданидан суғуриб олар экан. Патларни эса ўзининг тилладай товланадиган сочлари билан боғлар экан...

О л ғ и р б о й. Қизиқ... Жуда ҳам қизиқ...

Олғирбой кулбанинг дарчасидан мўралайди. Эҳе... Мана унинг дастгоҳи... Тўсатдан Довдирбой қичқириб юборади.

О л ғ и р б о й. Нима гап?

Д о в д и р б о й. П-п-пат!

О л ғ и р б о й. Қани?

Д о в д и р б о й. А-а-ана!

Олғирбой қалтираётган Довдирбойни четга суриб патни олади.

О л ғ и р б о й. Мана буни топилдиқ деса бўлади! Демак, миш-мишлар рост экан-да?

Д о в д и р б о й. Менга қара, кел, яхшиси, бу ердан кета қолайлик.

О л ғ и р б о й. Нима? Эсингни ебсан. Агар биз шу патдан яна топсак, пул ишлаб олган бўлардик...

Д о в д и р б о й. Мен кўрқиб кетяпман...

О л ғ и р б о й. Нимадан кўрқасан? Ёнингда борман-ку. Биласанми, мен умримда шунақанги даҳшатларга дуч келганманки, асти қўявер. Девлар дейсанми, ялмоғизларми, ҳаммасини енгганман!

Д о в д и р б о й. Ростдан-а?

О л ғ и р б о й. Ҳа-да!

Д о в д и р б о й. Менга қара, айт-чи, сен нега бу матога шунчалик қизиқиб қолдинг?

О л ғ и р б о й. Узумини егин-у, боғини суриштирма!

Д о в д и р б о й. Сен шаҳарликсан, кўпни кўргансан, мен эса бир қишлоқи, майда-чуйдалар билан шуғулланувчи атторман... Майли, мен йўлимдан қолмай, сенга ҳам омад берсин. Хайр!

Довдирбой кетмоқчи бўлади. Олғирбой уни маҳкам ушлаб қолади.

О л ғ и р б о й. Тўхта... Нимадан хафа бўласан?

Д о в д и р б о й (*аразлаб*). Рост-да, Маматқулдан шу пайтгача тўрт бўлак мато олган бўлсам, ҳаммасини фақат сенга сотдим. Бегона қилганим йўқ... Сен бўлсанг мендан сир яшир-япсан.

О л ғ и р б о й. Сен ҳам ўзингга яраша пишиқсан. Довдирбой, бу олди-сотдидан кам бўлганинг йўқ. Лекин шунчалик қизиқаётган бўлсанг, эшит. Яна бир ойдан кейин подшоҳимизнинг қизи турмушга чиқаяпти. Тўйига эса фақат ана шу матодан тикилган кўйлак киймоқчи экан. Шоҳ мени чақиртириб: “Агар шу матодан топиб келсанг, бўйинг баравар... олтин берман, топиб келмасанг, каллангни оламан”, – деди.

Энди тушунгандирсан? Билиб қўй, агар Маматқулни кўндиролсак, матонинг пулидан сен ҳам оласан, агар кўндиролмасак, иккаламизнинг бошимиз...

Олғирбой “кетади” ишорасини қилади. Довдирбойнинг тиззалари қалтираб кетади. Шу вақт шўх қаққаха уриб Заркокил киради ва уларни кўриб тўхтаб қолади.

О л ғ и р б о й. Э-э... Ассалому алайкум... *(Довдирбойга)* Гапирсанг-чи.

Д о в д и р б о й. Биласизми... Ҳалиги... Менинг исмим Довдир... Довдирбой, бу менинг оғайним, Олғирбой, шаҳардан келган... Мен... Биз, ҳалиги...

О л ғ и р б о й. Э, жим бўл. Биласизми, мен сизнинг олдингизга... Мен сизнинг олдингизга бир илтимос билан келган эдим. Сизда турна патидан тўқилган мато бўлар экан... Шу матодан бироз сотиб олмоқчи эдим...

Заркокил катта-катта очилган кўзлари билан уларга бироз тикилиб туради, сўнг ҳайронлик кўрқув билан алмашади. Заркокил тез юриб кулба ичига киради ва эшикни ёпиб олади.

О л ғ и р б о й. Қизиқ... У бизни тушунмади, шекилли.

Д о в д и р б о й. Юр, яхшиси кета қолайлик...

О л ғ и р б о й. Жим бўл! *(ўйланиб)* Қилиқлари ҳам одамни кига ўхшамайди...

Д о в д и р б о й. Ҳа-я...

О л ғ и р б о й. Менга бир кекса чол айтган эдики...

Д о в д и р б о й. Нимани?

О л ғ и р б о й. Чол айтгандики, қушлар баъзида аёл қиёфасига кириб, одамларга турмушга чиқар эмиш.

Д о в д и р б о й. А?!

О л ғ и р б о й. Ҳа. Бир куни у кўл ёқасидаги бутазорда дам олиб ўтирса бир турна учиб келиб бир айланиб аёл қиёфасига кирибди.

Д о в д и р б о й. Даҳшат!

О л ғ и р б о й. Кейин ҳалиги аёл тушиб роса чўмилибди. Чол бўлса кўрққанидан қимирлаёлмай қолибди. Бир маҳал аёл сувдан чиқибди-да, бир силкиниб турнага айланиб яна учиб кетибди...

Д о в д и р б о й. Ув-в-в... Демак, сенингча, Маматқулнинг хотини ҳам қуш экан-да?

О л ғ и р б о й. Мен қаёқдан билай? Мен эшитган нарсамни гапириб бердим, холос. Борди-ю, қуш бўлса ҳам нима бўпти? Бизга унинг матоси керак, холос... Тўхта! Нега энди фақат матоси бўларкан? Эҳ, калламда ажойиб режалар туғилаяпти-да!

Д о в д и р б о й. Режаларинг ўзингга сийлов! Менинг ҳар хил сеҳрлару инс-жинсларга тобим йўқ, мен кетаман.

О л ғ и р б о й. Ўзингни бос! Кулоқ сол, агар у чиндан ҳам турна бўлса, ушлаб қафасга соламиз-да, биз учун куну тун мато тўқишга мажбур қиламиз!

Д о в д и р б о й. Маматқул-чи?

О л ғ и р б о й. Унга “Хотининг жодугар экан” деб айтамыз. Қани ғинг деб кўрсин-чи!

Д о в д и р б о й. Мен... Мен кўрқяпман...

О л ғ и р б о й. Кўрқма. Агар омад бўлиб қолса, бу турна эмас, бошимизга қўнган бахт қуши бўлади. Библиб қўй, қўлни қўл ювади. Агар менга ёрдам берсанг, сен ҳам тузуккина фойда кўрасан!

Хиргойи қилиб Маматқул киради.

М а м а т қ у л. Заркокил, қаердасан? Ҳозир сени топиб оламан. Бир, тўрт, олти, етти, ахтаргани кетти!

Маматқул Олғирбой ва Довдирбойни кўриб қолади.

М а м а т қ у л. Э, хуш келибсизлар, меҳмонлар, қани, марҳамат.

Улар сунага ўтирадилар.

Маматқул дастурхон ёзади.

Олғирбой Довдирбойни “гапир” дегандай туртиб қўяди.

Д о в д и р б о й. Э, оғайни... Маматқулжон, ҳалиги... Бу Олғир бўлади... Катта савдогар... Шаҳардан келган-да. Унга... Бизга... Анави...

О л ғ и р б о й. Маматқулжон, мен узоқ йўл босиб, неча кун қийналиб сенинг олдингга келгандим.

М а м а т қ у л. Менинг олдимга? Қизиқ-ку?

О л ғ и р б о й. Ҳа, бир нозик илтимос билан.

М а м а т қ у л. Илтимос билан? Ҳе-ҳе... Менга-я?! Мен сизларга қандай ёрдам беришим мумкин. Қўлимдан келармикан?

О л ғ и р б о й. Қўлингдан келади, Маматжон.

Д о в д и р б о й. Ҳа, ҳа. Қўлингдан келади.

М а м а т қ у л. Ҳм... Қани унда аввал эшитайлик-чи.

О л ғ и р б о й. Биласанми, Маматқулжон, мен кўп шаҳарларда бўламан, кўп мамлакатларни кезаман, одамларнинг ҳожатини чиқариш учун у-бу нарсаларни олиб муҳтож одамларга сотаман... Бу гал йўл-йўлакай сизларнинг қишлоғингизга ҳам кириб эдим, Довдирбой оғайним: “Бир ажойиб дўстим бор, исми Маматқул, шунинг ҳожатини чиқарсанг, бир-икки бўлак тоза матоси бор, шуни сотиб олсанг”, – деб қолди. Мен ҳам, ке, бир савоб иш қилсам қибман-да, дедим.

Д о в д и р б о й. Ҳа, шундай деди...

О л ғ и р б о й. Хўш, қани, Маматқул, олиб кел.

Д о в д и р б о й. Олиб кел!

М а м а т қ у л. Нимани?

О л ғ и р б о й. Матони-да!

М а м а т қ у л. Жоним билан кўрсатардим-ку, лекин мато йўқ-да.

О л ғ и р б о й. Нега?

Д о в д и р б о й. Нега?

М а м а т қ у л. Заркокил энди мато тўқимай қўйган, чунки у ҳар гал мато тўқиганда жуда-жуда чарчайди... Бир тунда шунақанги ориглашиб кетадики, вой-бу... Унга раҳмим келади, ҳа!

О л ғ и р б о й. Жуда қизиқ... Менга қара, Мамат, бу... Хотининг Заркокилга қандай уйлангансан? Бирор қариндошинг бўлармиди у?

М а м а т қ у л. Э, йўқ, Менинг умуман қариндошларим йўқ. Ўзим ҳам ҳайронман. Шу йил, баҳор пайтлари эди, кечқурун бирдан эшик очилиб Заркокил кириб келди-ю: “Менга уйланасанми?” – деди...

О л ғ и р б о й. Сен-чи?

М а м а т қ у л. Нима?

О л ғ и р б о й. Сен нима дединг, деяпман?

М а м а т қ у л. Ҳе-ҳе... Довдирбой, бу оғайнинг... а? Албатта, уйланаман, дедим!

О л ғ и р б о й. Ҳм... Менга қара, Мамат, сен бирор марта турнани яқиндан кўрганмисан?

М а м а т қ у л. Турнами? Ҳа, кўрганман... Шу йил эрта баҳорда офтобда исиниб ўтирсам, бир турна пастлаб учиб келди-ю, шундоқ оёқларим устига йиқилди. Қарасам, қанотига камон ўқи санчилган экан. Ўқни суғуриб ташлаб, бир неча кун парвариш қилдим. Кейин учириб юбордим... Нима эди?

О л ғ и р б о й. Шундай, ўзим... Қишлоқларингда турна бор экан деб эшитувдим...

М а м а т қ у л. Э, жуда кўп. Ҳали аллақанчаси учиб юрган эди.

О л ғ и р б о й *(Довдирбойга шивирлаб)*. Сен айтгандан ҳам тентакроқ экан! Мамат, кел, шу матодан бизга яна тўқиттириб бер... *(Довдирбойга яна шивирлаб)* Гапирсанг-чи...

Д о в д и р б о й. Ҳа, тўқиттир, биласанми, агар уни шаҳарга олиб бориб сотилса...

О л ғ и р б о й. Э, жим бўл! Мамат, агар шу матодан хотининг тўқиб берса, мен сенга юз тилла бераман!

Д о в д и р б о й. Юз тилла?!

М а м а т қ у л. Юз тилла?

О л ғ и р б о й. Ҳа, роппа-роса юз тилла!

Олғирбой чўнтагидан ҳамённи чиқариб кўз-кўз қилади. Довдирбой ва Маматқул ҳамёнга завқ билан тикиладилар.

О л ғ и р б о й. Хўш, келишдикми?

М а м а т қ у л. Э... нима десам экан-а? Мен энди ҳеч қачон мато ҳақида оғиз очмайман, деб Заркокилга ваъда берган эдим-да.

О л ғ и р б о й. Нима, ўз хотинингга гапинг ўтмайдими? Кўндир! Гапингга кирмаса, мажбур қил. Биласанми, бу олтинлар билан нималарга эришиш мумкин?! Эҳ-ҳе! Сен шаҳарда бўлганмисан?

М а м а т қ у л. Йў-ў-ўқ...

О л ғ и р б о й. Шаҳарда бўлмабсан, дунёга келмабсан! У ерда шундай баланд уйлар борки, томи булутларга тегай-тегай деб туради. Ҳар хил томошаларни айтмайсанми! Кўчаларда эса чиройли канизаклар сайр қилиб юришади. И-м-м-м...

Хизматкорлар бир оғиз буйруғингга мунтазир бўлиб бош эгиб туради. Эҳ, нимасини айтасан, тўғрими, Довдирбой?

Д о в д и р б о й. Ҳа, нимасини айтасан!

О л ғ и р б о й. Мана бу олтинларга эса шаҳардан ўзингга энг яхши уйни сотиб олишинг мумкин! Хоҳлаганча хизматкору ҳалиги канизакчалардан олишинг ҳам мумкин!

М а м а т қ у л. Тўғри-ку-я, лекин Заркокилга раҳмим келди-да. Бечора мато тўқиганда шунақанги ориғлашиб кетадики, шунақанги қийналадики...

О л ғ и р б о й. Хўш, унинг сенга раҳми келмайдими-а?! Уйларингни қара, қаттиқроқ йўталсанг, йиқилиб тушади. Еяётган овқатинг-чи? Шаҳарда бунақа овқатга хизматкорлар ҳам қайрилиб қарамайди! Тўғрими, Довдирбой?

Нонуштани иштаҳа билан тушираётган Довдирбой тақсимчани четга суриб қўяди.

Д о в д и р б о й. Тўғри, қайрилиб ҳам қарашмайди!

О л ғ и р б о й. Қани, бешни ташла! Келишдик-а?

Д о в д и р б о й. Бўла қол тезроқ!

М а м а т қ у л. Э... Заркокил нима дер экан-а?

О л ғ и р б о й. Ҳе... Қанақа одамсан ўзинг! Ўша тур... Тфу, хотинчангга, агарда айтганимни қилсанг, истаган нарсангни олиб бераман, дегин...

Кулбадан чиқиб келаётган Заркокилга қўзи тушади.

О л ғ и р б о й. Юр, ташқарига чиқайлик, мен сенга яхшилаб тушунтирай-чи, Довдирбой, юр!

Улар бирга чиқиб кетадилар. Хомуш Заркокил чиқиб бироз улар ортидан тикилиб қолади.

З а р к о к и л (*қуйлайди*).

Кетмоқдасан қайларга

бу бўстонни тарк этиб,

Бу фасли баҳор аро

гулистонни тарк этиб?

Адашдингми йўлингдан ё,

кетмоқдасан чўл аро,

Заркокилинг қалбидаги

шеър-достонни тарк этиб?

Муҳаббатни ўлчаб бўлмас

зар билан, кумуш билан.

Пок муҳаббат ўлчанмагай

лаҳзалик дилхуш билан.

Шодлан яна бир умрга

бахтиёр турмуш билан.

Қайларга сен кетмоқдасан

Кенг осмонни тарк этиб?

Сен тобора мендан узоқлашиб кетяпсан... Сен жуда ҳам ўзгариб кетяпсан. Сен мени камон ўқи билан яралаган ёвуз, тош-юрак одамларга ўхшаб кетяпсан, Маматқул. Сенинг болаларча соддалигинг, беғуборлигингдан асар ҳам қолмаяпти... Сен менинг муҳаббатимни, сенга бўлган садоқатимни аллақандай олтинларга алмаштираяпсан... Биз уларсиз ҳам бахтли яшашимиз мумкин-ку! Мана шу кулбамизда тинч ва осуда ҳаёт кечиримиз, кенг далаларда меҳнат қилиб умр кўришимиз мумкин-ку! Сен ҳаётимни қутқардинг. Шунинг учун мен сенинг олдингга келдим. Бутунлай, бир умрга келдим. Опа-сингилларимнинг таъналарини эшитсам ҳам, сенинг олдингга келдим, Маматқул! Сен эса... сен мени ташлаб кетяпсан... Юрагингдан мени ситиб чиқариб, олтинларга жой бўшатаяпсан... Мен сенга биринчи бор мато тўқиб берганимда ёш боладай қувонган

эдинг. Мен сенга қувонч бағишлаш учун ҳар қандай азобларга чидаб ўша матодан яна-яна тўқидим. Сен эса уларни сотиб юбординг... Мен ўз муҳаббатимни қўшиб тиккан матоларни сотдинг! Нима қилай... Нима қилай... Нима қилсам экан-а?

Саҳна қоронғулашади. Оқшом. Заркокил нимадандир ҳадикланиб кўча томонга қарайди, сўнг тезда ичкарига кириб кетади. Маматқул, Олғирбой ва Довдирбойлар киришади.

О л ғ и р б о й. Қани, бор энди... Темирни иссиғида бос, оғайни!

М а м а т қ у л. Лекин алдаш йўқ-а?!

О л ғ и р б о й. Гап битта! Мато тайёр бўлгач қўлингдаги эллик тиллага яна юзтаси қўшилади!

Д о в д и р б о й. Ҳаммаси бўлиб юз эллик тилла-я!

М а м а т қ у л. Лекин мато ҳам жуда ажойиб-да! Нима дединг, Олғирбой?

О л ғ и р б о й (*Довдирбойга*). Бу содда-муғомбиринг мени ақлдан оздирай деди... (*Маматқулга*) Ҳа, матоҳинг зўр. Фақат хотининг ҳозироқ ишга киришсин! Ҳозироқ! Қани, бор энди! Биз эрталаб келамиз! (*Маматқулни нари итаради.*) Довдирбой, ҳамма ёқни яхшилаб эслаб қол... Кечаси келамиз. Агар Заркокил ҳақиқатан ҳам турна бўлса, матони тўқиб бўлгунча кутиб турамиз-да, кейин шартта ушлаб қопга тиқамиз...

Д о в д и р б о й. Кўрқиб кетяпман...

О л ғ и р б о й. Фингшима! Юр, кетдик!

Улар чиқиб кетишади. Ичкаридан Заркокил чиқади. Маматқул уни кўриб ҳамённи қўйнига яширади.

М а м а т қ у л. Сенга нима бўлди? Нега бунақанги хомушсан? Вой, ҳамма ёғинг хўл бўлиб кетибди-ку! Қор ёғяптими?

Заркокил жавоб бермайди.

З а р к о к и л. Ҳа, қор ёғяпти... Мен қорни биринчи марта кўряпман. Унинг қандай эканлигини бувимлар гапириб берганди.

М а м а т қ у л (*қизиқиб*). Нима? Қорни кўрмаганмисан?

З а р к о к и л (*гапни буриб*). Бунақада шамоллаб қоласан-ку! Иссиқ тўнингни кийиб ол.

М а м а т қ у л. Керак эмас!

З а р к о к и л. Керак эмас? Нега?

М а м а т қ у л. Менга шу ҳам бўлаверади.

З а р к о к и л. Тушунмаяпман... Сенинг гапларингга тушунмаяпман...

М а м а т қ у л. Сен ҳали кўп нарсага тушунмайсан...

З а р к о к и л. Тўғри... Мен одамларнинг кўпгина ишларига тушунмайман... Уларнинг бир-бирларига хиёнат қилишларига, бир-бирларини алдашларига, ёвузлик қилишларига тушунмайман. Уларнинг нима учун беозор қушларга ўқ отишларини, жониворларга озор беришларини ва ҳатто ўз яқинларига ҳам мунофиқлик қилишларининг сабабини тушунмайман... Бувимларнинг айтишича, қачонлардир қушлар ҳам одам шаклида бўлган эканлар. Улар ҳам одамлар каби меҳнат қилиб дон экишар, уй қураб, қўшиқ куйлаб рақс тушар эканлар... Аммо уларнинг жанжалга, бошқаларга озор беришга асло тоқатлари йўқ экан... Баджаҳл, тошюрак одамлар қушларнинг тотув ҳаётини кўролмай уларга қарши уруш очишибди. Далаларини пайҳон қилишибди, уйларига ўт қўйиб ўзларини қул қилишмоқчи бўлишибди. Шунда улар баланд тоққа қочишибди. Ёвуз одамлар эса қўлларида қурол билан улар ортидан бораверишибди. Энг баланд чўққига етиб келишгач эса бизникилар ўзларини пастга ташлашибди. Аммо табиат уларга раҳм қилиб қўлларини қанотга айлантирибди. Улар қушларга айланиб, дунёнинг турли бурчакларига тарқаб кетишибди...

М а м а т қ у л. Эртақда нималар бўлмайди...

З а р к о к и л. Қушлар ҳалигача яна одамлар орасига қайтишни, улар билан тинч-тотув яшашни орзу қилишади. Лекин токи ер юзида ёвуз одамлар бор экан, бунинг иложи, сираям иложи йўқ...

М а м а т қ у л. Э-э... Бувинг сенга бўлмағур эртақ айтган экан. Ҳеч қачон одам қуш бўлиши, қуш эса одамга айланиши мумкин эмас!

З а р к о к и л. Мумкин эмас? Демак, сенингча, мумкин эмас экан-да?! Яхши, унда қулоқ сол...

М а м а т қ у л. Мен ҳеч нарсани эшитишни истамайман! Менга бутунлай бошқа нарса керак! Менга... менга ҳалиги матодан бир бўлак керак...

З а р к о к и л. Мато?! Яна бир бўлак мато?! Ахир, биз келишган эдик-ку! Сен, энди ҳеч қачон мато сўрамайман, деб ваъда берган эдинг-ку!

М а м а т қ у л. Ҳа, ваъда берган эдим... Лекин мени тушун, мен шаҳарга бормоқчиман, у ердан уй сотиб олиб, сен билан бойлардай яшамоқчиман.

З а р к о к и л. Наҳотки мен бойликдан азизроқ бўлмасам? Наҳотки мени севишинг ёлғон бўлса...

М а м а т қ у л. Нега энди... Мен сени севаман.

З а р к о к и л. Ростданми? Мен сенга ишонаман... Мана шу севгинга бир умр содиқ қолишингни шундай истайманки... *(Заркокил унинг кўксига бош қўяди, сўнг тўсатдан уни итариб юборади.)* Сен ҳали ҳам олтинларинг ҳақида ўйлаяпсан... Сен бу ерга келган жирканч одамлардай ўйлаяпсан.

М а м а т қ у л. Ҳали шунақами? Тезда тўқишни бошла! Ҳозироқ! Бўлмаса, мен сени ташлаб кетаман. Бутунлай ташлаб кетаман!

З а р к о к и л. Ташлаб кетаман? Бутунлай?!

М а м а т қ у л. Ҳа! Наҳотки тушунмасанг, улар бу мато эвазига нақд юз эллик тилла беришмоқчи. Юз эллик тилла!

З а р к о к и л. Маматқул, ёлвораман, тиз чўкиб ёлвораман, бундай қилма... Кетма... Мени олтинларга алмаштирма...

Заркокил тиз чўкканча унсиз йиғлай бошлайди. Тобора яқинлашиб келаётган турналар қичқирғи эшитилади.

М а м а т қ у л. Демак, тўқимайсан, шундайми? Унда ўзим тўқийман... Барибир тўқийман... Тўқишим шарт... *(Унинг кўзи ерда ётган патга тушади. Патни олади.)* Тўқишим шарт... Фақат мана шунақа пат топишим керак.

(Заркокил даҳшатга тушиб унинг ҳаракатларини қузата бошлайди.) Пат... Мана шунақа пат керак... Кўпгина пат керак... Ҳеч бўлмаса, патни қаердан олишингни айтарсан? Айтмайсанми?..

Турналар овози энди узоқроқдан эшитилмоқда.

М а м а т қ у л. А-ҳа! Барибир тўқийман... Тўқишим шарт...

Маматқул ўчоқ олдидаги новдани олиб букади ва икки учини чилвир билан боғлаб камон ясайди. Сўнг токчада турган камон ўқини олади.

М а м а т қ у л. Барибир тўқийман! Ўзим тўқийман... Сенга ялингандан кўра ўзим тўқийман...

Маматқул камонни қўтариб ташқарига чиқа бошлайди. Заркокил югуриб бориб унинг йўлини тўсади.

З а р к о к и л. Тўхта! Қайт! Мен матони тўқиб бераман...

М а м а т қ у л. Ростданми? Алдамаяпсанми?

З а р к о к и л. Тўқиб бераман... Сен шунчалар яхши кўрган матодан тўқиб бераман... Сўнгги мартта... *(Заркокил аста, йиғи аралаш гапирар экан, камон ва ўқ ёйни синдира бошлайди.)* Бошқа иложим йўқ, энди матони тўқиб бераман... Сен уни сотиш эвазига шунчалар яхши кўрган олтинларингни олишинг

мумкин... Бу камон ҳозир иккинчи марта менга санчилди... Бу гал тўппа-тўғри юрагимга санчилди... Сени қанчалар севардим, сенга қанчалар ишонардим... Мен энди тушундим, одамлар бойликка эришиш, бошқалардан устунроқ бўлиш учун бир-бирларига ёвузлик қилишар экан... Токи одамлар бойликка интилишдан, бойликка қул бўлишдан қутулмас экан, қуш каби эркин бўлолмайдилар... Менинг қушлар ҳақидаги эртагимни унут... Сен ҳақсан, одамлар қушга айлана олмайдилар... Ҳатто сен ҳам...

М а м а т қ у л. Заркокил, сенга нима бўлди, алаҳсираяпсанми?..

З а р к о к и л. Менга сўз бер, тўқиётганимда асло-асло хо-нага мўралама!

М а м а т қ у л. Хўп, хўп дедим-қу! Мен ҳеч қачон мўраламаганман.

З а р к о к и л. Унутма, қарасанг, тузатиб бўлмас хато рўй беради.

М а м а т қ у л. Ҳечам ташвиш тортма. Мен ҳозироқ ётиб ухлайман-у, ўзинг уйғотганимда тураман...

Заркокил ичкарига кириб кетади. Маматқул уйқуга кетади. Бироздан сўнг ичкаридан дастгоҳнинг бир меъёрдаги тўқиллаши эшитилади. Ташқаридан шамолнинг бўғиқ ғувиллаши, ора-сира турналар қичқириғи эшитилади.

Заркокилнинг қўшиғи янграйди. Олғирбой ва Довдирбой киришади.

О л ғ и р б о й. Жим... Эшитяпсанми?

Д о в д и р б о й. Э-э-эшитяпман!

О л ғ и р б о й. Тўқияпти!

Д о в д и р б о й. Менга қара, Заркокилнинг Маматқулга айтган гапларини эшитдим... Унга жуда ҳам раҳмим келаяпти...

О л ғ и р б о й. Нима? Раҳмим келаяпти? Вой, сендақа раҳмдилни... Олтинлар ўз оёғи билан келиб ҳамёнга тушаётганда раҳмга бало борми? Билиб қўй, агарда юрагингда раҳм-шафқат ҳиссиётлари уйғонаётган бўлса, унақанги ҳисларни дарҳол юлиб ташлаш керак. Бундай ҳислар билан ҳеч қачон бойликка эришолмайсан! *(Қуйлайди.)*

Минг балони енггувчи зўр қудратинг бордир, олтин!

Қуёшни ҳам сўндиргувчи шухратинг бордир, олтин!

Ҳатто нодон уламодир, сен гувоҳ бўлсанг, олтин,

Довдирликни энди бас қил, сен раҳму шафқат демай,

Кўз ёшида олтинни юв, юз фарёдга назар илмай,
 Хар кишининг пулини шил, гоҳи билиб, гоҳи “билмай”,
 Шунда сенга жилва билан кулиб боқар оллоҳ, олтин!
Тўқувхонада Заркокилнинг фарёди эшитилади. Бу товуш турналар қичқириғига уланиб кетади.

Д о в д и р б о й (*қўрқиб*). А-а-а-а...

О л ғ и р б о й. Э, ўчир овозингни!

У тўқувхона томон бора бошлайди. Довдирбойнинг қичқириғидан уйғонган Маматқул аввал гарангсиб туради, сўнг Олғирбойнинг йўлини тўсади.

М а м а т қ у л. Тўхта! Мен сенга айтган эдим-ку, у ишлаётганда қараш мумкин эмас деб!

О л ғ и р б о й. Қўйвор, мен унинг қандай тўқиётганини кўриб матонинг ҳақиқатан ҳам турна патидан эканлигига ишонишим керак! Қўйиб юбор деяпман.

Олғирбой Маматқулни қаттиқ итариб юборади. Маматқул йиқилади ва ҳушидан кетади. Олғирбой эшикни очиб ичкарига мўралайди.

А-а-а-а...

Д о в д и р б о й. Ни... Нима бўлди?..

О л ғ и р б о й. Турна... Дастгоҳда турна ўтирибди...

Д о в д и р б о й. Турна?!

О л ғ и р б о й. Қара, у ўз патларини юлиб мато тўқияпти!

Д о в д и р б о й. Даҳшат!

О л ғ и р б о й. Бутун баданидан қон оқаяпти... У йиғляпти.

Д о в д и р б о й. Юр, юра қол... Кетайлик бу ердан...

М а м а т қ у л (*ўзига келади*). Им-м-м...

О л ғ и р б о й. Ҳой, бу ёққа кел... Қара, дастгоҳда ким... Тфу, нима ўтирибди!

М а м а т қ у л. Қараш мумкин эмас... Заркокил қаерда экан? Сизлар қачон келдинглар?..

О л ғ и р б о й. Заркокилинг қаерда эканлигини ана шу турнадан сўра!

Маматқул гандираклаганча кулбага яқинлашади. Тараддудланади ва ниҳоят мўралайди.

М а м а т қ у л. Заркокил йўқ... Заркоки-и-л! Қаердасан! Кетиб қолган бўлса-я?! Заркокил!

У югурганича чиқиб кетади.

О л ғ и р б о й. Бу тентакни тезда қайтариш керак! Тўхта, тўхта, деяпман!

Олғирбой ва Довдирбой унинг орқасидан югурганча чиқиб кетадилар. Қорбўрон товуши кучаяди. Дастгоҳ ҳамон бир меъёрда тақилламоқда.

Турналарнинг қичқириғи эшитилади. Бу товуш тобора кучая бошлайди ва бошқа шовқинларни кўмиб юборади. Довдирбой ва Олғирбой киради. Довдирбойнинг елкасида беҳуш Маматкул. Уни супага ётқизадилар.

Д о в д и р б о й. Уф, тўнкадай оғир экан!

О л ғ и р б о й. Бир ҳисобда хотини ҳали ҳам иш устида, бўлмаса, йиқилган жойида тарракдай қотиб қолса ҳам майли эди. Ҳой, Маматкул, тур энди!

М а м а т қ у л. Заркокил...

О л ғ и р б о й. Тур деяпман сенга. Раҳмат де бизга, бўлмаса, аллақачон қор остида қолиб кетган бўлардинг!

М а м а т қ у л. Заркоки-и-ил...

Дастгоҳнинг товуши тинади.

О л ғ и р б о й. Тугатди... Тўқишни тугатди!

Д о в д и р б о й. Ҳозир-чи... Чиқади у!

О л ғ и р б о й. Тайёр бўл... Менинг орқамдан югурасан-у, қопни бошига ташлайсан!

Олғирбой ва Довдирбойлар бурчакка беркинишади. Ҳолдан тойган Заркокил киради.

З а р к о к и л. Маматкул... Мен матони тўқиб бўлдим...

М а м а т қ у л. Заркок-и-ил... Қаердасан?..

З а р к о к и л. Мен энди одам қиёфасида қололмайман, Маматкул. Мен осмонга қайтаман, Маматкул...

М а м а т қ у л (*яна алаҳсирайди*). Кетма, Заркокил...

З а р к о к и л. Мен сен билан қолишни қанчалар истардим-а! Сенинг ёнингда бир умр қолишни қанчалар истардим!

М а м а т қ у л. Кетма... Мени ташлаб кетма!..

З а р к о к и л. Мен ҳар баҳор учиб келаман... Мана шу кенг далалар, беғубор кўллар, сен билан бахтли дамларимиз ўтган уйимиз устидан учиб ўтаман. Инсон қиёфасида бўлган дамларимизни эслаб мунгли қўшиқлар айтаман. Балки, сен шунда мени кўрарсан...

М а м а т қ у л (*ўзига кела бошлайди*). Заркоки-ил... Сенга нима бўлди? Қаерда эдинг?

З а р к о к и л (*ўзига-ўзи гапирётгандай*). Кушлар, қачонки инсон яхшилик қилса, одам қиёфасига қайтиши мумкин.

Қачонлардир сен менга яхшилик қилган эдинг. Энди алвидо, Маматқул... Бир умрга...

М а м а т қ у л. Мени кечир, Заркокил... Кечир...

З а р к о к и л. Алвидо-о-о!

Заркокил қўлидаги матони Маматқулнинг олдига қўяди ва аста қўча томонга йўл олади. Олғирбой ва Довдирбойлар беркинган томондан шовқин эшитилади.

О л ғ и р б о й. Қўйиб юбор! Қўйиб юбор, деяпман сенга!

Д о в д и р б о й. Унга тегма, у жуда ҳам чарчади.

О л ғ и р б о й. Мен сенга неча марта айтишим керак, раҳм-шафқат одамни кучсиз қилади, деб. Бунақада ҳеч қачон бой бўлолмайсан. Қўйвор-еее!

Д о в д и р б о й. Тўхта!

Олғирбой югуриб чиқди. Довдирбой унинг ортидан қолмайди.

О л ғ и р б о й. Ана, кетиб қолди! Турнани қўлдан чиқардик. Ҳаммасига сен айбдорсан. Агар уни тутиб олганимизда, истганимизча мато тўқишга мажбур қилардик. Аҳмоқ бўлмасам, сен билан келармидим!

М а м а т қ у л. Заркокил... Мени кечир, Заркокил, ортингга қайт. Мени ташлаб кетма...

Довдирбой югуриб бориб Маматқулнинг олдигаги матони олади. Олғирбой матони унинг қўлидан тортиб олиб қочади.

Д о в д и р б о й. Тўхта, ярамас! Тўхта деяпман!

У ҳам ортидан югуриб чиқиб кетади.

М а м а т қ у л. Заркокил! Заркокил! Мени кечи-и-р!

Осмондан бир дона турна пати ерга қалқиб тушади.

ТАМОМ

Иброҳим СОДИҚОВ

1956 йилда Андижон вилоятида туғилган. 1978 йилда Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган. “Ажралиш”, “Милтиқ”, “Шайх ва Иблис қиссаси”, “Оқ бўри”, “Бахтиқаро келин ёхуд революция номи билан”, “Афандининг беш хотини”, “Афандининг янги саргузашти”, “Турна пати”, “Алломишининг болалиги”, “Сават қўтарган қиз” каби пьесалар муаллифи. Асарлари пойтахт ва вилоят театрларида, шунингдек, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Хитой, Россия каби хорижий давлатлар театрларида сахналаштирилган.

146

**АЛПОМИШНИНГ
БОЛАЛИГИ**

Болалар театри учун томоша

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Б о й б ў р и – Бойсун-Қўнғирот хони.
 К у н б и б и ш – хоннинг ҳалоли.
 Ҳ а к и м б е к – уларнинг ўғли.
 Б а р ч и н о й – Бойсарибекнинг қизи.
 Қ у л т о й б о б о – Чорсайл сайлининг баковули.
 Г у л х а н о й – Барчинойнинг дугонаси.
 Т о ш т е м и р – Ҳақимбекнинг дўсти.
 Т ў ф о н п о л в о н – Ҳақимбекнинг тенгдоши.
 Қ у ю н М о м о – Авлиё момо.
 М а н г л а й д е в – дев.
 Б а х ш и – спектакль бошловчиси ва иштирокчиси.

Бахши доимо ширма олдида туради, бўлаётган воқеаларга баҳо бериб боради, керакли вақтда воқеликка бевосита аралашиб ҳам туради.

* * *

Узоқ-узоқларда Асқартоғ чўққилари кўзга ташланиб турибди. Яйлов. Саҳнага қўлида дўмбири билан Бахши кириб келади.

Б а х ш и (томошабинларга). Ассалому алайкум, болажонлар, театримизга хуш келибсизлар! Кайфиятлар яхшими? Димоғлар чоғми? Жуда соз. Қани, энди ҳамма жой-жойларига яхшилаб ўрнашиб олсин. Тўполон қилмасдан, шовқин солмасдан ўтиринглар. Мен сизларга Алпомишнинг болалиги ҳақида бир дoston айтиб берай. (Саҳнанинг бир четига чордона қуриб ўтиради ва дўмбирани аста чертиб сўз бошлайди.)

Бойсунда бугун байрам. Бойбўрибийнинг ҳалоли Кунбибиш ойим кўзи ёриб, ўғил туғибди. Новча, узун пойча, юзи кулча, ҳар панжаси хатча, қадди-қомати норча, кўзи кўк, киприги жувон бола, калласи қўрғон-қалъа, товуши ёқимли шалола, дунёга келибди ўғил бола. Шунингдек, Бойсарининг хотини Чилбирсоч ҳам кўзи ёриб, қизли бўлди, ёруғ юзли, фарзандли-изли бўлди, осмони юлдузли бўлди, сарв қоматли, қуш суратли, тўла этли, оҳу жасадли, товуши дилкаш, тотли, сочлари ипакдай патли, ҳароратли, узукнинг кўзидай, осмоннинг юлдузидай, Жайхуннинг қундузидай, қуёшли кундузидай, юзи лола, кўзи шаҳло, худди фариштанинг ўзидай.

Икки чақалоқнинг йиғиси жаранглайди. Сўнгра карнай-сурнай, ноғораларнинг товуши келади. Яйловга меҳмонун мезбон ёйилиб кетади.

Шунда олтмиш олти уруғ Қўнғиротнинг катта-кичиги келиб, бийларни қутлуғ бўлсин қилиб, бийлар тўй тараддудини қилиб, қўйларни сурувлаб, сўйиб, одамларга қўйиб, бева-бечоралар ҳам тўйиб, қирқ кечаю кундуз тўй бериб ётди. Тўй охирлаган кунни бир дарвеш чол елкасида икки бешик кўтариб келиб, Бойбўрибийга юзланиб: “Ўғлингни отини мулла Ҳаким қўйдим, мақоми Алплардан бўлсин, кучоғига келса, тоғни отиб юборадиган полвон бўлсин, қилич кесмасин, найза ўтмасин, ёв-яроқ қор қилмасин, бир юз тўққиз ёшга кирсин”, – деб дуо қилиб, бешикнинг каттасини берибди. Сўнг Бойсарибийга юзланиб: “Қизнинг оти Барчин бўлсин, муллага беринглар, мулла Барчин бўлсин, чорбоғига бойлаб тош отса, бир тош ерга кетсин, жамоли ҳам бир тош ердагини йиқсин”, – деб дуо қилиб, бешикнинг кичигини берибди. Дарвеш кўздан ғойиб бўлганидан кейин билибдиларки, Шоҳимардон пирим келган эканлар.

Алқисса, болалар кундан-кун ўтиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, буларнинг тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан қай, элга энгандан қай тутиб, уларни мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб, саводи чиқиб мулла бўлди.

Ўтов. Қунбибиш она билан Бойбўри турарди.

К у н б и б и ш. Бегим, ўғлимиз Ҳакимбек олти баҳорни кўриб еттинчисига етай деб қолди.

Б о й б ў р и. Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб юрган эдим.

К у н б и б и ш. Уни устига “Чорсайл” ҳам яқинлашиб келаяпти. Икки байрамни бир кунда Кўкдала қирларида, Шовқинсой бўйларида бир катта сайл қилсак, деган эдим.

Б о й б ў р и. Маъқул гап. Аввало халқ сайлига тайёргарлик кўрсак бўларди.

К у н б и б и ш. Сиз айтгандек бўла қолсин, бегим.

Б о й б ў р и. Сайлда Ҳакимбекнинг шижоатини бир кўрайлик. Нима бўлар экан?

К у н б и б и ш. Қўлингиздаги нима, бегим?

Б о й б ў р и. Сайлда чиллак ўйини учун Ҳакимбекка боласоп тайёрлатиб қўйдирган эдим. Бу боласоп чўпнинг бир томони тилладан, иккинчи томони кумушдан. (*Кўрсатади.*)

К у н б и б и ш. Ҳақимбек кўб хурсанд бўладиган бўпти-да.

Б о й б ў р и. Мен вазир Олтисорига амр қилай, токи элимизга сайл ҳақида хабар берсин. *(Чиқиб кетади.)*

Б а х ш и. Алқисса, орадан кунлар ўтиб, йил боши келиб қолди. Мамлакатнинг ҳар томонидан амалдор, сардорлар, бек, тўқсабо, мингбоши, юзбошилар, доврўкли донгдор полвон, мерган, чопағон, юзбошилар чақирилиб, чорсайл бошланди. Йил бошини чорсайл дейишарди. Нов назм, нов базм, наврўз ҳам дейишарди. Чорсайл тўрт фаслнинг бошланиши, Аллоҳнинг арши тушган, боғига бошловчи ойдин, мунаввар, нурли кун, деб сайл қилинарди.

Чорсайл ошлари қайнаб, карнай-сурнайлар чалиниб, довул донқиллаб, чанқовуз чарқиллаб, дошқозонлар булқиллаб, бўз болалар дирқиллаб, дўмбиралар гурпиллаб, сайру сайл, бобомерос ўйинлари томошалар бошланиб кетди.

Болажонлар! Ким чиллак ўйнаган? Жуда яхши. *(Бир қўлида узун таёқ, иккинчисида кичикроқ таёқ.)* Бу чўпни бурунлари онасоп дейишган *(узун таёқни кўрсатиб)*. Бунисини боласоп деб аташган *(кичикроқ таёқни кўрсатиб)*. Уйга вақтида кирмаган болани оначўп билан мана бундай қувишган. *(Кўрсатади.)* Ўйини эса мана бундай ўйналган. *(Кўрсатади.)* Қултой бобо, навбат сизга!

Қ у л т о й б о б о. Қани, бойбаччалар, бу ёққа келинлар!

Мана бу – бир томони олтин, иккинчи томони кумуш боласоп Бойбўрининг совғаси, кимда-ким “чиллак” ўйинида ғолиб бўлса, олтин-кумуш боласоп ўшалники бўлади!

Қултой бобонинг чақирувига Тоштемир, Тўғонботир, Ҳақимбек, Барчиной, Гулханойлар келади. Уларнинг қўлларида ярим қулоч келадиган чўп бўлиб, ўйинга шай туради.

Қ у л т о й б о б о. Қизлар, сизлар четга ўтинлар.

Б а р ч и н о й. Бизнинг ҳам ўйнагимиз келаяпти.

Қ у л т о й б о б о. Бу ўйинни фақат ўғил болалар ўйнайди.

Г у л х а н о й. Биз ҳам ўйнайлик...

Қ у л т о й б о б о *(қизчанинг гапига эътибор бермасдан болаларга)*. Шаймисизлар?! Бошланг унда! *(Боласопни ўртага қўйиб беради.)*

“Чиллак” ўйини бошланади. Болалар бирин-кетин боласопни онасоп билан уриб осмонга отадилар. Навбат Ҳақимбекка келади. У боласопни чунонам урадики, у осмон узра учиб кўздан ғойиб бўлади.

Б а х ш и. Ҳақимбек боласопни шундай урдик, боласоп юз чақирим нарига учиб кетди.

Қ у л т о й б о б о. Нега қараб турибсизлар, боласопни топиб келинглар, ахир. Барчиной, Гулханой, қайт орқангга! Буларга бир қаранглар, йигитчалар билан баробар чопишди.

Болалар бақирриқ-чақирриқ билан боласоп учиб кетган томонга қараб чопади. Ҳақимбек ҳаммадан ўзиб қирлар ила бир ўзи югурарди. Бирданига унинг қаршисида дев пайдо бўлади. Унинг қўлида бир томони олтин, иккинчи томони қумуш боласоп ярқираб турарди. Буни кўрган Ҳақимбек тўхтади.

Ҳ а к и м б е к. Боласопни бер менга!

Д е в. Кимнинг боласисан ўзи?

Ҳ а к и м б е к. Бойбўрибийнинг ўғли Ҳақимбек бўламан. Шоҳимардон пиримнинг бешигида катта бўлганман. Ўзинг ким бўласан?

Д е в. Менми, мен Манглайдев бўламан.

Ҳ а к и м б е к. Манглайдев бўлсанг ўзингга, боласопни қайтиб бер менга!

Д е в. Мен буни топиб олдим, демак, бу меники.

Ҳ а к и м б е к. Бер дедим сенга!

Д е в. Унда, кел, беллашайлик! Ким ғолиб чиқса, боласоп ўшалники бўлсин.

Ҳ а к и м б е к. Мен тайёр.

Д е в. Бугун эрталаб қирда ўтлаб юрган, яғири кунда куйган, калласи тандирдай, бели ҳўв анави харсангдай бир ҳўкизни ютиб юбордим. Шуни думини олиб қўйгандим. (*Ёнидан думни чиқаради.*) Ушла. Тортишамиз.

Ҳақимбек думнинг бир тарафини, Дев иккинчи тарафини ушлайди ва тортишади. Ҳақимбек тошдек қотиб туради. Дев чирана бошлайди, сўнгра кучана бошлайди, бироқ Ҳақимбек қилт этмайди.

Д е в. Вой тирмизак, нима қилганинг бу?

Ҳ а к и м б е к. Боласопни бер дедим.

Шу сўзлар билан думни бир тортган эди, Дев учиб тушади.

Д е в. (*Ўрнидан турар экан*). Буниси ҳисоб эмас.

Ҳ а к и м б е к. Биласанми, мен елкамни қандай қашийман?

Д е в. Айт-чи?

Ҳ а к и м б е к. Мана бундай! (*Дев кўрсатган харсангни олиб осмонга отади, харсангтош елкасига урилиб майдаланиб кетади.*)

Д е в. Шундайми? Мен бунақа харсангларда бошимни қашийман. *(Харсангтошни олиб осмонга отади, харсангтош девнинг бошига тушади ва боши барабар ғурра чиқади.)* Вой бошим, нима қилиб қўйдинг, зиғиртак!

Ҳ а к и м б е к. Бер дедим, боласопни!

Д е в *(жаҳли қўзиб)*. Ма ол! *(Бор кучи билан тоғ томон отиб юборади.)*

Б а х ш и. Бир томони олтин, яна бир томони кумуш боласоп Асқартоғ томон учиб кетди ва дам ўтмай кўздан йўқолди.

Ҳ а к и м б е к. Хап сеними? *(Боласоп томон чопа кетади.)*

Шу пайт Тоштемур, Барчиной, Гулханой ва Тўғонботирлар югуриб келишади. Дев ғуррасини ушлаганича вой-войлаб ўтирарди. Улар девни кўриб бирданига тўхтаб қолишади.

Д е в. Ҳа, тирранчалар, сенлар ҳам бош қашиб турасанларми?

Б а р ч и н о й. Биз, бир томони кумуш, бир томони олтин боласопни қидириб юрибмиз.

Д е в. Олатоғ томонга учиб кетди боласопларинг.

Т о ш т е м и р. Ҳақимбек-чи? Ҳақимбек қаерда?

Д е в *(кулиб)*. У тирранча боласопни қувиб кетди.

Т ў ғ о н б о т и р. Чопдик кетидан.

Болалар чопиб кетишади. Дев вой-войлаганича қолади. Ҳақимбек қирлар оша чопарди. Унинг қаршисида қўлида боласопни ушлаб турган Қуюн Момо пайдо бўлади. Ҳақимбек унинг қаршисида тўхтади.

Ҳ а к и м б е к. Моможон, боласопни беринг менга.

Қ у ю н м о м о. Мен бун шу ердан топиб олдим. Нега энди сенга беришим керак экан?

Ҳ а к и м б е к. Чиллак отиш ўйнаётган эдик. Беринг дедим сизга!

Қ у ю н м о м о. Ҳали дўқ ҳам урасанми?

Ҳ а к и м б е к. Яхшиликча қайтариб беринг.

Қ у ю н м о м о. Кучингни кампирга кўрсатасанми?

Ҳ а к и м б е к. Бермагунингизча қўймайман.

Қ у ю н м о м о. Майли, майли, мана ҳозир... *(Иккита урчуқни ёнидан олади.)* Бу урчуқларда мен кўк туянинг юнгидан ип йигираман. Сен эса оқ туянинг юнгидан ип йигирасан, ким кўп, пишиқ ип йигирса, бир томони олтин, иккинчи томони кумуш боласоп ўшаники бўлади.

Ҳ а к и м б е к (*иккиланиб қолади, момолар ип йигирганини кўрган эди, холос*). Мен... мен...

Б а х ш и (*саҳнада юз бераётган воқеани тасвирлаб туради*). Шу палла Барчиной, Гулханой, Тўғонполвон ва Тоштемирлар ҳаллослаб келишади. Барчиной нима гаплигини дарров фаҳмлаб ўртага чиқади.

Б а р ч и н о й. Моможон, мана мен сиз билан беллашаман!

Қ у ю н м о м о. Сен гиртаккина бўла туриб, мен билан беллашмоқчимисан?

Б а р ч и н о й. Мен Бойбўрибийнинг оғаси Бойсарибийнинг қизи Барчиной бўламан.

Қ у ю н м о м о. Жуда яхши. Бир томони олтин, бир томони кумуш боласоп керак бўлмаса, ихтиёринг.

Б а х ш и. Момо билан Барчиной ёнма-ён ўтириб олиб, бир-бирига олайиб, туя юнгидан ип йигириб, кимўзарга шошилиб, мусобақани бошлабди. Бир соат йигиришибди, икки соат ип йигиришибди. Охир-оқибат ишлари охирлабди. (*Қўлига йигирилган ипларни олиб...*) Мана бу – кўк туянинг юнгидан йигирилган ип момоника, мана бу – оқ туянинг юнгидан йигирилган ип Барчинойники. Кимнинг йигирган ипи кўп? Ким ғолиб бўлибди, бир қаранглар, оқ туянинг юнгидан кўпроқ ип бўпти. Демак, Барчиной ғолиб бўпти.

Б а р ч и н о й. Моможон, энди қайтариб беринг боласопни!

Қ у ю н м о м о. Шошма, қизим, шошма. Бунақа ишларга қариб қолибман, шекилли. Шунинг учун ҳам енгилдим. Бошқача беллашамиз. Энди сизларга савол бераман. Жавоб тўғри бўлса, боласопингларни қайтариб бераман. Бўлдими?

Ҳ а к и м б е к. Майли, беринг саволингизни.

Қ у ю н м о м о. Унда, эшит, Ҳакимбек. Сув қаерда устундек туради?

Ҳакимбек бош қашиб ўйланиб қолади. Шунда Бахши аста томошабинга мурожаат қилади.

Б а х ш и. Болалар, сизлар биласизларми? Сув қаерда устундек туради? Боласопни олмасак бўлмайди. Отасидан гап эшитади. Ҳакимбекка ёрдам бериб юборинглар.

Томошабинларнинг гапларидан кейин.

Ҳ а к и м б е к. Топдим! Топдим!!! Сув қудуқда устундек туради.

Қ у ю н м о м о. Барчиной, сенга навбат.

Б а р ч и н о й. Айтинг, моможон.

Қ у ю н м о м о. Одамда нима бўлмаса, нимали бўлмаса, нима қилмаса яшай олмайди?

Б а х ш и. Эшитдингларми? Одамда нима бўлмаса, нимали бўлмаса, нима қилмаса яшай олмайди? Бунинг жавобини ҳам-манглар биласизлар. Қани, ким айтади? Барчиной шуни ҳам билмас экан.

Томошабинларнинг савол-жавобларидан кейин.

Б а р ч и н о й. Одамнинг хунари бўлмаса, илмли бўлмаса, меҳнат қилмаса, яшай олмайди.

Қ у ю н м о м о. Баракалла. Тўғонботир, сенга осонроқ савол бермасам, қийналиб қоласан.

Т ў ғ о н б о т и р. Аямай айтинг, моможон.

Қ у ю н м о м о. Қиличдан ўтқир нима?

Т ў ғ о н б о т и р. Қиличдан ҳам ўтқир нарса бор эканми?

Б а х ш и. Бир тарафи олтин, иккинчи тарафи кумуш боласоп Қуюн Момода қолиб кетадиган бўлди. Аттанг.

Гулханой бир нималар деб шивирлайди. Тўғонботир ўғриликча гапларни эшитишга ҳаракат қилади.

Т ў ғ о н б о т и р. Топдим. Бу кўз. Кўзнинг нигоҳи қиличдан ўтқир бўлади.

Қ у ю н м о м о. Майли, майли. Сен, Гулханой саволимга жавоб бер.

Г у л х а н о й. Айтинг, моможон.

Қ у ю н м о м о. Одамзотда нима кўп?

Г у л х а н о й. Одамзотда...

Б а х ш и. Болалар, ёрдам бериб юборинглар. Одамзотда нима кўп бўлади? *(Ўзи ҳам ўйлаб Гулханойга имо-ишора қилади, анча қийналиб тушунтиради.)*

Г у л х а н о й. Одамзотда орзу-ҳавас кўп бўлади.

Ҳаммасини кўриб турган Қуюн момо ўзини билмаганликка олади.

Қ у ю н м о м о. Қариб қолибман, шекилли. Толиқдим. Мана, олтин-кумушли боласопинг. *(Ҳақимбекка боласопни беради.)* Энди бора қолинглар, Бойбўрию Бойсари хавотирга тушмасин.

Болалар “Раҳмат, раҳмат” деб чопиб чиқиб кетишади. Асқартоғнинг чўққилари кўришиб турган яйлов. Сайл авжида, Қултой бобо билан Бойбўри гаплашиб турарди. Шу пайт Ҳақимбек қўлида боласоп билан, ёнида дўстлари билан кириб келади.

Қ у л т о й б о б о. Ана, Ҳақимбек бир томони олтин, бошқа томони кумуш бўлган боласопни қайтариб олиб келибди.

Б о й б ў р и. Яшанг, ўғлим. Алпинбийлар авлоди эканлигини исботладинг.

Қ у л т о й б о б о. Йўқ, Бойбўрибий, бу боласоп болалар ўйини. Алпинбийлар авлоди эканлигини ёй тортиб исбот қилсин.

Т ў ғ о н б о т и р. Биз ҳам ёй тортамыз.

Т о ш т е м и р. Шундай, биз ҳам қўнғирот уруғиданмиз, ёй тортамыз.

Б о й б ў р и (*Қултой бобога*). Бобо, олиб чиқинг камонни.

Қ у л т о й б о б о. Хўп бўлади. (*Камонни олиб келади.*) Қани, талабгорлар бу ерга келсин. (*Тўғонботир, Тоштемур, Ҳакимбеклар Қултой бобонинг қаршисида тизилади.*)

Бу ўн тўрт ботмон келадиган ёй Бойбўрининг ўн тўққиз бобосидан қолган мерос. Бу ёйини даст кўтариб, отиш синовини бошлаймиз. Ҳов якка тутни кўряпсизларми? Отилган ўқ худди ўша якка тутга санчилиши керак.

Б а х ш и (*дўмбирани чалиб давом этади*).

Қулоқ солинглар, халойиқ,
Томошанинг изи қуюқ,
Ёй кўтариб, қойил қилиб,
Бўлинг мақтовга лойиқ.

Бу ёйни бийлар кўтарган,
Қулоғин бураб қайтарган,
От устида осиб юрган,
Душманнинг жазосин берган.

Тоғдан айиқ, қоплон урган,
Олқор, кийикларни терган,
Зўр алплардан мерос бу ёй,
Довруқ солиб, даврон сурган.

Қ у л т о й б о б о. Қани, биринчи талабгор ким экан?

Т ў ғ о н б о т и р. Мен.

Қултой бобо бир тарафи ерга суянган камонни Тўғонботирга ушлатади ва ўзини четга олади. Тўғонботир камонни даст кўтаради, аммо ўқни ёйга қўя олмайди, ҳарчанд уринса ҳам, бу ишни уддасидан чиқа олмайди. Қизариб-бўзариб камоннинг бир учини ерга қўяди.

Қ у л т о й б о б о (ерга тиралган ёйни ушлаб). Яна борми талабгор?

Т о ш т е м и р. Мен, талабгор.

Қ у л т о й б о б о. Мана, ушла. Ёйни даст кўтариб чоқлаб шундай отгинки, токи хўв якка тут доғда қолсин.

Тоштемир ёйни қўлига олиб даст кўтармоқчи бўлди, аммо кўтаришга кучи келмади. Анча ҳаракат қилади. Бироқ уддасидан чиқа олмайди. У ҳам қизариб-бўзариб, ёйнинг учини Қултой бобога тутқазиб, жойига қайтади.

Қ у л т о й б о б о. Яна борми талабгор?

Ҳ а к и м б е к. Мен ҳам бир ҳаракат қилиб кўрай.

Ҳақимбек ёйни даст кўтариб, ўқни чоқлаб, Асқартоғ томон турган якка тутни мўлжаллаб, зангиллатиб ўқ отди. Ўқ якка тутнинг қоқ белидан тешиб ўтди. Ўқ ҳамон кучин йўқотмади. Асқартоғнинг чўққисига етиб, уни ҳам иккига бўлиб кетди. Чанг-тўзон кўтарилиб, осмонни ғубор босди.

Қ у л т о й б о б о (ўқучиши билан). Ё, Тангрим, қудратингдан ўргилай. (Шу сўзларни бир неча мартаба қайтаради.) Ҳой Бойсун-Кўнғирот эли, Алпинбий невараси, Бойбўрибий ўғли Ҳақимбек Алпомиш бўлди! Дунёда бир кам тўқсон Алп ўтган, Ҳақимбек Алпомиш алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтсин! Тангрим охирин хайрли қилсин!

Тўзон тарқаб, Бойсун-Кўнғирот эли кўз олдида ўн тўрт ботмонли ёй тутган Ҳақимбек кўкрак кериб турибди. Элу халқ жўр бўлиб айтмоқда:

- Ҳақимбек алп бўлди!
- Алпомиш бўлди!
- Алпомиш бўлди!
- Алпомиш бўлди!

Б а х ш и.

Бу бола элнинг чироғи,
Ўн тўққиз бийнинг юраги,
Чаққон чопсон пироғи,
Қайтмас, кўрқмас, зийраги,
Бойбўрихоннинг ўғлидир,
Юртнинг толмас билага.
Давлатқуш кўнсин бошига,
Хизрлар келсин қошига,
Кўрган қувонди ишига,

Лойиқ бўлиб эл олқишига,
Алп ўғлонга дуо беринг,
Ул чиқди етти ёшига.
Халқ ишига чоғ бўлсин,
Суянч бериб, наф бўлсин.
Номи дoston, китоб бўлсин,
Душманлари соп бўлсин,
Номи ўчиб, даф бўлсин,
Дуо беринг, соҳиблар,
Толмас, тошқин Алп бўлсин.

ТАМОМ

Нурилло АББОСХОН



1958 йилда Наманган вилоятида таваллуд топган. Драматург. “Гўзал дунё зулмати”, “Боғ”, “Салом ёки хайр”, “Азиз”, “Кулгусини йўқотган бойлар”, “Қуриётган дарахт”, “Ўзбекча рақс”, “Бурч”, “Танҳо юлдузим”, “Эзгулик йўли” (Ш. Ризаев билан ҳаммуаллифликда), “Жайдари келин”, “Истиқлол поезде”, “Онамларга салом айтинг”, “Бахтли бўлинглар”, “Супер мусофир” сингари драматик асарлар, “Ўғригина келин”, “Севгинатор-2”, “Умид”, “Меҳмонхона” каби фильм ва сериал сценарийлари муаллифи. Н. Аббосхоннинг аксарият пьесалари пойтахт ва вилоят театрларида сахналаштирилган.

ЎЗГАЛАР ДАРДИ

Драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

З а х р о – 60 ёш, нафақадаги шифокор.

Р у з в о н – 60 ёш, собиқ пахтакор.

З а ф а р – 65 ёш, нафақадаги жарроҳ.

Ш о к и р – 35 ёш, Зафар амакининг ўғли.

Ч а р о с – 30 ёш, Рузвон холанинг келини.

У м и д – 30 ёш, Захро холанинг ўғли.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ**МЕҲМОН**

Моцартнинг “Қўмсаи” куйи янграб парда очилади. Квартира зали китоб жавонлари, стол-стул ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Диван орқасида катта китоб жавони. Жавон устида оқ халат кийган мархум шифокор Илҳом аканинг портрети, икки томонида сал кичикроқ рамкаларда Захро хола ва ўғли Умиднинг портретлари қўйилган. Бир четдаги столда муסיқий марказ, телефон, гуллар солинган ваза ва врачлик саквояжи туради.

Захро хола ошхона томондан қўлида идиш билан киради. Ўртадаги столга идишларни қўйиб, стулга ўтиради. Эшик тақиллаб, ортидан қўнғироқ жиринглайди. Захро хола пультни олиб, муסיқавий марказга тўғрилаб, куй овозини пастлатади.

З а х р о (уф тортиб). Бу яна ким бўлди бемаҳалда! Ё тавба! Шунақаям бемаъни одам бўладими! Тавба-а-а! Ҳам қўнғироқ чалади, ҳам эшикни тақиллатади! (тақиллаш кучайгач, ўридан туриб) Хаҳ, худойим-а! Медпункт бир қадам, ўша ерга боришса бўлади-ку. (Эшик томон қичқириб) Ҳозир! Ҳозир! Мана, кетяпман!

Ташқи эшикка томон чиқиб, бироздан сўнг катта тугун қўтарган Рузвон холани бошлаб киради. Рузвон хола ошхона томон интилади. Захро хола эса уни диван томон судрайди.

Р у з в о н (йиғламсираб). Вой, Захрош! Бормисан, Захрош! Мени ошхонангга бошла!

З а х р о (асабийлашиб). Ошхонамда нима бор, ошхонамда?!

Р у з в о н. Ўша ерда гаплашайлик!

У тугунини диванга қўяди. Захро хола уни мажбурлаб диванга ўтқазади.

З а ҳ р о (*ғижиниб*). Ўтир! Шу ердаям гаплашаверамиз! Нимага ҳадеб келаверасан? Кечагина кетгандинг-ку?

Р у з в о н. Уч ой бўлди, дугон, уч ой!.. (*зўраки йиғлаб*) Вой, энди қандоқ қиламан-а, қандоқ қиламан!..

З а ҳ р о. Яна нимага келдинг, хира?!

Р у з в о н (*ялинчоқ*). Кел, олдин бир дуо қилайлик, ўртоқ! (*дуога қўл очиб*) Қани, оми-и-ин!

Захро хола уф тортиб, ноилож фотиҳага қўл очади.

З а ҳ р о (*тишини ғижирлатиб*). Оми-и-ин!!

Р у з в о н (*йиғламсираб*). Илоё, отанг, Самад амакимни худо раҳмат қилсин! Онанг, Ойша холамниям жойлари жаннатда бўлсин! (*портретга ишора қилиб*) Илоё, эринг, Илҳом гўрида тинч ётсин. Ёш ўлмайлик, бало кўрмайлик, сафимиздан хато бўлмайлик!..

З а ҳ р о (*юмшаб, бош эгиб*). Омин... омин...

Р у з в о н. Болаларимиз орқамизда қолишсин! Илоё, боғини кўрсатсин, доғини кўрсатмасин! Биз уларга қандай меҳрибон бўлсак, бизгаям шундай меҳрибон бўлишсин.

З а ҳ р о (*бош силкиб*). Омин!

Р у з в о н (*илҳомланиб, чайқалиб*). Илло, бемеҳр бўлмайлик. Илоё, бир-биримизга меҳрибон бўлайлик... Озиб-ёзиб кўришганда бир-биримизни бағримизга босайлик. Бир бурда нонимизни, ширин ошимизни бир-биримизга илинайлик. Ёру дўстларимизни... (*йиғламсираб*) Ёру дўстларимизни “нари тур” деб кўкрагидан итармайлик, олдига нозу неъматлар қўйиб, ҳол-аҳвол сўрайлик.

З а ҳ р о (*кесатиқли*). Оббо-о-о!

Р у з в о н (*сарак-сарак бош чайқаб*). Илло! Илло! Бу дунё шундай бевафо экан, биз бевафо бўлмайлик. Қариганда бир-биримизни суяб... (*йиғламсираб*) Яхшилаб суяб, бирга-бирга яшайлик. Топган-тутганимизни бир-биримиздан қизганмайлик...

З а ҳ р о (*қони қайнаб*). Яна нима қилайлик?!

Р у з в о н (*шоша*). Ҳаммамизга инсоф берсин! Омин! Омин! Дўстларимиз ниятига етиб, душманларимиз нон деб, ғишт парчани чайнасин! Омин! Аллоҳу акбар!

Дугоналар фотиҳа ўқийдилар. Бир муддат сукунат чўкиб, иккиси баробар уф тортади.

З а ҳ р о (*хушламай*). Қандай шамол учирди?

Р у з в о н (*зорланиб*). Уйимда кўрқяпман, ўртоқ.

З а ҳ р о (*ҳайрон*). Нимадан?

Р у з в о н (*кўзлари ола-кула*). Арвоҳдан.

З а ҳ р о. Арвоҳ?

Р у з в о н. Ҳа, мени эрим қидириб юрибди.

З а ҳ р о. Тушингдами?

Р у з в о н. Йўқ, ўнгимда. У мени олиб кетмоқчи. Вой, Захрош, ҳаётни мазасини энди тушунганимда ўлиб кетаманми? Кимнинг арпасини хом ўрган эканман?! Мени ким қаргаган экан, дугон?! Мабодо дилингни оғритган бўлсам, мени кечир... (*йиғлаб, уни қучоқлаб*) Илтимос, мени кечир, Захрош!.. Мени поччанг олиб кетяпти, Захрош!..

З а ҳ р о (*итариб солиб*). Э, нари тур, тентак! (*ўрнидан туриб*) Энди бунақа хунар чиқардингми?!

Рузвон хола ўрнидан туриб, унинг елкасидан ушлаб ўзига қаратади.

Р у з в о н. Уйимга бир ҳафтадан бери арвоҳ келяпти. (*Кўзига яқиндан тикилиб, ваҳимали*) Мана бунда-а-ай қилиб қараб, кўзимга қараяпти.

З а ҳ р о (*ортга тисарилиб*). Мени кўрқитма, жинни!

Р у з в о н (*ўз бошига муштлаб*). Бир бошимга қўнади... (*қорнига шапатилаб*) Бир қорнимга қўнади. Баъзида шифтга қўниб олиб, уч кунгача расмдек қотиб тураверади! Кечалари чироғ нурида озгина учади! Кейин пастла-а-аб келиб ёстиғимга қўнади. (*Қулочини ёзиб, ваҳимали овозда*) “Хотин, юр кетайлик, вақт бўлди!” деб шивирлайди.

З а ҳ р о (*уф тортиб*). Ким шивирлайди?

Р у з в о н (*елка қисиб*). Капалак.

З а ҳ р о. Капалак? Э, шартта эзиб ўлдир – вассалом!

Р у з в о н. Вой, эримнинг арвоҳини қандай ўлдираман! Қанотларида ваҳимали ёзувлар бор. Қўрқаман... (*диванга ўтириб, мунгли*) Эримни арвоҳи мени емоқчи, Захро!

Захро хола бир дам қараб тургач, қаҳ-қаҳ кулиб юборади.

З а ҳ р о. Бу куя капалак, жинни. У сени эмас, жун рўмолингни егани келган.

Р у з в о н. Куя капалак бошқа, арвоҳ капалак бошқа.

З а ҳ р о. Чироғни ўчириб ётсанг, унисиям, бунисиям келмайди.

Р у з в о н. Қоронғида ётишдан қўрқаман, биласан-ку, дугон.

Захро хола диванда турган тугунни олиб, пайпаслаб кўради.

З а ҳ р о. Нега овора бўлиб, овқат кўтариб юрибсан?

Р у з в о н. Бу овқатмас, уйга киядиган кийимларим.

З а ҳ р о (*энсасини қашлаб*). Нима бало, бутунлай келдингми?

Р у з в о н. Ҳа, бутунлай, Заҳрош, энди бир грамам зерикмайсан.

З а ҳ р о (*ғазабланиб*). Тушунарли, ҳаммаси тушунарли! Яна холодильникни бўшатгани келгансан! (*тақлидан*) “Ширин ошимизни илинайли-и-ик” эмиш! Шуми, илинган ошинг?! (*туғунини қўлига тутқизиб*) Ол бу лаш-лушингни! Қачон уйимга келсанг, оч қорнингни, ғам-ғашингни кўтариб келасан! (*эшикка ишора қилиб*) Бор, Рўзи! Ҳозироқ уйингга жўна! Қайтиб қорангниям кўрмай!

Р у з в о н (*ялиниб*). Ҳайдама, дугон...

З а ҳ р о. Бор-бор-бор! Бошимни қотирма!

Р у з в о н. Сенга одам керак эмас-да, сен одамга тўқсан-да...

З а ҳ р о. Сен одамга очмисан? Уруғ-аймоғинг итдан, битдан кўп! Эшикни беркитсам, тешиқдан кириб келади! Ҳаммасини биламан, яна келинларинг билан уришиб келгансан!

Р у з в о н (*йиғлаб*). Келиним золим чиқди... Менга овқат бермай қўйди, дугон... Уйимда оч қоляпман.

З а ҳ р о (*асабий*). Э, ёлғон гапирма, қуртдай семириб ётибсан. Ўтган сафар бир ой уйимда ўтириб, бор-будимни еб битирдинг!

Р у з в о н (*қўпол, зардали*). Сенга Худо беряпти, Заҳро! Еган-ичганимга оғринма!

З а ҳ р о. Қўшнилари билан уруш чиқардинг. Болаларинг бостириб келиб, бор аламини мендан олди! Бўлди энди, Рўзи, жанжалингни уйингга бориб қил! (*диванга ўтириб, уф тортиб*) Нега безрайиб турибсан? Жўна дедим сенга!

Р у з в о н (*жаҳли чиқиб*). Кетаверайми?!

З а ҳ р о (*қўл силтаб*). Кетавер!

Р у з в о н (*ўрнидан туриб*). Кейин пушаймон қилмайсанми?

З а ҳ р о. Э, жўна-жўна! Бошимни қотирма!

Р у з в о н (*хўрланиб, йиғламсираб*). Майли... (*эшик томон юриб*) Ма-а-айли!.. Заҳро-о-ош? (*тўхталиб*) Ма-а-айли!.. (*туғунини бошига қўйиб*) Майли, дугон... Бошқа кўришолмасак... (*йиғлаб*) Бошқа кўришолмасак, алвидо, дугон...

З а ҳ р о. Бора қол, вақт кеч бўлди! Тезроқ уйингга етиб ол!

Р у з в о н (*миёвлагандек*). Ма-а-айли...

З а ҳ р о. Уф... (*ғазабланиб*) Ҳой, хира!

Р у з в о н. Ма-а-айли... (*Чиқиб кетиб, бироздан сўнг қайта бош тикиб мўралайди.*) Ма-а-айли, дугон...

З а ҳ р о (*столни муштлаб*). Рузвон, дедим!

Р у з в о н (*йиғламсираб*). Ма-а-айли, ма-а-айли...

Бутунлай чиқади. Бироздан сўнг эшикнинг қийиллаб очилгани ва қарсиллаб ёпилган товуши эшитилади. Заҳро хола бир муддат бошини ушлаб ўтиргач, жаҳлидан тушиб, хўрсиниб ўрnidан туради. Кўзи жиққа ёшга тўлиб, овқатли идиш қўйилган стол ёнига келади.

З а ҳ р о (*ўзига-ўзи жавраб*). Ёмон қаридинг, Заҳро... Жуда ёмон қаридинг... Сенга нима бўлди ўзи? Ахир, Рузвон эллик йиллик дугонанг! Эллик йиллик! Кўксингдаги юракми ё тошми? Агар у оч кетган бўлса, нима бўлади? Шундай бемаҳалда қаёққа боради? (*Идишнинг қопқоғини очиб, яна ёпади.*) Ҳозир одамлар семиришга қарши дори тополмай юрибди! Нимага унинг еган овқатини юзига солдинг? (*типирчилаб, йиғламсираб*) Уни қайтариб келиш керак! Қайтариш!.. (*ташқи эшик томон югуриб*) Қайтариш керак!.. (*чақириб*) Рузво-о-он! Тўхта-а-а!

Ташқаридан Рузвон хола кириб, бошини эгади. Заҳро хола эса ноқулай аҳволга тушиб, таққа тўхтаб қолади. Жаҳл ва хўрлик аралаш унга тикилиб тургач, бақириб юборади:

Ҳа-а-а?! Нимага кетиб қолдинг?!

Р у з в о н (*ноқулай, тутилиб*). Ҳа... ҳалиги... Ме... мен кетмадим, Заҳрош...

З а ҳ р о. Кет, деса, кетаверасанми?

Р у з в о н. Эшикнинг орқасида бекиниб тургандим...

З а ҳ р о. Шом тушганда қаерга бормоқчийдинг?

Р у з в о н. Мен кетмадим, дугон...

З а ҳ р о. Алдама! Кетдинг! Кетдинг!.. (*Уни маҳкам қучоқлаб*) Энди кетма! Мендан хафа бўлма, мен шунақа асабий бўлиб қолганман... Мен шундай тошбағирман! Тошбағир!

Р у з в о н. Тошбағрингдан ўргилай, дугон! Яхшиям сен бор экансан, дугон! Кел, мени шу тошбағрингга бос!..

Иккиси ҳўнграб йиғлаб юборадилар.

Зулмат чўқади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

ЖИҒИЛДОН

Коронғулик қаърида Моцартнинг “Кўмсаиш” номли сокин қуйи янграйди. Бироздан кейин тунги чироқнинг қизғиш шуъласи тушиб, атроф ғира-шира ёришади. Захро хола диванда, Рузвон хола ерга тўшалган ўринда ётадилар. Рузвон хола беҳаловат бўлиб, бир ёнбошига ағдарилиб, уф тортади.

Р у з в о н (*инграб*). Э, Худо, ўзинг шифо бер... (*ерга қараб ётиб*) Во-о-ой, қайнамай ўлгур... нимага қайнайсан?! Шунча заҳар ютганим каммиди-я... вой... (*Ўтириб олиб, томоғини ишқалайди.*) Ҳаҳ қурибгина кетгур!.. (*ўрnidан туриб, нари-бери юриб*) Э, Худо, бунча мени қийнадинг!..

З а ҳ р о (*бошини қўтариб*). Ҳа, нимага ухламаяпсан?

Р у з в о н. Жиғилдоним қайнаяпти...

З а ҳ р о. Жиғилдонингга ҳар балони тикаверсанг, қайнайди-да.

Р у з в о н (*тажанг*). Егим келса, нима қилай-э! (*Кўксини ишқалаб*) Во-о-ой... во-о-ой... Бу қандай азоб...

Захро хола уф тортиб, ўтириб олади.

З а ҳ р о. Турган-битганинг хархаша!

Р у з в о н (*йиғлаб*). Ўларманам, қутуларсанам...

З а ҳ р о. Ким сенга ўл деяпти! Яна бошладингми?

Рузвон хола нари-бери юради. Узоқ сукутдан сўнг, мусиқа маркази олдига келади.

Р у з в о н (*асабий жавраб*). Туни билан диринг-диринг! Ғий-ғий! Гумбир-гумбир! Яна диринг-диринг! Қанақа музика бу қуриб кетгуринг?

З а ҳ р о. Моцарт.

Р у з в о н. Мусур?

З а ҳ р о. Мусур эмас, Моцарт!

Р у з в о н. Шу музыканг совуқ келиб, жиғилдоним қайнаб кетди! Нимага ўчириб қўймадинг?

З а ҳ р о. Мен музика эшитиб ухлайман.

Р у з в о н. Мен бунақа шовқинда ухлолмайман, Захрош. (*Қийналиб*) Жиғилдонимга дори бер, ҳозир ўлиб қоламан.

З а ҳ р о (*туриб*). Уф!.. Ҳа, жиғилдонинг тешилсин!

Умузика марказини ўчириб, ошхона томон чиқиб кетади.

Р у з в о н (*жавраб*). Бу музыкаси ўлгур, одамни бурга талагандек таларкан! (*чақириб, баланд*) Захрош! Чироқни ёқиб

қўй! (*чироқ ёниб, саҳна ёришгач*) Ҳа, Худога шукур. Илоё, гўрим-
ниям ёруғ қил, худойим...

Захро хола қўлида дори билан киради.

З а ҳ р о. Оғзингни оч. (*Рузвоннинг оғзига дори солиб қўяди.*)

Бу зўр дори.

Р у з в о н. Сув бермайсанми?

З а ҳ р о. Бу дорини шимиб турилади, ютиб юборма.

Р у з в о н (*дори сўриб*). Жойнамозинг қаерда?

З а ҳ р о. Уни нима қиласан?

Р у з в о н. Таҳажжуд ўқийман, нима қилардим.

З а ҳ р о. Жойнамоз нариги хонада. Сен намоз ўқигунча мен
қўшнимга укол қилиб чиқаман.

Р у з в о н. Ярим тунда-я?

З а ҳ р о. Режими шунақа.

Р у з в о н. Мен ёлғиз қолсам, қўрқаман.

З а ҳ р о. Қўрқма, дарров қайтаман.

Р у з в о н. Яна валақлашиб ўтиравермагин.

З а ҳ р о. Хўп, хўп.

Р у з в о н. Қўлингни ювиб келгин, менга касал юқтирасан.

З а ҳ р о. Хўп, хўп. (*Йўлга отланиб*) Жиғилдон қалай?

Р у з в о н. Сал пасайди, доринг зўр экан, дугон.

*Захро хола столдаги саквояжни олиб, ташқи эшик томон
чиқа бошлайди.*

З а ҳ р о. Таҳорат қилиш эсингдан чиқмасин.

*Рузвон хола унга норози бўлиб ўқрайиб қараб қолади. Захро
хола чиқади.*

Р у з в о н (*ўзича жавраб*). Кўнглига келадиям демайди!
(*Унга тақлидан*) “Таҳорат қилиш эсингдан чиқмасин” эмиш!
Шунчалик эсимни еб қўйибманми? Худога шукур, ҳали каллам
жойида. (*Телефонини столдан олиб, қулоғига тутлади.*) Бола-
ларим нима қилишяпти экан... (*хиргойи қилиб*) Қолдим қариб,
бўлдим ғариб... (*телефонга*). Алё? Райҳон? (*қувониб*) Вой, хай-
рият, ухламаган эдингми? Ўн мартада зўрға уландим-а, қизим!..
(*тўхталиб, шубҳаланиб*) Ҳой, менга қара, Райҳон, нимага ҳо-
зиргача ухламадинг? (*ғазоби қайнаб, баланд*) Ҳа-а-а?! Сулаймон
ўлди, девлар қутулдими?! Доим айтаман-а, “хуфтондан кейин
ухла” деб?! Ким билан телефонда “оқи-и-иб” ётибсан? Яна ўша
найнов билан гаплашяпсанми? (*тўхталиб, қўлини бегиз қилиб*)
Пирингни алдасангам, мени алдолмайсан! Кун бўйи ожима-
нияга тушдим! Мен ернинг тагида илон қимирласа биламан!

Билдингми? Илоё, телефон чиқарганнинг уйига ўт тушиб, кафангадо бўлсин! (*уф тортиб, юмшаб*) Райҳон! Ҳой, Райҳон! Кечқурун тоғанг билан янганг йиғлашдимми? Аҳ? Йиғлашдимми? (*тўхталиб, ғазабдан кўзи олайиб*) Аҳ?! Кулишди? Нимага кулади? Буст-бутун одам йўқолиб қолса, куладими? (*йиғламсираб, зорланиб*) Ма-а-айли, болам, ма-а-айли, ўларманам, қутулар-сизларам... ма-а-айли... ма-а-айли... (*телефонга пуфлаб*) Алё? Райҳон? (*уф тортиб*) Яна ожданияга тушдим... Шу телефон ўлгурни деб, қанча-қанча қизларнинг бахти бойланди. Эрга тега олмай, ожданияга туши-и-иб ўтирибди. Оладиган куёвлар тармоқда мавжуд эмас. (*Телефонни столга ташлаб*) Илоё, бошқа йўналишга жавоб бермай ҳар бало бўлгур! Бу қизларни қачон эгасига топшириб, хотиржам бўламан-а. Ҳар намозимда дуо қиламан, дуоим қайга кетяпти, ҳайронман. Худоям мени ожданияга тикиб қўйган. Ҳа, шўргинам курсин. Қаригандан кейин ҳолинг шу экан-да... (*хиргойи қилиб*) Қолдим қари-и-и-иб, бўлдим ғари-и-иб... Йиғладим зор дўст ахтариб...

Рузвон ошхона томон чиқади. Мусиқа янграб, орадан бир муддат ўтади. Эшикнинг очилиб ёпилгани эшитилиб, қўлида саквоаяж билан бирга кичикроқ картон қути кўтарган Заҳро хола киради. У қўлидаги буюмларни столга қўйиб, ошхона томон ўтиб кетади. Бироздан сўнг Рузвон хола киради. Столдаги буюмларни кўриб қолиб, қутини очиб, ичидаги тортни кўриб қувонади.

Р у з в о н (*баланд*). Заҳрош, тортни қайдан олдинг?!

З а ҳ р о о в о з и. Қўшнилари совға қилишди!

Заҳро хола қўлини сочиққа артган ҳолда киради.

Р у з в о н. Беморинг қалай?

З а ҳ р о. Анча соғайиб қолибди. Қарилар бир-бирига суяниб қоларкан. Козим ака хурсанд бўлиб бирам йиғлайди, бирам йиғлайди, дегин.

Р у з в о н (*қулиб*). Хотинлар ёшлиқда, эркаклар қариганда кўп йиғлайди. (*Қутини олиб ҳидлаб*) Оҳ-оҳ-оҳ! Тортмисан, торт экан! (*хушомадли*) Ризқинг улуғ-да, дугон! Ёшлигингдаям доим пул топиб олардинг.

З а ҳ р о (*қулиб*). Бир марта ўн сўм топиб олгандим, эсингдами, Рузвон?

Р у з в о н. Ўшанда росса-а-а пирожний билан музқаймоққа тўйгандик.

З а ҳ р о. Пахта теримига борганда-чи?

Р у з в о н. Э, у пулни эгасига қайтариб бергансан.

З а ҳ р о. Эгаси чиққандан кейин бериш керак-да.

Р у з в о н (*кулиб*). Захрош?

З а ҳ р о. Нима дейсан?

Р у з в о н. Ўзини “анақасини” еб қўйган бола пултопар бўлар экан, а?

Захро холанинг асаби бузилиб, унга ўқрайиб қарайди.

З а ҳ р о. Қачонгача тентирайсан, Рўзи?

Р у з в о н (*шоша*). Сени назарда тутмадим, дугон. (*Ошхона томон юриб*) Мен дарров чой қўйворай.

З а ҳ р о. Нимага?

Р у з в о н (*кутини кўрсатиб*). Мана бу-чи?

Захро хола кутини унинг қўлидан олиб, столга қўяди.

З а ҳ р о. Кечки овқатингни душманингга бер. Бўлди, ухла, ярим кеча бўлди.

Р у з в о н (*ялиниб*). Мени қорним очди-да, Захрош.

З а ҳ р о. Бу ёлғон иштаҳа, озгина сабр қилсанг, ўтиб кетади.

Р у з в о н. Захрош?..

З а ҳ р о. Эртадан сени даволашни бошлайман. Дорига пулинг борми?

Р у з в о н. Бир тийин пулим йўқ. (*Уялиб*) Яна сенга тирик товон бўлдим-да, дуго-о-он...

З а ҳ р о. Ҳа, майли, эртага пенсиям келади, ўшанга оларман.

Р у з в о н. Қимматидан олгин, а, Захрош, менга арзон дори ёқмайди.

З а ҳ р о. Ёт жойингга, чироқни ўчираман.

Р у з в о н. Хўп... (*минғирлаб хиргойи қилиб*). Қолдим қариб... бўлдим ғариб... зор йиғладим дўст ахтариб...

Рузвон хола диван ёнига тўшалган жойга ётади. Чироқ ўчиб, тунги ёритгичдан қизғиш нур таралиб, атроф ғира-шира ёришади. Моцартнинг сокин куйи янграй бошлайди. Захро хола келиб, дивандаги ўрнига ётади.

З а ҳ р о (*яйраб*). Оҳ, оҳ! Қандай ажойиб куй!

Р у з в о н (*тўнғиллаб*). Ҳа, қурибгина кетсин!

Зулмат чўқади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

ДОКТОР

Орадан бир ҳафта ўтиб, қундузги пайт.

Ғувиллаган шовқин янграйди. Бошига катта сочиқ, белига жунли рўмол боғлаб олган Рузвон хола чангсўргич билан уйни тозалamoқда. У ишини якунлагач, чангсўргични судраб, ошхона томонга чиқади. Бир муддат сукунат ҳукм суради. Эшикнинг очилиб-ёпилгани эшитилиб, ташқи эшик томондан Зафар амаки киради. Ўнг қўл кафти гипсланган, чап қўлида эса бозор халта кўтариб олган.

З а ф а р (*чақириб*). Захро Самадовна! Буёққа қаравор! Захро Самадовна! Дум келди! Дум! (*қўлидаги халтани столга қўйиб, китоб жавонига яқинлашиб, портретга*) Салом, Илҳом Олимович, қандайсан? (*суратни силаб*) Нариги дунёда нима гаплар? (*тўхталиб, хўрсиниб*) Эҳ, Илҳом, Илҳом! Ҳақиқат талашиб, сен нима бўлдинг, мен нима бўлардим... Рақибларим зўр чиқиб пенсияга ҳайдашди. Мен бор жойда ҳеч кимга ҳаёт йўқ эмиш! (*уф тортиб, нари-бери юриб*) Қандай даҳшат! Хорижда тўқсон ёшли жарроҳлар ишляпти. Доктор Сафаров эса олтмиш беш ёшида қариликни бўйнига олиб, ишсиз ўтирибди! (*муштани туғиб*) Шошмай туришсин! Ишга қайтиб олай, ҳаммасининг бурнини ерга ишқайман! (*креслога ўтириб, чақириб*) Захро Самадовна! Тирикмисан?! Дум келди! Дум!

Ошхона томондан кирган Рузвон хола ажабланиб, унинг ортидан яқинлашади.

Р у з в о н (*ҳайрон*). Нима келди?

Кутилмаган товушдан ортига бурилган Зафар амаки бошига катта сочиқ ўраган Рузвон холанинг ҳайбатини кўриб, чўчиб ўрнидан туриб кетади.

З а ф а р. Ух!! (*ёқасига туфлаб*). Сиз кимсиз?!

Р у з в о н (*гердайиб*). Роза.

З а ф а р (*тисарилиб*). Роза?

Р у з в о н (*хохолаб кулиб*). Ҳа, қўрқитвордимми?

З а ф а р. Ҳа. (*бош чайқаб*) Йўқ! Мен қўрқоқ эмасман. Захро Самадовна қани?

Р у з в о н. У бозорга кетган.

З а ф а р (*унга разм солиб*). Мени танийсизми?

Р у з в о н. Ҳа, Захрош айтиб берган. Сиз – Заҳар Заҳаровичсиз.

З а ф а р (*ғазабланиб*). Нима?!

Р у з в о н (*ноқулай хиринглаб*). Заҳар Заҳарович.

З а ф а р (*ер тепиниб*). Мени мазахламанг, яхши қиз! (*Бармоғини юқори кўтариб*) Мен машҳур жарроҳ Сафаров бўламан!

Р у з в о н (*чўчиб*). Вой биламан, Заҳар Заҳарович, биламан...

З а ф а р (*қони қайнаб*). Илтимос қиламан, мени бундай чақирманг!

Р у з в о н. Нима деб чақирай? (*кулиб*) “Бегим” деб чақирайми?

З а ф а р. Унақасигаям, бунақасиягам чақирманг!

Р у з в о н. Ғалати экансиз, Заҳар Заҳарович!

З а ф а р (*ер тепиниб*). Бас қилинг, дедим сизга! (*четга*) Тарбиясиз!

Р у з в о н (*четга*). Вой тавба! Шамоллаб қолганми бу? Чойнакдек қайнаркан-а!

З а ф а р (*нари-бери юриб*). Ким айтди мени Заҳар Заҳарович деб?

Р у з в о н (*елка қисиб*). Заҳрош.

З а ф а р (*муштини тугиб*). Аҳа?! Ҳали шунақами?!

Р у з в о н (*елка қисиб*). Э, нимага қайнайсиз, дўхтир чойнак?!

З а ф а р (*жаҳлланиб*). Тамом! (*қўл силтаб*) Заҳро билан ҳам дўстликни уздим! Тамом-вассалом! Энди у думшўрвани тушида кўради!

Зафар амаки столда турган халтани олиб, шахдам юриб чиқа бошлайди. Рузвон хола югуриб йўлини тўсиб, қўлидаги халтани тортиб олади.

Р у з в о н. Қани, буёққа беринг-чи! (*халтани очиб кўриб*) Ўхў-ў, семиз молники экан!

З а ф а р. Ҳозироқ думимни қайтаринг! Мен унга нақд пул тўлаганман!

Р у з в о н (*қилпиллаб*). Олдин эди сизники, энди бўлди бизники!

З а ф а р. Беринг буёққа, уйимда қайнатиб ичаман!

Р у з в о н. Овора бўласиз!

З а ф а р. Думимни беринг!

Р у з в о н (*халтани орқасига яшириб*). Думингиз мусодара қилинди, дўхтир!

Зафар амаки унга бир зум тикилиб тургач, энсаси қотиб, уф тортади.

З а ф а р (*қўл силтаб*). Майли, олаверинг! Доктор Сафаров ютқазишларга ўрганиб қолган!

Зафар амаки кета бошлайди. Рузвон хола яна йўлини тўсиб, орқага итаради.

Р у з в о н. Қаёққа?! (*ишора қилиб, қўпол*) Қани, ошхонага марш!

З а ф а р (*ортга тисарилиб*). Ия?!

Р у з в о н (*қўксидан итариб*). Бўлинг! Бўлинг!

З а ф а р (*гангиб*). Ия!!

Р у з в о н (*тишлари орасидан, пишқириб*). Ошхонага, дедим! Дарров фартукни боғлаб, шўрвага урининг!

З а ф а р (*четга*). Иях-х?! Ғалати кампир экан-ку бу!

Р у з в о н. Бўлинг! Кўп таранг қилманг!

Зафар амаки ортга тисарилиб, Рузвон хола уни нуқиган ҳолда чиқадилар. Майин куй янграшга бошлайди. Бироздан сўнг ташқи эшик очилиб ёпилгани эшитилиб, Захро хола қўлида бозор халта ва сумка билан кириб, буюмларини столга қўяди. Сумкасидан икки дона китоб олиб, уларни жавондаги китоблар ёнига жойлайди.

З а х р о. Рузвон! Рузвон, анавиларни музхонага қўйиб қўй! *Рузвон хола қарсиллатиб сабзи еган ҳолда киради.*

Р у з в о н. Менга ичкўйлак олиб келдингми?

З а х р о. Олиб келдим. Бор пулимни сенга харжладим.

Р у з в о н. Худодан қайтсин, дугон.

З а х р о. Бу ичкўйлагинг.

Сумкадан ичкўйлак олиб, унга беради. Рузвон хола қувониб, кўйлакни бўйига ростлайди.

Р у з в о н (*қувониб*). Раҳмат, дугон! (*қучоқлаб ўпиб*) Вой раҳмат! Танам яйраб ётадиган бўлдим.

З а х р о. Бўлди, кўп суйилаверма! Қарзларингни қачон қайтарасан?

Р у з в о н. Худо ҳаққи, дугон, бир тийин пулим йўқ. (*Йиғлам-сираб*) Мен ғарибни қўллаб тур, дугон... Биласан-ку, мен ҳе-ееч кими йўқ бир етимчаман...

З а х р о (*жаҳли чиқиб*). Мени кимим бор экан, айёр?! Ўтган сафар ҳам шундай қилгандинг! Муттаҳам! Талончи! (*разм солиб, аччиқланиб*) Нима бало, еб тўймас сўқиммисан? Яна нима балони чайнаяпсан?

Р у з в о н. Ўзинг айтдинг-ку, сабзи егин, деб. (*Хўрлиги келиб*) Еган-ичганимни юзимга солаверма, Захрош!

З а ҳ р о. Ҳа, сабзи еяпсанми? Майли, майли, еявер.

Р у з в о н (*кўзини ишқалаб*). Болаларим у ёқда, сен бу ёқда хўрлайсан...

З а ҳ р о. Кўп овқат есанг, қийналасан! “Ит иштаҳа” бўлиб қолибсан. Ақлингни йиғ, Рузвон!

Р у з в о н (*жеркиб*). Э, ҳадеб мени доғлайверма! Бир ёқда анави дўхтиринг мен билан уришяпти...

З а ҳ р о. Доктор келдиларми?

Р у з в о н. Ҳа, келди.

З а ҳ р о. У нимага уришади сени?

Р у з в о н. Ўзимам ҳайронман, ғирт жинни экан! “Келинг, Заҳар Заҳарович!” десам мен билан уришиб кетди!

З а ҳ р о. Вой, нимага унинг лақабини айтасан, тентак?!

Р у з в о н. Ўзинг шунақа дединг-ку?

З а ҳ р о. Мен сенга “Зафар Сафарович” дедим! “Заҳар Заҳарович” унинг лақаби!

Р у з в о н. Оти Зафармиди? Демак, Запар Сахарович?

З а ҳ р о. Сахаровичмас, Сафарович, тентак!

Р у з в о н. Э, ўргилдим “вич-вич”ингдан!

З а ҳ р о. У шу ердами?

Р у з в о н. Ошхонага қамаб қўйдим.

З а ҳ р о. Нимага қамаб қўйдинг?!

Р у з в о н. Қўйворсам, думшўрвадан қуруқ қолардик-да.

З а ҳ р о (*асабийлашиб*). Бу жудаям улуғ одам, тентак!

Р у з в о н (*қўйлакни текшириб*). Қўявер энди, бўлар иш бўлди.

З а ҳ р о (*уф тортиб, ўйланиб*). Шошма, ҳозир бир иш қиламиз.

У Рузвоннинг қулоғига шивирлаб, бир нарсаларни уқдиради.

Рузвон қиқирлаб кулади.

Зулмат чўқади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

ОТА

Муסיқа янграб, саҳна ёришади. Ўртадаги стол атрофидаги стулларда Заҳро хола ва Зафар амаки ўтирадилар. Рузвон чой олиб кириб, столга қўяди. Зафар амакига қараб, беўхшов хиринглаб, унга чой қўйиб узатади.

Р у з в о н. Марҳамат, Шаҳар Шаҳарович, чойдан ичинг.

З а ҳ р о (*уф тортиб*). Эй, Рузвон! Сенга қанча ўргатиш керак? Зафар Сафарович, дегин.

Р у з в о н. Тилим келишмаяпти-да, дугон. Биласан-ку, болаликдан тилим чучук. (*Унга чой қуйиб бериб*) Мен шўрванинг кўпигини олай, бўлмаса, лойқа бўлиб қолади.

У югурганча чиқади. Захро хола ва Зафар амаки кулиб юборадилар.

З а ф а р. Дугонангни тили чучукмиди?

З а ҳ р о. Ҳа, кўряпсиз-ку, доктор.

З а ф а р. Намунча кўпол бу?

З а ҳ р о. Рузвон умри далада ўтган деҳқон. (*Чой ичиб*) Кўлингизга нима бўлди?

З а ф а р. Кеча Алиевнинг жағига туширдим. Ҳаромхўрнинг жағи қаттиқ бўларкан. (*Кўлини силаб*) Унга балоям урмади, мени эса кўлим синди...

З а ҳ р о. Вой шўрим! Алиевни нимага урдингиз?

З а ф а р. Заҳар Заҳарович, дегани учун.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглайди. Ошхона томондан Рузвон хола кириб, Зафар амакидан хижолат бўлиб, хиринглаб кулади.

Р у з в о н. Яхши дам оляпсизми, Шакар Шакарович?

З а ф а р. Зафар ака, деб қўя қолинг, Роза, ўзингизни қийнаманг.

Р у з в о н. Хўп, Зафар ака.

З а ф а р. Хўш, шўрва қайнаяптими?

Р у з в о н. Шўрвангиз қайнаяпти, ичида думи ўйнаяпти!

Ҳамма энгил кулади. Қўнғироқ яна жиринглайди.

З а ҳ р о. Бор, эшикни оч, Рузвон, нимага қараб турибсан?

Р у з в о н. Хўп, дугон.

Рузвон хола ташқи эшик томон чиқади. Зафар амаки унинг ортидан қараб қолади.

З а ф а р (*ўзича*). Ҳа-а-а, дугонанг жайдари аёл экан... (*Захрога*) Биласанми, Захро Самадовна, мен кейинги пайтларда кўп йиғлайдиган бўлиб қолдим. Ўтган умримни эслаб, кечалари ухлолмайман. Кўлимда қанча-қанча одам жон берди...

З а ҳ р о. Ҳар бир беморни асраб қолиш мумкин эмас.

З а ф а р (*бош силкиб, хўрсиниб*). Улар ўлаётган чоғларида: “Дўхтир, қилган меҳнатингизга рози бўлинг”, – деб кўлимни қисиб ризолик сўрашарди. (*Стolni муштлаб*) Биз ишга қай-

тишимиз керак, ҳамкасаба. Қариликни тан олишимизга ҳали эрта. Албатта, ишга қайтиш керак!

З а ҳ р о. Насиб қилган бўлса, қайтармиз, доктор.

Рузвон бир жуфт нон қўтариб, Шокирни бошлаб киради. Захро хола меҳмонга пешвоз чиқиб ўрнидан туради. Зафар амаки эса асаби бузилиб, қаттиқ томоқ қириб, юзини четга буради.

Р у з в о н. Кираверинг, ўғлим, дадангиз шу ердалар. Шўрва-ям пишай деб қолди. (*Захро холага нонларни кўрсатиб, қувноқ*) Дугон, қара! Қайноқ шўрвага иссиқ нон!

Ш о к и р (*сўниқ*). Ассалому алайкум.

З а ҳ р о. Алайкум ассалом. Келинг, доктор, келинг!

Ш о к и р. Яхшимисиз, Захро Самадовна?

З а ҳ р о. Раҳмат. Қани, даврамизга қўшилинг...

З а ф а р (*томоқ қириб*). Сизлар шўрвага қаранглар.

З а ҳ р о (*бош силкиб*). Яхши, Зафар Сафарович.

Аёллар ошхона томон чиқадилар. Ота ва ўғил бир дам унсиз туриб қоладилар.

Ш о к и р (*хўмрайиб*). Қўлингизга нима бўлди, дада?

З а ф а р. Бироз лат еди.

Ш о к и р. Оғриқ йўқми?

З а ф а р. Йўқ, оғриқ йўқ...

Ш о к и р. Демак, рост, денг?

З а ф а р (*бош силкиб*). Ҳа... Рост...

Ш о к и р (*қизишиб*). Сиз келажагимни барбод қилдингиз, дада!

З а ф а р. Келажак ҳали олдинда, доктор Сафаров.

Ш о к и р. Алиев мени вазирликка тавсия қилганди.

З а ф а р (*кинояли*). Бай-бай-бай, шундайми?

Ш о к и р. Сиз эса уни уриб, оғзини ёрдингиз.

З а ф а р (*шоша қараб*). Оғзи ёрилибдими? (*Четга*) Қандай яхши...

Ш о к и р (*асабий*). Менга дўстмисиз ё душманмисиз?!

З а ф а р (*тикилиб*). Ўзинг билиб ол, ўзинг ҳам отасан.

Ш о к и р (*овози қалтираб*). Сиз!.. Сиз!..

З а ф а р (*яқинлашиб*). Хўш? Нима мен?

Ш о к и р (*бўғилиб, баланд*). Сиз туфайли онам бу дунёдан ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетди!

З а ф а р (*хўрсиниб*). Шунинг учун унинг хотираси билан яшаяпман.

Ш о к и р (*йиғлагудек*). Мен эса ҳар қанча курашмай, онамни сақлаб қололмадим! Сақлаб қололмадим!

З а ф а р (*елкасига қўл ташлаб, ялинчоқ*). Бу – ҳар бир шифокорнинг аччиқ қисмати, жон ўғлим. Бобомиз Ибн Сино ҳам шу аҳволга тушганлар. Мен ҳам онамни сақлаб қололмай, дод солиб йиғлаганман. Шундан сўнг ҳамма бемор аёлларда онажонимни кўрадиган бўлиб қолдим. Ҳар бир аёлни ўз онамни даволагандек даволадим.

Сукунат чўкади.

Ш о к и р (*тўнғиллаб*). Алиевни нега урдингиз? У сизга юбилей қилиб бермоқчи эди!

З а ф а р (*қизишиб*). Юбилей! Ҳамманг юбилей қилиб, бир-бирингни мақтайсан! Ароқ ичиб, ўйинга тушасан, базми жамшид курасан! Худониям, халқниям, ўзингниям алдайсан! Палатада ўлаётган бемор эса сенларни интизор бўлиб кутади! Шифокорнинг ор-номуси, виждони, камтарлиги қаерда қолди? Бойликка, мансабга интилиш балоси қайдан пайдо бўлди? Шифокор, бу – Худо томонидан юборилган шафқат фаришта-си. Шунини тушунасанми ё йўқми? Ўз ишингга қайт, ўғлим, сен моҳир жарроҳсан.

Ш о к и р. Мен раҳбар бўлишни истайман.

З а ф а р. Хўжаликни ҳар ким бошқара олади, аммо моҳир жарроҳ бўлолмайди.

Ш о к и р. Алиев ҳам ёмон жарроҳ эмас...

З а ф а р (*баланд*). Бу кимсани тилинггаям олма! У – оқ халатимизга доғ туширган иблис! Бойлик ордидан қувган шифокор жаллоддан ёмон!

Ш о к и р. Камбағаллик ҳавас қиладиган нарса эмас!

З а ф а р. Ибн Синонинг пок руҳи ҳаққи сўраяпман, Шокир! Ўз ишингга қайтасанми?!

Ш о к и р (*чақчайиб*). Йўқ! Қайтмайман!

З а ф а р (*бақариб*). Унда сени ўз қўлим билан бўғиб ўлдираман! (*Шокирнинг томоғидан бўғиб олиб, столга ётқизиб*) Ўлдираман!!

Ш о к и р (*хириллаб*). Нима қиляпсиз, дада?! Ўзингизни бо-синг!

З а ф а р (*баланд*). Ҳа-а-а! Жон ширин эканми?! А, ширин эканми?!

Ш о к и р (*курашиб*). Дада! Ўлдириб қўясиз! Кўйворинг!

З а ф а р (*тахдидли бақариб*). Ҳа-а-а, кўзинг очилдими?!

Бошқаларниям жони шунақа ширин!!! Шири-и-ин!!! Қани, бир ўлиб кўр-чи!!! Ўла оласанми-и-и?! А-а-а-а?!

Ш о к и р (*бақириб*). Дада-а-а!

Ошхона томондан Захро хола ва Рузвон хола чопиб кирадилар.

З а ҳ р о (*таҳликада*). Вой, нима қиялпсиз, доктор?!

Р у з в о н (*Зафарнинг қўлига осилиб*). Бўлди, дўхтир, ўзингизни босинг!

З а ф а р (*бақириб*). Қоч, сенлар аралашма!

Р у з в о н (*қўпол*). Қўйворинг, дедим!

Рузвон хола Зафар амакининг қўлини ажратиб олиб, орқасига қайириб, четлаштиради. Шокир қаддини тиклаб, галстугини ростлаб, йўтала-йўтала базўр ўзига келади.

З а ҳ р о. Олиб кет уни, Рузвон!

Рузвон хола Зафар амакини суриб, ошхона томон олиб кета бошлайди.

З а ф а р (*Шокирга*). Сен хоинни ўзим яратдим! Ўзим йўқ қиламан! Ҳали ишга қайтиб олай, сениям думингни тугаман! Сениям!

Р у з в о н. Юринг! Юринг!

У Зафар амакини куч билан суриб, ошхона томон олиб чиқади. Захро хола пиёлага чой қуйиб, Шокирга ичиради. Шокир томоғини силаб, ҳолсизланиб стулга ўтириб, яна йўталади.

Ш о к и р (*ҳарсиллаб*). Дадамни қариди, деб юрибман... Ух! Ух! (*томоғини силаб*) Ҳалиям айиқдек кучи бор экан! Ваҳший! Ваҳший!

З а ҳ р о (*куйиниб*). Ота-бола қачонгача уришасизлар? Яна нима бўлди?

Ш о к и р (*йиғлагудек, зорланиб*). Мен ҳам тўкис ҳаётда яшашни истайман, Захро Самадовна!.. Жарроҳга энг аввало руҳий осудалик керак! Оилам тўкис яшамаса, қандай хотиржам ишлайман? Нимага ҳамманглар Алиевни ёмон кўрасизлар? Алиев билан ишлашнинг нимаси ёмон?

З а ҳ р о (*елкасига қоқиб*). Бўлди, бўлди, ўзингизни босинг. Фараз қилайлик: сиз Алиевнинг тўдасига қўшилдингиз. Катта-катта пул топишга бошладингиз. Болаларингиз ҳар томонлама таъминланди. Бир кун келиб, Алиев ҳам, унинг думлари ҳам ишдан ҳайдалади. Хўш, ундан кейин нима бўлади? Болаларингизга ким пул топиб беради?

Ш о к и р (*елка қисиб*). Ўзлари топишади.

З а ҳ р о. Текин нон еб ўсган бола меҳнат қилиб пул тополмайди. Алиевга ўхшаган амалдорлар қази-қартага бўкиб яшади. Вақти-соати битганда қилмишига пушаймон бўлиб, ё қон босимидан, ёки инфарктдан ўлди. Фарзандлари мерос талашиб, ўзаро душманлашиб, хор-зор бўлди. Шуми оилавий бахт? Болани папалаб, текин нон бериб боқиш нотўғри. Болани меҳнат қилиб яшашга ўргатиш керак. Озроқ ўйнаб-кулсин, кўпроқ илм-ҳикмат ўргансин, ана шунда ҳаловатли умр кечиради.

Орага суқунат чўкади. Шоқир бош силкиб бироз ўтиргач, ўрнидан туриб кетишга чоғланади.

Ш о к и р. Майли, Заҳро Самадовна, мен борай. Ташқарида машина кутиб турибди...

Иккиси чиқадилар.

Зулмат чўкади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

АЙБДОР

Муסיқали сўзсиз ҳаракат. Заҳро хола, Зафар амаки ва Рузвон хола стол атрофида ўтириб, шўрвани ичадилар. Бир-бирларига мулозамат кўрсатиб, чой ичадилар. Рузвон хола ўрнидан туриб, бўш идишларни тахлаб, йиғиштира бошлайди.

Р у з в о н (қувноқ). Эҳ, думшўрвангиз зўр бўпти! (Енгил ҳаракатланиб, қилпиллаб) Вужудим кучга тўлиб кетди! Нимага дум гўшти ширин бўлади, дўхтир?

З а ф а р (чой хўплаб). Молнинг думи доим ҳаракатланиб туради.

Р у з в о н. Ҳа, тўғри айтасиз! Айниқса, ёзда пашша кўриб тинмайди-да бечора!

З а ф а р. Биз – қариялар мана шу думга ўхшаймиз. Бор бўлсак яхши, йўқ бўлсак, янаям яхши.

Рузвон хола идишларни йиғиштириб, ошхона томон чиқади. Заҳро хола чой ичиб, унга диққат билан назар солади.

З а ҳ р о. Сизга нима бўляпти, Зафар Сафарович?

З а ф а р. Ҳамма нарсадан чарчадим... Бизнинг дунёқарашимиз эскирди, янги дунё эса менга ёқмайди. Туман шифоҳонасида ишлаган пайтларимда ботинкам ямоқ эди. Ичимдан хотинимнинг иссиқ трикосини кийиб, минг хижолатда ишга борардим.

З а ҳ р о (*қулиб*). Наҳотки?!

З а ф а р (*ўрнидан туриб*). Аммо ҳамма мени яхши кўрарди, хурмат қиларди. (*Тақлидан*) Одамлар тўхтаб: “Ассалому алайкум, дўхтир! Табаррук қўлингизни олиб қўяй!” деб, қўлимни қисиб сўрашиб ўтишарди! Мен эса... мен эса дунёдаги ҳамма одамларнинг саломатлигига жавобгар шахсдек гердайиб, ҳар бир одамни назардан ўтказиб, аскарчасига қадам ташлаб юрардим! (*Аскарча юриб кўрсатиб, кейин сўниқ хўрсиниб*) Ўша пайтларда ҳаммамиз чор-ночор яшардик... (*қулочини ёйиб*) Қани энди ўша эгни юпун, юзи нурли покиза инсонлар! Улар осмондан тушган фаришталар эди! (*тўлқинланиб*) Тушуняпсанми, Заҳро Самадовна? Уларни қанчалар қўмсаб, қанчалар соғинишимни билсанг эди!

Рузвон хола товоқда торт олиб кириб, столга қўяди.

Р у з в о н. Мана, торт ҳам келди!

З а ф а р (*қўлини ишқалаб*). О, зўр-ку! Ким пиширди буни?

Р у з в о н (*валақлаб*). Ҳа, Заҳрога касаллар совға қилишди.

Рузвон хола ўтиради. Зафар амаки эса асаби бузилиб, ўрнидан туради.

З а ф а р. Сен ҳам “олиш”ни бошлабсан-да?!

З а ҳ р о. Қўллари қайтаролмадим...

З а ф а р (*баланд*). Алдама, ўзинг қўл чўзгансан!

З а ҳ р о (*асабий*). Чўзганим йўқ!

Р у з в о н (*чўчиб, ёқа ушлаб*). Вой худо-о-о! Яна нима бало бўлиб кетди?!

З а ҳ р о (*уф тортиб*). Сен қачон тилингни тиясан, Рузвон!

Зафар амаки ғазабдан ўзини босолмай, нари-бери юради.

Илҳом аканинг портретига яқинлашади.

З а ф а р (*баланд*). Кўрдингми, Илҳом?! Бу дунё такаббур, таъмагир худбинлар билан тўлиб-тошди! Одамлар ўртасида заррача меҳру оқибат қолмади! (*Китобларга ишора қилиб, Заҳро холага*) Сиз командамизга хиёнат қилдингиз, Заҳро Самадовна! Эзгу ғояларимизга хиёнат қилдингиз! Эссиз сизга бу олиймақом дурдоналар! Эссиз шунча илм-ҳикмат! Яхши қолинг! Энди сиз билан қайтиб кўришмаймиз! Хайр!

У кескин таъзим қилиб, зарда билан ташқи эшик томон чиқади. Эшикнинг қийиллаб очилиб, қарсиллаб ёпилган товуши эшитилади. Заҳро хола оғир хўрсиниб, орага сукунат чўқади.

Р у з в о н (*эшик томонга, баланд*). Э, бировнинг ризқини биров еёлмайди, дўхтир чойнак! (*Иштаҳа билан торт ея бош-*

лайди.) Дўхтиринг ғирт жинни экан! (Унинг олдига товоқни суриб). Ол, сенам е, Заҳрош.

З а ҳ р о (уф тортиб). Раҳмат, тўйдим...

Р у з в о н (ачиниб). Оранглар бузилгани чатоқ бўлди-да, бориб уни қайтариб келайми?

З а ҳ р о (қўл силтаб). Парво қилма, биз бугун уришиб, эртага ярашиб кетаверамиз.

Орага узоқ сукунат чўкади. Рузвон хола қўлини ишқалаб, ўр-нидан туради.

Р у з в о н. Шўхроқ музикангдан қўйвор. Сенга битта ўйнаб берай, кайфиятинг кўтарилади.

З а ҳ р о. Биласан-ку, менда ҳаммаси симфония.

Р у з в о н. Э, биз “ахборот”гайм ўйнайверамиз.

Заҳро хола олдидаги пультни олиб, мусиқали марказ томон тўғрилаб тугмани босади. Моцартнинг замонавий оранжировкадаги 40-симфонияси янграйди.

З а ҳ р о. Бўладими?

Р у з в о н. Гап йўқ!

Рузвон хола завқланиб рақсга тушиб юборади. У рақс ҳаракатлари воситасида қандай пахта тергани, кетмон чопгани, пешона терини артиб ишлагани, турли азоблар чекиб, қийналиб яшаганини ифодалайди. Кулгили ва ажабтовур вазият юзага келади. Заҳро хола ўйланиб, уни томоша қилиб ўтиради.

Зулмат чўкади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

СОҒИНЧ

Тун. Тунги чироқ ёғдуси остида саҳна хира ёришиб туради. Паст товушда Маъмуржон Узоқов ижросида “Айрилмасин” қўшиғи янграмоқда. Заҳро хола дивандаги ўрнида, Рузвон хола эса ҳар доимгидек гиламга тўшалган ўринда ётади. Бироздан сўнг у уйғониб кетиб, унсиз йиғлаб, тебраниб ўтиради.

Р у з в о н (пиқиллаб йиғлаб). Бўлди... уйимга кетаман...

Заҳро хола уйғониб кетиб, юзини ишқалаб, диванга ўтириб олади. Бош томонидаги пультни олиб, мусиқани ўчиради.

З а ҳ р о (эснаб). Сўраган ашулангни топиб келдим. Яна нимага ухламаяпсан?

Р у з в о н. Невараларимни соғиндим...

З а ҳ р о. Уйингга кетасанми?

Р у з в о н. Йўқ...

З а ҳ р о. Ҳозиргина кетаман, дединг-ку?

Р у з в о н (*хўрланиб*). Биламан, мени кеткиза олмай ҳалак-сан...

З а ҳ р о (*уф тортиб*). Эртага ҳамма уколинг тугайди. Соғинган бўлсанг, бориб, болаларингни кўриб кел.

Р у з в о н. Энди қайси юзим билан уйга кириб бораман? Биламан, энди уларгаям керагим йўқ. Гоҳ белим оғриб, гоҳ еганимни ошлолмай қийналаман. Оёқ-қўлим зирқираб оғриганда жонимни қўйгани жой тополмайман. Туни билан ухлолмай тўлғониб чиқаман. Дўхтирга арз қилсам, “бир чиройлисиз” деб, гапимга қулоқ солмайди. Болаларим “инжиқлик қилаверманг” деб тергашади. (*Қўл силтаб, мунгли*) Э, ота-онанг ўтиб кетгандан кейин хўр бўларкансан одам...

Захро хола дивандан тушиб, бориб чироқни ёқади. Атроф ёришади.

З а ҳ р о. Эллик йилдаям ўзгармадинг-а, Рўзи.

Р у з в о н (*тўнғиллаб*). Букрини гўр тузатади.

З а ҳ р о. Бу сафар нимадан уруш чиқардинг?

Р у з в о н. Памперсдан...

З а ҳ р о. Памперс?

Рузвон хола ўрнидан туриб, чироқни ёқади. Саҳна тўла ёришади. У стол ёнига келиб, стулга ўтиради.

Р у з в о н. Келиним Чарос набираларимни памперсда катта қилди. Иккала ўғли ғирт бефаросат бўлиб ўсяпти. Бу памперс куриб кетгур тўлиб, бижғиб кетсаям алмаштирмайди. Она ўлгур болани шунчалик хор қиладими? Қайнанам раҳматли бешикда ётган боланиям ечиб олиб, эринмай тагини қуруқлаб кўярдилар.

З а ҳ р о. Шунга шунчалик жанжал чиқмагандир?

Р у з в о н. Ўша куни қарасам, Чароснинг кўзи телевизорда, ухлаётган боланинг оғзига қошиқда овқат тикипти...

З а ҳ р о. Хўш?

Р у з в о н. Нима хўш? Қулоғига бир тарсаки қўйиб, болани қўлидан тортиб олдим.

З а ҳ р о (*қизишиб*). Вой, нимага урасан?!

Р у з в о н (*баланд*). Ия, ўпкасига овқат кетиб қолса, нима бўлади?!

З а ҳ р о. Шуни мулойимлик билан ҳал қилсанг бўларди-ку?

Р у з в о н (*чой қуйиб ичиб*). Мен деҳқонман! Сенларга ўхшаб мулойим супурги бўлмайман! Қачон одам бўлади бу ярамаслар, ҳайронман...

З а ҳ р о. Парво қилма, кейин ўзи пушаймон ейди.

Р у з в о н. Йўқ, дўхтир, Рузвонга кейинги пушаймоннинг кераги йўқ! Фарзанд – Худо берган неъмат! Уни хор қилганлар хор бўлади!

З а ҳ р о. Бировнинг боласини бекор урибсан.

Р у з в о н (*қизишиб*). Чарос нимага бировнинг боласи бўларкан? Унга яккаю ягона ўғлимни бердим! Фамилиямни бердим! Бир умр лой чангаллаб қурган уйимни бердим!

З а ҳ р о (*уф тортиб*). Вой, Рўзи ўлмагур, ёмон қаридинг...

Р у з в о н (*йиғламсираб*). Майли, майли, мен шунақа ёмонман!.. Ўларманам, қутуларсизларам...

У бурнини тортиб, пиқиллаб йиғлашни бошлайди. Заҳро хола дивандан туриб, унга яқинлашади.

З а ҳ р о. Яна нимага йиғлаяпсан?

Р у з в о н (*пиқиллаб йиғлаб*). Набираларимни соғиниб кетдим. Шу кунгача бирорта қизим телефон қилмади... Ўғлим телефонини кўтармаяпти... Сени олдингда ер ёрилиб, ерга кириб кетдим...

З а ҳ р о. Уялмай қўявер, мени аҳволим сеникидан баттар.

Р у з в о н. Кучим борида ҳукумат мақтаб-мақтаб, аямай ишлатди. Болаларим “ойижон-ойижон”, деб авраб боқтириб, рўзгорини бутлаб олди. Яқингача кир ювиб, нон ёпиб, овқат пиширардим. Энди кучдан қолиб, соғлиғимдан айрилиб, “Рузвон жинни”га чиқдим. (*Йиғлаб*) Қариганимда шундай хор бўлишимни билганимда эртароқ ўлворган бўлардим. Катта қизим Рисолат: “Индаманглар, ақли кирганда қайтиб келар” деганмиш... Мен шунчалик ёмонманми, Заҳро?

З а ҳ р о (*унинг елкасига қоқиб*). Бўлди, бўлди, йиғлама... Йиғлашдан фойда бўлганида мен ҳам йиғлардим. (*Бирдан жонланиб*) Кел, яхшиси, бугун болаларимизни дуо қиламиз! Йўқ! (*қулочини ёзиб*) Бутун дунёдаги болаларни дуо қиламиз! Иккаламиз йиғлаб намоз ўқиймиз. Худога айтамиз, уларни меҳрибон қилиб қўйсин!

Р у з в о н (*жонланиб*). Давай! Зўр гап!

З а ҳ р о. Аввал тунги уколингни қилиб қўяман.

Р у з в о н (*афти бурушиб*). Яна уколми? Ҳамма ёғимни илма тешиқ қилиб юбординг, золим, аъзойи баданим безиллаяпти.

З а ҳ р о. Дори аччиқ – фойдаси ширин. Бориб таҳорат олиб тур, мен ҳозир кираман.

Р у з в о н. Зўр нарсა ўйлаб топдинг! Гап йўқ, Заҳро!

Рузвон хола ошхона томонга чиқади. Заҳро хола телефонда рақам теради.

З а ҳ р о (*гўшакка*). Алло? Чаросхон? Бу сизмисиз? (*тўхталиб*) Йўқ, ҳаммаси яхши. Рузвон яхши ўтирибди, деяпман, хавотир олманг. Бир келиб кетсангиз, яхши бўларди. (*тўхталиб*) Биламан, сизгаям осонмас, биламан... Энди... қаричилик эканда. Биз – кексалардан ранжиманг, қизим... (*тўхталиб, ялиниб*) Бир келиб кетинг, илтимос. Қари одамнинг кўнгли кўтарилиб қолади, жон қизим.

Зулмат чўқади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

ХИЁНАТ

Кундуз. Кўтаринки руҳда Заҳро хола кириб, енгил ҳаракатланиб, столга дастурхон ёзади. Рузвон хола патнисда идишлар олиб кириб, дастурхонга теради.

Р у з в о н. Умид ўзи телефон қилдимиз?!

З а ҳ р о (*мамнун*). Ўзи!

Р у з в о н. Қачон келаркан?

З а ҳ р о. Соат неччи бўлди?

Р у з в о н. 12:30.

З а ҳ р о. Демак, ҳозир келиб қолишади.

Иккиси шоша-пиша чиқадилар. Бироздан сўнг қаҳ-қаҳ кулган ҳолда, вазаларда мева-чева, қанд-қурс олиб кириб, дастурхонга қўядилар.

Р у з в о н. Келининг Шоира ҳам келяптими?

З а ҳ р о (*қулиб*). Набираларим ҳам келишяпти.

Р у з в о н. Дуоларимиз ижобат бўлибди-да?

З а ҳ р о. Шунақага ўхшайди!

Р у з в о н. Ишонгим келмайди, мени дуойим ижобат бўлса-я!

З а ҳ р о. Нега ишонмайсан?

Р у з в о н. Умид туғилганда роса байрам қилгандик, а?

З а ҳ р о (*қулиб*). Дадасининг қувонганини айт!

Р у з в о н. Ҳа, ўшанда Илҳом ака ўйнаб юборганди.

Улар китоб жавони тепасидаги портретга қараб, бир зум сукутга толиб хотирлайдилар.

З а ҳ р о. У киши ҳар томонлама комил инсон эди.

Р у з в о н. Эрингни жойи жаннатда бўлсин, ўртоқ. Қизим Рисолатни ўлимдан олиб қолган. Рисолат яқинда қиз чиқаради, қизлари бўйга етиб қолди.

З а ҳ р о. Умрнинг ўтишини қара-я, Рузвон.

Эшик қўнғироғи жиринглайди. Аёллар эшик томон буриладилар.

Р у з в о н (*ҳовлиқиб*). Заҳрош, келишди! Келишди!

З а ҳ р о (*ҳаяжонланиб*). Сен уларни бошлаб кириб, ўтқизиб тур!

Р у з в о н. Ўзинг қаёққа?

З а ҳ р о (*ошхона томон чиқа бошлаб*). Кўйлак кийиб олай, халатда кутиб олсам, ноқулай бўлади...

Р у з в о н. Ҳа, тўғри ўйлабсан! Яшнаб турганингни кўрса, ўғлинг қувонади!

З а ҳ р о. Сен яна хар хил гапларни гапириб, ошириб юбормагин, хўпми?

Р у з в о н. Хўп, хўп!

З а ҳ р о. Бор, эшикни оч!

Қўнғироқ жиринглайди. Рузвон хола эшик томон чиқади. Заҳро хола ҳаяжонланиб, ошхона томон чиқади. Эшикнинг қийиллаб очилиб ёпилгани эшитилади. Бироздан сўнг Рузвон хола икки қути олиб кириб, диван ёнидаги столга қўяди. Руҳи тушган ҳолда диванга ўтириб, чуқур хўрсинади. Кейин ошхона томонга яқинлашиб, бўй чўзиб қараб, уф тортиб, бош чайқайди. Келиб диванга ўтириб, қутиларни очиб, улардан кийимлар ва совға-саломларни олиб кўради. Бироз ўтгач Заҳро хола бошқа кўйлак кийган ҳолда, ўзига оро бериб, кириб келади. Рузвон хола ноқулай аҳволга тушиб, ўрнидан туради.

Р у з в о н (*беўхшов хиринглаб*). Қара, Заҳро... совғалар... кўпгина...

Заҳро хола атрофга аланглаб, меҳмонларни қидиради.

З а ҳ р о (*ҳайрон*). Улар... Қани улар?..

Р у з в о н (*ноқулай*). Ҳа... ҳалиги... биласанми, Заҳро... Уларнинг иши чиқиб қолибди...

З а ҳ р о (*ларзага тушиб*). Ах?! Қанақа иш?!

Р у з в о н. Дам олгани кетишаётган экан... (*чайналиб*) ҳалиги... экан... ўшанга... (*қутиларга имо қилиб, кулиб*) Ҳа, бу ёққа келмайсанми? Совғаларни кўр...

Орага узоқ сукунат чўкади. Заҳро хола карахт ҳолда бироз нари-бери юргач, гандираклаб келиб, стулга ўтиради.

З а ҳ р о. Буларни нимага олиб қолдинг?

Р у з в о н. Анави бола ўзи ташлаб кетди.

З а ҳ р о (сарҳуш). Қайси бола?

Р у з в о н. Қўшнингнинг боласи.

З а ҳ р о. Ҳм... Тушунарли...

У ўзини ёмон ҳис қилиб, юрагини ишқалаб, чуқур хўрсинади.

Рузвон хола унга яқинлашиб, пиёлага чой қуйиб қўлига беради.

Р у з в о н. Қўйлагинг рос-са ярашибди, дугон...

З а ҳ р о (чай хўплаб). Раҳмат...

Р у з в о н. Қўй, сиқилма...

З а ҳ р о (руҳсиз). Хўп...

Р у з в о н (унинг елкасини силаб). Сен йиғлаб юборгин, бир-пасда енгил тортасан. Ё бўлмаса, бақириб-чақириб, идишларни синдириб ташла. Бунисида тезроқ қўйворади, тажрибамдан ўтган. Мен доим шунақа қиламан.

З а ҳ р о (қўлини олиб ташлаб). Бас қил...

Рузвон хола бориб, қутидаги совғаларни олиб қўрсатади.

Р у з в о н. Қара, дугон, юборган совғалари қимматбаҳо экан. Нимага хафа бўласан? Меникилар ўраб турган рўмолимни олиб қочади. Тўртта қизнинг дастидан чўлтоқ супургимам омон қолмайди. Қорни оғриб қолсаям, меникига югуради. Яна дегин, тўртта боласи билан келиб, уйимда ётиб олиб, қувиб солмагунимча кетмайди. (*Қутидаги қўйлакни текшириб, сукутдан сўнг*). Совғалари қимматбаҳо экан, зўр қўйлаклар юборишибди. Кел, ўзинг бир кўргин.

З а ҳ р о (хохолаб кулиб). Мана қўйлак... (*эгнидаги қўйлакни қўрсатиб*) Қўйлагим бор мени... бир шкаф қўйлагим бор...

У қотиб кула бошлайди, Рузвон хола эса кўрқиб, унинг пешонасини ушлаб кўради.

Р у з в о н (йиғламсираб). Ўзингни бос, дугон!.. Мени кўрқитма... Ҳа, жинни бўлиб қолдингми?! Вой, менгина ўлай!

Заҳро хола борган сари хохолаб кулади.

Зулмат чўкади.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

КЕЛИН

Ташқи эшик томондан Захро хола ва қулоғига телефонини босган ҳолда Чарос кирадилар.

З а ҳ р о (*қувониб*). Кираверинг, қизим, хуш келибсиз.

Ч а р о с (*телефонга*). Салом, азизим, салом!

З а ҳ р о. Алайкум ассалом, қизим...

Ч а р о с (*телефонга*). Бу саломларингиз билан жонимга тегиб кетдингиз!

Захро хола бу гапни эшитиб, хижолатдан бошини эгади.

З а ҳ р о. Вой, биздан хафа бўлманг... Қаричилик-да, болам, қаричилик.

Ч а р о с (*телефонга*). Нимага ҳадеб телефон қилаверасиз?

З а ҳ р о. Бир марта қилдим, холос... Шунгаям хафа бўласизми?

Ч а р о с (*телефонга*). Бўлди! Бошқа телефон қилманг!

З а ҳ р о (*бош силкиб*). Хўп, Чаросхон, хўп...

Ч а р о с (*телефонга, баландроқ*). Ҳой, дадаси! Дадаси, деяпман! Мен етиб келдим! Кейинроқ телефонлашамиз!

Захро хола ортига бурилиб қараб, вазиятни тушунгач қулиб юборади.

З а ҳ р о. Э, телефонда гаплашяпсизми? Бемалол гаплашиб олинг, бемалол. (*Ошхона томон чиқа бошлайди.*) Мен сизга чой ҳозирлайман, Чаросхон, ҳозир, ҳозир!

У чиқади. Чарос телефонини ўчириб, стулга ўтириб, уф тортади. Рузвон ошхона томондан кириб, бир четда беркиниб, Чаросни кузатади. Ортидан Захро хола ҳам мўралайди. Иккиси бир-бирига имо-ишора қиладилар. Чароснинг телефони яна жиринглайди. У телефонни олиб, асабийлашиб уф тортади.

Ч а р о с (*телефонга*). Яна нима бўлди, дадаси? Қанақа муҳим гап? (*тўхталиб*) Айтдим-ку, сиз хамирни қориб қўяверинг. Хамир кўпгунча етиб бораман. Золушка билан борсам, Золушка ўзлари ёпадилар.

З а ҳ р о (*Рузвонга*). Золушка ким?

Р у з в о н. Ким бўларди, мен-да...

Ч а р о с (*телефонга*). Хамирни қалинроқ ўраб қўйинг, дадаси. (*Тўхталиб*) Хўп бўлади, сиз ҳам ўзингизни эҳтиёт... Ҳадеб телефон қилаверманг, одамлар устимиздан кулишяпти. Бўпти, бўпти.

У телефонини ўчириб, сумкасига солиб, атрофни кўздан кечиради. Беркиниб турган Рузвон хола шошилиб ошхона томон чиқади. Захро хола эса Чаросга яқинлашади.

З а х р о. Чаросхон, сиз билан очиқчасига гаплашиб олсам майлими?

Ч а р о с (*елка қисиб*). Майли, Захро хола. Нима гап?

З а х р о (*босиқ*). Дугонам Рузвон ҳам қариб қолди. Унинг анчагина мазаси йўқ.

Ч а р о с (*қошини чимириб*). Ёш кетаман деб, қари ўламан, деб қўрқитаркан. Ҳозир ҳамма касал, Захро хола. Ёш бўла туриб биз ҳам соғ эмасмиз.

З а х р о (*ўкиниб, бош силкиб*). Бир кун келиб сиз ҳам кексаясиз, ўшанда аҳволимизни тушуниб етарсиз. Бу дунё – қайтар дунё. Қилган ҳар бир амалингиз, айтган сўзингиз акс садодек қайтиб келади.

Ч а р о с (*уф тортиб*). Менгаям осон тутманг, хола.

З а х р о (*баланд*). Нима жафо етди сизга?! Нима қийинчилик кўрдинглар ўзи?!

Ч а р о с. Сиз нимадан норозисиз, менга шуни айтинг?

З а х р о. Эрингиз сизга ҳар беш минутда телефон қилади. Аммо онасига бир ойда бир марта телефон қилмайди! Она шўрликдан на ўғли, на қизи хабар олади. Ўзим чақиртириб келдим сизларни! Одамлар ити йўқолиб қолса, кўчама-кўча, шаҳарма-шаҳар қидиради.

Чароснинг сабри тугаб, ўрнидан туриб кетади.

Ч а р о с (*баланд*). Бу гапни ўз болаларига айтинг! Келин бўлсам ҳам, дугонангизни олиб кетгани келдим!

З а х р о (*кесатиб*). Сизга текин ошпаз, текин новвой керак, Чаросхон! Шунинг учун келдингиз! Кир-чирларингиз анча-мунча тўпланиб қолгандир?!

Ч а р о с (*уф тортиб*). Ўз киришни ўзим ювиб оламан! Ростини айтсам, қайнонам уйдан кетиб, бироз қулоғим тинчиб, жоним ором олди.

З а х р о (*баланд, нафратли*). Бу нима деган гап?!

Ч а р о с. Менга осон тутманг, хола. Сиз шаҳарда яшайсиз, қишлоқ ҳаётини тушунмайсиз. Бизнинг уй арининг уясига ўхшайди. Ҳар куни уй тўла меҳмон. Қавму қариндош, тўртта қайинсингил... бола-чақаси билан...

З а х р о. Хонадон одам билан обод.

Ч а р о с. Аммо ҳаммаси нон ўрнига ғам-ғашини кўтариб келади. Ойимнинг топганини еб, асабини бузиб, иштаҳасини бўғиб қайтиб кетади. У киши бўлса бор аламларини мендан оладилар... (*Кўзига ёш олиб, бўғилиб*) Мен ҳам... мен ҳам пул топиш учун кўчада зир югуриб ишлайман. Уйда бир олам меҳнат қиламан. Баъзида эрталаб ёпган ноним кечқурунгача етмайди. Ҳаммага катта қозонда ош дамлаб, ўзим қирмоч ейман... (*Ув тортиб йиғлаб*) Менга осон тутманг, хола, осон тутманг!..

Қўлида тугуни билан йўлга отланган Рузвон хола югуриб киради. Тугунини столга қўйиб, югуриб келиб Чаросни қучоқлаб олади.

Р у з в о н. Вой, менгина ўлай! Сизни ким хафа қилди, қизим?! Ким?! Нимага йиғлаяпсиз?! (*Захрога*) Сен хафа қилдингми уни, тошбағир?!

З а ҳ р о (*совуқ*). Кечирасан, Рузвон, бироз қизишиб кетдим...

Р у з в о н (*ғазабланиб, баланд*). Йўқ, Захрош, бунисини кечиролмайман! Чаросни хафа қилган одамни ҳеч қачон кечирмайман! (*У столдаги тугунини олиб, Чаросга узатади.*) Қизим, сиз ташқарида кутиб турунг. Ҳозир бу золимнинг таъзирини бериб қўяман!

Чарос тугунни олаётганда, тугундан халтага солинган даста-даста пуллар тушиб, гиламга сочилиб кетади. Захро хола пулларни кўриб, ғазабланиб Рузвон холага қарайди. Рузвон хола эса хижолат бўлиб, ноқулай аҳволда бошини қашлайди.

З а ҳ р о (*тикилиб, баланд*). Пулинг бор экан-ку, бойвучча?!

Р у з в о н (*сохта хиринглаб*). Бу пул эмас, Захро!

З а ҳ р о (*баланд*). Пул бўлмаса, нима бу?!

Рузвон хола гиламда ётган пулларни олиб тугунга солади ва Чаросга ушлатиб қўяди.

Р у з в о н (*дудуқланиб*). Бу – ўлим... Э-э-э... Ҳм-м-м... Ўлимлик!.. Ўлимлик бу, Захрош, бу пулмас!

З а ҳ р о (*эшикка ишора қилиб, баланд*). Йўқол бу ердан! Муттаҳам товламачи!

Р у з в о н (*чўчиб, дудуқланиб*). Захрош?! Кечирмай... ман... ман дедим-а! Ман!..

З а ҳ р о (*бақириб*). Кечирмасанг, кечирма!

Р у з в о н (*қўлини бигиз қилиб*). Қайтиб уйингга қадам босмайман!

Ч а р о с (*қўрқиб, қалтираб*). Илтимос, мени деб уришманглар! Илтимос!

З а ҳ р о (*эшикка ишора қилиб*). Сен ҳам йўқол!

Р у з в о н (*гердаиб, дўқ уриб*). Ҳой, сен мени келинимга бақирма! Бунга ҳаққинг йўқ! Билдингми?! Бу қиз мени суянган тоғим! Билдингми?! Ҳаққинг йўқ дўқ қилишга! (*Чаросни кучоқлаб, чиқиш эшиги томон етаклайди.*) Юринг, қизим, кетдик. Бу ерга қадам босмайман энди!

Ч а р о с (*қўрқиб, ялиниб*). Мени деб уришманг, ойижон!.. Илтмос!..

Р у з в о н. Сизга бақирса, қандай чидай, қизим! Мен бунга чидолмайман! Кетдик, қизим, кетдик!

З а ҳ р о (*баланд*). Жўна-жўна!

Р у з в о н (*жириллаб*). Тошбағир! Золим!

Рузвон хола билан Чарос етаклашган ҳолда ташқи эшик томон чиқадилар. Қўмсаш қуйи янграй бошлайди. Заҳро хола пиёлага чой қуйиб ичиб, ўзини босишга ҳаракат қилиб, бироз столга таянганча туриб қолади. Кейин чуқур уф тортиб, стулга ўтириб, бошини чангаллайди. Ташқи эшик томондан Рузвон хола ботинмайгина кириб, аста томоқ қиради.

Р у з в о н (*сўниқ, қайғули*). Заҳрош, ҳалиги... мен кетяпман...

З а ҳ р о (*юзини буриб*). Кетсанг кетавер...

Р у з в о н (*ялиниб*). Мендан хафа бўлма, Заҳрош... (*Кўнгли бузилиб*) Балки, бошқа қайтиб кўришмасмиз, Заҳрош... Мен ҳам қариб қолдим, беш куним борми ё йўқми... (*сукунат*) Балки, шу билан у дунёда учрашармиз...

З а ҳ р о (*совуқ*). У дунёда ҳам тинчитмас экансан-да...

Р у з в о н. Қўй, ўртоқ, кўнглимни синдириб жўнатма... Шунча боқдинг, даволаб қўйдинг. Бешта болам бўлгани билан бойкушдек ёлғизман, ўртоқ... Сендан бошқа меҳрибоним йўқ...

З а ҳ р о. Нимага ўлимлик йиғасан, тентак? Шу пулларга даволансанг бўлади-ку?

Р у з в о н. Эл-юртнинг олдида обрў билан ўлайми, ахир?

З а ҳ р о. Ўладиган жонга обрў нимага керак?

Р у з в о н. Обрў болаларга керак, менга эмас. (*Ортидан келиб, маҳкам кучоқлаб*) Мени кечирдингми? Муросаи мадора учун келинимни ёнини олган бўлдим-да, ўзинг тушунасан-ку.

З а ҳ р о (*юмшаб, жилмайиб*). Ҳа, майли, уйингга қайтавер. Сендан хафа эмасман.

Р у з в о н (*ўпиб*). Раҳмат, Заҳрош, раҳмат! Борингга шуқур, Заҳрош! Кел, энди сафар олдидан бир дуо қилишайлик! (*Унинг ёнига ўтириб*) Илоҳо омин! Илоё иловандо! Иккаламизам юзга

етиб яшайлик, ошимизни ошайлик! Қилганимиз тўй бўлсин, сўйганимиз қўй бўлсин! Ўлганимиздан кейин жаннатнинг қоқ центрига тушайлик! Дўсту душманларни ичини куйдириб, у дунёдаям ўйнаб-кулиб юрайлик! Омин!

У фотиҳа ўқиб, ўрнидан сакраб туради. Заҳро хола унга қўша фотиҳа ўқигач кўнгли бузилиб, ўрнидан туриб, уни маҳкам кучоқлайди.

З а ҳ р о. Бора қол, Рузвонгул, ўзингни эҳтиёт қил! Хайр!

Р у з в о н. Бўпти, мен кетдим! (*йиғламсираб*) Хайр, Заҳрош! Мен кетяпман, Заҳрош! Яхши қол, Заҳрош!

З а ҳ р о (*юраги эзилиб*). Яхши бор, Рузвон!

Р у з в о н. Қайтиб кўриша олмасак, алвидо, Заҳрош!

З а ҳ р о. Алвидо, Рузвон!

Р у з в о н. Алвидо!

У илдам юриб чиқади. Заҳро хола унинг ортидан қўл силкиганча қолади.

Зулмат чўқади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

ЎҒИЛ

Майин мусиқа янграмоқда. Кўзойнак таққан Заҳро хола китоб ўқиб, диванда ўтиради. Бозорлик халтача кўтарган ўғли Умид ташқи эшикдан кириб, онаси билан саломлашмоқчи бўлади. Аммо худди шу пайтда Заҳро холанинг телефони жиринглайди. Умид халал бермаслик учун келганини сездирмай, бир четда қутиб туради. Заҳро хола кўзойнак ва китобини столга қўйиб, телефонини қўлга олади.

З а ҳ р о (*телефонга*). Лаббай? (*Тўхталиб*) Тўғри тушунинг, қўшни, энди мен синглингизни даволай олмайман. Уни бугуноқ клиникага олиб боринг. Бир амаллаб операцияга кўндиринг. (*Тўхталиб*) Кўрқади, деганингиз нимаси? Унга тушунтиринг, бу хавфли операция эмас. (*Тўхталиб, баланд*) Йўқ, йўқ, бошқа иложи йўқ. (*Тўхталиб*) Пулми? Ҳа, майли, сиз клиникага олиб бораверинг-чи, кейин бир гап бўлар. Мен ҳозироқ жарроҳ Сафаровга кўнғироқ қиламан. (*Тўхталиб*) Бўпти, бўпти, хотиржам бўлинг.

Заҳро хола Умидни кўрмай, телефонида рақам теради. Паст товушда узун гудок кета бошлайди. Умид қўлидаги пакетларни столга қўйиб, Заҳро холага яқинлашади.

У м и д (*жилмайиб*). Салом, ойижон!

З а ҳ р о (*қўриб, ҳаяжонда*). Умид?! Алайкум ассалом, болажоним! (*Ўрнидан туриб, Умиднинг елкасига қоқиб, кўзларига тикилиб*) Қандай яхши! Сениям кўрадиган кун бор экан-а!..

У м и д (*бош силкиб*). Сиз эса ҳар доимгидек бандсиз.

З а ҳ р о (*тўхталиб*). Ҳа, ўғлим... Бандман... Бандман.

У м и д. Кўришмаганимизга ҳам икки ой бўлибди...

З а ҳ р о (*мунгли жилмайиб*). Икки ою ўн бир кун... (*Елкасига қоқиб*) Бир дақиқа, Умид. (*Телефонни қулоғига тутиб*) Ҳа, Шокиржон? Алайкум ассалом! Шокиржон, сизга хизмат бор. Бугун қабулингизга бир беморни юбораман. (*Тўхталиб*) Унинг ўт қопчасида тоши бор. Лекин тўлов пулини операциядан кейин топширади. (*Тўхталиб, асаби бузилиб, совуқ*) Ўзим кафолат бераман, Шокиржон, ўзим... Йўқ, Зафар Сафаровичнинг бунга алоқаси йўқ. Ташвишланманг... Хўп, кейин гаплашамиз, ҳозир олдимда одам бор... (*Телефонни ўчириб, оғир хўрсиниб, Умидга*) Ўғлим, ишларинг яхшими? Болаларинг тузукми? Шоира яхши юрибдими?

Захро хола гаплашаётган чоғда Умиднинг феъли айниб, нари-бери юришга бошлаган эди, таққа тўхтайди.

У м и д (*кинояли*). Олдимда одам бор, денг.

З а ҳ р о (*хижолатда*). Келганингдан беҳабар Шокиржонга қўнғироқ қилиб қўйгандим.

У м и д. Баъзан, ойижон, дилимда ғалати бир шубҳа уйғонади.

З а ҳ р о. Қандай шубҳа?

У м и д. Балки, мен сақланди боладирман?

Захро хола бир зум унга тикилиб қолади. Кейин Илҳом аканинг китоб жавони устидаги портретига ишора қилади.

З а ҳ р о. Дадангнинг суратига қарасанг, шубҳага ўрин қолмайди.

У м и д (*суратга қараб қўйиб*). Менимча, дадам ўта тентак ё ўта тошбағир одам бўлган.

З а ҳ р о (*баланд*). Даданг буюк инсон эди! Унга тил теккизма!

Умид портретга яқинлашиб, отасининг сиймосига тикилади ва ижирғаниб юзини четга буради.

У м и д. Лақма эрингиздан авлиё ясаманг, ойижон. (*Қулочини ёзиб*) Ундан на молу дунё, на ному нишон қолди... (*Кўрсатгич бармоғини чаккасига уриб*) Шифокор бўла туриб, ҳатто ўз ҳаётини ҳам асраб қололмади.

З а ҳ р о (*баланд*). Тилингни тий, Умид!

У м и д. Отам буюк инсон бўлганида, мен бир хонали квартирада қолмасдим. Нима учун мени шунчалик ёмон кўрасиз, тушунолмайман!

З а ҳ р о. Қаердан олдинг бу гапни? Ким ўз боласини ёмон кўради?

У м и д (*Захрога яқинлашиб*). Синфдошим Фаррух эсингиздами?

З а ҳ р о. Эсимда. Унинг оёғини операция қилганмиз.

У м и д. У ҳозир сизни умуман эсламайди.

З а ҳ р о. Бунинг менга қизиғи йўқ.

У м и д (*қизишиб*). Менга эса қизиғи бор. Жудаям қизиғи бор. Сиз ҳар куни Фаррухнинг оёғини силаб ўтирардингиз. Дадам ҳам кун оша ундан хабар оларди. Ўшанда Фаррухга ҳавасим келган. Чунки менга – ўз болангизга шунчалик меҳр бермагансиз.

З а ҳ р о (*баланд*). Сен соғлом эдинг, ўғлим! Фаррух эса дард билан қурашаётган бемор эди!

У м и д. Йўқ, мен ҳам соғлом эмасдим. Боғчадаям, мактабдаям, ўз уйимдаям бегоналарнинг кўзига мўлтираб ўсганман. Дадам иккинги кечаю кундуз касалхонада бўлардинглар. Мен эса қўшни хотин олиб чиққан совуқ бўтқани еб, тунлари ухлолмай, босинқираб тонг оттирардим. (*Сукутга толиб, нари-бери юриб*) Ўша пайтларда “Катта бўлсам, фақат болаларим учун яшайман” деб ният қилгандим. Шунинг учун ҳамма нарсани унутиб, тиним билмай ишладим. Мана энди мен ўзига тўқ савдогарман. Менинг болаларим меҳргаям, пулгаям муҳтожмас.

Захро хола айбига иқрор бўлгандек, маъюс бош силкиб, столдаги боя ўқиётган китобини олиб, жавонга қўяди.

З а ҳ р о (*хўрсиниб*). Агар кечира олсанг, бизни кечир, Умид. (*Сукут*) Тузум ўзгарган йилларда олган маошимиз рўзғоримизга базўр етарди. Баъзилар бойлик илинжида қасамга хиёнат қилди. Баъзи шифокорлар иш қидириб хорижга кетди. Аммо биз кетмадик, ишлашда давом этдик. Тақчиллик, қимматчилик авж олиб, халқимиз ҳаёти оғирлашди. Шифохонадаги ишларимиз қийинлашиб, даданг йигирма соатлаб ишлаган кунлар ҳам бўлди. (*Портретни силаб*) Бир куни у юрак хуружидан гуппа йиқилиб... операция столи ёнида жон берди...

У ўзини туюлмайд китоб жавонига юзини тираб, унсиз йиғлайди.

У м и д (*сукутдан сўнг*). Нима учун ишладинглар? Ким сизлардан сўради?

З а ҳ р о (*кўзёшини артиб, бош чайқаб*). Ҳеч ким... ҳеч ким... (*чуқур хўрсиниб*) Биз ўз хоҳишимиз билан ишладик... Мана шу китоблар бизга ўзгалар дардига йиғлашни ўргатган. (*Китобларни силаб, мунгли жилмайиб*) Даданг иккимиз хаёлпараст романтиклар эдик. Афғонистонлик, эфиопиялик болалар аҳволига ачиниб, ўзимизни туюлмайд йиғлаб юборардик. Қайси юрак билан ўз халқимизни ташлаб кетардик?

У м и д. Сизлар ўзгалар дардига йиғладинглар. Бундан кимлардир фойдаланди, зарарини бўлса мен кўрдим. Инсон энг аввал ўз боласини севиши керак! Ўз боласини!

З а ҳ р о. Йўқ! Ундай эмас! Бу хато фикр, ўғлим. Ҳайвон ҳам ўз боласини сева олади. Асраб-авайлаб, ҳимоя қилади. Аммо бу – оддий ҳайвоний инстинкт. Фақат инсон ўзгалар бахти учун ўзини қурбон қилади, ўзгалар дардига йиғлайди. Мана кўрасан, яқин келажакда ҳамма мамлакатлар бирлашиб, худбинлик балосини йўқ қиладилар. Натижада ер юзидаги қирғинбарот урушлар тугайди. Ҳамма бир-бири учун қайғуриб яшашни бошлайди.

У м и д (*бош чайқаб*). Ҳеч қачон бундай бўлмайди, ойи.

З а ҳ р о (*қизишиб*). Албатта, шундай бўлади, Умид. Вақти келиб инсоният тубдан ўзгаради. “Бировнинг фарзанди, бировнинг ота-онаси” деган тушунчалардан асар ҳам қолмайди. Бу оламдаги зулм-жаҳолат изсиз йўқолиб, ўрнида меҳр-муҳаббат пайдо бўлади.

У м и д. Адашяпсиз, ойи! Аксинча, дунё йил сайин тубанлашиб боради. Ҳар доимгидай кучлилар кучсизларни ейди. Айёрлар соддаларни алдаб, эшак қилиб минади.

Заҳро хола Умиднинг ортидан келиб, унинг бошини силаб, кўзларига тикилади.

З а ҳ р о. Инсон эзгуликка ишониб, умид билан яшаши керак. Ҳозир дунё халқлари бир-бирига ёрдам бериб, ўзга миллатларни қучоғига оляпти. Наҳотки биз ўзаро меҳр улашиб яшолмасак? (*Умиднинг қаршисига ўтиб, қулоч ёзиб, руҳланиб*) Фараз қил, сенинг боланг ё боғчада, ё мактабда, ёки армияда юради. Ҳамма унга меҳрибонлик кўрсатиб, кўз қорасидек асраб-авайлайди. Сен ҳам бировларнинг боласини эҳтиёт-

лаб, йўл-чўлларда ҳимоя қиласан. Оқибатда жамики болалар меҳр-муҳаббатга кўмилиб яшайди. Меҳр ичида яшаш Аллоҳнинг бағрида яшаш билан баробар. Ахир, Аллоҳнинг биринчи исми Меҳр, шундай эмасми?!

У м и д (*жилмайиб, ўйчан*). Албатта, бу ёқимли орзу, ойи... Аммо ҳаёт бошқа, китоб бошқа...

З а ҳ р о (*жавон ёнига келиб, китобларни силаб*). Сен китобни танимас экансан, ўғлим. Китоб – инсониятни шу даражага юксалтирган мўъжиза. Китоб – хаёлпарастлар орзу қилган вақт машинаси. Китоб сенга оламни чинакамига ҳис қилишни, ҳаётни чуқур англашни ўргатади. Илмсиз нодон тўплаган мол-дунёсидан айрилади. Аммо китобхон эгаллаган маънавий бойлик у дунёда ҳам ўзиники бўлиб қолади. Бу китобларни сен учун, сенинг болаларинг учун тўплаганман. Мендан сенга қоладиган бебаҳо мерос мана шу дурдоналар.

Орага узоқ сукунат чўқади. Умид ўрнидан туриб, унга яқинлашиб, бағрига босади.

У м и д (*жилмайиб*). Эҳ, менинг хаёлпараст ойижоним! Келинг, бошқа тортишмайлик. Сизни жудаям соғинганман... (*сукутдан сўнг*) Айтгандай, Рузвон холам келиб турибдими?

З а ҳ р о. Рузвон холанг энди келмаса керак. У билан уч ой олдин видолашиб хайрлашганмиз.

У м и д (*кулиб*). Шунақа денг! Оббо сиз-ей! (*стол ёнига бориб, халталарга ишора қилиб*) Бугун сизга бир ош дамлаб берай, деб масаллиқ олиб келдим.

З а ҳ р о (*қувониб*). Буни қара-я! Қандай яхши!

У м и д. Ошга уринавераёми?

З а ҳ р о. Дадангга етказиб дамлай оласанми?

У м и д. Ўзингиз баҳо берарсиз.

З а ҳ р о (*қувноқ*). Демак, ёлғиз ўзимиз ошхўрлик қиламиз?

У м и д. Ҳа, ҳеч кимни қўшмаймиз!

З а ҳ р о. Мазза қилиб, дийдорлашиб ўтирамиз!

У м и д (*унинг юзидан ўпиб*). Кун бўйи!

З а ҳ р о (*хитоб қилиб*). Эҳ, ажойиб кун бўляпти-да бугун!

Умид масаллиқ солинган халталарни кўтариб, ошхона томон чиқади. Заҳро хола шодлиги ичига сиғмай, илдам ҳаракатланиб, стол-стулни тартибга келтира бошлайди. Бироздан сўнг ташқи эшик томондан бошига катта тугун қўйиб, икки қўлида биттадан тугун кўтарган Рузвон хола киради. Заҳро хола бундан беҳабар югуриб столдаги вазага сув қуюди. Столга

дастурхон ёзиб, қарсуриб чапак чалиб, кескин ортига бурилади. Бирдан Рузвон холани кўриб, қўлларини юқорига қўтарган ҳолда қотиб қолади. Уни хаёлий рўё деб ўйлаб, фикри чалкашади.

Заҳро (шоша-пиша). Ло илоҳа иллал-лоҳ! Иллал-лоҳ! Суф! Суф! (қўлларини баробар силтаб) Даф бўл! Ғойиб бўл, ажина!

Рузвон (минғирлаб). Заҳрош, мен келдим...

Заҳро (қўрқиб, баланд). Рузвон?! Ўзингмисан?!

Рузвон (тугунларини диванга ташлаб). Ўзимман, дугон, ўзимман... (кучоғини очиб) Мен бутунлай келдим, Заҳрош, бутунлай!

Заҳро (эсхонаси чиқиб). Нима?!

Рузвон (кучоғини очиб). Кел, бир кучоқлай, меҳрибоним!

Заҳро. Янами?! (эшик томон ишора қилиб) Ҳозироқ уйингга жўна! Жўна дедим сенга!

Ташқаридан шахдам одимлаб, папка қўтарган Зафар амаки киради.

Зафар (қувноқ). Заҳро Самадовна, қаердасан?!

Рузвон хола уни кўриб, қўрқиб ортига тисарилади.

Рузвон (баланд). Ух! Дўхтир чойнак!

Орқасига юриб, диванга урилиб, боши ва қўлидаги тугунлар полга тушиб, ўзи диванга ўтириб қолади.

Заҳро (умидвор). Янгилик борми, доктор?

Зафар (папкани кўз-кўзлаб). Суюнчи бер, дўстим! Иккала-мизни клиникага ишга тайинлашди!

Заҳро (чапак чалиб). Ура! Яшасин клиника!

Зафар. Шахсан вазирнинг ўзи бу ишга бош-қош бўлибди!

Заҳро. Вазирга ҳам респект! Ура!

Зафар. Ҳа-ҳа-а-а! Мана энди уларга қандай ишлашни ўргатиб кўямиз! Юр, кетдик, бизни кутишяпти!

Заҳро (елка қисиб). Лекин...

Зафар. Нима лекин?

Заҳро. Умид шу ерда... У ошга уриняпти...

Зафар. Бориб шартномага қўл кўямиз-у, қайтамиз!

Заҳро. Аммо биз ўғлим билан эндигина ярашдик...

Зафар. Бўла қол, доктор, майда гаплар билан бошимни қотирма! Бизни буюк ишлар кутяпти!

Заҳро (бош силкиб, кўниб). Рузвон!

Рузвон (дивандан сакраб туриб). Лаббай, Заҳрош?

Заҳро. Умид икковинглар ош дамланглар, биз тезда қайта-та-миз.

Рузвон. Бўлди! Ҳаммасини бажарамиз! Сен бемалол кетавер!

Заҳро (ошхона томонга қичқириб). Умид! Биз тезда қайтамыз! Сен ошни дамлайвер! (Зафар амакига) Қани дуо қилинг, доктор!

Зафар (фотиҳага қўл очиб). Илоҳим, бошлаган ишимиз хайрли бўлсин!

Рузвон (фотиҳага қўл очиб). Омин! Мениям бепул даволаб турунглар!

Зафар. Ҳа, бўпти! Яна аввалгидек беморларни даволаб, элу юрт дардига малҳам бўлиб юрайлик! Омин!

Заҳро. Омин!

Заҳро хола ва Зафар амаки шоша фотиҳа ўқиб, илдам юриб чиқадилар. Рузвон хола полдаги тугунларини олиб диванга қўяди. Тугунидан халатини олиб, эгнига кияди.

Рузвон (хиргойи қилиб). Қолдим қариб, бўлдим ғариб... Зор йиғладим дўст ахтариб...

Ошхона томондан қўлида капгир билан, белига фартук боғлаган Умид киради.

Умид. Боя нима дедингиз, ойи, тушунмадим? (Рузвонни кўриб) Э, келинг, Рузвон хола.

Рузвон. Келдим, Умиджон. (Умид билан кўришиб) Болаларинг яхшими? Ўзинг яхши юрибсанми?

Умид. Раҳмат. (атрофга қараб) Ойим қанилар?

Рузвон. Ойинг тезда қайтади.

Умид. Қаерга кетдилар?

Рузвон. Ишга.

Умид (ҳайрон). Ишга? Қанақа ишга?

Рузвон. Ойинг клиникага ишга кирди.

Умид (энсаси қотиб). Ия, ош нима бўлади?

Рузвон (қўлини кўксига уриб). Ошни мана биз еймиз-да, оқаси! (хохолаб қулиб) Ошхўрга – ош дунё! Ишхўрга – иш дунё!

Қувноқ қуй янграйди. Умиднинг асаби бузилиб, уф тортади. Капгирни столга ташлаб, стулга ўтириб бошини чангаллайди.

ТАМОМ

Шуҳрат РИЗО



1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини тугатган. Адабиётшунос, драматург, санъат танқидчиси. Ш. Ризаевнинг “Жадид драмаси” (1997), “Жамият кўзгуси” (ҳаммуаллифликда, 2005), “Завқий ижодида фольклор мотивлари” (ҳаммуаллифликда, 1987), “Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари” (1993), “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” (ҳаммуаллифликда, 2005), “Саҳна маънавияти” (2000), “Маънавият манзиллари” (2008), “Сурат ва сийрат чизгилари” (2010), “Изтироб санъати” (2017), “Баҳодир Йўлдошев” (2017) каби асарлари чоп этилган. “Дискоотека”, “Эзгулик йўли”, “Искандар”, “Она”, “Залолат” (А. Йўлдошев билан ҳамкорликда) сингари драматик асарлари пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилган. Ҳозирда “Ўзбеккино” миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда.

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШ



1962 йилда Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган. Тошкент Политехника институти (ҳозирги Техника университети)ни тугатган. Ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. “Қаро қўзим. Шайх ур-раис” (1990), “Сунбуланинг илк шанбаси” (1998), “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” (2003), “Парвоз” (2004), “Бир тун ва бир умр” (2007) каби китоблари нашр этилган. Р. Бредбери, А. Кристи, Ф. Бранун, Э. Поттер ҳикояларини, Е. Березиковнинг “Буюк Темур” романини (Ҳ. Шайхов билан ҳамкорликда), П. Шермуҳамедовнинг “Буюк Хоразмий” романларини ўзбекчага таржима қилган. Адиб асарлари асосида пойтахт театрларида “Пуанкаре”, “Залолат” (Ш. Ризаев билан ҳаммуаллифликда) спектакллари саҳналаштирилган. Қатор сценарийлари асосида фильмлар суратга олинган. Айни вақтда “Адолат” газетасида фаолият юритмоқда.

ЗАЛОЛАТ

Ёш томошабинлар театри учун пьеса

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Д и л а ф р ў з – коллеж ўқувчиси.
 Н а ф и с а – коллеж ўқувчиси.
 Н и г о р а – коллеж ўқувчиси.
 Ф а р и д а – коллеж ўқувчиси.
 У с м о н – коллеж ўқувчиси.
 Қ о д и р – коллеж ўқувчиси.
 Ж а л о л – коллеж ўқувчиси.
 И л ё с – коллеж ўқувчиси.
 Ф е р у з а (*Фотима*) – коллеж ўқувчиси.
 О з о д а (*Оиша*) х о л а – Ферузанинг онаси.
 А м р и л л о а к а – Ферузанинг отаси.
 Б а р н о о п а – коллеж ўқитувчиси.
 Н о с и р а к а – коллеж ўқитувчиси.
 Б а х т и ё р (*Бахтий*) – бекорчи йигит.
 Ш е р з о д – унинг ўртоғи.
 Д и л о р о м х о л а – Дилафрўзнинг ойиси.
 Коллеж ўқувчилари, эр-хотин, милиционерлар, терговчи,
 қиз-жувонлар.
 Воқеа шу кунлари шаҳарда содир бўлади.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Дискотека.

Ёниб-ўчаётган чироқлар, шовқинли хориж мусиқаси, рақс тушаётган йигит-қизлар. Рақс тушаётганлар орасида коллеж ўқувчилари Дилафрўз, Нафиса, Нигора, Фариди, Усмон, Қодир, Жалол, Илёс бор.

Бир мусиқа кейингисига уланиб кетади. Ўқувчилар стол ёнига келиб ўтиришади.

Илёснинг ишораси билан официант торт қўтариб келади. Тортда шам ёниб турибди.

Официант тортни столга қўяди.

Н а ф и с а (ҳайрат билан қийқириб юборади). Вау!

Қолган ўқувчилар ўринларидан туришади.

Ў қ у в ч и л а р (Хор бўлиб қўшиқ айтишади). Ҳэппи бёрздей ту ю! (Қўшиқ тугагандан сўнг, хор бўлиб) Туғилган кунинг муборак бўлсин, Нафис! (Қарсак чалишади.)

Н а ф и с а (ҳаяжонланиб). Раҳмат! Раҳмат!..

Н и г о р а. Ана энди тила тилагингни!

Нафиса қўзларини юмиб, ўзига нималарнидир тилайди ва кўкрагини тўлдириб нафас олгач, шамни пуфлаб ўчиради.

Қарсақлар.

У с м о н (*турган жойида ўйнаб*). Энди юринглар, қизлар, давра совиб қолмасин!

Қ о д и р. Кетдик!

Болалар рақс майдонига шошишади. Дилафрўз сездирмай, улардан ортда қолади.

Ф а р и д а. Ҳа, сен-чи, Дилиш?

Д и л а ф р ў з. Ойимдан зўрға бир соатга рухсат олгандим, Фарида. Кетмасам, бўлмайди.

Ф а р и д а. Нафисдан сўрадингми?

Д и л а ф р ў з. Мен сездирмасдан... инглизчасига кетмоқчийдим. Бир қўллавор, дугонажон.

Ф а р и д а. Бўпти, ўзим тушунтириб қўяман. Илёсга айтай бўлмаса, кузатиб қўйсин.

Д и л а ф р ў з (*болалар даврасида жон-жаҳди билан ўйнаётган Илёсга қараб*). Йўғ-э, сенлар бемалол...

Ф а р и д а. Бўпти, ўзинг биласан.

Фарида шошиб бориб рақс тушаётганлар даврасига қўшилади. Чироқларнинг ўчиб-ёниши кучаяди.

Дилафрўзнинг телефони жиринглайди.

Телефон экранчасига қараган Дилафрўз асабийлашиб, аппаратни қулоғига олиб боради.

Д и л а ф р ў з (*бақириб гапиради*). Мана, чиқяпман, ойи! Ҳозир етиб бораман!.. Ҳозир бораман, деяпман-ку!..

Дилафрўз стулга осиглиқ турган сумкачасини олади, эшик томон йўналади.

Қизнинг йўлини қўлида машина калитини ўйнатиб турган Бахтиёр тўсади.

Б а х т и ё р. Танишайлик, яхши қиз.

Д и л а ф р ў з. Мен кетаётгандим.

Б а х т и ё р (*калитга ишора қилиб*). Истаган жойингизга ўзим обориб қўяман! Мени Бахтий дейдилар...

Дилафрўз йигитни айланиб ўтиб кетмоқчи бўлади, Бахтиёр яна унинг йўлини тўсади. Қизнинг жаҳли чиқади.

Д и л а ф р ў з. Бор-е, тошингни тер!

Бунақа муомалани кутмаганиданми, Бахтиёрнинг анграйиб қолганидан фойдаланган Дилафрўз уни айланиб ўтиб, залдан чиқиб кетади.

Бахтиёр чеккароқда турган Шерзодни имлаб чақиради.

Шерзод чопқиллаб унинг ёнига келади.

Ш е р з о д. Тинчликми, ўртоқ?

Б а х т и ё р. Биттаси ситилиб чиқиб кетди, Шер. Орқасидан борамиз.

Ш е р з о д (*ҳовлиқиб*). Борамиз, ўртоқ, борамиз!

Икковлон чиқиш эшиги томон шошиб юришади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Хиёбон.

Машинанинг кескин тормоз бериб тўхтагани эшитилади.

Сумкачасини елкасига ташлаб олган Дилафрўз кириб келади.

Қарши тарафдан Бахтиёр билан Шерзод чиқишади, унинг йўлини тўсишади.

Б а х т и ё р (*қўлида машина калитини ўйнаган кўйи*). Танишиб кўяйлик, яхши қиз. Мени Бахтий дейдилар...

Д и л а ф р ў з. Йўлимни тўсманг!

Б а х т и ё р. Бояги қимматли маслаҳатингга кўра, тошимни териб келдим. Энди уни бирга санаймиз.

Д и л а ф р ў з. Ҳозироқ мени ўтказиб юбормасаларинг, дод соламан!

Ш е р з о д. Ҳой қиз, калланг жойидами ўзи, бу йигитни Бахтий дейдилар-а!

Д и л а ф р ў з. Қоч деяпман!

Хиёбондан эллик ёшлардаги эр-хотин ўтиб боришмоқда. Улар шовқинни эшитишади.

Э р (*тўхтайди*). Нима гап?

Д и л а ф р ў з (*шошиб*). Булар менинг...

Б а х т и ё р. Йўлингиздан қолманг, амаки. Ҳозирча яхшиликча айтяпман!

Ш е р з о д. Ҳа, йўлингиздан қолманг! Катта кўча!

Эр жаҳл билан бир қадам олдинга юради.

Х о т и н (*эрининг қўлтиғидан маҳкам тутиб, орқага судрайди*). Кўйинг, дадаси, ёшларнинг ишига араллашиб нима қиласиз?

Эр хотинига итоат этади, улар ўтиб кетишади.

Б а х т и ё р. Ана шунақа, яхши қиз! Энди танишайлик. Кейин шаҳар айланамиз...

Дилафрўз йигитни айланиб ўтмоқчи бўлади, Бахтиёр яна унинг йўлини тўсади. Дилафрўз ортга қайтмоқчи бўлади, бу гал унинг йўлини Шерзод тўсади.

Дилафрўз ўгирилиб, сумкачаси билан Бахтиёрни урмоқчи бўлади. Бахтиёр чаққонлик билан қизнинг сумкачасини тортиб олади.

Дилафрўз ваҳимага тушиб қолади.

Саҳнага рўмол ўраган, йигирма ёшлардаги Феруза кириб келади.

Ф е р у з а (эҳтиром билан, мулойим овозда, қўлини кўксига қўйиб). Ассалому алайкум, яхшилар.

Бахтиёр қиз томонга жаҳл билан ўгирилади.

Б а х т и ё р. Буниси яна ким бўлди?.. (Қизнинг либосини кўриб, довдираб қолади, беихтиёр алик олади.) Яхшимисиз?

Ф е р у з а. Худога шукр.

Феруза илдам келиб Бахтиёрнинг қўлидаги сумкани олади.

Ф е р у з а. Жиянимни кузатиб қўйганларингиз учун сизларга катта раҳмат, иниларим. Илоё, бу қилган эзгу амалларингиз савоби ўзларингизга юз баробар, минг баробар қайтсин. Омин!

Феруза ихлос билан кафтларини юзига сийпайди, Бахтиёр билан Шерзод ҳам беихтиёр унга қўшилишади.

Б а х т и ё р (довдираб). Биз... ҳар бир... шунчаки...

Ф е р у з а. Ҳақ гапни айтдингиз. Заифани манзилига эсон-омон етқариб қўймоқ ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчи. Аммо таассуф ва надоматлар бўлғайким, ҳамма ҳам сизлардек ўйламайди-да.

Б а х т и ё р (баттар довдираб). Лекин биз... сиз...

Ф е р у з а (Дилафрўзга). Сизни ўзим кутиб олай деб чиқиб келаётганим, жиянжон. Ёнингизда шундай жўмард мўминлар бор экан, ҳаргиз хавотир учун ўрин йўқ.

Ш е р з о д (тушунмасдан, ҳайрон). Жўмард?

Б а х т и ё р. Хўп... биз... хайр... (кета бошлайди, ортга қайтиб, ҳамон жойида қаққайиб турган Шерзоднинг биқинига туртади, кейин уни судраб олиб кетади.)

Феруза Дилафрўзни қўлтиқлаб олади.

Ф е р у з а. Кетдикми, жиянжон?

Д и л а ф р ў з. Раҳмат... Раҳмат, хола... Лекин...

Ф е р у з а (Ўриндиққа ишора қилади). Агар ошиқмаётган бўлсангиз, бирпас ўтирайлик.

Икковлон ўриндиққа ёнма-ён ўтиришади.

Ф е р у з а. Жиян деганимга ажабланманг, синглим, ахир аслини олганда, жамики одамизот бир-бири билан хеш-уруғдир.

Д и л а ф р ў з. Сиз... Сиз жуда чиройли гапираркансиз.

Ф е р у з а. Қўйсангиз-чи, синглим. Шундоқ воизалар борки, мен уларга шогирдликка ҳам ярамайман.

Д и л а ф р ў з. Раҳмат, опа. Анавиларнинг... нияти ёмон эди.

Ф е р у з а. Арзимаиди, синглим.

Д и л а ф р ў з. Уларни жуда довдиратиб қўйдингиз. Тағин яхши гап билан.

Ф е р у з а. Уларни гапларим эмас, *(рўмолига ишора қилади)* манави сал эсанкиратиб қўйди чоғи. Умуман олганда, бир нарсани ёдда тутинг: ҳар қандай мусулмон йигити ё эркаги фақир каби рўмол ўраган аёлга эҳтиром билан муносабатда бўлади, синглиси ё опасига қарагандай.

Д и л а ф р ў з. Ростдан-а?

Ф е р у з а. Сиз бўлсангиз, анча очиқ-сочиқ кийингансиз. Буни кўргач, айрим нафси бузуқларнинг кўнглига ёмон ўй келиши тайин-да...

Д и л а ф р ў з *(хижолат чекиб)*. Йўғ-э... Туғилган кунга боргандим, дискотекага. Шунга...

Ф е р у з а. Ўзингизга ўхшаш бир банданинг қаршисида асло ўзингизни оқламанг, синглим. Шунчаки айтдим-қўйдим-да. Юринг, яхшиси, сизни уйингизгача кузатиб қўяй. Мен билан кун-туннинг истаган маҳали бемалол юраверишингиз мумкин, бирон зот сизга ғараз нигоҳ билан қарамайди.

Д и л а ф р ў з. Вой, опажон, сизни овора қилиб... Ўзи уйимизга яқин қолди...

Ф е р у з а. Овораси бор эканми, синглим. Одамга савоб ҳам керак-ку...

Улар ўринларидан туришади, Феруза Дилафрўзни қўлтиқлаб олади. Икковлон бирга чиқишади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Дилафрўзнинг уйи.

Меҳмонхона.

Дилафрўз, унинг онаси Дилором хола, Феруза чой ичиб ўтиришибди.

Ф е р у з а *(ўзини ҳайратланиб эшитаётган Дилором холага қараб гапирмоқда)*. Кўз зиносидан кўрқаман. Шу сабабли

рўмол ўраб юраман. Ахир, Қуръони каримнинг “Нур сураси” да хотин-қизларнинг ўзларини пок тутишлари, яъни рўмол-ёпинчиқда юришлари ўзлари учун яхшироқдир, дейилган. Исмимни сўраб қолишса, Феруза эмас, Фотима дейман. Чунки, биласиз, онажон, Фотима Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари бўлганлар. Лекин уйга келгандан рўмолимни ечаман, бемалол телевизор кўраман, компьютерда ишлайман. Интернетдан ҳам фойдаланаман. Ўзимнинг электрон почтам, блогим бор. Бунинг нимаси ёмон, тўғрими?

Д и л о р о м х о л а. Тўппа-тўғри, қизим. Анов куни газетада ўқиб қолдим, Рим Папаси Франциск интернетни инсонлар ўртасидаги мулоқотларни енгиллаштирувчи Тангри неъматидеб атабди.

Ф е р у з а. Ана, кўрдингизми!.. Рўмолим мени ёмон одамлар қатори суқ кўзлардан ҳам ҳимоя қилади. Илло, суқ кўзлар заифаларни касал қилиб қўйиши ҳам мумкин экан. Буни ўзим ўқигандим.

Д и л о р о м х о л а. Гапларингиз бирам ақлли-ей, Феруза-хон-Фотимахон.

Ф е р у з а. Унақа деманг, онажоним. Менам яқин-яқингача қизингизга ўхшаб мини-юбкаларда, ҳамма ерим очиқ-сочиқ, кўчада ликиллаб юардим, хасталиқдан бошим чиқмасди. Аммо Яратганнинг марҳамати билан ажойиб оқиладустозларга дуч келдим. Улар мен йигирма йил яшаб тушунмаган олий ҳақиқатларни йигирма кун ичида кўрга хассадай қилиб тушунтириб қўйишди. Ана шунда, ишонасизми, холажон, кўзларим “ярқ” этиб очилиб кетгандай бўлди. Шундан буён ҳаётимга мазмун инган. Шундай буён ота-онамни, қариндош-уруғларни, кўни-кўшниларни, таниш-билишларни бошимга кўтаргудай иззат-хурмат қиламан. Айниқса, она дунёда энг тенгсиз бойлик, илоҳий неъмат эканлигини англаб етдим. “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган ҳикмат мағзини ҳам тушуниб етдим. Дунёда энг улуғ зот она эканини англадим.

Д и л о р о м х о л а (*кўзларида ёш билан*). Шуни айтинг-а!.. (*Дилафрўзга*) Эшитяпсанми, қулоқсиз қиз!

Д и л а ф р ў з. Эшитяпман.

Ф е р у з а. Буни қарангки, холажон, Худонинг инояти билан шундан кейин ишларимга ҳам, топиш-тутишимга ҳам ба-рака инди; хасталиқ нима эканини ҳам унутдим. Кейин ўйлаб

кўрсам, ёмон одамларнинг кўзлари мени касал қилиб қўйган экан...

Дилором хола (Дилафрўзга). Ана шундан оғрийди сенинг бошинг! Ҳа, билиб қўй!

Дилафрўз. Э-э...

Дилором хола. “Э” лама! Ўзингдан катта гапирганда қулоқ солишни ўрган аввал!

Феруза (соатиға қараб). Таассуфки, онажон, уйга боришим керак. Ойижоним йўлимга илҳақ кўз тикиб ўтирганлари аниқ. Сал кечиксам, хавотир оладилар. Мен боис уларнинг озор чекишларини истамасдим.

Дилором хола. Вой, овқат пишиб қолди-ку. *(Дилафрўзга)* Тез сузиб кел!

Дилафрўз шошиб ўрнидан туради.

Феруза. Асло овора бўлманглар.

Дилором хола. Ойингизга қўнғироқ қилиб қўясиз.

Феруза (жилмайиб). Ойижоним ўзимни кўрмасалар бўлмайди. Минг қўнғироқ ҳам ўрнимни босолмайди...

Дилором хола (бўшашиб). Ундай бўлса, майли... Шундай ширин суҳбат қуриб ўтиргандик-а. Афсус.

Феруза. Аллоҳ насиб этса, ҳали яна кўришамиз. *(Фотиҳа ўқийди.)* Дастурхонимизга барокат, вужудимизга сиҳат, яқинларимизга саломатлик, охиратга кетганларимизга раҳмат ато этгин. Аллоҳумма инний асълукатамаман-ниъмаҳ ва давамал-афийаҳ ва ҳуснал-хотимаҳ. Аллоҳумма зид вала танқус би-хурмати саййидил-мурсалийн, валҳамдулиллаҳи Роббил алабийн”... Омин, ушбу хонадон эзгу амаллардан файзиёб бўлсин.

Дилором хола билан Дилафрўз қўшилишиб фотиҳа қилишади.

Феруза. Хайр. Илтимос, мени кузатманглар. Яхши қолинг, онажон.

Дилором хола. Яхши боринг, болам.

Дилафрўз. Мен бирга чиқаман.

Феруза. Йўқ, йўқ. Асло ва асло оворагарчиликка ҳожат йўқ.

Феруза чиқади.

Дилором хола унинг ортидан ҳавас билан қараб қолади.

Дилором хола. Тилидан бол томади-я... Мени “онажон” дегани маҳал бирам меҳрим товланиб кетдики...

Дилафрўз. Бизам “ойижон” деймиз-ку.

Д и л о р о м х о л а. Бу қизнинг кўзида бошқача меҳр бор. Айтгандай, ҳеч бўлмаса, телефон рақамини олдингми?

Д и л а ф р ў з. Йўқ, Нима, керакмиди?

Д и л о р о м х о л а. Вой, чоп, эси йўқ қиз! Телефонини ёзиб ол. Бундай қиз менга эмас, сенга керак бўлади, тентак қиз! Чоп!.. Бундай доно, сермулозамат қизнинг суҳбатида бир кун бўлишнинг ўзи сен учун катта мактаб бўлади-ку, қулоқсиз қиз! Чоп! Чоп!..

Дилафрўз хонадан чопиб чиқади.

Д и л о р о м х о л а (*ҳавас билан бош чайқайди*). Ҳар сўзидан чакиллаб бол томади-я!.. Киройи қизинг бўлса, шундай бўлса-да... Вой, “онажоним” деган тилларингдан... “Болангни ё мактабга бер, ё суҳбатга” деганлари шу-да...

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ферузанинг хонадони.

Катта хона.

Ўн бешга яқин қиз-жувон Ферузанинг онаси Озода (Оиша) холадан таълим олмоқда. Таълим олаётганлар гуруҳида 15–16 ёшли балоғатга етмаган қизлар ҳам, 20–25 ёшлар чамаси жувонлар ҳам бор. Сабоқ олаётганларнинг ҳаммаси ҳижобда. Фақат янги келган Дилафрўз рўмол ўрамаган. У ҳижобли Ферузанинг ёнида ўтирибди.

Бошдан-оёқ оппоқ кийинган Озода (Оиша) хола қўлидаги ри-солага қараб-қараб қўйган ҳолда амри маъруф ўтамоқда.

О з о д а х о л а. Аллоҳ таоло Қуръони каримда аёлларни улуғлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини билдириш мақсадида бир қанча оятлар нозил қилди ва ҳаттоки катта бир сурани “Нисо”, яъниким “Аёллар” деб номлади. Мазкур сурада айтиладики: “Ҳоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, ана ўша кишилар жаннатга кирурлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас”. Яъниким, эркакми, аёлми ўз зиммасидаги масъулиятини адо этса, эзгу амалларда бардавом бўлса, унга берилажак мукофот тайин – охиратда жаннат бўлади.

Шул сабабли, муслима қизлар, аёллар, Аллоҳ таоло сизни бадан ва аъзоларингизни бегона эркаклардан тўсиб пок бўлишингиз учун ҳижоб ўрашга буюрган. Ҳижоб ўраш сиз учун машаққат эмас, шараф бўлиши керак. Чунки сиз бу ишингиз билан Оламлар Парвардигорига бўйсуняпсиз. Ҳижоб сиз учун

мукаммал сифат ва чиройли зийнат бўлибгина қолмай, комил иймонли, хушхулқли, одобли, ифбатли ҳамда ҳаёли эканингиздан далолат ҳамдир. Бу билан сиз ахлоқсиз ва бузуқ аёллардан ажралиб турасиз.

Ислон буюрган шаклда кийинмаганлар ўзларини қанчалик яланғоч эканликларини билмасалар ҳам, кийинганмиз дея ўйласалар ҳам, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ифодалаганларидек, “кийинган яланғочлар”-дир. Аҳли илмлар ҳадисдаги “кийиниб олган, лекин яланғоч” деган сўзни “улар кийим кийишади, лекин тор, юпқа ёки баданининг ҳамма жойини тўсмайдиган кийимлар бўлади” дея таърифлашган.

Э ш и т а ё т г а н л а р д а н б и р и (*ҳаяжонланиб-тўлиқиб*).
Айни ҳақиқат, Оиша биби.

О з о д а х о л а. Хўш, 1979 йилдаёқ Ислонни қабул қилган америкалик муслима Билқис Муҳаммаднинг фикри ҳам худди шундай. Унинг айтишича, ҳижоб “аёлнинг ўзини ҳам, унинг атрофидагиларни ҳам камтарликка, ҳаёли бўлишга ундаб туради”. Бугунги кунда Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган Билқис хоним қадди-қоматини ҳам, юзини ҳам бегона кўзлардан тўсиб юради ва “бу нарса атрофидагиларни, айниқса, бегона эркакларни кўзи ва тилини тийиб юришга мажбур қилади, менга бекорчи гап айтишга йўл бермайди” дейди.

Сабоқ олаётган қиз-жувонлар ўгирилиб Дилафрўзга қарашади. Қиз ўзини ноқулай ҳис қилади. Бунинг сезган Феруза жавондан бир рўмол олади ва уни Дилафрўзга боғлаб қўяди.

О з о д а х о л а (*бош ирғаб, қизининг хатти-ҳаракатини маъқуллайди*). Балли, қизим...

Эшик оҳиста тақиллайди. Озода хола шу томонга норози бўлиб қарайди. Эшик қия очилади ва Озода холанинг турмуш ўртоғи, эллик ёшлардаги шопмўйлов Амрилло ака мўралайди.

А м р и л л о а к а. Ассалому алайкум ва раҳматиллоҳу...

О з о д а х о л а (*норози оҳангда*). Хизмат, дадаси.

А м р и л л о а к а (*эшикдан бўйлаган кўйи бармоқларини бир-бирига ишқалаб, пул ишорасини қилади*). Газдан келишипти. Эртага келинлар, десам, кўнишмаяпти...

Озода хола қизига ишора қилади. Феруза дик этиб ўрнидан туради, хонадан чиқаётди, эшикни зич ёпади.

О з о д а х о л а. Давом этамиз... Эй муслима аёл, ҳижобга эътиборсизлик қилишдан ва унга салбий муносабатда бў-

лишдан эҳтиёт бўлинг! Зеро, ҳижобга эътиборсизлик қилиш Аллоҳнинг буйруқларини писанд қилмасликдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг буйруғига “лаббай” деб жавоб бериб, ҳижоб ўраб, мана шу нарсада мустаҳкам турган аёл борки, Аллоҳ таолонинг розилигига, У Зот ҳузуридаги буюк ажр-мукофотларга эришмай қолмайди...

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Тиббиёт коллежи.

Ўқув хонаси.

Гуруҳда дарс бошланган. Хонада оппоқ халат кийган ўқувчилар қаторида Нафиса, Нигора, Фариди, Усмон, Қодир, Жалол, Илётлар ўтиришибди. Битта Дилафрўз рўмол ўраган. Болалар унга ҳайрон бўлиб қараб-қараб қўйишади.

Ўқитувчи Барно опа ҳам таажжубда.

Б а р н о о п а. Дилафрўз! Сизга нима бўлди? Бу нима қилиқ?

Д и л а ф р ў з (*ўрнидан туради*). Нима қипман?

Б а р н о о п а. Бу нима деганингиз?! Ахир, вақтида тушунтирганман-ку, амалдаги қонунимизга кўра, жамоатчилик жойларида диний кийимда юриш, жумладан, дарсга ҳижобда келиш тақиқланади.

Дилафрўз ерга қараб тураверади.

Б а р н о о п а. Дилафрўз! Шу йўл билан ўзингизнинг кимлигингизни кўрсатмоқчисиз? Дарров ечиб ташланг-чи.

Д и л а ф р ў з (*бир лаҳзалик сукутдан сўнг титраб-қақшаб*). Сиз ўзингиз... сиз ўзингиз бир кун келиб буларнинг ҳаммаси учун жавоб беришдан кўрқмайсизми, Барно опа?

Б а р н о о п а. Бу яна нима деганингиз?

Д и л а ф р ў з. Бу шу деганимки, тавба қилишга шошилинг. Бўлмаса, чин дунёда шунақанги азобларга дучор бўласизки...

Болалар шовқин кўтариб юборишади: “Бу нима деганингиз?” “Қанақа дунё?”, “Касалми бу...”

Б а р н о о п а. Жим, болалар!.. Кўриб турибман, Дилафрўз, миянгиз анча заҳарланганга ўхшайди. Лекин сиз мени бекорга бу соҳадан хабари йўқ, оми муаллима деб ўйлаяпсиз. Келинг, ҳеч бўлмаса Ҳазрат Навоийни бирга эслайлик.

“Яхши сухан жонга оройиш, яхши либос танга оройиш”, – деганлар Ҳазрат. Бу камми? Унда Жаноб Пайғамбаримиз янги

кийим кийсалар ёки алмаштирсалар: “Ё Раббим! Булар билан менинг кўринишимни чиройли қилдинг. Ўзингга ҳамд бўлсин! Энди хулқу одобимни ҳам, амалларимни ҳам шундай гўзал ва ёқимли қилгин!” деб дуо қилганларини ҳам эслайлик. Қадимдан маълум ҳикмат бу: кийим инсоннинг кайфияти, руҳиятини – ички олами, маънавиятини, қолаверса, қай даражада тарбияли эканини кўрсатади ва таъби, диди, феъли-табиати ҳақида тасаввур уйғотади. Покиза, айниқса, янги кийимлар кайфиятимизни кўтаради, кўнглимизни ёриштиради. Нима, битта рўмол ўраб, ҳақиқатнинг тубига етдим, қолган барча гаплар ёлғон деб ўйлаясизми, қизим?..

Д и л а ф р ў з (*энтикиб*). Сиз... сиз... ҳали...

Дилафрўз хўнграб йиғлаганча хонадан отилиб чиқиб кетади.

Б а р н о о п а. Дилафрўз, тўхтанг...

Барно опа оғир уф тортганча стулга ўтиради.

Б а р н о о п а. Гуруҳ етакчиси. (*Нафиса ўрнидан туради*)

Дарсдан кейин Дилафрўзнинг уйига ўтиб келамиз.

Н а ф и с а. Хўп.

И л ё с (*қўл кўтариб*). Мен ҳам бирга борсам майлими?

Б а р н о о п а. Майли... Дарсни бошлаймиз...

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Ферузанинг хонадони.

Диванда ўтирган Озода хола пиқиллаб йиғлаётган Дилафрўзнинг бошини силамоқда. Уларнинг қаршисидаги курсида Феруза.

О з о д а х о л а. Кўп куйинаверма, қизим. Бошида шунақа бўлади. Ҳаммамиз ҳам бунақанги чиғириқлардан ўтганмиз. Бурнидан нарини кўролмайдиган ғофил бандалар ҳамиша ҳам чин эътиқодли муслим ва муслималарнинг пайини қирқишга уриниб келишган.

Эшик оҳиста тақиллайди. Эшик қия очилади ва Амрилло ака мўралайди.

А м р и л л о а к а (*эшикдан бўйлаган кўйи бармоқларини бир-бирига ишқалаб, пул ишорасини қилади*). Светдан келишипти. Эртага келинлар, десам, кўнишмаяпти...

О з о д а х о л а (*жаҳл билан*). Чирокдан кеча келишганди-ку!

А м р и л л о а к а (*эсанкираб*). Тойис, иссиқ сувдан демоқчийдим...

Озода хола қизига ишора қилади. Феруза дик этиб ўрнидан туради, жавондан бир даста пул олиб чиқаётиб, эшикни зич ёпади.

О з о д а х о л а. Майли, қизим, бирон нима ўйлаб топармиз. Сен менга анча ёқиб қолдинг. Сени Феруза билан қўшиб ўқишга юборсаммикан, деб ўйланибам қолдим.

Д и л а ф р ў з. Ўқишга?

О з о д а х о л а. Ҳа, қизимни бирон мусулмонобод юртга юбормоқчи бўлиб турибман. Ҳақиқий ўқишга!.. Ёнида сендай дугонаси бўлса, менга яхши, албатта. Лекин масаланинг оғирроқ томонлари бор... Майли, мен бир уриниб кўрай. Лекин, қизим, ҳеч нарса ваъда қилолмайман. Бу фақат менга боғлиқ эмас-да.

Д и л а ф р ў з (*пиқиллаб*). Майли, хола...

О з о д а х о л а. Бўлди, бўлди. Ўзингни босиб ол. (*Қоғоз-ручка беради.*) Мен сенга ташвишли ва қайғули пайтларда ўқиладиган дуони ўргатаман. Ёзиб ол. Бу дуони икки юз мартагача ўқисанг, кўнглинг ёришиб, хотиржам тортасан. Агар минг марта ўқисанг, истаган ниятингга етишасан. Тушундингми?

Д и л а ф р ў з. Ҳм.

О з о д а х о л а. Ёз унда: “Ла илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ золимийн...”

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Дилафрўзнинг уйи.

Хонада Дилором хола, Барно опа, Нафиса, Илёс.

Д и л о р о м х о л а. Энди битта менинг қизим рўмол ўрагани билан осмон узилиб ерга тушмас, Барнохон.

Б а р н о о п а. Нега тушунмайсиз, опа, ахир тартиб-қоида ҳамма учун бир.

Д и л о р о м х о л а. Авваллари қизим сал нарсага жаҳл қилаверарди, баъзан мен билан ҳам қўпол гаплашарди. Биласиз, отасиз ўсяпти, шунга кўнгли ярим деб, ўзимам қаттиқ гапирмадим. Шу рўмол ўради-ю, бирдан мулойим тартиб қолди. Менгаям бирам меҳрибон бўлиб қолди денг.

Б а р н о о п а. Рўмол ўрашига бирон сабаб бўлгандир-да, опа.

Д и л о р о м х о л а. Бунисини энди билмадим. Менга айтмади.

Б а р н о о п а. Шундай бир куни эрталаб ўрnidан турибоқ, қизингиз ўзидан-ўзи “Мен рўмол ўрайман” деб эълон қилмагандир.

Д и л о р о м х о л а. Худо кўнглига солганки, шундай йўл тутибди қизим... Айтгандай, Барнохон, нима, қизим ўғирлик қиялпими, ғарлик қиялпими, нега бунча ваҳима қиласиз?

Б а р н о о п а. Дилором опа, наҳотки қизингизда бўлган ўзгаришларни сезмаяпсиз? У кейинги пайтлари анча ўзгариб қолди. Дарсларда аввалгидай фаол эмас, нималарнидир хаёл суриб ўтиради.

Н а ф и с а. Ўзи яхши кўрадиган инглиз тили тўғарагигаям бормай қўйди.

И л ё с. Танаффус пайтлари қандайдир китобчаларни ўқиб ўтиради, “кўрсат” десам кўрсатмайди.

Б а р н о о п а. Тўғри, у ўтиш ёшида. Бунақа ёшдагиларнинг руҳиятида ҳар хил ўзгаришлар содир бўлади. Аммо ҳар қанақа ҳолатда ҳам сиз она сифатида қизингиз билан сирдош, унга маслаҳатдош бўлишингиз керак. Мана, мисол учун, у ҳозир қаерда?

Д и л о р о м х о л а. “Бир дугонамникига ўтиб келаман”, – деганди. Кеп қолар.

Н а ф и с а. Қайси дугонаси экан? Мен унинг ҳамма дугоналарини танийман.

Д и л о р о м х о л а. Билмадим, отини айтмади.

Б а р н о о п а. Дилором опа, бизнинг келганимизга бир соатдан ошди, қизингиздан бўлса ҳалигача дарак йўқ.

Н а ф и с а. Телефониям ўчган.

Б а р н о о п а. Хавотирланмаяпсизми?

Д и л о р о м х о л а. Сизларга қизимнинг оғирлиги тушмай қўя қолсин. Худога шукр, Дилафрўзим ақлли-хушли. Дугонамникига бораман дедими, демак, дугонасиникида.

Б а р н о о п а. Агар Дилафрўз эртага дарсга бормаса, рапорт ёзиб беришга мажбурман, Дилором опа.

Д и л о р о м х о л а. Боради, айланай, боради. Ўзим қаттиқ тайинлаб қўяман.

Б а р н о о п а. Наилож. Эртага кутамиз Дилафрўзни, бўлмаса.

Д и л о р о м х о л а. Тайинлаб қўяман, дедим-ку. Фақат сизларам ҳадеб бир бечоранинг рўмолига ёпишаверманглар-да.

Б а р н о о п а. Уф-ф, яна бошидан бошламайлик, Дилором опа.

Д и л о р о м х о л а. Хўп дедим-ку... Яхши боринглар.
Ўқитувчи бошчилигида ўқувчилар ноилож ўринларидан
кўзғалишади.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Ферузанинг хонадони.

Сабоқ тугаб, ўн бешга яқин қиз-жувон хонадан чиқишмоқда.

О з о д а х о л а (*Дилафрўзга*). Сен қол. (*17 яшарлар чамаси
яна бир чиройли қизга*) Наима, сен ҳам қол.

*Дилафрўз билан Наима қолади. Қиз-жувонлар чиққач, Феру-
за эшикни бекитади.*

*Дилафрўз билан Наима соме тарзда бош эгиб, қўл қовушти-
риб туришибди.*

Ф е р у з а. Нима гап, ойижон?

О з о д а х о л а (*мамнун*). Қизларим, ҳақиқий ихлоснинг
самара-мукофоти ҳам ўзига яраша бўлади.

Ф е р у з а (*ҳаяжонланиб*). Ҳал бўлдими, ойижон?

О з о д а х о л а. Ҳа, бир соат бурун мужда етиб келди.

Ф е р у з а (*онасини кучоқлаб олади, бетидан чўлпиллатиб
ўпади*). Ойижонимдан ўргилай!

О з о д а х о л а. Фақат биродарларимиз ҳозирча икки ки-
шига ўрин ажратишибди.

Ф е р у з а. Менга фарқи йўқ, Наима билан ҳам кетавераман,
Дилафрўз билан ҳам. Энг муҳими, манзилга етиб олсам бўлди,
кейин бош кўтармасдан сабоқ оламан...

О з о д а х о л а. Қизалоғим, сен... (*Иккиланиб қолади.*) Сен...

Ф е р у з а (*хушёр тортиб*). Яна нима, ойижон?

О з о д а х о л а. Кейинги ойнинг бошларида яна бир ўрин
ажратишлари эҳтимоли бор. Ўшанда борасан.

Ф е р у з а (*норози бўлиб*). Ойижон!

О з о д а х о л а. Бас, қизим, мен билан баҳслашма. Бир ой
эрта бўлмаса, кеч борарсан. Яқин дугоналаринг худо деган
бандалар экан, шулар учун хурсанд бўлмайсанми?

Ф е р у з а (*қовоғи солиниб*). Лекин...

О з о д а х о л а. “Лекин-пекин”и йўқ, қизим! Гап тамом-вас-
салом!

Феруза жаҳл билан хонадан чиқиб кетади.

О з о д а х о л а. Алам қилипти. Қачондан бери кутиб юр-
ганди-да.

Д и л а ф р ў з. Феруза опам кутаётган бўлса, майли, менинг
ўрнимга бора қолсин. Мен кейинги...

О з о д а х о л а. Бунақа қурбонлик келтиришинг шарт эмас, қизим. Ферузага ўзим тушунтираман. Узоғи билан бир ойдан кейин ортларингдан етиб боради... Сизлар ҳозирча зимдан, ҳеч кимга билдирмасдангина ҳозирлик кўраверинглар. Мен айтган куни йўлга тушасизлар. Ўзимиздан учишларинг сал қийин бўлади, шунинг учун Қозоғистонданми, Қирғизистонданми кета қоламиз... Боринглар. Шу ердаги гап шу ерда қолсин-а.

Д и л а ф р ў з. Хўп бўлади.

Н а и м а. Хўп бўлади.

О з о д а х о л а. Боринглар.

Қизлар чиқади. Озода хола диванга ўтиради.

Эшик оҳиста тақиллайди, сўнг қия очилиб, Амрилло ака мўралайди.

А м р и л л о а к а (*эшикдан бўйлаган қўйи бармоқларини бир-бирига ишқалаб, пул ишорасини қилади*). Чиқиндидан келишипти. Эртага келинглар, десам, кўнишмаяпти...

О з о д а х о л а. Э, киринг бу ёққа!

Амрилло журъатсизлик билан киради.

О з о д а х о л а. Уч-тўрт кундан кейин иккитасини ўша жойга обориб ташлайсиз. Тайинлаб қўяман, кутиб олишади.

А м р и л л о. Айланма йўллар билан олиб ўтиш керакми?

О з о д а х о л а. Ҳа.

А м р и л л о. Яхши буюртма чиқиб қолдими дейман?

О з о д а х о л а (*чўнтагидан бир даста пул чиқариб беради*).

Яхши ҳам гапми!

А м р и л л о. Қизларни “Прадо”мда оборсам бўладими?

О з о д а х о л а. Яхшиси “Нексия”нгизда обора қолинг, ун-чалик кўзга чалинмайсиз.

А м р и л л о. Хўп бўлади.

О з о д а х о л а. Бора қолинг, томоғингиз тақиллаб кетяпти, шекилли, дадаси.

А м р и л л о. Ичимсиз-да, аяси...

Амрилло пулни олади ва шошиб хонадан чиқади. Мамнун Озода хола ёндафтарчасига нималарнидир ёза бошлайди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Коллеж.

Хона. Дарс.

Ўқувчилар. Ўқитувчи Барно опа.

Б а р н о о п а. Дилафрўз бугун яна келмадими?

И л ё с. Кеча уйларига боргандим, ҳеч ким йўқ экан.

Б а р н о о п а. Ҳм-м... Дилором опанинг телефон рақами бор эди менда.

Барно опа телефонида Дилором холанинг рақамини топиб, тугмачани босади.

Узун гудоклар. Кейин кимдир телефонни олади.

Д и л о р о м х о л а (овози). Эшитаман.

Б а р н о о п а. Ассалому алайкум, Дилором опа. Бу мен, Барноман. Коллеждан.

Д и л о р о м х о л а (овози). Ҳа, Барнохон, бу сизмисиз?

Б а р н о о п а. Ҳа, мен. Дилафрўз кечаям, бугунам дарсга келмаганига...

Д и л о р о м х о л а (овози). Вой, Барнохон, шошилишда сизга кўнғироқ қилиш ёдимдан кўтарилибди. Қишлоқда синглим қазо қилиб қолганди, Дилафрўз билан бирга келгандик. Қирқини ўтказамиз-у, дарров қайтамиз.

Б а р н о о п а (ҳайрон). Бироқ...

Д и л о р о м х о л а (овози). Хайр...

Қисқа гудоклар.

Аудиторияда жимлик.

Б а р н о о п а. Қизиқ...

Барно опа қайта кўнғироқ қилади. Аммо аппаратдан “Телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида” деган овоз келади.

Н и г о р а. Антенна йўқ, шекилли.

Б а р н о о п а. Шунақага ўхшайди... Қани, дарсдан чалғи-майлик...

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Шарқ мамлакатларидан бири.

Бадавлат хонадонлардан бири. Хобхона. Хонани қизил чироқ хира ёритиб турибди. Шарқ мусиқаси.

Тўрда икки кишилик диван.

Ўртада егуликлар ва ичимликлар қўйилган юмалоқ стол, иккита кресло.

Деворда ярим яланғоч аёлларнинг суратлари.

Тўшак чеккасида забун ҳолатда калтароқ, ёқаси ўйиқроқ қўйлак кийган Дилафрўз ўтирибди.

Эшик очилади. Сесканиб кетган Дилафрўз учиб ўрнидан тугради.

Хонага соқолдор шайх кириб келади.

Дилафрўз жонҳолатда унга инглиз тилида ялинаркан, хўнграб йиғлаб юборади.

Д и л а ф р ў з. Илтимос, менга тегманг, илтимос...

Шайх унга ҳайрон бўлиб қарайди.

Ш а й х. Ҳали она сутинг оғзингдан кетмаган гўдакка ўхшайсан-у... бу ерда нима қилиб юрибсан?

Ҳиқиллаб йиғлаётган Дилафрўз тушунтиришга уринади.

Д и л а ф р ў з. Мени ўқишга деб алдаб олиб келиб сотишди... Кўнмагандим, ухлатиб қўйиб...

Ш а й х. Ким сени сотди? Бизникиларми?

Д и л а ф р ў з. Йўқ, ўзимизникилар...

Ш а й х. Шунақа де. Чатоқ бўлибди-ку. *(Афсусланиб бош чайқайди.)* Менга бўлса сендақаларнинг ўзлари бу ерга келиш учун навбатда туради, дейишганди... Айтгандай, инглиз тилини қаерда ўргангансан?

Д и л а ф р ў з. Коллежда.

Ш а й х. Сизларда коллежда пулга ўқитишадими?

Д и л а ф р ў з. Йўқ, текин.

Ш а й х *(ҳайрон)*. Шундай ўқиган, тушунган, зиёли қиз юртига хизмат қилиш ўрнига бу ерларда танасини сотиб юрса-я...

Д и л а ф р ў з. Айтдим-ку, мени алдаб олиб келишди деб.

Ш а й х. Шунақа де... Ишонгим келяпти-ю, лекин бу ҳақиқатга ўхшамаяпти-да.

Шайх камзулини қозиққа ила бошлайди.

Д и л а ф р ў з. Илтимос, менга тегманг. Ахир, сизнинг ҳам қизингиз, синглингиз бордир...

Ш а й х. Нима, мен пули тўланган нарсамни шундай ташлаб кетадиган аҳмоққа ўхшайманми? Ноз қилма...

Шайх бостириб кела бошлайди. Дилафрўз жонҳолатда чироқ тугмачасини босади. Хона қоронғулик оғушида қолади.

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент шаҳри.

Дискотека.

Шовқинли мусиқа, ўчиб-ёнаётган чироқлар, ўртада рақс тушаётган ёшлар.

Биз рақс тушаётганлар орасида Ферузани ҳам қўрамиз. Аммо у бутунлай бошқача либосда: калта юбка, ёқаси ўйиқ кўй-

лак, пошнаси баланд туфли, пардоз-андозни ҳам роса меъёридан оширган.

Феруза бизга таниш Бахтиёр билан берилиб рақс тушмоқда. Сал нарида Шерзод бошқа қиз билан жазавага тушиб ўйнамоқда.

Четроқда даврада ўтирган ёшлар рақс майдончасига чиқишади. Фақат бир қиз сумкачасини олиб, эшик томон юради.

Феруза Бахтиёрга ишора қилади.

Бахтиёр рақсни тўхтатади ва чўнтагидан машина калитини чиқариб, қўлида ўйнаганча қизга яқинлашади.

Бахтиёр. Танишайлик, яхши қиз.

Қиз. Мен шошаётгандим.

Бахтиёр (калитга ишора қилиб). Истаган жойингизга ўзим обориб қўяман! Мени Бахтий дейдилар...

Қиз йигитни айланиб ўтиб кетмоқчи бўлади, Бахтиёр яна унинг йўлини тўсади. Қизнинг жаҳли чиқади.

Қиз. Бор-е, тошингни тер!

Қиз Бахтиёрни айланиб ўтиб, чиқади.

Бахтиёр Ферузага қараб, кўз қисиб қўяди.

Феруза шошиб залдан чиқади.

Бахтиёр билан унинг ёнига келган Шерзод қизнинг ортидан шошишади.

ЎН ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Хиёбон.

Машинанинг кескин тормоз бериб тўхтагани эшитилади.

Сумкачасини елкасига ташлаб олган қиз кириб келади.

Қарши тарафдан Бахтиёр билан Шерзод чиқишади, унинг йўлини тўсишади.

Бахтиёр (қўлида машина калитини ўйнаган қўйи). Танишиб қўяйлик, яхши қиз. Мени Бахтий дейдилар...

Қиз. Қочинг йўлдан!

Бахтиёр. Бояги қимматли маслаҳатингга кўра, тошимни териб келдим. Энди уни бирга санаймиз.

Қиз. Ҳозироқ мени ўтказиб юбормасаларинг, дод соламан!

Шерзод. Ҳой қиз, калланг жойидами ўзи, бу йигитни Бахтий дейдилар-а!

Қиз. Қоч йўлдан!

Қиз йигитни айланиб ўтмоқчи бўлади, Бахтиёр яна унинг йўлини тўсади. Қиз ортга қайтмоқчи бўлади, бу гал унинг йўлини Шерзод тўсади.

Қиз ўгирилиб, сумкачаси билан Бахтиёрни урмоқчи бўлади. Бахтиёр чаққонлик билан қизнинг сумкачасини тортиб олади.

Қиз ваҳимага тушиб қолади.

Саҳнага бутунлай бошқача кийинган, рўмол ўраган Феруза кириб келади.

Ф е р у з а (эҳтиром билан, мулоийм овозда, қўлини кўксига қўйиб). Ассалому алайкум, яхшилар.

Бахтиёр қиз томонга жаҳл билан ўгирилади.

Б а х т и ё р. Буниси яна ким бўлди?.. (қизнинг либосини кўриб, довдираб қолади, беихтиёр алик олади) Яхшимисиз?

Ф е р у з а. Худога шукр.

Феруза илдам келиб Бахтиёрнинг қўлидаги сумкани олади.

Ф е р у з а. Жиянимни кузатиб қўйганларингиз учун сизларга катта раҳмат, иниларим. Илоё, бу қилган эзгу амалларингиз савоби ўзларингизга юз баробар, минг баробар қайтсин. Омин!

Феруза ихлос билан кафтларини юзига сийпайди, Бахтиёр билан Шерзод ҳам беихтиёр унга қўшилишади.

Б а х т и ё р (довдираб). Биз... ҳар бир... шунчаки...

Ф е р у з а. Ҳақ гапни айтдингиз. Заифани манзилига эсон-омон еткариб қўймоқ ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчи. Аммо таассуф ва надоматлар бўлғайким, ҳамма ҳам сизлардек ўйламайди-да.

Б а х т и ё р (баттар довдираб). Лекин биз... сиз...

Ф е р у з а (қизга). Сизни ўзим кутиб олай деб чиқиб келатгандим, жиянжон. Ёнингизда шундай жўмард мўминлар бор экан, ҳаргиз хавотир учун ўрин йўқ.

Қиз ҳайратда.

Шу маҳал бир тарафдан фуқаро кийимидаги икки киши, иккинчи тарафдан милиция кийимидаги икки киши чиқиб, чаққонлик билан Бахтиёр билан Шерзоднинг қўлларини орқага қайиришади.

Ф е р у з а. Нима гап? Нима гап?

Ф у қ а р о к и й и м и д а г и к и ш и (хужжатини кўрсатиб). Биз билан боришларингизга тўғри келади.

Ф е р у з а. Бу ерда тушунмовчилик содир бўлди, шекилли. Биз, мана, жияним билан гаплашиб турибмиз. Нима, шунга ҳам ҳаққимиз йўқми? Ё рўмол ўраган экан деб...

Ф у қ а р о к и й и м и д а г и к и ш и. Бўлимга борайлик, қолган гапларни ўша ерда гаплашамиз. Биз сизларни узоқ изладик, табиийки, саволларимиз ҳам йиғилиб қолган. Марҳамат.

Феруза секин ортга чекина бошлайди.

Қиз чаққонлик билан уни ушлаб қолиб, қўлини орқага қайиради.

Қ и з. Милиция сержанти билан ҳазиллашмасликни маслаҳат бераман, яхши қиз.

Феруза бош эгади.

ЎН УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент шаҳри.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси.

Кабинет.

Терговчи билан Дилором хола.

Т е р г о в ч и (экрандаги суратларга ишора қилиб). Бир оила аъзоларидан иборат бу жиноий гуруҳ араб мамлакатларидаги шайхларга қизларни етказиб бериш билан шуғулланган. Гуруҳни “Оиша” лақабли Озода Темирова бошқарган. Унга қизи, “Фотима” лақабли Феруза Темирова билан эри Амрилло Темиров ҳамда жияни Бахтиёр Обидов ёрдам бериб туришган. Улар асосан отаси ёки онаси йўқ қизларни турли алдов-фириблар билан гуруҳига жалб этишган-да, “ўқишга” ёки “ишга” деган баҳоналар билан уларни шарқ мамлакатларининг пулдор бойваччаларига сотиб юборишган. Қизларни Феруза-Фотима коллежлардан, лицейлардан, олий ўқув юртларидан, тикувчилик фабрикаларидан топган. Кейин уларга ўзини ҳижобда юрадиган саховатпеша, иймонли, намозхон қилиб кўрсатган. Аслида эса ҳаётда эрга тегмасдан бурун бола орттиришга улгурган. Чақалоқни болалар уйига топширган. Ўзидан из қолдирмай ишлаётган бу уюшган гуруҳ ҳақида бизда айрим исботланмаган тахминлар бор эди, холос. Қизингиз ўқиётган коллеж ўқувчиларининг, ўқитувчиларининг шикоятни бизга калаванинг учини топиб берди... Мана, Озода Темированинг ёндафтарчасида сизнинг қизингизга тегишли ёзув. (*Ўқиб беради*) “Дилафрўз. 50 минг”.

Анграйиб ўтирган Дилором опа тўсатдан изиллаб йиғлаб юборади.

Д и л о р о м о п а. Қизим! Менинг қизим қани? Қизим қани?.. Дилафрўзим қани?! Нималар қилиб қўйдим?..

ЎН ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Шарқ мамлакатларидан бири.

Исловатхона.

Хобхона.

Икки кишилик диван. Ҳарир либосдаги Дилафрўз тиззаларини қучиб диванда ўтирибди.

Хонага кемшик тишли қария киради.

Д и л а ф р ў з (чолга қараб). Ду ю спик инглиш? Рашн? Френч?

Чол кемшик тишларини кўрсатгандай мамнун қулади, бош чайқайди.

Д и л а ф р ў з. Ҳеч бўлмаса инглизча гапирсанг нима қиларди, гўрсўхта?!

Чол Дилафрўзга тирғала бошлайди. Дилафрўз уни итариб ташлайди.

Д и л а ф р ў з. Йўқол-ей, маймун!

Чол илжайган кўйи чўнтагидан олмос кўзли узук чиқаради ва уни кўз-кўзлагач, Дилафрўзнинг бармоғига тақиб қўяди.

Дилафрўз узукни томоша қилади, аммо унинг хаёллари бошқа жойда экани сезилиб туради.

Олисдан аламли мусиқа садолари келади.

Чол тўшакка ишора қилиб, **Дилафрўз**ни шу томонга судрай бошлайди.

Д и л а ф р ў з (нафрат билан). Кўнглингнинг кўчасидан!

Дилафрўз ўрnidан туради, чол ҳам. Шунда чолнинг бўйи Дилафрўзнинг кўкрагидан келиши кўринади. Бунни кўрган Дилафрўз нафрат билан юз буради. Чол қизни яна тўшакка ундай бошлайди.

Д и л а ф р ў з (пиқиллаб йиғлаб юборади, қўллари билан ишора қилади). Сен бор, бор, орангутанг, бор.

Дилафрўзнинг гапини тушунган чол ирғишлаганча чопиб бориб кўрпани силаб-сийпаб жойни тайёрлай бошлайди, ўзи бўлса оғзи қулоғида, кўзини Дилафрўздан узмайди.

Дилафрўз дераза ёнига боради, деразани очади. Осмон қоп-қоронғи, ҳатто биронта юлдуз кўринмайди.

Д и л а ф р ў з (кўкка қараб шивирлайди). Шунақанги қора осмонам бўларкан-да...

Дилафрўз кўкрагини тўлдириб нафас олади. Ва шу ҳолида, кўзларидан тирқираб ёш отилган кўйи дераза рахига чиқади ва ўзини пастга ташлайди. Бу манзарани кузатиб турган чол

анқайиб қолади. Пастга нимадир гупиллаб тушади. Чол чопқиллаб бориб деразадан пастга қарайди, кейин шоша-пиша деразани ёпади, сўнг чопиб қайтиб тўшакка ётиб олади ва дарҳол кўрпага ўраниб олади. Бир лаҳзадан кейин чолнинг хуррак тортаётгани эшитилади.

Саҳна қоронғилашади.

Кўшиқ.

ЎН БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Тошкент шаҳри.

Суд зали.

Панжара ортида Озода хола, Феруза, Амрилло ака, Бахтиёр, Шерзод ўтиришибди. Уларни милиционерлар қўриқлаб туришибди.

Залда ниқ-ниқ йиғлаётган Дилором хола, коллеж ўқувчилари Нафиса, Нигора, Фариди, Усмон, Қодир, Жалол, Илёс, устоз Барно она ва бошқа кўплаб эркак, аёллар бор.

Суд котиби ўрнидан туради.

С у д к о т и б и. Ўрнингиздан туринг, суд келаяпти.

Ҳамма ўрнидан туради.

Суд раиси ва унинг икки ёрдамчиси ўз жойларига ўтишади.

Парда ёпилади.

“ЗАЛОЛАТ” пьесасига кўшиқ

* * *

Сарварисан Коинотнинг,

Ўзингсан азиз, мукаррам.

Бу дунёнинг мўъжизаси,

Ҳайрати ўзинг, эй Одам.

Йитар чўпчаклар сароби,

Топталади иймон, уят:

Ё раббим! Энди бу ёғи

Залолат, залолат, залолат...

Умримизнинг ўзи синов,

Ҳар лаҳзамиз имтиҳондир.

Алдовларга учмай оқил

Яшаган зот чин Инсондир.

Турфа рангли ҳаёт, майли,
Гоҳи ғамгин, гоҳ шод бўлгин.
Не бўлса ҳам, ўз кўнглингда
Доим эркин, озод бўлгин...

ТАМОМ

Нафас ШОДМОНОВ



1961 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Қарши давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетини тугатган. Адабиётшунос, драматург, Қарши давлат университети профессори. Н. Шодмоновнинг 200 га яқин илмий, услубий ва публицистик мақолалари, “Темурийлар даврида мусиқашунослик” (1995), “Хожа Абдулқодир Мароғий” (2000, “Мақом назариясига доир муҳим манба”, “Жон жавҳари”, “Ўчмасин эзгулик чироғи” каби илмий китоблари нашр қилинган. “Нажот дарвозаси”, “Махзан”, “Нахшаб афсонаси”, “Қобил ила Ҳобил”, “Широқ”, “Нуҳ кемаси”, “Юрт қадри”, “Ойдин-Даврон”, “Ушшоқ”, “Етти водий”, “Ака-укалар” каби қатор драматик асарлари пойтахт ва вилоят театрларида сахналаштирилган.

Н У Ҳ К Е М А С И

Драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

С о м – Нуҳнинг катта ўғли.
 Ҳ о м – Нуҳнинг иккинчи ўғли.
 Ё ф а с – Нуҳнинг кичик ўғли.
 И л и ш а – Нуҳнинг қули ва дўсти.
 Н и л и я – Сомнинг хотини.
 М е ҳ а т о б и л а – Ҳомнинг хотини.
 С у о д а – Ёфаснинг севгилиси.
 Е л п и к – Шайтон, Иблис.
 И т.
 М у ш у к.
 С и ч қ о н.
 Қ а л д и р ғ о ч.
 И л о н.
 Қ о р а қ а р ғ а.
 К а б у т а р.

МУҚАДДИМА

Кема ибодатгоҳида Илиша ибодат қилмоқда. Елпик айла-ниб юрибди.

Томошабинлар киришади.

Аввал Сом Нилия билан кириб, Илиша ва томошабинларни кузатади. Сўнг Ҳом Меҳатобила билан кириб, Сом ва Нилияни кузата бошлайди.

С о м. Илиша!

Кемамиз шунча кўп одамийзодга

Мўлжалланганмиди?

И л и ш а. Нуҳнинг амри:

Ҳар бир иймон эгасининг

Кемага чиқишга ҳаққи бор, албат.

Н и л и я. Риё аҳли эмасмикин,

Ишқилиб, улар?

С о м. Илишанинг бунга фаҳми етарми эди?!

Ҳ о м. “Нажот” деса, ҳар кимса ҳам чиқаверган-да!..

Ёфас, унинг ортидан Суода ҳамда Қалдирғоч, Мушук, Ит, Илон, Сичқон, Қора қарға ва Кабутар кириб келишади.

Ё ф а с. Илиша! Оғалар!

Бошлаб келдим, мана, барча жониворларни
 Ва севгилим Суодани ҳам!
 И л и ш а. Жуда яхши...
 Н и л и я. О, ҳамма жой тўлиб кетди
 Исқиртлар билан...
 С о м. Шу шартми эди?!
 Ё ф а с. Оға, улар яратилган биз учун, ахир.
 Кабутарми, Қалдирғочми ва ёки ушбу
 Қора қарғами – Оғирлиги тушмас уларнинг.
 Мушук ё ит, илон ё сичқон –
 Ҳаммаси ҳам тирик жонзот,
 Биз учун керак.
 Шунинг учун яратгандир уларни раббим.
 Ҳ о м. Истаса Ил ҳаётимиз давом этишин,
 Тўфон ўтгач яратади уларни қайта.
 И л и ш а. Нуҳ ҳам менга шундай амр қилган эди.
 Лекин мендан бурунроқ Ёфас
 Олиб чиқиб кемага бу жониворларни
 Жуда тўғри иш қилибди.
 Илон, энди ўзинг олгин бирор четроққа,
 Сичқон, сен ҳам эгалла жойинг!
 Н и л и я. Буларнинг тили бир, десам...
 С о м. Сен, Илиша, биласанми
 Ҳайвонлар тилин?
 И л и ш а. Тил топмоқлик учун барча жонзотлар билан
 Уларга дил бермоқ ва рост
 Сўзламоқ керак...
 Тўфон бошланади.

Кеманинг иккинчи қавати. Орқада бир неча бўлинма. Олдинда майдонча, унинг бир четида тик қўйилган ёғоч ва минбардан иборат ибодатгоҳ.

Тўфон ва катта тўлқинлар гувиллаши эшитилади.

Барча жонзотлар ибодатда.

О в о з. Эй, бизнинг меҳрибон паноҳимиз Ил!

Бизни тинглагил!

Бу ҳадсиз, ҳудудсиз само остида

Ёғиб турган турли балолар аро.

Оёқлар остидан тўфондек туриб

Ўпқондек ютгувчи қазолар аро

Асраганинг учун бизни саломат –

Ҳ а м м а. Ҳамду сано ўзингга!
 Ҳамду сано ўзингга!
 О в о з. Тирик жонки, бугун барча-барчамиз
 Бир кема бағрида туриб омонат,
 Сенинг карамингу қалбимиздаги
 Меҳр-оқибатдан кутамиз нажот.
 Ҳ а м м а. Ё Ил! Бизга карам қил!
 Қалбимизга меҳр-оқибат бергил!
 Ҳамду сано ўзингга!
 Ҳамду сано ўзингга!...
Минбарга Илиша чиқади.
 И л и ш а. Тингланг! Нуҳ фармонин етказай Сизга!
Бошқалар тинглай бошлайдилар.
 “Бизга улуғ Илнинг карами ила
 Нажот етди жаҳолат исканжасидан.
 Энди янги турмуш бошланур, шаксиз,
 Унинг олдидан бу тўлқинлар узра
 Кема ҳаётимиз шубҳасиз – синов.
(Тантанавор)
 Ил номидан амримиз шу:
 Кема интизоми ҳаммага фарздир:
 Ҳеч ким ўз бошича қилмас ҳаракат!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Жою ризқ, улушга тажовуз бўлмас.
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Тозалик ва поклик қатъий сақланур!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Бир кунда фақат бир емоқ ва ичмоқ!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Ҳар ким қобилият, кучига қараб,
 Эшкак эшиш, арқон ўриш, елкан тўқиш,
 Овқат тайёрлаш машғулотларига қилинажак жалб!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Ҳамма бир-биридан огоҳ, хабардор бўлсин!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Фитна-фужур, уруш-жанжал
 ва умумнинг зарари учун
 Ким саъй қилса, жазога маҳкум!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Ниҳоят, эр-хотинларга яқинлик мамнуй!”

Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Ибодат вақтлари ҳеч ўзгаришсиз
 Адо этилажак!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Фақат қурбонлик-чун жонлик ўрнига
 Ҳар ким емагидан ажратур тортиқ!
 Ҳ а м м а. Итоат биздан!
 И л и ш а. Энди боринг ўз жойингизга,
 Бизни паноҳида асрасин Эгам!
Сом, Ҳом, Ёфас ва Елпик қоладилар. Бошқалар чиқадилар.
 Е л п и к. Ана холос... ана холос...
 Амр-фармон қуруқ сўздир – амал бошқадир.
 Фармон меҳр-оқибатга этару даъват,
 Амалда ёт этар ота билан ўғилни...
 С о м. Малъун, сен нима деб валдираяпсан?
 Е л п и к. Мен... ошкор этаман дилларда борин.
 С о м. Сўзларинг ғализ.
 Е л п и к. Унда нега бунда уч ўғлон
 Бошқалардан ажралиб қолмиш?
 С о м. Ўзимиз келишар маслаҳат бордир.
 Е л п и к. Ҳа, буни биламан:
 “Нега отамиз
 Одам Ато каби ислоҳга бориб,
 Амирликни ўғилларга бўлиб бермади?..”
 Ҳ о м. Сен бу ердан кет!
 Е л п и к. Қаерга борай?
 Шубҳа, гумон, ишончсизлик ва яна ҳасад
 туғилган жой – менинг ватаним!
 Мени ватанимдан ким қувар, ҳайдар?!
 С о м. Мен қуваман, мен ҳайдайман!
 Йўқол, кет бундан!
 Е л п и к. Йўлбарс қувган бўри қочар қўйга қўшилиб...
 Нодон бўри...
 Ҳ о м. Ким йўлбарс-у, ким нодон бўри?
 Е л п и к. Отангиз – йўлбарс-у, сиз – бўри, мен – қўй...
 Ҳ о м. Бетамиз сўзлар!
 Е л п и к. Ҳақиқат – йўлбарс-у,
 Ҳасад – бўри,
 Қўрқоқлик – қўйдир...
 С о м. Кетасанми, йўқ?!

Е л п и к. Йўқ, кетмайман, кўзингизга соламан парда.

Еллик сакраб четга ўтади.

С о м. Ёфас, биродарим, нега жим қолди?

Ё ф а с. Назаримда, отам бизнинг иродани тарбият қилур.

Ҳ о м. Йўқ, отамиз ноҳақлик қилур.

С о м. Жуда тўғри.

Нега фармон қул оғзидан қилинур эълон?..

Йўлбарс бўлиб ўкиролмас мушук ҳеч қачон.

Ҳ о м. Тилла жарангидай ақлни олмас,

Қанча пиширсанг ҳам сополнинг саси.

Ё ф а с. Қил ҳам лойга қўшилганда қувват бўлади –

Буни унутманг...

Келинг, Илишани унутиб, бир зум

Пайғамбар қошида сабоқ олайлик.

С о м. Борамиз, шошилма, хоҳлайлик ё йўқ,

Бизни сабоқ учун қошига чорлар.

Келинглар, биз уни ушбу ишидан

Пушаймон қилайлик, токи тушунсин,

Кимга суянмоғи кераклигини.

Ҳ о м. Қандай қилиб?

С о м. Аввало, иккинги сўзимга киринг,

Менга отангиздек итоат қилинг.

Сўнгра даъват қилинг кемада мавжуд

Барча махлуқларга, инсми ёки жин...

Ё ф а с. Оға, бу тадбиринг ҳозир ўқилган

Фармонга хилофдир.

Наҳотки, биз – Нуҳ болалари

Энг аввал бузурмиз кема низомин?

С о м. Биз бузмаймиз кема низомин,

Отамизга мадад бўламиз.

Бунинг учун демоқчиманки,

Бизга олий мақом берилмоғи шарт.

Уни бермас экан отамиз бизга,

Биз ўз қудратимиз ила олгаймиз.

Ё ф а с. Яъни отамизга итоат қилмай,

Кемани ўзимиз йўлга соламиз

Шундайми, оға?

С о м. Агар қўлламаса бизни отамиз!

Ё ф а с. Отамиз Ил ҳукмига тобе.

Айни дамда ўзича у ҳам

Тадбир юритмоққа, эҳтимол, ожиз.

Ҳ о м. Ҳар ҳолда, ўзига маслаҳат солсак...

Илиша киради.

И л и ш а. Ҳузурига чорлар сизни отангиз!

Чиқадилар. Нилия ва Меҳатобила кирадилар.

М е ҳ а т о б и л а. Қандай ваҳимали сувга қарасанг,

Булутлар ёпишиб қолгандай сувга.

Н и л и я. Эрта ёришармиш осмоннинг юзи.

Шамол турар эмиш, Қуёш чиқармиш.

М е ҳ а т о б и л а. Хайрият. Тинч-омон ерни кўрсайдик.

Н и л и я. Кўрамиз, албатта, шубҳа қилма ҳеч.

Илнинг отамизга ваъдаси бор-ку.

М е ҳ а т о б и л а. Қанча кутарканмиз тўфон тугашин...

Н и л и я. Анча кутамиз.

Меҳатобила, юр, бир иш қиламиз –

Махлуқлардан ўзимизга дўстлар топамиз.

М е ҳ а т о б и л а. Кетдик.

Мушук киради.

М у ш у к. Нилия, сенга мендан яқин дўст бўлмас.

Н и л и я. Жуда яхши. Сўзимизни тинглаганмидинг,

Қаердан билдинг сен дўст ахтарганим?

М у ш у к. Мен кеманинг қаерида не сўз,

Барчасидан воқиф юраман.

Кемадаги махлуқлардан дўстлар излайсиз,

Вақтингизни эрмак билан ўтказмоқ учун.

Сен мени танласанг,

Дамларингни хушнуд ўтказмоқ

Ва атрофда не сўзлар бор – бари-баридан

Хабардор қилмоққа ваъда бераман.

Н и л и я. Эвазига нима тилайсан?

М у ш у к. Пешонамни силаб турсанг бас.

Н и л и я. Жуда яхши. *(Меҳатобилага)*

Мана, кўрдингми, мен қандай дўст топдим.

М е ҳ а т о б и л а. Энди зерикмоқдан қутулдинг буткул.

(ўзича)

Алдамчи нигоҳлар...

Суяк найзалардай ўткир тирноқлар...

Н и л и я. Сен ҳам бирор дўст топ.

М у ш у к. *(Меҳатобилага)* Сени илон жуда севади.

Ҳар гал жамолингни кўрганда шўрлик

Ўзини қаерга қўярин билмай.
Тўлғанар, ингранар,
Биргина боқишинг кутар...
М е ҳ а т о б и л а. Мен ундан қўрқаман.
М у ш у к. Шундай ночор бир бечора жонивордан-а?
Сом, Ҳом, Ёфаслар кирадилар. Мушук ўзини четга олади.
С о м. Нотантилик қилдинг, Ёфас, бизни қўлламай,
Биродарлик қўрғонини вайрон қилурсан.
Ё ф а с. Ҳаммамиз мўминмиз, мақсадимиз бир:
Омон сақламоқдир тириклик уйин.
Отамиз қўнглимиз билгани каби
Аввал сўз бошлади сабрдан:
“Бугун тенглик лозим барчага”, – деди.
С о м. Мен қарши чиқдим!
Ё ф а с. Ҳа, қарши чиқдинг,
“Олий мақом” дединг,
Отам койинди: “Олий мақом – инсонлик”, – деди.
Ахир, бундан ортиқ ҳақиқат бўлмас.
Мен отамга қуллуқ қилиб, уни қўлладим.
С о м. Ҳа, қўлладинг. Эрта кўрамиз,
Қул бўлиб қоласан Илишаларга.
Ё ф а с. Илиша – хизматкор, садоқатли дўст
Ва у шундай ўтказар умрин.
Биз эса Буюк Ил раҳмати ила
Нуҳдан сўнг набийлик ворисларимиз.
С о м. А?.. Мендан олдин сен?!
Ё ф а с. Йўқ, оға! Бу фақат улуғ Ил ила
Нуҳга маълумдир.
С о м. Куфрим оширасиз мени тушунмай.
Чиқади, Нилия ҳам бирга чиқади.
Ҳ о м. (*Меҳатобилага*)
Биз ҳам кетдик.
М е ҳ а т о б и л а. Ҳа, кетдик.
Менинг ҳам сенга
Айтадиган зарур гапим бор.
Чиқадилар.
Ё ф а с. (*Ибодатгоҳга бориб*)
Эй, бизнинг меҳрибон паноҳимиз Ил!
Бизни кечиргил!
Қалбимизга адоват, зулм,

Такаббурлик уруғин
 Сира
 Ундирмагил, сира ундирма!
 (Суода кириб Ёфаснинг орқасида ўтиради.)
 Ҳаловат бер қалбларимизга...
 Офият бер ҳаётимизга.
 Ҳурлик бергил руҳларимизга...
 С у о д а. Муҳаббат бер дилларимизга...
 (Ёфас унга қарайди.)
 И к к а л а с и. Ҳамду сано ўзингга!
 Ҳамду сано ўзингга!...
 С у о д а. Ибодат қиялсанми?
 Ё ф а с. Гарчи Илнинг расули-ла бир кемадамиз,
 Бор-йўғимиз бир кемага жам бўлган гарчи.
 Гарчи ёғиб турар кўкдан балолар,
 Гарчи остимиз сув, суяниб бўлмас –
 Кибр кўксимизда шердай ўкирар.
 С у о д а. Не бўлди, ким сени бу кўйга солди?
 Ё ф а с. Ҳеч ким, Суода.
 Фақат баъзи кичик кўнгилсизликлар...
 С у о д а. Ҳеч кичиги бўлмас кўнгилсизликнинг.
 Агар у уруғдай қалбга қадалса,
 Қалб жуда серунум зиёратгоҳдир.
 Унга тушган ҳар қандай уруғ
 Гуркираб ўсади, бўш жой қолдирмай –
 Эзгуликми ва ё қабоҳат.
 Эзгуликнинг уруғи тушса,
 Чаман очар, алафларга ўрин қолдирмас.
 Кўнгилсизликдан гар унга бир уруғ
 Тушса, чакалакзор ундиради-ю,
 Руҳни-да чирмайди.
 Ҳурлик йўқолур.
 Инчунин, қалбингга ёвутма ҳаргиз,
 Заррача бўлса ҳам кўнгилсизликни!..
 Ё ф а с. О, қани эди...
 Руҳим алақачон тутқунга ўхшар,
 Ё сезар қандайдир кўнгилсизликни.
 С у о д а. Ҳаддим йўқдир сизнинг ишга аралашувга,
 Нажот машъалидир хонадонингиз,
 Бугун барча сизга боғлаган умид.

Сизнинг хонадонда кўнгилсизликми –
 Биз қаён борайлик?
 Ё ф а с. Йўқ, унчалик эмас.
 Ўзингдан сўзла,
 Ўзингда нима гап?
 С у о д а. Туш, бир туш кўрдим.
 Уни сенга айтиб, таъбир сўрай деб,
 Ҳузурингга келдим:
 Янги бир дарахтзор эмиш ғаройиб,
 Ҳамма дарахтлари янги навниҳол.
 Бир кичик ниҳолга ҳамма ниҳоллар
 Сажда қилар эмиш буткул эгилиб.
 Ҳавасим ортибди ўша ниҳолга,
 Шунда кимдир дебди: “Бу ниҳол – Ёфас”,
 Хурсанд бўлиб уйғондим масрур.
Мушук Ёфас ва Суода атрофини айланиб юради.
 Ё ф а с. Ҳеч кимга сўзлама сен бунни ортиқ.
 Бу бир башоратдир бизга, азизам.
Илиша киради.
 М у ш у к. (*Илишага суйканиб*)
 Жуда ажойиб туш,
 Ажойиб жуфтлик.
Чиқади.
 И л и ш а. Ёфас, қани Сом ила Ҳом?
 Нуҳ чорлаяпти.
 Ё ф а с. Ҳозиргина чиққан эдик хузуридан
 Яна нима гап?
 И л и ш а. Ўзи айтар, мен ҳам билмайман.
 Назаримда, ваҳий келди, билмайман – не гап.
 Сен киравер, мен чақирай Сом ила Ҳомни.
Чиқадилар. Елпик, Нилия ва Меҳатобилалар киришади.
 Н и л и я. Шундай дегин.
 Е л п и к. Шундай, энди... ерга тушганимизда
 Ҳаёт буткул бошқа бўлиб қолар, эҳтимол.
Сом, Ҳом ва Ёфаслар кирадилар.
 С о м. Бу бизнинг итоат учун, албатта.
 Н и л и я. Нима гап, азизим?
 С о м. Кема ҳалокати кутилаётир –
 Шундай хабар бермиш Ил отамизга.
 М е ҳ а т о б и л а. Биз ҳам ҳалок бўламизми?

С о м. Эҳтимол, шундай...

Ё ф а с. Оғалар, биз бунга йўл қўймаймиз-а?

С о м. Бу ҳам бир тадбирдир, эҳтимол,
Бизни итоатда ушламоқ учун,
Агар мен пайғамбар бўлсам, албатта,
Умматимга “пайғамбардан ўзга нажот йўқ”

Деган ақидани сингдирмоқ учун
Ўйлаб топар эдим турли хавф ваҳмин.

Ё ф а с. Умматинг ҳам агар бўлса нодон гумроҳлар,
Сенинг бундай афсонангга ишониб яшар.

Қўйлик-да бу сўзларни, нажот ҳақида
Ўй сурайлик.

Отамиз нажот бор, деди-ку, ахир.

Ҳ о м. Нафсни пўлат занжирларга банд этиб
Фақат

Эзгуликни мақсад, ихтиёр

Қилмоқ буюрилди – шу эмиш нажот.

С о м. Барибир, бу ҳалокатга ишонгим келмас.

Н и л и я. “Кема ҳаётимиз шубҳасиз – синов”

Дейилган эди-ку Нуҳ фармонида.

Синовга дош бермоқ керак-да!...

С о м. Ҳар ҳолда, ҳаммангиз огоҳ бўлингиз,

Ҳалокат қаердан келар, кўрайлик.

Ё ф а с. Мана бу бошқа гап, огоҳ бўлайлик!

Тарқала бошлайдилар. Сом ҳаммадан орқада қолади.

Е л п и к. Чамаси, яна бир сўз унутилди.

С о м. Нима дейсан?

Е л п и к. Нуҳдан кейин кимга қолар фармонбардорлик

Ва ким бошга қўяр набийлик тожин –

Маълум бўлиб қолмадими?

С о м. Нималар дейсан?

Е л п и к. Шуни унутмагин деган эдим-да...

С о м. Нимани?

Е л п и к. Энг қиммат нарсани бой бермоқдасан.

С о м. Бекор гап. Токи мен тирик эканман,

Мендан ўтиб бу тожга ҳеч ким

Даъвогарлик қила олмайди.

Чиқади. Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Ҳей, бу ерда ким бор, эшитинг!

Илон, Мушук ва Ит киришади.

И т. Нима гап?

Қ а л д и р ғ о ч. Эшитдим мен айни Нуҳнинг оғзидан,
Ҳалокат бор эмиш, нима қиламиз?

И т. Қанақа ҳалокат?

Қ а л д и р ғ о ч. Нуҳга ваҳий келмиш.

Ил айтган эмиш:

“Кемангда ҳалокат содир бўлади”.

М у ш у к. Унда нега ерда чоғимиз

Кемага чиқармай қириб қўймади?

Хўш, эшитган бўлсанг, нима бўларкан

Сабаб ҳалокатга,

Ё уни ким қилар, шундан хабар бер.

Қ а л д и р ғ о ч. Нафс қилар эмиш.

М у ш у к. Тушунмадим.

И т. Англамадим мен ҳам бу сўзни.

И л о н. Демак, ўтар ҳаммадан гуноҳ,

Чунки ҳамма нафсга мубтало.

Нафс тажовуз қилса, тамом,

Идрок йўқолур,

Қулоқ кар-у, кўз кўр бўлади.

Қ а л д и р ғ о ч. Демак, қанча оч бўлсангиз ҳам,

Ташна бўлсангиз ҳам,

Нафсга эрк берманг!..

Нафсга эрк берманг!..

Чиқадилар, Нилия ва Меҳатобила кирадилар.

Н и л и я. Мени Мушук огоҳ қилди бугун бир сирдан –

Ёфас билан маҳбубаси Суода “келин”

Пайғамбарлик орзусини қилар эмишлар.

М е ҳ а т о б и л а. Орзуга айб йўқ.

Н и л и я. Мен бунини орзу деб тушунмаяпман.

М е ҳ а т о б и л а. Унда недир у?

Н и л и я. Бу, балки, режадир, пайғамбарликни

Қандай қилиб тезроқ қўлга киритмоқ учун.

Ўзларича башоратлар қилар эмишлар,

Ўзларича сир сақлашга қилар эмиш аҳд.

М е ҳ а т о б и л а. Каттаман деб Сом бу ишга ошкор даъво-
гар,

“Кичик ўғил – ворис” дея Ёфас ҳам тайёр,

Наҳот содда Ҳомнинг бунга ҳаққи бўлмаса?..

Н и л и я. Албатта, ҳаққи бор,

Лекин навбат-да!

Ўзинг ўйла, туғилганда биринчи ўғил

Ота қувончининг чеки бўларми?..

Нух ҳам Ҳом ё Ёфасдан кўра

Кўпроқ қувонгандир Сом туғилганда.

Нега энди унга қилмас тожини тортиқ...

Еллик пайдо бўлади.

Е л п и к. Лекин пайғамбарни танламоқ фақат

Илнинг иши, буни ҳал қилмас

Ҳеч кимсанинг тадбирию хоҳиши асло.

М е ҳ а т о б и л а. Унга эришмоқнинг ҳеч йўли йўқми?

Е л п и к. Бор, фақат бу жуда қалтис.

М е ҳ а т о б и л а. Қандай йўлдир у?

Е л п и к. *(Меҳатобилани четга тортиб)*

Фараз қилгин, бир кишига етарли ғоят

Лазиз таом пиширилар қўшни хонада.

Ҳамхонангнинг қорни оғир очликдан бу пайт,

Ишонтирсанг уни оғир касаллигига,

Овқат билан топмоғига умри ҳам яқун.

Бояқишда йўқолади емакка хоҳиш.

У емагач, ошпазнинг ҳам ҳафсаласи пир.

Н и л и я. Бу масални менга Мушук айтиб берганди,

Наҳотки бу иблис бўлса?..

Е л п и к. Энди мен борай.

Чиқади.

Н и л и я. У Иблис экан, бас, унга ишонма!

М е ҳ а т о б и л а. Лекин жуда тўғри, ибратли масал.

Сом ва Ҳом кирадилар.

С о м. Иккинги не ҳақда қилмоқдасиз баҳс?

Н и л и я. Ғўр ошиқу ғўра маъшуқа

Севгиси ҳақида мунозарамиз.

Ҳ о м. Ким экан улар?

М е ҳ а т о б и л а. Ёфас ила Суода жуфти.

Лекин ғўр деб бўлмас уларни жуда.

Ҳ о м. Нега?

М е ҳ а т о б и л а. Нилия айтар...

Н и л и я: Ёфас пайғамбарлик курсисин, тожин

Қўлга киритмоқни Суода билан

Хилват-хилватларда қилар маслаҳат.

Ва бу сирни ҳеч кимсага ошкор қилмаслик

Учун аҳдлашишар, гувоҳимиз бор.
 М е ҳ а т о б и л а. Бунга ишонтирган отангиз, балки?
 С о м. Бу мумкин эмас.
 Агар шундай бўлса,
 Мендан кўради.
 Ҳ о м. Нима қиласан?
 С о м. Янчиб ташлайман!
 Ҳ о м. Бу фармонга хилоф.
 Н и л и я. Лекин чора кўриб қўймоқлик лозим.
 Буни фақат бир ўзингга айтишим керак.
 М е ҳ а т о б и л а (*Ҳомга*).
 Юр, азизим, менинг ҳам сенга
 Айтадиган зарур гапим бор.
Чиқадилар.
 Н и л и я. Гуноҳкор деб қораласанг бирор кишини,
 Тортиб қўйсанг жазога ҳам кўпнинг олдида.
 Билсалар ҳам унда гуноҳ бўлмаганини,
 Ўз шаънларин ўйлаб ундан йироқ юрарлар.
 Жазоланган киши бундай муносабатдан
 Ўзин ейди, еб қўяди ақлу ҳушини.
 Дами чиқиб шалвирайди икки ҳолда ҳам,
 Керак эмас унга ҳеч ким, у ҳам ҳеч кимга.
 Қора чаплаб қўйсақ Ёфас шаънига биз ҳам,
 У ўзини оқлай олмай эси кетади.
 С о м. Лекин буни бизнинг қўл билан
 Қилиб бўлмас, фитна саналур.
 Н и л и я. Ҳайвонлардан дўстларимиз бор,
 Зоҳир бўлар бу уларнинг воситаси-ла.
 С о м. Жуда яхши, кириш бўлмаса.
 Н и л и я. Кетдик, энди томоша қилгин.
Чиқадилар. Ёфас ва Суода кирадилар.
 С у о д а. Қара, қандай ёришди осмон
 Порлаяпти нурафшон Куёш,
 Эсаётир ҳаётбахш сабо,
 Тинди ёгин, тиниқлашди сув,
 Тўлқинлари мафтункор гўзал –
 Булар далолатдир ерни кўрмоққа.
 Ё ф а с. Ҳаяжонланма кўп, ҳали эртадир.
 С у о д а. Ҳаяжонланмайин? Нега? Ахир, биз
 Ерга тушиш билан тўйни бошлаймиз.

Ё қайтдингми берган ваъдангдан?

Ё ф а с. Йўқ, қайтмадим, лекин кемада

Ҳалокат бор дейилган эди.

Шундан безовтаман.

С у о д а. Уни фақат сен,

Эҳтимол, Нуҳ ила сен ўйлаётирсиз.

Бу бошқалар парвойида йўқ.

Мушук киради.

М у ш у к. Яра босаётир жониворларни,

Арз қилайлик кимга, эй Ёфас?

Ё ф а с. Қани, ўзим бориб кўрай-чи.

Чиқадилар. Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Ким бор, ҳей, ким бор?

Сом ва Ҳом кирадилар.

С о м. Ҳа, нима гап?

Қ а л д и р ғ о ч. Нуҳ уйқуда, уйғотгим келмас,

Лекин чора лозим жуда тез.

С о м. Нима гап? Гапир.

Қ а л д и р ғ о ч. Яра босаётир одамларни ҳам,

Жароҳатлар безовта қилар,

Одамларнинг ороми йўқдир.

С о м. Қандай яра, қандай жароҳат?

Қ а л д и р ғ о ч. Кимга дондеккина нишона берса,

Соат ўтмай вужудин қийнар,

Қизиган темирдай танани қисар.

С о м. Ҳозир қанча одам унга йўлиқди?

Қ а л д и р ғ о ч. Ўндан тўққизига жониворларнинг

Яра аллақачон тегиб улгурди.

Улар ўзларини тутолмай инграб

У ёндан-бу ёнга ураётирлар.

Ҳ о м. Ҳалокат келди! Ҳалокат келди!

Ёфас киради.

Ё ф а с. Нима гап? Нима шовқин!

Ҳ о м. Ҳалокат келди! Ҳалокат келди!

Ҳайвонларнинг ўқиришлари, одамларнинг инграши ва

йиғилари.

Одамлару ҳайвонларни бир яра босмиш,

Темир каби қизитиб у қисар танани!

Энди оғриқларга чидай олмасдан

Ўзларин бир ёнга урса жонзотлар,

Кема ағдарилар ҳалок бўламиз!..

Ё ф а с. Не дер отамиз?

Илиша киради.

С о м. У ухлар эмиш.

И л и ш а. Унга уйқу буюрилди Ил амри ила.

Ил синов деб айтган эмиш бу уйқуни ҳам.

Ҳ о м. Бу ғафлат уйқуси! Бориб уйғотай.

С о м. Айни пайтда маслаҳати керак-ку унинг.

Тезроқ борайлик.

Чиқадилар. Мушук ва Ит киради.

М у ш у к. Эшитдингми, маликамиз амирларини,

Ё итоат қиласан, ё сендан воз кечар.

Воз кечгани ҳаётингда хорлик ва ўлим.

И т. Эшитдим-у, буни обдон ўйламоқ лозим.

М у ш у к. Ўйлаш нечун? Биз учун ҳам малика ўйлар.

И т. Нега уни малика деб атаётирсан?

М у ш у к. Сом – бош ўғил, набий бўлар

Ва идора қилар ернинг юзини.

Шунда унинг хотини ким малика бўлмай?

Эсинг бўлса, ҳозирданоқ унга яқин бўл!..

И т. Яхши, майли, малика бўлсин.

Лекин маликалик тахтига чиқмоқ

Мос келмаса унинг бўйига,

Бошқаларнинг мурдасидан зина ясамоқ

Ил учун ҳам, эл учун ҳам хиёнат, ахир.

М у ш у к. Одамларнинг иши буёғи.

Сен билан биз хизматида бўламиз, холос.

У айтганин бажарамиз, тамом-вассалом.

И т. Бир ўйлаб олай...

М у ш у к. Майли, ўйла. Ўйлайвер,

Фақат оғринтирма маликамизни.

И т. Яра муаммоси кўтарилсин, сўнг

Бу ҳақда бошқа бир маслаҳат бўлар.

Сом, Ҳом, Ёфас ва Илишалар киришади.

С о м (*тажанг*). Нима қилиб қўйдинг, Ҳом?

И л и ш а. Ил синов деб айтган эди бу уйқуни-я!..

Ҳ о м. Отамизнинг шундай эди азал хоҳиши.

Эътибори кам эди-ку менга ҳамиша.

С о м. Шарт эдими кўтармоқлик унинг кўрпасин?

Ҳ о м. Уйғонмаса, нима қилай?!

С о м. Отамизни уялтирдинг чиндан ҳам, иним.

Ҳ о м. Уялтирган аслида шамол эди-ку.

Шамол кўтармаса унинг кўйлагин,

Уятга қолмасди дарға отамиз.

С о м. Сен кўрпани кўтармасанг,

Қодир бўлмас эди шамол Нуҳнинг кўйлагин

Кўтариб ва ўйнаб уни уялтирмоққа.

Яна узоқ отдинг кўрпани, қара...

И л и ш а. Ёфас гар тўнани ёпмаса дарҳол,

Ҳаммамизни дуои бад қилар эди Нуҳ.

С о м. Ҳаҳ... яна у...

Шовқин, ҳайвонлар ўқириклари. Кеманинг гоҳ ўнг, гоҳ сўл тарафи кўтарилиб кета бошлайди. Сўнг чап ёнга бошлайди. Ағдарилиб кетадиганга ўхшаб қолади. Ҳамма ваҳимада у ёндан-бу ёнга чопа бошлашади.

Ҳ о м. Ағдарилдик, тамом, ҳаммамиз кетдик.

Аёллар кирадилар.

А ё л л а р. Ағдарилдик, ағдарилдик!..

И л и ш а. Мен Нуҳ қошига...

Чиқади.

С о м. Эй соҳиби олам Ил!

Бизни кечиргил!..

Н и л и я. Бизни асрагил, эй Соҳиби олам!

М е ҳ а т о б и л а. Асра бизни, асра қодир Ил!

Ё ф а с. Нажот бер, ё Ил!

Ваҳимада шу сўзлар кўп такрорланди. Кема силкинади. Яна гоҳ ўнг, гоҳ сўлга оғиш. Яна ваҳимали ўша сўзлар. Илиша киради.

И л и ш а. Ҳамма ўз жойида тўхтасин бир зум.

Ил амр этди, ҳаммангиз тингланг!

Биз оз тинчланиш.

Силаб кўрсин Нуҳнинг уч ўғли

Ярадорлар жароҳатларин.

Кимнинг қўл изида яра йўқолса,

У ҳаммани силайди,

Ёки

Сув оқизиб қўли устидан,

Ювинади ҳамма жонзотлар.

Жароҳатга берилур барҳам!

Ҳ а м м а. Итоат биздан!

Итоат биздан!

Ё қодир Ил!..

И л и ш а. Фақат тартиб сақланг!

Тўполон қилманг!

Қошингизга борар набийзодалар.

Чиқадилар. Бироз шовқиндан сўнг “Шифо”, “Нажот” деган ҳайқириқлар эшитила бошлайди. Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Ёфас қўли шифо бўлур энди барчага!

Сув олингиз Ёфас қўлидан.

Чиқади. Илиша киради.

И л и ш а. Ил шифобахш этди Ёфас қўлини!

Ва танангиз ювиб шифо, нажот топгайсиз!..

К ў п ч и л и к. Итоат биздан!

Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Нуҳга айтдим хушхабарни,

У бизга айтур,

Тартиб сақлаш учун энди

Ёфас қўлини

Ювсин эмиш тўлқинлар узра

Ва одамлар сув олишиб ундан, аввало,

Ҳайвонларни ювсин эмиш

Сўнгра ўзларин.

И л и ш а. Бажо қилинг Нуҳнинг амрини.

Ҳ а м м а. Итоат биздан!

Итоат биздан!

О в о з л а р. Ёфас, бизга сув!

Ёфас, бизга сув!

Ёфас, бизга сув!

Ёфас!..

Ёфас!..

Сом, Ҳом, Нилия ва Меҳатобила кирадилар.

С о м. Ҳамма ёқда Ёфаснинг номи!

Ҳ о м. Биз дуои бадга учрадик!..

С о м. Биз эмас, сен учрадинг унга!..

Бугун ўзинг, эрта эса авлодларинг шу

Тавқи лаънат билан паст деб аталурсизлар.

М е ҳ а т о б и л а. Ундай бўлмас!

Аввало биз, биз етмасак авлодларимиз

Тенглик учун курашулар,

Тенг бўлажакмиз.

Ҳ о м. Лекин энди, барибир, бир ҳақиқат бордир,
 Уялади отам мендан мени кўрганда.
 Эҳтимол, мен уни ўша уяти боис
 Мажбур қила олажакман ён бермоқликка!
 С о м. Бу хомхаёл шунча гапдан кейин ҳам билмас
 Нима қилиб қўйганини, нима кутганин.
 Ме ҳ а т о б и л а. Оға, бизга раҳмингиз келса,
 Отамиздан узримиз сўранг.
 Майли, бизга жазо буюрсин,
 Авлодимиз қилмасин таҳқир.
 С о м. Умид боғи қирқ жойидан қирқилиб бўлди,
 Отамиз сизни... Йўқ... Ҳомнинг наслини
 Қарғаб қўйди, қайтариб олмас.
 М е ҳ а т о б и л а. Йўқ! Мен бунга асло кўнмайман.
 Бахтсиз... бадбахт болаларни туққандан кўра
 Арслонларга ем бўламан!.. Ё балиқларга!..
 Н и л и я. Сабр керак, Меҳатобила!
 Ҳар нарсани сабр енгади.
 Нуҳнинг қарғишини Ил қўллайдими,
 Ёки йўқми – буни вақт кўрсатади.
 (Сомга)

Кўринмасдан ернинг қораси,
 Юр, ишимиз қилиб олайлик.

Чиқадилар. Елпик, Қора қарға, Ит, Илон ва Сичқон киради-

лар.

Қ о р а қ а р ғ а. Бурунлари кўрмаганман мен сени, жаноб,
 Кимлигингни бир танитсанг, эй муҳтарам зот.
 Е л п и к. Мен кемага юборилдим Ил томонидан
 Қилмоқ учун ҳайвонларни ҳифзу ҳимоят.
 Ҳимоямда паррандаю дарранда бари.
 Тинглаб сизнинг талабингиз, шикоятингиз,
 Музокара қилажакман набий Нуҳ ила,
 Ечажакман мушқулингиз, шубҳасиз, дарҳол.
 С и ч қ о н. Демак, сен ҳимоя фариштасисан?..
 Е л п и к. Ҳа, албатта. Энди айтинг-чи,
 Сизни қийнаётир қандай муаммо?
 Қ о р а қ а р ғ а.
 Тўғрисини айтсам, йўқдир жиддий муаммо,
 Аммо қисқагина уйқуга кетиб,
 Тушимда ўлакса кўрибман тўп-тўп,

Уйғонсан, тамшаниб ётибман... Эсиз...
 И т. Мен ҳам соғинибман ўлган вужуднинг
 Сасиган этини...
 И л о н. Шу ҳам таомми?
 Менга эса ёқар тирик қушчалар
 Қорнимга питирлаб тушиб кетиши.
 Е л п и к. Нега энди ҳаммангиз фақат
 Емишдан сўзлайсиз? Ахир, дунёда
 Роҳат топмоқнинг қўп усуллари бор.
 Қ о р а қ а р ғ а. Қанақа усуллар?
 Е л п и к. Роҳатланмоқнинг энг мақбул усули –
 Бошқаларни ночор кўрмоқдир.
 Яна ҳам ойдинроқ айтсак гар буни,
 Бошқаларни солиб қўйиб ночор бир қўйга,
 Томошасин қилиб ҳузур топмоқ роҳатдир!..
 Мен бундан афзалроқ роҳат билмайман.
 С и ч қ о н. Шунинг учун мушук бизни ҳамиша шундай
 Мазах қилиб ер экан-да!..
 И л о н. Албатта-да, мен ҳам қушларни
 Шундай жилва қилиб аврайма-а-н...
 Е л п и к. Лекин билсангиз,
 Одамийзод барчангизни масхара қилар.
 Қ о р а қ а р ғ а. Ҳа, у бешафқат.
 И т. Ундай эмас, у жуда содда
 Ҳам меҳрибон зот.
 У, ахир, мукаммал ижоди Илнинг.
 Раҳм қилса, меҳрибондир худди Ил каби,
 Қаҳр қилса, ўхшаб кетар қаҳри ҳам Илга.
 Е л п и к. О, бечора муте махлуқ!..
 Сен айтган ўша содда, меҳрибон
 Занжир солиб бўйнингга сени
 Етаклайди истаган жойга
 Ва қилади хоҳлаганча сени ҳақорат.
 И т. Лекин, барибир, у бўлмаса ернинг юзида,
 Бузиларди тирикликнинг мувозанати.
 Е л п и к. Ўзлигингни унутибсан...
 Майли, қўйинглар,
 Келинг, сўзлашайлик роҳат ҳақида.
 Қ о р а қ а р ғ а.
 Бизнинг қўлдан келмас ҳаргиз масхара қилмоқ,

Фақат кўринган ҳар қимирлаган жон
 Қачон ҳаракатдан тўхташин кутиб
 Ва тўйиб эмоқни кутиб яшайман.
 С и ч қ о н. Бизнинг эса жонга теккан масхара бўлмоқ.
 Тўғри, бизлар кемирамиз тошдан қаттиқроқ
 Жисмни ҳам тўғри келса ўнгидан, албат.
 Айниқса, у егулик бўлса...

Е л п и к. Истайсанми, айлантирай мен сени шундай
 Бир қудратли, кучли махлуққа?

Кулгин роса масхара қилиб
 Кемадаги барча жонзот устидан сен ҳам.

С и ч қ о н. Қани эди кўлингдан келса,
 Мен ҳам туйсам

Сен айтган у роҳатни бир зум.

Е л п и к. Ҳозироқми?

С и ч қ о н. Айни шу дамда!..

Е л п и к. Сабринг худди жуссангдек кичик.

И л о н (ўзича).

“Сабр қанча улуғ бўлса,

Зафар ундан-да

Улуғ бўлар”, – деган эди даъватида Нуҳ.

Е л п и к. Сабр қил бир зум. Бунда бордир шарт.

С и ч қ о н. Мен розиман, айта қол уни.

Е л п и к. Бунинг учун бир хилват жой топишинг зарур.

Шундай жойки,

Ининг каби кўзлардан йироқ.

С и ч қ о н. Кемада мен бундай жойни қандай топаман?

Е л п и к. Севган машғулотинг қанча кўп қилсанг,

Шунча яхши ишлайди миянг.

Қолаверса, роҳатни истайсанми,

Топасан-да.

(Бир сесканиб)

Ана мушук!

Сичқон атрофга аланглайди. Елпик Мушук қиёфасига кириб, Сичқонга ҳамла қилади. Сичқон қочиб кетади. Елпик яна ўз ҳолига қайтади.

Е л п и к. О, бечора Ит. Раҳмим келар сенга ҳам жуда.

И т. Нега энди?

Е л п и к. Жуда хорсан. Биргина айбинг –

Мутелигингдир.

О, қандайин кўйларга қолдинг?

И т. Қандай кўйга?

Е л п и к. Эрк бера олмайсан туйғуларингга

Жунбишга келмасин улар қанчалар.

Бу сенга ярашмас, ўзинг англасанг.

И т. Сен мени ҳақорат қилаётирсан.

Сўзларинг васваса, тухмат ва бўҳтон.

Е л п и к. Озгина сабр қил. Кўрасан ёки

Эшитиб қоласан: одамлар сизни

Қандай ҳийла билан идора қилар,

Яъни нафсин қондирмоқни сизга маън этиб,

Ўзлари айшларини не чоғли қилур.

И т. Йўқ, ишонмайман.

Е л п и к. Эшитсанг мободо улар ўзидан,

Сўнгра ишонарсан?

И т. Ишонсам, эҳтимол.

Е л п и к. Бўпти, кўрамиз.

Чиқадилар. Ёфас ва Суода кирадилар.

Ё ф а с. Суода, ҳар қуни бирга бўлсак-да,

Кўркам қоматингу гулгун юзингга

Сира боқиб тўймас кўзларим.

С у о д а. Сенинг ёниқ кўзларингга боқсам ҳар қачон,

Юрагимни олов билан тўлдириб олгум.

Шу муҳаббат борки, мен ҳам ёниб яшайман.

Илиша киради.

И л и ш а. Ёфас, сени Нуҳ чорлаётир.

Ё ф а с. Нима гап?

И л и ш а. Сен ҳақингда аллақандай... гап.

Юр, ўзидан эшита қолгин.

Чиқадилар. Сичқон киради.

С и ч қ о н. Мен ҳаммадан қудратли бўлиб,

Кулиб турсам улар устидан...

Лекин қай йўл билан?..

Билмадим.

Барибир қудратли бўлишим керак,

Бу кемани бир зир титратай!..

Лекин қай йўл билан?..

Билмадим.

Барибир қудратли бўлишим керак.

Кўрқитиб қўймоғим керак ҳаммани.

(Бу авлодлар олдида шараф,
Эҳтимол, тарихий зарурат!)
Жони чиқсин шер оёқларин,
Бургутларнинг қаноти синсин,
Лочин кўзин қопласин шарпа,
Мушук қочсин олдимга тушиб...
Одамлар ҳам... майли, юришсин,
Мени кўрса, кўрмагандай бошқа йўл топсин...

Эҳ! Билмаяпман-да!
Қандай йўл билан?

Елпик киради.

Е л п и к. Сичқон, хилват жойни топдингми?
С и ч қ о н. Тополмадим, нима қилайин?
Лекин жуда истаяпман кучли бўлмоқни
Ва сен айтган роҳатни мен бир туйсам эди.
Е л п и к. Айтгандим-ку бунинг йўлин, англамадингми?
С и ч қ о н. Англамадим, очиқроқ айт.

Е л п и к. Майли, ошкор айта қолай –
Ҳозир ҳеч ким йўқ.

Сен ўссанг ҳам туя бўлмайсан.
Ҳайбатинг ҳеч фил каби бўлмас.
Наъра тортиб шер бўлолмайсан,

Бўлолмайсан заҳарли илон.

Лекин сенда қурол бор-ку!

(Чўп тишлаб кўрсатади.)

Уни ишга сол.

Шунда сенинг ошиғинг олчи...

Айтдим, тамом, энди ўзинг топ,

Каминага ортиқ ортиғи.

Чиқади.

С и ч қ о н. Албатта, қўрқитиш керак ҳаммани...

Лекин менда қандай қурол...

(Чўпни тишлаб ва бироз ўйлаб) бор!

Бўлди!

Қўрқитишим керак ҳаммасин энди!

Жонини ҳовучлаб чопарлар... кўринг!..

Қўрқитаман!

Даҳшат соламан!..

Чиқади. Мушук ва ит киради.

И т. Жон, дўстим, қўй, мени сотмагин,

Итлар яшаб қолсин дунёда,
Ёлвораман, сотиб қўймагин!
М у ш у к. Маликамга бориб айтаман,
Кирмагандинг унинг сўзига.
И т. Истаганин айтсин, қиламан!..
М у ш у к. Йўқ, сен буздинг олий фармоннинг
Бир ниҳоят муҳим бандини,
Бунинг учун жазо муқаррар.
И т. Бир умрга хизматингда бўламан,
Фақат
Айта кўрма буни ҳеч бир жонзотга асло.
М у ш у к. Нафсингизни тиёлмайсиз, сиз, итлар ҳаргиз...
Бир ўйлаб кўр, буни агар мен айтмасам-у,
Маликамиз бошқа жойдан эшитиб қолса,
Мен унга қарайман қайси юз билан?
И т. Биласан-ку, бизнинг қанжиқ бир йилда бир ой
Илиқ даврин ўтказади.
Мана шу ойда!
Яна қанча юражакмиз ушбу кемада –
Илиқ даври ўтиб кетар, биз не қилайлик?..
М у ш у к. Бизда ҳам бор бундай давр, яхши биласан,
Лекин йиғиб юрибмиз-ку ўз нафсимизни.
(*Бироз ўйлагандек бўлиб*)
Майли, сенинг гуноҳингни ёпиб қўямиз,
Лекин бир шарт бор.
И т. Не экан у? Кўпдан буён маликам дейсан,
Хоҳиш дейсан, нелигини ҳануз айтмайсан.
М у ш у к. Нухга бориб Ёфас ила Суодаларнинг
Жуфтлашганин кўрган каби айтиб берасан.
И т. Бу тухмат-ку! Бу ҳам бир тақиқ!
Бу учун ҳам жазо бордир, наҳот унутдинг?
М у ш у к (*ўзини ҳеч нарса билмагандек тугтиб*).
Мен сенга ҳеч нарса деганим йўқ-ку,
Маликамга жиноятинг айтаман, холос.
И т (*ночор*).
Майли... айтай, айтганим бўлсин,
Лекин бу сир ёпиқлик қолсин.
Чангитсанг,
Гулласанг, айтаман бу ёғини ҳам.
М у ш у к. Майли, боргин, омадинг берсин,

Бор, бора қол!

Ит чиқади.

Энди иш битди.

Мен айтганда ишонмади Нух,

Лекин шубҳа туғилди унда.

Энди Ит ҳам шу сўзни айтса,

Маликамнинг муроди ҳосил!..

Бориб маликамдан севинчи олай.

Чиқади. Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Сув юзида аллақандай матоҳлар сузар...

Сув пасайган кўринади.

Узоқ учиб толмас, кўзи ўткир қушларни

Учириб Нух йироқлардан

Хабар олсайди.

Чиқади. Сом, Ҳом, Нулия, Меҳатобила, Суода ва Илиша киради. Илиша бир томонда, Ёфас ва Суода иккинчи томонда, қолганлари орқада.

И л и ш а. Муҳокамамининг мавзуси маълум,

Набийзода Ёфас Суода билан

Ил номи-ла етказилган олий фармоннинг

Муҳим бир бандини бузган кўринур.

Бу ҳақда Нух алайҳиссалом

Ҳайвонлардан хабар эшитмиш.

Айбланувчи иқрор бўлса ўз қилмишига,

Тавба қилса Ил номи ила,

Жазолари енгиллатилур.

Ёфасга қўлланса қайси бир жазо,

Тенг кўрилур Суодага ҳам,

Қани, сўйла, Ёфас, не дейсан?

Ё ф а с. Суодани жонимдан ҳам ортиқ севаман,

Бу севги қалбимга абадий малҳам.

Мен тинглаган энг ёқимли наводир – саси,

Олам наққошининг тенгсиз санъати –

Тасаввуримдаги энг гўзал хилқат,

Вужудим кемаси интилган маёқ

Суода эканин қилмайман инкор!

Босганда ҳам ер юзини тўфон зулмати,

Қалбимни Қуёшдай ёритиб турган

Унинг муҳаббати эди, билсангиз.

Унинг кўзларига боққан онларим,

Юлдузга термилиб ширин орзулар
Қилган бола каби яйрар эдим мен.
Мен, қодир холиқи арзу самонинг
Бир шу неъматига ҳар нафасимда
Шукроналар айтсам камдир, эҳтимол.
Зулфининг муаттар мушки таралиб,
Руҳим мойил этиб элитганда ҳам,
Қодир Яратганнинг қаҳридан кўрқиб,
Яқин боролмадим унинг қошига.
Биласиз, Ил амрин ҳар каломига
Мен каби содиқни топа олмайсиз.
Бас,
Онт ичаман Ил ва Нуҳнинг муқаддас номи
Ҳамда севгим, ҳаётим ҳаққи,
Фитнадир бу, туҳмат, хиёнат!
И л и ш а. Тан олмайсан, демак, айбингни?
Хўш, не дейсан, Суода, сен ушбу айбловга?
С у о д а. Гувоҳ бўлдим бир куни мен: Нуҳнинг қошига
Соч-соқоли ўсган чол ўз набирасини
Бошлаб келиб деди:
– Бу – Нуҳ, бузғунчи, баттол!
Мен не қилсам, сен ҳам шундай қилгин, набирам,
Шундай қилсин сендан кейин туғилганлар ҳам!
Сўнг ўша чол оғзин тўлдириб,
Нуҳ юзига тупурган эди.
Нуҳ юзини артиб кулди ва деди:
– Биз – ҳақмиз, биродар!
Менда унинг ҳақлигига шубҳа қолмади.
Чунки
Балқиб турар эди унинг юзида ишонч.
Мен қошига бориб, унинг қўлларин ўпиб,
“Ил маъбуддир, Нуҳ расулдир” – шаҳодат айтиб
Унга иймон келтирдим, бас,
Шу иймон ҳаққи,
Онт ичаман,
Дурдек тоза ушбу танамда
Чумолининг изи қадар доғ топилмагай,
Менинг мрамар танам Ёфас нигоҳларининг
Оташида симоб каби эриган дамлар
Яратганга нидо қилдим ошкор ё пинҳон:

“Менга гўзал сабр бергил,

Аё қодир Ил!”

И л и ш а. Иккиси ҳам тан олмади,

Сом, нима дейсан?

С о м. Мен не ҳам дердим...

(*Ёфасга*)

Иним, тарихимиз яхши биласан:

Елпик ҳийласига сен эмас, ҳатто

Одам ва Ҳавво ҳам таслим бўлганди.

Улар тавба қилиб нажот топдилар...

Ё ф а с. Оға, менга сен ҳам ишонмайсанми?

С о м. Мен тушунмадим, Нуҳ севарди сени ортиқ

Ҳаммамиздан ҳам.

Шу алфозда сени у бундай

Гумон қилди, шубҳага борди?

Ё ф а с. Тўғрисин де, ишонмайсанми?

С о м. Ишонмайми сенга ёки Ил расулига?

И л и ш а. Ҳом не дейди?

Ҳ о м. Агар Нуҳга бу хабарни инсон етказса,

Бунда ҳасад ё туҳмат бор, десак бўларди...

Ё ф а с. Демак, сен ҳам ишонмайсан –

Мен гуноҳқорман?..

И л и ш а. Ана, ўзи иқрор бўлди!

С у о д а. Нима деяпсан?

(*Илиша ва бошқаларга*)

У “иқрорман” демаяпти,

Сўзларин англанг!

Суода мадад сўрагандек Нилияга яқинлашади.

Н и л и я. Биз эшитдик: “Мен – гуноҳқор” дер.

Суода Меҳатобилага яқинлашади.

М е ҳ а т о б и л а. “Гуноҳқорман” деганини аниқ эшитдим.

С у о д а. Нега жимсан, Ёфас?

Бугун сенинг юзингда

Нуҳ: “Биз – ҳақмиз!” деган чоғдаги

Нур балқийди. Булар кўрмас ва тушунмас,

Бирор нарса де!

Ё ф а с. Шу ҳақлигим, иймоним ҳаққи,

Туҳматчини Ҳаққа топширдим!

Жазосини берсин унинг Ил!

И л и ш а. А-ми-н!

С у о д а. А-ми-н!

Ҳ о м. А-ми-н!

Ё ф а с. Била туриб ҳақни, уни беркитганни ҳам,

Ҳамда қўллаб турганни ҳам тухматчиларни

Топшираман Яратганга!

Энди барчангиздан Нуҳга арз этгум!...

Шовқин кўтарилади. “Ҳалокат! Ҳалокат!” сўзлари эшитилади. Мушук киради.

М у ш у к. Ҳалокат! Ҳалокат!

Кема тешилибди! Биринчи қават

Ярмигача сув ичра қолди.

Майда жониворлар сузиб юришар!

И л и ш а. Ҳозирча тўхтади муҳокамамиз.

Мен Нуҳ қошига!..

Саҳна одамлар ва ҳайвонларга тўлиб кетади. Ҳамма фарёд қилади, дод солади.

Ё ф а с. Сабр қилинг, одамийзодлар!

Суянингиз иймонингизга!

Шундай катта тўфондан асраб,

Нажот берган зотни эслангиз!

Ҳалок қилай деса, у бизга

Бу кемани бермасди асло!

Нажот берар яна ишонинг!

Нуҳ амрини тинглаб иш қилинг!

Ҳайвонларни тартибда сақланг!

Илиша киради.

И л и ш а. Ил хабар беради Нуҳга айни кез:

Кема тешилмишдир, лекин у кичик!

Кимки шу тешикни топиб беркитса –

Нуҳнинг ваъдаси – унга истагани инъом қилинур!

Ким ёпади ўша тешикни?

Ҳ а м м а. Ким ёпади ўша тешикни?

Ким ёпади ўша тешикни?

Ким ёпади ўша тешикни?

И л о н. Мен ёпишим мумкин, лекин ёпмайман.

Ҳ а м м а. Нега?

И л о н. Мен фойдасиз ишни қилмайман,

Менга фойдаси йўқ Нуҳнинг ваъдасин.

Ҳ а м м а. Нега?

И л о н. Менга нақд керак.

Умрим бино бўлиб фойдасиз ишга
 Бир қадам ҳам судралмаганман.
 И л и ш а. Илон, бундай худбинлик қилма!
 И л о н. Бу дунёда қайси жонзот худбин эмас? Айт.
 Қ а л д и р ғ о ч:
 Лекин сенда ортиқроқдур худбинлик, афсус.
 Менга бўлса дейсан барча яхши нарсани,
 Кўролмайсан бирор зотга яхшилик келса,
 Кессам дейсам илдизини у яхшиликнинг.
 Ёрдам бергинг келмас, биров ўлай деса ҳам,
 Йиқилганни кўрсанг, албат, роҳат қиласан,
 Аммо бугун ўйламайсан нега ўзингни?
 И л о н. Ҳамма нима бўлса, мен ҳам шу.
 Ё ф а с. Илон! Ахир, Нуҳ ваъда қилди,
 Истаганинг қилинур инъом,
 Фақат ҳозир вақтни кеткизмай
 Тешикни ёп!
 И л о н. Ваъда – насия!
 С о м. Айт, бўлмаса, нени истайсан?
 И л о н. Айтайинми!
 Ҳ а м м а. Айт! Айта қол!
 И л о н. Қайси жонзот эти бўлса энг лазиз таом,
 У жонзотни илонларга инъом этсин Нуҳ!
 Ҳ а м м а. О, бешафқат!
 О, инсофсиз!
 Худпараст золим!
 И л и ш а. Сўраб келай Нуҳдан жавобин.
Чиқади.
 И л о н. Мени сўкманг, нега ахир, сизнинг ҳаёт деб,
 Мен ях сувга танам бериб ётишим керак?
 Ҳ о м. Кема чўкса,
 Тирикликнинг интиҳоси шу.
 Нега биз деб, балки буни ўзинг учун ҳам
 Қилмоғинг шарт, нега бунча калта ўйлайсан?!
 И л о н. Бошқаларга фойда бериб, олмасам фойда,
 Зарар кўрсам – розидирман, ўлсам ҳам, майли.
Илиша киради.
 И л и ш а. Нуҳ розидир Илон шартига!
 Ҳ а м м а. Ё алҳазар!
 Ё алҳазар!

И л и ш а. Барибир, бу табиатнинг қонуни битта:
 Бир жонзотга бошқасининг танаси емдир.
 И л о н. Нуҳ айтдим – қайси жонзот эти лазиздир?
 И л и ш а. Йўқ, айтмади.
 И л о н. Унда яна ишонмайман,
 Нақд қилиб берсин.
 С о м. Илон, ахир, вақт кетаётир.
 Сезаяпман кемамизда чўкиш бошланди!..
Сом Илонга ҳамла қилади.
 И л и ш а (*Сомни тўхтатиб*).
 Кемамизда мумкин эмас бирор жонзотни
 Емоқ ёки танасини жондан айирмоқ!
(Илонга)
 Қуруқликка етиб олгач, берилур, албат,
 Истаганинг каби лазиз этнинг соҳиби.
 И л о н. Сўзларингга ишониш қийин.
 Кўп кўрганман, бу дунёда ёлғонни ким кўп
 Ишонарли қилиб айтса, у ғолиб бўлар.
 Қолаверса, сиз инсонлар азалдан бизнинг
 Устимизда ҳукмронсиз, масъулдорларсиз,
 Рост кўринар бошқаларга сизнинг ёлғон ҳам.
 Ё ф а с. Илон, донолигинг йўқолди нега?
 Арзимасми шум нафсингни қондирмоқликка
 Ил ва Нуҳнинг сўзларию тириклик қадри?
 И л о н. Ҳаққим бор-қу хизматимга эваз сўрарга!
 Бинобарин, менга сиздан кафолат керак!
Ҳамма тисарилади.
 С у о д а. Илон, тингла! Тингласин барча!
 Ил номи-ла онт ичаман,
 Расул Нуҳ – барҳақ!
 Яратганнинг ва расулнинг сўзин хор этиб,
 Шубҳа қилган ҳар жонзотнинг иймони заиф!
 Гувоҳ бўлсин барча олам, барча мавжудот:
 Мен жонимни тикажакман улар сўзининг
 Ростлигига кафил қилиб Илон олдида.
 Гар энг лазиз эт топилиб баён этилгач,
 Илонларга этилмаса тақдим, билсинки,
 Уларга ем бўлиб ўтсин менинг авлодим!
 Ҳ а м м а. Салламно! Салламно!
 Суодага офарин!

О в о з. Суодага ҳақдан – саодат!
 Ва эҳтиром – Нух расулидан!
 И л о н. Кафил содиқ бўлсин сўзига!
 Ишондим, бас, мен тешикни беркитай шу зум.
 Сиз барчангиз кемадаги сувни чиқаринг!
 И л и ш а. Ҳамма – сув чиқаришга!
 Ҳамма – сув чиқаришга!

Чиқадилар. Сув чиқариш жараёни овозлари эшитилиб туради. Ит ва Мушук киради.

И т. Оғзимга сув ололмайман,
 Уни ичганда ҳам фақат ялайман,
 Инчунин, мен ярамайман сув чиқаришга...
 Бошқаларнинг кўзига терскан
 Бўлмайин деб
 Мен бу ерга чиққан эдим.

М у ш у к. Мен эса... жуда ҳам кўрқаман сувдан...
 “Сувга тушган мушук” деб ҳеч эшитганмисан?

Еллик киради.

Е л п и к. Муддаога ўтаверинг, иккингиизнинг ҳам
 Мурудингиз битта, ахир, нега кўрқасиз?

Чиқади.

М у ш у к. Энди гап бундай,

Ҳамма сув чиқариш билан овора.
 Жуфтингни чақир-да, хилват бир жойда
 Айшингни қилиб ол, сени кўрмадим.

И т. Мен ҳам сени бунда кўрмадим.

Бир зум рақс қилишади ва чиқишади. Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Нега кўринмайди

Итлар ва мушуклар?

Қидиради.

Қайда экан итлар, мушуклар,

Мушукнинг инграган овози эшитилади. Кейин жуда баланд миёвлай бошлайди.

Мушук миёви-ку, бориб қарай-чи.

Инграшда давом этади. Қалдирғоч киради.

Қ а л д и р ғ о ч. Кўрдим гуноҳингиз.

Бу... қандай гуноҳ?!

Бошқа бурчакка боради.

Итни ҳам кўрдим,

О, нақадар оғир аҳвол...

Не ҳолда ётур...

Итлар – шарманда!

Мушук инграб киради.

М у ш у к. Уларни кўргандим мен ҳам олдинроқ,

Жуфтлашиб ётурлар ажрала олмай...

Дод! Оғриқ!.. Дод!.. Вой!..

Илтимос, Қалдирғоч ҳеч кимга айтма!

Қ а л д и р ғ о ч. Шерик қиласизми гуноҳингизга?

М у ш у к. Вой! Вой!..

Раҳминг келсин бизга, Қалдирғоч!

(Илиша киради.)

И л и ш а. Нима гап бунда?

Қ а л д и р ғ о ч *(Мушукка)*.

Ўзинг айт, тавба қил,

Тавба қил дарҳол.

Шояд дардинг енгиллашса.

М у ш у к. Тавба қилдим! Вой!..

Тавба қилдим!.. Вой!.. Вой!..

Қ а л д и р ғ о ч. Улар жуфти билан яқинлик қилмиш.

Ит ҳам шарманда!

У кема ортида.

Чиқади.

И л и ш а. Эҳ, туҳматчилар!

М у ш у к. Вой!.. Вой!.. Вой!..

Сом, Ҳом, Ёфас, Нилия, Меҳатобила, Суода кирадилар.

С о м. Нима гап?

Н и л и я. Ким зулм қилди?

И л и ш а. Ёфаснинг дуойи бади мустажоб!

Ҳ а м м а. Нима?

Нима?

И л и ш а. Ёфас билан Суодани бадном қилгани

Мушук ва Ит гувоҳ бўлиб хабар берганди.

Ҳ а м м а. Нима?

Нима?

М у ш у к. Бизда айб йўқ, биз – муте зотлар...

Ўзингиз-ку мажбур қилган.

Ҳ а м м а. Ким мажбур қилди?

М у ш у к. Айтолмайман...

Барибир-ку... жазолайсиз...

У ҳам жазолар...

Ҳ а м м а. Барибир биз билишимиз шарт!
 М у ш у к. Айтолмайман, у ўлдиради.
 Ҳ а м м а. Биз кафилмиз, ўлдира олмас!
 М у ш у к. Бизни Нилия... Вой!.. Вой!..
 Ҳ а м м а. Нима? Нилия?
 М у ш у к. Ҳа, Нилия шу тухматга бошлаган эди...
 Вой!..
 С о м. Яна тухматми?
 Н и л и я. Бу яна тухмат!
 И л и ш а. Итдан сўраймиз, Ҳом! Мен билан,
 Меҳатобила, сен ҳам юра қол.
Чиқадилар.
 Н и л и я (*Мушукка дағдаға қилиб*).
 Бу тухмат, де! Бўлмаса ҳозир!..
 М у ш у к. Ўлдира қол, бу оғриқдан ўлганим яхши.
 Нега кирдим сўзларингга... Вой!.. Вой!..
Қалдирғоч киради.
 Қ а л д и р ғ о ч. Сичқон экан кемани тешган!
 Ё ф а с. Сичқон?!
 Қ а л д и р ғ о ч. Уни чўқиб-чўқиб келтирдим.
 Ё ф а с. Қани ўзи, ановими?
 Ҳа, Сичқон, нега
 Кема аҳлин ҳалокати учун иш қилдинг?
 С и ч қ о н. Мен кўрқитиб ҳаммани бир зум
 Кўриб роҳат қилмоқчи эдим.
 Ё ф а с. Роҳат қилдингми?
 С и ч қ о н. Йўқ, афу этинг!
 Ё ф а с. Ўлим жазоси йўқ кемамизда, сен
 Аслида ўлимга лойиқ иш қилдинг.
 Лекин ҳеч жазосиз қолмайсан, билгин!
 Қ а л д и р ғ о ч. Атрофда ер кўриндими? – билмоқлик учун
 Нуҳ қушларни учирганди, ҳаммаси қайтди.
 Лекин бир қуш – Кабутар ҳамон қайтмади.
 Ё ф а с. Кетгандими макиёни ҳам?
 Қ а л д и р ғ о ч. Йўқ, у лангар устида юм-юм
 Кўз ёш тўкиб йўлга қарайди.
 Ё ф а с. Билармикан, қай томон учган?
 Қ а л д и р ғ о ч. Билар, кўзи ўша томонда.
 Ё ф а с. Унда учсин лочин ул томон,
 Топиб келсин, бирор пати учраб қолса ҳам.

Қ а л д и р ғ о ч. Хўп бўлади, ҳозир айтаман.
Қалдирғоч ва Сичқон чиқади. Илиша, Ҳом, Меҳатобила кирадилар.

И л и ш а. Нилия, сен жавоб берасан,
 Ит ҳам фитнанг айлади ошкор.
 С о м. Бу ёлғондир! Улар ўз айбин
 Нилияга тўнкаётирлар!
 Нима бўлган сенга ўзи, Илиша,
 Бундай
 Ўзгалардан ахтарасан айбу гуноҳлар?
 Кечагина қилмоқ учун Ёфасни айбдор
 Тиришгандинг, бугун эса Нилия ёқмас!
 И л и ш а. Кеча сизга ишонгандим, ҳайвонлар ҳақ деб,
 Улуғ оға набийликка ёлғиз даъвогар,
 Деб ўйлабман, хато қилибман...
 Н и л и я. Бошга қўйсанг чориқни гар,
 Тез етади қўлансаси
 Димоғларга, албатта,
 Ҳуқуқ берсанг нодонларга, терс жоҳилларга,
 Фозилларнинг айвонига тош отиб ўйнар...
 И л и ш а. Ҳа, жоҳиллик қилдим бир бора,
 Ноҳақ эдим Ёфас қошида.
 Бугун бу танамни хижолат ўти
 Ёқаётир,
 Узр сўрайман.
 Ил ҳаққи ва Нуҳ ҳаққи, Ёфас.
 Суода, Сиз мени кечиринг!..
Сажда қилиб узр сўрайди. Туради.
 Аммо бордир яна бир ҳикмат:
 Ким насабин илгари суриб
 Даъво қилса, у ҳам жоҳилдир!..
 Ҳамма учун Нуҳнинг ҳукмин сўраб қайтаман.
Чиқади. Кабутар ва Қалдирғоч киради.
 К а б у т а р. Ерни топдим! Ерни топдим!..
 Қ а л д и р ғ о ч. Нега?.. Нега бунча кечикдинг?
 К а б у т а р. Ерда бирор ниш урган навда
 Ёки бирор қимирлаган жон
 Топайин деб узоқ ахтардим.
(Бир барг чиқарган навдани кўрсатиб)
 Мана, топдим,

Зайтун ниш урар.

Қ а л д и р ғ о ч. Ёрдамга муҳтож ҳеч жон кўрмадингми?

К а б у т а р. Фақат кўлчаларда балиқлар ночор!..

Қ о р а қ а р ғ а. Мен уларга тезроқ бориб кўмаклашаман
Кетмоқчи бўлади.

Қ а л д и р ғ о ч.

Тўхта, уларга сен қандай ёрдам беришинг маълум.

Қ о р а қ а р ғ а. Йўқ... ҳалиги... нима қипти...

Емайман-ку ахир кемадан...

Қ а л д и р ғ о ч. Наҳот, шунча тўфондан сўнг ҳам

Аввалгидай қолади ҳаёт?..

Мен борайин Нуҳнинг қошига

Яна қандай хабарлар бордир?

Чиқади.

Ё ф а с. Нилия, айт, муродинг нима?

С о м. Мен айтаман унинг муродин:

Сен ҳаддингдан ошаётирсан,

Унутма, сен кичик инимсан!

Мендан олдин ўтмоғинг – гуноҳ!

Ё ф а с. Нима қилдим сендан ўтай деб,

Садоқатдан бошқа ўйим йўқ.

Илиша киради.

И л и ш а. Тингланг, Нуҳ фармонин етказай сизга!

Бошқалар тинглайдилар.

Бизга улуғ Илнинг карами ила

Нажот келди, қуруқликка яқин турибмиз.

Энг аввало, эшкак олиб кучи етганлар

Қуруқликка томон бурсин кема йўриғин!

Ҳ а м м а. Ҳамду сано ўзингга!

Ҳамду сано ўзингга!

И л и ш а. Яратгандан тилагимиз – хоҳишимиз шу:

Ҳеч бир зотга тиламаймиз ўлим – яшасин,

Амалига кўра жазо топсин осийлар.

Сом дунёда тўлиб-тошсин молу мулк ила,

Ҳукмронлик даъво қилди, ҳукмрон бўлсин!

Бироқ ҳеч вақт унинг кўзи тўймай яшасин!

Қайда бўлса, гадо каби ҳис этсин ўзин,

Маҳбус каби сиқилсин кенг ер юзи етмай!

Унга инъом берилмагай хузуримизда!

С о м. Тушунмадим!

Н и л и я. Тушунмадим.
И л и ш а. Ҳом дунёда қора меҳнат остида қолсин!
Сом мулкининг хизматини қилсин умрбод!
Раҳми келса оғасининг, неъматлар берсин!
Тавба қилган авлодлари нажот топгайлар,
Улар неъмат олажаклар ҳузуримиздан.
Ҳ о м. Адолатми шу?
М е ҳ а т о б и л а. Адолатми шу?
И л и ш а. Ёфас ила Суоданинг тўйлари бўлсин,
Яшасинлар бу дунёда ҳамиша озод!
Қалбидаги нури мудом йўлин ёритгай,
Бўлсалар ҳам фақир, бойдек шуҳрати бўлсин,
Шоҳлар унинг зиёсига таъзимда бўлсин!
Жаннат бордир улар учун ҳузуримизда!
Ё ф а с. Ҳамду сано ўзингга!
С у о д а. Ҳамду сано ўзингга!
И л и ш а. Мушук ва Ит ўзларига етган жазога
Гирифтор бўлсинлар қиёматгача!
Шу азобни тортсин улар авлодлари ҳам.
Сичқон юрагини қўрқув, таҳлика
Ва ҳадик ҳеч қачон тарк айламасин!
Шу азобда ўтсин унинг авлодлари ҳам.
Унга яна бир жазо бор:
Барча жонзотнинг
Ғазабию нафратига гирифтор бўлсин!
Лекин унутманг ҳеч,
Билиб қўйинг, тавба эрур нажот эшиги!
Тавба ила Ил ва Нуҳга илтижо қилинг.
Сажда қилиб Ёфасдан сиз узрлар сўранг,
Шояд, нажот топгайсиз сиз
Ҳам авлодингиз!
С о м (*Ночор, хоҳламай тиз чўкиб*).
Тавба қилдик.
Н и л и я (*Бу ҳам Сомдек*).
Тавба қилдик!
Ҳ о м (*Йиғлаб, сажда қилиб*).
Тавба қилдик!
М е ҳ а т о б и л а (*Бу ҳам Ҳомдек*).
Тавба қилдик!
И л и ш а (*Сажда қилиб*).

Тавба қилдик!
С у о д а. Сени севаман!
Қучишадилар.

ПАРДА

Овозлар.

И л о н. Менинг ҳаққим нима бўлади?

И л и ш а. Илон, сабр қил. Нуҳ амри-ла чивин кетди

Сен учун энг лазиз этни аниқламоққа.

Қ а л д и р ғ о ч. Мана, чивин келди, лекин сўзлай олмайди.

И л о н. Нега, ахир?

Қ а л д и р ғ о ч. Бақа эти ёқиб қолиб, кўпроқ ёпишиб

Тил учини қадаб қўймиш у лазиз этга.

Тилин тортиб оламан деб, узиб қўйибди.

И л и ш а. Илон, сенга Ил хоҳиши, Нуҳ амри ила

Бақа эти инъом бўлди,

Муборак бўлсин!..

И л о н (*Алам ва ғазаб билан*). Қалдирғоч!..

Яна овозлар.

И л и ш а. Бошланмоқда Ёфас ила Суодаларнинг

Никоҳ тўйлари,

Тўйга марҳабо!..

ТАМОМ

Қўчқор НОРҚОБИЛ



1968 йилда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида таваллуд топган. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг Журналистика факультетини тамомлаган. Шоир, ёзувчи, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. “Кафтимдаги қизғалдоқ”, “Ҳосиятли дунё”, “Дераза раҳидаги гул” шеърӣ китоблари, “Дарё ортидаги йиғи”, “Кулиб тур, азизим”, “Қуёшни ким уйғотади?..”, “Кўзларингни кўргани келдим”, “Афғон: 2 рота”, “Осмон остидаги сир”, “Биз жангдан қайтмадик...” номли насрий китоблар муаллифи. “Тақдир синовлари”, “Қуёшни сен уйғотасан”, “Нур сояда қолмайди”, “Омад биз томонда”, “Сув кўрмай этик ечма”, “Заминдан олис кетма”, “Дилдаги доғ”, “Атиргуллар қисмати”, “Шодияга аталган кўшиқ”, “Бир парча ер”, “Бахтнинг бозори борми?”, “Олисларда олов тафти йўқ” каби драмалари Республикамиз театрларида сахналаштирилган. Ҳозирги кунда “Инсон ва қонун” газетаси бош муҳаррири.

ЗАМИНДАН ОЛИС КЕТМА

Драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Т ў р а – бой-бадавлат. Бойлик йиғиш учун ҳеч нарсадан, ҳар қандай риёкорлик, зўравонликдан ҳам қайтмайди. 45–50 ёш оралиғида.

Б е ғ а м – Тўранинг шотири. У ҳам ўлгудай баднафс. 40–45 ёшлар чамасида.

Р а ҳ и м – оромгоҳ раҳбари. Иродаси мўрт. Шамолга қараб эгилувчан, қатъиятсиз, субутсиз, ланж бир кимса. Оромгоҳ атрофида фермер хўжалиги ҳам ташкил қилган укувсиз фермер.

Л о л а – Тўранинг қизи. Эсли-хушли, оқила. Шифокор. 25–26 ёшда.

Т о л и б – тележурналист. Ўз касбини сидқидилдан севади. Бурчига садоқат билан ёндашади. 25 ёшда.

Г ў з а л – оромгоҳда тарбиячи. Ўқитувчи. Ёлғиз аёл. 30–35 ёшларда.

О л и м – ҳардамхаёл, ғалати феъл-атворли, аммо гап-сўзлари кишини ўйлантириб қўяди. 40–45 ёшда.

Воқеа шу куннинг гап-сўзлари, ортиқча нарса йўқ, тўқимадан холи ҳаёт! Бундай ҳодисалар ҳамма жойда бўлиб турар, эҳтимол! Элчилик-да, яхши-ёмон аралаш ҳаёт бу! Бироқ одамийлик, виждон, ор-номус, меҳр-муҳаббат устунига дарз кетса, ҳаёт тегирмони тескари айланаркан.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тоғ ёнбағри. Баланшлик сари “ўрмалаган” қишлоқ. Қир бағридаги уйлар. Кўркам ва баҳаво манзара. Саҳна ортида, олис осмон буржига туташ бу беадоқ гўзал кўриниш пойида эса болалар оромгоҳи. Оромгоҳ атрофида қад ростлаган юксак дарахтлар. (Албатта, бу манзара саҳна рассомидан маҳорат талаб этади.) Ана шундай гўзал ва кўркам борлиқ бағрини саҳна очилиши ҳамон тўс-тўполон, қий-чув, бульдозернинг гуриллаган овози, мотоарранинг тариллаши тутиб кетади. Осмондан тушадими, ердан чиқадими, ким билсин, саҳнадаги баланд чинор ёнида қўлида мотоарра тутган Беғам пайдо бўлади. У шоша-пиша мотоаррани чинор танасига қўйиб уни кесмоқчи бўлади. Борлиқни яна мотоарра гуриллаши, шу атрофдаги

бошқа дарахтларнинг ҳам қирсиллаб қулаши (улар бизга кўринмайди) эшитилади. Беғам қўлида мотоарра, чинорни кесмоққа чоғланаяпти. Қасур-қусур, гуриллаш, тракторларнинг тариллаши қоришиқ саҳнага Гўзал югуриб кириб келади, дарахтга арра солган Беғамга тармашади, уни силтаб дарахтдан юлқиб олади-да, дарахтни пана қилиб, қўлларини кенг ёзиб, дарахтни кўкси билан тўсган кўйи Беғамга бақиради.

Г ў з а л. Кесма! Кесма-а-а! Кес-ма-а-а! Худодан кўрқ! Тўхта-а-а! (У бор овозда чинқиради. Ғазабу оғриқдан аянчли алфозга тушади.)

Б е ғ а м (гандираклаб қўлида арра билан унга яқин келади). Қоч, жиннимисан!

Г ў з а л (ҳамон қаршилик кўрсатиб). Аввал мени ўлдир! Мени тилкала! Сўнг чинорни кесасан!

Беғам яқинлашиб, уни дарахт танасидан юлқиб олмоқчи бўлади. Гўзал қаршилик кўрсатади. Беғам қўл кўтаради, лекин уролмайди. Гўзал йиғлаб қарғанади.

Г ў з а л (йиғлаган кўйи). Ҳой, ёвуз, ҳой, қотил! Боғнинг уволли, болаларнинг заволидан кўрқ. Сени, сенларни қарғиш уради.

Б е ғ а м (яна чинорга яқинлашиб, Гўзални силтаб). Қоч! Боғ бизники, нима қилсак қиламиз. Сенга нима?

Гўзал билагидан ушлаб тортқилаётган Беғамнинг қўлини тишлаб олади. Беғам бақириб юборади. Сўнг қўлидаги мотоаррани ташлаб, Гўзалга қўл кўтармоқчи бўлади. Шу маҳал саҳнага тадбиркор Раҳим отилиб киради-да, Беғамнинг қўлини ушлаб қолади, уни силтаб, ортга итаради.

Р а ҳ и м (ғазабнок, уни силтаб). Номард! Кучинг ожизага етдими? (Раҳим Беғамнинг бўйнидан бўғиб олиб, ортга итаради.) Бунчалик номард эканликларингни билмаган эканман.

Б е ғ а м (унинг қўлидан юлқиниб чиқади-да, Раҳимга мушт туширади). Ўзинг номардсан. Ўзинг айтиб, ўзинг қайтдинг, мана сенга (яна мушт туширмоқчи бўлади).

Р а ҳ и м (унинг муштини тутиб қолади). Мени алдадинглар. Бўлди, сенлар билан орамиз очиқ... (Унинг ёқасини қўйиб юборади.)

Б е ғ а м (ўзича ёқаси, ён-верини тузатган бўлиб, Раҳимга ижирғаниб қарайди. Улар бир зум бир-бирига нафратланиб қарашади. Сўнг Беғам юзига қаҳрли тус бериб). Нима, нима дединг! Нима-а-а? (Сўнг дарахт танасига суяниб ҳиқиллаб булар-

ни кузатиб ўтирган Гўзалга назар ташлаб, Раҳимга кесатади.) Сен ҳам бошингга рўмол ўраб, иштон кийиб олсанг бўларкан. Садқаи эркак кет!

Р а ҳ и м (*ғижиниб, унга хезланади*). Аёлга қўл кўтарган нокас эркак бўлдими? Сенлар эркакмисан?

Шу пайт Гўзал ўрнидан туриб, уларга аланглаб қарайди.

Б е ғ а м. Ҳам айтдинг, ҳам қайтдинг. Сотдинг, лекин манавининг (*Гўзалга ишора қилиб*) макри зўр келдими, дейман. Қийшанглаб, кетбурмалик қилдинг.

Р а ҳ и м. Оғзингга қараб гапир! (*У ён чўнтагини кавлаб қоғозга ўралган пул ўрамини олиб Беғамнинг юзига қарата отади.*) Ма, ол! Керакли жойингга тиқиб қўй! Тамом, ора очиқ.

Б е ғ а м (*ерда ётган ўрамни олиб*). Йўқ! Ора очикмас! Орада (*атрофни қўли билан кўрсатиб*) мана шу боғ турибди, орада лафз турибди. Агар лафзингдан қайтсанг, каттагина уруш-жанжал турибди. Томошани энди кўрасан. (*Гўзалга кинояли боқиб*) Бузоқнинг чопгани оғилхонагача...

Г ў з а л (*ҳамон нафрату ҳансираш билан*). Оромгоҳни сенга ўхшаганларга бериб қўймаймиз.

Б е ғ а м (*кулиб, қаҳ-қаҳ уриб*). Макиёнга тож чиқса, бошига оғирлик қилади, дерди отам! Сендай тождор хотиндан ўргилдим. Оромгоҳинг ўзингга буюрсин! Бола-бақранинг каталакдай катаги кимга керак. Фақат оромгоҳ атрофидаги боғ, кўлинг бир қисми аллақачон бизники бўлган! Ҳа, бизники!

Г ў з а л (*ҳайрат билан Раҳимга қарайди*). Нима деяпти, бу?

Р а ҳ и м (*ерга қараб*). Сиз хавотир олманг! Ҳаммаси яхши бўлади.

Б е ғ а м. Йўқ, яхши бўлмайди. Пул зарурлигида боғни сотиб, сўнг чўнтагининг йиртиғи ямалгач, айниб қолдинг. Қонун биз томонда.

Г ў з а л. Нима деяпсан?

Б е ғ а м (*елкасини қисиб, мазах қилиб*). Шу деганим. Яъниким, боғ ва кўл қонун муҳри билан бизга ўтиб бўлди. Оҳ, десанг ҳам, воҳ, десанг ҳам, бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Яъниким, боғ ва кўл ўз эгасини топди. Оромгоҳингдан холи худуд. Оромгоҳни ҳам қўшиб олганимизда нима қилардиларинг! Сенларга ҳокимнинг қарори-ю, нотариуснинг муҳри ўйинми?

Г ў з а л (*Раҳимга ҳайратланиб, бир нуқтага тикилиб*). Сотдим денг! Сотган экансиз, айтмайсизми?

Р а ҳ и м (*Беғамга ўқрайиб қараб*). Йўқ, булар мени алдашди. Буларнинг тили бошқа, дили бошқалигини энди билдим... Булар оромгоҳга ёрдам берамиз, болаларимизнинг келажаги учун биз ҳам қайғураяпмиз, бу ерда болалар учун чўмилиш ҳовузлари, ошхона қурамиз, янги ўйингоҳ бўлади, шу жойнинг ўзида ёрдамчи хўжалик ташкил қиламиз, керак бўлса, замонавий даволаш маскани қурамиз, оромгоҳ вилоятдаги энг зўр болалар дам оладиган жой бўлади – ҳамкорлик қиламиз, дейишди. Энди билсам...

Б е ғ а м (*кинояли илжайиб*.) Нима, энди билсам? Нима демоқчисан?!

Р а ҳ и м (*ғазабланиб*). Энди билсам, сенлар бу ердаги улкан чинорларни кесиб пулламоқчисанлар, юзлаб теракларни кесиб сотмоқчисанлар, болалар ошхонаси эмас, балки кафе-бар, тўйхона, балиқчилик ҳавзаси барпо этмоқчисанлар. Ҳаммасини билдим. Сенларни болалар қизиқтирмайди, сенлар келажакимизни ўйламайсанлар. Мен... Мен... Сенлар билан...

Б е ғ а м (*хезланиб*) Гапир... Гапир. Гапинг ичингда қолмасин!

Р а ҳ и м (*уф тортиб, оғир хўрсиниб*). Сенлар фақат ўзингни, чўнтагингни ўйлаб яшайсанлар! Мен... Мен хато қилдим... Сенлар савоб, яхшилик, деган тушунчадан узоқ одам эканлигинг хаёлимга келмабди.

Б е ғ а м (*қўлидаги қоғозга ўралган пулни кўрсатиб*). Унда манавини нега олдинг? Авлиёлик қиласан. (*Қоғоз ўрамини унинг юзига яқинлаштиради*.) Бошидан, деб олдинг-ку. Хўш, бунга нима дейсан?! Ҳе-ей, ўргилдим сендай савобталабдан. Ўзингни худо урган-у, бошқага ақл бўламан дейсан.

Р а ҳ и м. Тўғри, олдим. Оромгоҳни таъмирлайман, томини тузатаман, сув қувурини ишга соламан, деб олдим.

Гўзал дарахт танасига елка тираб ерга маҳзун тикилиб ўтирибди. Саҳнага лаҳзалик сукут чўмади. Шу чоғда юриш-туриши телбанамо, палапартиш кийинган, сочлари тўзғин, кўзойнагига ип ўтказиб олган, алмисоқдан қолган эски портфель кўтарган, ёқавайрон бўйнига галстук ҳам тақиб олган, хуллас, алкаш-чулкаш афт-ангорда Олим пилдираб ўтиб қолади. У буларнинг олди-дан зипиллаб ўтиб кетади-да, таққа тўхтаб, ортига қайтади. Буларнинг ёнига келиб ҳар бирига ғалати қараш билан назар солади. Сўнгра ерда ётган мотоаррага қарайди. Унинг ёнига бориб айланиб ўтади. Ғалати қараш қилиб бош чайқайди.

О л и м. Ҳмм... Кесаяпсизларми? *(Уларга яна бир қараб қўяди ва кўзойнагини олиб, галстуги билан артган бўлади, сўнгра кўзойнакни қаншарига қўндириб, кўрсаткич бармоғини ҳавога ниқтайди.)* Яхшимас! Яхшимаа-а-а-ас. *(Чўзинқираб сўзлайди.)* Яхшимас!!! *(Дўқ уради.)* Бир одам умри мобайнида 200 та дарахтнинг бошига етади. *(Яна қўлини ҳаволатиб)* Бир одам умр бўйи ўз эҳтиёжи учун 200 та дарахтни қурбон қилади, қоғоз, бошқа анжомлар, бинолар учун шунча дарахт кетади. Агар у етмиш йил яшаса, туғилганидан бошлаб ҳар йили биттадан дарахт экиб кўпайтирса ҳам, одам боласи дарахтлар олдидаги ўз қарзи ва заволидан қутилолмайди. *(У портфелини ерга қўйиб, иккала қўлини мушт қилиб кўксига олиб боради.)* Айрим давлатларда дарахтларнинг танасига медаль илиб қўйишаркан. Улар бизни қутқаради, ҳимоя қилади, улар бизни асраб қолади, деган маънода эъзозлашаркан. *(Сўнг Беғамга юзланиб, илжаяди.)* Улар бизни, сизни қутқаришади. *(Беғам бир сесканиб тушади.)*

Б е ғ а м. Ким қутқаради?

О л и м *(унга яқинроқ бориб)*. Дарахтлар...

Б е ғ а м *(ижирғаниб)*. Кимдан қутқаради?

О л и м *(яна кўрсаткич бармоғини ҳаволатиб)*. Офатдан, кулфатдан, захар-зақумдан.

Б е ғ а м *(энсаси қотиб)*. Хўп. Майли. Энди бораверинг, Олимбой... Бораверинг. Қаергадир шошаяпсиз, шекилли?!

О л и м *(кўзойнагини тузатиб яна уларга бир-бир қараб)*. Мен дарахтлар гул рангини илдизидан оладими ёки ҳаводан, деган мавзуда докторлик диссертацияси ёқламоқчийдим. А-а? Қалай? Дарахтларнинг гули нега ранги оқ, қизил, пушти, сариқ бўлади? Улар бу рангларни қаердан олишади? Фан жим! Фан сукунатда! Лекин жавобини мен биламан. Айтмайман!

Б е ғ а м *(кинояли)*. Шундай денг... Обб-оо-о?

О л и м *(сукутда турган Раҳим ҳамда Гўзалга қараб)*. Биласизми, *(яна ўнг қўли кўрсаткич бармоғини ҳавога санчиб)* биласизми, осмонни бегуноҳ болалар билан дарахтлар ушлаб туради. Йўқса, осмон ерга қулаб тушади, қапишиб қолади. *(Гўзалнинг ёнига боради, Гўзал ўрnidан туради. Гўзалга синчков тикилади.)* Дарахтлар ҳам аёлларга ўхшайди. Гуллайди. Аччиқ-чучук, яхши-ёмон мева беради. Гуллаган дарахтни кесиш эса ҳомиладор аёлни ўлдириш билан баробар. *(Беғам орқага бир тисланиб, сапчиб тушади...)* Демак, кесмангла-а-а-рр! Кес-

манг-ла-а-ар! (У портфели ёнига келиб ердан олади. Ўзига қараб турган ёнидагиларга бир назар солиб, бош чайқайди. Гўёки ўзига-ўзи гапирди. Беғам кесмоқчи бўлган чинорга ишора қилиб...) Икки юз ёшда. Ер остида, илдизи атрофида тонналаб сувни ушлаб турибди. Эҳ, одамлар, одамлар...

У чиқиб кетади. Саҳнадагилар жим... Денгизнинг шовуллаши, ҳаётнинг бардавомлиги, шамол эсишига монанд мусиқа янграйди. Саҳна қоронғулашади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Тўранинг қасрмонанд уйи. Кенг-мўл ҳовли. Ҳашаматга хангу манг бўласиз. Қишлоқ жойда бундай дабдабаю маҳобат тимсоли бўлган ҳовли соҳибининг дами сувни куйдириши, қўли кўкка етишига шубҳа қилмаймиз. Бу атрофдаги, бойман, деганлари борки, зўри шу Тўрабой эканига тан берамиз. Қасрнинг ич хоналарини санасангиз, вақт кетади, бунинг бизга кераги ҳам йўқ, бироқ шу хоналарнинг айримларига бой Тўра ўн йилдаям бир бора кирмаса керак, кирмаса кирмасин бизга неғам. Пули бор пулдан гулдон, пули йўқ лойдан қулдон қилади. Бу Тўрага ўхшаганларга айтилган янги мақол! Хуллас, Тўранинг қасрини саҳнамизга сиғдиrolмаймиз. Иложи бор ишни қилган яхши, унинг кенгу кўркли, мрамрайўлак, фавворалар шовқини гулу гулзорга завқли ҳовлисининг бир бурчи томлисуна ўрнатилган қисмига кўз ташлаймиз. Томлисуна ёнидаги чимзорга қўйилган кўрмилигина стол дидлигина тузалган. Ортиқча нарсанинг ҳам, йўқ нарсанинг ҳам ўзи йўқ замон бойваччасининг дастурхони. Столда ичимликнинг зўрларидан уч-тўрт хил. Мева-чева, гўшту гозак, хуллас, тўқлигу тўкинликдан нишона. Стол атрофида тизилган ўриндиқлардан бирида ўтирган Тўра дастурхонга қўл чўзиб, у-бу нарса татиган бўлади, ичимликлардан бирини олиб қадаҳга қуяди, ёнида тик турган Беғамга эътибор ҳам бермай қадаҳни сипқоради. Сўнг бир нуқтага термулиб туради.

Т ў р а (ўйчан). Шундай де? Асосан Гўзал қаршилик қилди, де. Бир аёлни эплай олмаган тирик мурдасан-да ўзингам.

Б е ғ а м (ликиллаган кўйи). Осмонни бошига кўтарди. Мўмин-қобил кўрингани билан шаллақи экан, энағар! Анови, Раҳим ҳезалакка ҳам жон кириб қолса денг! Кесақдан олов чикди-я ўзиям! Томошадан Олим тентак ҳам қуруқ қолмади.

Т ў р а (ижирғаниб). Йиғиштир сафсатангни. Ҳозироқ Раҳимникига бор! Сарик чақага сарғайиб қарамасдан кўпроқ

бер. Қиртновлик қилма. Анови сузукойимни ҳам ўзи йўлга солади.

Б е ғ а м (*бехос қўл силтаб*). У эркакмас. Гапидан тонаяпти. Сенларга бу мақсадда ерни бермаганман, деяпти. Пулни ҳам юзимга отди ипириски. Унинг боши шамолда қолганга ўхшайди.

Т ў р а (*ўшқириб*). Бас қил! Уни эмас, сенинг бошинг шамолда қолган. (*У ёқ-бу ёққа қараб, овозини бироз пасайтиб*) Ҳозир у бош кўтарса, ҳамма иш расво бўлади. Манави қовоқ каллангни ишлатиб кўр, бугун юз миллион сўм пулнинг тагига сув куйишингга бир баҳя қолди.

Б е ғ а м (*ажабсиниб*). Қанча? Юз миллион?

Т ў р а (*ўрнидан туриб кетади*). Ўлай агар, сенда фаросат йўқ. Ҳар бир чинорни кесиб, цехимиздаги пилорамадан ўтказиб қурилиш тахтаси қилсак, ўлдим, деганда бир миллионни кўтаради. Тушундингми, хум калла! У ерда олтмишга яқин чинор, 200 тупдан ортиқ терак бор.

Б е ғ а м (*юзи жонланиб, кўзи чақнаб*). Тўғри, тўғри айтасиз.

Т ў р а (*кўрсаткич бармоғини Беғамга бигиз қилиб*). Эсингда бўлсин, ҳозирча Раҳимга ҳокимнинг қарори ҳақида ҳеч нарса дема. Демадингми?

Б е ғ а м (*эсанкираб қолади*). Де... де. Демадим.

Т ў р а (*унинг юзига синчковлик билан қарайди*). Дема! Тушундингми? Нега бундай деяпман?

Б е ғ а м (*яна довдираб*). Айтдингиз-ку, ҳозирча айтмаймизда, хўжайин.

Т ў р а (*уф тортиб*). Ҳой, менга қара! (*Уни елкасидан ушлаб силкилайди*.) Ахир, қарорни Раҳимнинг номидан оромгоҳ атрофидаги фермер хўжалигимга тегишли 20 гектар ерни захирага топшираман, деб сен ариза ёзиб имзо қўйдинг-ку... Ҳоким қарор чиқарди. Ер бизга ўтди. Лекин бу ишнинг миси чиқса, Раҳим ис билса, уйингни кўйдираман, тушундингми?

Б е ғ а м (*бош ирғиб*). Тушундим... Лекин хўжайин... Бу иш ҳам куруққа бўлмади-ку. Ҳокимга узатдик-ку...

Т ў р а (*кинояли жилмайиб*). Бир имзо ўнта кўк қўйни етаклаб кетди. Лекин манави оромгоҳдаги болапарвар масхарабозларни ҳозирча тинчитиб турсак, кейинчалик гап бизники.

Б е ғ а м (*талтайиб*). Ҳаммаси яхши бўлади, хўжайин.

Т ў р а. Тилингга эҳтиёт бўл. Кўзинг кўр, кулоғинг кар бўлсин. Ванғиллаган ҳар итнинг оғзига қўл тикма, қўлсиз қоласан. Нима деганимни тушундингми? Сир берма...

Б е ғ а м (*бош ирғайди*). Тушундим.

Т ў р а (*ўсмоқчилаб*). Оғзи билан юрадиганларга гап ташлаб кўйдик, шуниси етади.

Б е ғ а м (*ҳовлиқиброқ хушомад билан*). Қишлоқ хабардор хўжайин... Одамлар билишади.

Т ў р а (*жиддий тортиб*). Нимани билишади?

Б е ғ а м (*зўёки ўзини сипо тутиб*). Биз оромгоҳда болалар учун чўмилиш ҳовузи, оромгоҳга ёрдам тариқасида савоб учун балиқчилик ҳавзаси, оромгоҳ ичида спорт майдончаси қурмоқчимиз. Атрофдаги ерга полиз маҳсулоти экиб, оргомгоҳга берамиз. Хуллас, газ, ичимлик суви, электр токи масаласида қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Т ў р а (*унинг гапига унчалик парво қилмай*). Яхши. Шундай бўлади. Лекин Раҳимнинг ери билан боғлиқ ишнинг қопқоғи ҳозирча кўтарилмагани яхши. Демак, бугун Раҳимникига бординг... Ҳар ҳолда, чаккимас.

Б е ғ а м (*энди талтайиброқ*). Хўжайин, Раҳимнинг хотини қариндошингиз экан-а! Эрини гўрдан олиб, гўрга солди... Чинор-пиноринг билан қўшмозор бўлгур, тоғамнинг раъйини қайтарма, тоғам мурувват қилади-ю, сен йўқ, дейсанми, куш беги билан шовла емас эмиш, нозингдан ўргилдим, деб эрига сенсираб жаврай кетди. Фермер бўп ҳам гўр бўлмайди бу, деб қарғана-қарғана икки боламнинг контрактига тўлайман, деб пулни олиб қолди. Раҳим юввош тортиб қолди. Охири, билганларингни қилинглар, деб томоқни хўллагани (*у қўли билан томоғига ароқ ичиш маъносиди чертади*) дўконга ғизиллаб қолди. Хўжайин, Раҳимнинг хотини чиндан ҳам қариндошингизми?

Т ў р а (*энсаси қотиб*). Ҳа, энди, узоқроқ хеш-ақрабо, дегандай... Эҳ-ҳей, демак, хотинини қўлга ол, эрини йўлга сол! Хў-ўш, (*у қўлларини ишқаб*) Янганг билан ўғилча ҳам уч-тўрт кунда курортдан қайтишади. У ёқ-бу ёққа бир айланиб келмаймизми-а? (*Иккаласи ҳам ҳиқиллаб қулишади... Тўра қадаҳга ичимлик қуяди. Беғамга ҳам узатади. Улар ичишади...*)

Б е ғ а м (*ялтоқланиб*). Сиз нима десангиз шу! Хўжайин, энди мен борай. Дўконга мол келиши керак эди.

Шу пайт ҳовли эшиклари очилиб-ёпилгани эшитилади. Ҳовлига эгнига оқ халат илган, бошида оқ қалпоқ, тиббий ускуналар жомадончасини кўтариб олган Лола кириб келади. Чехраси сўлғин, кайфиятсиз, тушкун аҳволда.

Шу ерда ғамгин руҳдаги мусиқа янграйди. У базўр қадам босиб ичкарига киради-да, қўлидаги жомадончасини ерга қўяди. Оғир тин олади. Уф тортади. Дадаси билан Беғамга ғамгин термулади. Тўра кайфияти учиб, нохуш бир нарсани сезгандай, қизи томон юради. Беғам ҳам ота-болага жовдираб қарайди.

Л о л а (ғамгин). Ассалому алайкум, дадажон.

Т ў р а. (Қизининг ёнига келиб унинг юзига саросима билан қарайди.) Ваалайкум ассалом, эна қизим. Нима бўлди? Биров хафа қилдимми?

Л о л а (ҳолсиз юриб отасининг кўксига бош қўяди). Дада... Дадажон... Дада... Гўзал опам!.. Гўзал опам... Оғирлашиб қолдилар. Ҳозир касалхонада...

Беғам турган жойида бир сапчиб тушади. Яна ўша ғамгин мусиқа янграйди. Тўра ҳеч нимани англаб-англамай қизининг юзига қарайди.

Т ў р а (саросималаниб). Қизим, тушунтириб гапир, нима бўлди?

Л о л а (энди отасининг кўксига бош қўйиб йиғлаб юборади). Дадажон, жон дада! Гўзал опа инсульт бўлиб қолдилар. Тил-забонсиз ётибдилар. Касалхонага ётқизиб келаяпман.

Беғам аланглаб улардан кўзини олиб қочади.

Т ў р а (ҳамон карахт). Қайси Гўзал? Ким у?

Л о л а (уввос тортиб йиғлайди энди). Гўзал опам. Бизга адабиётдан дарс берган устозимиз. Оромгоҳдаги Гўзал опам бор-ку... Ўша киши. (Лола ўкириб юборади.) Дада, кўриб кўрқиб кетдим, оёқ-қўли шол, тилсиз-забонсиз, менга жовдираб турибди, дадажон... Шўрликнинг ҳеч кими йўқ эди, топгани шу бир оромгоҳ эди, дада.

Тўра Беғамга ўқрайиб қарайди. Беғам эгнини қисиб, пушиб жуфтаси уриб қолмоқчи. Тўранинг ўқрайиб қараганини кўргач, таққа тўхтади.

Т ў р а (ҳадиксираб). Қизим, ўзингни бос. Ўзингни бос. Ким айтади сени дўхтир деб, жон болам. Мени кўрқитиб юбординг, асалим. Қўй, ўзингни бос. (Лола энди эзгин алфозда ҳиқиллаб йиғлаяпти.)

Л о л а (ҳиқиллаб). Дадажон, ёрдам берасиз-а. Шаҳардан, керак бўлса, Тошкентдан дўхтир чақириш керак. Жон дада, ёрдам беринг...

Беғам ҳовли ўртасида серрайиб турибди.

Т ў р а (энди бироз хотиржам тортиб). Қизим, ким ҳалиги, Гўзал опанг, нега шундай бўлибди?

Л о л а (*ҳиқиллаб отасининг бағридан чиқиб*). Ҳеч ким билмайди. Кеча оромгоҳдан уйига қайтиб келиб йиқилибди. Хайрият, кўшниси Шодмон хола хабар топиб тез ёрдам чақирибди.

Т ў р а (*қизининг бошини силаб*). Йиғлама, ҳаммаси яхши бўлади. Йиғлама, болам. Бор, уйга кир, дамингни ол, болам. Ойинг билан аканг телефон қилишди. Салом айтишди.

Лола ҳорғин ҳолда уйга кириб кетади. Тўра Беғам томонга юради. Беғам ортига тисланади.

Б е ғ а м (*ортга чекинавериб*). Х... Хўжайин, бир ҳисобда яхши бўпти... Т... тилдан қопти.

Т ў р а (*унга еб қўйгудай, нафрат билан ижирғаниб қараб туради-да, ихраниб дейди*). Молфаҳм! Бир ишни эплаб қилолмайсан-а! (*Тишларини ғижирлатади-да, Беғамнинг юзига ўқрайиб қарайди.*)

Ваҳми ҳадик уйғотувчи мусиқа жаранглайди. Саҳна қоронғулашади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Тоғ ёнбағри. Баландлик сари “ўрмалаган” қишлоқ. Тоғ пойдаги оромгоҳ. Хуллас, ўша биринчи саҳнадаги манзара. Ўша улкан чинор. Тўра нималарнидир Беғамга уқтиради. Қўли билан тоғ томонни кўрсатиб, илжаяди. Қўл телефонини олиб кимларгадир кўнғироқ қилади. Улкан чинорга завқланиб қарайди, яна қўлини бигиз қилиб шотири Беғамга ниманидир уқтиради. Хуллас, буларнинг оромгоҳ атрофида иш бошлашга тайёргарлик кўрсатаётгани сезилиб турибди.

Т ў р а (*саҳна ўртасига келади, Беғам ҳам унинг ёнида. У Беғамга димоғ билан қараб*). Қачон келишади? Қани, бульдозер қани, қани, ўша Нурмат найнов?! Ҳозир ими-жимиди ишни бошланглар, девдим-ку... Пулни кўрса, қўли қичийди номардларнинг, арзимаган ишга икки ҳисса пул олади, ўшандаёқ ҳал қилганинга бугун Нурмат калнинг ортидан оввора бўлмасдинг.

Б е ғ а м. Топаман. Бугун топаман. Қайси бир гўрга кириб ичиб ётгандир-да.

Т ў р а (*ўдағайлаб*). Бу ишнинг бари чиқим эвазига бўлаяпти. Бульдозер пул, мардикор пул, эрта-индин бу жойга цемент, тош, шағал-қум обкелинади. Бутун бошли қурилиш идорасига ҳам шу ишга ишониб пул ўтказиб қўйдим. Ўртага пул тушса, икки кўз бир-бирига ёвлик қилади.

Б е ғ а м. Хавотир олманг. Ҳаммаси қонуний, хўжайин! Анави хотин шифтга термулиб ётибди. Забон йўқ... Худо тўғирлади йўлимизни (*ҳиринглайди*).

Тўранинг қўл телефони жиринглайди. У қўл телефонда ким биландир гаплашаяпти.

Т ў р а. Хўп, ука. Хўп... Ҳозир одам юбораман. (*У қўйнига қўл солиб иккита конверт олади-да, Беғамга тутади.*) Ма, манавини ол! Шамолдай уч! Кадастр билан табиат идорасига кир! Икковига ҳам бериб чиқ! Сенга хужжат берворишади. Олмагунча ором топмайди булар. Ортидан ёв қувгандай безовта бўлаверишади.

Беғам конвертларни олади. Безовта ҳолатдаги Раҳим эгнига фотоаппарат осиб олган Толибни етаклаб кириб келади. У Толибга ниманидир тушунтиришга уриниб ялингандай бўлаяпти. Толиб унинг гапига гўёки эътибор бермаётгандай. Буларни кўриб Тўра билан Беғам ҳангу манг бўлиб қолишади. Беғам бир буларга, бир Тўрага қараб жовдирайди.

Т ў р а (*уларга қарата*). Эе-ей, хуш келибсизлар. Хуш кўрдик, Раҳимбой (*у Раҳимга синчков термулади*). Меҳмон етаклаб кепсиз-да-а?

Р а ҳ и м (*мижғовланади*). Ҳа-а, энди.

Т о л и б (*қатъий ва ишонч билан унга қўл чўзиб*). Ассалому алайкум! (*Беғамга ҳам худди шу алфозда қўл чўзади.*) Ассалому алайкум!

Беғам довдирайди, Тўранинг энсаси қотади.

Т ў р а (*виқор билан*). Ваалайкум ассалом, меҳмон! Хуш кўрдик. Хўш. (*Раҳимга қарата*) Раҳимбой, бизни меҳмон билан таништирмайсизми?

Р а ҳ и м (*ўзини қўлга олиб*). Бу киши журналист. Юқоридан. Шу... Шу...

Т ў р а (*заҳархандалик билан*). Хўш?

Т о л и б (*бепарво*). Мана шу оромгоҳ билан боғлиқ масалани ўргангани келдим.

Беғам бир сапчиб тушади. "Иҳ-ҳ-и" деб юборади. Раҳим ўқрайди. Унга "боравер" ишорасини қилиб бош ирғайди. Беғам зипилаб саҳнадан чиқиб кетади. Тўра Раҳимга кинояли қараб, сен айтдингми, яна ўйин қилдингми, дегандай қарайди. Раҳим хижолатли алфозда у ёқ-бу ёққа аланглайди.

Т ў р а. Хўш, мухбир ука! Исмингиз ким?

Т о л и б. Толиб!

Т ў р а. Толибжон, иним, хўш, биздан нима хизмат?

Т о л и б. Йўқ. Ҳеч қандай хизмат йўқ. Йўл-йўлакай шу оромгоҳни кўриб ўтай, ҳар ҳолда, шунчаки кўриб қўйсам ёмон бўлмайди, деб ўйладим. (*Атрофга хушҳол қараб*) Чиндан ҳам сўлим жой, бетакрор жой экан! У-ҳ-хуув, анов чинорлар, тоғу қир бепоён боғни қаранг. Жаннат, жаннат! Ҳавонинг софлигини!

Т ў р а (*мийғида қулиб*). Илҳом келади-да, илҳом! Бу жойлар дунёнинг ҳеч бир жойида йўқ. Тоғлар, қўллар, боғлар қоришиқ бу манзараларга дунёнинг манаман деган сайёҳи ҳам ёқа ушлайди. Шаҳардан олис шундай баҳаво жойда дам олиш нақадар соз!

Т о л и б (*яна завқланиб*). Ҳа-а, юртимизда бундай гўзал жойлар жуда кўп. Айниқса, болаларимиз учун ҳамма шароит бор! Давлатимиз бу йўлда ҳеч нарсани аямаяпти.

Т ў р а (*мийғида жилмайиб*). Ўлманг, ука! Ўлманг! Биз тадбиркорлар ҳам давлатимизга қанот бўлиб, давлатимизнинг ёнида туриб, қўллаб-қувватласак, камарбаста бўлсак, дейман. Давлат бизга шунча шароит яратди. Тадбиркор, фермер бўлдик, ҳисобимизда пул етарли, ўзимиз виждонан, давлат айтмаса ҳам, сидқидилдан, ўзимиз билиб, мана шу жойларни обод қилишимиз керак. Оромгоҳларимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз лозим. Бу келажак авлод олдидаги қарзимиз ҳам, фарзимиз ҳамдир.

Т о л и б (*завқланиб*). Баракалла! Яшанг, ака! Сиздай одамлар Ватанимиз манфаати йўлида чинакам фидойилардир.

Р а ҳ и м (*энди жонланиб*). Шундай! Ҳа, шундай. Тўра акамни бутун туман, вилоят ҳурмат қилади.

Т о л и б (*қулимсираб*). Одамлар ҳам ҳар хилда, ака. Элчилик. Хафа бўлманг-у, мана шу оромгоҳ, боғ, чинорлар, ўрмоннинг бир қисми, қўл талон-торож қилинди, деб ёзишибди.

Т ў р а (*ҳеч нарса билмагандай*). Ким ёзибди? Кимни ёзишибди? (*Раҳимга бир қараб қўяди*).

Р а ҳ и м (*бош чайқаб*). Шу... ҳалиги, Гўзал бор-ку, ўша билан Олим найнов.

Т ў р а (*заҳарханда қулади*). Эе-ей, ўша эси кирди-чиқди билан анави телба хотинми? Улар аввалдан кўп жойларга шундай ёзаверишади... Ҳеч ким эътибор бермай қўйган.

Т о л и б (*қўлини ёзиб*). Ҳа, энди, бир ўрганиб кўрай, дедик-да. Хат ёзган опа шифохонада экан. Инсульт! Ёнига кир-

гизишмади. Ҳалиги Олим акадан дом-дарак йўқ! Ҳеч ким билмайди қаердалигини!

Т ў р а. Эе-ей, унинг қоғози бор-ов, ҳалиги псих, шекилли. Ётиб чиқади ҳар йили.

Т о л и б. Раҳим акам айтди. Сиз ҳақингиздаям туманда яхши илиқ гаплар эшитдим. Ҳоким ҳам, кадастр ҳам, табиатни муҳофаза қилиш идорасидагилардан ҳам сиз ҳақингизда яхши гап эшитдим. Хатда Раҳим аканинг фермер хўжалиги, оромгоҳ атрофини сиз ноқонуний ўзлаштириб олганингиз ҳақида ёзишган... Мана, Раҳим акадан ҳам сўрадим, ёлғон, бўлмағур гап, деди-да, аксинча, сизни мақтади. Мен бу ерда таг-туби билан кесиб ташланган ўн гектар боғни кўрмайпман (*атрофга қарайди*). Ана кўл, ана боғ, ана оромгоҳ олдидаги чинорлар... Хуллас, Раҳим ака сизни бу жойларни янаям яхшилаб, оромгоҳни янаям маҳобатли қилиб қайта қуришни режалаштираяпти, туманимиз болалари соғлиги, камолоти учун жонини ҳам аямайди, ҳозир ҳам у киши оромгоҳ атрофида юрибди, деб мақтади. Шунинг учун ҳам сизни, ҳам оромгоҳни бир кўриб келай, деб бу ёққа жўнадим. Мана, кўрдим. Ҳаммаси яхши! Одамлар айтганича бор экансиз. Яхши одам, элпарвар инсон экансиз.

Т ў р а (*айёрона илжайиб, сўнг Раҳимга қараб*). Қани, Раҳимбой. Бу жойлар сизники. Эгаси сиз. Кўл бўйига, ўша салқин ерга чой айтинг. Меҳмон кепти, бир дам олсинлар. Мен Беғамга айтаман, бир тўхлини опкелиб бўғизлайди, бир яшик “Российский” мени ким ичаркан, деб кутиб ётибди (*хе-хе-хе-лаб қулади*). Сиз фақат меҳмонни олиб ўтинг, бу ёғини биз ҳал қиламиз. Мева-чевага ҳам одам юбораман. Сиз хижолат чекманг, Раҳимбой, ҳаммасини ўзим ҳал этаман... Дарвоқе, пароходни ҳам юргизинг. Меҳмон кўлни бир айлансин!

Р а ҳ и м (*қўли кўксиди*). Ака, сиз овора бўлманг, ташвиш тортманг, бу ишларни ўзим қиламан!

Т ў р а (*меҳрибонлик билан*). Йўқ! Йўқ! Раҳимбой! Менга шу укамиз (*Толибга жилмайиб*) ёқиб қолди. Бир эрисам, эрибманда (*хохолойди*).

Т о л и б (*қўли кўксиди*). Раҳмат! Шарт эмасди.

Р а ҳ и м. Акамиз доимо шунақалар! Бизни уялтирадилар.

Т ў р а. Раҳимбой! Тўй тўйга ўхшасин! Туман маданият уйига қўнғироқ қилиб айтинг. Ҳалиги созандаю хонанда, раққосаларидан ҳам жўнатсин! Мени айтинг! Энди укамиз бир яйрасин (*Раҳимга айёрона қараб, кўз қисади*).

Раҳим (*қўли кўксида*). Хўп.

Раҳим Толибни бошлаб тоғ томонга, қўл бўйига юради.

Раҳим. Қани, меҳмон юринг.

Улар чиқиб кетишади. Тўранинг бир ўзи қолади. Сирли жилмаяди. Ҳалигилар кетган томонга ижирғаниб қарайди.

Тўра (*Ўзига-ўзи, ҳалигилар кетган томонга қараб*). Ҳей ўл, ипирисқи. Бир мухбирчани ҳам эплай олмайди. Куёнюрак! Сенга ким кўйибди оромгоҳни, овсар! (*Тўра қўл телефони орқали кимгадир қўнғироқ қилади.*) Алло! Алло, Ҳокимжон! Салом, ука! Яхшимисиз? Хўш, ҳоким бормилар! И-е, шундайми. Ундай бўлса, айтинг. Давр Имконовичга айтинг! Тушлик пайти мен у кишини Олтинбоғдаги қўлда, оромгоҳ бўйида, ўша ерда кутаман. Ҳа, ўзлари биладилар. Йўқ, боя телефон қилдим. Қўл телефони жавоб бермади. Яхши, айтиб қўярсиз. Кутаман!

Шу тобда Тўранинг қўл телефони жириглайди.

Тўра. Алло! Эшитаман! Нима гап, Беғам? Хўш. Яхши! Хужжатларни олдингми? Яхши! Менга қара, ернинг тагидан бўлса-ям анави Олим найновни топ. Овозини ўчиргин. Тилини тийиб юрмайди бу тентак! Шу ёзибди. Хўш, қаерда? Қаерда кўрдинг, туман марказидамикин? Ичаяптими? Яхши. Бу ҳам соз! Бўпти, сен келавер! Оромгоҳга кел! (*Бироз жим туриб*) Бозордан ўтган кунги каби мева-чева оливол. Кейин, Розага айт, ҳалигилардан битта яхшисини жўнатсин, йўқ, ўзинг опке. Тўғри қўл бўйига опке! Савдолашма! Тез кел!

Шу маҳал олдинги алфозда қўлида ўша исқоти портфелни кўтариб кийиниш-туриши ўша-ўша, ёқавайрон, бўйнида ўша ит чайнаган галстук, қўзида ипбоғичли беўхшов кўзойнак тақиб, довдираб-совдираб Олим кириб келади. У пилдираб ўтиб кетади ва тўхтаб, Тўрага қарайди, сўнг орқага қайтади. Тўранинг рўпарасига келиб у ҳам ўтиради. Тўра бу нусхага ғазаб билан қарайди. Ўзини босиб, зўрға чидаб туради. Сўнг мийиғида кулиб ижирғанади.

Тўра. Салом-палом ҳам бермайсиз, Олимбой. Арпангизни хом ўрдикми?

Олим (*бепарво*). Салом!

Тўра. Ваалайкум ассалом, Олимбой! Бу ерларда нима қип юрибсиз? Сизни туман марказида, дейишувди. Учиб келдигизми, нима бало? Хўш, Олимбой!

Олим. Ўзим! Шунчаки! (*У портфелини очиб ичидан аллақандай қоғоз олиб ўқийди.*) Мана, мана бу фактни қаранг. (*У*

қоғозни қўлида ҳаволатиб) Табиатда ҳар бир зарра-қумнинг ҳам ўз ўрни бор. Табиат мувозанатини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ...

Т ў р а (*Ўрнидан туради. Энди очиқ-ойдин нафратланиб*). Табиатни ким бузаман, деяпти?

О л и м (*Олим ҳам ўрнидан туриб, унга дадил термулиб*). Сиз! Сиз бузаяпсиз! Сиз Олтинбоғни вайрон қилаяпсиз! Мумкинмас. Мумкинмас бу! Бунга мен йўл қўймайман!

Т ў р а (*унга яқин келиб*). Ҳой, оғзингга қараб гапир, қўтирмия!

О л и м (*у ҳам хезланиб*). Қўрқмайман! Сиздан қўрқмайман. Сиз, манави чегара ортидаги алюминий заводдан чиққан оғу, водород фторига ғов бўлиб турган улкан дарахтларни кесиб, беадоқ боғни тугатмоқчисиз. Шундоғам алюмин завод азоб бераётган одамларнинг аҳволини янада оғирлаштираяпсиз. Мен буни тинч қўймайман. Аёллар бепушт, ёш қизлар бўқоқ, ўсмирлар тишсиз, ҳатто оғилдаги сигирлар ногирон бузоқ туғиб, ҳайвонларнинг оғзи ириб тушаётган бир пайтда сиз, мана шу аждарҳо йўлида имкон қадар ғов бўлиб турган ўрмонни кесиб йўқотмоқчисиз! Сиз қотиллик қилишдан ҳам тоймаяпсиз.

Т ў р а (*дарғазаб*). Оғзингга қараб гапир, ит! Ўчир овозингни, ифлос!

У Олимни силтаб энди мушт тушираман, деб турган пайтда саҳнага Беғам кириб келади. У бўлаётган воқеа тафсилотини яхши англайди. Тўра туширган мушт зарби Олимни йиқитади. Ерда ётган Олимни Беғам ҳам тепкилайди.

Б е ғ а м (*ҳансираб, хўжайинга яхши кўриниш учун*). Мана... Мана сенга, энағар (*у тепа бошлайди*). Туманда ҳам ҳаммага гап қилиб юрибди. Ҳокимга кираман дейди. Бир амаллаб бир шиша олиб бериб, йўлидан қайтардим.

Т ў р а (*ўшқириб*). Бас, тўхта! Бунинг бошқа йўли бор. (*У ерда инграб ётган Олимга қараб*) Буни ҳозир бир жойга жўнатаман! (*У чўнтагидан қўл телефон олиб қўнғироқ қилади.*) Алло! Алло! Ҳа, менман. Ҳа, мен! Хўш, Собир Назарович! Кеча айтганимдай бўлди. Умуман, бу жинни ҳаддидан ошди. Бугун Олтинбоғда, қўл бўйида менга яна ташланиб қолди. Опкетинглар. Яхшилаб даволанглар. Энди узоқроқ ётсин! Ҳозир ҳокимни кутаяпман. Худо кўрсатмасин, у кишига ҳам ташланиб қолади бу. Жиннинг жойи жиннихонада бўлиши керак-да, ахир! Нима хизмат бўлса айтарсиз...

Олим калтакнинг зўридан ўзига келолмай ғужанак бўлиб ётибди.

Б е ғ а м (*уни яна бир тепиб*). Ҳей, ит! Тирикмисан?!

Т ў р а. Машинада ким бор?

Б е ғ а м (*илжайиб*). Айтдингиз-ку, Роза юборди, анави! Ўтган сафарги.

Т ў р а (*Олимга ишора қилиб*). Бизни кўрмагани яхши бўлди. Мошинда арқон борми?

Б е ғ а м. Бор.

Т ў р а. Югур, опке! Манавини яхшилаб боғла. Психбольницадан келишади. Сўнг анавини нариги йўл орқали қўл бўйига олиб бор.

Беғам югуриб чиқиб кетади. Тўра Олимнинг ерда ётган ўша эски портфелини очиб, ичидан қоғозларни олиб кўра бошлайди. Сўнг уларни йиртиб отади. Бирпасда арқон, қўлида елимбоғич (скоч) кўтариб, Беғам киради. Улар Олимнинг қўл-оёғини боғлашади. Оғзига елимбоғич (скоч) ёпиштиришади.

Т ў р а (*ерда ётган Олимга ўқрайиб*). Энди жойингни топдинг. Чиқмайдиган қилиб тиквораман!

Беғам хохолаб қулади... Тўра ерга тупурган бўлади. Шу маҳал жиннихонага тегишли “Тез ёрдам” машинаси сиренасининг ванғиллаши эшитилади. Саҳна қоронғулашади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Тўранинг ҳовлиси. Томлисупа. Яна ўша стол-стул. Тўранинг руҳий хасталиклар шифохонаси раҳбари билан қўл телефон орқали Олим ҳақида гаплашаётганини англаймиз. Мана унинг гап-сўзи:

Т ў р а (*ҳовлида у ёқ-бу ёққа асабий ҳолда юриб*). Тўғри. Тўғри! Кейинги пайтлар ҳаддидан ошди, алмойи-алжойи гапирса ҳам гўрга эди, одамга ташланиб қолиши-чи?! Йўқ, йўқ, бу жинни ҳечам хавфсиз эмас, хавфли у. Одамларнинг онгини ҳам захарлаяпти. Тунов кун туман марказидаги боғда яна табиат ҳақида (*кинояли қулади*), ҳа, табиат ҳақида одамларни йиғиб ланжиллаб маъруза ўқиганмиш. Ариқларимиздаги сувни ичиб бўлмайди, қўл солсангиз, қўлингиз ҳам алламбало касалга йўлиқади. Сув боши тоғдан тоза бўлиб оқади, туманга оқиб келадиган каттакон дарёнинг тепасида тумандаги казо-казолар дачалар, боғ ҳовлилар қуриб олишган, ҳамма ана шу боғ ҳовлидан чиққан

ахлату чиқиндиларни дарёга ташлайди. Айримлар дарёнинг устида ҳаммому сауна қурган, молхона қурган, ахлату оқоваси дарёга тушаяпти. Дунёнинг айрим жойларида одамлар сув-сизликдан ўлаяпти, касаллик урчиган, қурғоқчилик, биз эса туманга оқиб кираётган катта дарёни булғаб, ҳаром қилдик, сувини ичиб бўлмайди, деб жар солибди. Дунёнинг ташвиши сенга қолдими, дейдиган одам йўқ. Тумандан оқиб ўтган дарёга чўмич солиб сув олибди. Одамларга ичинглар, деб чўмични тутибди, мен сизга сув эмас, заҳар тутаяпман, бу сув эди, ўзимиз заҳар қилдик, деб айюҳаннос солибди. Сўнг қўлидаги бир чўмич сувни кўтариб кўчама-кўча санғиб, одамлар, ўзингизни заҳарламанг, сувнинг қарғиши бор, сув ҳам кўр қилади, деб қичқирибди, девоналик қилибди. Билмайман, орган қаерга қарайди? Хўш, демак, келишдик, Собир Назарович! Ёнингизга Беғамни юбораман. Яна хизматлар бўлса, айтарсиз...

Ичкари уйдан Лола чиқади. У ишга кетаяпти.

Л о л а. Майли, дадажон! Яхши ўтиринг. Мен ишга кетаяпман. Кейин Гўзал опамнинг ҳам ёнига ўтаман.

Т ў р а (*бироз безовта*). Яхшимикин?

Л о л а. Яхшилар. Анча тузук. Барака топсин. Бош шифокоримиз Тошкентдан мутахассис чақирдилар. (*Дадасига сирли қараб*) Дадажон, дори-дармон, бошқа харажатлар бўлса, дадам ёрдамлашади, дедим. Зўр мутахассис экан. Йўл ҳаққи, меҳмондорчилик масаласида сизга ишондик, дада.

Т ў р а (*иккиланиб, ноилож*). Майли, қизим, майли. Келаверсин-чи?

Л о л а (*меҳри ийиб дадасини қучади*). Бизникига кела қолсин. Аёл киши экан. Профессор.

Т ў р а (*мағрурланиб, қизининг пешонасидан ўпиб*). Майли. Бора қол, қизим.

Лола чиқиб кетади. Тўра унинг ортидан ўйчан тикилиб қолади. Шу маҳал ҳовли эшиги тарақлаб ҳовлига шоша-пиша Беғам югургилаб кириб келади. Ҳансирайди. Безовта.

Т ў р а (*аланглаб*). Нега кўпқаридан қайтган отдай киш-найсан?

Б е ғ а м (*унга ҳадик аралаш қараб*). Кетмабди.

Т ў р а. Ким кетмабди? Нима кетмабди?

Б е ғ а м (*қўли билан ишора қилиб*). Анави?

Т ў р а. Тушунтириб гапир. Ким у анави?

Б е ғ а м. Мухбир...

Т ў р а (*бир сесканиб*). Нега кетмайди. Кеча вокзалга олиб чикувдинг-ку, ярамас. Ўзинг, кетди, дединг-ку.

Б е ғ а м (*Кўрсаткич ва ўрта бармоғини ўз кўзига ниқтаб*). Мана шу кўзларим билан кўрдим. Билет олди. Поездга ҳам чиқди. Поезд кетгунча қарадим. Деразадан қўл ҳам силкиди ярамас.

Т ў р а (*ғазабланиб*). Ундай бўлса, нега “кетмади” деяпсан.

Б е ғ а м (*довдираб*). Кўрдим. Бугун кўрдим. Кадастрдан чиқаётсам, Раҳимни эргаштириб ҳокимиятга кириб кетди.

Т ў р а (*тишини ғижирлатиб, заҳарханда кулиб*). Кўнглим сезувди. Падарлаънат ичмаганидан ҳам шубҳа қилувдим-а? Безрайиб ўтирувди энағар! Демак, бу биз ўйлаган одам эмас. Анча қув, зуваласи пишиқ экан. Майли, майли... кўрамиз. Менга қара, (*Беғамга бир зум тикилиб қолади*) ҳалигини олди-ку, тўғрими?

Б е ғ а м. Нимани? (*Эсанкираб қарайди.*) Нимани олади?

Т ў р а (*ўшқираб*). Ўз қўлим билан чўнтагига солиб қўйдим-ку конвертни... Бунга нима дейсан?!

Б е ғ а м (*хижолатли ерга қараб*). Шу... вокзалда хайрлашиш олдидан... озгина ўтирдик, у ерда ҳам ичмади касофат! Менга ичирибди. Сўнг Тўра акамга бериб қўярсиз, ўзлари билди, деб қоғозга ўроғлиқ нарсани чўнтагимга солиб қўйди... (*У ён чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ нарсани узатади.*)

Т ў р а (*унинг қўлидаги нимадир ўралган қоғозни олади. Шоша-пиша қоғозни очади. Ичида конверт. Тўра гезариб, титраб-қақшайди. Беғамга ўшқиради*). Ярамас! Тентак! (*Тўра бошини чайқайди.*) Ярамас! Ҳаммасини пачава қипсан! Демак, у олмабди. Кўкидан икки минг бор эди. Шуни олиб жимиб кетади, деб ўйловдим.

Б е ғ а м (*унга далда бергандай бўлиб*). Ҳа, энди, бошқа йўлини топамиз. Бу мишиқининг ишхонасида бундан каттароғи бор... Балки...

Т ў р а (*ижирғаниб*). Ҳай, менга қара, хумкалла, шу нарса эсингдан чиқмасин. Каттаси, хўжайини олмаган идоранинг майда-чуйдалари, кичиклари ҳам олмайди. Қайси идоранинг майда-чуйдалари олса, билгинки, ўша идоранинг каттаси ҳам олади. Шундай экан, бу боладан эҳтиёт бўл! Тушундингми?

Б е ғ а м (*довдираб*). Туш... тушундим. Тушундим.

Т ў р а (*унга ўйчан қараб*). Менга қара, анави мухбир бола Раҳимни эргаштириб юрибди, дедингми? Ҳокимга киришмоқчи. Демак, қарорни билишган. У мухбир бекорга Раҳимни етак-

ламаяпти. Ўша қарордан хабар топса, Раҳимнинг ҳам пайта-васига қурт тушади. Хотинчалиш, мен ариза ёзмаганман, деб дунёни бошига кўтаради. У ўйлайдики, мен шунчаки, текинга унинг хўжалигини юритиб, оромгоҳини боқаман. Мана (*қўлини хунук, уятли алфозда кўрсатади.*) Мени ҳам ўзига ўхшаган довдир, деб ўйлаб юргандир. (*Заҳарханда қулади*) Ҳали кўрасан, оромгоҳ-поромгоҳи билан текислаб ташлайман.

Б е ғ а м (*хушомад қилиб*). Ҳа, энди хўжайин, вилоятда манаман, деган одамларнинг бирисиз. Бу майда-чуйдалар сизнинг олдингизда хасдай учиб кетади.

Т ў р а (*алам билан*). Лекин сен ўша хасдан ҳам баттарсан, хасдан ҳам енгилсан. Эшит, сенга топшириқ! Ўша мухбир бола кеча қаерда жойлашган, қаерда тунаган, аниқла!

Б е ғ а м (*бироз қад ростлаб*). Аниқладим! Аниқладим.

Т ў р а (*унга ғалати қараб*). Ана, сенга ҳам ақл битибди-да-а! Хўш?

Б е ғ а м. Нариги туманда, меҳмонхонага жойлашибди. Ўзим бориб, билиб келдим.

Т ў р а. Чиндан ҳам ўтқир бола экан! Нияти қатъий, шекилли?!

Б е ғ а м. Энди нима қиламиз?

Т ў р а. Нима қилишдан худо сақласин. Жиддий чора кўрамиз. Бу дунёда усул кўп. Фақат ўта эҳтиёткорлик лозим. (*Беғамни қўли билан ёнига ишора қилиб чорлайди-да, қулоғига нимадир, деб шипшийдди. Беғам чўчиб, сесканиб кўяди. Тўра шундай маъносиди бош ирғайди.*) Ҳа, шундай, шундай қиламиз.

Б е ғ а м. Демак...

Т ў р а. Ҳа. Қўшни туманга бор! Тимсоҳни топ! Ҳаммасини тушунтир! Ими-жимиди бажарсин!

Б е ғ а м. Хўп бўлади! Фақат...

Т ў р а. Яна нима гапинг бор?

Б е ғ а м. Раҳим-чи? Раҳим нима бўлади?

Т ў р а. Раҳимни менга қўйиб бер! Ўтган ойдаги видеотасвирлар, ҳалигилар билан бўлган майшат, эсингдами! Қўл бўйида олган тасвирларинг-чи, ўшалар Раҳимга етиб ортади. Раҳим бир эмас, ўнта ариза бўлса ҳам ёзади, бутун оромгоҳу тоғу далани қўшқўллаб топширади. Шу нарсани унга аввалдан кўрсатсак ҳам бўларкан... Эҳ-ҳҳ, менинг хатойим шунда... Бор энди, боравер.

Беғам чиқиб кетади. Томлисуна ёнидаги столда турган уй телефони жиринглайди. Тўра бориб телефон гўшагини кўтаради. Қизи Лоланинг овози саҳнада эшитилиб турибди. Лоланинг овозини биз ҳам эштамиз.

Л о л а (қувноқ.) Ассалому алайкум, дадажон! Дада, дадажон, қўл телефонингиз ўчирилган, деб жавоб берди. *(Тўра чўнтагидан қўл телефонини олиб, ажабсиниб қарайди).*

Т ў р а. Салом, она қизим! Ҳа-я, қўл телефонимни ўчириб қўйибман. Ҳадеб жиринглайвериб жонга тегди. Тинчликми, қизим?

Л о л а (шодиёна оҳангда). Дадажон, Гўзал опамнинг аҳволи яхши. Шаҳардан дўхтир чақирмайдиган бўлди. Бош врачимиз ҳам хурсанд.

Т ў р а (нохуш ҳолатга тушганини сездирмай). Яхши. Яхши! Яхши-да, қизим.

Л о л а. Дадажон, сиздан битта илтимос! Эртага битта ногиронлар аравачаси олиб берсангиз бўлди. Хўпми? Гўзал опамни ташқарига чиқардик. Қийналиб-сийналиб бўлсаям гапира-яптилар.

Т ў р а (ноилож). Хўп. Хўп. Сен нима десанг, шу, она қизим!

Л о л а (хурсанд ва қувноқ). Раҳмат, дадажон!

Телефоннинг чўзиқ тутулаши эшитилади. Тўра ҳардамхаёл бўлиб гўшакни қўяди. Қўл телефонидан рақам таради.

Т ў р а (қўл телефон орқали). Қаердасан! Яхши! Хўп! Хўш, яна бир ишнинг ишкали чиқди. Эшит! Анави жиннининг шериги тузалиб қолибди-ку... Ким бўларди, катта холанг! Гўзални айтаяпман! Билмадим, бошим қотиб қолди. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин, Раҳимни ернинг тагидан бўлсаям топиб, қўл бўйига олиб бор. Қанча тез бўлса, шунча яхши! Уқдингми? Мухбир бола қаерда экан? А-а? Вилоятга кетибдими? Ҳозирча уни эсингдан чиқар. Тушундингми? Раҳимни телефон орқали қидирма! Эҳтиёт бўл! Ўзи билан кўришиб гаплаш. Билмайман, топ! Қўл бўйида кутаман икковингням!

Тўра қўл телефонни ўчириб, стол атрофидаги ўриндиққа ўтиради. Бир нуқтага тикилиб оғир уф тортади.

Саҳна қоронғулашади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи саҳнадаги манзара. Тоғ ёнбағрида “ўрмалаган” қишлоқ. Қуйида болалар оромгоҳи. Оромгоҳ атрофида баланд дарахтлар уфққа оққан қуёшнинг қизғин шуъласига фарқ бўлган. Ҳали шом чўкишига бироз бор. Борлиқ тун пардаси ичра чўкмаган. Қирмиз ёғдулар оғушида атроф янада гўзал ва тароватли. Кенг сатҳда ўрнатилган стол, кўзга кўримлигина тузалган, у-бу нарса, егулик, ичкилик, мева-чева деганидай. Стол атрофида учта ўриндиқ. Беғам билан Раҳим стол четига тиркалган курсиларда ўтиришибди. Уларнинг ҳеч бири чурқ этмайди. Беғам қовоқ уйиб, бошини хиёл буриб саҳна чети йўл томонга қараб ўтирибди. Раҳим ҳам миқ этмай ўтирибди, бироқ безовта, ўзини ўнғайсиз сезаётгани кўриниб турибди. Инон-ихтиёри ҳозир ўзида эмаслигини ҳис этиб чўғ устида ўтиргандай қийшанглайди. Қўрқув ва ҳадик, олдиндан юз беражак алланечук мавҳум бехайр ҳодисани англаб типирчилаётганга ўхшайди. Машина овози келади. Машина келиб тўхтайди. Раҳим ўрнидан туриб кетиб, машина тўхтаган томонга қарайди. Ичидан ихроқли бир сас чиққандай бўлади. Беғам бунга кўриб қаҳрли жилмаяди. Саҳнага Тўра кириб келади. Эғнида спорт кийими. Беғам ҳам ўрнидан туради.

Р а ҳ и м (қалтираб-салтираб). Ассалому алайкум, Тўра ака! Ях-яхшимисиз?

Т ў р а (қаҳр билан). Ўзинг қалайсан! (Тўра бориб курсига ўтиради. Улар ҳам ўтиришади... Тўра Беғамга маъноли қарайди) Қаерларда юрган экан?

Б е ғ а м (қошини чимириб). Ўзи айтади...

Т ў р а (ўсмоқчилаб). Хўш, Раҳимбой, бундай бўлмабди-да. Аллақайси чулдурвоқининг ортидан эргашиб, идорама-идора сўлтанглаб юрибсанми? Икки юз, икки ҳалиги, дейди сендақаларни...

Беғам хихилаб кулади.

Р а ҳ и м (ерга қарайди... Сўнг бош кўтариб Тўранинг кўзига тикилади). Сизлар мени алдабсизлар... Менинг номимдан ариза бериб ҳокимга киритибсиз. Мен сизларнинг бу шартингизга рози эмасман. Сизларнинг айтганингизни қилсам, бутун бошли оромгоҳ йўқ бўлиб кетаркан... Фермер хўжалигидан ҳам айриламан. Тоғ ёнидаги юз-юзлаб арчалар йўқ бўлади, чинорлар кетади, боғ бузилиб, ўрнида кафе-бар қурасизлар, шундай-

ми? (У оғриниб, овозини қўтармай, ҳамон тобе ва мутемонанд сўзлайди.)

Шу маҳал булар ғавғолашиб турган жойнинг берироғи, оромгоҳ ёнидаги улкан чинор панасига Толибнинг келиб яширинганини кўрамиз. Саҳнадаги учовлон буни сезмайди, албатта, бироқ биз, томошабинлар Толибнинг аввал чинор панасига келиб яширингани, уларни бироз қузатиб, сўнг уларга билдирмасдан чинор ёнидаги улкан харсанг панасига бекингани ва уларнинг орасида бўлиб ўтаётган гап-сўзларни кичик камерага ёзиб олаётганини кўрамиз.

Т ў р а (Бош чайқаб, ўсмоқчилайди). Демак, сенга забон ва бош битибди. Ҳалиги мухбирча сабоқ бериб улгурибди.

Б е ғ а м (қўл силтаб). Хўжайин, бундай латталарни ҳалигиларнинг бошига ўрасангиз ҳам камлик қилади. Оғмачи, ўйинчоқ-ку бу.

Р а ҳ и м (икки қўлини мушт қилиб). Сизлар мени алдадингиз...

Т ў р а (унга чақчайиб қарайди). Ҳокимга кирдиларингми? Айт, (ўшқиради) кирдиларингми? (Раҳимнинг ёнига бориб ғазаб билан унинг ёқасидан тутуди.) Айт, ярамас, ҳокимга кирдиларингми?

Р а ҳ и м (Унинг чангалидан чиқиб, бўғилиб). Йў-ў-ўққ!.. Йўқ! Ҳоким вилоятга йиғинга кетган экан.

Т ў р а (шаштидан тушиб). Ростини айт.

Р а ҳ и м. Рост. Ёрдамчи, эртага келинлар, деди.

Т ў р а. Мухбирчанг қаёққа кетди.

Р а ҳ и м (ерга қараб). Вилоятга.

Т ў р а. Вилоятда пишириб қўйибдим унга?..

Р а ҳ и м. Билмадим, адлия бошқармасида ҳам иши бор экан.

Т ў р а. Қачон келади?

Р а ҳ и м. Эрталаб ҳокимият биноси эшиги ёнида учрашамиз.

Тўра Беғамга сирли қарайди. Бош ирғаган бўлади. Беғам стол тагидан ноутбук олиб стол устига қўяди. Ноутбук қопқоғини очади. Толиб эса буларга сездирмасдан харсанг панасида ётиб олиб кичик камера билан бўлаётган гап-сўз, воқеа-ҳодисани ёзиб олмақда.

Т ў р а (Раҳимга). Сен менга анови кўлни, фермер хўжалигингни, оромгоҳ атрофини, боғни, тоғ ёнидаги сенга тегишли

арчазорни берасан... Ҳоким номига ўз хоҳишинг билан ўша ерларни топширишинг ҳақида ҳозир ариза ёзасан. Қолганини менга қўйиб бер!

Р а ҳ и м (*аянчли*). Нега?! Ёзмайман!

Т ў р а (*ижирғаниб*). Энди аризанг ҳақиқий бўлади. Анови този кучук билан сохта аризани ис билибсанлар. Худди ўша ой, ўша число билан ариза ёз! (*У Беғамга қараб бош ирғайди... Беғам стол устидаги сумкадан оқ қоғоз ва қалам олиб Раҳимнинг олдида қўяди.*)

Р а ҳ и м. Йўқ, йўқ. Мен ариза ёзмайман.

Т ў р а (*қаҳрли хохолаб*). Беғам, ёзмасмиш! Майли, ёзма! Лекин хонавайрон бўлиб, элда юриқсиз, юртда туриқсиз қилиб қўяман, киргани гўр тополмай қоласан... Бу ерларда бош кўтаролмайдиган бўлиб қоласан. Тошкентда ўқиётган қизинг ва ўғлинг, ота-онанг, оилангни ҳам ўзинг билан қўшиб гўрга тикасан, сен ярамас, хотинчалиш.

Р а ҳ и м (*энди жонланиб ўрнидан туриб кетади*). Мен сенларга нима ёмонлик қилдим? Нима учун гўрга киришим керак? Нега зўравонлик қиляяпсанлар.? Қонун бор, адолат бор!

Б е ғ а м (*унга ўдағайлайди*). Сен бизга қонунни рўкач қилма. Ўзингни ўйла! (*заҳарли илжаяди*) Саводинг чиқибди-я (кулади).

Т ў р а (*завқланиб*). Қани, табиат қўриқчисига, анови кинони қўйиб бер. Бир томоша қилсин-чи бу даканг хўроз!

Беғам заҳарли ва қаҳрли тусда ноутбук тугмаларини босади. Ноутбукда намоёиш этилаётган манзара-воқеанинг бошланишидаёқ Раҳимнинг ҳар хил қочириғу қийқириқлари, сатанг қизларнинг хохолаб қулиши эшитилади. Аҳён-аҳёнда қадаҳлар жаранги, Раҳимнинг ҳам “жонидан” деб қичқириши, навозишу бешармлик айқашган даврага хос шармсизлик манзарасини томошабин кўрмаса-да, тушуниб етади.

Раҳим қўллари билан юзини тўсиб олади. Беғам ноутбук ичига кириб кетгудай бўлиб тамшаниб, кўзлари ёниб термулиб турибди. Тўра кинояли жилмайиб, Раҳимдан кўз узмайди.

Р а ҳ и м (*юзини қўллари билан тўсиб дағ-дағ титрайди. Вазоҳатли чинқириб юборади*). Ўчи-и-ирр! Ўчи-и-ирр!!!

Т ў р а (*беғамга бош ирғаб*). Етади. (*Беғам ноутбукни ўчиради.*)

Саҳнада жимлик. Сокин мусиқа янграйди. Раҳим ерга ўтириб қолади. Тўра билан Беғам унга ғолибона термулиб туришибди. Раҳим зил-замбил бошини ердан базўр кўтаради.

Б е ғ а м (*кинояли*). Яна қўяйми? Кўрасанми?

Р а ҳ и м (*иҳраб*). Бас... бас... (*У илкис тиззалаган қўйи Тўрага илтижולי боқади.*) Мен розиман! Ҳаммасига розиман! Фақат...

Т ў р а (*столдаги бўш қадаҳларга ичимлик қуйиб бирини Беғамга узатади, бирини ўзи олади*). Қўрқма! Мен сўзимда турарман! Қани, олдик. (*Тўра ғолибона қадаҳ сипқоради. Раҳимнинг зир титраган қўлларидан қадаҳ ерга тушиб кетади. Тўра Раҳимга ижирғаниб қарайди.*) Хоҳласам, эртагаёқ бутун халқ сенинг шармисорлигингдан воқиф бўлади. (*У ноутбук олдига келади. Қўлини ноутбук экранига яқинлаштиради.*) Ноутбук тугмачаларини босиб интернетга жўнатиб, Сенинг бу шармандалигингни оламга ёйишим мумкин. Хоҳласам... (*У чўнтагидан флешка олади.*) Манави учун бор мол-мулкин, уй-жойинг тугул, бошқа нарсангни ҳам беришга мажбур бўласан. Ахир, мен сендан кўп нарса сўрамаяпман-ку... Сен тентак қонундан келасан, адолатдан келасан! Танла, ё менинг айтганим бўлади, ё сен ўша мухбирваччага қўшилиб қонунбозлик қил!

Б е ғ а м (*илжайиб*). Ўл бу кунингдан. Оромгоҳ директори бўла туриб, оромгоҳ ёнидаги қўл бўйида (*бошини сирли ирғаб*) ҳалигилар билан-а, маишат... Сен шундоғам оромгоҳдан кетасан...

Т ў р а (*эси оғиб турган Раҳимга кесатади*). Қани, болапарвар, болалар оромгоҳи жонкуяри, табиатимиз ҳимоячиси, она табиат шайдоси, нима дейсан?

Р а ҳ и м (*унинг ёнига тиззалаб кела бошлайди*). Розиман.

Т ў р а. Тур ўрнингдан. Стулга ўтир, ёз. Ҳоким номига ариза ёз. Хўжаликни тўлиғича топширишинг ҳақида ёз.

Р а ҳ и м (*ўрnidан туриб, оғриниб*) Мен сенларга ишонувдим... Бундай... бундай қилишларингни билмовдим. (*Тишларини ғижирлатиб зор қақшаб гапирди.*) Номардлар.

Б е ғ а м (*тантанавор*). Лекин манави тасвирда биз эмас, сен бор... Катагингда бир эмас, учта макиённи сен қийқирата-япсан...

Раҳим стулга ўтириб, оқ қоғозга Тўранинг хоҳиш-истаги бўлган ўша аризани ёзади. Ёзиб бўлиб, ўрnidан туради.

Р а ҳ и м (*уларга мунгли қараб*). Бўлдими?

Т ў р а (*столдаги оқ қоғозни олиб ўқийди. Қоғозни Беғамга тутади*). Ма, манавини кечкурун ҳокимнинг ёрдамчисига бериб қўй. Ўша числони қўйибди. Яхши. Нариги аризани ал-маштириш йўлини қилсин! Кўнглини топ. Қани, энди мухбир-вой ниманинг пайига тушаркин? Бўлди – хўжалик бизники!

Р а ҳ и м (*ҳадигу қўрқув билан*). Энди манавини (*ноутбукка ишора қилиб*) таг-томири билан ўчиришлар... Менга ҳеч нарса керакмас.

Дарахт ёнидаги харсанг ортига эътибор қаратамиз. Толиб мухбир ҳамон бекиниб олиб бу даҳмазаю машваратни кичик ка-мерага ёзиб олмоқда.

Т ў р а (*столдаги ноутбук қопқоғини ёпиб қўлига олади-да, уни Раҳимга тутади*). Ма, ол. Бу сенга мендан совға. Хоҳласанг, ўзинг ўчир. Хоҳласанг, зерикканда томоша қилиб юравер!

Р а ҳ и м (*шоша-пиша ноутбукни олиб кўзлари олайиб ноут-букка қарайди*). Ҳмм... ҳмм... (*Тўранинг чўнтагига ишора қилиб, ожизона*) – Ф... Филеш, филеш-чи.

Тўра билан Беғам хохолаб кулишади.

Б е ғ а м. Филеш эмас, Флешка. Фле-е-еш-к-а-а-а!

Т ў р а (*флешкани яна қўлига олиб*). Флешкани бераман де-сам, оромгоҳ директорлигини ҳам топшириш учун ариза ёзи-шинг керак, деган шарт қўйишим мумкин.

Р а ҳ и м (*кўзида ёш, ютиниқ ихраб*). Розиман.

Т ў р а (*бошини сарак-сарак қилиб*). Йўқ, сенинг ишдан ке-тишингдан бизга фойда йўқ. Худо билади, ўрнингга кимни қўйишади. Эшакдай қайсар бирортаси оромгоҳга эга чиқса, ҳамкорлик қилолмаслигимиз мумкин. Сен энди довдир бўл-санг ҳам, ўзимизникисан...

Р а ҳ и м (*яна чўккалаб*). Ахир... ахир.

Т ў р а (*ундан нафратланиб*). Тур, тур-а, пандовақи. Қўрқма. Буни ҳеч кимга бермайман. Мен сўзимни бажараман. Бу менда туради. Эрта бир кун йўриғимга юришдан бош тортиб қолсанг, ҳамкорлик давомида кетингни бурсанг (*флешкани кўрсатиб*) шу билан тумшуғингга ип ўтказаман.

Р а ҳ и м (*нолакор ҳолда*). Ахир, нима десанглар розиман, дедим-ку.

Т ў р а (*қатъий*). Мен ҳам сенга айтяпман, бундан хавотир олма. Қилган қилғилиғинг мана шу (*флешкани кўрсатиб*) мит-ти сандиқ ичида ётади. Қўрқма, бунда сен эмас, казо-казо кит-

лар, аждаҳолар, девлар, зўрман, деган зўравонлар қамалган. Уларнинг ҳам сеникидай кирдикорлари қамалган. Аканг қарағайнинг дами чақмоқни кесиши сабабини энди билгандирсан! Сен бир чувалчангсан-ку мен учун! Бўл энди, жўна! Марш, отсюда!

Тўра билан Беғам унга ғолибона қараб саҳнадан чиқиб кетишади. Раҳим афтода алфозда ноутбукни қучоқлаб туради-да, ерга чўк тушиб, ноутбукни ерга қўйиб, қўлини мушт қилиб, ноутбукка теккизади. Сўнг... елкалари титраб йиғлай бошлайди. Харсанг тош ортидаги Толиб мухбир ҳам билдирмай саҳнани тарк этади.

Саҳна қоронғулашади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Шифохона. Ораста ва саришта, ёруғ-шинам палата. Лола тўшакда ётган Гўзалнинг каравоти ёнидаги курсида ўтирибди. Каравот ёнидаги тумба устида мева-чева солинган идиш. Лола мевалардан бирини олиб меҳрибонлик билан Гўзалга узатади.

Л о л а (хушҳол). Опа, опажон, олинг, сизга қувват бўлади... Худого шукр, анча яхшисиз. (Унинг бошини силайди) Ҳаммаси ортда қолди. Дадам аравача жўнатдилар. Эртага ўзим ҳовлига олиб чиқиб айлантираман.

Г ў з а л (ётган қўйи... тутила-тутила). Раҳ-м-м-а-а-т! (У қийналиб гапиради.)

Л о л а (меҳр билан). Опажоним-ей! Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз. Бош врач, аҳволи анча яхши, хавотир олманглар, дедилар.

Г ў з а л (қийналиб). Раҳм-а-ат! Р-Раҳмат. Т-т-тооғ... тоққа бо-ра-ман!

Л о л а (гўёки койинган бўлиб). Опажон, шу ердаям ўша тоғ, оромгоҳингизни ўйлайсиз. Албатта, олиб бораман... Албатта, борасиз. Оромгоҳ қочиб кетмайди.

Г ў з а л (мунгли, қийналиб нимадир демоқчи бўлади. Кўзида ёш ғилтиллайди). Л . . лола... Ло-ла... Д-да-данг...

Л о л а (унинг гапини бошқача тушуниб). Дадамга айтаман! Сизга Гўзал опам раҳмат айтдилар, дейман. Битта аравача сиздай опамдан, азиз устозимдан айлансин! Дадам нимаики зару-

рат бўлса, сиздан аямайдилар. Сизни ҳурмат қиладилар. Ахир, менинг устозимсиз-ку...

Г ў з а л. Р-Раҳ-м-а-ат!..

Л о л а. Айтаман, дадамга айтаман, Сизга раҳмат айтдилар, дейман...

Гўзал юзини девор томонга буриб, кўзини юмади. Шу маҳал шифоҳона таомилига кўра эгнига оқ халат ташлаб олган Толиб кириб келади. У бемор ёнидаги Лолани кўриб жойида тақа-тақ тўхтаб, худди сеҳрлангандай қараб қолади. Лола ҳам беихтиёр ўрнидан туриб кетади. Улар ҳайрату лол алфозда бир-бирига термулиб қолишади. Жимлик. Сукунат. Улар бир-бирига қараб туришибди. Енгил мусиқа, киши қалбида севги туйғуларини аланга олдириб, нигоҳларда ажиб сеҳр уйғотгувчи бир мусиқа. Толиб беихтиёр Лола томон юриб, яна тўхтайди.

Т о л и б (ўзини ўнглаб). Сиз бу ерда...

Л о л а (бу тасодифдан ҳамон ўзини ўнглай олмай). Ўзингиз-чи, ўзингиз бу ерда нима қиляяпсиз?

Т о л и б (энди ўзини қўлга олиб). Мен, шунчаки. (Сўнг яна ҳайрат билан тўшакда ётган кўйи буларни кузатаётган Гўзалга ишора қилиб) Ойингизмилар?

Л о л а (ўзини ўнглаб). Ҳа... йўқ... Опам, устозим... Мен шу ерда ишлайман.

Т о л и б (энди кулимсираб). Тасодифни қаранг.

Л о л а (у ҳам жилмайиб). Кутмовдим. Ахир, ойнинг охирида келаман дегандингиз...

Т о л и б (елка қисиб). Ҳа, энди. Очиғи, сизни бу ерда...

Л о л а (тўшакда буларга ажабсиниб қараётган Гўзалга). Опажон, бу йигит журналист. Биз танишмиз. Мен институтда ўқиб юрганымда, Универсиадада ёлиб бўлганимда “Туркистон” газетасига мени мақтаб жуда катта мақола ёзган. Газетада суратим ҳам чиқувди.

Г ў з а л. Ях-ях-яхши...

Л о л а (кувнаб). Ҳа, чиндан ҳам яхши йигит. Кейин биз Толиб билан яқин дўст бўлиб кетдик. (Толибга гинали қараб) Келаркансиз, нега телефон қилиб қўймадингиз?..

Т о л и б (бир Гўзалга, бир Лолага қараб ўйчан, сир бой бермай...). Ҳа, энди. Сизни бир ҳайратда қолдирай, дедим-да...

Л о л а (завқланиб). Чиндан ҳам ҳайратда қолдим (эркаланиб). Қойил. Топиб олдингиз... (сўнг Толибга) Ҳозир, опамга бир гапим бор, ташқарида кутиб турунг, чиқаман...

Гўзал Толибга қарайди-да, ўрнидан қўзғалмоққа урингандай бўлади. Лола унинг курагига ёстиқ қўйиб, нимқия қилиб ўтирғизади. Гўзал Толибга жовдираб қарайди.

Г ў з а л (нимқия ҳолда умумнигоҳ билан). Сиз... Си-из. Ж-журналист...

Т о л и б (бош ирғаб, қўз қисиб қўяди). Журналистман. (Сўнг Лолага сирли қарайди... Ҳеч нарсадан беҳабар Лола қулимсирайди.)

Г ў з а л. Р.. р-рахмат!

Т о л и б. Ҳаммаси яхши бўлади, опажон, хавотир олманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Соғайиб кетинг... Мен сизни кўргани, (сўнг Лолага бир қараб) биз сизни кўргани келамиз... (Толиб опага сирли бош чайқаб палатадан чиқиб кетади.)

Л о л а (гўзал ҳаяжонда хушҳол қараб). Опажон, сизни толиқтириб қўймадикми?

Гўзал унга меҳр билан термулади. Лола курси олиб, Гўзалнинг ёнига келиб ўтиради, эшикка қараб қўяди.

Л о л а. Опажон, яхши йигит у. Толиб билан жудаям яқинмиз. У Тошкентда ишда қолди. Мен институтни тугатиб, ота-онамнинг ёнига ишга келдим. Ўқишни битирмагунча эрга тегмайман, дедим. Дадам билан ойим раъйимни қайтаришмади. Мана бир йилдирки, ҳамма совчиларга рад жавобини бераяпман. Охири ойимга айтдим, дадамга тушунтиринг, дедим, Толиб билан мен бир-биримизни яхши кўришимизни айтдим. Дадам ўша йигитни мен бир кўришим керак, дедилар... Толибга кўнғироқ қилдим. Шу ойнинг охирида таътилга чиқаман, албатта, бораман, ўзингиз яшаган жойларни, тоғларни менга томоша қилдирасиз, деди. Хурсанд бўлиб ойимга айтдим, даданг гаплашиб кўрсинлар, дедилар. (Қулади) Бор гап шу, опажон! (Яна қулади) Сабри чидамабди. Ҳафта ўтмаси келди. Ҳа-я, айтмоқчи, Толиб билан ҳар куни кўнғироқлашамиз. Уч кундирки, телефони жим, ўчган. Хавотирга тушиб юрувдим. Демак, келишини айтиб қўймаслик учун ҳам шундай қилган... (Лола яна жилмаяди. Гўзал алланечук хавотир билан унга термулади.)

Л о л а (эркаланиб, энгашиб Гўзални ўпади). Ҳа, кутиб қолди. Мен кечроқ яна кираман, сиз бироз дам олинг, опажон (Гўзал "бор, боравер" маъносида бош ирғайди. Лола чопқиллаб чиқиб кетади).

Гўзал ўрнидан қўзғалмоқчи бўлади. Оғир ихрайди. Сўнг юм-юм йиғлай бошлайди.

Саҳна айланади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Шифохона ҳовлиси. Суянма ўриндиқда бир-бирига хиёл бурилиб Толиб билан Лола ўтирибди.

Уларнинг юзидаги ёрқин ифода, меҳр-самимият, севги-муҳаббат нури қалбдаги соҳир туйғулар авжини намён этади.

Т о л и б (*Лоланинг қўлларини кафтига олиб*). Лола, Лола! (*Унинг юзига қарайди*) Лола, уф-ф, нима десам экан (*энтикади*) янаям чиройли бўлиб, гул-гул очилиб кетибсиз.

Л о л а (*меҳр билан унга термулиб*). Айниқса, бугун.

Т о л и б. Йўқ, сиз ҳамиша шундайсиз, соғингандим.

Л о л а. Сиз, сиз анча жиддий тортганга ўхшайсиз. Анчадан бери кўришмаганимизга шундай туюлаяптими, ё?

Т о л и б (*Лоланинг сочларини силайди*). Лола, бу дунёда сиз борлигингиз учун ҳам бу ҳаёт менга маъноли, завқли туюлади... Ҳаётимни сизсиз тасаввур этолмайман...

Л о л а (*қулимсираб, унинг қўлларини кафтига олиб*). Шоирлик қилаяпсиз-а... Мен гапингизга барибир ишонмайман.

Т о л и б (*унга жиддий қараб*). Мен эса сизга ишонаман.

Лола ерга қараб жимиб қолади. Толиб унга хавотирланиб қарайди.

Л о л а (*ердан қўз узиб, Толибга тикилади. Сўнг оҳиста овозда сўзлайди*). Ахир, мен ҳам сизга ишонмаганимда сизни бунчалар зориқиб кутмаган бўлардим.

Т о л и б. (*Лолани бағрига босади. Лола энгашиб беихтиёр унинг кўксига бош қўяди.*) Лола, ота-онангиз нима дейишаркин?

Л о л а (*жиддий*). Улар ҳам менга ишонишади. Менинг бахтимни ўйлашади. Дадам сиз билан гаплашиб кўрсинлар... У кишининг акам билан мендан бошқа суянчи йўқ. Бизнинг келажакимиз учун ҳамма нарсага тайёр турадилар. Истак-хоҳиш, кўнглимизга қарши бормайдилар. Сизга бу гапни телефонда ҳам айтувдим-ку...

Т о л и б (*Лолани эркалаб, юзларини силаб*). Барибир ҳадиксираяпман. Юрагим уриб кетаяпти.

Л о л а (*қулиб*). А-а! Қани, эшитиб кўрайлик-чи?! (*Толибнинг кўксига бош қўйиб, гўёки унинг юрак уришини эшитгандай бўлади.*) Чаккимас... Яхши (*сўнг яна кулади*).

Т о л и б (*у ҳам кулади*). Хўш, юрагим нима деяпти?

Л о л а. Айтмайман.

Т о л и б. Айтинг.

Л о л а. Кейин...

Т о л и б. Унда ўзим айтаман. Бу йигит сизни жондан ҳам ортиқ яхши кўради, деяпти.

Л о л а. Тўғри шундай деяпти-ю, лекин тўрт кундан бери телефон қилсам-да, телефонимга жавоб бермай кўйганингизни айтмаяпти (*зўёки ўпкалаган, яъни хафа бўлган кўйи қовоқ уйиб эркаланади*).

Т о л и б (*узрхоҳлик билан*). Лола, Лолагулим, вазият шундай бўп қолди.

Л о л а. Ҳа, майли... Ўзингизни оқламай кўя қолинг. (*Унга синчков назар солиб*) Ёлғон сизга ярашмайди, қийналманг.

Т о л и б. Тасодифлар, тақдир ўйини қизиқ-а.

Л о л а. Нега ундай дейсиз?

Т о л и б. Шунчаки.

Л о л а. Сиз ҳеч бир гапни шунчаки айтмагансиз.

Т о л и б. Хўш, айтинг. Энди нима қиламиз? Айтинг, мен нима қилай?

Л о л а (*қош чимириб*). Ҳозир Олтинбоққа борамиз. Сизга уйимизни кўрсатаман. Мен уйга кираман. Сиз Олтинбоғни, тоғ ёнбағирларидаги сўлим жойларимизни айланиб, бир-икки соатдан сўнг бизникига борасиз. Унгача мен сизни келаётганингизни дадамга айтаман.

Толиб ерга қараб, жимиб қолади. Ниманидир ўйлайди.

Л о л а. Ахир, икковимиз уйимизга бирга кириб борсак дадам хафа бўладилар.

Т о л и б (*унга зеҳн солиб*). Хўп. Сиз нима десангиз шу!

Улар ўрнидан туришади. Бир-бирига меҳр ва оташин севги билан қарашади. Шу маҳал Толибнинг қўл телефони жиринглаб қолади. Лола Толибга илкис нигоҳ солади. Толиб Лолага ҳадикли назар ташлаб қўл телефонига қарайди. Нимадандир таҳликага тушган каби қўл телефонга жавоб беради.

Т о л и б. Алло. Ассалому алайкум, Фарҳод ака! Яхши. Ҳаммаси жойида. Йўқ-йўқ. Иложи бўлса, бугун! Кечиктирмай эфирга узатишимиз керак. Вазият қалтис! (*У Лолага бир қараб кўяди. Лола буни англаб, берироққа юради. Толиб ҳам саҳна чети томон юриб гапида давом этади.*) Йўқ. Иложи бўлса, бугун. Майли, ҳеч бўлмаганда эртадан кеч қолмаслиги керак, Фарҳод ака, ҳамма ҳужжатларни бердим. Қабул қилиб олишди-ку... Умуман

кечиктирмаслигимиз керак. Шундагина Олтинбоғни асраб қоламиз! Қанчалаб одамлар соғлигини, бутун туман аҳли келажagini асраб қоламиз! Олтинбоғ воҳанинг ўпкаси. Бу ерда жуда катта болалар оромгоҳи ҳам бор, ахир. Агар эртадан кеч қолсак, бу ишнинг тепасида турганлар Олтинбоғни ўзининг тор манфаати йўлида яксон қилиб ташлайдилар. Миллиардлаб пул илинжида бу ишга бош қўшганларнинг илдизи жуда-жуда чуқур кетган. Олтинбоғдаги зўравонлар шунинг ортида турган казо-казоларга ишонишаяпти. Тоғли ҳудуд билан оромгоҳ, қўл ҳамда ўрмонбоғ кимларни бунча қизиқтираётганини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Кейин кеч бўлади, уларнинг кирдикори, албатта, фош бўлади, лекин Олтинбоғ вайронага айланиб, ўрнини айрим очкўз муттаҳамларга тегишли корхоналар эгаллагандан кейин, табиат оғу оғушида қолгандан сўнг уларнинг жазоланишидан нима наф? Ака, тушунинг, мен буни тўлиқ ўргандим. Хўп, хўп, сизни тушунаяпман. Мен буни ўз бўйнимга оламан, ўзим жавоб бераман! Агар шу лавҳалар эфирга кетмаса, мен ишдан кетаман, ариза ёзаман! Давлатимиз соғлом келажак, соғлом авлод, миллатнинг соғлом эртаси масаласини давлат сиёсати даражасига кўтараяпти. Кўз ўнгимизда бутун бошли болалар оромгоҳи, дам олиш маскани, улкан боғ, тоғ ёнбағри бўйлаб ястанган ўрмоннинг бир қисми йўқ бўлиб кетаяпти. Бу жойларнинг бир қисмини эгаллашга уринган маҳаллий зўравонлар ортида турган ҳамтовоқлари билан эртага тоққа туташган қўл ҳудудларини ҳам ўз ўпқонига уришни режалаштиришган. Шундоғам воҳага қўшни давлатдаги алюминий заводи захри хуруж қилиб турган пайтда бу ишга жимгина қараб туришимизнинг ўзи ҳам жиноят, деб биламан. Ака, мен бу лавҳаларни ўзимни кўрсатишим, мақтанишим учун эфирга беринг, демаяпман... Фақат... А-а, а-ка, раҳмат, Фарҳод ака! Хўп, ўзимни эҳтиёт қиламан. Хавотир олманг.

Толиб оғир уф тортади. Юзида хотиржамлик ифодаси қалқийди. Саҳнанинг нариги четида турган Лола унга қараб юради. Толиб ўзини бепарво тутушига уриниб Лоланинг чеҳрасига сирли зеҳн солади.

Л о л а. Тинчликми?

Т о л и б (*хотиржам*). Шунчаки. Ишхонадан қўнғироқ қилишди.

Л о л а. Ҳа, майли. Яхшилик бўлса бўлди, ишқилиб.

Т о л и б (*унинг қўлини тутиб, кўксига босиб*). Лола, Мен...

мен (*каловланиб туради*) Мен, ҳозир Олтинбоққа боролмайман... Тушунинг, илтимос. Ишхонадан бир топшириқ тушди, шуни ҳал қилишим керак. Ҳозир вилоятга боришим керак... (*Унинг қўлларини ўпиб*) Лола, Лола, эртага эрталаб шу ерда учрашамиз. Кейин нима десангиз, шу, сизнинг ихтиёрингизда бўламан... Хўпми, жоним...

Л о л а (*бироз ранжиб*). Сиз бу ерга нима учун келгансиз ўзи?! (*Аразлаган бўлади*).

Т о л и б (*сир бермай*). Сизни, деб келдим. Сизни, деб!

Л о л а (*ҳамон аразли оҳангда*). Унда нега... Вилоятга эртага ҳам бораверардингиз.

Т о л и б (*узрхоҳлик билан*). Кўрдингиз-ку, бошлиғимиз телефон қилиб қолдилар. У киши бу ердалигимни билади, шунинг учун вилоятга бир ҳужжатни бугуноқ етказишим кераклигини айтди. Жуда зарур бу, эртага кеч бўлади, Лола.

Л о л а (*эркаланиб*). Майли. Фақат тез қайтинг... Эрталаб шу ерда кутаман.

Улар бир-бирига меҳр-муҳаббат билан термулиб туришадди. Муסיқа янграйди.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Тўранинг ҳовлиси. Аввалги манзара. Томсуна ёнидаги стол атрофида тик турган ҳолатда Тўра билан Беғам нима ҳақдадир гаплашмоқда. Уларнинг иккови ҳам бесаранжом. Нимадан-дир хавотирда. Беғам эгнига осиб олган сумкани олиб Тўрага беради.

Б е ғ а м (*атрофга олазarak боқиб осма сумкани Тўрага узатади*). Мана, Тимсоҳнинг йигитлари бериб юборишибди.

Т ў р а (*ортга бир силтаниб, сескангандай бўлади-да, сумкани қўлига олиб ичини очади. Сумка ичига қўл тиқиб аллақандай қоғозларни олади*). Ҳеч ким ҳид билмадими? Шамоли чиқмай-дими бу ишнинг. (*Унга хавотир билан қарайди.*)

Б е ғ а м (*секин гапирди*). Йўқ. Исиям, шамолиям чиқмай-ди. Хавотир олманг.

Т ў р а (*сумкага яна ўша қоғозларни жойлаб, сумкани Беғамга узатади*). Ма, йўқот бунни. Ёқиб юбор.

Б е ғ а м. Хўжайин, ҳеч нарсадан хавотирланманг. Қутилдик. Тимсоҳ ишини билиб қилади.

Т ў р а. Демак, (*у ёқ-бу ёққа қарайди*) бунисидан ҳам қутилдик.

Б е ғ а м. Шундай, хўжайин, шундай. У ҳам асфаласофилинга кетди.

Т ў р а. Энди йигитларга айт, Олтинбоққа чиқишсин. Бирдан техникаларни ҳам чиқаришсин. Бугундан иш бошланглар. Қурилиш фирмасига айт, зарур қурилиш ашёларини ҳам ўша ёққа ташишсин!

Б е ғ а м. Улар биздан шу ишорани кутиб туришувди.

Т ў р а (*мағрур*). Мана энди вақти-соати етди. Энди бемалол иш бошлайверамиз. Мен билан ўйнашганларни йўлимдан барибир супуриб ташлайман! Мен у болага тўғаноқ бўлма, деб огоҳлантиргандим. Ўз бошини ўзи еб кетди.

Б е ғ а м. Ўзи аҳмоқлик қилди. У, дедингиз кўнмади, бу, дедингиз кўнмади (*илжаяди*).

Т ў р а. Бўлди, бу гапларга нуқта қўй. Кўзинг кўр, қулоғинг кар, оғзингга эҳтиёт бўл! Бор энди, ишни бошланглар. Чинорларни кесиб, боғни текисланглар. Раҳимни ҳам олиб бор. Эл кўзи учун ёнингда бўлсин! Эртага ўзим ҳам хабар олгани бораман.

Шу маҳал ичкари уйдан Лола чиқиб келади. У ниманидир гаплашиб турган Тўра ҳамда Беғамга қарайди. Улар жим бўлишади. Тўра қизини кузатади. Унинг кайфияти тушқун.

Т ў р а (*бепарволик билан*). Ҳа, она қизим, тинчликми?

Л о л а. Ўзим, шунчаки.

Т ў р а. Нега кайфиятинг йўқ?

Л о л а (*мунгли*). Дада, у келиши керак эди.

Т ў р а. Ким келиши керак эди? (*Сўнг нимадир эсига тушгандай*) Ҳа-а, ҳалиги меҳмон болами? (*қизига жиддий назар солиб*) Иш-пиши чиққандир.

Л о л а (*дадаси ёнида ортиқча очиқликдан тийилиб*). Ким билсин!

Т ў р а (*мавзуни бошқа томонга буриб*). Менга қара, она қизим, ош дамласанг-чи. Бир мазза қилайлик. Майли, (*Беғамга қарата*) сен ҳам шошма, Беғам! Лоланинг қўлидан ош еб кетасан.

Б е ғ а м (*тил учида*). Қандай бўларкан? Мен иш билан шуғуллансам девдим...

Т ў р а (*кескин*). Қўй. Эрта тонгдан иш бошлаймиз, худо хоҳласа! Лола қизим бизга шундай бир ош дамлаб берадики, ҳали бунақа ошни еб кўрмагансан. Тўғрим, қизим? Хавотир олма, (*қизини юпатмоқчи*) меҳмон ҳам келади. Юргандир у ёқ-бу ёқни томоша қилиб.

Лола дадаси билан бу мавзуни давом эттиришга ботинолмайди. У ичкари уй томон юра бошлайди.

Т ў р а (қўлларини ишқаб). Қани, Беғамбой, дастурхонга қара! Бироз дам олайлик. (Беғамни стол томон бошлайди. Улар стол атрофидаги курсиларга ўтиришиб, у-бу нарсага қўл чўзиб тамадди қилишади. Ичимлик ичишади.) Қани, ол, Беғам! Ишимиз бароридан келсин!

Ичкари уйда Лоланинг қўл телефони жиринглайди. Лоланинг овози келади.

Л о л а. Алло. Эшитаман... Эшитаман. Сизга ким керак? Қаердан... Ички ишлар бўлимидан, дейсизми?

Тўра билан Беғам жимиб қолишади. Ичкаридаги овозга қулоқни динг қилишади. Лола ҳам жим қолади. Лаҳза ўтиб-ўтмай ичкарида нимадир тарақлайди. Лола ичкари уйдан югуриб чиқади. Қўл телефон қулоғида.

Л о л а (саросимада, ҳардамхаёл ҳолатда). Ким? Қачон? Нега!!! (У чинқириб юборади. Қўлидан телефони тушиб кетади. Нима ҳол рўй берганини англаб-англамасдан турган Тўра ва Беғамга карахт ҳолда қараб туради. Сўнг елкалари титраб, овоз чиқармай унсиз йиғлай бошлайди.) Дада, дадажон. (Эзилиб-эзилиб унсиз йиғлайди.)

Тўра билан Беғам ҳовлиқиб ўрnidан туриб кетишади.

Т ў р а (ўзини йўқотиб, саросимада). Лола... Лола, нима гап, Лола. (Лола томон қадам ташлайди.) Тушунтириб гапир, нима бўлди?!

Л о л а (эзғинди йиғи билан). Уни пичоқлаб кетишибди. Уни ўлдириб кетишибди, дада...

Т ў р а (даҳшатга тушиб). Кимни ўлдиришади?

Л о л а (титраб-қақшаб). Толибни. (Беғам сапчиб тушади. Тўра ғулдираб қолади, жойида таққа тўхтаб, ўзини йўқотиб қўяди.)

Т ў р а (ғулдираб). Ким? Ким дединг?

Л о л а. Толибни... Ўша йигитни... Қўл телефонида менинг рақамим сақланиб қолган экан. Милициядан қўнғироқ қилишди, дада...

Т ў р а (энди бошига гурзи тушгандай турган жойида гандираклаб кетади. Бошини ушлайди). Шундай, де... Толиб, де. (У Беғамга ўқрайиб қарайди. Беғам ҳам довдираган кўйи қалтираб-салтираб нима қиларини билмай турибди.)

Л о л а (*қақшаб, ҳамон унсиз йиғлаяпти*). Ҳаммаси мени, деб бўлди, дадажон. Бунга мен сабабчиман, дада. (*Лола ерга ўтириб олиб йиғлайверади.*)

Т ў р а (*турган жойида чинқириб юборади*). Бас! Ба-а-асс! Ундай дема-а-а!

Тўра бориб қизининг ёнига чўк тушиб унинг бошини кўксига қўйиб ҳеч нарса демасдан, жимгина юпатмоқчи бўлади. Унинг бошини силайди. Шу чоғда Лоланинг ерда ётган қўл телефони жиринглайди. Лола парво қилмайди. Тўра чўзилиб қўл телефонни олади-да, Лолага узатади. Лола қўл телефонни олишга юраги дов бермай орқага тисланади, қўлини силтаб “йўқ, олмайман” ишорасини қилади. Қўл телефон ҳамон жирингламоқда. Тўра қаҳру ғазаб билан телефонга жавоб беради.

Т ў р а (*ўшқириб*). Алло! Эшитаман!!! Дадасиман мен! Нима дейсан?! А?!

Тўра жим бўлиб қолади. Қизининг юзига қарайди. Файришуурий ҳолатда титраб қўл телефонни Лолага узатади. Чуқур нафас олиб, оғир ютингач, елкалари учиб тушгандай бўлади.

Т ў р а (*ҳамон қўл телефонни узатиб*). Т-Тирик... Т... т-тирик у.

Л о л а (*бир сапчиб тушади. Беихтиёр дадаси қўлидаги телефонни олиб гапира бошлайди*). Алло... Мен... Қаерда... Хўп. Ҳозир, ҳозир бораман. (*Лола дадасига қараб жимиб қолади.*) Дада... дада, тирик экан. Касалхонада. Мен... бориб кўраман. Май... майлими. (*Лола ўзини қўлга олишга уринади. Ҳуши ўзига қайтгандай бўлади. Ўрнидан туриб дадасига қарайди. Дадаси “боравер” маъносига ноиллож бош чайқайди. Тўра бошини чангаллаб ерда ўтирган кўйи миқ этмайди. Беғам столга суяниб тик турибди. У ҳам тошдай қотган. Лола эшикка томон юра бошлайди. Тўра бошини кўтариб Лолага қарайди.*)

Т ў р а (*овози ўта маҳзун ва синиқ*). Дарвоза олдида машина турибди. Шофёрга айт, олиб бориб келади.

Саҳнада сукунат ҳоким. Тўра ҳам, Беғам ҳам ўз жойида тош қотишган. Гуё кимдир уларни сеҳрлаб қўйган. Иккиси ҳам қарахт. Ғамгин ва мунгли мусиқа янграйди.

Тўра қўл телефонини олиб қаергадир қўнғироқ қилади. Унинг чақириғига жавоб келмайди.

Т ў р а (*ғудраниб*). Қаерда юрибдийкин?! Жавоб бермаяпти. (*Сўнг яна бошқатдан рақам тиради.*) Салом, Тоҳиржон, хўжайин ўзларидами? Нима? Нима-а? (*У ўрнидан туриб кетади*) Йўқ... йўқ, хабарим йўқ. (*Шошиб, довдираб қолади.*) Ҳозир... ҳозир... (*Анграйиб турган Беғамга ўшқиради.*) Телевизорни кўй!

Беғам стол четидаги телепультни олиб тугмасини босади. Саҳна тўридаги паннода тасвир пайдо бўлади. Тасвирда юртимизнинг энг гўзал ва сўлим манзарали маскани: воҳами, водийми, Бўстонлиқ ёки Бахмал томонларми, қаер бўлса ҳам, жуда чиройли манзара пайдо бўлади. Юсак тоғ, тоққа туташ боғу роғлар, қўл тасвири бизнинг Олтинбоғнинг рамзий ифодасини бериши мумкин. Хуллас, телеэкранда юртнинг гўзал масканларидан бири Олтинбоғ кўрсатилаяпти, деб фараз қилайлик. Демак, экранда спектаклимиз воқеалари содир бўлаётган жой Оромгоҳ, тоғ ёнбағри, ўрмон, симиллаб турган зумрад қўл намоён. Табиатнинг гўзаллиги акс этмоқда. Кадр ортидан эса бизнинг қахрамонимиз, тележурналист Толиб Раҳимовнинг шарҳи берилади.

Т о л и б (тасвир ортидан берилаётган овоз). Юртимизнинг бундай гўзал манзаралари табиатнинг энг буюк инъоми, Яратганнинг бизга берган улуғ неъматини, гўзал ва фаровон ҳаётимиз манбаидир. Сахий ва саховатли заминимиз неъматлари, гўзал табиат бойликлари эса мана шу юртимизники, халқимизники. Демак, табиат бутун бир халққа ва миллатга тегишли бойлик. Ҳеч кимнинг ўз манфаати йўлида уни талон-торож этиш, вайрон қилишга ҳаққи йўқ. Она табиатимиз нафақат бугунги, балки эртанги кун авлодларига қолажак барҳаёт, мангу меросдир, десак хато қилмаймиз. Она табиатимиз юртимиз бағрида улғаяётган ўғил-қизларимизнинг келажакда соғлом ва бақувват бўлиб улғайиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга муқаддас барҳаётлик бешигидир. Бу бешикда эса юртнинг соғлом болалари улғайишади.

Дунёда бир томчи сувга зор юртлар бор. Дунёда битта гиёҳ ўсмайдиган жойлар бор. Дунёда илиқлик нима, ҳарорат нималигини билмайдиган музлаб ётган ерлар бор. Яратганнинг назари тушган юртимиз, замин жаннатига қиёс икки ҳаётбахш дарё оралиғидаги Ватанимиз табиати гўзаллигини дунёнинг ҳеч бир жойида учратмаймиз. Тўртта фасл мукамаллиги, тўрт фасл барҳаётлигини мана шу замин она Ўзбекистон бағридан топамиз. Бироқ мана шундай улуғ саодат ва улуғ неъмат қадрига етаяпмизми? Она замин гўзаллигига доғ туширмай, уни келажак авлодларга ана шундай мангу жозибаси билан мерос қолдираяпмизми? Афсус, орамизда фақат ўз манфаати йўлида барҳаётлик манбаи бўлган табиат бағрига тиг санчаётганлар ҳам учрамоқда.

Кадрда Толиб пайдо бўлади. Қўлида микрофон.

Азиз томошабинлар, юқорида биз кўрсатиб ўтганимиз каби Олтинбоғда айрим “қўштирноқ” ичидаги тадбиркорлар, ўз нафси ўпқони йўлида сўлим бир болалар оромгоҳини ноқонуний йўл билан талон-торож қилиш, сохта хужжатларни важ қилиб тоғ бағри ўрмонларига эгалик қилиб, у ердаги дарахтларга қирғин келтирмоқчи. Бир гап билан айтганда, Оромгоҳ атрофидаги қўл ҳамда юз гектарга яқин ўзгаларга тегишли ер майдонларини ўзлаштириб олмоқчи бўлиб туришибди. Энг аянчлиси, минглаб болалар дам олиб, соғлигини тиклайдиган мазкур масканлар тақдири хавф остида. Гўёки, ўзларини тадбиркор қилиб кўрсатиб, турли хил йўллар билан халқ ва давлат мулкига ғайриқонуний чанг солаётган, бу йўлда ҳатто ноқонуний ва сохта хужжатлар тўплаб ўзгаларга турли хил тазйиқ ўтказаётган зўравонлар қилмишига яраша адолатли қонун олдида, албатта, ўз жазосини олишади. Бироқ юқорида айтганимиз каби Олтинбоғда ўзим хон, кўланкам майдон, деб истаган номаъқулчилигини қилаётган муштумзўр, сохта тадбиркор, зўравон, бойлик тўплаш йўлида ҳеч қандай риёкорликдан тап тортмайдиган Тўра Арслонов ва унинг гумашталарига айрим маҳаллий раҳбарларнинг ҳам шерик бўлаётгани ачинарли ҳол. Бундай нопок кимсаларнинг нафақат туман, балки вилоятгача томир ёйиб борганига нима дейсиз? Нима бўлган тақдирда ҳам, бундай нопок кимсаларнинг уринишларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан муносиб ҳуқуқий баҳо берилади. Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

Экран ўчади. Тўра билан Беғам нима қилишини билмай анграйиб қолишган. Тўра икки қўли билан юзини тўсади-да, ўкириб юборади.

Саҳна қоронғулашади.

Э П И Л О Г

СЎНГГИ КЎРИНИШ

Дастлабки саҳна, ўша-ўша манзара. Тоғ. Боғ. Қўл сатҳи. Тоққа туташиб кетган қишлоқ. Қуйида оромгоҳ. Оромгоҳ атрофи сўлим жой. Биринчи саҳнадаги ўша улкан чинор, дарахтлар. Хуллас, баҳаво, хушманзара табиатнинг тириклик томирига жонбахшлик инъом этишга қодир сирли мўъжизаси.

Борлиқда қушларнинг чуғури. Оромгоҳда дам олаётган болакайларнинг шодон кулгиси, ҳайқириқлари ҳукмрон. Саҳнага Гўзал кириб келади. (У шифохонадан тузалиб чиққан.) Гўзал ўша чинор, бир пайтлар Беғам кесишга чоғланганда кўкси билан тўсишга шайланган, Беғамнинг аррасидан қутқариб қолган ўша чинор ёнига келади. Унинг танасини меҳр билан силайди. Юсак шоҳларига меҳр билан қарайди. (Табиат гўзаллигига уйғун муסיқа янграйди.) Шу пайт саҳнага югургилаб Олим кириб келади. У яна пилдираб ўтиб кетади-да, анча жойга бориб тўхтайди. Эғнидаги кийим-кечак ўша-ўша. Бўйнида аввалги галстук. Қўлида ўша соқтиён портфель. Қаншарда эски кўзойнак. Хуллас, аввал қандай бўлса, бугун ҳам шундай сиёқда, сон-сафога кириш қаёқда дейсиз. Олим чинор ёнида турган Гўзални кўриб, унинг ҳузурига пилдирайди.

Г ў з а л (мамнун). Ассалому алайкум. Олим ака!

О л и м (довдирабгина). Ва... ваалайкум ассалом. (У Гўзалга яқин келиб жилмаяди.) Дарахт билан сўзлашаяпсизми?

Г ў з а л (мамнун). Ҳа. Дарахтларим билан гаплашаяпман.

О л и м. Ҳа... Ҳа, дарахтлар инсоннинг сўзини тушунади. Лекин инсонлар бир-бирини тушунишмайди.

Г ў з а л (кулиб). Дарахтлар ҳам гапиради, денг.

О л и м (қатъий). Ҳа.

Г ў з а л (энди жиддий тортиб). Демак, биз уларнинг гапини эшитмасканмиз-да.

О л и м (бош чайқаб). Йўқ. Эшитмаймиз, афсус. Масалан, сиз дарахтларнинг гапини эшитмайсиз, бироқ сиз дарахтлар нимадир деяётганини ҳис қиласиз. Англайсиз, шунинг ўзи кифоя. Эҳ, одамлар шундай туйғудан Мосуво. Уларнинг орасида камдан-кам кишилар дарахтлар, табиат, бутун борлиқ тилини тушунадилар.

Г ў з а л (самимият билан). Сиз дарахтларнинг сўзларини тушунасизми? Манави дарахт, манави боғлар, бутун борлиқнинг тилини биласизми?

О л и м (жиддий). Биламан! Биламан! (У кўрсаткич бармоғини ҳавога кўтаради.) Албатта, биламан.

Г ў з а л (қизиқсиниб). Унда мана шу дарахтлар, боғлар нима деяпти ҳозир?

Шу пайт саҳнага ногиронлар аравасини юргизиб, Лола кириб келади. Аравачада Толиб ўтирибди.

О л и м (*аравачадаги Толибни қўли билан кўрсатиб*). Бутун боғ, шу чинорлар манави инсонга, қалбида ҳаёт дарёси шовул-лаб оқайтган инсонга ташаккур айтаяпти, раҳмат айтаяпти. Эшитаяпсизми, Гўзал?! (*У жимиб туради-да, зўё борлиққа қулоқ тутуди, одати бўйича яна кўрсаткич бармоғини қўкка ниқтайди.*) Эшитаяпсизми, дарахтлар, она табиат, анави баланд тоғлар мана шу инсонга таъзим қиламиз, деяпти, Гўзал. (*У аравача ёнига бориб тиз чўкади. Гўзал ҳам аравача ёнига боради. Олим Гўзалга тиз чўк, ишорасини қилади. Гўзал тиз чўкади. Лола уларнинг бу ҳолини кўриб елкалари силкиниб-силкиниб йиғлай бошлайди. У ҳам Гўзалнинг ёнига келиб аравача ёнида тиз чўкади.*)

Л о л а (*Гўзалнинг ёнида Толибнинг рўпарасида тиз чўккан қўйи Гўзалнинг елкасига бош қўяди*). Раҳмат, опажон! Раҳмат. Мен ҳаёт моҳиятини тушундим, опажон! Олим амаки, раҳмат сизга.

О л и м (*аравача ёнида ҳамон тиз чўкиб аравачада ўтирган Толибга жилмаяди*). Ука, қара, сенга инсониятнинг қалби ҳали тирик вакиллари таъзим қиляпти. Биз кўпчиликмиз. Биз жуда кўпчиликмиз. (*У саҳнадаги томошабинларга ишора қилади.*) Қара, қара, бизлар жуда катта кучмиз. Юртимиз гўзаллиги, онамиз табиатни оёқости қилдириб қўймаймиз. Сен чинакам мардсан, укажон! Сен ҳақиқий қаҳрамоннинг ишини қилдинг. (*Уларнинг учаласи Толибнинг тепасида тик туришади. Лола Толибнинг бошини бағрига босиб силайди. Чеҳрасида нимтабасум. Кўзаларида дув-дув ёш оқа бошлайди.*)

Л о л а (*уни бағрига босиб*). Мен сизни яхши кўраман. Ҳамиша сиз билан бирга бўламан.

О л и м (*залга, томошабинларга қарата*). Дарахтлар ўз илдизлари билан она заминни ушлаб туради. Она замин дарахтларнинг илдизига осилиб туради. Дарахтларни эса инсон қалбидаги гўзаллик ёғдуси асраб қолади. Мен фақат шу ҳақиқатни билишингизни истардим. Бу ҳақиқат, бу назария фанда йўқдир, эҳтимол, бироқ бу ҳақиқат инсоннинг қалбида шаклланади. Шундай эмасми?

Лола, Гўзал, Олим аравачадаги Толиб бир зум залга, томошабинларга қараб туришади. Саҳна қоронғулашади.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД

1973 йилда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультетини тамомлаган. Драматург, адиб. “Қудуқ тубидаги фарёд”, “Париқишлоқ афсонаси”, “Кўзлариди холи бор” каби асарлари мамлакатимиз театрларида саҳналаштирилган. “Аросат”, “Чавандоз”, “Таъзиядаги тўй”, “Алданган аёл”, “Қудуқ” сингари сценарийлари асосида фильмлар суратга олинган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида хизмат қилмоқда.

ТАЪЗИЯДАГИ ТҶЙ

Жиддий комедия

“Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёинки сил, сили маръия ва моховликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ёмонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоя хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз, туркистонийларни шахрий ва қишлоқий ёинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизғача истило этиб, бутун тирикчилигимиз сорилган ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамга юмалатурган тўй, аза исминдаги икки қаттол душманни дерман”.

Маҳмудхўжа Бехбудий,
1915 йил

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Тиркаш бува – ёши саксонни қоралаб қолган. Диёнатли, қуёнчак инсон. Ҳақиқатгўйлиги боис айримларнинг кўзига ёмон кўриниб қолган.

Тўхтаxon хoла – Тиркаш буванинг кампири, 75 ёшда. Содда, ишонувчан аёл.

Нурмат фаол – қишлоқ кайвониларидан, 63 ёшда. Ўзини донишманд ҳисоблайди. Шу боис ўзини улуғвор тутишга интилади.

Норча – қишлоқ кайвониларидан, 60 ёшда. Юмшоқ табиатли, сертавозе одам. Тайинли фикри йўқлиги боис Нурмат фаолнинг чизган чизиғидан чиқмайди.

Қулмурод – Тиркаш буванинг ўғли, 30 ёшда. Иродасиз, бўш-баёвгина йигит.

Малоҳатxon – Қулмуроднинг хотини, 25 ёшда.

Қодир темирчи – Тиркаш буванинг дўсти, 75 ёшда.

Серкабой – ёлланма ҳассакашлар гуруҳи раҳбари, 35 ёшда. Доим чехрасида заҳарханда бир ифода аксланиб туради. Гап-сўзларида ҳам кесатиқ оҳанги мўлроқ.

Болта – хашаки қассоб, 40 ёшлардан ошган. Ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан, деярли “соғ юрган” куни йўқ.

Сабоҳат савдогар – бозорчи хотин, 45 ёшда. Юриш-туриши, гап-сўзларидан тортиб кийинишида ҳам эркакшодалиги сезилиб туради. Пули кўплиги боис унча-мунча одамни назарига илмайди, лекин нима учундир Тиркаш бувадан ҳақиқади.

Б о й д а н г а л – қишлоқ бойларидан, 50 ёшда. Шухратпараст ва мақтанчоқ одам. Асл исми Мавлон, бироқ обрў орттириш илинжида мисқоллаб топганини ҳар хил тўй-базмларда ҳовучлаб совуриши боис одамлар унга киноя билан ана шундай лақаб қўйган. Қизиғи, Бойдангал ўзининг лақаби билан фахрланади.

Б е р д и м у р о д – қишлоқ гўркови, 60 ёшда. Содда, самимий инсон.

Т о л м а с ғ а с с о л – мурдашўй, 55 ёшда. Кўп қатори бир одам.

С а ф а р с а р и қ, К о м и л, ҳ а с с а к а ш л а р, и к к и-у ч н а ф а р х и з м а т к о р л а р.

Воқеалар катта шаҳарлардан бири яқинидаги Тепақишлоқда, Тиркаш буванинг ҳовлисида содир бўлади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тиркаш буванинг ҳовлиси. Малоҳатхон ўчоқбошида куй-маланаяпти. Аллақаерлардан хотин-халажнинг аламли дод-фарёди элас-элас эшитилиб турибди. Ҳовлига каттагина тугун кўтариб кирган Тўхтахон хола дарвоза олдида мажолсиз ўтириб қолади.

Т ў х т а х о н х о л а. Вой, жоним-ей. Йўлда ўлиб-нетиб қоламанми деб кўрқувдим... Малоҳат, ҳой Малоҳат!

М а л о ҳ а т х о н. Лаббай, ойижон?

Т ў х т а х о н х о л а. Тезроқ олинг манави тоғора ўлгурни!

М а л о ҳ а т х о н (унинг қўлидан тоғорани ола туриб). Бунча оғир?

Т ў х т а х о н х о л а (чуқур тин олиб). Садағаси кетай, Қулман буванинг таъзия оши баракали бўлди. Ҳеч кимнинг тоғораси бўш қайтмади.

М а л о ҳ а т х о н (Тўхтахон холанинг ўрнидан туришига кўмаклашиб). Бунча ошни ким ейди?

Т ў х т а х о н х о л а. Аста-секин ейилади-да. Энди сизам бир-икки кун қозонни сувга ташлаб қўясиз.

М а л о ҳ а т х о н. Лекин мен ҳам ошнинг тагини солиб кўйган эдим...

Т ў х т а х о н х о л а. Жуда чаққонсиз-да, келин! Бугун қишлоқда таъзия борлигини билардингиз-ку?

М а л о ҳ а т х о н. Сизнинг ош кўтариб келишингиз хаёлимга келмабди. Узр, ойижон...

Т ў х т а х о н х о л а. Қилғилиқни қилиб қўйиб, яна узр сўрайди!.. Боринг, қозонни ўчоқдан олинг!

М а л о ҳ а т х о н (*иккиланиб*). Масаллигини нима қиламиз?

Т ў х т а х о н х о л а. Совутиб, музлатгичга солиб қўйинг.

М а л о ҳ а т х о н. Хўп бўлади, ойижон.

Қўлидаги тугунни сўридаги хонтахтага қўйиб, ўчоқбошига югуради.

Т ў х т а х о н х о л а. Бу эсар келинга қачон ақл битаркин. Кимсан – Кулман карвоннинг жанозаси куни ош дамлаб ўтирса-я! (*Тугунни очиб, тоғорадаги серғўшт ошдан чўқилаганча*). Ошмисан-ош бўлибди ўзиям. Зиғир ёққа дамланган. Гуручиам тоза экан... Худо раҳмат қилгур Кулман карвоннинг таъзияси унча-мунча тўйдан зиёд бўлди. Ишқилиб, ҳаммагаям шундай маъракалар насиб қилсин.

Ҳовлига Тиркаш бува киради.

М а л о ҳ а т х о н. Ассалому алайкум.

Т и р к а ш б у в а. Ваалайкум ассалом...

Т ў х т а х о н х о л а. Келдингизми, дадаси?

Т и р к а ш б у в а (*руҳсиз кайфиятда*). Келдим...

Т ў х т а х о н х о л а. Малоҳат, сиз тезда аччиққина кўк чой дамланг. Дадангиз таъзиядан чанқаб келгандир.

М а л о ҳ а т х о н. Хўп, ҳозир.

Ошхонага кириб кетади.

Т ў х т а х о н х о л а (*тоғора ўралган дастурхонни кенгроқ ёзиб*). Қулман буваниям қўйиб келишдими?

Т и р к а ш б у в а. Қўйиб келдик...

Тиркаш бува офтобада юз-қўлини ювиб белбоғига артинади-да, сўрига чиқиб ёнбошлайди. Тўхтагон хола зимдан унга синовчан разм солади.

Т ў х т а х о н х о л а. Сал эртароқ қайтибсизми?

Т и р к а ш б у в а. Негадир бироз тобим йўқроқ. Мозор бошидан қайтгач, таъзияхонада кўп ўтиролмадим.

Т ў х т а х о н х о л а. Таъзия ошидан кўпроқ еган бўлсангиз, лоҳас қилгандир...

Т и р к а ш б у в а. Қанақа таъзия оши?!

Т ў х т а х о н х о л а. Қулман буванинг...

Т и р к а ш б у в а (*жаҳл билан елкасини ёстиқдан узиб*). Таъзия оши эмиш!.. Қаердан чиқди бу гап? Одамларга нима бўлган ўзи? Бу замонда тўй билан таъзиянинг фарқи қолмади! Қулман карвон омонатини топшириб улгурмасдан ўғиллари бир чеккада қўша-қўша қозон осиб, зиёфатга ҳозирлик кўришяпти! Бечора ойлаб тўшакка михланиб ётганида бир мартагина келиб ҳол сўрашга ярамаган Нурмат фаол билан Норча ҳаммасига бош-қош бўлиб елиб-югуриб юришибди!..

Т ў х т а х о н х о л а. Қулман бува тўқсондан ошиб қазо қилди. У кишининг таъзиясиам бир тўй-да.

Т и р к а ш б у в а (*киноя билан*). Ҳа, Қулман карвоннинг таъзияси унча-мунча данғиллама тўйдан зиёд бўлди! Барака топишсин, ўғиллариям отасининг ўлимини пойлаб ўтиргандай, йиққан-терганларини аямай тўкиб-сочишди. Мархумнинг устидан сочилган даста-даста пулларнинг ҳисоби йўқ. Қизларининг дод-фарёдидан Султон буванинг ўн йил бурун том битиб қолган қулоқлари очилиб кетди! Устига ялтир-юлтир матолар ёпилган серҳашам тобутни кўрган одамнинг ўлгиси келиб қолади!.. Ишқилиб, Қулман карвонния келинчакни ўлан айтиб гўшангага кузатгандай асъасаю дабдаба билан қабрга қўйиб келдик. Шунча амалларнинг охиратда нафи тегадиган бўлса, ҳозир Қулман карвоннинг руҳи нақ жаннати Найимда ором олиб ётган бўлса керак!

Т ў х т а х о н х о л а. У ёғи ёлғиз Яратганнинг ўзига аён...

Т и р к а ш б у в а. Мозорбошидан қайтишда Холиқул сартарош дардини ёриб қолди. “Менам қариб қолдим, эрта бир кун Худо омонатини олса, ўлигим болаларимга юк бўлади, улар бунақа дов-даска қиламан деб бор-йўғидан айрилади”, – дейди!

Т ў х т а х о н х о л а. Чинданам, Холиқул сартарошнинг ўғиллари қўл учида яшайди. Маърака-маросим уларга оғирлик қилиши тайин.

Т и р к а ш б у в а. Аҳмоқона бидъат-хурофотларнинг дастидан одам қариганида тинчгина ўлолмайдиган бўлиб қолди.

Т ў х т а х о н х о л а. Кўпга келган тўй бу. Сиз минг куйиб-пишганингиз билан одамлар ўз билганидан қолмайди.

Т и р к а ш б у в а (*руҳсиз оҳангда*). Ҳа, ҳозир ҳеч ким насихатга муҳтож эмас... Менам Нурмат фаол билан Норчага бир-икки оғиз танбеҳ бераман деб балога қолдим. Қулман карвоннинг

тўнғичи: “Ота бизники, уни қандай кўмсақ, ихтиёр ўзимизда, сиз аралашманг”, деб кўпчиликнинг олдида изза қилди.

Тўхтаҳон хола. Шу ишга бекор аралашибсиз.

Тиркаш бува. Жуда чарчадим... Бироз ётиб дам олмасам бўлмайди. *(Сўридан тушиб, уй томонга юради.)*

Тўхтаҳон хола. Оч-наҳор ётиб қолманг. Манави ошдан уч-тўрт чўқимгина...

Тиркаш буванинг ўзига ёмон қараб қўйганини кўриб, тилини тишлайди. Тиркаш бува уйга кириб кетади.

Бировлар учун қуйиб-пишиб нима зарил экан?.. Ҳой, Малоҳат, тезроқ кела қолинг. Манави ошни совимасдан еб олинг. Таъзиянинг оши табаррук бўлади.

Малоҳат хон. Қорним тўқ, ойижон...

Ичкаридан гурсиллаган товуш эшитилади.

Тўхтаҳон хола. Дадангиз кўрпа оламан деб тахмонни ағдариб юборди, шекилли. Бориб, ўзингиз жой солиб беринг.

Малоҳатхон Тиркаш буванинг орқасидан уйга киради. Дафъатан ичкаридан унинг “Дадажон!” деган фарёди эшитилади. Яна ош чўқилашга тутинган Тўхтаҳон холанинг томоғига луқма тиқилиб, йўтал тутиб қолади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Тиркаш буванинг ҳовлиси. Нурмат фаол билан Норча ғамгин қиёфада уйдан чиқиб келишади.

Норча (надоматли қиёфада ёшсиз кўзларини ишқалаб). Тиркаш бувадай одам ҳам ўлар экан-да, Нурмат ака? Э, бевафо дунё!..

Нурмат фаол. Ҳа, ҳеч бир бандаси бу фоний дунёга устун бўлолмайди. Тиркаш буванинг ҳам куни битгани аниқ. Шу чоққача тилдан қолган одамнинг қайтиб оёққа турганини кўрганим йўқ.

Норча. Кўзлари очиқ бўлгани билан нур йўқ уларда!.. Кечгачаям бормас-ов, нима дедингиз?

Нурмат фаол. Мени айтди дейсиз, шомга етмай қайтиш қилади!

Норча. Бечора икковимизга бир бошқача термулиб қолди. Қулман карвоннинг таъзиясидаги гаплари учун кечирим сўраб, рози-ризолик тилади, шекилли?

Н у р м а т ф а о л. Ўша кунги қилиғи учун ўзимча Тиркаш бувадан қаттиқ ранжиган эдим. Лекин ҳозир аҳволини кўриб, кўнглимдаги гина-кудуратлар тутундай тарқаб кетди.

Н о р ч а. Сиз билан биз элнинг хизматидаги одаммиз. Бундай пайтда кек сақлаб ўтириш бизга ярашмайди.

Н у р м а т ф а о л. Тўғри айтасиз.

Н о р ч а. Бечора ҳали яна бирон-ярим йил яшаса бўларди!

Н у р м а т ф а о л. Тақдирни ўзгартириш бандасининг қўлидан келмайди, Норчавой! Буёғига белни маҳкам боғлаб, бўлажак мархумнинг маъракасига тайёргарлик кўришимиз керак.

Н о р ч а (*чуқур тин олиб*). Эндигина Кулман карвоннинг худойиларидан қутулиб, бироз нафас ростлаймиз деб турганда... Бошимизда бу ташвиш ҳам бор экан-да, Нурмат ака?

Ичкаридан Кулмурод мунғайиб чиқиб келади.

Н у р м а т ф а о л (*уни бағрига босиб*). Ота-она ўлмоғи – мерос, Кулмуроджон. Ўзингни қўлга ол.

Қ у л м у р о д (*умидвор оҳангда*). Балки, тузалиб кетар...

Н у р м а т ф а о л. Хафа бўлма, ўғлим, отангнинг жони ёғи тугаган чироқ пилигидай пирпираб турибди. Ҳадемай лип этиб ўчади!

Н о р ч а. Куни тўлган одамнинг жонига тиргак қўёлмайсан, Кулмуродбой.

Қ у л м у р о д. Бошим қотиб қолди...

Н у р м а т ф а о л. Ўксинма, болам. Биз бор эканмиз, Тиркаш буванинг ўлиги кўчада қолмайди. Расм-русумини жойига қўйиб, отангни ўраб-чирмаб кўмиб келамиз!

Н о р ч а. Элнинг олдида юзингни ерга қаратиб қўймаймиз.

Н у р м а т ф а о л. Тиркаш буванинг таъзиясини шундай дабдаба билан ўтказайликки, доврўғи етти иқлимга овоза бўлсин!

Қ у л м у р о д. Лекин отам бунақа нарсаларни кўпам хушламасди... У киши тилдан қолишдан аввал: “Мабодо қазо қилсам, таъзиямга каттақишлоқлик Қодир темирчи бош бўлсин, нима қилиш кераклигини ўзи билади”, – деган эди...

Н у р м а т ф а о л. Нима?!

Н о р ч а. Тиркаш бува шундай дедими?!

Қ у л м у р о д. Ҳа...

Н у р м а т ф а о л. Буёғи қизиқ бўлди-ку... (*кутилмаганда дарғазаб қиёфада Қулмуроднинг ёқасига чанг солиб*). Қачондан бери Тепақишлоқнинг ўлигига бегоналар эга чиқадиган бўлиб қолди? Сен ҳали Тиркаш чолнинг жон талвасасидаги талмовсирашларига ишониб, элнинг юзига оёқ қўймоқчимсан?!

Қ у л м у р о д (*довдираб*). Йўғ-ей! Бундай фикр хаёлимгаям келгани йўқ...

Н о р ч а (*надомат билан бош чайқаб*). Шу чоққача қишлоқнинг яхши-ёмон кунига бош бўлиб, ҳеч кимни норози қилганимиз йўқ эди. Қайтанга бошқалар бизнинг маъракаларни оғзидан бол томиб мақтаб кетишарди. Тиркаш бува ўлиб, шунча йиллик обрўйимизни бир кунда бой берарканмиз-да! Одамлар бу гапни эшитса, нима дейди...

Н у р м а т ф а о л. Одамлар нима дерди? Тиркаш чолнинг таъзиясига каттақишлоқликлар эга чиқса, ўлигиниям ўшалар кўмсин, деб этак силкиб кетишади!

Н о р ч а. Ҳаммасидан ҳам шуниси ёмон!

Қ у л м у р о д (*қўрқиб кетиб*). Мен буёғини ўйламабман! Майли, сизлар нима десангиз, шу...

Н у р м а т ф а о л (*бироз ҳовуридан тушиб*). Ўйлаш керак, Қулмуродбой! Энди сенам ёш бола эмассан. Ҳадемай бир оиланинг бошчиси бўласан!

Н о р ч а. Хафа бўлманг, Нурмат ака. Қулмуродбой ҳали ёш, масаланинг бундай нозик жиҳатларига ақли етмайди.

Н у р м а т ф а о л. Бу гапларни бошқа биров айтганида аллақачон этак силкиб кетган бўлардим. Яхшиям, сен Тиркаш буванинг ўғлисан!

Қ у л м у р о д. Кечиринг, Нурмат амаки.

Н о р ч а (*унинг елкасига қоқиб*). Бўпти, Қулмуродбой, сен ичкарига кириб, отангнинг розилигини олиб қолишга тириш. “Ота рози – Худо рози” деб бекорга айтишмаган. Дафн маросими билан боғлиқ ташвишларни бизга қўйиб беравер.

Қ у л м у р о д. Хўп...

Н у р м а т ф а о л. Бўшашма! Эл-юртнинг олдида ўзингни кўрсатадиган пайт келди. Отангнинг жанозасини яхшилаб ўтказиб олсак, ундан кейин еттиси, йигирмаси, қирқи, йили бор. Буёғи ҳайитгаям оз қолди... Э-ҳе, ҳали олдинда қанчадан-қанча маросимлар кутиб турибди. Ҳаммасига белни маҳкам боғлаб туриб беришинг керак.

Н о р ч а. Отангнинг маъракаларида ҳиммат кўрсатсанг, сен ҳам элнинг қаторига қўшиласан.

Қ у л м у р о д. Қўлдан келганча...

Н у р м а т ф а о л (*нимчасининг кўкрак чўнтагидаги зан-жирли соатига қараб қўйиб*). Шомгача ҳали анча вақт бор. Ҳозирдан киришсак, ҳаммасига улгураимиз.

Қ у л м у р о д (*унга анграйиб*). Нимага улгураимиз?

Н у р м а т ф а о л. Гўрков-ғассол дегандай... Яна қанча икир-чикирлари бор бу ишнинг!

Н о р ч а. Қулмуродбой ҳали ўлик қўмишнинг заҳматини қаердан билсин, Нурмат ака?

Қ у л м у р о д. Борди-ю, отам кечгачаям...

Н о р ч а. Ташвишланма, Қулмуродбой, қоқоғлаган товук тухум туғмай қўймайди!

Н у р м а т ф а о л. Мободо, отанг кечгачаям омонатини топширмаса, бугунча уйингда меҳмон бўлади. Бир кеча минг кеча эмас! Нима бўлгандаям, тайёр турсак, ютқазмаймиз.

Н о р ч а. Фаҳмимча, Тиркаш бува жон таслим қилолмай қийналаяпти. У кишига ёрдам бериб юборишимиз керак!

Қ у л м у р о д. Қанақасига?!

Н о р ч а. Мулла Холбозорни айттириб келиб, отангнинг бошида “Ёсин”ни қироат қилдирсак, омонатини Эгасига топшириши осонроқ кечади!

Н у р м а т ф а о л. Тўғри! Ҳадиси шарифларда ҳам “ўликларингизга “Ёсин” ўқинглар” дейилган.

Қ у л м у р о д. Ихтиёрингиз! (*Уй томонга юради*).

Н у р м а т ф а о л. Норчавой, сиз зинғиллаб бориб, мулла Холбозорни олдингизга солиб келинг. Унгача мен ҳам гузарга тушиб, бир-иккита юмушни битириб қайтаман.

Н о р ч а. Маъқул. Қулмуродбой, сен келинга айт, ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйсин. Қара, ҳаммаёк ивирсиб ётибди!

Н у р м а т ф а о л. Борди-ю, биз йўғимизда Тиркаш бува чин дунёга сафар қилса, ҳаялламай ортимиздан одам жўнат. Уқдингми?

Қулмурод унга жавоб бермай уйга кириб кетади. Нурмат фаол билан Норча бошлашиб ҳовлидан чиқишади.

ПАРДА

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Эрталаб. Малоҳатхон пиқиллаб йиғлаганча ҳовли супура-япти.

Нурмат фаол билан Норча ичкаридан чиқиб келишади.

Н о р ч а (*умидсиз оҳангда*). Тонг отди ҳамки, ҳеч бир ўзгариш йўқ. Тиркаш чол ўлишни хаёлигаям келтирмай, кўзларини бақрайтириб ётибди.

Н у р м а т ф а о л. Чинданам, Тиркаш чолнинг жони қаттиқ экан. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганда аллақачон исми-расмини жойига қўйиб, “қора уйи”га қўйиб келган бўлардик.

Н о р ч а. Ишқилиб, Тиркаш чолнинг ўлишига кўзим етмай қолди...

Н у р м а т ф а о л. Ноумид бўлманг, Норчавой. Тиркаш бува ҳам минг дунёдан кўнгил узолмагани билан барибир пешонасига ёзилганидан қочиб қутулолмайди. Ниятни холис қилиб, тезроқ ишга киришайлик. Ҳадемай ғассол, гўрков, гўяндалар келиб қолишади. Сабоҳат савдогарга ҳам бозорликларни эртароқ олиб бор, деб тайинлаган эдим...

Ҳовлига Болта қассоб пичоқ билан болта кўтариб киради.

Н о р ч а. Ана, Болта қассоб ҳам болтасини кўтариб келиб қолди.

Б о л т а (*ёшланган кўзларини енги билан артиб*). Жамоат жам-ку.

Н у р м а т ф а о л. Уйқудан туриб, юз-қўлингни ювганми-сан, Болта?

Б о л т а. Юзни-ку ювдик... Лекин “бошоғриқ” қилишга улгурмадик. (*Сўрининг чеккасига ўтириб, пичоғини қайрай бошлайди*).

Н у р м а т ф а о л. Ичибсан-да?

Б о л т а. Оқшом Чори гуппиникида меҳмондорчилик қуюқ бўлувди... Бошим тарс ёрилай деяпти. Уф-ф... Таъзияда ҳам ароқ беришса, нима қиларкин...

Н у р м а т ф а о л. Тилингни тий, бетамиз!

Б о л т а (*ўрнидан туриб*). Сўйиладиган жонлиқ қани?

Шу пайт Қулмурод ҳорғин қиёфада уйдан чиқади.

Н у р м а т ф а о л (*умидвор қиёфада*). Нима гап, Қулмуродвой?

Қ у л м у р о д. Ҳеч бир ўзгариш йўқ...

Н у р м а т ф а о л. Бироз сабр қил. Ҳаммаси яхши бўлади.

Н о р ч а. Болта қассоб болта-пичоғини қайраб турибди. Қўрангдан биронта семизроқ қўчқорни кўрсатсанг, шартта сўяди.

Қ у л м у р о д. Қўчқор... Нима учун?

Н у р м а т ф а о л. Жонлиқни терисидан ажратиб қўйсақ, Тиркаш бува жон таслим қилишлари билан қозонга соламиз. Қабристондан қайтилгач, тобуткашларнинг олдига дастурхон тўшаб, бир косадан шўрва тортиб юборамиз. Одат шунақа.

Б о л т а. Менга сўйиладиган жонлиқни кўрсатинглар.

Қ у л м у р о д. Лекин уч-тўртта совлиқдан бошқа молимиз йўқ...

Н о р ч а. Яйловда юрган совлиқ сўқимга ярамайди!

Н у р м а т ф а о л. Мен анчадан бери битта қора қўчқорни боғлаб боқиб ётган эдим. Ўшани сўя қоламиз. Жанозадан сўнг Қулмуродбой билан нархини келишиб кетаверамиз.

Н о р ч а (*енгил тин олиб*). Ҳимматингизга балли, Нурмат ака!

Н у р м а т ф а о л. Болтавой, сен тезда бориб, бизникидан қўчқорни олиб кел.

Н о р ч а. Бора қол. Вақт кетмасин.

Б о л т а. Қулмуродбой... (*Уни четга тортиб*). Уйингизда яримта топилмайдими? Очилгани бўлсаям майли.

Қулмурод ҳеч нарсага тушунмагандек унга анграяди.

Н у р м а т ф а о л. Ҳе, нафсинг қурсин! Ўлик чиқадиган уйда ароққа бало борми?

Болта қассоб норози қиёфада тўнғиллаганча ҳовлидан чиқади.

Н о р ч а. Астағфируллоҳ! Гапини эшитса, илон пўст ташлайди! Болтаси қурғур ароқнинг қулига айланиб, увол билан савобнинг ҳам фарқига борма қолибди!

Н у р м а т ф а о л. Қурғур ароқхўр бўлгани билан ўзининг ишига пухта. Бу атрофда ундан ўтадиган қассоб йўқ.

Ҳовлига кетмон қўтарган Бердимурод киради.

Б е р д и м у р о д. Ассалому алайкум.

Н о р ч а. Ваалайкум ассалом. Кел, Бердимуродбой.

Б е р д и м у р о д. Тиркаш буванинг аҳволи қалай, Қулмуроджон?

Қ у л м у р о д. Кечадан бери худ-бехуд бўлиб ётибдилар...

Б е р д и м у р о д. Ноумид бўлма, ука. Худо хоҳласа, отанг тузалиб кетади.

Қ у л м у р о д. Айтганингиз келсин.

Нурмат фаол билан Норча зимдан Бердимуродга қўз олайтиришади.

Б е р д и м у р о д (уларга эътибор бермай). Эй, Тиркаш бувадай одамлар дунёга камдан-кам келади...

Н у р м а т ф а о л (пешонасини тириштириб). Ҳозир гап сотиб ўтирадиган вақт эмас! Ундан кўра, тезроқ бориб гўрни ковла. Вақт кетмасин.

Б е р д и м у р о д. Гўр ковлаш-ку қийин эмас. Тиркаш буванинг тупроғи енгил чиқиши тайин. Лекин...

Н о р ч а. Нима лекин?!

Б е р д и м у р о д. Тирик одамга лаҳад қозиш... беҳосият ишми, дейман-да.

Н у р м а т ф а о л. Бу қишлоқда ҳамма донишманд! Қассобидан тортиб, гўрковигача тепангда ғўдайиб туриб, ақл ўргатади!

Б е р д и м у р о д. Сен нима дейсан, Қулмуродбой?

Қулмурод мадад кутгандек Нурмат фаол билан Норчага термулади, уларнинг вазоҳатини кўриб, ноумид бош эгади.

Н у р м а т ф а о л (иддао билан). Гўрков жавобингга маҳтал бўлиб қолди!

Қ у л м у р о д (Бердимуродга). Мен билмайман... Бу кишиларнинг айтганини қилинг. (Шошиб уйга кириб кетади).

Н о р ч а (Бердимуродга). Эшитдингми?!

Н у р м а т ф а о л. Балки, ичкарига кириб, Тиркаш буванинг ўзидан ҳам сўраб кўрарсан!

Б е р д и м у р о д. Охири бахайр бўлсин, ишқилиб. (Кетишга чоғланади).

Тўхтагон хола уйдан чиқади.

Н у р м а т ф а о л. Нима гап, янга?

Т ў х т а г о н х о л а (енгининг учи билан қўз ёшларини артиб). Анча оғирлашиб қолдилар. Қўзлариниям очмай қўйди. Оёқ-қўллариям совиб бораяпти.

Н у р м а т ф а о л (Бердимурод гўрковга ғолибона қараш қилиб). Эшитдингми?

Н о р ч а. Сен бу ерда ақлмирзалик қилиб ўтираверсанг, Тиркаш бувани бугун ҳам чиқаролмайдиганга ўхшаймиз.

Б е р д и м у р о д. Қазииш керак бўлса, қазийверамиз. Иложимиз қанча.

Н у р м а т ф а о л (*Бердимуроднинг ортидан*). Лаҳадни кенгроқ ол! Тиркаш бува суюги йўғон одам эди, тагин торлик қилиб қолмасин.

Н о р ч а (*Бердимуроднинг ортидан*). Имилламай, тезроқ ҳаракат қил! Тиркаш буванинг қабри асргача тайёр бўлсин!

Бердимурод уларга жавоб бермай ҳовлидан чиқади.

Н у р м а т ф а о л (*Тўхтагон холага юзланиб*). Бардам бўлинг, янга.

Т ў х т а х о н х о л а (*шикаста овозда*). Худонинг иродаси шу бўлгач, иложимиз қанча? Йиғлаб-сиқтаб кўнамиз-да.

Н о р ч а (*ёшсиз кўзларини ишқалаб*). Э, бевафо дунё!..

Н у р м а т ф а о л. Таъзиянинг файзи хотин-халаж билан дейишади. Сиз ҳам ўзингизни қўлга олиб, тайёргарлигингизни кўраверинг.

Т ў х т а х о н х о л а. Менинг кўлимдан нимаям келади...

Н у р м а т ф а о л. Тиркаш бува чин дунёга сафар қилишлари билан аёлларни ҳовлига тўплаб, марсияни бошлайсиз. Сизларнинг фарёдингизни эшитганда сўқир кўздан ҳам ёш келсин.

Н о р ч а. Қулман карвоннинг қизларига қойил қолдим. Барака топгурлар тонг бўзармасдан йиғи-сиғини бошлаб, майит чиқарилгунча тиним билишмади. Марсиялари юракларни сел қилди.

Н у р м а т ф а о л. Ҳа, Қулман карвон шунча қизни бекорга тарбияламаган экан. Ўлганида кунига яради улар.

Т ў х т а х о н х о л а. Лекин менинг “отам” лайдиган қизларим йўқ...

Н у р м а т ф а о л. Қизларингиз бўлмаса, келин-кепчик, кўни-кўшни бор. Қулман карвоннинг қизларини ёрдамга чақирсангиз, йўқ дейишмас. Бечоралар ҳалигача ҳовурини босолмай юришибди.

Т ў х т а х о н х о л а. Қулман буванинг тўнғич қизи ўша куни қизиқустида юзини кўпроқ тимдалаб қўйган экан. Газаклаб кетиб, касалхонага тушиб қолганмиш. Кичкиналари келишармикин...

Н о р ч а. Таъзияда айтиб йиғлашнинг савоби катта. Ўлик бўлса, йиғлайдиган одам топилади...

Н у р м а т ф а о л. Сўраганнинг айби йўқ, янга. Мободо Тиркаш бува ўлимлигимга деб у-бу нарса жамғариб қўймаган-миди?

Т ў х т а х о н х о л а. Йўғ-а...

Н о р ч а. Бечора Тиркаш бува! Ҳали-бери ўлишни хаёли-гаям келтирмаган бўлса керак-да. Юзларга кираман деб умид қилганми...

Н у р м а т ф а о л. Айтишларича, ажал одамзодга жон томи-ридан ҳам яқинроқ эмиш. Хоҳлаган пайтида ушлаши мумкин. Ишқилиб, тайёргарлигини кўриб юрган одам ютқазмайди.

Т ў х т а х о н х о л а. У киши, “сўнгги йўлда шунинг ўзи менга кифоя қилади” деб уч-тўрт газ кафанлик олиб қўйган эдилар...

Н у р м а т ф а о л. Куруқ кафан билан охиратга сафар қилиб бўларканми!

Т ў х т а х о н х о л а (*чуқур тин олиб*). “Элда одат бўлса, кампир, елкамга мин” деган экан кимдир... Бизам кўп қатори қиламиз. Нима кераклигини айтсангиз кифоя.

Н у р м а т ф а о л. Аввало, янги кўрпа-тўшак керак бўлади. Тиркаш буванинг обрўсига яраша, тобутнинг тўшаклариям тоза матодан бўлсин.

Н о р ч а. Майитнинг устидан беш-олти хил ялтир-юлтир матолардан ҳам ташлаб қўйилса, зарар қилмайди. Тиркаш буванинг тобути товусдай товланиб, кўрган одамнинг ҳавасини келтирмаса ҳисобмас!

Т ў х т а х о н х о л а. Илгариги замонларда...

Н у р м а т ф а о л (*пешонасини тириштириб*). Илгариги замонларда одамларнинг бундан ортиғига қурби етмаган, янга!

Н о р ч а. Худога шукр, ҳозир замонамиз фаровон. Шундай бўлгач, ўликларимизниям ҳар қанча дабдаба билан дорилбақога кузатсак арзийди.

Т ў х т а х о н х о л а. Латта-путта бўлса, топилар. Мен бир тахмонни титкилаб кўрай-чи...

Ҳовлига Серкабой бошчилигида бир хил дўппи, беқасам тўн кийиб, белига шойи белбоғ боғлаган, қўлларида калтак тутган ҳассакашлар киришади.

С е р к а б о й (*ҳассакашларга*). Тайёрланинглар! Бир-икки-уч... Бошладик! (*Калтакка суяниб, ҳазин овозда марсия бошлайди*).

Мозор йўли андадур, вой онам...

Ҳ а с с а к а ш л а р. Вой, онам, вой онам!

Тўхтагон хола ҳассакашларга анқайиб қараб қолади. Нурмат фаол эс-ҳушини йиғиб олиб, Серкабойнинг олдига югуради.

Н у р м а т ф а о л. Бас қил! Нималар деб алжираяпсан?!

С е р к а б о й (унга эътибор бермай). Тупроқлари майдадир, вой онам...

Ҳ а с с а к а ш л а р. Вой, онам, вой онам!

Н у р м а т ф а о л (Серкабойнинг оғзини ёпишга уриниб). Жим бўл, товушинг гўрдан чиққур!..

С е р к а б о й (уни силтаб ташлаб). Ширин-шакар онамни, вой онам...

Ҳ а с с а к а ш л а р. Вой, онам, вой онам!

Н о р ч а (ҳассакашларнинг атрофида парвона бўлиб). Овозингизни ўчиринг! Онангиз тирик!..

С е р к а б о й. Энди кўрмоқ қайдадир, вой онам!

Ҳ а с с а к а ш л а р. Вой, онам, вой онам!

Ҳ а м м а с и б а р а в а р и г а. Вой онам, эрта кетган жон онам!

Н у р м а т ф а о л. Ғалчалар! Аҳмоқлар!

Н о р ч а. Томоғингга суяк тикилгурлар!

С е р к а б о й. Онажонимиздан айрилиб қолдик, акажон! Беш ака-ука етим бўлиб, бўтадай бўзлаб қолдик!

Нурмат фаолни бағрига босганча хўнграб йиғлайди.

Ҳ а с с а к а ш л а р. Онам-ов, онам!..

Н у р м а т ф а о л. Тилинг танглайингга ёпишгур, Серка! Ишнинг пачавасини чиқардинг-ку!

С е р к а б о й (ҳушёр тортиб). Нега ундай дейсиз? Таомилга кўра биз марҳумникига марсия айтиб кириб борамиз!

Т ў х т а х о н х о л а. Булар ким?! Онаси қазо қилган бўлса, нега бу ерга келиб дод-вой қилишяпти?

Н о р ч а. Ҳайрон бўлманг, янга. Бироз тушунмовчилик бўлганга ўхшайди. Сиз бораверинг, ҳозир ҳаммасини тўғрилаймиз.

Т ў х т а х о н х о л а. Лекин...

Н у р м а т ф а о л (жаҳл билан). Тезроқ уйга кириб, янга! Тиркаш акам илҳақ бўлмасин.

Тўхтагон хола орқасига қарай-қарай уйга кириб кетади.

С е р к а б о й. Тинчликми? Ёки марҳума билан бирон-бир “чэпэ” содир бўлдими?

Н у р м а т ф а о л. Нималар деб алжираяпсан, овсар?!
Онангга балоям ургани йўқ! Ана, кампиршо тўқмоқдеккина
бўлиб юрибди!

С е р к а б о й (*киноя билан*). Демак, ҳассакашларни бу ерга
тўйга чақиришган экан-да?

Н о р ч а. Сизлар онангизнинг эмас, отангизнинг таъзияси-
га айтилгансиз!

С е р к а б о й. Бўлиши мумкин эмас! (ёндафтарчасини ва-
рақлаб). Хўш-хўш... Ҳа, мана! “20 август. Тепақишлоқ... Аср
вақтида чиқарилади... Ҳисоб-китоб – мозорда... Айтиладиган
марсиялар рўйхати... “Кийган тўни ялангқат, вой отам...” Минг
бор узр. Арзимас техник хато. Ҳозир тўғрилаймиз. (*Ҳасса-
кашларга*). Олтинчи марсия! Авж пардада. Бошладик!

Кийган тўни ялангқат, вой отам,

Жон сақлади омонат, вой отам!

Ҳ а с с а к а ш л а р.

Вой отам, вой отам!

Н о р ч а. Бас қилинглар!

С е р к а б о й.

Омонат жонинг бор экан, вой отам,

Кимга бердинг омонат, во...

Н у р м а т ф а о л (*жонҳолатда Серкабойнинг бўғзига ёпи-
шиб*). Бўғиб ўлдираман сен меровни!

С е р к а б о й. Ҳиқ...

*Кўзлари олайиб, томоғини омбирдай сиқиб олган Нурмат
фаолнинг қўлларини тимдалашга тушади.*

Н у р м а т ф а о л. Яна бир марта дийдиё қилсанг, нақ ке-
кирдагингни суғуриб оламан, лаънати! (*Серкабойнинг ёқасини
бўшатиб, итариб юборади*).

Н о р ч а. Бемаҳал қичқирган хўрознинг баҳридан ўтиш ке-
рак!

С е р к а б о й. Ўху-ўху-ўху... (*томоғини силаганча Нурмат
фаолга даҳшат билан тикилиб*). Бу нима қилиқ?! Мен сизга
нима ёмонлик қилдим?! Ахир, бу энг “ходовой” марсия... Ҳозир
ҳамма таъзияларда шуни талаб қилишади.

Н у р м а т ф а о л. Марсиянг билан қўшмозор бўлгур, Серка,
қанақа ғалча одамсан?! Сўраб-сўриштирмасдан вовайло қила-
верасанми?

С е р к а б о й. Хатони тўғриладим-ку? Яна нимани сўрашим керак?

Н о р ч а. Марҳум ҳали ўлгани йўқ, билдингми?

С е р к а б о й. Нима?.. Марҳумнинг ҳам тириги бўларканми?!

Н у р м а т ф а о л (*алам билан*). Отангнинг жони омонат эмас, тошдан ҳам қаттиқ экан, Серкабой!

С е р к а б о й. Ахир, кеча ўзингиз ўлик тайёр, эртага аср намозидан сўнг чиқарамиз, демаганмидингиз?

Н у р м а т ф а о л. Кечаги гап бугунга тўғри келмай қолди.

Н о р ч а. Ўлигимизнинг ҳалиям билинар-билинемас жони бор!

С е р к а б о й. Буёғи чатоқ-ку! (*Ҳассакашларга юзланиб*) Отставит! Формалар ечилсин!

Ҳассакашлар кўз очиб-юмгунча дўппи-тўнларини ечиб, халталарига жойлашади.

Н у р м а т ф а о л (*ажабланиб*). Бу яна нима қилиқ?

С е р к а б о й. Биз элнинг хизматидаги одаммиз. Бу ерда бекорчиликдан пашша кўриб ўтирсак, биров раҳмат демайди. Ҳали кечгача бошқа биронтасининг ҳожатини чиқариш насиб этиб қолар.

Н у р м а т ф а о л. Сен билан бунақасига келишмаган эдик-ку?

С е р к а б о й. Сиз билан ўликка марсия айтишга келишган эдик, тирикка эмас!.. Кетдик, йигитлар! (*Кета бошлайди. Ҳассакашлар унинг орқасидан эргашишади*).

Н у р м а т ф а о л (*Серкабойнинг қўлидан тутиб*). Шошма-шошма, Серкабой!.. Ахир, сен кечгача хизмат қилишга ваъда бергансан. Йигит кишининг лафзи ҳалол...

С е р к а б о й (*қўлини тортиб олишга уруниб*). Лекин кечгача бу ерда мум тишлаб ўтиришдан бизга нима наф?

Н о р ч а. Яхши ният қил, Серкабой! Яхши ниятга фаришта-лар ҳам омин дейди!

С е р к а б о й. Менинг вазифам – таъзияда марсия айтиш, бировларга ўлим тилаб дуо қилиш эмас!

Н у р м а т ф а о л (*эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда*). Нима бўлганда ҳам, йигитларинг билан кечгача шу ерда қи-мирламай ўтирасан! Марсия айтсанг-айтмасанг, келишилган пулни оласан.

С е р к а б о й. Мободо, отамиз кечгачаям омонатини топширмаса-чи?

Н у р м а т ф а о л. Унда эртага саҳар-мардондан шу ерда бўласан! Гап тамом!

С е р к а б о й (*бепарво қўл силтаб*). Менга фарқи йўқ...

Н у р м а т ф а о л (*дарвоза ёнидаги қўлбола ўриндиққа ишора қилиб*). Йигитларинг ҳозирча ўша ерда жимгина ўтириб туришин.

С е р к а б о й. Маъқул. (*Ҳассакашларга*) Янги буйруқ бўлгунча дарвоза ёнидаги скамейкада одоб сақлаб ўтирилсин!

Ҳассакашлар бориб, ўриндиққа тизилиб ўтиришади.

Н у р м а т ф а о л (*безовталанганча кўкрак соатига қараб олиб*). Тавба, вақт бунча тез ўтмаса!

Н о р ч а (*журъатсизлик билан*). Соат неча бўлди?

Н у р м а т ф а о л. Билмаганингиз маъқул... Яхшиси, сиз бирров ичкаридан хабар олиб чиқинг.

Н о р ч а. Ҳеч оёғим тортмаяпти. Тиркаш буванинг аҳволини кўрсам, яна кўнглим бузилади...

Эркакчасига башанг кийинган Сабоҳат савдогар қўлида машина калитини ўйнаганча бетакаллуфлик билан кириб келади.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Салом!

Н у р м а т ф а о л (*эҳтиром билан қўл қовуштириб*). Ваалайкум ассалом. Келинг, Сабоҳатхон.

С е р к а б о й (*энсаси қотиб*). Бу “эркаксабзи” мослиқ ҳидини олган калхатдек шу ергаям етиб келибди-да!

Нурмат фаол унга “жим бўл” дегандек ўқрайди.

Н о р ч а. Келинг, бойбича, келинг...

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Бандалик! Илоҳим, Тиркаш буванинг жойлари жаннатда бўлсин! (*Наридан-бери юзига фотиҳа тортиб қўйиб*). Ўлик чиқадиган уй ҳам шунақа жимжит бўладими? Ҳой, Серка! Нимага шотирларинг тўйга келган келинчаклардек ялпайиб ўтиришибди? Ялқовлик қилмай тезроқ марсияни бошланглар!

С е р к а б о й. Афсуски, бунинг иложи йўқ.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Бу нима деганинг?.. Ё нархини келишолмаяпсанми?

С е р к а б о й. Нархини-ку, келишганмиз. Лекин марсия айтишимиз учун мижозимизнинг жон қуши тан қафасини тарк этиб, дорулбақога парвоз этиши керак!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Нималар деб валдираяпсан, Серкаси курғур? (*Бирдан хушёр тортиб*). Тинчликми, Нурмат ака?

Н у р м а т ф а о л (*чорасиз елка қисиб*). Тиркаш буванинг ҳалиям нимсаргина жони бор...

Н о р ч а. Кечадан бери жони ҳалкумига қадалиб, ғарғара қилиб ётибди!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Демак, тўйдан олдин томоша бошлаган экансизлар-да?! (*Асабий тарзда чарм камзулининг чўнтагидан сигарет чиқариб тутатади*).

Н у р м а т ф а о л. Бунақа бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз, Сабоҳатхон...

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Тиркаш чолнинг ўлик-тириги билан ишим йўқ! Кеча сиз билан эркакчасига шартлашганмиз.

Н у р м а т ф а о л. Ташвишланманг, Сабоҳатхон, бизам сўзимиздан қайтмоқчи эмасмиз. Нима бўлгандаям, Тиркаш буванинг таъзияси қолдирилмайди!

С е р к а б о й (*ўзича*). Афтидан, булар бечора отамизни тириклайин гўрга тиқишдан ҳам тоймайдиганга ўхшайди.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Бу бошқа гап. (*Лабидаги сигаретни ерга ташлаб*). Рўйхатдаги нарсаларни келтирдим. Тезроқ машинадан тушириб олинглар. Бозорда ишларим қалашиб ётибди.

Н у р м а т ф а о л. Серкабой, шотирларингга айт, юкларни шундоқ ҳовлига киритиб беришсин.

С е р к а б о й. Биз бу ерга ҳаммоллик қилиш учун келганимиз йўқ!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Давангирдай йигитларинг беш-ўн қоп юкни кўтаргани билан узликиб қолмайди!

С е р к а б о й. Оғир юк уларнинг овозини бўғиб қўяди.

Н о р ч а (*ялинчоқ оҳангда*). Йўқ дема, Серкабой иним...

С е р к а б о й. Йўқ дейман!

Н у р м а т ф а о л. Ноинсоф бўлма, Серкабой!

С е р к а б о й (*бироз иккиланиб тургач*). Майли, савоб учун шу ишгаям розиман. (*Ҳассакашларга*) Тезда мархумнинг юклари ичкарига олиб кирилсин!

Ҳассакашлар итоаткорлик билан ташқарига йўл олишади. Серкабой ҳам уларнинг орқасидан чиқади.

Н у р м а т ф а о л. Шу ишга ўзингиз бош-қош бўлинг, Норчавой. Бу бетамизга ишонч йўқ.

Н о р ч а. Майли-майли. (*Шошилинч ҳовлидан чиқади*).

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. “Ҳисобли дўст айрилмас” дейишадди, Нурмат ака. Энди икковимиз ҳисоб-китоб қилиб олайлик.

Н у р м а т ф а о л. Майли-майли... Фақат пулни бир-икки кундан кейин оласиз, синглим. Шу топда ўлик эгаларининг кўнглига ҳеч нарса сиғмайди.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Гап бўлиши мумкин эмас! Биз маърака-маросимларда насиягаям кўниб кетаверамиз. Одамгарчилик ҳам керак-ку!

Норча қоп орқалаган ҳассакашларни бошлаб киради.

Н о р ч а. Буларни қаерга қўямиз, Нурмат ака?

Н у р м а т ф а о л. Ошхонага олиб боринглар!

Норча ҳассакашларни ошхона томонга бошлайди.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р (*митти электрон ҳисоблагичда ҳисоб-китоб қилишга тушиб*). Так-к... Икки юз кило “Авангард” гуручи. Хоразмники. Сабзи, пиёз, картошка... Ҳар биридан тўрт қопдан. Бир центнер шолғом... Шўрвани ширин қилади! Дастурхон кўрки учун мева-чеванинг ҳамма туридан муҳайё қилинган. Жами ўн қути! Писта-бодом, ёнғоқ-майизнинг ҳар биридан ўн беш килодан... Кун иссиқлигини назарда тутиб, “Жаннат роҳати” сувидан ҳам икки юзта келтирдим. Етмаса, яна “есть” қиламан. Яна нима эздан чиқди...

Н у р м а т ф а о л. Нон-чи?

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Дарвоқе, нон... Ҳозирча беш юз донасини олиб келдим. Новвойхонам фақат сизнинг заказингиз учун ишлаяпти. Қолганиям кечгача тайёр бўлади.

Ҳассакашлар уясига дон ташиган чумолилар галаси каби қатор тизилишиб ҳовлига юк ташишади. Норча ошхонада уларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан банд. Шу пайт Серкабой чоғроқ чойнакдай келадиган олмани қарсиллатиб тишлаганча ҳовлига киради.

С е р к а б о й. Машинадаги юкни кўриб оғзим очилиб қолди. Бунча ноз-неъмат билан нақ данғиллама тўй ўтказса бўлади!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р (*қўлидаги ҳисоблагичдан кўз узмай*). Бу чилласида чироқ кўрмаганнинг топган гапини қаранглар!.. Хуллас, ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда икки миллион етти юз эллик минг олти юз қирқ беш сўму ўттиз тўққиз тийин бўларкан.

С е р к а б о й (*ҳайратланиб*). Қанча?!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Сен ҳар нарсага бурнингни тикаверма, Серка!

С е р к а б о й. Ё тавба! Биз ҳассакашлар йил-ўн икки ой тинмай марсия айтсак ҳам бунча пул тополмаймиз. Бу хотин бир ўликнинг ортидан шунча ишляпти!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Пул топиш учун кекирдакка зўр беравермай, анави қовоқ каллани ишлатиш керак, Серка!

Н о р ч а. Ошхона тўлиб қолди! Қолганини нима қиламиз, Нурмат ака?

Н у р м а т ф а о л. Айвонга тахлай қолинглар!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Тиркаш бува кўзи очиклигида мендан ақалли битта игна сотиб олганини эслолмайман. Бозорда дуч келиб қолса, юзини тескари буриб ўтарди раҳматли. Ниятимиз холис экан, мана, у кишининг таъзиясида хизмат қилиш насиб этиб турибди. *(Хандон отиб кулади).*

С е р к а б о й. Демак, Тиркаш бува деганлари увол билан савобнинг фарқига борадиган, диёнатли инсон бўлган экан-да?

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Сен кўпам тилингга эрк бераверма, Серка! *(Нурмат фаолга).* Пулни Тиркаш чолнинг еттиси куни ўзингиздан санаб оламан. Танга-чақасигача тахт қилиб қўйинг.

Н у р м а т ф а о л. Буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, Сабоҳатхон.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Вақт топсам, ҳали жанозага ҳам кириб ўтарман. Элчилик!.. Айтгандай, бу ишни бугундан қолдирманглар. Эртага кимсан – Бойдангал тўй бошляпти! Палакат босиб, маъракангиз шу кунга тўғри келиб қолса, кунингиз бир гала қари-қартангга қолиб кетиши мумкин.

Н о р ч а. Нега?

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Ҳозир эси бор одам ноз-неъматлар тоғдай уюлиб, ичкилик дарёдай оқиб ётган базми жамшид турганда, овора бўлиб таъзияга келиб ўтирмайди!

Н у р м а т ф а о л. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, Сабоҳатхон. Сиз нонни тезлатинг.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Тандирдан узиб бўлишлари билан бу ёққа жўнатаман. *(Ҳовлидан чиқади).*

Н у р м а т ф а о л. Сабоҳатнинг гапида жон бор. Шошилмасак бўлмайди.

Н о р ч а. Шошилганда қўлимиздан нима келарди? Барибир Азройилга гапимиз ўтмайди.

Ошхонанинг олдидан қоплар уюлиб кетади. Чарчаб қолган ҳассакашлар эгилиб-букилиб зўрға юк ташишади. Ҳовлига Сафар сариқ киради.

Н у р м а т ф а о л. Кечикдинг-ку, Сафарбой? Сен билан нима деб шартлашган эдик?

С а ф а р с а р и қ. Ҳозир элда нима кўп – тўй билан таъзия кўп. Прокатга стол-стул сўраб келувчиларнинг адоғи йўқ. Ҳалиям Тиркаш буванинг ҳурмати учун эллик комплектини зўрға ажратдим.

Н у р м а т ф а о л. Яхшисиданми, ишқилиб?

С а ф а р с а р и қ. Ҳаммаси яп-янги, “Совпластитал”ники! Тезроқ машинадан тушириб олинглар.

Н у р м а т ф а о л. Қани, кўрайлик-чи?

Сафар сариқ билан ташқарига йўл олади.

С е р к а б о й (*уларнинг ортидан*). Йигитларимга кўз олай-тирманглар! Шундоғам бечораларнинг бўлари бўлди.

Ҳовлига Толмас ғассол киради.

С е р к а б о й. Келинг, ғассол. Жамоат жам, битта сиз кам эдингиз.

Т о л м а с ғ а с с о л. Сен ҳам шу ердამисан, Серкабой?

С е р к а б о й. Тўйнинг кўрки ўртакаш билан, таъзиянинг кўрки ҳассакаш билан дейишади, ғассол!

Т о л м а с ғ а с с о л. Нега йигитларинг марсия айтиш ўрнига ҳаммоллик қилишаяпти?

С е р к а б о й. Бекорчиликдан касбимизни ўзгартиришга мажбур бўлдик. Ташқарига юринг, сизга ҳам иш топилади.

Т о л м а с ғ а с с о л. Нималар деяпсан, Серкабой? Қанақа иш?

С е р к а б о й. Юринг-юринг!

Толмас ғассолни қўярда-қўймай ташқарига судрайди. Қопларни ташиб бўлган ҳассакашлар ерда мажолсиз ўтириб қолишади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Тиркаш буванинг ҳовлиси. Эрталаб. Бир чеккада тартиб билан териб қўйилган чўғдек қип-қизил пластик столларнинг усти турли хил ноз-неъматлар билан тўлдириб ташланган. Ана шу столлардан бирида Серкабой, Толмас ғассол, ҳассакашлар ва яна икки-уч нотаниш йигит жам бўлишган. Серкабой уларга бамайлихотир гап бераяпти. У қандайдир қизиқарли хангомани ҳикоя қиляпти, шекилли, даврада бот-бот қаҳқаҳа янграйди. Ошхона тарафдаги ўчоққа осилган дошқозонда шўрва

қайнапти. Болта қассоб терлаб-пишиб чўмич билан дошқозондаги шўрвани шопирапти. Ўчоқ ёнида шохдор қора кўчқорнинг калласи, туёқлари ва териси кўзга ташланади. Тиркаш бува ётган уйнинг эшиги ёнига тобут келтириб қўйилган.

Узоқлардан карнай-сурнай ва ноғоранинг тўйга чорловчи тантанавор садолари элас-элас эшитилиб турибди.

Нурмат фаол, Норча ва Қодир темирчи ўзаро қизғин баҳслашишяпти. Қулмурод бир чеккада шумшайиб ўтирибди.

Қ о д и р т е м и р ч и. Шу пайтгачаям дабдабали маъракаларнинг кўпини кўрганман. Лекин тирик одамнинг таъзиясига шоҳона тайёргарлик кўришларига биринчи марта дуч келишим! Яна кимсан, бунақанги бидъатлардан ҳазар қиладиган Тиркаш бува шу аҳволга тушса-я... Астағфируллоҳ!

Н у р м а т ф а о л. Сиз аралашманг, темирчи! Ҳар ким томига ёкқан қорни ўз қўли билан курайти.

Н о р ч а. Яхшиси, иззатингизни билиб бир чеккада жимгина ўтиринг.

Қ о д и р т е м и р ч и. Сизларнинг бу қилиғингиз сира ақлга тўғри келмайди... Ёки шу йўл билан Қулман карвоннинг таъзиясидаги дашноми учун Тиркаш бувадан ўч олмоқчимисизлар?

Н о р ч а. Оғзингизга қараб гапиринг! Сиз бизни ким деб ўйлаяпсиз?

Н у р м а т ф а о л (*асабийлашиб*). Афтидан, сиз Тепақишлоқнинг таъзиясида жанжал чиқариш учун келганга ўхшайсиз.

Қ о д и р т е м и р ч и. Қанақа таъзия?! Гўёки Азройил қўлингизга “Тиркаш бува чиндан ҳам ўлади” деган васиқа бериб қўйгандай гапирасиз-а!

Н о р ч а. Боя ичкарига кирганингизда Тиркаш буванинг кўзига тузукроқ разм солмадингизми?

Қ о д и р т е м и р ч и. Тиркаш буванинг кўзига нима қипти?

Н у р м а т ф а о л (*киноя билан*). Фаҳм-фаросати жойида одам бир қарашда ҳаммасини тушуниб оларди!

Қ о д и р т е м и р ч и (*Қулмуродга юзланиб*). Ҳеч бўлмаса, сен эсингни йиғ, ўғлим. Тезроқ бу бемазагарчиликларни бас қил.

Қулмурод мадад кутгандек Нурмат фаол билан Норчага мўлтирайди.

Н у р м а т ф а о л (*мағноли томоқ қириб*). Буёғи сенга боғлиқ, Қулмуродбой. Каттақишлоқлик Қодир темирчининг гаплари тўғри, десанг биз ҳозироқ кетишимиз мумкин.

Қ у л м у р о д (*қўзларини олиб қочиб*). Яна бироз кутайлик-чи...

Н о р ч а (*тантанавор оҳангда*). Эшитдингизми, халфа!

Қ о д и р т е м и р ч и. Сенинг шунчалик бўшанг эканлигингни билмаган эканман. Аттанг!.. (*Қулмуродга ачинганнамо қараб қолади*).

Қ у л м у р о д (*Қодир темирчидан қўзларини олиб қочиб*). Мен ичкаридан бир хабар олай-чи. (*Шошиб уйга кириб кетади*.)

Ҳовлига Бердимурод киради.

Н у р м а т ф а о л (*пешонаси тиришиб*). Нега келдинг?

Б е р д и м у р о д. Ўзим шунчаки... Бир хабар олай дегандим.

Н у р м а т ф а о л. Ҳозирча ҳеч гап йўқ! Бирон гап бўлса, ўша заҳоти олдингга одам жўнатаман.

Б е р д и м у р о д. Майли-ку... Лекин буёғи нима бўлади, Нурмат ака?

Н у р м а т ф а о л. Нима “нима бўлади?”

Б е р д и м у р о д. Ахир, кечанинг ўзида ҳаммасини тахт қилиб қўйганман!

Н о р ч а. Кўнглинг тўқ бўлсин, сенам меҳнатингга куйиб қолмайсан. Буёғи оз қолди.

Қ о д и р т е м и р ч и. Ҳали сизлар тирик одамга қабр ҳам қовлатиб қўйдингизми?!

Н у р м а т ф а о л. Сиз аралашманг!

Б е р д и м у р о д (*Қодир темирчига*). Ўзи, шу ишга ҳеч қўлим бормаган эди. Лекин бу кишилар “Тезроқ қабр қовла” деб ҳоли-жонимга қўйишмади.

Н у р м а т ф а о л. Гапни қўпайтирмай, тезроқ мозорга жўна!

Қ о д и р т е м и р ч и (*таассуф билан бош чайқаб*). Ё тавба! Бу одамлар ақлдан озганга ўхшайди...

Шу пайт ичкаридан Қулмуроднинг “Отажон!” деган фарёди ва аёл кишининг йиғиси эшитилади.

Н у р м а т ф а о л (*ҳаяжон билан*). Ана, ана!.. Мен нима деган эдим!

Н о р ч а. Ниҳоят, Тиркаш буваям чин дунёга кетди! (*Қўзларидан тирқираб ёш оққан қўйи лаб-лунжини йиғиштиролмай Нурмат фаолни бағрига босади*.)

Н у р м а т ф а о л (*шикаста товушда*). Начора, ўлим ҳақ, Норчавой. Ўзингизни кўлга олинг.

Н о р ч а (*кўз ёшларини дастрўмоли билан артиб*). Тўғрику-я... Лекин Тиркаш бувадай одамдан ажралиб қолиш кишига оғир ботаркан. Раҳматли қандай инсон эди-я!

Н у р м а т ф а о л. Энди биз кўзимизнинг шўрвасини оқизганимиз билан Тиркаш бува тирилиб келмайди. Ўзимизни кўлга олиб, буёғини тезлаштиришимиз керак.

Н о р ч а. Тўғри айтасиз. Вақтни беҳуда ўтказмайлик.

Н у р м а т ф а о л. Нега бу ерда қаққайиб турибсан, Бердимурод? Тезроқ мозорга жўна! Болта, сен қозонга қара! Ашқол-дашқолларингни ҳозирла, Толмас ғассол! Қодир темирчи билан Норча сенга ёрдам беради...

Н о р ч а (*шоша-пиша*). Мен ўликдан қўрқаман! Яхшиси, Болта кира қолсин.

Б о л т а қ а с с о б. Иложим йўқ! Эрталаб бироз “отиб” олган эдим.

Н у р м а т ф а о л. Нафсингга ўт тушсин! Бир кунгина чидаб турсанг ўлиб қолармидинг?

Н о р ч а. Яхшиси, Қулмуродни ичкарига кирита қолайлик. Фарзанд отасининг майитини ғусл қилдирса савоби улуғ бўлади.

Н у р м а т ф а о л. Бу гапингиз ҳам тўғри... Ҳой, Серкабой! Валақлашни бас қилиб, тезроқ марсияни бошланглар! Содиқ, сен тезда бориб, мулла Холбозорни бошлаб кел! Шавқи, сенинг овозинг йўғон, оёғингни кўлга олиб, жарчиликка югур. Кўча-кўйда одамларни таъзияга чорлаб жар сол! Қолганлар дастурхонга қарайди! (*Қодир темирчига*) Сиз тезда ичкарига кириб. Марҳумнинг жасади совимасдан жағини танғиб, оёқларини боғланг.

Қодир темирчи надомат билан бош чайқаганча уйга кириб кетади.

С е р к а б о й (*ҳассакашларга*). Тезда формалар кийилсин!.. Бўла қолинглар, шоввозлар!

Ҳамма елиб-югуриб ишга киришиб кетади. Нурмат фаол билан Норча гоҳ қозон бошига, гоҳ ноз-неъматлар билан безатилган столлар ёнига бориб, уларга буйруқ беришади. Ҳовлига Бойдангал шошиб кириб келади.

Б о й д а н г а л. Бу ерда нималар бўлаяпти ўзи?!

Н о р ч а. Ия, келинг, Бойдангал, келинг.

Н у р м а т ф а о л. Тиркаш бувани бериб қўйдик, Бойдангал!

Б о й д а н г а л. Нимага Тиркаш бува келиб-келиб менинг тўйим куни ўлади?!

Н у р м а т ф а о л (*оғриниб*). Худонинг хоҳиши шу бўлгач, биз ожиз бандаларнинг қўлимиздан нимаям келарди...

Дўппи-тўнларини кийиб олган ҳассакашлар Серкабой бошчилигида марсия бошлашади.

С е р к а б о й.

Кийган туни ялангқат, вой отам,

Жон сақлади омонат, вой отам!

Ҳ а с с а к а ш л а р.

Вой отам, вой отам!..

Б о й д а н г а л (*важожатли қиёфада ҳассакашлар томон отилади*). Бас қилинглар!

С е р к а б о й. Яна нима бўлди?

Б о й д а н г а л. Йиғи-сиғи қилиб, тўйимни азага айлангиришингизга йўл қўймайман!

Н у р м а т ф а о л. Элда тўй билан таъзия ёнма-ён юради, Бойдангал. Сен бемалол тўйингни ўтказавер. Биз ҳам таъзия-мизни...

Б о й д а н г а л. Бунақаси кетмайди! Бугун Тепақишлоқда ҳеч қандай таъзия-маъзия бўлмайди!

Н у р м а т ф а о л. Ҳаддингдан ошма, Бойдангал!

Б о й д а н г а л. Мен бир ой олдин оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, тўй кунини белгилаб қўйганман. Хўш, сизлар ўлик чиқариш учун кимдан рухсат олдингиз?

Н о р ч а. Ҳеч замонда ўлик чиқариш учун ҳам бировдан рухсат олинарканми?!

Б о й д а н г а л. Керак бўлса, рухсат оласиз! Ҳар ким кўнглига келган ишни қилаверса, бу қишлоқда тартиб қоладими?

Н о р ч а (*чорасиз аҳволда*). Қизиқ бўлди-ку! Энди мушкулумиз осон бўлди деганда бу бало қаердан чиқди...

Н у р м а т ф а о л (*мураса оҳангида*). Сал оғирроқ бўл, Бойдангал. Таъзияда жанжал чиқса, марҳумнинг руҳи озор чекади.

Б о й д а н г а л (*бироз ҳовуридан тушиб*). Хўш, нима қил дейсиз унда?

Н у р м а т ф а о л. Тўй ҳам, таъзия ҳам Тепақишлоқники. Бирини деб иккинчисидан кечиб бўлмайди...

Б о й д а н г а л. Лекин...

Н у р м а т ф а о л. Гапимни охиригача эшит!.. Биламан, сен ҳам элнинг олдига дастурхон ёзиб, дуосини олай деган эзгу ниятда тўй бошлаб қўйгансан. Биз ҳам сенга халақит бермаслик учун кечанинг ўзидаёқ бу ишни бир ёқли қилишни чамалаган эдик. Бахтга қарши, кеча Тиркаш буванинг паймонаси тўлмаган экан... Ўзинг кўриб турибсан, маъракага ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Ёзнинг жазирамасида уларни бир кун ҳам сақлаб бўлмайди. Таъзияни ортга сурсак, шунча ноз-неъматнинг уволига қоламиз.

С е р к а б о й (*ўзича*). Булар ноз-неъматларнинг уволидан кўрқишади-ю, эртагача мархум отамизнинг аҳволи нима кечини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Б о й д а н г а л (*гердайиб*). Мен тўйга қилган сарф-харажатларнинг олдида сизларники урвоқ ҳам бўлмайди! Дошқозонларда нақ беш юз кило гуруч дамланган. Қассоблар тўйга атаб боқилган новвосларни сўйиб-саранжомлагунча бир кун тер тўкишди. Дастурхонга тортиладиган егуликларнинг ўзи Тепақишлоқни бир йил боқишга етади. Ҳовлида уч минг кишилик жой ҳозирланган. Пулнинг бетига қарамай, Тошкентдан манаман деган отарчиларни ёллаганман...

Н у р м а т ф а о л. Шунча дов-даска қилишинг шартмиди?

Б о й д а н г а л. Ҳарқалай, элда Бойдангал деган номим бор! Шунга яраша тўй-тўйчиғим ҳам бошқаларникидан зиёд бўлсин дейман-да.

Н у р м а т ф а о л. Сенинг ҳам аҳволингни тушуниб турибман, Бойдангал. Лекин ўлган одамниям тирилтириб бўлмайди.

Б о й д а н г а л. Мен Тиркаш буванинг ўлганидан хафа бўлаётганим йўқ! Кун тўлса, ҳаммаям ўлади. Фақат тўй ўтгунча таъзияни тўхтатиб туринглар, деяпман.

Н у р м а т ф а о л. Бунинг сира иложи йўқ.

Б о й д а н г а л. Унгача мен ҳам тўйимни тинчгина ўтказиб оламан.

Н о р ч а. Ахир, удумга кўра, мархумни тезроқ қабрга қўйиш керак!

Б о й д а н г а л. Ким сизга қабрга қўйманг деяпти? Бемалол қўяверинг. Фақат ортиқча шовқинсиз, ими-жимида...

Н у р м а т ф а о л. Ҳаддингдан ошма, Бойдангал! Биз сенинг тинчингни ўйлаб, Тиркаш бувадай одамни чала туғилган гўдакдай ими-жимида тупроққа қориб келолмаймиз.

Б о й д а н г а л. Буёғи мени қизиқтирмайди!

Н у р м а т ф а о л. Шунақами?

Б о й д а н г а л. Шунақа!

Н у р м а т ф а о л (*қатъий*). Бўлмаса, икки қулоғингга яхшилаб қуйиб ол, Тиркаш буванинг таъзияси қолдирилмайди!

Б о й д а н г а л. Қолдирилади!

Н о р ч а. Хоҳласанг, ўзинг тўйингни қолдиравер. Қани, Серкабой, марсияни қолган жойидан давом эттиринглар.

Серкабой марсия айтишга чоғланади.

Б о й д а н г а л (*Серкабойга*). Агар яна бир марта “отамлаб” вовайло қилсанг, нақ тилингни суғуриб оламан!

С е р к а б о й. Мен бу аҳволда ишлай олмайман! Йигитларимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам ҳаётимизни хавф остига қўёлмайман, ахир!

Сабоҳат савдогар қўлида машина калитини ўйнаганча бетакаллуфлик билан ҳовлига кириб келади.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Тиркаш бува ҳалиям жон таслим қилмадимми?

Н у р м а т ф а о л. Тиркаш бува-ку бир амаллаб омонатини эгасига топширди. Лекин ўлганнинг устига тепгандай, бошқа муаммо чиқиб қолди, синглим.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Яна қанақа муаммо?

Н о р ч а. Бойдангал “Тўйим ўтгунча аза очмайсизлар” деб оёқ тираб олган!

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Шунақа бўлишини кўнглим сезган эди. Сизлар ҳам имилламасдан вақтлироқ ҳаракат қилишингиз керак эди. (*Асабий тарзда чарм камзулининг чўнтагидан сигарет олиб лабига қистиради.*)

Йиғидан кўзлари қизарган Тўхтагон хола билан Малоҳатгон уйдан чиқиб келишади.

Н у р м а т ф а о л (*шикаста товушда*). Бандалик, янга... Бардам бўлинг.

Н о р ч а (*далда оҳангида*). Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Яъни, ҳаммамиз ҳам Аллоҳникимиз ва бир кун Унга қайтариламиз. Сабрли бўлинг, янга!

Тўхтагон хола уларга маънодор қараб қуйиб, Малоҳатгон билан ошхона тарафга юради.

Н у р м а т ф а о л (*эшикка яқинлашиб, мулойим оҳангда*). Қулмуроджон!.. Бу ёққа бир қараб юборинг, иним.

Шу заҳоти эшик очилиб, ичкаридан Қулмурод билан Қодир темирчига суянган Тиркаш бува чиқади. Нурмат фаол билан

Норча унга тикилганча ҳайкалдек қотиб қолишади. Ҳовлига бир муддат сукунат чўкади.

Т и р к а ш б у в а (*хастаҳол қиёфада*). Жамоат жам-ку?

Н у р м а т ф а о л. Тир... Тир... Тиркаш бува?!

Н о р ч а (*ортига тисарилиб*). Астағфируллоҳ!..

С а б о ҳ а т с а в д о г а р (*Норчага еб қўйгудек ўқрайиб*). Бу яна нима майнавозчилик?!

Т и р к а ш б у в а. Омонмисиз, тобуткашларим!

Кутилмаганда Нурмат фаол ҳаво етишмаётгандек оғзини каппа-каппа очиб, эснашга тушади.

Н о р ч а. Жуда-а чарчадим... (*Мажолсиз аҳволда эшик ёнидаги тобутга суюниб ўтириб қолади*).

Б о й д а н г а л (*эс-ҳушини йиғиб олиб*). Худога шукр, Тиркаш бува тирик экан! Тўйим азага айланмайдиган бўлди! Шундай бўлишини кўнглим сезган эди! Тириклигида чумчуққа ҳам озор бермаган одамнинг ўлиги ҳам бировга ташвиш келтирмаслигини билардим!

Т и р к а ш б у в а (*ҳазин жилмайиб*). Чинданам сенинг тўйингни бузишга кўнглим бўлмай, дорилбақонинг остонасидан ортга қайтдим, Бойдангал.

Б о й д а н г а л. Раҳмат, Тиркаш бува! Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча унутмайман... Тўйга ўтинг, тўйга! (*атрофидагиларга*). Сизлар ҳам боринглар! Ҳаммангизнинг елкангизга тўн ёпаман... Энди мен борай. (*Шошиб чиқиб кетади*.)

Т и р к а ш б у в а (*ҳовлини кўздан кечириб*). Э-ҳе, таъзиямни тўйга айлантириш учун анча заҳмат чекибсизлар-да, Нурматвой. Билганимда, ўлиб қўя қолган бўлардим.

Бурунги шаштидан асар ҳам қолмаган Нурмат фаол чуқур ҳомуза тортади.

Қ у л м у р о д. Ундай деманг, ота...

Т и р к а ш б у в а (*Қулмуродга юзланиб*). Сенинг ҳимматингни Қулман карвоннинг ўғиллари кўрса, уятдан ер чизиб қолишарди. Балли, ўғлим!

Қ у л м у р о д. Кечиринг, отажон. Васиятингизни бажаришга қурбим етмади...

Т и р к а ш б у в а. Ҳа, бунақа васиятни бажариш учун одамда озгина журъат, ирода бўлиши керак!

Қулмурод бошини эгади.

Қ о д и р т е м и р ч и. Хафа бўлманг, Тиркаш ака. Қулмуродбой ҳам бироз кўнгилчанлик қилди. Бундан кейин пишиқроқ бўлади.

Т и р к а ш б у в а (*ҳовлидагиларга юзланиб*). Кўриб турибсиз, соппа-соғман. Начора, ҳали паймонам тўлмаган экан. Тирик одамга аза очиш ноқулай!

Қ о д и р т е м и р ч и. Энди уйга кира қолинг. Толиқиб қолишингиз мумкин.

Т и р к а ш б у в а. Ҳуллас, Тиркаш чолнинг таъзияси қолдирилади. Ҳамма уй-уйига, қапа-куйига! Манави олибсотар хотин ҳам лаш-лушларини йиғиштириб, бу ердан даф бўлсин... (*Ҳолсизланиб Қулмуродга суяниб қолади.*)

Қ у л м у р о д. Отажон!

Қ о д и р т е м и р ч и. Сизга нима бўлди, Тиркаш ака?

Т и р к а ш б у в а. Ташвишланманглар, ҳеч нарса бўлгани йўқ... (*Базўр жилмайиб*). Мен ҳам Холиқул сартарошга ўхшаб ўлишдан кўрқиб қолдим. (*Қодир темирчи билан Қулмурод етовида яна уйга кириб кетади.*)

Тўхтагон хола билан Малоҳатгон дошқозон осилган ўчоқнинг оловини ўчириш тараддудига тушишади. Ҳовлига бир муддат жимлик чўқади.

С е р к а б о й. Отамиз жуда бақувват экан. Азройил ҳали-вери унинг яқинигаям йўламаса керак. Беҳуда овора бўлганимиз қолди.

Б о л т а. Тўйдан олдин томоша деб шуни айтишади-да.

С е р к а б о й (*Нурмат фаолга*). Бизнинг ҳам иззатимиз битди. Ҳақимизни берсангиз, бу ердан тезроқ кетсак.

Б о л т а. Қора кўчқорнинг шўрваси ҳам пишиб қолди. Ўзларингиз айланиб-ўргилиб ичаверасизлар. Мен Бойдангалнинг тўйига бориб, тўйиб ичмасам бўлмайди. Бошим тарс ёрилай деяпти.

Б е р д и м у р о д. Қабрни нима қиламиз, Нурмат ака?

С а б о ҳ а т с а в д о г а р (*Нурмат фаолнинг тепасида, важохатли қиёфада қўлларини белига тираб*). Сиз лафзингизда турмадингиз. Ҳозироқ пулимни тўлаб қўйинг!

Н о р ч а (*ғамгин қиёфада*). Бошимизда шу кўргиликлар ҳам бормиди, Нурмат ака?

Н у р м а т ф а о л (*бошини чангаллаб*). Тиркаш чол бизни бошлаб чув туширди, Норча!

Н о р ч а. Ахир, биз унга нима ёмонлик қилувдик?..

Ҳовлига Комил киради.

К о м и л (*Нурмат фаолга*). Хайрият, шу ерда экансизлар! Мен сизларни ахтариб юрувдим.

Н у р м а т ф а о л (*унга анграйиб*). Нима, сендан ҳам қарзимиз бормиди?

К о м и л. Йўғ-ей... Нариги маҳаллада яшайдиган Хатча буви вафот этдилар!

Н о р ч а. Наҳотки!

Н у р м а т ф а о л. Қачон?!

К о м и л. Ярим соатча бурун... Норча амаким икковингиз тезда етиб бораркансиз.

Н у р м а т ф а о л (*чаққонлик билан ўрнидан туриб*). Худонинг ўзи мушкулимизни осон қилди, Норчавой!

Н о р ч а (*дафъатан хушёр тортиб*). Менга қара, Комилвой, Хатча опамнинг қазо қилгани аниқми?

К о м и л (*ажабланиб*). Нима, гапимга ишонмаяпсизми?

Н о р ч а. Худога шукр!.. Илойим, Хатча опамнинг жойлари жаннатдан бўлсин.

К о м и л. Тезроқ боринглар. Сизларни кутишаяпти. Мен ҳали мулла Холбозорникига ҳам боришим керак.

Н о р ч а. Кўнглинг тўқ бўлсин, ўғлим, керак бўлса, Хатча опамникига қанот боғлаб учиб борамиз!

Комил шошилинч ортига қайтади. Бу гапларни жимгина эшитиб турган Тўхтаҳон хола зипиллаганча уйга кириб кетади.

Н у р м а т ф а о л. Ниятингиз холис экан, Сабоҳатхон, ноз-неъматларингиз барибир таъзияга буюрадиган бўлди. Буларни ўша ёққа олиб борамиз.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р (*лабидаги сигаретни туфлиси билан эзгилаб ўчира туриб*). Розиман. Нархи келишганимиздай.

Н у р м а т ф а о л. Кўнглингиз тўқ бўлсин, синглим. Хатча опанинг ўғиллари бунақа пайтларда пулнинг бетига қараб ўтиришмайди.

Н о р ч а. Ҳали бу нарсалар Хатча опамнинг маъракасига етмай қоладими деб қўрқиб турибман.

Н у р м а т ф а о л. Норчавойнинг гапида жон бор. Юздан ошган кампирнинг таъзияси тўйга айланиб кетиши аниқ.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Кам-кўсти бўлса, айтаверасизлар. Бир зумда “ест” қиламан.

Н у р м а т ф а о л. Келишдик. Серкабой, сен ҳам йигитларинг билан ўша ёққа йўл оласан.

С е р к а б о й. Шахсан менга кимникида марсия айтишнинг фарқи йўқ. Бизга ўлик бўлса бас. (*Ҳассакашларга*) Тезда сафга турилсин!

Ҳассакашлар бир зумда сафга тизилишади.

Н о р ч а. Бердимуродбой ковлаган қабр ҳам эгасиз қолмайдиган бўлди!

Н у р м а т ф а о л (*Бердимуродга ўқрайиб*). Ҳалиям шу ерда ивирсиб юрибсанми? Тезроқ мозорга жўна!

Бердимурод оғир қадамлар билан ҳовлидан чиқади.

Н о р ч а. Айтгандай, шўрвани нима қиламиз, Нурмат ака?

Н у р м а т ф а о л. Униям қозон-позони билан ўша ёққа олиб кетамиз.

Н о р ч а. Унда фурсатни бой бермай, юкларни Хатча опаникига элтишимиз керак.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Ташқарида машина тайёр.

Н у р м а т ф а о л. Қани, азаматлар, тезроқ ишга киришинглар!

С е р к а б о й. Йигитларимга кўз олайтирманг!

Н о р ч а. Қўрқма, Серкабой, Хатча опанинг ўғилларидан ҳаммоллик ҳақиниям ундириб бераман.

С е р к а б о й (*бошини қашиб*). Аслида, чўнтакка уч-тўрт сўм қўшимча пул кирса ҳам зарар қилмайди. (*Ҳассакашларга*) Ҳовлидаги юклар машинага ортилсин!

Н о р ч а (*бир чеккада қўл қовуштириб турган хизматкор йигитларга*). Сизлар дастурхондаги нарсаларни йиғиштириб олинглар!

Ҳассакашлар ошхона ёнидаги қопларни ташқарига ташишга тушиб кетишади. Хизматкор йигитлар эса столларнинг устидаги мева-чеваларни халталарга жойлашга киришишади.

С а б о ҳ а т с а в д о г а р. Бечора Бойдангалнинг қувончи узоққа чўзилмайдиган бўлди! (*Хандон отиб кулганча ҳовлидан чиқади.*)

Н о р ч а (*Тиркаш бува кириб кетган уйга томон ҳўмрайиб*). Тиркаш чол қадримизга етмаса ҳам, биз одамларга керакмиз.

Н у р м а т ф а о л. Тиркаш чол бу галча ўлимга чап берди. Лекин эртами-кечми барибир қўлимизга тушади. Қочиб қаёққаям борарди.

Н о р ч а. Ўшандаям кенгфеъллик қилиб, бу қайсар чолнинг жанозасида бош бўламиз.

Н у р м а т ф а о л. Начора, қайсар бўлсаям, шу элнинг одами. Биз бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирадиганлар хилидан эмасмиз!

Н о р ч а. Тўғри-тўғри.

Н у р м а т ф а о л (*қўлидаги соатига кўз югуртириб*). Вақтимиз зиқ. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, йигитларга қарашиб юборайлик.

Н о р ч а. Яхшиси, икковимиз тобутни олиб чиқа қолайлик. Қани, кўтардик бўлмаса.

Нурмат фаол билан Норча тобутни елкалаб ташқарига чиқишади. Уйдан Тиркаш бува, унинг орқасидан Қодир темирчи, Қулмурод ва Тўхтагон хола чиқишади.

Қ у л м у р о д. Шаштингиздан қайтинг, отажон! У ёққа борсангиз, толиқиб қоласиз.

Қ о д и р т е м и р ч и. Қулмурод тўғри айтаяпти. Бир-икки кун ётиб, қувватга кириб олишингиз керак.

Т и р к а ш б у в а. Хавотирланманглар, куч-қувватим жойида. Ўзимни жуда тетик ҳис қилаяпман.

Т ў х т а г о н х о л а. Ахир, эндигина оёққа турдингиз!

Т и р к а ш б у в а. Хатча опа қишлоғимизнинг энг ёши улуг қарияси эди. Арзимаган баҳона билан шундай табаррук кампирнинг таъзиясига бормасам, уят бўлади.

Т ў х т а г о н х о л а. Шу аҳволингизга у ердаям тинч ўтирмайсизми деб кўрқаман.

Т и р к а ш б у в а. Ҳаммамиз ўзимизнинг тинчимизни ўйлаб жим қараб тураверсак, бунақа аҳмоқона иллатлардан қачон қутуламиз? Хатча опанинг ўғилларигаям ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Улар ҳам одам, гапга тушуннишар!

Қ у л м у р о д (*зорланиб*). Ота!..

Қ о д и р т е м и р ч и. Хавотирланма, Қулмуроджон. Ўзим отангнинг ёнида бўламан.

Т и р к а ш б у в а (*жилмайиб*). Қани, кетдик бўлмаса.

Қ у л м у р о д. Мен ҳам сизлар билан бирга бораман.

Т ў х т а г о н х о л а (*Қулмуродга шивирлайди*). Отангга кўз-қулоқ бўл, ўғлим.

Қ у л м у р о д. Хотиржам бўлинг, ойи, у кишини ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман.

Учаласи ташқарига чиқишади. Тўхтагон хола ўйчан қиёфада уларни дарвозагача қузатиб қолади. Малоҳатгон ошхонадан каттагина тоғора кўтариб чиқади.

М а л о ҳ а т г о н. Ойижон, ўтган кунги ош ачиб қолибди!

Т ў х т а г о н х о л а. Қанақа ош?

М а л о ҳ а т г о н. Таъзия оши!..

Шу пайт узоқдан эркак-аёлларнинг аламли дод-фарёди элас-элас эшитила бошлайди. Бу овоз тобора кучайиб, Бойдан-галникида янграётган карнай-сурнай садолари билан қоришиб кетади.

ПАРДА

Эркин НОРСАФАР

1974 йилда Сурхондарё вилояти Музработ туманида туғилган. Журналист, драматург. “Ташна қалб”, “Жаннатга мен билан кир”, “Иблис ва Манолин”, “Беҳи гуллаган оқшом”, “Людвиг ван Бетховен”, “Бўронқуши”, “Кўзгудаги одам”, “Тоғ булбулининг сўнгги хониши” номли драматик асарлар муаллифи. Аксарият пьесалари вилоят театрларида саҳналаштирилган. Айни пайтда “Сурхон тонги” газетасида меҳнат қилмоқда.

**ТОҒ БУЛБУЛИНИНГ
СЎНГГИ ХОНИШИ***Драма*

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Қодир мерган.

Қўнғирот бахши.

Мерганнинг хотини.

Исма т.

Чол.

Аминхожи.

Ҳошимхон бахши – Амин ҳожининг укаси.

Сафаралибой.

Одилбий.

Туркман бахши.

Амир бахши.

Мама т.

1-2-3-4 одам, оломон овози, хизматкорлар ва бошқалар.

Воқеа XIX аср бошларида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Парда туширилган. Муסיқа ва қўшиқ янграйди. Парда кўтарила бошлайди, қўшиқ секинлаша бориб тинади, ҳофизни олқишлаган овозлар эшитилади. Сафаралибойнинг ўтови. Ўтовнинг ярим ички кўриниши. Ўтов ортида оқ парда бор. Меҳмонлар ўтиришибди.

А м и н. Одамларнинг кайфияти қандай, бек?

С а ф а р а л и б о й. Ёмон, жуда ёмон! Бу бало қаердан келди ўзи, ҳожим?

А м и н. Худо билади! Иш тугай деб қолдимиз?

С а ф а р а л и б о й. Ҳа, насиб... Аммо наф берармикан?

А м и н. Бу нима деганингиз, бек?

С а ф а р а л и б о й. Кўп қишлоқларда чигиртканинг йўлига гўнг тўдалаб ёқишган экан, фойда қилмабди. Тутунга чигиртканинг чекинишига менинг ҳам кўзим етмаяпти-да, ҳожим.

А м и н. Сизда дурустроқ бирор фикр борми?

С а ф а р а л и б о й. Қаерда дейсиз! Ўйлайвериб миям ҳам шишиб кетди! Қани, сон-саноқсиз қушинг бўлса-ю, қўш тортгандек чигиртканинг устига солсанг! Ишонасизми, ҳожим, ўша лаънати чигиртка деганлари ҳатто тушларимга ҳам ки-

риб чиқаяпти. *(Амин киброна кулади.)* Кулишингизнинг боиси не, ҳожим? Ё биздан бирор гумроҳлик ўтдими?

А м и н. Сиз тунлари маза қилиб ухлайсиз, бек, биз эса йўқ! Тонг отгунга қадар ибодатда бўлаяпмиз! Нафл намозларимизда халқнинг фаровонлигини, ўртамиздаги меҳр-оқибат, диёнат йўқолмаслигини сўраяпмиз. Чигиртка балосини даф қилишини илтижо қилаяпмиз! Неча-неча жонлиғ сўйиб садақа қилдим! Ўзингиз ҳам билурсиз!?

С а ф а р а л и б о й. Шундай, ҳожим, шундай!

А м и н. Биз учун аввали халқнинг манфаати. Ибодатларимизда ҳам Худои таолодан аввал халққа бер, ортса, бизга деб илтижо қилурмиз.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Алҳамдулиллоҳ, худди шундай!

А м и н. Одамларимиздан гумроҳлик-густоҳлик кўп ўтганми, туни билан қилган дуоларимизнинг ҳам, келтираётган қурбонликларимизнинг ҳам нафи бўлмаяпти!

Б о ш қ а л а р. Барака топинг, ҳазратим!

Б о ш қ а л а р. Илоҳим, умрингиз зиёда бўлсин, ҳожим!

С а ф а р а л и б о й. Шундай, шундай!

А м и н. Халқнинг қийналаётганини кўриб, тунлари ухлай олмайман. Ахир, улар менинг жигарларим! Жон жигарларим! Қон жигарлирим! Худодан шу халқнинг бошига келаётган офатни ёлғиз маним бошимга солгин, ҳар қандай дард бўлса кўтарарман, деб сўрайман.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Алҳамдулиллоҳ, худди шундай!

С а ф а р а л и б о й. Шундай, ҳожим, шундай!

А м и н. Халқ учун яшаш, уни севиб-ардоқлаш бизнинг вазифамиз эмасми? Аларни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаш, ўз фарзандимиздек, жигаримиздек эъозлаш бизнинг вазифамиз эмасму?

С а ф а р а л и б о й. Шундай, ҳожим, шундай!

Б о ш қ а л а р. Борингизга шукур, ҳожи ака!

Б о ш қ а л а р. Аллоҳим умрингизни зиёда қилсин!

Б о ш қ а л а р. Аллоҳ давлатингизни зиёда қилсин!

А м и н. Раҳмат, азизларим! Бу тилакларингизни дуо ўрнида қабул қилиб, қалбимга жо қиламан. Аммо менга бойлик, давлатдан кўра кўпроқ иймон бутлиги афзал, шуни унутманг! Мен имон учун яшайман! Мен бой бўлай деб бу дунёда юрганим йўқ. Мен учун ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан кўра Биру борнинг жамоли афзал! Биру борнинг жамолини адолат би-

лан, хокисорлик билан ва аввало, элу юртингга муҳаббат билан эришмоғинг мумкин!

С а ф а р а л и б о й. Шундай, ҳожим, шундай!

А м и н. Шу боис мен учун элнинг, халқимнинг хизматидан аввалроқ иймонлиғ юмуш йўқ.

С а ф а р а л и б о й. Шундай, ҳожим, шундай!

Б о ш қ а л а р. Тўғри айтдингиз, ҳожим!

Б о ш қ а л а р. Сиз ҳақсиз, ҳожим!

Б о ш қ а л а р. Ақлингизга тасанно, ҳожим!

Амин атрофга қараб, одамларнинг ташвишли нигоҳини туюди ва зўрма-зўраки жилмаяди.

А м и н. Келмай юрган офатми шу?

С а ф а р а л и б о й. Лаббай, ҳожим. Тушунмадим?..

А м и н. Биз ўйлаб-сиқилганимиз билан бир нарса ўзгарармиди, дейман?

С а ф а р а л и б о й. Аа-а... шундай, ҳожим, шундай!

Б о ш қ а л а р. Тўғри айтдингиз!

Б о ш қ а л а р. Бу ҳам Аллоҳнинг иродаси-да, ҳожим!

Б о ш қ а л а р. Бал-е!

А м и н. Одамзод ҳеч қачон пашша билан ташвишдан холи бўлмас экан. Қаранг, шу пашша ҳозир чигирткага айланиб, ошга тушиб, таъбимизни хира қилиб ўтирибди-я?!

Қаҳқаҳа янграйди.

С а ф а р а л и б о й. Ҳожим!

А м и н. Қулоғим сизда, бек!

С а ф а р а л и б о й. Ҳошимхондан бир эшитайлик. Нима дедингиз?

А м и н. Ўзлари нима дер эканлар?

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Хизмат қилсак, Сиздек тангри суйган бекнинг тўйида хизмат қиламиз-да, а, лаббай?

С а ф а р а л и б о й. Қуллуқ, қуллуқ!

Б о ш қ а л а р. Барака топинг-э, Ҳошимхон.

Б о ш қ а л а р. Борингизга шукур, мингга кириг!

Б о ш қ а л а р. Зар қадрини заргар билади-да! Бек, одамнинг дилидагини топиб гапирасиз-а!

С а ф а р а л и б о й. Қуллуқ!

А м и н. Ростини айтсам, сизлар баҳона Ҳошимхоннинг овозини эшитмасам, оғалиғимни пеш қилиб ҳарчанд тилаб бир қўшиқ эшита олмайман.

Зўрма-зўраки қаҳқаҳа янграйди.

Ҳошимхон бахши. Қуллуқ, қуллуқ!

Сафаралибой хизматкор йигитга ишора қилади. Хизматкор йигит илиғлик дўмбирани Ҳошимхонга узатади. “Бахши” айта бошлайди. (Иқтидорсиз, зўрма-зўраки бахши, аммо ўзини буюк ва тенгсиз деб билади.)

Бошқалар. Ўлманг!

Бошқалар. Яшанг, бахши, яшанг!

Тингловчилар “маст” бўлиб тинглашади. Бахши айтувни тўхтатади.

Бошқалар. Бахши дегани шундай қилиб айтса-да этингни жимирлатиб, а?

Бошқалар. Энди, Худо юқтиргандан кейин...

Бошқалар. Ҳошимхон айтгуларини айтганларидан кейин сархушлигим ҳам бир зумда тарқайдур.

Бошқалар. Маним эрса сархушлигим ортадур!

Қаҳқаҳа янграйди.

Ҳошимхон бахши. Қуллуқ!

Парда ортидан шарпа-соялар кўриниб овозлар янграйди.

Овоз. Қўнғирот бахшидан ҳам эшитайлик!

Овоз. Бойбова, рухсат беринг. Шу йигитдан ҳам бир эшитайлик.

Овоз. Қўнғирот бахши айтсин!

Ҳошимхон бахшининг туси ўчади. Аминга ёқмайди.

Амин. Ким у?

Сафаралибой. Довушсиз бахши. Ўзимизнинг қишлоқдан.

Амин. Ҳм... Кимнинг боласи?

Ҳошимхон бахши. Сағир. Ота-онаси вабодан ўлиб кетган...

Амин зўрға рози бўлиб бош ирғайди.

Сафаралибой. Э-эй, чақир бахши болани!

Ўтовнинг қаршисидаги ерга кичкина кигизча ташланади. Ёш йигит кириб келади.

Сафаралибой. Чал, бахши!

Дўмбира овози ён-атрофга тарала бошлайди. Одамлар сел бўлиб, маст бўлиб тинглашади. Куй тугайди. Ўтовдагилар жим, аммо одамлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишади. Саҳна ортидан овозлар эшитила бошлайди.

Овоз. Офарин, барака топ!

Овоз. Булбул бўл-э.

О в о з. Нимасини айтасиз, тоза юқтирган эканми?

О в о з. Айт, яна айт!

Амин Сафаралибойга қараб олади.

С а ф а р а л и б о й. Тегирмон ҳам навбати билан. Энди навбатни Ҳошимхон бахшига берсак! Манов (бахши бола) Қўнғиротнинг қорнини тўқлаб, бир беқасам тўн билан улоқ беринглар! Тўйдан тўёна!

Сафаралибой ўтовдаги меҳмонларга бошқача қараш қилиб, томоқ қиради. Ўтовдагилар ҳайқаришади.

Б о ш қ а л а р. Ҳошимхон бахшидан ҳам эшитайлик!

Б о ш қ а л а р. Қурбонингиз бўлай-а, Ҳошимхон!

Б о ш қ а л а р. Садақалари кетай, довушли бахши барибир довушли бахши-да!

Б о ш қ а л а р. Нимасини айтасиз!

Парда ортидаги соя-оломон кўздан ғойиб бўлади.

А м и н. Энди бизга рухсат, қайтсак. Нозик меҳмонларимиз бор эди.

С а ф а р а л и б о й. Ие, шундайми?! Олиб келавермабсиз-да.

А м и н. Тез қайтамиз, деб ваъда бериб қўювдик!

С а ф а р а л и б о й. Узрлик экан, майли.

А м и н. Келаси ҳафта Ҳошимхон ўғилларининг қўлларини ҳалоллатмоқчи эди...

С а ф а р а л и б о й. Ие, муборак бўлсин!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Қуллуқ, қуллуқ!

А м и н. Хабарингиз бор, катта энамиз анчадан бери ўсал ётибди. Қаричилик-да энди...

С а ф а р а л и б о й. Шундай, шундай. Тангрининг ўзи шифо берсин.

А м и н. Тўйни иссиқ-совуқ аралашмасин деб... айтиб бўладими энди. Инимиз ҳам яхши ният билан элга берай деб анчадан буён йиғиниб юрибди...

С а ф а р а л и б о й. Жуда тўғри ўйлабсиз, ҳожим. Қачонга белгиладингиз?

А м и н. Индинга кўзлаётган эдик.

С а ф а р а л и б о й. Тўғри ўйлабсиз. Жуда хайрли кун. Муборак бўлсин!

А м и н. Худо биледи, бу балодан кейин бирор экин қолурми, йўқми?

С а ф а р а л и б о й. Шундай, шундай, ҳожим.

А м и н. Аммо ноқулайроқ-да...

С а ф а р а л и б о й. Нега, ҳожим?

А м и н. Ҳамма чигиртканинг ташвиши билан бўлса-ю, бу одам тўй қилаяпти деган...

С а ф а р а л и б о й. Сиз тўйни ўтказаверинг, ҳожим, буёғини бизга қўйиб беринг. Биз нимани десак, одамлар ҳам шуни дейди, менга ишонаверинг!

А м и н. Раҳмат, борингизга шукур. Барчаларингизни кутиб қоламиз! Биз ҳам бир кун хизматингизда бўлайлик!

Б а р ч а. Иншооллоҳ!

Б о ш қ а л а р. Бошимизда омон туришингизнинг ўзи биз учун бир давлат, ҳожим!

Б о ш қ а л а р. Хизматни бизга қўйиб бераверинг, ҳожим.

Б о ш қ а л а р. Аллоҳнинг ўзи сизни ёмон назарлардан асрасин, ҳожим!

А м и н. Раҳмат, борларингизга шукур! Дарвоқе, довушсиз бахши бола шу ердами?

С а ф а р а л и б о й. Ҳозир, ҳожим. (*Хизматкорига*) Бахши болани чақир! Ҳожи ҳазратлари дуо бермоқчилар!

Қўнғирот бахши келиб тавозе билан салом беради. Амин алик олмай қўзларини лўқ қилади. Ҳошимхон нафрат ва андак ҳайиқиш билан кузатиб турибди.

А м и н. Бўтам, торни яхши чертар экансан. Аммо бечора ёғочга бунчалик азоб берма, хўпми. (*Кўзини олиб қочади.*) Кейин, бахши бўлгандан кейин бутлаш керак! Довушсиз бахшлик қилиш – макруҳ!

С а ф а р а л и б о й. Эшитдингми, бахши бола! Ҳожи ҳазратларининг гапларида ҳикмат кўп! Ҳар иккала қулоғингга қуйиб ол!

А м и н. Мени тушундинг, деб ўйлайман!

Амин бахши совуқ, ғолибона тиржайган Ҳошимхон бахши билан чиқиб кетади. Сафаралибой хизматкорини чорлайди.

С а ф а р а л и б о й. Саруполар жойидами?

Х и з м а т к о р. Ҳа, бой ота! Айтганингиздек бегойимнинг ўзлари бошида турдилар. Ҳожи ҳазратларига алоҳида, Ҳошимхон бахшига алоҳида тугун қилиб, отларига жойладик.

С а ф а р а л и б о й. Дуруст, кўрга ҳам қараб қўйинглар!

Х и з м а т к о р. Хўп бўлади, бой ота!

Улар чиқиб кетгач, парда ортидаги одамлар ўзаро йиғилишади.

О в о з. Дехқоннинг шўри курсин...

О в о з. Бу кетишда бўлса, бир боғ хашакнинг баҳоси бир молга тенг бўлади.

О в о з. Шу ой ҳам ёмғир ёғмаса...

О в о з. Кети куйган осмондан ёмғир тилаяпсизми? Бир томчи ҳам сув тушмайди!

О в о з. Айтишларича, бало-қазодай бостириб келаётган чигиртка осмонга бир кўтарилса, икки-уч кун қуёш кўринмай қолар экан.

О в о з. Йўғ-э!

О в о з. Тутунга ҳам, оловга ҳам қарамаётганмиш. Бир далада майса йўқ экан, тўдаси билан молга ёпишибди, дейишяпти.

О в о з. Йўғ-э?!

О в о з. Нимасини айтасиз, ҳадегунча молдан фақат суяк-салоқ қолаётганмиш.

О в о з. Йўғ-э?!

О в о з. Менинг битта сигирим бор, нима, чигирткага ем қиламанми? Бекорларнинг бештасини ебди, ўша чигиртка! Ҳозир уйга бориб, бўғзига пичоқ тортаман. Бола-чақам билан маза қилиб еймиз! *(Шошганича чиқиб кетади.)*

О в о з. Кампирнинг ҳам беш-ўнта товуғи, индуги бор эди. Агар чигиртка молга ташланган бўлса, товуқни чайнаб ҳам ўтирмаса керак, нима дедингиз? *(Кетади.)*

О в о з. Қани энди ёмғир бўлганда. Ёмғир бўлганда ҳам шариллаган жала бўлса, чигиртка ҳам даф бўларди!

О в о з. Нимасини айтасиз!

Осмонга тикилишади. Саҳна қоронғулашади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳошимхон ўтовви. Тўй. Саҳна бурчагидан қурилган ўтовнинг ярим, ички манзараси. Саҳна ўртасига эса кигиз ва тўқима гилам тўшалган супа қўйилган. Унинг устига эса соябон сифатида кигиздан мато ташланган.

О д л б и й. Сизга бир туҳфа келтирганмиз, тингласангиз, ҳайратга солади. Амир бахши инимиз! *(Амир бахши қўли кўксиди, ўрнидан ярим туриб бош эгади.)* Худойим бу кишининг бармоқларига булбулнинг тилини жо қилган!

А м и н. Сизнинг назарингизга тушибдими, зиёда бўлса зиёдадур, кам эмаслиги аниқ!

О д л б и й. Бу кишида довуш йўқ, аммо созни бошқача чалади.

А м и н. Бий оға, бизда ҳам шунақаси бор, Қўнғирот бахши, дейишади. Аммо сиз олиб келган бахши зўрроқ кўринади.

О д и л б и й. Жуда ғаройиб-ку. Келинг, уларни куч синаштирамиз.

Ҳошимхон бахши Аминга “бекор айтдингиз-да” дегандек норози боқади.

А м и н. Афсус, у бахши зарур юмуш билан узоқроққа кетган эди-да, йўқса...

О д и л б и й. Эссиз...

Сафаралибой кириб келади.

С а ф а р а л и б о й. Бий бобо, не муаммонгиз бор? Буюринг, ҳал қиламиз.

О д и л б и й. Сизларда Қўнғирот отлиғ довушсиз бахши бор экан. Шунни топиш керак. Биласиз, бахшилар маним жону дилим.

С а ф а р а л и б о й. Сўзингиз ерда қолгунча, олмоснинг бели синсин, бек оға!

О д и л б и й. Мард одам экансиз! Бизни жуда хурсанд қилдингиз! Ҳошимхон тўғрисида ҳам дўмбирани хўп яхши чертади, деб эшитганимиз бор. Марҳамат этсалар, довушсиз бахшингиз келгуни қадар ул зотдан эшитсак?!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Бош устига!

Амин ҳожиди “йўқ” дегандек киши билмас бош чайқайди.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Изн берсангиз, бошқа сафар...

Амин Одилбийга қараб “илтимос” дегандек қўлини кўксига қўяди.

О д и л б и й. Майли, насиб, сизни алоҳида эшитармиз. Биз билан туркманнинг зўр бахшиси Ҳожимурод оға ҳам келган. Унда шу кишидан эшитсак!

Бахши тайёргарлик кўраётган вақтда Амин ва Сафаралибой четга чиқишади.

А м и н. Нима гап?

С а ф а р а л и б о й. Мени маъзур тутинг, ҳожим, чигиртка далани босибди.

А м и н. Нима? Тутун наф бермабдими?

С а ф а р а л и б о й. Йўқ. Буниси илғори, дейишяпти кўпни кўрганлар. Чигиртканинг асосий қисми тушдан кейин пайдо бўлармиш. Нима қилайлик?

А м и н. Касофатнинг топган вақтини қаранг! Энди қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, тўйни ўтказаверингизлар! Ошни эртароқ тарқатишсин!

Сафаралибой. Хўп бўлади. Бахшиларни даврага солайми?

(Амин розилик билдириб бош ирғайди. Шу вақт саҳнага бир нечта чигиртка келиб тушади. Одамлар атрофга қараб қўйишади. Туркман бахши дўмбирасини олиб, қўшиғини бошлайди. У тугатади. Ўртага Сафаралибой чиқади. Бу вақтда чигиртка кўпая бошлаган, унда-мунда саҳнага тушаётган бўлади.) Халойиқ! Ҳошимхоннинг тўйига Амир бахши ҳам меҳмон бўлиб келган. Бахши бизнинг довушсиз бахшимиз билан беллашмоқчи. Келинлар, шу бахшиларни бир куч синаштирадик. Зўр бахшига тўй эгасининг атаб қўйган зўр тўёнаси бор!

Оломон ҳайқириғи эшитилади. Бахшилар икки томондан супа устига чиқишади. Саҳна сал қоронғулашади. Одамлар тепага ҳайрон-ҳайрон қарашади.

Бошқалар. Нима бало, чигиртками?

Бошқалар. Эй, Худо, бу нимаси бўлди?

Бошқалар. Кўплигини қаранг!

Бошқалар. Бу илғори, асосий қисм кейин етиб келади.

Саҳнага чигирткалар (ён томондан) “учиб” келиб тўпирлаб туша бошлайди. Амир бахши ва Қўнғирот бахши юзма-юз ўтиришади. Амир бахши чала бошлайди. Енгил чанг-тўзон кўтарилади. Одамлар йўталиб қолади. Тугатгач, Қўнғирот бахши чала бошлайди. Жуда зўр чалади. Одамлар юзига шаббод урилиб, енгил тин олишади. Ўпкаларини тўлдириб-тўлдириб нафас олишади.

Амир бахшининг алам ва нафратдан башараси бужмайиб кетади. Қўнғирот бахши куйини тугатмасдан Амир бахши худди шу оҳангда унинг бошига нафрат билан тик қараганича шахт-телбавор ҳолда дўмбира черта бошлайди. Қўнғирот бахши бир-икки енгил силкиниб кетади, юзи оғриқдан буришади, бироз ўтиб, бурнидан қон келади. Қўнғирот бахши Амир бахшининг нафрат балққан, ғазабнок кўзларига қараб ғазабланади ва у ҳам бирдан бошқа куйни қаттиқ чалиб бошлайди. Ҳар иккисида телбавор чалиша бошлашади.

Шамол туради. Чанг-тўзон кўтарилади. Ўтов силкина бошлайди. Одамлар туриб қочишга тушишади. Кўрпа-тўшаклар, кигиз-гиламлар, идиш-тавоқлар у ёқдан-бу ёққа уча бошлайди. Аввалига меҳмон бахшининг дўмбирасининг тори узилиб, ёғоч қопламаси ёрилиб кетади. Довдираб қолган Амир бахши кучли эсган шамолдан тагидаги кўрпа билан қўшилиб ағдарилиб туша-

ди. Қўнғирот бахши берилиб, ҳеч нарсага қарамасдан қўзларини юмганича чала бошлайди, Амир бахши туриб, синган дўмбирасини улоқтириб қочади. Шамол кучайгандан кучая боради. Осмонни бир зумда қоп-қора булут қамрайди. Момақалди роқ гумбурлаб, ёмғир ёға бошлайди. Бахши шунда ҳам тўхтамайди, чалаверади. У ҳамма нарсани, ўзлигини ҳам унутганди. Бахши устида кигиздан “палатка” бор. Қодир мерган “палатка” четидан сизаётган ёмғирга кафтини тутганича қаҳ-қаҳ отиб кулади.

Қ о д и р м е р г а н. Чал бахши, чал! Қурбонинг бўлай, чал! Чал, Қўнғиротим-а, чал! Чигирткага қирон келди! Тўхтама! Балонинг уйи куйди! Тўхтама! Чал, бахшигинам, чал, отажоним-а, чал! Элимнинг мададкори-я, чал!

Момақалди роқ босиб-босиб гумбирлайди, шаррос жала қуяди. Саҳна ортидан одамларнинг хурсандчиликдан йиғлаётгани, кулаётгани эшитилади. Бахши чалаверади.

О в о з. Сув келди, оғайнилар, энди ўлмаймиз!

О в о з. Садағанг кетай, бахшижон!

О в о з. Қўнғиротим, чал, ота-онам садағанг бўлсин, чал!

О в о з. Энди мол ҳам ўлмайди! Эл ҳам ўлмайди!

Ҳошимхон бахши қарахт, Амин қўллари титраганича, тасбеҳни зарда билан ўгирмоқда. Амир бахши эса хона бурчагига тиқилиб олган, тинимсиз калима қайтармоқда.

Саҳна қоронғулашади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна қоронғу. Бахшининг ўтовви. Ортида парда бор. Хушнуд оҳанг дўмбира навоси янграйди. Кутилмаганда ун ўчади ва шовқин-сурон кўтарилади. Қандайдир эркак туркманчалаб сўкинади. Отларнинг дупури, кишнаши эшитилади. Туркманча бақир-чақирлар янграйди. Ўқ овози янграйди. Саҳна ёришади. Қўнғирот бахши энгашиб ўтирибди. Бахшининг ёқалари йиртилиб, қўзлари кўкарган, лаб-лунжи қонталаш бўлиб кетган. Саҳна-парда ортидан, “Бахшининг уйи ёнаяпти. Қўрага ҳам ўт қўйишибди, тезроқ чиқинглар!” деган чорловлар эшитилади. Югурганича яқтакчан ва ялангоёқ Қодир мерган кириб келади.

Қ о д и р м е р г а н. Нима бўлди? Ким қилди бу ишни? Ие, қўлингни нега боғлаб олдинг? Қани? Кўрсат деяпман сенга!

У зўрлик билан Қўнғирот бахшининг қорнига босиб ўтирган қўлини кўтаради.

Қ о д и р м е р г а н. Ярамаслар! Ким кесди панжангни! Айт! Айт деяпман!

(Қўнғирот бахшининг ҳар иккала панжаси кесиб ташланган, тўмтоқ билаги ўралган мато қонга беланган.) Бахшининг қўлини кесиб кетишибди! Тезроқ куйдирилган кигиз келтиринглар! Қонни тўхтатиш керак!

Оломон унинг атрофини қуршаб олади.

1-о да м. Кимлигини айт бизга, уйига ўт қўямиз!

2-о да м. Ўша нокасинг кўзларини ўйиб олиш керак!

3-о да м. Отнинг думига боғлаб, сазойи қилиш керак!

4-о да м. Эй, Худодан қайтган нокас, иккаласини ҳам кесанми?

Қ о д и р м е р г а н. Бас қилсаларинг-чи! Бахшининг мазаси қочаяпти. Табибга одам юборинглар! Бу ерда нима қилаяпсизлар, оловни ким ўчиради! Жўнанг!

Ҳамма чиқиб кетади. Саҳнага мерганнинг хотини кириб келади. Одамларнинг шовқини, оловнинг гуриллаб ёнаётгани, сув сепишаётгани эшитилиб туради.

Қ о д и р м е р г а н. Келганинг яхши бўлди, хотин. Ўзинг қара!

М е р г а н н и н г х о т и н и. Вой ўлмасам, бу нима кўргулик? Табибга одам жўнатдингизми?

Қ о д и р м е р г а н. Табиб қачон келади, деб ўтирамизми? Сен ҳам табибнинг қизисан-ку, энағар! Корини қил-да!

М е р г а н н и н г х о т и н и. Илоё, уйи куйсин! Илоё, хонумони куйсин, ким қилган бўлса! Худодан қўрқмаганлар! Ҳа-а-а, бечора оғажоним-а!..

Мерганнинг хотини бош тебратганича ундан-бундан нарса олиб кесилган билакни даволай бошлайди.

Қ о д и р м е р г а н *(ўзига-ўзи)*. Бу ишни туркман қилгани йўқ. Туркманларга ағдармоқчи бўлишаяпти, нокаслар!

М е р г а н н и н г х о т и н и. Бир нарса дегандай бўлдингизми, отаси?

Қ о д и р м е р г а н. Йўқ.

М е р г а н н и н г х о т и н и. Бояқишга қийин бўладиган бўлди.

Қ о д и р м е р г а н. Нимасини айтасан! Ярамаслар! Кимлигини тусмоллаб турибман...

М е р г а н н и н г х о т и н и. Кимлигини эл билмайди деб ўйлайсизми? Билади, ҳаммаси билади. Ўша хариллаб жанжал излаётганлар ҳам яхши билади. Ўртага бир мард чиқиб, ўзини кўрсатиши билан ҳаммаси пусиб қолади. Буларингиз орқадан тошотар ботир! Аралашманг! Балога қоласиз.

Қ о д и р м е р г а н. Нима? Нима дединг? Тилингни суғуриб олмай! Мен унақа хунаса эмасман!

М е р г а н н и н г х о т и н и. Шундай зўр бўлсангиз, ана, бахшининг хотинини йўлга солиб беринг!

Қ о д и р м е р г а н. Хотини? (*Атрофга аланглайди.*) Дарвоқе, қани келин?

М е р г а н н и н г х о т и н и. Отасиникида эди, чақиртирган-дик, чиқишмабди.

Қ о д и р м е р г а н. Падар қусур Садир чопағоннинг ўзи ғирром-паст одам. Қизи гўрга борадими?! Жони кўзга ширин кўринган-да.

М е р г а н н и н г х о т и н и. Мана, оғажон! Қон кетиши тўхтади. Табиб келса, қолган корини ўзи қилади.

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Раҳмат, чеча! Қўлингиз дард кўрмасин! Оға! Мендан хавотир олишнинг кераги йўқ эди, ёш бола эмасман-ку?!

Қ о д и р м е р г а н. Иним...

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Келинингиздан ҳам хафа эмасман!..

Қ о д и р м е р г а н. Бу нима деганинг? Хотиннинг вазифаси эр бошига ғам келганида ёнида бўлиш эмасми?

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Мен энди бахшилиқ қила олмайман! Йўқ қўлларим билан ўзимни эплайманми, хотиннинг кўнглини овлайманми? Уям ҳақ! Одам дунёга бир марта келади, майли, яшаб қолсин! Кези келиб, мендан гинадор бўлмасин!

Қ о д и р м е р г а н. Э-э, бахши иним. Бу дунёда озгина шум, қитмир, қаттиқ дийда бўлмасанг, топтаб ташлашади. Бу ўшаларнинг иши, а?

Мерган бахшининг кесилган қўлларига ишора қилади.

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Улар билан талашиб ҳеч ким барака топмаган, оға! Худога солдим! Худодан топсин!

М е р г а н н и н г х о т и н и. Энди нима қиласиз, оғажон?

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Эртадан даштга чиқиб кетаман. Сафаралибойга чўпонлик қиламан!

М е р г а н н и н г х о т и н и. Қандай қилиб, оғажон, ахир қўлларингиз...

Қўнғирот бахши. Қўлларим бўлмаса ҳам, ҳали қўлтиғим таёқ тутишга ярайди!

Қодир мерган. Барибир қасос оламан!

Қўнғирот бахши. Минг бошли аждарни енгиб бўлар эканми? Бир бошини кессанг, яна ўни ўсиб чиқаверади!

Қодир мерган. Юр меникига! Биз билан яшайсан!

Қўнғирот бахши. Ўлма, қул, ўзингдан қолма! Ўзимдан қолмай! Оғажон, чеча! Борларингизга шукур! Мени... Ёлғиз қолгим келаяпти!

Мерган ва хотини саҳнадан чиқиб кетишади. Қўнғирот бахши дўмбирасини бағрига маҳкам босиб, дардли чайқала бошлайди. Дардли дўмбира оҳанги янграйди. Саҳна қоронғулашади.

ТўРТИНЧИ КЎРИНИШ

Аминнинг ўтови. Қўнғирот бахшининг дўмбира куйи секин тина бориши билан Ҳошимхон бахшининг дўмбираси овози янграйди. У шахт ва шижоат билан, ҳамишагидек беўхшов, жазавабилан чалмоқда. Амин безиб, ижирғаниб ўтирибди. Ҳошимхон унга қараган вақтда базўр жилмайиб қўяди. Кичкина хонтахта устида турли ноз-неъматлар. Ҳошимхон чалиб бўлиб, май тўла жомни сипқоради.

Амин (*енгил хўрсинади*). Мана, иним, энди бемалол давру давронингизни суришингиз мумкин.

Ҳошимхон бахши. Миш-мишларга қараганда, тоғ ошиб келган туркман қароқчиларининг ишимеш! (*Кулади.*)

Амин. Бу яхши! Сиз қишлоқ йигитларини ёллаб, Маматни бош қилиб ўша қароқчиларни номига излатган бўлинг!

Ҳошимхон бахши. Хўп бўлади! Бир гап, иккала қўлини ҳам кесиш шартмиди, ҳожим?

Амин. Шуни унутманг, бундай одамларни шунчаки енгиб бўлмайди! Бир қўли бўлмаса, иккинчиси билан аввалгидан ҳам яхшироқ чала бошлашади... Эссиз, бир йўла оёғини ҳам кесмабмиз-да!

Ҳошимхон бахши. Гапингизга тушунмадим, ҳожим?! Қўлининг кесилиши-қу, хўп-хўп, оёғига не ҳожат?!

Амин. У эртага оёғи билан ҳам ҳаммангиздан яхшироқ чалиши мумкин!

Ҳошимхон бахши. Унчалик ерга урворманг-да, энди ҳожим! (*Май ичади.*)

А м и н. Ахир, ўзингиз ҳам гувоҳи бўлдингиз-ку!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Мени маъзур тутинг-у, ҳожим, баъзида сал ошириб юборасиз! *(Қадаҳни зарда билан улоқтиради.)* Чап қўлим билан ғижимлаб ташлайдиган болага бунчалик катта баҳо бермасангиз?!

А м и н. Ўша куни унинг кўзидаги ўтгни кўрганингизда, бундай демаган бўлардингиз!

Хизматкор келиб қадаҳни артади ва қайта хонтахта устига қўйиб чиқиб кетади.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Ўша Қўнғиротнинг битникидай киртайган кўзида нимани ҳам кўрардим. Кўркүв! Ўзига нисбатан ишончсизлик! Ҳаётдан нафрат ва аламзадалик! Бошқа нима бўлиши ҳам мумкин?!

А м и н. Ў-ў, бу кўзлар! Бу кўзлар! Ёнади, олов бўлиб ёнади! Нега тангрим бизларга ато этмаган бу кўзларни?! Нега тангрим ато этмаган бизларга бу иқтидорни?!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Унда ҳеч қандай иқтидор йўқ! Эшитаяпсизми, ҳеч қандай! Ўша куни қўли бир кеп қолди-да, бунча ваҳима кўтармасангизлар!

А м и н. Баъзида тангрининг ишларига ҳам тушунмай қоламан, иним! Биздай аслзодалар туриб, қаердаги нотавон, яланг-оёқларга берилади бундай олов кўзлар! Бундай иқтидорлар!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Уларда иқтидор бўлса, бизда куч бор! Бизда ҳокимият бор! Улар ҳеч ким, ҳеч нарса! Хоҳласак, пашшадек эзиб ташлаймиз! Хоҳласак, олдига суяк ташлаймиз!

А м и н *(хаёлий тарзда)*. Бу сиз ўйлаганчалик осон эмас! Улар билан аввали курашманг! Курашдингми, ўлдири! *(Сергак тортади.)* Эшитаяпсизми, ўлдилинг! *(Сукут.)* Бўлмаса, уларни энгиб бўлмайди!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Нега бунчалик ваҳимага тушасиз?! Баъзида сизни таний олмай қоламан, ҳожим!

А м и н. Бундай одамлар осонликча таслим бўлишмайди!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Гапингизда-ку, жон бор! Мен ҳам шунга яқинроқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдим!

А м и н. Хўш?!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Бахши болага тўртта давангирдай йигит зўрға бас келишди! Бошқа биров қочган, додлаб одамларни ёрдамга чақирган, шафқат тилаб, тиз чўкиб йиғлаган бўларди. У бундай қилмади! Ҳатто инграмади ҳам!

А м и н. Кўрдингизми, улар қанақа?!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Сизни тушунгандек бўлаяпман, ҳожим!

А м и н. Буёғига хушёр туринг, тагин мастликда-а?!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Астағфуриллоҳ!

А м и н. Шундоғ бўлсин! Сичқоннинг ўра ичинда ўлғони маъкул. Сасиса ҳам...

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Сизни тушундим...

А м и н. Бу яхши!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Эшитдингизми, Садр чопағон ҳам қизини қайтиб олибди.

А м и н. Садр чопағон нокас бўлса-да, ҳали калласи жойида. Аммо туруми йўқ одам, хушёр турмоқ лозим. Кейин шотирларингизга айтинг, қишлоқ оралаб гап тарқатишсин.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Нима деб?

А м и н. Довушсиз бахшини кашмири деб!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Кашмири?! (*Ўйланади.*) Авом уни кўп яхши кўради, ишонармикан?

Амин қарсак чалади, хизматкор май олиб келиб, бўшаган идишни олиб кетади.

А м и н. Авом ўз номи билан авом, бек! (*Ёнидан ҳамён олади ва шиқирлатади. Ҳошимхоннинг қўзи ўйнайди.*) Тангани кучи кўп ишга қодир! (*Ҳамённи унинг олдига ташлайди.*) Ўз тинчини ўйлайдиган бу кўрқоқ ва аҳмоқлардан хавотир олманг! Одамларингиз гап тарқатишсинки, бундай сифатга фақат шайтонга иймонни сотибгина эга бўлиш мумкин. Унинг қўлининг кесилиши ҳам Тангрининг иродаси! Чунки Қуръони каримда, Тангрининг иродасисиз ҳатто битта япроқ ҳам тўкилмайди, деб ёзилган, деб айтишсин! Ким унга ёндошса, шеригидир, деб эълон қилишсин! Оқчага хасислик қилманг!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Хўп бўлади. Бу ишга шу бугуноқ киришамиз.

А м и н. Шундай йўл тутсангиз, одамларнинг ўзи бахши болани ажратиб ташлайди. Мабодо бирортаси ёнини олгудек бўлса, киши билмас тинчитинглар!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Хўп бўлади.

А м и н. Бу ишга зинҳор одамларингизни аралаштирманг, четдан ёлланг! Дарвешлар хўп маъкул бу ишга.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Хўп бўлади.

А м и н. Яна бир ялангоёқдан хавотиришимиз бор!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Мерганни назарда тутаяпсизми, ҳожим?

А м и н. Агар ўша тентаклик қилмаса, бошқаси бош кўтармайди!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Тентак ўз номи билан тентак-да, ҳожим! Уни нима қиламиз?

А м и н. Кутамиз! Агар унга ҳам тегсак, ғавго қўпчийди!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Тушундим! Дарвоқе, ҳожим, бир маслаҳатли иш...

А м и н. Қулоғимиз сизда!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Шу... *(Томоқ қириб, соқолини силайди.)* Қўнғирот бахшининг хотини, Садр чопағоннинг қизини кўп кўхлик деб эшитганим бор...

А м и н. Ҳошимхон?! Беш бармоқни оғизга тикманг. Бошингизга бало орттиурсиз. Одамлар нима дейди? Яна уйланмоқчи экансиз, бошқасини топинг. Сиз оғиз соласиз-у, йўқ дейдими?

Ҳар иккиси ҳам бир-бирига маъноли қараб кулишади.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Гумроҳлигим учун маъзур тутинг. Англатганингиздек йўл тутаман.

А м и н. Шошқалоқсиз, жуда ҳам шошқалоқсиз. Мендан берухсат бирор ишга қўл урманг! Шунда ризку насибангизга нуқсон етмагай!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Бош устига!

Саҳна қоронғулашади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Дала. Тун. Ўт ёқишган, чўғ атрофида исиниб, чой ичишиб ўтиришибди. Ўт (чўғ)га қорайиб кетган офтоба қўйилган.

1-о д а м. Қаранг, ҳаш-паш дегунча икки йил ҳам ўтиб кетибди-я?!

2-о д а м. Худди кеча бўлгандек!

3-о д а м. Биздан ҳам кўп нарса ўтди...

4-о д а м. Нимасини айтасиз. Икки йилдан буён бирор маротаба ҳам бахшидан хабар олмадик.

Ч о л. Мерганнинг ўзи Қўнғирот бахшидан хабар олиб турди.

1-о д а м. Мерган барака топсин, одамгарчилиги бор!

2-о д а м. Одамгарчилик ҳаммамизда бор! Мерганда одамгарчиликдан ташқари отнинг калласидай юрак ҳам бор!

Ч о л. Бахши хизматимизни қилди, ҳурматимизни жойига қўйди. Эвазига эса унга хиёнат қилдик!

3-о д а м. Уят ҳаммаларингга! Биронталаринг бахши кашмири эмас, деган гап қила олмадиларинг-а? Пусиб олиб, бунда ғийбатини қилишга, бурнимизнинг тагидан чиқармай минғирлашга устамиз!

4-о д а м. Аввал ўзларидан бошласинлар! Орқадан катта гапиргунча...

3-о д а м. Мен айтганман, ҳеч қайсиларинг қўшилмагансизлар!

4-о д а м. Қачон? Қаерда? Пусиб минғирлаб, энди овозингни чиқараяпсанми? Ёв қочгандан кейин ботирнинг кўпайгани шу-да!

3-о д а м. Менга қара...

4-о д а м. Менга овозингни баландлатма, ҳажиқиз!

3-о д а м. Ҳажиқизнинг кимлигини сенга кўрсатиб қўяман!

Баравар тўнларини ташлашиб, ёқалашиб кетишади.

Ч о л. Бас қилинглар! Уялмайсизларми? (*Ажратлади.*) Онангни қози урса, додингни худога айт! Кўнғирот бахши энди йўқ! У энди ҳеч қачон дўмбира черта олмайди. Чиққанинг билан нимани ўзгартира оласан?

4-о д а м. Ота?!

Ч о л. Нима ота? Нима ота? Қирқ йилдан бери отангман! Ҳе-е, энангни!.. (*Алам билан*) Тинч ўтирларинг! Ҳаммангда ҳам бола-чақа бор! Хоннинг ҳашарига сургун қилингинг келаяптими? Ҳали биров ҳашардан қайтган эмас! Тақдири шу экан! Нима қиламиз!?

Ҳамма шу вақт бир лаҳзага ўртадаги чўғга қараганича жим қолади ва сахна четига Мерган билан Кўнғирот бахши кибриб келишади. Даврадагилар ўзларича, навбатига бош ирғаб, қўлларини пахса қилиб нималарнидир гаплашишяпти, тортишишяпти, аммо овозлари томошабинга эшитилмайди.

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Мерган оға!

Қ о д и р м е р г а н. Қишлоққа қайтамиз!

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Йўқ, оғажон! Менинг қайтгим йўқ!

Қ о д и р м е р г а н. Сени ўзим ҳимоя қиламан! Йигит сўзим, сенга текканнинг қонини ичаман! Омон қўймайман!

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Худодан қўрқмагандан қўрқиш керак, оға! Ёмон ҳар жойда ёмонлигини қилаверади.

Қ о д и р м е р г а н. Ҳозир халққа жуда оғир! Бир томондан шаҳзодаларнинг уруши, иккинчи томондан солиқлар одам-

ларни эзиб ташлаган. Сен халққа жуда кераксан! Уларнинг ҳамма нарсадан ихлоси қайтган! Яшашдан кўнгиллари қолган. Бу ёмон, эшитаяпсанми, жуда ёмон! Сен уларга эртанги кун учун умид бер! Яшашлари учун куч бер! Аллоҳнинг ризолиги учун ҳўп де!

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Аллоҳнинг ризолиги учун бўлса, майли, розиман!

Қ о д и р м е р г а н. Барака топ!

Гулхан атрофидагилар жонланишади.

Ч о л. Гапирмай десанг ҳам, эсламай десанг ҳам, бахшининг дўмбирасининг овози шундоққина қулоғингнинг тагида жаранглайверади-да! Дардингни олай бахшининг йўқлиги ёмон билинаяпти.

1-о д а м. Нимасини айтасиз, торининг овози юракнинг ичидан чиққандай одамни сел қиларди, а?

2-о д а м. Менинг хаёлимда, у чалса, ҳатто тошлар ҳам сув бўлаётгандек туюларди. Отларнинг кишнаганини, тойларнинг гижинглаб югурганини, тўрғайнинг сайраганини эшитар эдим.

3-о д а м. Мен эса майсазорни кўрардим! Худди дарёдай чайқалиб турган кенг даладаги кўм-кўк майсазорни! Тошдан тошга урилиб, сутдек кўпириб оқаётган дарёни кўрардим! Болалигимни, онамнинг бешигим устида айтган алласини ҳам эшитгандек бўламан.

4-о д а м. Менинг эса икки кўзимдан тинмай ёш кетаверади. Шу ёш билан ичингдаги бор дардинг чиқиб кетгандай бир маза қиламан, бир маза қиламан...

1-о д а м. Худо бир берганди, асрай олмадик!

2-о д а м. Эй, қўйинг, куйдирманг одамни!

Мерган бахшига жилмайиб қарайди. Бахши мамнун жилмаяди.

Қ о д и р м е р г а н. Қаранглар, мен кимни олиб келдим!

Ч о л. Бахши?!

1-о д а м. Худди ўзи!

Барча ўрнидан ирғиб туриб, навбат билан бахшини бағрига босишади.

Ч о л. Хизрни йўқласак бўлар экан, а! Шу тобда эслаб тургандик!

2-о д а м. Шундай дейсиз-у, бахшини эсламаган кунимиз борми?

3-о да м. Тўғри айтасиз!

Ҳеч ким ундан ҳол-аҳвол сўрай олмайди, бошини ҳам қилади.

Қ о д и р м е р г а н. Чал, иним! Чал! Дилда ғубор ўлсин!

Барча ҳайратланиб Қўнғирот бахшига қарайди.

Ч о л. Мерганжон, ҳазиллашаяпсизми? Қандай қилиб, ахир... наҳот оёғида чала олса?!

1-о да м. Оёғида?!

4-о да м. Буёғи энди...

Қўнғирот бахши кўрпачага ўтиш учун кавушини еча бошлайди, ҳамма яланг оёғига қарайди.

3-о да м. Рости билан оёғида чаладимиз?..

Қ о д и р м е р г а н. Тили билан чалса, нима дейсизлар?

Ч о л. Мерганжон, буёғи энди қуйишқондан чиқиш бўлади.

Тилни Худо булбулга берган, одамга эмас-да.

Қ о д и р м е р г а н. Одамнинг булбули, шу йигит, Қўнғирот бахши бўлади! Чал, ота Қўнғиротим! Чал! Бутун дунё эшитсин нолангни!

Бахши кўзларини юмади, дўмбирасини қўлга олади ва... танглай (димоғ)ида худди дўмбира чалгандек овоз чиқара бошлайди. Аввалгилардан ҳам жуда яхши "чалади". Одамлар ундаги ҳар бир ун, нидони илғаб олиш, қалбида туйиш учун жойидан қимирламай тингларди. Йиғламаган ҳеч ким қолмади. Бахши тугатгач, уни келиб қучишади.

1-о да м. Худонинг қудратини қара!

2-о да м. Димоғда-я!

3-о да м. Димоғида чалди-я?! Бунақасини бобомнинг бобо-си ҳам эшитмагандир!

Ч о л. Бунақаси Момо Ҳаво давридан бери йўқ!

4-о да м. Бахши! Сен чиндан ҳам назаркардасан!

1-о да м. Сенга чиндан ҳам Худонинг назари тушган!

Бири келиб бахшини қучади ва ҳўнграб йиғлайди.

2-о да м. Одамни сел қилиб юбординг! Одамнинг юрагига ҳам шунча дард сиғадими?! Бу ўзи юракми ё дарё?

Ч о л. Қани, йигитлар, бахшини бир отинглар-чи!

Йигитлар бахшининг қаршилигига қарамай осмонга отиб ўйнашади. Тўхтатишади.

1-о да м. Бахшини у ёқ-бу ёққа кўпам жўнатавермаслик керак!

2-о да м. Тўғри айтасиз. Кимга керак бўлса, ана, ўзларига бахши топишсин!

3-о д а м. Ана, Ҳошимхон бахшини чақиртиришсин!

Кулишади ва атрофга аланглаб қараб олишади.

Қ о д и р м е р г а н. Бахши элники! Уларнинг насибаси элнинг устида. Индаманг, бошқалар ҳам хизматининг ҳузурини кўришсин. Бўлмаса, қиз бермай қўйишади-я?!

Ч о л. Шундай дейсан-у, Мерган, бахши ўзимизга ҳам керак-да.

1-о д а м. Кўнғирот бахши бизнинг бахшимиз! Уларнинг бахшиси бўлмаса ёки бизнинг бахшидек зўр бўлмаса, биз айбдор эмасмиз-ку!

2-о д а м. Керак бўлса, ўтовининг олдига кўрпа-тўшак қилиб кўриқлаймиз! Қани, биров яқин келиб кўрсин-чи!

3-о д а м. Бахшижон! Яна бир чал! Дўмбирангнинг довушини тоза соғинган эканмиз!

4-о д а м. Чалсин! Эшитайлик! Икки йилдан буён қон қилди-ку бир-иккитаси бахшиман деб.

Қ о д и р м е р г а н. Чал, бахши! Даъво қилган элга чал! Чал-а, қурбонинг бўлай, Кўнғиротим!

Кўнғирот бахши кўзларини юмиб, димоғида чала бошлайди. Аста-секин саҳна қоронғулашади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Мерганнинг ўтови. Ўтовнинг ярим кўриниши. Чол ва мерган суҳбатлашиб ўтиришибди. Мерганнинг хотини куймаланиб кириб-чиқиб турибди.

Ч о л. Шундай дейсиз-у, Мерган, бахши ўзимизга ҳам керак-да. Кейинги вақтлар чақирувлар ҳам кўпайиб кетди. Келганига икки ойдан ошди, бошида уч-тўрт кун турганини айтмаса, орқасини ер искатгани кўйишмаяпти барака топгурлар!

Қ о д и р м е р г а н. Бугун келсин. Тўрт-беш кун ҳеч қаерга чиқармай хизматларингизни қилдираман.

Ч о л. Барака топинг, шундай қилинг. Ҳали келмади, а?

Қ о д и р м е р г а н. Негадир кечикишяпти!

Ч о л. Одам қўшганмидингиз ёнига?

Қ о д и р м е р г а н. Қишлоқнинг лочиндай тўрт сара йигитини қўшганман!

Ч о л. Унда хавотир олмаса ҳам бўлади.

Қ о д и р м е р г а н. Кўп чайналаяпсиз-у, ота, гапингизни айта олмаяпсиз. Гапираверинг!

Ч о л. Сездингми?

Қ о д и р м е р г а н...

Ч о л. Хуллас... нима десам экан... маслаҳатни марддан сўра дейишган, шунга...

Қ о д и р м е р г а н...

Ч о л. Ҳалиги... Садр чопагон бор-ку... ўша одам қўйибди...

Қ о д и р м е р г а н. Ҳм...

Ч о л. Сенга йўлагани бети чидамагандир. Менга...

Қ о д и р м е р г а н. Бет борми у пасткашда. Нима деяпти?

Ч о л. Бахши билан қизининг бошини қовуштирсак деяпти.

Биздан нодонлик ўтибди, деб...

Қ о д и р м е р г а н. Айтинг, жигит тупурган тупугини қайта яламайди.

Ч о л. Мерган?!

Қ о д и р м е р г а н. Бу гапни бошқа қўзғаманг! Садрнинг қандай одамлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку? Қизи ҳам ўзидан қолмайдиган турумсиз экан.

Ч о л. Лекин...

Қ о д и р м е р г а н. Қони қўшилмаган одамнинг суви тинадими, ота?!

Ч о л. Буям бир савоб деб...

Қ о д и р м е р г а н. Бахшини бошқа қишлоқнинг одамларидан қизғонасиз-у, нокасларнинг қўлига бермоқчимисиз? Сизга ҳам тушунмай қолдим, ота?!

Ч о л. Мерган?!

Қ о д и р м е р г а н. Э-э, қўйинг-э!.. Гап шундай, ота! Сиз бу гапни айтмадингиз, мен эшитмадим!

Ч о л. Майли, Мерганжон, бўлмаса, кейинроқ яна бир маслаҳатлашамиз-да?!

Қ о д и р м е р г а н...

Ч о л. Мен бора қолай! Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолибди.

М е р г а н н и н г х о т и н и. Ота, кетаяпсизми? Овқатга уннаётгандим.

Ч о л. Ичиб юрган чойимиз, келинжон, Худо хоҳласа, кейинги сафар.

Чол саҳнадан чиқиб кетади. Мерган у ёқдан-бу ёққа юради. Бахши оҳангларидан бири сокин чалиниб туради. Ит безовта ҳуради. От туюқлари шовқини эшитилади. Мерган чиқишга улгурмай, Исмат киради.

И с м а т. Оға?

Исмат чопағоннинг юзи-қўзи тирналган, ёқалари йиртиқ, абгор ҳолда эди. Исмат йиғлаб юборади.

Қ о д и р м е р г а н. Йиғлама-ей! Нима гап, тинчликми?

И с м а т. Асрай олмадик! Сақлай олмадик, шарманда бўл-дик!

Қ о д и р м е р г а н. Очиқроқ гапир, нима бўлди? Бахши қани?

И с м а т. Тўйдан кеч қайтдик, бек ушлаб қолди... Йўлда юзига қора ниқоб тортган ўн отлиқ бизга хужум қилди.

М е р г а н н и н г х о т и н и. Вой шўрим!

Қ о д и р м е р г а н. Бахшининг тани-жони соғми? Йигитлар соғ-саломатми?

И с м а т. Йигитлар саломат, аммо бас кела олмадик, бизни калтаклаб, бахшининг... бахшининг тилини кесиб кетишди!

Муסיқа. Исмат ўқирганича йиғлаб юборади.

М е р г а н н и н г х о т и н и. Худодан қўрқмайдими булар?!

Қ о д и р м е р г а н. Ким? Ким қилди бу ишни?

И с м а т. Бунақанги нокас ишлар кимнинг қўлидан келишини биласиз-ку! Мамат нокасни овозидан таниб қолдим. Одамларни ўша бошлаб келди.

Қ о д и р м е р г а н. Мамат, Аминнинг лайчасими?

И с м а т. Ҳа, ўша! Ўша!..

Қ о д и р м е р г а н. Ҳе-е, онангни!.. Ҳаммасига мен, мен айбдорман! Мен асрашим керак эди! Ўзим боришим керак эди! Энди эл оралаб қандай бош кўтариб юраман? Бахшининг кўзига қандай қарайман?! Ким, нима деган одам бўлдим? Ўлди-раман, ўт қўяман!

Мерган ўтовда осифлиқ милтиғига тирмашади. Хотини унинг қўлига ёпишади.

М е р г а н н и н г х о т и н и. Отаси, жон отажониси, улар билан тенг бўлманг! Худонинг ўзи жазосини берсин у нокасларнинг!

Қ о д и р м е р г а н. Наритур! (*Исматга*) Бахши қаерда?

И с м а т. Йўлда табибга тўхтаб ўтувдик, мен буёққа...

Қ о д и р м е р г а н. Бахшининг ўтовида кутинглар мени!

Мерган чиқиб кетади. Саҳна ортидан отнинг кишнагани, қамчининг қарсиллагани, туюқ товушининг узоқлашаётгани, бот-бот тушаётган қамчи зарби шовқини эшитилиб туради. Саҳна қоронғулашади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Аминнинг ўтову. Елкасига милтиқ осган давангир қоровул Мамат айланиб юрибди. Саҳна ортидан дарвозанинг тақиллагани эшитилади.

М а м а т. Ким?

О в о з. Энангни эри! Оч эшикни!

М а м а т. Иии-еее?! Ҳе энағарди ули-ей! Мен сенга ҳозир энангни кўрсатиб кўяман!

Мамат саҳнадан чиқади. Саҳна ортидан овоз эшитилади.

М а м а т. Кимсан? Нима дейсан?

О в о з. Мамат деганлари сенмисан?

М а м а т. Ҳа, менман! Нима гапинг бор?

О в о з. Ма!

Шапалоқ овози эшитилиб, Мамат саҳна томонга отилиб тушиб йиқилади ва олишмоқчидек шайланиб ўрнидан туради. Қодир мерган ортидан кириб келади. Маматнинг тобоқдек башарасига мушт туширади. У яна ерга қулайди. Гандираклаганича ўрнидан туриб Мерганга ташланади. Мерган унинг жағи тагига мушт тушуради. Оёғи осмондан келган Мамат қимирламай қолади. Мерган унинг этиги кўнжидан ханжарни олиб, нақ пешонасига санчади.

Қ о д и р м е р г а н. Бунинг ҳаммаси Кўнғирот учун! (Бақиради.) Қани, анави ҳажиқиз, ярамас, пасткаш?!

Хизматкор чопиб кириб келади. Маматнинг жасадини кўриб сесканади.

Х и з м а т к о р. Ҳожи бобо Ҳақ субҳанака ва таоло билан суҳбатда, ибодатда, халақит берманг! Сиз излаган одам бу ерда йўқ, кетинг! Қани, ҳей, мана бу одамни ҳайдаб чиқаринглар!

Қ о д и р м е р г а н. Йўлимдан қоч!

Х и з м а т к о р. Кетинг бу ердан! Ибодат қилишларига халал берманг! Номусулмон, кофирлик қилманг! Аллоҳдан кўрк-майсизми?

Мерган унинг бўрсиқсифат башарасига туширади. Хизматкор чўзилиб қолади. Қолганлари бошларини хам қилиб, эгини қисишганича ўзларини бурчакка олишади. Аёл кишининг эркаланиб қулгани, эркак кишининг минғирлагани эшитилади. Амин ёшгина хотинини эркалаб саҳнага чиқиб келади. Оппоқ тунги кўйлақда, сочлари ёйилган аёл бегона эркак ва жасадларни кўриб чинқириб юборади ва юзини бекитади.

А м и н. Кимсан? Нимага келдинг?

Қ о д и р м е р г а н. Ит эмган, нима ишлар қилиб юрибсан?

А м и н. Мен билан бундай гаплашишга қандай ҳаддинг сиғди? Ҳой, ким бор! Мана бу ялангоёқни кўзимдан йўқотинглар!

Қодир мерган Аминни тепиб ағдаради ва яланг оёғи билан бўғзини босади. Аёл қўрқувдан жимиб қолади. Икки кўзи мерганда.

А м и н. Покиза бўғзимдан ҳаром оёғингни торт! Мен икки марта ҳажга борганман!

Қ о д и р м е р г а н. Ҳажни ҳаром қилиб келиб, яна ҳожликни ҳам даъво қиляпсанми, ҳароми?! У сенга нима ёмонлик қилганди, бунча азоблайсан? Ҳеч нарсага арзимайдиган анаву итваччангни деб шунчаликка бордингми, хунаса? Илгарироқ менинг саманимни олиш учун нима пасткашликлар қилмаган эдинг! Энди бунга тармашдингми, беор?! Сен ғаламиснинг ҳам тўяр кунинг борми?!

Мерган ғазабланиб борган сари оёғи билан малъуннинг юзини эзғилайди.

А м и н. Бу туҳмат! Мен у ялангоёққа ҳеч нарса қилганим йўқ. Бу душманларнинг туҳмати! Маним пок шаънимга доғ туширмоқчи Худодан қайтган ғаламислар!

Қ о д и р м е р г а н. Ким ҳақида гапираётганлигимни қаердан билдинг? Бахши ҳақида ҳали бир нарса деганим йўқ эдику?! Демак, бу сенинг ишинг! Ўлдираман сен нокасни!

А м и н. Ким бор, ёрдам беринглар! Ўлдириб қўяди!

Мерган милтиқ милини Аминнинг оғзига тикади. Унинг кўзи олайиб, уни ўчади. Бармоғи тепкини тобора сиқиб келади.

Қ о д и р м е р г а н. Йўқ! Бу ўлим сенга ҳайф!

Мерган унинг юзига тупуради-да, ортига ўгирилади. Ўтовда осифлиқ турган қилични қинидан суғуради. Аминнинг бошқа хизматкор ва югурдаклари етиб келади, аммо қилич яланғочлаган аламзада баҳодирга яқинлашмоққа журъат эта олишмайди.

А м и н. Раҳминг келсин, ўлдирма мени! Ўлдирма! Истаганингча мол бераман!

Қ о д и р м е р г а н. Тупурдим, молингга ҳам, ўзингга ҳам!

Мерган наъра тортганича шахт билан қилични боши узра кўтарди. Амин калта ва йўғон билаклари билан кўзларини беркитар экан, хотинларникидек ингичка овозда додлаб юборади ва ... ғалати “шовқин...”

Жувон эрига нафратланиб қараб олади-да, бўғилиб йўталганича саҳнадан отилиб чиқади.

Мерган қозиқда илиғлик турган матони Амин томон улоқтиради.

Қ о д и р м е р г а н. Ма, артиб ол!

Мерган саҳнадан чиқиб кета бошлайди.

А м и н. Қаердасанлар, текинхўр ярамаслар. Ишёқмас кўрқоқлар! Ҳаммангни ўлдираман, ҳаммангни зиндонда чиритаман!

Мерган саҳнадан чиқиб улгурмайди, саҳнага кайфи тарқаманган Ҳошимхон бахши чиқиб келади. Мерганни кўриб “Бахши”нинг капалаги учиб ортига тисарила бошлайди. Мерган у томон юради.

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Ёрдам беринглар! (Саҳнадан қочиб чиқади. Ортидан мерган қилич билан қувиб чиқиб кетади.) Ким бор? Ёрдам!..

Қ о д и р м е р г а н. Мана сенга! Мана!

Ҳ о ш и м х о н б а х ш и. Аа-а?!

Аминнинг хотини кўрқиб чинқирганича саҳнага отилиб киради.

А м и н н и н г х о т и н и. Чопиб ташлашди. Бахшини чопиб ташлашди!

Ҳушидан кетиб йиқилади.

Саҳна қоронғулашади.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна. Тун. Қиш фасли. Гулхан атрофида тунги қоровуллар ўтиришибди. Чўғ устига офтобада чой қўйиб ичишмоқда. Бўри улиши эшитила бошлайди. Итлар безовталаниб, унда-мунда ўқ узилади.

Ч о л. Яна бошлади! Увиллашини эшитаяпсизларми, худди одамнинг ноласига ўхшайди.

1-о д а м. Тўғри айтасиз. Бир қарасанг, бўрининг увиллашига ўхшайди. Бир қарасанг, одам нола қилиб йиғлаётганга ўхшайди.

Ч о л. Кулфатнинг иси келяпти, ё уруш бўлади, ё қаҳатчилик.

1-о д а м. Ё вабомикан?

2-о д а м. Худо сақласин-э ҳаммасидан!

3-о д а м. Ҳожибобо айтганларидек, қиёматнинг белгисимикан? Одамлардан иймон кўтарилганига...

Отнинг туёқ товушлари эшитилиб, гап бўлинади. Одамлар бир аланглаб олишиб, суҳбатда давом этишади.

4-о д а м. Айтишларича, бу бўри эмас, бўрисифат махлуқ эмиш.

3-о д а м. Йўғ-э.

Ч о л. Астағфуриллоҳ. Нима балоси бўлди экан?

1-о д а м. Отам раҳматли гўрхов деган махлуқ ҳақида кўп гапирарди, шу эмасмикан. Одамлардан оқибат кўтарилса, гўрдан чиқаркан.

2-о д а м. Гўрхов деганлари қанақа бўлади?

1-о д а м. Зинокор аёл туға олмай ўлса, боласи гўрда қорнини ёриб чиқар экан.

3-о д а м. Ёпирай!

Ч о л. Товба қилдим!

2-о д а м. Астағфуриллоҳ!

1-о д а м. Айтишларича, зинокор аёлнинг танаси ўшангача чиримасмиш!

3-о д а м. Астағфуриллоҳ!

1-о д а м. Агар ўша бола ерни тезда ўйиб чиқа олмаса, онасининг танасини ер экан.

2-о д а м. Астағфуриллоҳ!

1-о д а м. Кейин ёруғ оламга чиққандан сўнг одам гўшти ер экан!

3-о д а м. Дажжол деганлари шумикан?!

1-о д а м. Йўқ! Йўқ! Нималар деяпсиз! Гўрховнинг олдида дажжол деганлари нима бўлибди! Дажжолни кўрганлар бор! Гўрховни кўргулик қилмасин! Гўрховга кўзинг тушиши билан оғзингдан “хоп” этиб жонинг чиқиб кетармиш!

Саҳна ортидан от туёқлари шовқини келади. Қоронғулик қўйнидан Қодир мерган чиқиб, гулхан атрофидагиларга яқин келади.

Қ о д и р м е р г а н. Бас қилинглари-е, уялмайсизларми? Кап-катта одамлар ҳалитдан ваҳимага тушмасдан. Олдин ушланглари, кўринглари!

И с м а т. Мерган оға келди!

4-о д а м. Ие, мерган?!

Ч о л. Мерганжон, омон бормисан!

Қ о д и р м е р г а н. Ассалому алайкум!

3-о д а м. Шунча каллакесар изидан тушганда, қуён овига чиққандек бемалол юришини қаранг.

2-о д а м. Нимасини айтасиз, Худо юракдан ҳам берган-да...

Чол йигитлардан бирини имлайди.

Ч о л. Кўз-қулоқ бўл, мерганнинг келганини Аминнинг ай-ғоқчилари билишмасин! Бирор нарса сезсанг, ҳуштак чал!

Йигит бош ирғаб саҳнадан чиқиб кетади.

1-о д а м (*муғомбирона*). Мерган келди, деб ўзим бориб суюнчи олсаммикан-а?

2-о д а м. Бор, чоп, зора, шу баҳона адрас иштонли бўлиб қолсанг!

1-о д а м. Ким билади, раҳматли Ҳошимхоннинг иштонларидан бирилик бўлиб қоларман!

И с м а т. Оға! Ассалому алайкум!

Қ о д и р м е р г а н. Иним! Исмаатжон! Тинчмисан?! Омон-мисан!

Меҳр билан бағрига босади.

И с м а т. Аллоҳга шукур!

Қ о д и р м е р г а н. Тузук бўлиб қолдингми?

И с м а т. Шукур, анча яхшиман!

Ч о л. Ҳали ҳам жони тошдан экан бола пақирнинг. Юз қамчидан кейин унча-мунча одам омон қолмайди.

Қ о д и р м е р г а н. Ярамаслар! Ҳаддиларидан ошиб кетишди. Кечир, ҳаммасига мен сабабчиман!

И с м а т. Йўқ, оға, ундай деманг! Мен яхшиман, ўзингизни эҳтиёт қилинг! Изингиздан одам қўйишган, эртаю кеч шу ерда. Мана бу (*увиллаётган махлуқ томон бош ирғаб*) пайдо бўлгандан бери кечалари юришмаяпти.

Ч о л. Қутуриб кетишган, ўзларидан ўтганни билишмайди-ю, бор аламини қора халқдан олишмаяпти. Сиз ҳақингизда, бахши ҳақида гапирган борки, хоннинг ҳашарига сургун қилинапти.

1-о д а м. Ҳажга кетган қайтиши мумкин, аммо хон ҳашарига кетган ҳали қайтмаган...

Қ о д и р м е р г а н. Оз қолди, ота, жуда оз қолди. Сабр қилингизлар! Ҳали, ҳаммаси учун жавоб беришади. Худонинг ҳам сабрининг чеки бор! Ҳа, айтгандай, бахшидан хабар борми?

И с м а т. Ҳеч қаерда йўқ. Сиз кетганингиздан кейин бир кун ўтмай изсиз ғойиб бўлди. Амин одамларининг ишими, бошқами, била олмадик. Мени сиз қочган куниеқ юз қамчи билан сийлашганди. Уч кундан сўнг ўзимга келибман.

Ч о л. Чўпон-чўлиқлардан, дарвешлардан сўраб-суриштираяпмиз. Биров кўрдим демайди.

Қ о д и р м е р г а н. Менинг ҳам изламаган жойим қолмади. Изланглар. Суриштиринглар.

И с м а т. Хўп!

Ч о л. Кейинги кунлар унда-мунда совуқ хабар юрибди. Бўри-мўрига...

Қ о д и р м е р г а н. Ота, яхши ният қилинг!

Ч о л. Эссиз, эссиз, бола пақирга тоза жавр бўлди-да. Икки қўл йўқ, забон йўқ, нималар қилаяпти экан, пешонаси бунча шўр бўлмаса.

Қ о д и р м е р г а н (*увиллашга қулоқ тутди*). Бу касофат бир нарсанинг ҳидини олган. Одамга ёмонлик истаяпти!

Ч о л. Увиллаши одамнинг юрагини эзиб юборади. Худди бир нарса демоқчи бўляпти-ю, биз тушунмаётгандекмиз. Шу ёшга кириб бунақасини эшитмаган эдим.

Қ о д и р м е р г а н. Ҳар қалай бу яхшиликка эмас!

Саҳна чети томон юради.

И с м а т. Оға! Мен ҳам сиз билан бораман!

Қ о д и р м е р г а н. Ўтирабер! Изимдан иярма! Бу гапим ҳаммангга тегишли! Уни ўзим бир ёқлик қиламан!

Ч о л. Уни узоқдан кўрганларнинг айтишича, атрофини бўрилар ўраб ўтирармиш. Чўнқайиши ҳам ғалати экан! Бўри бунақа қилиб ўтирмайди, дейишаяпти. Бўлса ҳам, бўрининг зўрига ўхшайди! Амин айтганидек, дажжол деганлари ростмикан, деб қўяман ўзимга-ўзим.

Қ о д и р м е р г а н. Дажжолмиш. Ярамас сурбетнинг ўзи дажжол!

Қодир мерган саҳнадан чиқади, отнинг кишнагани, туёқ товуши эшитилади. Саҳна қоронғулаша бошлайди, увиллаш кучая боради ва қоронғулашган саҳнадан бошқалар ҳам чиқиб кетади. Увиллаш кўтарилади, кўтарила боради. Юксалади, юксала боради. Ўқ овози янграйди. Отнинг югуриб келгани, отдан тушгани ва одим товуши эшитилиб, саҳна аста ёриша бошлайди ва Мерган милтиғи билан пайдо бўлади. Саҳна ўртасида, қоронғу-

роқда типирчилаётган нимадир қорайиб кўринади. Мерган ўша томон юради ва милтиғини яна ўқлайди. Ўша нимадир хирил-лаб ётибди. Мерган яқинлашгач, саҳна ёришади, одам! Мерган уни ўзи томон ўгириб, худди даҳшатли махлуқ ташлангандек сесканиб тисарилар экан, жон алфозда додлаб юборади.

Қ о д и р м е р г а н. Йў-ў-қ!!!

Саҳна ёришади. Бахши! Бахши мерганнинг қучоғида жон талвасасида илкис қимирлаб олиб, синиқ жилмайди-да, секин шивирлайди.

Қ ў н ғ и р о т б а х ш и. Оғ-ға-аа?.. Оғ-ға-аа?..

Бахшининг қонга беланган боши бир томонга оғиб, лаб ларидан оққан қон ерга томчилай бошлади. Мерган ҳасрат ва нафратдан бўғилиб йиғлаганича шу қадар қаттиқ наъра тор-тадики, еру замин титраб кетгандек бўлади. От чўчиб норози кишнайди. Бутун вужуди аламдан қақшаб, кўйлагининг кўксини чок-чок қилганича қўлларини кўкка чўзиб, бор овозда ҳайқиради.

Қ о д и р м е р г а н. Минг лаънат сенга, тақдир! Эшитаяпсанми, минг лаънат! (Телбаларча ҳайқириб, ерда ётган милтиқни олиб тиззасига уриб синдиради. Этиги кўнжидан ханжар чиқариб саҳнадан чиқади. От пишқиради. Мерган бир қўлида кесилган жилов ва от эгарини кўтариб келиб ерга ташлайди.) Бор, жонивор! Бора қол! Озодсан!

От баланд овозда кишнайди ва бор кучи билан югуриб кетади. Отнинг туюқлари товуши узоқлаша боради. Мерган хўнграб йиғлаганича бахшининг жасадини кўтариб қоронғулик қаърига сингиб кетади. Ўша ерда ғилофдаги дўмбира катта тошга суялган қолади. Дўмбира садоси янграйди. Саҳна қоронғулашади. Мусиқа оҳангида ёмғир савалаб ёққани, тоғ-тош оралаб оқаётган сой сувлари шилдираши, дов-дарахтларнинг шувиллаши, отларнинг кишнашию майсазорнинг гувиллаши, ўша оҳанг орасида Мерганнинг гоҳ шодон қаҳқаҳа отиши, гоҳида йиғи-ноласи овози эшитилиб туради.

Саҳна ёришади.

Кўнғирот бахшининг тепаликда тошга суяб қолдирилган ғилофдаги дўмбираси кўринади. Дўмбира томир отган, мато-ғилоф ичидан шохчалари ўсиб чиқиб, кўкка бўй чўзаётган ниҳол пайдо бўлган. У шамолда тебраниб турибди.

ТАМОМ

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА



1990 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтини бакалавр ва магистратура босқичларини тугатган. Пьесалари пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилган, сценарийлари асосида фильмлар суратга олинган. Республика ёш изодкорларининг “Зомин” семинари иштирокчиси. 2018 йилда Москвадаги Халқаро театр уюшмалари конфедерацияси томонидан Арманистонда ўтказилган “III Халқаро ёшлар театр форуми”, Айни пайтда “Жаҳон адабиёти” журналида меҳнат қилмоқда.

360

ВИДО КЕЧАСИ

Монодрама

*Эрон шеърятининг маликаси
Фуруғ Фаррухзод хотирасига эҳтиром ила*

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Аёл.

Номаълум овоз.

* * *

Қоронғи саҳна секин ёришади. Мўъжаз уй ичи манзара-си. Саҳнанинг олд қисмида стол ва стул. Устида китоблар, қоғоз-қаламлар, стул суюнчиғида эркак кишининг шарфи. Бошқа стулда жомадон. Аёл кириб келади. Уйдаги ҳамма нарсага хайрлашаётгандек назар солиб, бироз юради ва сўнг жомадонни олиб тараддудланади. Курсида унутиб қолдирилган шарфни кўради ва қўлига олиб юзларига босади, тўйиб ҳидлайди. Шарфни бўйнига солиб, стулга секин чўкади.

Сиз ҳеч севганмисиз? Бир кимсанинг ишқида абгор бўлиб, ақл-хушдан жудо бўлиб севганмисиз? Кимнидир бир лаҳза кўриш учун ғурур остонасидан қочиб, инсонлик шаънингизни, бор-йўғингизни қурбон қилмоққа борганмисиз? Мен эса бутун умримни шундай яшадим. Инсонни севдим, эркни севдим, ҳақиқатни севдим... Ва Аллоҳни севдим. Мубтало кўнглимни оутмоқ учун қай манзилларга бормадим. Қай кўнгилларни, қай тақдирларни овора қилмадим. Бу оламда ишқ ўтида куйишдан, дардимни дунёга дoston қилмоқдан бошқа юмуш тополмадим. О, соғинчлар... О, шеърлар... О, йиғилар... О, девона қалб... О, Фуруғ Фаррухзод...

Хушёр тортиб нарсаларини йиғиштиришга тутинади. Аммо ғалати бир хиргойи қулоғига чалиниб тўхтайтиди. Хиргойи тобора олислаб боради.

Умрим бўйи таъқиб этди мени бу товуш. Болалигимда беланчакда ётиб ҳам эшитардим бу ғалати овозни. Бу дунёда қулоқларим эслаб қолган товушларим – онамнинг алласию ва мана шу ғалати хиргойи. На сўз, на қўшиқ... на йиғию на кулги... на қушнинг сайроғи, на одамнинг фарёди. Мен, балки, бу товушни хаёлларимда тўқиб олгандирман... Эҳтимол, уни бу оламда мендан бошқа ҳеч ким эшитмас...

– Она, эшитяпсизми, девор ортида кимдир йиғляпти!

– ...

– Фаридун, акажон, боғ томонда ким куйлаяпти?

– ...

– Пурам, эшит, кимдир чорлаяпти.

– ...

– Ота, сиз ҳам эшитмаяпсизми? Кимдир чорлаяпти...

Дарвоқе, менинг отам Муҳаммад Бакир Фаррухзод ҳарбий одам эди. Шунинг учун уйда биз билан камдан-кам бўларди. У Ризо шоҳ ҳукуматига хизмат қилар, асосий вақти гоҳ у шаҳар, гоҳ бу шаҳарда ўтарди... Фақат хизматдан четлашганидан сўнггина кун бўйи уйда қоладиган бўлди. Шунда ҳам биз билан жуда оз гаплашар, кун бўйи хонасига қамалиб олиб, китоб ўқиш билан ўзини оутарди. Ҳеч ким билан, ҳеч нарса билан иши йўқ эди... Энди англасам, бечора отамнинг истибдоддан боши чиқмаган бу халқдан, буюк тарихи поймол бўлаётган, келажаги топталаётган юртдан, жамики манфур одамлардан кўнгли қолиб, дунё ишларига қўл силтаган экан. Гоҳ у, гоҳ бу ғанимга муқаддас тупроғини бостирган, гоҳ ўзини-ўзи парчалаётган, миллат қадрини арзонга сотган замонасозлик отамнинг қалбини эрта ўлдирган экан...

Содда онам эса сиёсатнинг бу ифлос ўйинларини, дунёни бўлишолмай бир-бирини қираётган манфурларнинг қора ишларини Худодан деб билар, унинг қаҳридан фориг бўлмоқ учун тинмай ибодат қиларди. Акаларимга, менга, сингилларимга ва ҳатто мана шу боғдаги гулларга ҳам дуолар ўргатарди. Аммо менинг онамга ўхшаган минглаб оналарнинг дуоси ҳам бошимиздаги қора булутларни ҳайдолмади.

Уруш бошланди.

Шаҳарни аллақандай бегона, совуқдан-совуқ кишилар босди. Кўча-кўйда гоҳ инглиз, гоҳ рус ҳарбийлари изғиб юрарди. Биз каби минглаб болалар таҳлика остида мактабга қатнар эди. Мен эса худди хаёлларимдагидек ҳамма бахтли ва тўқ яшашини истардим. Кажрафтор чархини ўзим истаган тарафга қараб айлантириб юборгим келарди. Истардим-у, нега бу мумкин эмаслигини тушунолмасдим.

Онам, бу оламда фақат Худодангина қўрқиш керак, дер эди. Аммо биз нега қўрқамиз, кимдан қўрқишимизни тушунолмасдим. Бу саволни кимгадир берганимда ҳам ҳеч ким менга тушунтириб беролмасди. Ўшанда мен истаётган бирдан-бир нарса эрк деб аталишини билмасам-да, аммо уни ҳа-

миша чуқур ҳис этиб турганман. Эрк ҳам бир ишқ. Ишқ ҳам эркнинг бир шакли аслида. Уни топмоқ учун кўп нарсаларга тайёр эдим.

Қизлар мактабига ўтганимда эса ҳаётга ва ўз орзуларимга бошқачароқ қарай бошладим. Назаримда, кўпроқ ўқисам, ҳаммадан кўпроқ нарсаларни билсам, буларнинг ҳаммаси ўзгарадигандай туюларди. Ҳатто немислар, инглизлар, французларнинг тилини ҳам ўрганишга киришдим. Суратлар чиздим... Китоблар ўқидим. Хайёмдан Фузулийгача ёд олдим. Ва бир кеча... Худо ёрлақаган бир кеча мен... шеър ёздим! Ўзим излаётган самовий эркнинг бир лаҳзасини ўша тунда ҳис этдим. Назаримда, Яратганнинг ўзи, дунёдаги жамики гўзаллик мен билан тургандек туюларди. Аммо буни ҳеч кимга айтмас, айта олмасдим. Бу сирли туйғуни ёлғиз ўзим туйишни истардим.

* * *

Хира нур остида энди ёш қиз кўринди. Унинг дилига шеър қуйилган. Бу шеър бизга ҳам эшитилади. Қиз ёнига каптар шаклида хат учиб келади. У чўчиб ва иккиланиб хатни очади.

Кимсиз?

Нега менга бундай мактуб ёзасиз? Нега сўзларингиз бунча ғамгин?..

Бу менга ёзилган илк ишқ изҳори эди. Аммо уни ким ёзди экан? Бу сирли ошиқ кимлигини билолмадим. Аммо у узоқ вақтга қадар менга хатлар ёзишдан тўхтамади.

Мактублар кетма-кет саҳнага келиб тушаверади. Қиз эса уларни бирини олиб, бирини ўқийди. Сирли изҳорлардан сармаст чоғида фондаги майин куй бирдан жиддий тонга ўзгаради.

Шундай кунларнинг бирида уйимизда бир басавлат кишини учратдим. Кейин билсам, у тоғаваччамиз Парвин экан. Мен уни илк бор кўришим эди. У кўп йиллардан бери Абхазда яшаб, ҳукумат идораларининг бирида хизмат қиларкан. Орадан бир неча кун ўтиб, мени ўша Парвинга унаштиришди. Мен эса қарши бўлдим.

Онажон, мен рози эмасман. Ахир, уни севмайман... Ҳатто яхшироқ танишга ҳам улгурганим йўқ... Қиз кўнгли ҳам кўнгил-

ми? Бизнинг жамиятда аёл ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмай-дилар. Мен ҳам отамнинг ихтиёрига қаршилиқ кўрсатолмадим. Фақат бошимда ҳамон бир хаёл айланарди. Наҳотки менинг тақдирим ўша бўлса? Ҳар кеча девор ортида пойлаб, менга мактублар ёзгувчи сирли ошиқ нима бўлади? Нега у жим?!

Тўй садолари бошланади. Қиз келинлик рўмолини қўлига олади. Ғамгин-ғамгин рақс тушади.

Ўша маъсум тунда мен келин бўлдим,
Бирикдим ақоқий бошоғи билан.
Исфаҳоннинг мовий кошинлари ҳам
Ўша тун фарёдга кетганди тўлиб.
Ярим бўлагимга айланган кимса
Қайтганди ичимга ҳомила бўлиб.
Мен уни ойнада кўриб турардим,
Ойнадай соф эди,
Чорлади мафтун.

Ўша маъсум тунда мен келин бўлдим...

Нега йиғлаганди онам ўша тун?

(Р ўмолни истамайгина бошига ўрайди.)

Хуллас, тўй бўлди. Мен ўшанда ўн олти ёшда эдим. Унинг ёши эса меникидан қарийб бир баробар катта эди. Биз Парвин билан Абхазга жўнадик ва мўъжазгина уйимизда бирга яшай бошладик. У ҳукумат ишларида хизмат қилишидан ташқари анчагина танилган ёзувчи ҳам эди. Қолаверса, бир-биридан ажойиб ҳажвий суратлар чизарди. Мен ҳам бора-бора унга кўникиб қолдим. Ҳатто қалбимда унга нисбатан илиқ ҳислар уйғона бошлади. У нимаки ёзса, биринчи бўлиб менга кўрсатарди ва табиийки, шеърларимнинг ҳам ёлғиз тингловчисига айланганди. Мен шуларнинг ўзини бахт деб билдим... Кунлар эса дарёдек оқиб ўтаверди.

Бир куни у мени театрга олиб борди ва ҳаммаси ўшандан бошланди. Ўша куни театрда унинг асари саҳналаштирилганди. Томошадан сўнг бир қанча номдор шоирлару адиблар уни табриклаш учун кичик зиёфатга йиғилишди. Ўша даврада унинг дўстлари билан танишдим ва ҳамма каби мен ҳам шеър ўқидим. Давра менга шу қадар мухлис бўлдики, эримни қутлаш ҳамманинг ёдидан ўчди. Буни фақат мен ва Парвиннинг ўзи англаб турарди. Шундан сўнг у ўзгариб қолди. Мени уйдан чиқармайдиган одат чиқарди. Сездим, сездим нималарни-

дир сезгандек бўлдим. Юрагимнинг унга боғланган қаеридир узилди...

Ким бу, абадият йўлида туриб,
Ваҳдат лаҳзасига йўналган бот-бот?
Мангулик фурсатин,
Ҳисоб илмининг
Мантиқлари билан жўр айлаган зот?
Ким бу?
Хўрозларнинг қичқириғини
Кун эмас, нонушта боши деб билган?
Ким бу?
Бошига ишқ тожин кўндириб,
Келинлик либоси ичра чириган?

Ҳа, мен келинлик либосида чирий бошладим. Балки, бу у қадар улкан фожиа эмасдир. Ҳар ҳолда, мен ўзимни беихтиёр қафасга солинган, қафасда ҳам куйлаш тақиқланган бир кушдек ҳис этардим. Шу сабабдан ўртамизда тез-тез жанжаллар пайдо бўларди.

Парвиннинг ошнолари, шоир Нодир Нодирпур ва ёзувчи Сиддиқ Чубаклар уйимизга тез-тез меҳмон бўларди. Айниқса, Нодирпур шеърларимнинг ашаддий харидори эди. Шу сабабдан биз у билан самимий дўстларга айландик. Ҳатто, у менинг шеърларимни рўзнамаларда эълон қилдира бошлади. Бу эса борган сари Парвиннинг ғашини келтирди. Ҳатто, дўстларини ҳам уйга келтирмай қўйди. У мени тобора тўрт девор ичига қамашга ҳаракат қиларди. Ҳа, у мендан шон-шуҳратни қизғанаётган эди. Орамизда кўринмас, қўл билан тутиб бўлмас рақиблик пайдо бўлганди.

Аммо орамиздаги ришта ҳаққи, мен буларга парво қилмасликка интилдим. Чунки танимда унинг зурриёти улғаяётганди. Фарзанд кутаётганимни эшитиб, Парвиннинг менга муносабати бироз яхши томонга ўзгарди. Ниҳоят, кўзим ёриди. Ўғил! Худо бизга ўғил фарзанд инъом этди. Унга Камиёр деб исм қўйдик.

О, оналик бахти! У мени яна ҳам шоир қилди. Яна ёздим. Энди ёзмаслик мумкин эмасди. Худойим кечаю кундуз бошимдан сўз ёғдирди. Кўксимдан меҳр булоқлари тизгинсиз отилиб чиқди. Аммо... мен энди бу туйғуларни Парвин билан бўлиша олмаслигимни яхши билардим...

Аёл ёза бошлайди. Борган сари жазовага тушиб, қоғозларни сочиб юборади.

Ҳаммасига кўнгандим. Ҳаммасига чидашим мумкин эди! Фақат у мени бу қадар таҳқирламаслиги керак эди.

Қандай тилинг борди? Ахир, у бизнинг дўстимиз. Наҳотки мени шу қадар тубанликка боради деб ўйласанг? Сен ҳасад қиляпсан менга! Шон-шуҳратингни тортиб олишимдан кўрқяпсан. Агар шундай бўлса, кўрқма, Парвин Шопур! Бу шеърларни сендан бошқа ҳеч кимса кўрмайди. Ахир, биз бир оиламиз. Менга бундай қарама! Менга хиёнаткорга қарагандай қарама!

У ғазабда ҳамма шеърларимни ўтга ташламоқчи бўлди.

Нималар қиляпсан? Ундай қилма, ёлвораман!..

Нима? Ё мени, ё шеърни танлайсан дейсанми?.. О, азизим, бекор қўйдинг бу шартни. Ахир, қандай одамсан? Агар мени заррача тушунолганингда ҳеч қачон бундай шарт қўймаган бўлардинг. Нима? Аёл? Ҳа, мен аёлман! Бу жамиятда аёллик нимани англатишини ҳам жуда яхши биламан. Аёл зоти сиз, эркакларнинг қай бир ифлос кўчаларда кирланган этигингизни беминнат тозалашга, қорнингизни тўйғазиб, наҳслик нуқси уриб кетган юзингизга кулиб қарашга умрбод ёлланган бир кул! Бу юртда туғилган ҳар бир аёл шундай оғир жазони бўйнига олиб яшайди. Аёл бу фақатгина жисм эмас, унинг ҳам қалби бор. Сен машҳур ёзувчи, доно сиёсатдон эса буни билмайсан. Билсанг ҳам, тан ололмайсан! *(Юзига тарсаки тушади. Аёлнинг кўлидан қоғозлар сочилиб кетади.)*

Ажрим? *(Суқут.)* Ажрим бўлса, ажрим... *(Бошидан рўмоли тушади.)* Фақат ўғлимга тегмайсан. У мен билан қолади. Ўғлимни менга берсанггина имзо чекаман.

* * *

... Ахир, сўз бергандинг! Эй номард, ўғлимни қайтар! Болам! Камиёр! Ёрдам беринглар! Ҳали у жуда кичкина, атига бир ёшда. Ахир, у менсиз қандай яшайди? Менга ачинмасангиз, норасида гўдакка раҳмингиз келсин!..

Аммо мени ҳеч ким эшитмади. Мен бош уриб бормаган бирор идора қолмади. Ким-кимларга ялиниб-ёлвормадим... Ким-кимларнинг олдида йиғлаб қон-қақшамадим.

Қонун!

Эҳ, одамлар! Қандай қонунлар ўйлаб топгансиз ўзи?! Бир ёнда табиат қонуни! Бир ёнда жамият! Яна бир тарафда дину эътиқод! Ва энг даҳшатлиси, кўнгил қонуни. Бу қонунларнинг бари бир-бирини инкор этиб турса, қандай яшамоқ керак?! Қай бирига бўйсунмоқ керак?!

Менга эса фақат кўнгил қонуни ҳукмини ўтказа олди. Фақат кўнгил қонуни. Бошқа қонунлар эса мени ва боламни қурбон қилди, холос.

Салом, эй танҳолик мўъжизаси, ол,
Ўлан-тўшагимни топширдим бадар.
Зеро, ул қоп-қора булутлар доим
Тоза оятлардан бергуси хабар.
Зеро, бир дона шам гувоҳлигида
Ёруғ сир-асрорлар ниҳондир қат-қат.
Бунӣ ёйилган ва интиҳо топган
Ўша шуъла яхши англайди фақат.
Фақат... фақат... фақат...

Ажримдан сўнг мен боласиз кучоғимга тугунчагимни босганча на ўлигу, на тирик бўлиб ота уйимга қайтдим. Бу пайтда мен бор-йўғи ўн тўққиз ёшда эдим... Парвин ўғлимни қишлоққа, ота-онасининг қарамоғига олиб кетди. Болам ҳар кеча тушларимга кириб чиқар, уни соғиниб тонгга қадар йиғлаб чиқардим. Уни бир кўриш учун ойлаб саргардон бўлдим. Аммо нетайки, мен уни кўролмадим. Ҳаётим тобора бўшлиққа тўлиб борарди. Бу мен ҳаётимда кўрган катта зарбаларнинг биринчиси эди. Дунёда бир одамни тушуниш бу қадар қийин иш эканлигини тасаввуримга сиғдиролмадим. Ичимда жавобсиз сўроқларим шу қадар кўп эдики, улардан қутулолмай ақдан озай дердим.

Нажот истаб қайга бош уришни билмасдим. Бўғзимни маҳкам сиқиб олган алам қўйиб юбормасди. Аламимдан, ёлғизлигимдан, ночорлигимдан фақат ёздим.

(Сочилиб ётган қоғозларни битта-битта териб олади.)

Тилимга не сўз келса, юрагимда қандай ҳис чулғаса, бошимни қайси фикр тимдаласа, барини яширмай қоғозга тўкиб-сочдим. Мен бу изтироблар қаърида фақат ўзимни қоғозга битдим. Тақдир зарбаларига дош беролмай ўз ғамига асир бўлган мен девонанинг нолалари бир девон бўлди.

Мени бутун Техрон ўқиди. Телбавор руҳим, девона қалбимнинг нолаю исёнларини ҳамма билди. Улар кимларнидир

ачинтирди. Кимларнидир йиғлатди. Яна кимларнингдир эса газабини кўзгатди. Айниқса, мамлакатнинг мутаассиб тўрала-рию руҳсиз руҳонийларининг сўнгсиз маломат тошлари ости-да қолдим. Бу тошлар қалбим ойнасини чил-чил синдирди. Атрофимни чир айланаётган ғийбату туҳмат тўфонлари умидим чироқларини ўчирди. Исноднинг бурқсиган тутунидан юзим қорайиб кетди. Улар босган саёқ хотин, ахлоқсиз, бено-мус деган тамғалар пешонамни куйдирди.

Бу руҳий тазйиқлардан ўзимни йўқотиб қўйдим. Оилам-дан, дўстларимдан, жамики одамлардан безиб қолдим. Ўзимни ҳаммадан олиб қоча бошладим. Ўшанда шунчалар ёлғиз эдим, шунчалар бир дилкашга, бир ҳамрозга зор эдим. Ҳабибман деб келганларга дилимни ёрсам, уларга эса бошқа нарса... менинг ёлғизлигим керак экан. Эрсиз гўзал жувонга, яна саёқлик тамғаси манглайининг қоқ ўртасига урилган аёлга қайси эркак тўғри кўз билан қарасин? Қайга бормай, Техроннинг беркиниб ётган шайтонлари йўлимдан чиқди. Бу шаҳар мен учун жаҳан-намнинг ўзига айланди. Этагимга ҳар ит осилиб кўра бошлади. Менга шармандалик тамғасини босган одамлар энди номимга қўшиб танимни ҳам бадном этмоқчи бўлдилар. Жамики эркак зотининг юзидаги ниқобларини юлиб отгим келар, барини бир ҳужрага қамаб, ўт қўйиб юбормоққа тайёр эдим.

Аmmo мен аёлман. Мени кимдир асраши керак! Бутун дунё-ни остин-устун қилмасимдан менга кимдир нажот кўрсатиши керак!

Қаердасан, Худойим?! Йўл кўрсатгин менга! Бир чора бер-гин!

...Бош олиб кетаман! *(Саҳнада сочилиб ётган ҳамма нар-сани йиғиштиришга тушади.)* Бу қалбсиз одамлардан, ғофил зоҳидлар, бешафқат замонасозлар орасидан кетаман! Энди ортга қайтмайман. Қайтгин десалар ҳам қайтмайман! Оёғимга бош уриб ёлворсалар ҳам қайтмайман!

Жомадонни олиб чиқиб кетади.

* * *

Саҳна ёришганда Аёл очиқ жомадон ёнида суратларга ти-килиб ўтирган ҳолатда намоён бўлади.

Минг тўққиз юз эллик олтинчи йил. Англия.

Мен у ерда тўққиз ой яшадим. Инглизлар тилини яхши билганим учун тилмочлик қилдим. Кинематография бўйича сабоқ ҳам олдим. Ижод кишилари билан танишдим. Саёҳат изтиробларим ҳароратини боса бошлади. Мен ҳамма азиз нарсаларимни Техронда қолдириб келдим деб ўйласам, ўша шоир қалбим мен билан келган экан. Яна ёздим. Мен бир умр ахтариб келган эрк аслида ўз ичимда эканлигини англаб етдим. Аммо болам ёдимга тушганида, ҳар сафар уни тушларимда кўрганимда юрагимни ғам босар, ўзимни қўярга жой тополмай ўртанардим.

(Денгиз шовқини... У ўрнидан туриб қирғоқда гўё тошлар отиб ўйнайди. Кўнгил ғашлигини ҳайдолмай, узоқ-узоқларга тикилиб туради. Аллақаердан эркак овозида унинг байтлари ўқила бошлайди. Аёл атрофига қараб овоз эгасини ахтаради.)

Мен уни илк бор ўша денгиз соҳилида учратдим. Бу овоз ва кўпдан бери эшитмаганим – форсий каломдан юрагим ҳапқириб кетди. Ўша денгиз соҳилида не кўз билан кўрайки, маълуму машҳур Иброҳим Гулистон менга жилмайиб қараб турарди. Мен унинг сиймосида ватанимнинг бир парчасини кўргандек қаршисига югуриб бордим. Қандай бўлмасин ўз юртимни соғинган эдим... Ўша кунни у билан то қуёш ботгунча гаплашдик. Бегона юртда, яна қалбим хуфтон бўлган бир пайтда Худонинг ўзи уни менга етказди. Иброҳим бу ерларга янги фильмини суратга олиш учун келганди.

У билан деярли ҳар кунни кўришиб турдик. Энди бир-биримизни яқиндан таниган бўлсак-да, руҳимизда минг йиллик қадрдонлик бордек эди. Уни учратган кунимдан юрагимдаги куз баҳорга эврила бошлади.

Сени учратганимдан бахтиёрман, дердим. Қалбимда жўш урган ҳаётбахш ҳисдан қайта тирилганимга ишонолмасдим. Ҳаммаси тушга ўхшарди. Мен ҳаяжондан гоҳ йиғлаб, гоҳ жилмаярдим. *(У билан хаёлан вальс туша бошлайди.)* Азизим, тилаб топганим... Қаерда бўлгансан шу кунга қадар? Сени одамлар ичра қидирганимда, ҳар каснинг нигоҳидан сени излаб адашганимда қаерларда бўлгансан? Нега ҳаётимга бу қадар кеч келдинг?

Ўшанда бу бахтиёр кунлар ҳеч қачон ҳаётимни тарк этмайдигандек туюларди. Аммо... Бир кеча тушимга ота уйим кириб чиқди. Уйимизнинг барча чироқлари ўчиқ, зим-зиё эмиш. Мен эса йиғлаб онамни излаб юрганмишман...

Бу недан далолат? Балки онамни, яқинларимни соғинга-

нимдан кўргандирман бу тушни. Техронга қайтгим келарди. Аммо аянчли хотираларим ёдимга тушиб, юрагим орқага тортиб кетарди. Яна ўша ҳиссиз нигоҳлар... Бағритош кимсалар... Ғийбату маломат...

Тушимни соғинчга йўйдим.

(Бирдан эшик қаттиқ қоқила бошлайди. Сўздан тўхтаб, бориб эшикни очади ва қўлида телеграммани ўқиганча қайтади. Кутилмаган хабардан ўзини йўқотади.)

Йўқ, онажоним!..

Фариштам!..

Тавоф қилишга улгурмаган Каъбам менинг!

Қадрига етмаган жаннатим менинг!

Ёниб адо бўлган кўёшим менинг!..

Мен бу мудҳиш хабарни эшитиб, зудлик билан чипта сотиб олдим. Иброҳим мени аэропортга кузатиб қўйгани чиқди. Унинг борлиги зим-зиё қалбимнинг бир четини ёритиб турарди. Хайрлашиш олдидан у менга тинмай таскин берар ва кўзларимга шундай тикилардики, бу кўзларда ҳадсиз бир ошиқлик ва мунг акс этиб турарди. Унга нималардир дегим келар, аммо шу тобда тилимга бирор жўяли сўз келмасди. Уни бағримга босдим ва биз хайрлашдик...

Кўришгунча... кўришгунча... кўришгунча...

* * *

Дастлабки саҳнадаги уй манзараси. Аёл қоронғи саҳна ўртасида бир ўзи қарахт ўтирибди. Ёнида жомадон очиқ. Бир тола нур у ёқдан-бу ёққа юраверади. Аёл уни тутмоқчи бўлиб, хушсизларча эмаклаб ҳар тарафга юради. Нур ғойиб бўлади.

Уйимга келганимда эса у худди мен тушда кўрганимдек нурсиз ва ҳувиллаган эди. Онамни аллақачон сўнгги манзилга кузатиб бўлишган яқинларим бирма-бир ўз манзилларига қайтишди. Акаларим бири Австрияга, иккинчиси Германия сари учиб кетди. Сингилларим ҳам ўз оиласи бағрига қайтишди. Бу зим-зиё уйда эса яна ёлғиз ўзим қолдим.

Ота уйим! Ёлғизликда ҳувиллаган кулбам! Тирик жон қолмаган бечора уйим! Сен мени унутмагансан. Ҳа, бу мен Фуруғман. Ўша сенинг бағрингда балиқлар боққан, гуллар ўстирган, манави дарахтлар остида ширин орзуларга берилиб улғайган

Фуруғман. Аммо, қара, йиллар иккимизни ҳам ўзгартирибди. Сен бошқача эдинг, файзли, бир вақтлар Техрондаги энг яхши уй эдинг. Мана бу ерда суви тиниқ ҳовуз бўларди. Унда биз балиқ боқардик. Мана бу ерда эса гулзор бўларди. Онам уларни парвариш қилишни яхши кўрарди. Ана у хурмо дарахтини отам менга атаб экканди. Қани ўша кунлар, қани мен билган ўша оила? Ҳамма ёқ хазон, айрилиқ, ажал ва совуқ бир жимлик. Ҳаммаси ўтди-кетди. Кечаги кундан ҳеч нарса қолмади... Ҳатто ўзим ҳам кечаги Фуруғ эмасман.

(Узоқдан ўша таниш хиргойи яна эшитила бошлайди.)

Эй, мубҳам садо! Бу ўтмиш деворини сен йиқиб ўтганинг билан барибир ҳеч нарса ўзгармайди! Чунки энди менга ҳеч нарсани англатамаяпсан! Ҳеч нарсани ҳис этмаяпман. Жинми-сан ё одам, шайтонмисан ё фаришта, ким бўлсанг ҳам, энди мени тинч қўй.

Онажон. Сизни жуда соғингандим. Нега бундай бўлди? Нега мен энг қимматли нарсаларимни асрай олмайман? Нега мени бор этиб турган азизларимдан бир-бир жудо бўляпман? Менга энди қандай яшамоқликни ўргатинг...

Сочимни шамолда тарайми яна?

Бинафша экайми боғларга тағин?

Шамдонларни қўйиб чиқайми бир-бир,

Дераза ортига – осмонга яқин.

Рақс тушайми тағин шиша устида?

Мени тағин эшик қўнғироқлари

Сокин чорлаб, олиб кетсинми яна

Ўшал интиқ ва зор садолар сари?

(Оёққа туради.)

Одам онасини йўқотса ҳам, боласини йўқотса ҳам ўлмас экан. Бу жон дегани шунчалар қаттиқ эканки, эзгин руҳни чангаллаб яшайверар эканки, то Яратганнинг ўзи “бўлди, бас” демагунча уни қўйвормас экан. Кўнгил дегани ҳам бир беқарор, сўқир бўлар экан. Айтганини қилдирмасдан қўймас, жонни ҳам ўрташдан толмас экан.

Мен ҳам ўлмадим. Яна ўз ҳаётимни келган жойидан яшашда давом этавердим. Эронда эса сиёсий вазият яна беқарорлашиб борарди.

(Стул ёнида ўтириб, хат ёза бошлайди.)

“Азизим Иброҳим Гулистонга.

Салом, азизим. Юборган мактубингни кеча олдим. Яқин

ойларда қайтишингни эшитиб қанчалар қувонганим Яратганга аён. Сени соғиндим. Овозингни, гапларингни соғиндим. Мендан сўрасанг, энди ўз қисматимга тик қарашни ўрганяпман. Яъни, ўша эски гаплар, мен ҳақимда айтилаётган жамики рост-ёлғон сўзларни бефарқ қолдиришга ҳаракат қиляпман.

Эсингдами, ўша унутилмас кунларимизнинг бирида сен менинг шеърларимни қушларга ўхшатган эдинг. Ҳа, мен уларни бағримдан озод қиламан-у, ўзим тутқунликка дучор бўлавераман. Ўша-ўша, бу ерда ҳамон мендан нафратланадилар. Энг ёмони, шоҳ ҳукумати билан руҳонийлар орасидаги зиддият тобора жиддийлашиб боряпти. Шоҳнинг ислохотлари дин пешволарига ёқмаяпти... Қачон тугар экан бу нифоқлар... Бу озурда халқнинг ярасига қачон малҳам топилар экан? Буларни кўриб қалбимдаги исёнларим ортиб боряпти. Бу исёнларим яна бир китоб бўлди. Уни дўстим Нодир Нодирпурга бағишладим. Бу шаҳарда мен суянадиган ягона одам у. Бу шеърларни сенга ҳам илиндим. Юрагимнинг чинқириқларини тинглашингни истайман. Сени интиқ кутгувчинг Фуруғ Фаррухзод”.

Мактубни каптар қилиб томоша залига учуриб юборади.

Мени дунё ўқий бошлади. Шеърларим одамларнинг қалбига етиб борди. Аммо ўз элим... *(Форсийда эса таъналар шовқини кучайиб боради. Аёл қулоқларини кафтлари билан беркитади. Кейин парво қилмай кулади.)*

Яна худди аввалгидек кўплаб мутаассибларнинг ғашига тега бошладим. Рўзнамаларга менинг номимни қоралаб ёзишди. Китобларим дўкон расталаридан туширилди. Аммо бирдан-бир таскиним шуки, мен ўзимга одамларнинг юрагидан паноҳ топдим. Ғанимларим мени йўқ этишга ҳар қанча уринишаётган бўлса, одамлар шунча олқишга кўмдилар. Улардан уйимга тинимсиз хатлар кела бошлади.

Дастлабки саҳнадагидек қоғоз каптар саҳнага тушади.

“Азиз Фуруғизамон, сизнинг атрофингизда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлсак-да, барибир, сизни безовта қилишга жазм қилдик. Сабаби, сизни кўп йиллардан бери ўзига қадрдон билгувчи бир бемор шу кунларда қазо қилди. У ўлимидан сўнг сизни жамиятимизга таклиф этишимизни истаганини сизга билдириб қўйишни бурчим деб биламан. Имкон топиб жамиятимизга ташриф буюрсангиз, бизни ғоят хурсанд қилган бўласиз. Чексиз эҳтиром ила доктор Солиҳ Амирзода”.

Хат Табриздан келган эди. Қизиқ... Табризда менинг қандай яқин одамим бор экан? Бир неча кун таажжубда юргач, охири у ерга боришга қарор қилдим.

* * *

Хатда кўрсатилган манзилга кўра Табризнинг бир чекка жойига етиб бордим. Мен борган дарвоза пештоқига “Моховлар калоннаси” деб ёзилган эди. Мени ичкарига бошлаб киришганда эса у ердаги одамларни кўриб хушим бошимдан учаёзди. Биз мохов деб атайдиган касалликка чалинган минглаб одамлар менга ҳадик кўзлари билан қараб турарди. Майиб-мажруҳ таналар, кўримсиз нигоҳларнинг бирини кўриб сесканган бўлсам, бошқасини кўриб раҳмим келарди.

Наҳотки, биз яшаётган оламда шунча майиб-мажруҳ одам бўлса? Худойим бандаларига нега бундай дард берди экан, нега уларни бунчалар жазолади экан? Ўзидан ийманиб, бу ёруғ жаҳондан бегонасираб яшаётган бу бечораларни кўриб бошимни ана шундай шаккок саволлар чулғаб олди. Қай бир карахт аҳволда бўлмай, ўзимни қўлга олиб, ўша мажруҳ одамлар билан суҳбатлашмоқчи бўлдим. Улар мендан ийманар ва сўзимга жавоб бермай ўзларини олиб қочарди. Болалар эса менга нажоткорга қарагандай мўлтирарди. Мени ўлимидан аввал йўқлаган кимсанинг ким эканлигини доктор Солихдан эшитганимда эса тамоман лол бўлиб қолдим. Мансур... Мен болаликда ўйнаб, бирга улғайганим қўшни йигит Мансур... У ҳам шундай хасталикка чалинган эди. Мен турмушга чиққач, қайтиб уни кўрмагандим. У эса умр бўйи унутмабди.

Мен Техронга қайтар эканман, сира ўзимга келолмасдим. У ерда кўрганларим хаёлимдан кетмасди. Қайга бормай, нима қилмай, ўша кўримсиз, майиб-мажруҳ қиёфалар ичра мўлтираб турган умидсиз кўзлар кўз олдимдан кетмай қолди.

Ё, Худойим, нима учун бундай яратгансан уларни? Ичимда бу савол тўфондай айланарди. Ва бирдан онгимни бир фикр чақиндек ёритиб юборди. Улар Яратганнинг ғофил бандаларига ишорати. Бу мажруҳлар бу оламга бошқа бандаларини синаш учун, Яратганнинг қудратини эслатиш учун келган. Уларни кўрган одам, албатта, хушёр тортади, қалбида раҳмшафқат ва чинакам шукроналик ҳисси уйғонади. Бу одамлар сабр-тоқати билан биздайлардан анча юксакдадир. Бир умр

сенга жирканиш билан қарашларига чидаш, ўзингни жирканч ҳис этиб яшаш учун қанчалар ирода керак?

Ўша кунларда Иброҳимнинг Техронга қайтиб келгани ҳақидаги хабарни эшитдим. Уни жуда кўргим келарди. Аммо йўқлаб боришга сира ҳаддим сиғмасди. Нимадир йўлимга тўсқинлик қиларди. Балки, ғурур... Балки, виждон... Ундан ранжишга аслида ҳаққим йўқ. Аммо билмайман, уни кўрмасликка яна қанча чидар эканман... Не бахтки, кутмаган кунимда унинг ўзи қаршимда пайдо бўлди. Ўша кеча муҳаббат бизни енгди. Гуноҳиму савобим қалбимга қўшилиб ёнди.

Гуноҳ кулар эди икки кўзида,
Юзида куларди тўлган ой нури.
Ўша сокин лаблар узра куларди
Шуъланинг бепаноҳ сеҳри, сурури.
Уялиб кетарди гунг бир истакдан,
Порлаган нигоҳи – мастликка мойил.
Боқиб унинг икки кўзига, дедим:
Кўтармоқ керакдир бу ишқдан ҳосил.
Соянинг устига эгилди соя,
Сеҳрли хилвати эди қоп-қора.
Гуноҳнинг юзида сирғалди нафас,
Бўса порлаб кетди икки лаб ора.

Ўша кеча бир аянчли туш кўрдим. Тушимга унинг, Иброҳимнинг фарзандлари кирди. Улар менга нималардир деб ёлворарди. Мен эса болаларнинг илтижоли кўзларига боқиб, ҳеч сўз айтилмас, фақат юм-юм йиғлардим. Тонгда эса унинг кўллари менинг кўзёшларимни артаётганини сезиб уйғондим. Уйғондим-у, зор қақшаб унинг кўксидан итардим. Севгидан юз буриб, фақат бирга ижод қилиш, фақат яхши дўстлар каби яшаш шартини қўйдим. У эса кўзларида жиққа ёш билан сўзларимни гўё эшитмаётгандек тикилиб турди-да, кўлларимни ўзига тортиб, мени қаттиқ бағрига босди ва узоқ вақт қўйиб юбормади. Иккимиз ҳам шу лаҳзада бир ҳаводан нафас олаётганимизни, бир-биримизнинг ёнаётган жисмимиз ҳароратини туйиб турган бўлсак-да, орамизда бутун бир Тур тоғи борлигини, фироқ азобида яшашга маҳкум бўлганимизни тушуниб етдик. У ҳам кўнди, мен ҳам кўндим... Фақат юрак. Фақат юрак...

(Босиб-босиб шароб ичади.)

Бу юрак адо бўлса-да, мен ўз ҳис-туйғуларимни жиловлашга, у билан абадий дўст бўлиб қолишга қарор қилдим. У ҳам барини тушуниб турарди.

Сўз бер менга. Биз яхши дўст бўламиз, де. Дунёдаги энг қадрдон дўстлар... Сўз бер. Мен ҳам сўз бераман...

* * *

Ўша кундан бошлаб бизни фақат иш, ижод бирлаштирди. Биргаликда бир қанча фильмлар суратга олдик. Мен унинг ҳар бир ишига садоқатли кўмакчи эдим. Бир куни унга бир пайтлар Табризда моховлар калоннасида кўрганларимни гапириб бердим ва улар ҳақида фильм яратиш истагим борлигини айтдим. Иброҳим менинг бу истагимни қўллаб-қувватлади.

Биз у билан Табризга жўнадик. Ҳафталар давомида ўша калоннадаги хаста одамлар билан бирга яшадик. Улар еган таомни едик, улар ухлайдиган кўрпа-тўшақда тонг оттирдик. Хаста одамлар ҳам бизга кўникиб қолишди. Улар ҳайиқмай ёнимизга келар, ҳаммалари биз учун қўлидан келадиган нимадир қилиб беришни исташарди. Иброҳим ҳам аввалига мен тушган ҳолатга тушган бўлса-да, уларга қувонч бағишлашга астойдил ҳаракат қилди.

Тасвирга олиш ишлари тугаб ортга қайтаётганимизда улар билан йиғлаб хайрлашдик. Айниқса, болалар ортимиздан эргашиб, биз билан кетишни ишташаётганини кўриб юрагимиз эзиларди. Қанийди, имконим бўлса-ю, бу ердаги барча болаларни олиб кетолсам...

(Таниш хиргойи эшитила бошлайди.)

Ахир, бу мени бир умр таъқиб этган товуш-ку. Иброҳим, сен ҳам эшитяпсанми?

Ҳа, у ҳам эшитибди. Ортимга ўгрилдим-у, бу хиргойини тинмай такрорлаётган болани кўриб, унинг ёнига жонҳолатда югуриб бордим.

Сен, сен қаердан биласан буни? Сенга ким ўргатди бу хиргойини?

Бола кўзлари пирпираб қўрқув ва ҳайронлик билан елка қисарди, холос. Исминг ким сенинг? Ҳусайн? Ҳусайн Мансурий?! Наҳотки, сен Мансурнинг ўғлисан? Наҳотки, ўша хатлар... Ўша хиргойи... Сен мен билан кетасанми? Менга ўғил бўласанми? Истасанг, мен сени ўзим билан олиб кетаман.

Бу болада тақдиримнинг овози бор эди. Худойимнинг менга билдирган ишорати бор эди. Яратганнинг иши ва карамига яна бир бор сано айтдим.

Худовандо, жоним тасаддуқ сенга. Нақадар караминг кенг! Бир дилбандимни йўқотсам, бошқасини етказдинг! Хувиллаган қалбимни яна ишқ билан тўлдирдинг. Муҳаббат туфайли қалбим шу қадар кенгайиб кетдики, осмон ва ерни сиғдиришга қодирдайман. “Қайта туғилиш” китобимни суюклигим, қадри баланд Иброҳим Гулистонга бахшида этаман.

Жисму жоним қоронғилик ояти, эй воҳ,
Сени такрор-такрор айлаб жисму жонимда
Олиб кетай барқарор барқ саҳаргоҳига.

Бу оятда ёниб сенга оҳлар айтдим, оҳ,
Бу оятда сени буткул пайванд айладим
Дарахт насли, сув насаби, олов зотиға.

Ҳаёт, балки, бир кўчадир, узундан-узун,
Бу кўчадан ҳар куни бир исмсиз аёл
Кўтарганча ўтаверар тўрхалтасини.

Ўша ғамгин ва ғаройиб, кичкина пари
Тунда битта бўса бирла дунёдан кетар
Ва тонг чоғи бир бўсадан қайтар дунёга...

Бу ишим яна ўз бошимга ғавғо келтирди. Иброҳим билан орамиздаги муносабатимиз ҳақида эл оғзида миш-мишлар пайдо бўла бошлади. Мен юрагим амри билан йўл тутдим, холос. Аммо бу гап-сўзлардан зада бўлган, мендан йироқ олам билан курашиш ҳолдан тойдирган эди. Мени яна узоқ тушқунлик исканжасига олди. Шу орада биз учун қувончли бир хабарни эшитдик. Моховлар ҳаётидан олган фильмимиз учун Олмониянинг нуфузли фестивалига таклиф қилишди. Биз у билан биргаликда Берлинга жўнаб кетдик. Иброҳим билан у ерда ўтказган кунларимни ҳеч қачон унутмасам керак.

Иброҳим, азизим, бу оламда шунча яшаб, бахт сўзининг тимсолини ҳеч тополмас эдим. Энди мендан бахт нима деб сўрашинг мумкин. Мен унга жавоб бера оламан. Биласанми, мен бахт тушунчасини олис бир манзил-у, ҳар бир одам унга

узоқ йўл юриб боради, бу йўлда кимдир адашади, ким эса тўғри топиб боради деб хаёл қилардим. Йўқ, ундай эмас. Бахт умримизнинг шовуллаб ўтиб бораётган лаҳзаларида. Масалан, ҳозир, ҳаётимнинг шу лаҳзаларида сен борсан, биз иккимиз Берлиндамиз. Ва нетайки... мен сени жонимдан ортиқ севаман.

* * *

Биз улкан ғалаба билан Техронга қайтдик. Қилган меҳнатимиздан, муҳаббатимиздан қалбимизда қаноат ҳисси бор эди. Мен ана шу ширин ҳислар оғушида уйга қайтганимда дарвозам олдида бир аёлни кўрдим-у, музладим. Сездимки, у аёл... ўша аёл... Иброҳимнинг рафиқаси эди. Адашмасам, исми Фахри эди... Ҳа... ҳа... Фахрихоним.

Мен уни ноилож уйга таклиф этдим.

Иброҳим билан орамизда сиз ўйлаган ҳеч нарса йўқ! Сиз одамларнинг ғийбатларига эътибор қилманг. Биз шунчаки... Илтимос қиламан, бақирманг. Ҳа, биз у билан кўп йилдан буён танишмиз. Бирга ишлаймиз. Тўғри, жуда яқинмиз. У шеърни айтмасизми? Ҳозир мен сизга ҳаммасини бошидан тушунтириб бераман... Илтимос, ҳақорат қилманг. Ҳа, мен уни... Аммо бу дегани... Йўқ, ҳеч қачон бундай бўлмайди. Илтимос, йиғламанг... Кўриб турибман, сиз мenden ақллироқ аёлсиз... Ҳа, келиб тўғри қилибсиз. Истасангиз, у билан ортиқ бирга ишламайман. Албатта, сизнинг ҳаққингиз бор. Сўз бераман, Иброҳим билан дўстлигимизни шу кундан бошлаб тўхтатаман. Хотиржам бўлинг, Фахрихоним... Унга ҳеч нарса демайман... Мен ундан бутунлай воз кечаман.

(Йиғлаб юборади.)

Шунча ёлғон, шунча ёлғонни қаердан тўқидим-а!

Иброҳим!

Иброҳим!

* * *

Ўша кундан бошлаб ундан узоқлашдим. Иброҳим эса бирдан ўзгариб қолганимга тушунолмас, унга бўлган совуқ муносабатимдан ларзага келарди.

(Эшик қайта-қайта қоқилади.)

Кет, азизим, кет. Мени ҳам, ўзингни ҳам қийнашни бас қил. Телбалик қилма. Кет! Кет!..

У мени бир неча бор шундай таъқиб қилди. Орадан уч ой ўтди, бу ойлар йиллардек чўзилган, эзгин эди. Иброҳим ишларини деярли ташлаб қўйгани, деярли ҳар куни маст-аласт юришини эшитиб, баттар азоб чека бошладим.

Севги бахт эмас. Мен бу ерда бўлмасам, унга ҳам, мендан нафратланувчи барча ғанимларимга ҳам яхши бўлади. Мен ватанимни уларга қолдириб кетаман. Кетаман.

Бор-будимни тўплаб, Италияга кетишга аҳд қилдим...

(Узоқлардан азон товуши эшитилади. Хаёлчан аёл сергакланади. Шарфни авайлаб жомадонга жойлайди.)

Мана, тонг ҳам отди. Ўғлим Хусайнни синглимга қолдириб, бир неча соатдан сўнг учиб кетаман. Аслида, уйим, севгим... Ватаним... Энди мен бу ерларда бўлмайман.

Алвидо... Алвидо... Алвидо!

(Жомадонни олиб чиқиб кетади. Чироқ секин ўчади ва автомобиль ҳалокатининг мудҳиш шовқини эшитилади. Саҳна секин ёришади. Мунгли куй. Томоша зали узра бир тола нур айланади.)

“Минг тўққиз юз олтмиш еттинчи йил, учинчи февраль.

Мен, Фуруғ Фаррухзод ўттиз икки ёшимда вафот этдим. Мен бир нафаслик бу умримга ачинмайман, сиз ҳам асло ачинманг. Менинг ўзим Худодан ҳамиша шундай ўлимни тилаганман. Зеро, чинакам Худо ёрлақанлар ёшликнинг ҳам, истеъдоднинг ҳам энг авжида дунёни тарк этадилар. Бу энг гўзал ўлимдир. Энг гўзал ўлим”.

ТАМОМ

Жавлон ЖОВЛИЕВ



1991 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтининг бакалавр ва магистратура босқичларини тамомлаган. Ҳикоялари Республика нашрларида чоп этилган. Республика ёш ижодкорларининг анъанавий “Зомин” семинари иштирокчиси. 2019 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида “Икки қалб учрашуви” номли ҳикоялар тўплами чоп этилган.

ЎРИК ГУЛЛАРИ

Драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

С а ш а а к а – Юрьев Александр, нафақада.

Д и л б а р – кўшни қиз.

А к б а р – кўшни йигит.

Г а л я – Саша аканинг келини.

М а к с и м – Саша аканинг ўғли.

О л и м о т а – Саша аканинг дўсти.

Воқеа юртимиз шаҳарларидан бирида, шу кунларда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ САҲНА

Саша аканинг боғ ҳовлиси. Туғилган кун. Саҳна очилиши билан ким биландир хаёлан вальс тушаётган Саша ака кўринади. Эски патефондан куй таралмоқда. Унинг юзидан бахтиёрлиги, хурсандлиги сезилиб туради. Шунда Олим ота уни ахтариб кириб қолади. Саша аканинг рақсини кўриб Олим ота ҳам вальс оҳангларига монанд кириб келади. Бироз рақс тушишгач, тўхтаб қолишади.

С а ш а а к а. Эҳ... Эсингдами, Олим! Ўша оқшомлар, рақслар...
О л и м о т а. “Кўйгин, у кунларни эслатма менга... (А. Орипов)” (кулади.)

С а ш а а к а. Мана шу патефонимдан янграган оҳангларга хотиним Вера, сенинг Насибанг бир чиройли ўйнашардики... Энди патефон ҳам эскирди, бизлар ҳам...

О л и м о т а. Лекин хотиралар эскирмайди, улар ҳамон янги... (кўшиқ)

“Турналар қайтади, шамоллар қайтар,

Баҳорлар қайтар, гуллар қайтади.

Олис уфқларга туташган ёшлик,

Гўзал онларимиз энди қайтмайди...”

С а ш а а к а. Туғилган кунларимда тонг отиши билан мана шундай Вера билан рақсга тушардим. Энди эса, у йўқ...

О л и м о т а. Шундаймикан?..

С а ш а а к а. Ҳа, тўғри, Вера ҳамон мен билан бирга. У мендан жисман узоқлашса-да, қалбан жуда яқин... Мана, боғимнинг ҳар бир дарахти менга уни эслатади... Ундан сўзлайди...

Худди у мана шу дарахтга айланиб қолгандай. Мана бу эски патефон ҳам шундан дардли куйлайди...

О л и м о т а. Юр, ахир бугун туғилган кунинг. Москвадан ўғлинг, келининг келишган... Ахир, улар доим ҳам келавериш-майди-ку!

С а ш а а к а. Ҳа, бу катта воқеа бўлди... Менга ҳақиқий совға...

О л и м о т а. Улар сени соғинишган, эрта-индин яна кетиб қолишади...

С а ш а а к а. Неварамни кўрдингми! Андрюшани, бирам ширин бола бўлибдики... Лекин гапирмас экан-да. Эзилдим! Бир ширин сўзларди.

О л и м о т а. Кўй шуларни... Ундан кўра ёшлигимизда севиб айтган ўзинг тўқиган қўшиқни айтиб бер...

С а ш а а к а. Қўйсанг-чи, Олим!

О л и м о т а. Айт, дўстим! Бир ёшлиқни эслайлик... Ахир, болалигимиз шу кўчаларда ўтди.

С а ш а а к а. Қизиқсан-а!

О л и м о т а. Саш?!

С а ш а а к а. Бу қўшиқни отам ўлганда ёзгандим... *(Бироз сукутдан сўнг қўшиқ куйлай бошлайди.)*

“Кўча чеккасида бир бақатерак

Ёлғиз қалтирайди, шамолдан кўрқиб,

Мен ҳам ёлғизман, эй бақатерак,

Сен ва ўша гўзал қиз каби...

Кўча чеккасида бир бақатерак...”

О л и м о т а. Ўзимнинг дўстим! *(Уни бағрига босиб)* Саш, дўстим, бу ернинг бақатераклари ҳам сенга азиз-а!

Саҳнага Дилбар кириб келади. Аразлаган. Ортидан Акбар чиқиб келади. Саша амаки билан Олим ота ҳайрон бўлиб уларга қараб туришибди.

Д и л б а р. Йўқ, мен асло рози эмасман. Жомадонингни олиб бошинг оққан томонга жўнайвер!

А к б а р. Дилбар! Жиннилик қилма! *(Чолларга)* Узр!

Д и л б а р. Мен жинни бўлсам, сен ғирт аҳмоқ!

С а ш а а к а. Нима бўлди, боя туппа-тузук кулишиб ўтирган эдинглар-ку!

Д и л б а р. Акбар-да, Саша амаки, ҳеч нимани тушунмайди. Одам шунақа бўладими?!

А к б а р. Сен ҳам тушун! Пул топишим керак.

Д и л б а р. Пул ҳаммага керак. Кўрга ҳам, карга ҳам керак. Фақат сизгамас.

О л и м о т а. Нима гап ўзи?

А к б а р. Мен бахтли яшагим келади, уй-жой қилсам, машина минсам дейман...

Д и л б а р. Мен ҳам минсам дейман. Сўқир ҳам минсам дейди, кар ҳам минсам дейди.

А к б а р. Нега ҳар гапингда кару сўқирларни қўшиб қолдинг?

С а ш а а к а. Нима бўлди сизларга?

Д и л б а р. Чунки улар орзу қилишдан қўрқади, соғлиги туфайли орзулари ҳам чекланган... Сиз соғсиз-ку, Акбар!

А к б а р. Тўғри, лекин...

Д и л б а р. Масалан, Саша амакининг миллати ўзбек эмас. Лекин бу ердан кетишни тасаввур ҳам қилмайдилар. Гарчи ўзига ўхшаган одамларнинг ҳаммаси шимолда, тили бир, дини бир, фарзандлари ҳам у ёқда... Лекин бу ернинг қадри бор.

А к б а р. Илтимос, гапни чувалаштирма. Саша аканинг ҳам бошини оғритиб нима қиласан?! Мен барибир кетаман.

О л и м о т а. Кетаман дегин, Акбар?

С а ш а а к а. Қаерга кетади?!

Д и л б а р. Саша амаки, кечирасиз, туғилган кунизда сизнинг бошингизни қотириб ўтирибмиз!

С а ш а а к а. Ҳечқиси йўқ, Қаерга кетмоқчисан?

А к б а р. Фарқи йўқ, амаки. Яхшироқ ҳақ тўлайдиган жой бўлса бўлди.

О л и м о т а. Эсинг жойидами, яхшигина монтерсан-ку, болам! Гулдай хунаринг бор...

А к б а р. Эй, пулим ойнинг охирига бориб тушлик қилиш учун ошга етса, чойга етмай қолади, амаки!

С а ш а а к а. Ҳаммаси пул учунми?

А к б а р. Бир-икки йил яхши пул топиб яшамоқчиман!

О л и м о т а. Бекор айтибсан, бўлмади!

А к б а р. Нега?

О л и м о т а. Яшолмайсан дедимми, яшолмайсан!

А к б а р. Нега яшай олмас эканман?

С а ш а а к а. Нега деганда, одам ўзининг ватанидагина одамга ўхшаб яшаши мумкин, Акбар.

А к б а р. Мана сиз, бошқа ердан келиб қолиб ҳам яшаб юрибсиз-ку!

С а ш а а к а. Нима? (*ҳайратланиб қараб қолади.*)

О л и м о т а. Акбар!

Д и л б а р. Нималар деяпсан?

А к б а р. Ахир, мен шунчаки...

О л и м о т а (*қизишиб*). Эсинг жойидами сен боланинг?

С а ш а а к а (*Олим отани қўлидан тутиб. Бироз сукутдан кейин*). Онам раҳматлик айтарди... Бу ерга келганларида бошида анча қийналишган. Онам билан отамга, шу ернинг одамлари, ёнидан жой берган. Қийналган кунларида юпанч, суянч бўлган ҳам шу одамлар. Ҳаттоки, мен туғилгач ҳар куни, қўшни хотинлар навбат билан бир косада сут олиб чиқишган экан. Олим, ўзинг биласан, уларнинг сути ошиб-тошиб ётганмиди? Йўқ, Ахир, ўзларининг ҳам болалари бор эди-ку. Лекин бошқа миллат боласи бўлсам ҳам, чақалоқ эканлигимни, оилам ёрдамга муҳтож эканлигини ҳис қилишган. Бир бурда нонни баҳам кўришган... Шу ерда болалигим ўтди... Шу ерда биринчи марта мактабга бордим. Шу ерда биринчи дўстимни, яъни сени топдим. Шу ернинг чанг кўчаларида оёқяланг югуриб, ариқларида чўмилдим. Шу ерда, Верамни учратдим... Шу ерда уй қурдим. Вера билан биргаликда мана шу боғимизнинг биринчи дарахтини экдик. Максим шу ерда туғилди... Онамни, отамни сўнгги манзилга кузатдим. Вера ҳам шу тупроқда ётибди... Шуларнинг бари ҳаётим мазмуни... Охирлаб қолган китобга ўхшайди бари...

О л и м о т а. Йўқ. Сенинг ўқилмаган варақларинг кўп! Саш, эсингдами, дарё бўйлари... Бирон нарсдан хафа ёки хурсанд бўлсак, ўша ерга борардик... Сенинг отанг ўлган куни, мен ўқишга киролмаган куни, ҳарбий хизматдан қайтган куним... Кўксимизни тўлдириб ҳаво олардик, кийимларни ечмай дарёга ўзимизни ташлардик, қуёшга тикилганча ётиб, келажак ҳақида орзулар қилардик.

С а ш а а к а. “Кўча чеккасида бир бақатерак, ёлғиз қалтирайди шамолдан қўрқиб, мен ҳам ёлғизман, эй бақатерак...” Олим, мен ўтган умримдан минг бор розиман...

О л и м о т а. Ҳа, биламан, Саша!

С а ш а а к а. Ақалли, бир бор телефон ҳам қилмади-я...

Кўчадан машинанинг тўхтаган овози эшитилиб, эшикдан қўлида юклари билан Максим, Галя ва Андрей кўрунишади.

М а к с и м. Туғилган кунингиз билан, дада!

С а ш а а к а. Наҳотки, наҳотки, болаларим!

Чироқ ўчади.

ИККИНЧИ САҲНА

Саша аканинг боғи. Дарахт тагида стол байрамона безатилган. Табрик сўзлари айтилмоқда. Барчаларининг қўлларида қадаҳ.

Г а л я. Дада, бугун мен сизни яна бир бора самимий, мард, қувноқ инсон эканлигингизни англадим. Доим шундай бўлиб қолишингизни истайман, сиз ҳатто оғир дамларда инсонларга меҳр билан боқа оладиган, қалби пок инсонсиз. Тўғриси, бу ерга келмасдан олдин сизни яхши билмасдим. Энди эса бошқача... Мен ўқитувчиман, лекин йиғлоқи ўқитувчи. Тўғрими, Максим? *(Максим қадаҳ ушлаганча бош ирғаб қўяди.)* Гапнинг хулласи, Мен сиздай яқин инсоним борлигидан жудаям, жудаям бахтиёрман! Табриклайман!

С а ш а а к а. Раҳмат, Галичка! Мени ҳурмат қилиб туғилган куним учун келганларинг бошимни кўкка етказди. Ҳеч ҳам кутмагандим. Лоақал, хабар бериб қўймабсизлар-да! Кўзларимга ишонмадим. Қани, олдик. *(Қадаҳлар кўтарилади.)*

Г а л я. Энди, сўзни *(Ҳаммага қўяди.)* сизнинг жонажон ўғлингиз, менинг эрим, катта одам Максим Александровичдан эшитамиз? У бундай гапларни боплайди *(Ҳиринглаб кулиб юборади.)*

М а к с и м. Кайфинг ошиб қолмадими?

Г а л я. Нималар деяпсан?! Йўқ. Бу хурсандчилик, бу тоза ҳаводан мастман. Тўғрими, дада? Максим, гапир-чи?

М а к с и м. Кўп ичиб юбординг! Бас қил! Нима ҳам дердим, дада! Соғ бўлинг! Умрингиз узоқ бўлсин! Мен сизга алоҳида совға ҳозирлаганман. Мана. *(Зар қоғозга ўралган ихчамгина кутичани отасига тутди. Барча қарсак чалади.)* Туғилган кунингиз билан!

Г а л я. Қани, очмайсизми, дада?!

С а ш а а к а. Акбар, оч-чи, болам!

А к б а р. Хўп! *(Қоғоз ичидан калит чиқади.)* Машина!

М а к с и м. “Мерседес-Бенц”, энг охирги чиққани...

Г а л я. Сизга, дадажон! Ўғлингизнинг махсус совғаси шу! *(Қулади.)*

О л и м о т а. Қойил. Раҳмат сизларга... Энди шаҳар кўчаларида мазза қилиб юарканмиз-да.

С а ш а а к а. Бундай қимматбаҳо совға олиб нима қилардинглар. Мана ўзимнинг қадрдон “06” ҳам етарди.

О л и м о т а. Ҳамма нарсанинг янгиси яхши-да, Сашавой!
(кулиб)

М а к с и м. Ахир, Москвада ҳеч ким бунақа машинада юрмайди-да, дада...

С а ш а а к а. Москвада?..

О л и м о т а. Биз бу ерни айтяпмиз, Максимбой, шаҳарчани, Москвада итимиз адашганми?

М а к с и м. Дада, биз сизни Москвага олиб кетишга қарор қилдик. Энди биз билан яшайсиз!

Г а л я (фақат ўзи). Урра!

С а ш а а к а (сукут). Москва...

О л и м о т а. Москва?.. (Саша акага мўлтириб қараб қолади.)

Д и л б а р. Саша амаки, наҳотки сиз ҳам?..

Г а л я. Ҳеч хавотирланманглар, биз дадам учун уйнинг кўринишини ҳам ўзгартирдик. Сизга қулай бўлсин, деб-да! Хурсандмисиз? Москва жуда чиройли шаҳар...

М а к с и м. Билетларга ҳам буюртма берилган... Бирга кетамиз, тамом! Қани, хурсандчиликни давом этамиз!

Г а л я. Қани, қадаҳлар бўш турмасин!

О л и м о т а. Ўлай агар, ҳеч нима тушунмаяпман?! Боланг нима деяпти, Саш?

Г а л я. Вой, мен... Андрюша қаерда қолди. Максим, юр мен билан... уни топайлик... (Улар боласини чақирганча ҳовлига ўтиб кетишади.)

О л и м о т а. Нималар деяпти? Улар сени олиб кетишгани келганми?

С а ш а а к а ...

О л и м о т а. Сен ҳам кетасанми? Гапирсанг-чи?.. Нимага жим турасан?.. Эй-й. Мен ёлғиз қоларканман-да, қадрдон... Ёлғиз... (Чиқиб кетади.)

С а ш а а к а... (тош қотган)

Д и л б а р. Жон, Саша амаки, кетманг.

С а ш а а к а. Мен ҳозир...

Д и л б а р. Аҳволингиз яхшими?

С а ш а а к а. Яхши. Ҳозир, мен улар билан гаплашиб олай, узр... (Чиқиб кетади.)

А к б а р. Саша амакида зўр имконият. Боғидан бери келмайдиган бир қари чол бўлса. Энди мазза қилиб ўша ерда болалари билан яшайди...

Д и л б а р. Шу қадар сурбетлигингни билмагандим.

А к б а р. Ахир, Саша ака ёлғиз яшагандан кўра яқинлари қошида бўлгани тузук-ку!

Д и л б а р. Йўқ, у кетмайди. Уни болалигимдан яхши биламан. Жуда меҳрибон. Вера холани севган. Бутун умр... Ҳали ҳам севади... Эҳ, Акбар! Олтмиш йил тиниқ ва соф муҳаббат билан кимнидир севишни сен қаердан ҳам тушунардинг?

А к б а р. Нега тушунмайман! Юз йил ҳам севишим мумкин, керак бўлса!

Д и л б а р. Кимнидир олтмиш йил эъозлай оласанми?

А к б а р. Ким билади, тўхтамай севсам керак...

Д и л б а р *(аразлагандай бўлиб)*. Мен сенга жиддий айта-япман!

А к б а р. Нега олтмиш йилга ёпишиб олдинг?

Д и л б а р. Жавоб бер.

А к б а р. Ҳа-ҳа!

Д и л б а р. Олтмиш йил ҳеч қаёққа ташлаб кетмайсанми?

А к б а р. Билмасам...

Д и л б а р. Иккиланяпсан. Саша амаки Вера холани олтмиш йил шундай ардоқлади. Уларнинг бир-бирига муҳаббатларини кўриб ҳавас қилардим. Мана муҳаббат уйи. Мен улардек бир-бирига муҳаббат билан термулиб турган эр-хотинларни камдан-кам кўрардим.

А к б а р. Саша амаки қари, бунинг устига ёлғиз, ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолган. Кетса, яхши бўлади... Уни бу ерда нима ушлаб турибди ўзи?..

Д и л б а р. Муҳаббат тутиб туради, муҳаббат! Барча нарсага: уйга, аёлига, яқинларига муҳаббат! Муҳаббатсиз кўнгилда Ватан бўлмайди.

С а ш а а к а. Муҳаббат! Кимга? Ахир, хотини қазо қилган-ку!

Д и л б а р. Эҳ, Акбар, у тирик. Муҳаббат ўлмайди. Саша амаки учун тирик, у мана шу уйда... Иккаласи қурган уйда, боғда яшайди.

А к б а р. Юр кетдик. *(Ташқаридан ғала-ғовур эшитилади.)* Улар оилавий келишиб олишлари керак, менимча.

Д и л б а р. Лекин Саша амаки...

А к б а р. Унга ҳеч нима қилмайди. Келини бор-ку, юр. *(Улар чиқиб кетишади.)*

УЧИНЧИ САҲНА

Галя боғдаги столда хаёл сурганча қўлидаги қадаҳни ўйнаб ўтирибди. Саша ака орқа планда набираси билан кўчат экяпти.

С а ш а а к а. Ёдингда тут, бу сенинг дарахтинг. *(Андрей кўчатга қараб қолади. Саша ака қўлини ювиб келини тарафга келади.)* Галя, бу ер сенга ёқдимиди?

Г а л я. Бўлмасам-чи? Қайноқ Шарқ манзараси, тоза ҳаво. Одамлари, айниқса, бозорлари... Писта-бодомлар... Андрюшага ҳам жуда маъқул келди. Бирам мазза қилиб ўйнаптики. Уни бир касалхонадан бошқасига олиб юравериш жинни қилиб ташладик. Баъзан эса умуман қаровсиз қолдириб кетардик. Ишлардан ортиб бирор-бир шаҳарни хотиржам айланмабмиз ҳам. Онам бу ер ҳақида кўп гапирардилар. *(Саша ака келинига саволомуз қарайди.)* Онам шу ерда туғилган. Мен эса Москвада. Лекин нимасидир ўзига тортади. Нимасидир таниш. Бу ерга келиб ўғлим билан кўпроқ яқин бўляпман, дилдан сўзлашяпман. *(Бир хўрсиниб)* Гарчи гапирмаса ҳам... *(Бориб яна қадаҳга лаб босади.)*

С а ш а а к а. Докторлар янгилик айтишмадими?

Г а л я. Йўқ. Сабабини ҳеч ким билмаяпти... Улар болангиз гапириши мумкин, деган. Унга нимадир тўсқинлик қилаётган эмиш. Дада, биласиз-ку, унинг тили чиққанди. Тилидан “Онажон, онажон”, “Бу нима, у нима?” деган сўзлар аримасди. Бирам сергапсан-а, деб кўярдим. Болам нима гуноҳим учун тилдан қолди, билмайман... *(Йиғлаб юборади.)* Энг ёмони, докторлар ўғлимни тажриба қуёнчасига айлантириб ташлашди. Қилмаган уколи қолмади, фойдасини кўрмади. Болам қийнаиб кетди.

С а ш а а к а. Максим бу ҳақда қандай фикрда?

Г а л я. Докторлар чорасини топади, дейди. Қандай қилиб сайраб турган бола бирдан гапирмаслиги мумкин, дейди. Унга ҳам қийин... Эзилади... Ҳозир кўп ичади. Мен ҳам ичяпман. *(Қадаҳни яна лабига босади, аммо ичмайди, уни кўзларининг олдига олиб келади.)* Биз боламизни шундай шиша ортидан қараб тарбия қилмоқдамиз. *(Яна қадаҳларни тўлдирди.)*

С а ш а а к а. Шиша ортидан қараб, дегин. *(Галянинг қўлидан қадаҳни олиб қўйиб)* Сен унақа эмасдинг.

Г а л я. Йўқ-йўқ...

С а ш а а к а. Қизим...

Г а л я. Тангрига ёқмаган ишимиз бор... Мен ўз айбимни билолмай ҳалакман...

С а ш а а к а. Сенда айб йўқ, қизим...

Г а л я. Бир Тиббиёт академиясининг профессори мени қўрқитиб юборди. У нима деди денг. Дўстларига қараб, ўзининг ожиз бўлиб қолганини, тузалмаётганини билса, бардош беролмай ўзини бир нима қилиб қўйиши мумкин экан, дада!.. Мен шунинг учун куйиб кетяпман! Мен ўлиб қолишим мумкин.

С а ш а а к а. Бекор гап – бу!

Г а л я. Мен аламимни нимадан олишни билмай қолдим! Илтимос, биз билан кетинг. Сиз борсангиз, мен бу оғудан (*қадаҳга ишора қилиб*) ҳам қутиларман. Сиз бизга, неварангизга жудаям кераксиз. У сизни жуда яхши кўради. Кўнглимиз хотиржам бўлади. Икки пиянистанинг қўлига неварангизни ташлаб қўймасиз!

Саша ака келинини бағрига босади.

ТЎРТИНЧИ САҲНА

Ўша хона. Саша ака нарсаларни йиғиштириб ўтирибди. Келини шошилганча кириб келади.

Г а л я. Нарсаларингизни йиғиштира олмаяпсизми, дада? Фақат энг кераклисини олинг, у ерга борганимиздан кейин Максим сизга ҳамма нарсани янгисидан олиб беради. (*Саша ака ҳеч нимани эшитмайди.*) Дада, Дада...

С а ш а а к а. Боғимизни томоша қилишини қара... У ҳаётга ташна. Ҳали, албатта, гапиради. Мени айтди дерсан, албатта, гапиради. Боғ кундан-кунга чиройли бўлиб боради энди... (*Халга берилганча қолади.*) Бу ёғи баҳор...

Г а л я. Сизни ҳам безовта қилдик-а, дада?

С а ш а а к а. Айт-чи, Галичка, онанг бу ерни қўмсармиди?..

Г а л я. Ҳар куни... Айниқса, охириги кунлари ўз туғилган кўчасини, маҳаллада бирга ўсган қизларнинг исмларини айтиб чарчамади. Онаси шу тупроқда ётганлиги учун онам уни қўмсаб-қўмсаб оламдан ўтди. У ўзбек тилини ҳам яхши биларди. У ерда ўтган ёшлигини эсларди... Иссиқ нонини, паловларини... Ҳозир Москвада ҳам бу овқатларни қилишади... Лекин бу ерникига сира ўхшамас экан...

С а ш а а к а. Ер, тупроқ, қуёш, улар одам каби тирик, болам... Ичим бўшаб, шалвираб бораяпман!

Г а л я. Ўзингизни қўлга олинг! Максим қаерда қолди-а? Мен Андриюшага қарай, ҳозир, дада.

С а ш а а к а. Ҳа-ҳа, хабар ол. *(Галя чиқиб кетади.)* Мен ўзимни шу ерга кўмиб, бошқа одам бўлиб кетаётганга ўхшайман. Қабрим ёнида тузукроқ турай!

Шунда қулоғига ёш қизнинг овози эшитилади.

О в о з. Ёлғончи, ёлғончи...

С а ш а а к а. Ким бу?! Галя, Вера... Сенмисан?!

О в о з. Ёлғончи ва субутсиз экансан... Сени кеча ўқишдан чиқиб қанча кутдим... Келмадинг... Шунақа ҳам йигит бўласанми, Саш?! Ахир, айтгандинг-ку, сени ҳеч қачон куттириб қўймайман, деб...

С а ш а а к а. Вера... Вера, сен мени кўрқитма...

О в о з. Балки, ширинлик олиб беришдан чўчигандирсан. Шуни билки, бозордан ўзим ҳам сотиб ололаман. Сенсиз ҳам жуда мазза қилиб кун ўтказишим мумкин. Ёлғончи!

С а ш а а к а. Вокзалга, ишга боргандим. Ойимга ёрдам беришим керак, Вера. Энди сен билан ўқишдан сўнг кўриша олмаймиз... Лекин мен сени жудаям яхши кўраман-ку, жоним. Ойимни, уйимни, машиналарни, танкларни, паравозларни қанчалик яхши кўрсам, сени ҳам шундай яхши кўраман.

О в о з. Алдама... Алдама... Ким билади, сенга бир кун келиб турмушга чиқсам, мени хор қилиб, бирон ёқларга бош олиб, кетиб қоларсан, балки!

С а ш а а к а. Нима деганинг бу Вероникам? Ахир, мен бир сўзли йигитман. Полвон йигитман. Сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, хиёнат қилмайман...

О в о з. Ишонмайман... Ёлғончи, иккиюзламачи...

С а ш а а к а. Ишон, ишон менга! Эшитяпсанми, Вера, Вера... Ваъда бераман!

О в о з *(чақалоқ йиғиси)*. Саша, қара, сенга қандай ўхшайди. Максим сенинг ўзинг, худди ўзимиз тасаввур қилганимиздек ўғил кўрдик... Худога шукур!

С а ш а а к а. Ҳа, худди менинг ўзим... Ёшлигимдаги ўзим... Вера... Вера, азизим менинг, раҳмат сенга... Қийналмадингми? *(Қўлини худди чақалоқ бордай тебратиб, чақалоқни аллалайди.)*

О в о з. Биласан-ку, сен ва фарзандим учун ҳамма нарсага чидайман...

С а ш а а к а. Ҳаётим мени... Сени шунчалик яхши кўраманки, иккаламиз бутун умр шу уйда бахтли яшаймиз. Ўғлим ҳам,

невараларим ҳам шу уйда, биз қурган боғда мазза қилиб яша-шади... Улар бизни унутишмайди!

О в о з (*Верониканинг қаригандаги касалманд овози*). Саша, мен кўрқиб кетяпман, жуда кўрқиб...

С а ш а а к а. Нима? Кўрқма! Мен борман... Қўлларингни бер... Ҳаммаси яхши бўлади...

О в о з. Максимни чақирдингни?

С а ш а а к а. Негадир телефонига тушолмаяпман. Хабар жўнатишим билан келиб қолса керак... Биласан-ку, ўғлимиз сен учун ҳамма нарсага тайёр... Ишлари кўпайгандир-да, самолётга чипта олиш керак... Мен унга пул жўнатаман!

О в о з. Майли, соғ бўлса бўлди?! Сен ўзингни эҳтиёт қил, азизим. Менинг кўксим қисиб келяпти. Яқинга ўхшайди. Буёғи. Сен...

С а ш а а к а. Унақа дема, биласан-ку... Мен сенсиз яшолмайман, Вера.

О в о з. Агар ўғлим келмаса, уни койима... У бир куни келади... Албатта, қайтади. Чунки шу ерда туғилган, Ватани тортади... Илдизидан айрилган ниҳол узоқ вақт яшнаб турмайди, қурийди. Боғларимизни кўриб катта бўлган-у! Мени эсдан чиқармайсанми? Ҳар куни мени эслаб тур, Саша, Йиғлама!

С а ш а а к а (*йиғлаб*). Йиғлаётганим йўқ, Вера... Юр, баҳор келди... Вера, гапир, гапир, азизам. Вера, Вера...

Дилбар кириб келади.

Д и л б а р. Саша ака, нима бўлди сизга?

С а ш а а к а. Қизим... Ҳозиргина Вера билан гаплашдим...

Д и л б а р. Вера холам биланми?!

С а ш а а к а. Ҳа... Вера билан...

Д и л б а р...

С а ш а а к а. Менга ишонмайсанми? Мен ўша куни вагонга кўмир юклайдиган ишчи бўлиб ёллангандим. Боролмадим, кеч бўлиб кетди. Кечқурун қора терга ботиб ишдан қайтаётсам... Вера Чорсу бекатида йиғлаганча турибди... Қўлларида икки ўрам қоғозда ширинликлар. У мени кўриб кўз ёшларини артди ва қўлимга халтачани ирғитганча ўзи йиғлаб чопиб кетиб қолди. Ўша куни мендан қаттиқ хавотирланган экан. Уни шунчалик куттирганимдан хижолатдаман. Ҳали ҳам эсдан чиқармапти... Мен энди уйимизни ташлаб кетсам... Унинг ҳоли нима кечар экан.

Д и л б а р. Саша амаки...

С а ш а а к а. Биламан... Неварам учун...

Д и л б а р. Бунчалик сиқилманг... Касал бўлиб қоласиз... Мен сизга кўксомса қилиб чиққандим... Бирам ширин... Келинойим ҳам татиб кўрса бўларди.

Г а л я (*чиқиб*). Нима экан? Сомса...

Д и л б а р. Ассалому алайкум, ҳа, сизларга кўксомса олиб келгандим...

Г а л я. О-о-о, қанчалик илтифотлисиз, раҳмат сизга...

С а ш а а к а. Сизлар гаплашиб туринглар, мен ҳозир келаман. (*Чиқиб кетади.*)

Г а л я. Оҳ, ҳиди бунча ширин... Ҳозир ҳаммасини еймиз...

Д и л б а р. Биласизми, Саша акага бир нима бўлганга ўхшайди. Авваллари ҳеч бунақа эмасди.

Г а л я. Ҳа. Мен ҳам кузатдим...

Д и л б а р. У бу ердан кетгиси келмаяпти... Балки, ўзингиз...

Г а л я. Ахир, у қари, бунинг устига ёлғиз.

Д и л б а р. У сизларнинг меҳрингиздан ҳам жудо бўлиб қолишни истамаяпти. Биласизми, у тиниб-тинчимас одам, эрталабдан шу кичкина боғини яшнатгани-яшнатган... Бирор сония тинч турмайди. Маҳаллада тўй бўладими ёки таъзиями, ҳаммасига боради. Ҳар тонг, ҳар кеч кўчаларни, сайилгоҳларни айлангани чиқади. Баъзилардек ит етаклаб эмас... Ўзи, хаёллари билан юради... Менимча, Вера хола билан юради... Унинг руҳи билан бирга сайр қилади...

Г а л я. Ҳа, уларнинг муҳаббатига мен ҳам ҳавас қилганман. Доим бирга эдилар. Ёлғизликдан одам жинни бўлиб қолиши ҳеч гапмас...

Д и л б а р. У ҳеч қачон ёлғиз эмас... Мана биз...

Г а л я. Сиз ҳам бир кун ишга ёки ўқишга кетасиз... Оилали бўлиб, бошқа жойга кўчиб кетасиз.

Д и л б а р. Бу ерда фақат мен эмас, бошқа кўпчилик Саша амакидан хабардор. Бу ер бизнинг маҳалла, бу ерда қаровсиз одамнинг ўзи йўқ!

Г а л я. Билмадим. У бизга керак.

Д и л б а р. Мен отамнинг кенжа қизиман. Отам Саша амакининг қадрдон дўсти бўлган. Отам автохалокатда вафот этганда мен олти ёшда эдим. Бизга Саша амаки ёрдам қилган. У отамдай... Уйимизда Саша амаки номи кўп такрорланади. Саша амаки шу ер билан тирик, тушунсангиз-чи, ахир!

Г а л я. Максим ҳал қилади ҳаммасини! Барибир кекса одамга ёлғизлик, менимча, тўғри келмайди.

Д и л б а р. Илтимос, эрингиз билан гаплашиб кўринг, бир марта, яна бир марта. Қаранг, қандай эзилиб кетдилар.

Г а л я. Сизни тушундим.

Д и л б а р. Раҳмат сизга, раҳмат!

БЕШИНЧИ САҲНА

Саша ака боғида тентираб юрибди. Акбар кириб келади.

А к б а р. Саша амаки...

С а ш а а к а. Келавер, Акбар.

А к б а р. Саша амаки, шу, кетишингиз аниқми?

С а ш а а к а. Билмадим! Сизлар ҳам кўп куйинманглар...

Бир гап бўлар.

А к б а р. Ўғлингиз... Нима десам экан... Уйингизни менга сотинг.

С а ш а а к а... *(титраб кетади)* Нима?! *(Кўзларида ёш ўйнайди.)*

А к б а р. Уйингизни менга сотинг.

С а ш а а к а. Эй, худойим... Нималар деяпсан, болам!

А к б а р. Тўғри, пулини бирдан бера олмайман. Яқинда чет элга ишга кетаман. Хавотирланманг, Саш амаки, бемалол менга сотиб кетаверинг...

С а ш а а к а. Сотиш, сотиш...

А к б а р. Ахир, кимгадир сотасиз-ку! Бу ерга қайтиб келмасангизлар... Тағин, буларнинг мақсади уй, шу уй учун меҳр кўрсатиб келаётган экан, деб ўйламанг. Бу келишимни Дилбар билмайди.

С а ш а а к а. Қайтиб келмайман... Бу ҳақда кейин, кейинроқ гаплашамиз, ҳозирмас... *(Бутун танаси титраб кетади, қалтироқ туради.)*

А к б а р *(бепарво)*. Тўғри, эшикка эълон оссангиз, савдо қилсангиз, қимматроқ сотасиз... Лекин бу ўзингиз катта бўлган уйга ғирт бегоналар келгандан кўра, тўйимиздан сўнг Дилбар билан мен яшаганим маъқул эмасми? У сизни отасидек яхши кўради. Биз бу уйда бахтли яшардек. Бу уй бизга сизни эслатиб турарди. Ўғлингиз бекорга бирон-бир агентлик фирмасига сотиб юборади. Ундан кўра...

С а ш а а к а. Бу уй – менинг Ватаним. Ватанни нархи бўладими, болам!

А к б а р. Қиммат демоқчисиз-да?.. Мен қолганини чет элда ишлаб келиб узардим... У ерда кўп пул топишга ишонаман... Акаларим ҳам ўша ерда...

С а ш а а к а. Дунёда сотилмайдиган, баҳоланмайдиган нарсалар борлигини биласанми, ўзи сен?

А к б а р. Кўпчилик кетганига сиз ҳам уйни сотиб кетасиз деб...

С а ш а а к а. Шу чоққача мен бу ердан ҳеч қаёққа кетишни ўйламаганман. Нега тушунмайсан? Мени бу ерда илк кўз ёшларим оққан, илк бўсаларим шу ерда... Отам, онам, Верам шу тупроқда... Мана шу кўчалар, мана шу дарахтлар, мана шу одамлар, мана шу ер, кўёш, мана шу уй – мана бу хастараётган юрагимга қондир. Нега тушунмайсизлар, ахир?!

А к б а р. Қариганингизда асл ватанингизга қайтаяпсиз-ку!

С а ш а а к а. Акбар! Одамнинг ватани битта бўлади! Болалигимда бир зўравон билан айтишиб қолдим, у мени қаттиқ ҳақорат қилди. Мен шунда мактабдан уйгача йиғлаб бориб: “Кетайлик, кетайлик бу ердан” дея онамга зорланавардим. Онам шунда мени бағрига босиб: “Ўғлим, сен шу ернинг шафтолисини единг, ариғида чўмилдинг, эрта тонгдан новвойлар ёпган ширин патирини тотдинг, биз оч қолганда қанча одамлар ёрдам беришди, энди битта боланинг ҳақорати деб, битта камчиликни деб, шу одамлар яхшилигини унутишинг инсофданми? Нонкўрлик эмасми? Агар камчиликлар туфайли ватани ўзгартираверсанг, Ватансиз қоласан, болам”, – деди. Сенга ҳам шу гап сабоқ бўлсин! Энди бор, кўзимга кўринма!

А к б а р. Мен... *(Чиқиб кетади.)*

С а ш а а к а. Чиқиб кет! Менинг ёшим бир жойга бориб қолди. Лекин қолган бир-икки кунимни ҳам бегона юртдан қизғонаман! Мен туғилган шу жойимни бошқа жойлар билан бир марта ҳам таққосламаганман. Ўзбекларда “Пешонангга ёзилгани” деган гап бор. Туғилган жой пешона... Биз қайтиб туғилмаймиз. Инсон ўзи туғилган жойда тинч ва хотиржам яшаши қандай бахт, қандай толе... Мен шу ерда ўлмоқчиман!

(У ўтириб қолади. Максим кириб келади.)

М а к с и м. Дада, сизга нима бўлди?

С а ш а а к а. Уйга қанча нарх қўйдинг?

М а к с и м. Нима айтяпсиз, тушунмадим?..

С а ш а а к а. Сен учун бебаҳо нарса борми дунёда ўзи?

М а к с и м. Нима деганингиз бу?..

С а ш а а к а. Сен сотолмайдиган бирон нарса борми, деяпман, аҳмоқ бола?! *(бақириб)*

М а к с и м... Мен сизни ўйлаяпман, дада...

С а ш а а к а. Вайсама... Мен, сизларни туғилган куним учун келди, деб юрибман-а-а!

М а к с и м. Нима фарқи бор! Неварангиз учун кетишингиз керак.

С а ш а а к а. Бола... Сен ҳам бола эдинг... Меҳр оғушида катта қилдик. Балки, болангга ҳам меҳр керак, эътибор керакдир...

М а к с и м. Бугун сиз айтган тушунчалар эскирди.

С а ш а а к а. Мен айтган нарсалар эскирмайди ҳам, ўлмайди ҳам...

М а к с и м. Нима? Сиз бугун очдан ўлинг-чи, ким сизга битта нон бераркан! Ҳеч ким бермайди! Мени ҳаётим яхши, у ерда ишим, ҳурматим бор, пулим бор, эртанги кунга ишончим...

С а ш а а к а. Сенингча, қаерда пул, мансаб-мартаба бўлса, ўша ер Ватан-да?

М а к с и м. Дада!

С а ш а а к а. Оиланг бор! Шу оилами? Сен кун бўйи ишратбозликдан бўшамайсан. Хотининг ароққа муккасидан кетган. Боланг тилдан қолган. Оилавий меҳр-муҳаббат сохта бир ҳужжатга айланган. Файз қочган. Хўш, шуларни пул билан тузата олаяпсанми? Сенинг Ватанинг йўқ. Сен хоҳлайсанми-йўқми, сенинг киндик қонинг мана шу юртда тўкилган!

М а к с и м. Нима кераги бор бу гапларни, дада!

С а ш а а к а. Кераги бор. Сен бир ёшга тўлганингда онанг раҳматли билан бирга тоғларга олиб чиқардик. Кўнгли тоғдек бола бўлсин деб, қалби тош бўлсин, дебмас...

М а к с и м.. *(бақириб)*. Нарсаларингизни жойланг, дада, бўлди. Эртага учишимиз керак...

С а ш а а к а. Жойлолмайман. Сен ҳам уни жойлолмайсан.

М а к с и м. Мен ўзим ёрдам бераман.

С а ш а а к а. Мана шу тупроқнинг барини лойлаб жойлаб бер, олиб кетай-чи. Боғимдаги дарахтларни, тагида ўсган майсаларни жойлаб бер, фақат сўлиб қолмасин. Ўтмишимни, онанг билан ўтказган кунларимни, уни эслатувчи ҳар нарсани жойлаб бер-чи, юкла-чи? Сен шу юртнинг тупроғида ўсганингни наҳот унутдинг, қачон унутдинг! *(Инграб)* Балки, онангни охирги йўлга кузатган куним ҳам қайсидир шаҳарда дам олиб

ётганинда, ишларимни тугатиб бораман, ўлмай туради, деганинда... Сен муқаддас туйғуларнинг барини унутгандирсан, кўмгандирсан!

М а к с и м. Шуни қачонгача чайнайсиз, дада?

С а ш а а к а. Дунёда барча жиноятларни кечириш мумкин, лекин иккита гуноҳни кечириб бўлмайди. Онасини зор қилганларни, иккинчиси, Ватансизларни... Сен икки гуноҳ билан сийлангансан, болам!

М а к с и м. Дада, кўп гапирманг. Наҳот неварангиз шундай ўтиб кетишини хоҳласангиз!

С а ш а а к а. Ойинг оғриб қолганда мен сенга қанча телефон қилдим. Қанча... “Кел, болам, ҳамма ишингни ташлаб Тошкентга уч, онанг билан хайрлашиб қолгин” дедим, сен у дединг, бу дединг... Лекин келмадинг... У сени ҳар кун кутди... Максим, Максим, деб ўлди, бечора. Наҳот, сенга умрини бағишлаган аёл учун бир кунингни қурбон қилмадинг, бола... Тўғрида, дунёда ватани бўлмаган одамнинг онаси бўлармиди?

М а к с и м. Дада, эзманг бунақа гаплар билан.

С а ш а а к а. Сен ўйлайсанки, кампир ўлган бўлса, чол ҳам яқинда...

М а к с и м. Сиз ҳали ўлмайсиз...

С а ш а а к а. Ёлғиз тангри билади қачон ва қаерда...

М а к с и м. Мен сизни ўйлаяпман, дада! Ё бизни денг ёки шу уйни...

С а ш а а к а. Мени ўйлама! Мени ўйласанг, “Ё бизни денг ё шу уйни?” демаган бўлардинг... Мени биласан-ку, сизларни қанча яхши кўрсам, бу ерни ҳам шунча яхши кўраман. Сен туфайли боланг касал бўлиб ётгандир. Шуни ўйлаб кўрдингми? Болам, биз ўзбек эмасмиз, лекин шу дарахтнинг мевасимиз! Шу тупроқда туғилган, тўғри келган жойга ивирсиб кетадиган ҳайвонмас, инсонмиз. Шу заминнинг нонидан омон қолган, шу тупроқда ота-онамиз хоки ётган замин ўғлонимиз. Эҳтимол, узоққа бормасман. Лекин бу дунёдан чин ватансиз ўтиб кетма. Ватансиз одамнинг ўзи ҳам йўқ, боласининг ҳам, авлодининг ҳам тайини бўлмайди. Қоғоздаги фуқаролик ҳеч нимани белгилаб бермайди, болам... Ҳақиқий яшаш жойинг қаерда деб сўрашса... Мен юрагимни кўрсатган бўлардим. Уни ҳеч ким ўчиролмайди, унда Ўзбекистон бор!

ОЛТИНЧИ САҲНА

С а ш а а к а. Ҳайлаб кўрсам, худбин бўлиб кетибман. Нева-
рам тилдан қолган, ёш бола хаста, онаси ароқхўр, ўғлим худ-
бин. Мен уларга керакман. Фақат хотиралар билан яшай ол-
майман. Ҳаммасини унутиб кетиш осонмас, аммо мен неварам
учун... Умрим ҳам охирида қолди.

О л и м о т а. Ахир, улар болаларинг-ку! Сени тушунишар...
Аҳволингни қара, бир кунда адо бўлибсан...

С а ш а а к а. Кел, дўстим! *(қучоқлашадилар)* Қўшиқ айтай-
лик... “Кўча чеккасида бир бақатерак, ёлғиз қалтирайди ша-
молдан кўрқиб, мен ҳам ёлғизман, эй бақатерак, сен ва мен ва
ўша гўзал қиз каби... Кўча чеккасида бир бақатерак”.

Саҳнага Дилбар Акбарни қўлидан етаклаб кириб келади.

А к б а р. Одамни хижолатга қўймагин энди. Бўлди, ўзим...

Д и л б а р. Қани, тезда Саша амакидан кечирим сўранг.

А к б а р *(каловланиб, хижолат бўлиб)*. Саша амаки, мени
кечиринг, аҳмоқлик қилиб қўйдим... Балки, кетмасиз...

С а ш а а к а. Фақат бир йўл қолди. Битта йўл... Кетиш...
Ҳаммаси шунда яхши бўлар... Келинлар, сафар олдиан ўти-
райлик. *(Ҳаммаси сукутга чўмиб ўтиришади.)*

Г а л я *(чошиб кириб келади)*. Максим, Максим, азизим...

Ичкаридан Максим ҳам чиқиб келади.

Г а л я. Максим! Андрюша.

М а к с и м. Гапирсанг-чи, нима қилди унга!

Г а л я. У гапирди! “Ўрик гуллари” деб гапирди...

М а к с и м. Наҳотки! *(Уни кўтариб айлантиради.)* Юр-чи...

Уларнинг ҳаммаси боғ томонга югуриб кетишади.

С а ш а а к а. Ё, парвардигор! Ўзингга шукур!

Вера, боғларимизни кўрдингми? Яна ўрик гуллади...

*Саша ака чиқиб кетади. Шовқин-сурон билан ҳамма саҳнага
қайтиб келади.*

Г а л я. Яна битта айт, яна бир қайтар, болажоним!

А н д р е й. Ўригимиз гуллабди, бобожон.

О л и м о т а. Оббо, бобосининг набираси.

Г а л я. Эшитдингизми, дада? *(Саша акани йўқлигини шун-
дагина пайқаб қолишади)*. Дада, дада! *(Ҳамма хавотирланиб
Саша акани изидан уй ичкарасига кириб кетади. Қоронғулик.
Чироқ ёруғида биргина Олим ота)*.

О л и м о т а. Саша бир дарахт, ўрик дарахти. Бу дарахт шу заминга томир отиб кетган, неча йиллар мева берган ва қариган дарахт... Балки, уни узоқ шимолдан ёки шарқдан олиб келиб бу ерга эккандирлар, бунинг фарқи йўқ. У шу ерда унди, шу қуёшдан катта дарахт бўлди, ўсди... Айтинг-чи, энди бу қари ўрик дарахтини бошқа ёққа кўчирса, неча кун яшай олади, неча кун?

Муסיқа. Саҳна ёришиб, боғда невараси билан Саша ака кўрилади. Улар ўрик гуллари орасида юришибди. Улар боғлар орасига бир дарахт каби сингиб кетишади.

ТАМОМ

Ҳуснулло ЖОМОНҚУЛОВ



1993 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтининг “Саҳна ва экран санъати драматургияси” йўналишини тамомлаган. “Кўзмунчоқ”, “Ёнимизда яшар юлдузлар” шеърий ва драматик асарлар тўплами нашр этилган. “Истеъдод мактаби – V” Республика ёш ижодкорлар семинари қатнашчиси. “Куз”, “Аквариум”, “Пойабзал”, “Меҳрибоним”, “Тилла топар”, “Парвоз”, “Қулун”, “Дурдона”, “Танлов”, “Я люблю Ташкент”, “Тўтиқуш парвозда” каби қисқа метражли бадиий фильмлари, “Занжирбанд” номли тўлиқ метражли, “Ожиза” номли 40 қисмли сериал сценарийлари суратга олинган. “Мозордаги бозор” (2014), “Тоғда ёнган шамчироқ” (2015) каби драматик асарлар муаллифи.

МОЗОРДАГИ БОЗОР

Сатирик комедия

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Адам.

Эгамберди – Гўрков, аввал бошқа ишда ишлаган.

Тўхтақул – тадбиркор, ўрта ёшли. Ишдан бошқасини билмайди. Кун бўйи ишлаб, қолган муаммоларини оқшом битиради.

Машҳурий – кекса ёшли, нўноқ “ижодкор”. Жанозага ҳам орден тақиб боради.

Барнобек – қизлардек назокатли бўз йигит, 27 ёшда.

Олтивой – ўта хушомадгўй, бошлиғи айтса, фарзандларининг исмини ҳам ўзгартиришга тайёр.

Қўзивой Қўчқорович – Олтивойнинг бошлиғи.

Гид – “итдан бир суяк қарз”, айёр.

Ишратқул – бор-будини қиморда ютқизиб, таркидунё қилган пиёниста.

Фасодбек – ўтакетган ғийбатчи, ҳасадгўй. Кимдир эртароқ “кетиб”, яхши жойга кўмилса, ўлишга ҳам тайёр.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қабристон дарвозасининг олдида оққа бўялган хужра. Хужра ёнидаги дарвозага кираверишда “эҳсон қутичаси” ўрнатилган. Орқа тарафда қабристон кўриниб турибди. Асар охиригача шу манзара ўзгармайди. Эгамберди асабий ҳолда кимнидир қутяпти. Бирдан осмон гумбурлаб чақмоқ чақади. Қабристон атрофи ёришиб кетади ва қоронғуликда кимнингдир шарпаси кўринади.

Эгамберди (*қўйлагининг ёқасини тишлайди*). Астаф-фирулло (*қўйлак ичига туф-туфлаб*), шу Тўхтақул ҳеч ишидан эртароқ қайтмади-да. Энди бу додхоҳнинг пирхонасида қоронғуда ўтираманми? Э! Бу Тўхтақулмас-ку (*ваҳимага тушиб*). Ўзингни бос, Эгамберди. Тижорат иши осон эмас, ахир. Сердаромад иш ўз оёғи билан келиб турган бўлса. А?

Бояги ёришиб кетган тарафдан оҳиста шитирлашлар эшитилади.

Ким у? Ҳей, кимсан! (*қўрқиб, олдинга қадам босади.*) Қоронғуликдан оппоқ либосда Адам чиқиб келади.

Адам. Адам.

Э г а м б е р д и. Ў, олифта, нима аданг? Мен сендан ўзингнинг кимлигингни сўраябман (*аччиқланиб*). Отинг нима, отинг?

А д а м (*хотиржам*). Адам.

Э г а м б е р д и. Хўш, унда адангнинг оти нима?

А д а м (*хотиржам*). Адам.

Э г а м б е р д и (*жиғибийрон бўлиб*). Унда котта холангнинг исми нима? Уям, хойнаҳой, адам бўлса керак. Ҳа-а, топдим, сен ҳам бирор айб иш қилиб кўйгансан. Ҳаммангга теккан касаллик бу, қилар ишни қиласизлар-да, кейин адам-адамлаб юрасизлар. Қачон ўзларинг мустақил бирон иш қиласанлар. (*Адам тушунмагандек жим туради.*) Хўп, майли, энди тўғриси айт-чи, қаердан келдинг? Отинг нима? Нима айб иш қилиб кўйдинг? Гапир.

А д а м (*ҳайратланиб*). Айб қилганимни қаердан била қолдинг?

Э г а м б е р д и. Башаранг айтиб турибди-ку, кўм-кўк бўлиб кетган (*кўрқиб, паст овозда*) ўликникига ўхшаб.

А д а м. Бизда ҳамманинг ранги шунақа.

Э г а м б е р д и. Бизда-а?

А д а м. Бизда, (*осмонга ишора қилиб*) мени ҳайдаб юборган жойда.

Э г а м б е р д и. Тўхта-тўхта! Э, сен ўзга сайёрадан бўлмагин яна!

А д а м. Қайдам, балки, шундайдир. Лекин қайтгим келяпти.

Э г а м б е р д и. Исминг ростдан ҳам Адамми?

А д а м. Бизда ҳамма бир-бирини шундай чақиради.

Э г а м б е р д и. Адам дегани нима дегани ўзи?

А д а м. Адам дегани бу сизларда одам дегани. Улар, сен бо-раётган сайёрада одамлар бўлиши керак, сен улар ҳақида маълумот олиб кел, деган эди. Одамлар қани?

Э г а м б е р д и (*кулиб юборади*). Сен айтаётган одамлар Отам замонида қолиб кетган. Ҳозир улар ўзгарган.

А д а м. Улар, Сен ўзинг одаммасмисан?

Сукунат.

Э г а м б е р д и. Ҳали замон сен излаётган (*қоронғуликда одам шарпаси кўринади*) одамларинг ҳам келиб қолади.

Эгамберди Адамни хужрага беркитади. Ҳансираб, шошиб Тўхтақул кириб келади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Т ў х т а қ у л (*ўпкаси тўлиб*). Эгамберди, тайёрми ҳужжатлар? Олиб келинг.

Э г а м б е р д и. Ассалому алайкум, бой ота. Ишларингиз яхшими? Қанақа ҳужжат? Гўрковда ҳужжат нима қилсин?

Т ў х т а қ у л. Э, серсалом бўлмай ҳар нарса бўл. Ҳозир ҳамма жойда ҳужжат гапиради.

Э г а м б е р д и. Балки, нотариусда ҳам тасдиқлатармиз?

Т ў х т а қ у л. Ҳа, сен нима деб ўйловдинг? Аканг қарағай ҳар бир ишни пухта бажаради. (*Чўнтагидаги телефонини олиб рақам тиради.*) Эргаш, тез...

Гапи охирига етмай Эргаш пайдо бўлади.

Э р г а ш. Лаббай, эшитаман.

Т ў х т а қ у л (*чўчиб тушади*). Э, арвоҳга ўхшамай ўл! Жин урсин. Ҳа деганда, ма дейсан. Аммо бу ишинг яхши, шошилманг, осиласан.

Эргашнинг портфелидан бир ҳужжат олиб Эгамбердига узатади.

Т ў х т а қ у л. Ма, танишиб чиқ.

Э г а м б е р д и. Нима бу?

Т ў х т а қ у л. Ўқисанг, биласан, ўқимаган.

Э г а м б е р д и (*ҳужжатни ўқиб қулади*). Бу ҳужжат тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Т ў х т а қ у л. Ҳамма жойи тўғри бўлиши керак.

Э г а м б е р д и (*қоғозни узатиб*). Мана, олинг, ишонмасангиз. Ўқиб чиқинг.

Т ў х т а қ у л (*қоғозни ўқийди*). Мен ўлгандан кейин менинг эсон-омон кўмилишимга жавоб беришга розимисиз? Харажатлар сиз сўраган миқдорда қопланади. (*Эгамбердига*) Ҳов, ландовур, ҳаммаси жойида-ку!

Э г а м б е р д и. Тўлиқ эмас, дедимми, тўлиқ эмас!

Т ў х т а қ у л. Тўлиқ бўлмаса, тўлдир, ҳаром қотгур! Ахир, кеч қоляпман. Бугун фарзандларим билан танишишим керак.

Э г а м б е р д и (*баттар қулади*). Ким таништиради?

Т ў х т а қ у л. Хотиним таништиради-да. Бошқа ким ҳам таништиради эди? Катта холангми? Тезроқ бормасам, тез орада хотинимни ҳам танимай қоламан, галварс! Қани, айт энди, розимисан?

Э г а м б е р д и. Йўқ, рози эмасман. Биринчидан, мен эмас, фарзандларингиз кўмсин.

Т ў х т а қ у л. А? Сен шундай деб ўйлайсанми?!

Э г а м б е р д и. Албатта! Фарзандларингиз сизни кўрганми ўзи?

Т ў х т а қ у л. Билмадим, онаси мен ҳақимда айтган бўлса керак. Мен ҳам фақат ухлаб ётган пайтлари кўрганман. Феъл-атвори қандайлигини билмайман. Лекин хотинимни яхши дейишади. Ҳа, айтгандай, қизим мени узоқроқдан кўрган экан. Ҳатто бўлажак куёвим ҳам.

Э г а м б е р д и. Гап-сўзи тузукми?

Т ў х т а қ у л. Билмадим, ўша куни жуда кеч қайтгандим. Чамаси кечги учларда. Қизим мени дарвозадан кираверишда бир кўрган экан. Онаси айтди. Лекин яхши эслолмабди-да. Тўғрида, сен мастликда қилган ишингдан, кўрган нарсангдан бирортасини айтиб бера оласанми?.. Йўқ. Менинг қизим эса зеҳдли, хотираси ҳам яхши. Шунинг учун болалардан бир сўрайман, мабодо ўхшамай қолса, рози бўласанми?

Э г а м б е р д и. Айтдим-ку, бу ҳужжат тўлиқ ишланмаган деб, мен бунга рози бўлолмайман.

Т ў х т а қ у л (*тутоқиб, Эгамбердининг елкасидан тутиб силтайди*). Э, сен бола нега бунча қонимни ичасан-а? Қани, қаери тўлиқ эмас?

Э г а м б е р д и (*четроққа ўтиб*). Ўзингизни босинг (*вароғни кўрсатиб*) мана бу ери хато.

Т ў х т а қ у л (*йиғлагудек*). Қани? Қаери хато? Ўша лаънати хатони кўрсат (*тиззада йиқилиб*). Ўтинаман, айт, нимаси хато экан? Вақтим ҳам, сабрим ҳам тугади.

Э г а м б е р д и (*узоқлашиб*). Ана, ўзингиз тилаб олдингиз. Бу ерда “кетадиган” санангиз аниқ кўрсатилмаган.

Т ў х т а қ у л. Қаёққа кетадиган санам аниқ кўрсатилмаган?

Э г а м б е р д и. Қаёққа бўларди, асфаласофилинга-да!

Т ў х т а қ у л. Э, онангни сани, топган фалсафанг билан... Ўрнидан туриб Эгамбердини қувлаб кетади.

Э г а м б е р д и. Хўп, бўлди-бўлди, ҳазиллашдим. Лекин сиздан олдин мени кетиб қолмаслигимга кафолат бермайман.

Т ў х т а қ у л. Нега бермас экансан? Ўлмайсан, қонун йўл қўймайди. Эргаш, шартномага қўл қўйдир.

Э р г а ш. Хўп бўлади. (*Эгамберди имзо қўяди.*)

Т ў х т а қ у л. Қани, энди ўлиб кўр-чи, ўлолмайсан, имзоингга жавоб берасан. Яхши қол. Мана, омонатингни тезроқ ол (*пул узатиб чиқиб кетади*).

Э г а м б е р д и (*пулни ўпиб чўнтагига солгач изидан*). Сиз ҳам омонатингизни тезроқ топширинг.

Адам хужрадан чиқиб келади.

А д а м. Улар ким?

Э г а м б е р д и. Улар – сен излаб юрганинг одамлар.

А д а м. Уларнинг ранги бошқача экан, эслаб қололмадим.

Э г а м б е р д и. Бунинг ҳожатиям йўқ, уларни барибир таниб ололмайсан.

А д а м. Нимага?

Э г а м б е р д и. Чунки улар эртага бошқа тусга киради, индин эса яна бошқа. Улар ҳар куни қиёфасини ўзгартиради. Адам, эшитяпсанми?

Сукунат. Қоронғуликда майсанинг шитирлаб босилгани ва кимнингдир йиқилгани шовқини эшитилади.

О в о з. Ёрдам беринг! Қутқаринг! Қўрқиб кетяпман, ким бор?

Эгамберди чироғини ёқиб овоз келаётган томонга юради.

О в о з (*хириллаб*). Ҳой, кимдир борми? Халқ буюк ижодкоридан айрилиб қолади. Келинлар, халқнинг мулки изтироб чекапти. Адабиётни қутқаринглар, ҳой!

Э г а м б е р д и. Мана, каминаю камтарин, халқнинг, адабиётнинг халоскори келди (*чўзиб*). Қаердасиз, эй буюк зот?

О в о з (*шеър оҳангида*). Мен бу ердан, менинг қахрамоним.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Эгамберди ерга юзтубан ётиб олиб, ваъз ўқиётган чолнинг тепасига келиб чироқ ёқади. Адам уларни четдан қузатади.

Э г а м б е р д и. Кимсиз, эй мўътабар зот?

М а ш ҳ у р и й. Танимадингизми? Мени-я! Бу қандай бедодлик, ахир!

Э г а м б е р д и. Ахир, ер билан битта бўлиб ётиб олмасдан тепароққа қарасангиз таниймиз-да.

М а ш ҳ у р и й (*ўрnidан туриб*). Йўқ, ҳеч қачон менинг юзим ерга қарамаган.

Э г а м б е р д и. Кўриниб турибди.

М а ш ҳ у р и й. Мени танидингизми?

Э г а м б е р д и (*чироқни тўғри юзига тугиб*). Бир қошиқ қонимдан кечинг.

М а ш ҳ у р и й. Вой, бу қандай кўргилик-а, қандай гап! Пастроққа ёқинг мана бу матоҳингизни (*орден ва бейджикларига ишора қилади*).

Э г а м б е р д и. Э, бу сиз-ку! Ўша машхур, Машхурий.

М а ш ҳ у р и й. Қаёқдан бирдан таниб қолдингиз?

Э г а м б е р д и. Сиздан бошқа ким ҳам қабристонга ордендан тортиб туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасигача кўкрагига осиб келади?!

М а ш ҳ у р и й. А, лаббай?

Э г а м б е р д и. Тақсир, сиздек буюк зотни танимай ўлибманми, дейман.

М а ш ҳ у р и й. Бале, яшанг. Шундай бўлсин. Энди, шундай буюк одамнинг номи ўчиб кетмасин десангиз, бир илтимос билан ташриф буюрдим ҳузурингизга.

Э г а м б е р д и. Бош устига, тақсир.

М а ш ҳ у р и й. Бизга тош устига ҳам бўлаверади. Машхурларнинг қадрига ҳамма бирдек етавермас экан. Фарзандларимдан хавотирдаман. Нима эмиш, бизга машхур адабиёт устуниси эмас, ақлли, меҳрибон ота керак, эмиш (*ғалати қилиқ қилиб*). Мана сенга меҳрибон ота! Сенларга меҳрибон ота эмас, бадавлат ота керак. Сизнинг бу юришингиздан уяляпмиз, дейишини-чи буларнинг... Шунинг учун сизга тўрт мисра шеър ўқиб берсам, шуни қабр тошимга ёзиб қўйсангиз, илтимос!

Э г а м б е р д и. Бажонидил. Қани эшитайлик-чи.

Машхурий чўнтагини титкилаб бир букланган қоғоз чиқариб ўқийди.

Куйдир жисмим нигоҳларингда,
Кўкда осмон гувоҳ, ерда ер.
Илтифот қил жафокорингга,
Лабларингдан битта бўса бер.

Унут энди дунё ишларин,
Ҳаққимизга нима деса дер.
Рўёбга айлантир тушларинг,
Лабларингдан битта бўса бер.

Чарх айлансин бошимиз узра,
Айтгин, бизнинг дардимиз ким ер.
Ҳаяжонда титраб илк бора
Лабларингдан битта бўса бер.

Шунда лаблар бўсағасида
Учрашади руҳ ва қайноқ тер,
Шу икки жаҳон орасида
Лабларингдан битта бўса бер.

Шунда қушлар тўқийди бизга
Росту ёлғон гўзал қўшиқ, шеър.
Энди кўзлар тушмас ҳеч кўзга,
Лабларингдан битта бўса бер.

Э г а м б е р д и. Офарин, тасанно! Аммо сиз тўрт сатр де-
гандингиз.

М а ш ҳ у р и й. Ҳа ўзингизга ёққан жойини кесиб олавера-
сиз-да, бўтам. Вариантлари билан-да, ахир.

Э г а м б е р д и. Мен қўшиқчиманми сизга? Бутун шеърни
кесиб оладиган (*синаб қўриш учун*). Мен бу шеърни қаердадир
ўқиганман, мабодоо-а?..

М а ш ҳ у р и й. Ўқиган бўлсангиз, ўқигандирсиз. Ҳозир ҳам-
ма бир хил ёзяпти-ку. Биз, шоирлар ҳамнафас ижод қиламиз.

Э г а м б е р д и. Ростданми?

М а ш ҳ у р и й. Ҳа! Қишлоқдан бир йигитча “Газетага бо-
синг” деб шуни ташлаб кетганди, жуда яроқсиз шеър экан.
Устида узоқ изланишлар олиб бордим. Қанча машаққатлар че-
киб шу даражага етказганимдан кейин меники бўлмай кимни-
ки бўлади? Ахир, мана булар ҳам бор-ку (*кўксига уради*).

Э г а м б е р д и. Юракми? У сизда кўпми?

М а ш ҳ у р и й. Қанақа юрак? (*Орденини қўлига ушлаб*) Мана
буни айтяпман.

Э г а м б е р д и. Ҳа, уми? (*Четга*) Ўзим ҳам ажабланиб тур-
гандим, бунда юрак нима қилади, деб.

М а ш ҳ у р и й. Сиз гапни чувалатманг. Менинг илтимосим-
ни бажаринг. Сизни ҳам қуруқ қўймайман. (*Бироз жим туриб*)
Агар бирга ишлаймиз десангиз, бир таклиф бор.

Э г а м б е р д и. Қанақа таклиф экан?

М а ш ҳ у р и й. Ўзингиздан қолар гап йўқ, бизга ўхшаб бу-
юклик даъвосида келиб қоладиганлар бўлса, мана бу (*чўнтаги-
дан визитка чиқариб*) манзилим. Жўнатаверинг. Оташин қабр-
тош битиклари бизда бисёр. Тирикчиликнинг айби йўқ, бўтам.
(*Секин қўлоғига*) Сизни ҳам қуруқ қўймайман, ўртадан арралай-
миз. Мана бу хамир учидан патир (*чўнтагига пул солади*).

Машхурий чиқиб кетади. Эгамберди ортидан бир-икки қадам юриб, тўхтаб қолади. Хужрадан Адам чиқиб келади ва эҳсон қутичасининг ёнига тўхтаб қолади.

А д а м. Бу нима?

Э г а м б е р д и. Буми, бу эҳсон қутиси?

А д а м. Бу нима учун керак?

Э г а м б е р д и. Одамлар унга кўнглидан чиқариб бирор нарса, масалан, пул ташлашади.

А д а м. Нега унда ҳеч ким ташламаяпти?

Э г а м б е р д и. Кўрмайсанми, мана шу жойдан ҳам фойда олмақчи. Ишхонага айлантирмоқчи.

Адам қутичага эғнидаги кийимини кийгазиб қўяди.

Э г а м б е р д и. Мана, осмондан тушганингга яна бир бор ишонтирдинг. Ёзилган нарсанинг ҳаммаси, албатта, бажарилиши керак дегани эмас. Ёзилмаган қоидалар бор.

А д а м (*қатъий*). Йўқ, ҳар ким, ҳар нарса, кўрингани каби бўлиши керак.

Э г а м б е р д и. Унда яшаш оғирлашиб кетади. Сенинг кийимингни қутичага нима кераги бор?

А д а м. Унга керак бўлмаса, бошқаларга керак бўлиб қолар. Кейин ичида ҳеч нима йўқ экан, совқотмасин дедим-да.

Машинанинг овози эшитилади. Овоз яқин атрофга келиб тинади. Машинанинг эшиги очиб ёпилади.

Э г а м б е р д и (*шошилиб*). Адам, тезроқ беркин, кимдир келди. Қадам товушларидан биз томонга келаётганга ўхшайди.

Адам хужра ичига кириб кетади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳнада Эгамберди ҳайратланганча турибди. Қоронғуликдан паст бўйли, жулдур кийинган Олтивой пешонаси ерга текгудек букилиб, таъзим бажо келтириб кириб келади. Югуриб келиб Эгамбердининг қўлини ўпади.

О л т и в о й (*ҳамон таъзим қилишдан тўхтамай*). Оҳ, менинг қиблайи паноҳим. Менинг ҳиммати дарё оғажоним (*яна қўлидан ўпади*).

Эгамберди кеккайган ҳолда қўлини ўптиради.

Э г а м б е р д и (*четга*). Алда, ғаламис, алда. Мен сенинг анави ландовур хўжайининг эмасман (*қўлини тортиб олади*). Бўлди, ўпавериб қўлимнинг олқиндисини чиқариб юбордингиз.

О л т и в о й (*таъзимдан тўхтамай*). Минг бор узр. Сизнинг қаҳрингизга дучор бўлишдан ўзи асрасин. Паноҳингиздан айирмасин.

Э г а м б е р д и. Кечирасиз, сиз ким биландир мени адаштирдигиз. Сизга нима керак ўзи?

О л т и в о й. Йўқ, мен сизни ҳеч ким билан адаштирмайман. Менга фақатгина сизнинг соғлигингиз керак.

Э г а м б е р д и. Бугун тик оёқда юравериб роса чарчадим (*ўтирмақчи бўлади*).

О л т и в о й (*дарров қўлидан тутиб*). Ие-е, сиз уринманг, мен ҳозир.

Эгнидаги эски чарм пиджагини ечиб, Эгамбердининг тагига тўшайди.

Э г а м б е р д и. Шу нимадир ботяпти-да, захми-ей?

О л т и в о й (*қилпанглаб*). Афв этсинлар. Ҳозир, ҳозир “ест” қиламиз.

Бошидаги қалин телпакни ечиб, тагига қўймоқчи бўлади.

О л т и в о й (*энгашиб*). Муборакларини озгина кўтариб юборсинлар, агар малол келмаса (*атрофида парвона бўлади*). Сиз асло уринманг, мен ўзим...

Э г а м б е р д и. Нима қилганингиз бу? Ахир, бош кийим-ку.

О л т и в о й. Сизни бошимизга кўтаришга ҳам тайёрмиз.

Э г а м б е р д и. Шунча мулозамат, шунча такалуф Худойигамасдир. Ширин уйқунгизни бузиб, мендан аҳвол сўрагани келмагандирсиз. Қани, сўранг-чи?

О л т и в о й (*талмовсираб*). Нимани? Қандай қилиб?

Э г а м б е р д и. Шоқол тулкига ов қилишни ўргатиб турса, кулгили кўринса керак.

О л т и в о й. Ахир, сал ноқулай-да. Лекин сизнинг серҳиматлигингиз ҳақида кўп эшитганман. (*Ерга йиқилиб, Эгамбердининг оёғини қучоқлаб йиғлайди.*) Ёрдам беринг! Ҳаётим қил устида турибди. Фарзандларим ҳам ўзимга қўшилиб оч қолади.

Э г а м б е р д и. Нима бўлди?

О л т и в о й. Хўжайин мени ишдан ҳайдамоқчи бўлиб юрибди.

Э г а м б е р д и. Шунга шунча ота гўри қозихонами? Мен жиддийроқ кор-ҳол бўлдими дебман. Қўйинг-э!

О л т и в о й. Бундан ҳам жиддийроқ кор-ҳол бўлиши мумкинми? Менинг бу мансабга кўтарилгунча қанча тер тўкканимни биласизми? Бирорта фарзандимни ўзининг исмида

чақиролмайман. Хўжайин эшитиб қоладими деб, уйим ҳайвонот боғига айланиб кетди: кучуквой, мушуквой, чўчқохон, хўрозвой! Э, ҳатто кечаси хотинимни ҳам исми билан эмас, хўжайин қўйган исм билан эркалайман: Сигирой! Говмишгинам.

Э г а м б е р д и. Бу зотини янгилаш учун фермага ҳам олиб бориб турасизми Говмишгинангизни?

О л т и в о й. Сиз одамни хафа қиляяпсиз. Мен ҳеч қанақа фермага Говмишгинамни олиб бормайман.

Э г а м б е р д и. Узр, билмай гапириб қўйдим. Бундай демокчи эмасдим. Кечиринг.

О л т и в о й. Агар насли бузилса ҳам, фақатгина хўжайин янгилаши мумкин.

Э г а м б е р д и. Урди худо. Мен бундан хижолат бўлиб, узр сўраб юрибман яна. Хўжайинларининг ўзлари ким бўладилар?

О л т и в о й. Бизнинг хўжайин...

Э г а м б е р д и. Биз, деганингиз кимлар?

О л т и в о й. Биз деганим, бу бизнинг бутун оила аъзоларимизу ота-боболаримиз киради. Қолаверса, ишхонада ёлғиз ишчи мен эмасман. Уларнинг ҳам бола-бақрасию ота-бобоси, боринги, бутун шажараси ўша биз деганимга киради. Шундай экан, уларнинг барчаларининг ихтиёри хўжайиннинг қўлларида.

Э г а м б е р д и. Уларнинг ҳам хонадонлари ҳайвонот боғининг филиалига айланиб кетгандир? (*Бироз тўхтаб*) Дарвоқе, сўраш ёдимдан кўтарилибди. Исмлари нима эди хўжайинингизнинг? Агар сир бўлмаса...

О л т и в о й. “Нима эди”мас, ким эди бўлади, акажон. Хўжайиннинг исмини айтолмайман, узр.

Э г а м б е р д и. Шунчалик махфийми?

О л т и в о й. Йўқ, боя оёғим қоронғуда бир нарсага илашиб қолиб, кўрққанимдан таҳоратимни бузиб қўйдим. Хўжайиннинг номини бетаҳорат тилга олсам, Худога ҳам ёқмас.

Э г а м б е р д и. Демак, хўжайинингизнинг номи қабристондан ҳам, худонинг номидан ҳам муқаддас экан-да?

О л т и в о й. Шайтонга ҳай беринг.

Э г а м б е р д и. Шунча уриниб хўжайининг исмини билолмаяпман-ку, ҳай беришга йўл бўлсин. Сиз ҳам Худодан кўрқасизми? Ахир, буюк хўжайинингиз паноҳида бўлсангиз.

О л т и в о й (*тепага ишора қилиб, четга*). У зотни алдаб бўлганда, ўзим билардим кимни хўжайин қилишни.

Э г а м б е р д и. Бир нима дедингизми?

О л т и в о й (*аввалги қиёфага қайтиб*). Шу, хўжайиннинг паноҳларидан ажралиб қолмайин деб, бир илтимос айтмоқчи эдим.

Э г а м б е р д и. Эшитайлик-чи, имкони бўлса...

О л т и в о й. Хўжайиннинг аёллари оғир бетоб эдилар.

Э г а м б е р д и. Докторга олиб бордиларми? Қўлини чўзса, юлдузга ҳам етса керак.

О л т и в о й (*қулиб*). Ана кўрдингизми, нима учун хўжайин бўлолмайсиз? “Ўн саккиз ёшлиси” кутиб турса-ю, дўхтирга чопқиллаб юрадими? Иззат-икромини жойига қўйиб, жойлаб кетсалар бўлди-да.

Э г а м б е р д и. Бор-йўғи шуми илтимосингиз? Ишимизнинг номи ҳам шу эмасми, ахир?

О л т и в о й. Ҳаммаси сиз айтгандек осон эмас-да. Ҳозир айтганимдек “иззат-икром билан” деган нозик жойи каминанинг гарданига юклатилган-да, акажон. (*Мулоиймлик билан*) Ваҳоланки, бутун оиламиз билан хизматларида эканмиз, шу хонимга тайёрлаган жойдан яна бир жой қазиб қўйсангиз.

Э г а м б е р д и. Кимга? Анави ўн саккиз ёшлигами?

О л т и в о й (*хотиржам*). Йўқ, менинг хотинимга. Ўтинаман!

Ерга тиззалаб оёғини қучоқлаб олади.

Э г а м б е р д и. Ўлмаган одамга қандай гўр қазийман?

О л т и в о й. Ўлмаган бўлса, ўлади. Илтимос, Қўзивой Қўчқоров хотинларини яхши кўрар эди, хурсанд бўлади, бечора.

Айб иш қилиб қўйгандек икки қўли билан оғзини маҳкам юмади.

Э г а м б е р д и. Ким дедингиз? Сафини кенгайтирмоқчи экан-да. Жуда муқаддас ном экан, Қўзивой Қўчқорович. Қўзивой Қўчқорович!!!

Қоронғуликдан қадам товуши эшитилади.

Э р к а к о в о з и. Ҳозир боряпман.

О л т и в о й (*жазавага тушиб*). Айтдим-ку, хўжайиннинг ҳамма жойда қулоғи бор деб. Илтимосим ҳақида айтиб қўйманг, “сюрприз” бўла қолсин. Хўжайин хурсанд бўлади-да.

Қоронғуликдан Қўзивой Қўчқорович лапанглаб кириб кела бошлайди.

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч (*уларни кўрмай*). Кимдир мени қақирдимми? Хўв, кимсан? (*Оёғи қайрилиб ўтириб қолади*) Вой, ёрдам беринглар...

О л т и в о й. Хўжайин!

Юзуриб бориб, хўжайинининг оёғини уқалай кетади.

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч. Шестёрка, сен нима қиляпсан бу ерда?

О л т и в о й (*ишида давом этиб*). Ўзим шундай, бу ёқлар тинчмикин деб хабар олиб юрган эдим.

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч. Сен аввал у ёқни тинчитиб кел, буёққа ҳам келишга улгурасан.

О л т и в о й. У ёқлар нотинчми?

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч. Тинч бўлганда шу ерда юрар-мидим, шестёрка. (*Ғамгин*) Янганг ўтиб қолди. Жой гаплашгани келдим.

О л т и в о й. Сизни индамай ташлаб кетавердимми? Сиқилманг, садқайи кўз ёшингиз кетсин. Қанча дарахт мева пишириб, ким қоқар экан, деб кутиб ўтирибди.

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч. Тўғри айтасан-ку-я, одамлар нима дейди? Мен бориб гаплашиб келайин.

Ўрнидан туришга уринади. Олтивой уни орқасига кўтариб олади.

О л т и в о й (*хўжайинини кўтарган ҳолда, зўрға*) Хўжайин, мен ҳаммасини гаплашиб қўйдим. Энди кета қолайлик.

Олтивой хўжайинини кўтариб чиқиб кетади.

Э г а м б е р д и. Ҳа! Шестёрка, илтимос эмиш-а. Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди ҳозир. Ҳой, Адам, чиқавер.

Хужрадан овоз келади.

А д а м н и н г о в о з и. Чиқмайман.

Э г а м б е р д и. Кўрдингми, озгина мақтасанг, пуфакдек шишиб кетади.

А д а м н и н г о в о з и. Йўқ, уларнинг қилмишлари оғир.

Э г а м б е р д и. Сен кўрқмаяпсанми? У ёқ кўрқинчли-ку!

А д а м н и н г о в о з и. Аксинча, ўлганлар бировга ёмонлик қила олармиди? Кел ўзинг бу ёққа, тинчроқ. Ғала-ғовурдан холи экан.

Эгамберди хужрага кириб кетади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Қизил пальто кийиб олган Барнобек майда қадамлар билан кириб келади.

Б а р н о б е к. Ҳой, ким бор? (*Туфлиснинг пошнаси қайрилиб йиқилади.*) Оҳ! Оёқларим оғрияпти. (*Пешонасини ушлаб, осмонга қарайди.*) Оҳ, ҳаёт, бунчалар шафқатсиз. Ҳой, кимдир борми бу ерда?

Ҳужрадан Эгамберди чиқиб келади.

Э г а м б е р д и (*ажабланиб*). Синглим, кеч бўлганда қабристонда бир ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

Б а р н о б е к. Нима-а?

Э г а м б е р д и. Юмшоқ ётоғингиз ботиб кетдими? (*Унга яқинлашмоқчи бўлади.*) Вой, сен ўғил бола экансан-ку!

Б а р н о б е к. Акажон, илтимос, менга ёрдам беринг, рози қиламан.

Э г а м б е р д и. Сенга нима керак?

Б а р н о б е к (*йўғлаб*). Менга шу ердан бир жой қилиб беринг. Чарчадим. Болаларнинг калтагию тепкисидан чарчадим. Бошида яхши кетаётган эди... Қаердан ҳам сездириб қўйдим. Ҳамма айб ўзимда, нармалний салонга боришим керак эди.

Э г а м б е р д и. Бу бош оғриғининг нима кераги бор ўзи, синглим... э, укам.

Б а р н о б е к. Менинг исмим бор, Барнобек. Сиз Барно десангиз ҳам бўлади.

Э г а м б е р д и. Эркакларга хос исм!

Б а р н о б е к (*ўйчан*). Зерикдим. Ҳаёт бунчалар шафқатсиз бўлмаса. Севиб севилолмасанг. Кимгадир дўст бўлолмасанг. Ахир, нима биландир шуғулланиш керак-ку. Хуллас, ҳаёт мени ҳеч қаерга сиғдирмаяпти. Эҳ, яхшиям, шу интернет бор, у ерда ким эканлигингни ҳам билиб ололмайди. Бунинг қизиғиям йўқ. Энг муҳими, у ерда мен ёлғиз эмасман.

Э г а м б е р д и (*масхара қилиб*). Вой бечора, қийналиб кетибсан-ку. Қабристондан ҳам сенга шерик топиш қийин-да. Аввал эркак ёки аёллигингни аниқлаб олгин, хўпми? Жуда зерикаверсанг, бир куни шу болаларинг опкелиб қўйиб кетишадди. (*Орқасига шапатлаб*) Бора қол энди, югур!

Б а р н о б е к. Оҳ! Ёмон тегди.

Кетади.

Ҳужрадан инграганча Адам чиқиб келади.

А д а м (*бошини чангаллаб*). Шу ҳам одамнинг авлодими? Ҳар нарсанинг чўққиси бўлганидек унинг авлодлари адашишнинг чўққисига чиқибди.

Э г а м б е р д и. Нима учун бундай деяпсан?

А да м. Адамнинг айтишича, Момо Одамни буғдой бошоғини едим деб алдаган экан. Балки, алдов ҳам ўшандан бери мавжуддир.

Қоронғуликда “Ишонинг, ака, ишларим юришиб кетай деб турибди. Тез орада қайтараман” деган овози эшитилади. Қадам товушлари яқинлашади.

Э г а м б е р д и. Мана, алдовнинг ўзи ҳам келиб қолди. Қани, беркин, ҳозир сени кўриб қолса, эрта ҳаммага, Хизр кўрдим, энди бой бўлиб кетаман, деб қарз сўрайди. Исботига мана биз қурбон-да.

А да м. Улар бобомни танийдими? (*Хужрага кириб кетади.*)

Э г а м б е р д и. У ҳаммани танийди.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Қоронғуликдан паст бўйли “ГИД” кўлида чарм ҳамён кўтарган ҳолда такаллуф билан кириб келади.

Г и д (*шапт билан*). Мен кўрдим!

Э г а м б е р д и (*хавотирда хужрага қарайди*). Кимни кўрдинг. Қаерда кўрдинг?

Г и д. Шу табаррук ерда сизнинг юзингизда кўрдим.

Э г а м б е р д и (*юзини ишқаб*). Нимани кўрдинг?

Г и д. Улуғвор юзингизда ажиб бир файз кўрдим.

Э г а м б е р д и. Қоронғидаям кўриб қўйдингми?

Г и д. Ахир, юзингиздан нур ёғилиб турибди-ку. Мана, кўзларимга қаранг. Нур синиб ўзингизга қайтади.

Э г а м б е р д и. Ҳа-ҳа, шунча берган қарзларим ғижим бўлиб ҳам қайтмади-ку. Сендан нур синиб қайтадими?

Г и д. Э, оғажоним, сизнинг тафтингиз бошқача-да.

Э г а м б е р д и. Исминг нима эди?

Г и д. Билмадим. Кимдир Таксис деса, яна кимдир Алла дейди. Яқинда Гид деб от қўйишибди.

Э г а м б е р д и. Яхшиям “Ит” деб қўймабди. Не кароматдан шунча тахаллус, агар сир бўлмаса?

Г и д. Бунинг барчасининг ўз рамзи бор. “Алла” кўп кишини ухлатиб кетгансан деб тақдим этилган. Нима эмиш, мен ҳар қандай йўлга юриб кетар эмишман. Шунинг учун “Таксис” тахаллусини ёрлиқ қилиб ёпиштириб қўйишди.

Э г а м б е р д и. Сўнгги муборак номларида қандай пурмаъно рамаз ётур?

Г и д. Гидми? Айтишларича, ҳамманинг тилига тушунар эмишман. Бундаям бир ҳикмат бор, халқ оғзида юриш ҳам осон эмас. Номи чиқмай йўқ бўлиб кетганлар қанча? Қолаверса, бунча қарз биргина кишига оғирлик қилади.

Э г а м б е р д и. Бизга қандай хизмат Гид жанобларидан?

Г и д. Сиздек зотга хизмат айтиб бўладими? Ёнингизга бир илтимос билан келгандим. Буюртма деса ҳам бўлади.

Э г а м б е р д и. Тўй борми?

Г и д. Э, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин. Гўрковга тўйдан заказ тушармиди? Тўйнинг заказчилари етарли. Аза бор, акажон, аза!

Э г а м б е р д и. Нима, ҳозир азада ҳам кўшиқ айтиляптими?

Г и д. Э, акажоним-а, соддасиз-да. Қанақа кўшиқ. Гўр қазиш керак, гўр.

Э г а м б е р д и. Кимга?

Г и д. Амаким ўтиб қолганди. Шунга оғир кунида янгамга...

Э г а м б е р д и. Бобонгизнинг ҳам ерлари жуда унумдор эканда-а? Бу амакингиз нечанчиси эди?

Г и д. Билмадим.

Э г а м б е р д и. Бу сафар ҳам қарзга бўлса, рози бўлмайман. Аввалгиларини ҳам бермасдан чўзиб юриб охири ярим пулини бергансиз. Ахир, менда ҳам бола-чақа бор.

Г и д. Илтимос, оғажон. Бир кишидан қарз эдим, бўйнимга шу машмашани юклаб қўйишди.

Э г а м б е р д и. Қарзни ундиришнинг бошқа йўлини топишолмагандир-да.

Г и д. Билмадим. Нима бўлганда ҳам, сизга ишониб рози бўлиб қўйдим. Энди эпполмасам, улар мени соғ қўйишмайди. Сизни акам деганман. Шу ишга ёрдам беринг. Доимий “клиент”ингизни норизо қилмассиз. У ёқда иккитаси пишиб турибди. Ҳадемай уларни ҳам узамиз. Бегона қилмаймиз, тўғри шу жойга олиб келамиз.

Э г а м б е р д и. Кўрамиз, эртага вақтим бўлса, чақирарман.

Гид четроққа бориб ҳамёнидаги қўп пуллари орасидан озгинасини суғуриб олади-да, Эгамбердининг ёнига келиб чўнтагига пулни тикади. Биз учун вақт топилиб қолар.

Э г а м б е р д и. Шунисига ҳам шукр. Бора қол энди тезроқ. Эртага келарсан. Амакингнинг дийдоридан бенасиб қолмагин яна.

Г и д. Хўп, акажон. Тил билганга минг танга, дейди доно халқимиз.

Қўлини қўксига қўйиб хурсанд чиқиб кетади. Адам пайдо бўлади.

А д а м. Тирикчилигинг ёмон эмас, ана, яна кимдир кел-япти.

Э г а м б е р д и. Налоговоймисан, менинг даромадимни ҳисоблайсан. Ёки ҳаммасини ёзиб олаяпсанми? Ҳей, одам!!! Бора қол энди, хужрага кир.

Хужрага кириб кетади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Шу пайт ташқаридан уст-боши лой-тупроқ аралаш яғир, ҳатто бироз увадаланган Ишратқул афти кир, сочи тўзғиган ҳолда оёғи чалкашиб кириб келади. Афтидан, у маст бўлса керак. Безгак тутгандек титрайди. Адам уни ҳам четдан қузатади.

И ш р а т қ у л. Чақиртирдингизми?

Э г а м б е р д и. Менми? Сеними?

И ш р а т қ у л. Ҳа, мени ҳозир чақирдинг-ку.

Э г а м б е р д и. Мен одамни чақиргандим, сени эмас.

И ш р а т қ у л (*ҳиқичоқ тутиб*). Нима, мен одаммасманми? Айтинг, мен одаммасманми? Ҳиқ!

Э г а м б е р д и. Шу келишлари чойхонаданми дейман?

И ш р а т қ у л. А?

Э г а м б е р д и (*бақариб*). Ошданми дейман?

И ш р а т қ у л. Нимага ҳаммангиз менга овозингизни баландлатиб дўқ қиласизлар? Нима, саҳар билан оқшомнинг фарқига бормайсанми?

Э г а м б е р д и. Кеч бўлганда бу ерда бир аҳволда юрибсиз. Янгам хавотир олаётгандир.

И ш р а т қ у л. Хавотир олмасин деб хабар олгани келдим-да.

Э г а м б е р д и. Э, узр, янгам шу ердами?

И ш р а т қ у л. Ана у, орқангда.

Э г а м б е р д и (*чўчиб*). Орқамда? Нима қияпти орқамда.

И ш р а т қ у л. Кўрқиб кетдингми? Кўрқма, у ётибди жойида. Ўзи шунақасизлар. Ўлгандан кейин кўрқасизлар, эҳтиром кўрсатасизлар. Қани эди менинг ҳам ётишга тинчгина

бошпанам бўлса (*қабрларни кўрсатиб*) ...улардек.

Э г а м б е р д и. Уйингиз, бола-чақангиз ҳам йўқми?

И ш р а т қ у л. Бор эди. Қиморда ютқазмасимдан аввал. Ҳа, майли, ўйинда бўлиб туради. Сиз менга шу ердан бир жой қилиб беринг. Ўлиб-нетиб қолсам, жасадим кўчада қолиб кетишини истамайман. (*Қабристон дарвозаси томон юради.*)

Э г а м б е р д и (*ўйлини тўсади*). Бу ёққа мумкин эмас.

И ш р а т қ у л. Қоч, бу ёғини ҳам ўйинсиз бой берадиган аҳмоқ йўқ. Дайдилик жонимга тегди.

Э г а м б е р д и. Бу ерга ҳаёти тугаганлар киради, яъни, ўлганлар.

И ш р а т қ у л. Ундай бўлса, йўлдан қоч.

Э г а м б е р д и (*жиғибийрон*). Уларни ўлгандан кейин олиб келишади кўтариб, тушундингми? Сени ҳам тобутда олиб келишсин.

И ш р а т қ у л. Ким?

Оғир сукунат.

Э г а м б е р д и. Йўқ, барибир, сизни бу ерга қўёлмайман (*уни елкасидан судраб ҳайдайди*).

И ш р а т қ у л. Қўйиб юбор. Ўзим кетаман. (*Ўзига*) Қани, Ишратқул, ҳайдалиш куйини тинглаб, жуфтакни ростла. Ҳеч бўлмаса, шу ердан ўз ихтиёрим билан кетайин. Биламан, ҳамманг таниш-билишу дўстингга, оға-инингу ота-онангга жой тайёрлаб қўйгансизлар. Бизга келганда шу ерда ҳам жой йўқ.

Ишратқул йиқилиб, сурилиб чиқиб кетади.

А д а м. Тирик ўлганларнинг қабристони йўқми?

Э г а м б е р д и. Мана, сенга ҳам иш топилди. Сени тирик ўликлар қабристони хўжайини қилиб тайинлаймиз.

А д а м. Яна кимдир келяпти. Кўринишидан сенинг ёнингга.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Шу пайт ташқаридан ҳовлиқиб, терга ботган Фасодбек жазавода кириб келади.

Ф а с о д б е к. Ҳа, Эгамберди, эшитдик. Қанча берди? Айт, қанча берди деяпман сенга?

Э г а м б е р д и. Тушунмадим, Фасодбек ака. Ким қанча берибди? Нимани қанча берибди?

Ф а с о д б е к. Ҳа, муғомбир, ҳали шошмай тур. Ўзингни

гўликка солма. Анави Кўзивой Қўчқоровичинг “молхонасидан” орттириб сенга қанча берди?

Э г а м б е р д и. Ҳа, гап бу ёқда денг! Бу “связ” зўр-ку. Сунъий йўлдошга уланганмисиз дейман?

Ф а с о д б е к. Э, бола, сен менинг кимлигимни биласанми ўзи. Мени Фасодбек дейдилар. Айт, қанча берди ўша, қўйми, қўзимми?

Сумкасидан бир қанча даста пулни чиқариб Эгамбердининг юзига отади.

Ф а с о д б е к. Етадимми? Агар яна керак бўлса, айт. Мендек зот ётадиган сара жойга аллақандай молбоқарнинг эски хотини ётқизилармиш. Кўрсатиб қўяман сенларга.

Э г а м б е р д и (қўрқиб). Ахир, мумкин эмас.

Ф а с о д б е к. Нега мумкин эмас экан, менга-я?!

Фасодбек Эгамбердини қабристон дарвозаси томон судраб боради ва қабристон ичига улоқтириб юборади. Эгамберди йиқилиб тушади ва кучли оғриқдан ингранади-да, қайтиб турмайди. Шу пайт қоронғуликдан Ишратқул кириб келади.

И ш р а т қ у л. Ҳой галварслар, хотиним бечора жанжалдан қўрқади. Тириклигида ҳар куни жанжал қилавериш безор қилганман. Энди ўлганда ҳам тинчини бузишларингга йўл қўймайман. (Югуриб бориб Фасодбекни кучоқлаб четга улоқтиради.)

Ф а с о д б е к. Сен пиёниста менга – Фасодбекка қўл кўтардингми? (Ўрнидан туриб урмоқчи бўлади.)

И ш р а т қ у л. Менга деса Афлотуни замон бўлмайсанми, йўқотадиган нарсам йўқ.

Шу пайт Барнобек кириб келади. Қўлидаги телефонда уларни суратга олади.

Б а р н о б е к (телефонда рақам тиради). Алло, бу милициями? Биринчи қабристонда Ишратқул пияниста Фасодбек акани дўппослаяпти. Ман Барнобекман, аднода Барночка. Шу номер ўзимники, зериксангиз, тел қилинг. (Нозланиб четга ўтади.)

Милиция нозирлари кириб келади.

М и л и ц и я (Барнога). Бизга сиз хабар бердингизми?

Б а р н о б е к. Ҳа, ман. Ман шу атрофда юрган эдим, шовқинни эшитиб келдим. Кесам, манави пияниста Фасодбек акамни ураётган экан (телефонини узатиб), мана далил. Илтимос, бошқа папкаларга кирманг. (Четга) Ажаб бўлди, ўтган куни ичиб олиб менга тегажоқлик қилганинг учун жазоингни ол.

М и л и ц и я (*телефонга*). Алло, бу “Тез ёрдам”ми? Биринчи қабристонга тез етиб келинг. Сиз, Барнобек, биз билан кетасиз.

Тўхтақул ва нотариус шошилганча кириб келади.

Т ў х т а қ у л. Вой, нима бўлди? (*Ҳовлиқиб*) Қани, қани у?

М и л и ц и я х о д и м и (*Фасодбекни кўрсатиб*). Ана, “Тез ёрдам” келгунича қараб туринг.

Чиқиб кетади.

Т ў х т а қ у л (*нотариусга*). Гўркўв қани деяпман, хорам қотгур.

Атрофга аланглаб саҳнада ётган Фасодбекни тепкилаб ўтиб Эгамбердини излайди. Фасодбек телефонидан рақам тегиб Кўзивой Кўчқоровга телефон қилади.

Ф а с о д б е к (*телефонга*). Алло-о, ҳа, Кўзивой Кўчқорович, танидингми, мен Фасодбек акангман. Ниятингга етолмадинг-ку! (*Ўрнидан туриб жазавага тушади*) Мен уни ўлдирдим. Ўлдирдим, ҳа-ҳа-а, у ўзи қазган мазор ёнида ётибди. Шундай думалатиб юборсанг, бўлди-и!

У телбалардек у ёқдан-бу ёққа югуради. Унинг гапини эшитган Тўхтақул ва нотариус қабристон ичкарасига югуради ва Эгамбердини судраб олиб чиқади.

Т ў х т а қ у л. Ҳаққинг йўқ, ваъда бергансан, менга ваъда бергансан. Энди менинг тақдирим нима кечади? Ким мени кўмади?

Н о т а р и у с. Сиздан олдин кетиб қолмасликка ваъда бермайман, деганди-ку.

Саҳнага Кўзивой Кўчқорович ва қилпанлаганча Олтиной кириб келади.

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч. Шестёрка, энди нима қиламиз?

О л т и в о й. Билмадим, хўжайин.

Қ ў з и в о й Қ ў ч қ о р о в и ч. Билмаган бўлсанг, ишдан бўшадинг, шестёрка!

О л т и в о й. Ундай бўлса, мени ўз исмим билан чақиринг. Менинг ўз исмим бор. Оиламдагиларнинг ҳам!

Саҳнага шошилганича хансираб икки кўксига ҳам тўлдириб ёрлиқлар тақиб олган Машхурий қўлида шеър ёзилган бир нечта қоғоз кўтариб кириб келади.

М а ш х у р и й. Мана, шеър ҳам тайёр. (*Югуриб келиб жонсиз ётган Эгамбердини туртиб кўради.*) Ҳой ука, сизга нима бўлди? Ҳой! (*қорнига қулоғини қўйиб кўради. Ҳамма уларга бир қа-*

раб, яна ўзларича сиқилишда давом этади) Ё Худо! Энди шеърларимни кимга пуллайман? Ким мени олиб келиб кўмади?

Ҳаммалари нима қилишни билмасдан у ёқдан-бу ёққа бориб келишаяпти. Бир-бирларини қўрганларида “Сен айбдорсан” дегандек душманқараш билан ўтиб кетишади. Шу пайт саҳнага замбил кўтарган икки шифокор кириб келади. Эгамбердининг ёнига келиб томоғини ушлаб кўришади.

Б о ш ш и ф о к о р. Қайси бирингиз унинг яқин кишиси бўласиз?

Ҳеч ким индамайди.

И к к и н ч и ш и ф о к о р. Унда нимага сиқилиб туришибди бу ерда?!

Шифокорлар уларга бир-бир қараб, Эгамбердини олиб чиқиб кетишади. Чиқиб кетишаётганда уларни Гид кўриб қолади ва индамай ўтиб саҳнага келади-да, нима бўлганлигини ҳаммадан бир-бир сўраб чиқади. Ҳамма жим. Ҳамма асабий аҳволда қолиб кетади. Саҳна бир қоронғулашади. Қоронғуда овоз эшитилади.

О в о з.

Бардош тугар, бас, бўлди, дунё,

Инсонингга тушунмай қолдим!

Сабр коса лиқ тўлдими ё,

Ёлғонингга ишонмай қўйдим!

Ҳар қадамда ҳасад ўт сочар,

Ҳар қадамда кибр, разолат!

Қаранг, ҳамма ўзидан қочар,

Нима бўлди бизга, одамзод?!

Бугун сенга эрмак топилган,

Уни танимадингми, ҳайҳот!

Барча дарвозалар ёпилган,

Кўчада қолдингми, одамзод?!

Саҳна бир ёришиб Эгамберди ва Адам оппоқ либосда пайдо бўлади. Сўнг кучли чақмоқ чақиб, уларнинг оппоқ руҳлари осмонга учади.

ТАМОМ

Ҳуснора РЎЗМАТОВА



1994 йилда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти “Саҳна ва экран драматургияси” йўналишини тугатган. Бугунги кунга қадар “Энг бахтли куним”, “Балиқ”, “Тушлар”, “Қўғирчоқ жанозаси” номли сценарийлар, “Ялдо”, “В. б. ва бошқалар” (А. Йўлдош ҳикояси асосида) каби пьесалар ёзган. Ҳозирда “Ўзбектелефильм” акциядорлик компаниясида фаолият юритмоқда.

Я Л Д О

Драма

*Мен яшаш истайман, истайман ғамни,
Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ,*

Лермонтов

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Сувайдо – шоира.

Қайсин – ёзувчи.

Азим Ҳамдамов – режиссёр.

Ялдо – ёш қиз, актриса.

Роза Аҳмадова – Адабиёт муаллимаси.

БИРИНЧИ САҲНА

Роза Аҳмадованинг уйи. Хонанинг ярмини китоб жавони эгаллаган. Хонада Сувайдо ва Роза Аҳмадова чой ичиб ўтиришади. Нарироқдаги ўринда Қайсин Қули қўлида қоғозлар билан, ниманидир ўқияпти.

Сувайдо (*қўлидаги тамакига қараб*). Қаттиқ соғинибман.

Роза Аҳмадова. Кимни?

Сувайдо. Қайдам... (*Тамакига ишора қилиб.*) Тепаси куйиб қолди. Куйик. Шундай бўлса, кимнидир қаттиқ соғинган бўлади, дейишарди.

Роза Аҳмадова (*кулиб, қитмир оҳангда*). Сувайдохон, балки сизни соғинишгандир-а?!

Сувайдо. Энди ундай соғинишларга ишонадиган ёш қизча эмасман, опа. Уйингизнинг иссиқлиги ёқяпти. Ташқари эса совуқ. Кузни қанча соғингандим. Мана, эндигина ноябр-у, у ҳам ҳалитдан қишга сотилиб турибди. Менинг бетон уйим совуқлиги етмагандек, тўкилиб кетай деб турганидан ваҳимага тушаман. Шифтнинг ҳадеб кўчишларидан асабим бузилади. Яқингача дуруст эди. Энди чидаб бўлмай қолди. Йўк, чидамай қаерга ҳам борардим. Фақат одам чақиргани уяласан киши. Таъмирлашга ҳеч пул орттиролмаёйман. Бетон бўлгани учун иситгичнинг ҳам кучи етмайди. Аввал қиш пайтлари ўғлим билан кучоқлашиб ухлардик. Совуқларда болагинамни бағримда иситардим. Энди у улғайиб, катта йигит бўлиб қолди. Биласизми, нимани орзу қиламан? Йўлда кетаётганимда бир халта пул топиб олсам-у, унинг эгаси бўлмаса. Худо осмондан мен учун ташлаган бўлса...

Роза Аҳмадова (*хандон отиб кулади*). Ёш болага ўхшаманг, Сувайдохон. Орзуни қаранг!

С у в а й д о. Нега куласиз, опа? Нима қилибди шундай бўлса? Мен ишонаман. Аниқ бир куни йўлимдан кўп пул топиб оламан.

Қ а й с и н. Мен бу қизга маҳлиё бўлиб қолдим. Мана буни эшитинг: *(қўлидаги қоғозни ўқийди)* “Ўғил бола бўлганимда “Ё дўст, ё Оллоҳ” деб маҳшаргача кетардим. Сен билан Йўлларда кўришиб қолсам, бир томчи кўз ёшини чин дилдан, қалбдан тортиқ қилардим... Яшаш нима? Севиш, севилиш, ўпкангни тўлдириб, эркин хотиржам нафас олиш ва юрагинг тўкилиб тушгунча йиғлаш!.. *(Қоғоздан бошини кўтариб)* “Юрагинг тўкилиб тушгунча тўйиб йиғлаш!..” Қаранг, қандай самимий ёзган.

С у в а й д о. Ҳа, Ялдодан яхши ёзувчи чиқади. Истеъдодли! Кўнгли ҳам шунақа шаффоф, ойнадек тоза, беғубор, фақат девона. Бизга ўхшаб...

Қ а й с и н. Англадим.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Роса қизиқтирдингиз мени шу қизингизга, ўзи қачон келади?

С у в а й д о. Келиб қолиши керак. Театрда репетицияси чўзилиб кетган.

Қ а й с и н. Репетиция? У актрисами?

С у в а й д о. Ҳа, актриса бўлмоқчи.

Қ а й с и н. Эссиз!

С у в а й д о. Мен ҳам қаршиман. Лекин у қатъий туриб олган. Театрсиз яшолмайман, дейди. Театр деб осмонда учиб юрибди. Ҳадеб Азим Ҳамдамовни гапирди. У ўша театрда бош режиссёр экан. Тинмай унинг репетицияларини гапирди. Институтнинг охирги курсидалигидаёқ ўша театрга репетицияларни кузатгани борарди. Институтни битириши билан, мана, яқинда ўша ерга актриса бўлиб ишга олинди. Ҳаяжонланиб юрибди.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Азим Ҳамдамов билан ишласа, албатта, ҳаяжонланади-да. Ҳозир у мамлакатдаги энг кучли театр режиссёри бўлиб турибди-ку. Қариб ҳам қолди. Унинг ўрнини босадиган одам чиқмади ҳам. Ҳамма жойда унинг доврўғи, театр одамлари унга сиғинишади.

С у в а й д о *(Роза Аҳмадовага наст товушда)*. Ялдо уни севиб қолмаяптимикиан, деб кўрқаман, опа. Кўп гапирди.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Йўғ-е, театрни яхши кўради, дедингиз-ку. Шунга гапирди. Азим Ҳамдамовнинг ёши анча катта,

унинг устига, кўп марта уйланганини ҳамма билади. Қизингизнинг ақли бордир.

С у в а й д о. Гап шунда-да. Унинг ақлининг ўрнига ҳам юраги ишлайди. Фирт телба. Кўнглида жунунлик бор.

Қ а й с и н (*қоғоздан бошини кўтариб*). Йўқ, бу қиз актриса бўлолмайди. Қийналади. У бировнинг кўрсатмаси билан йиғлаб-кулолмайди. Руҳияти исёнкор, ичида дарди борлиги кўриниб турибди.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Ҳаяллаб қолди. Манзилни аниқ тушунтирганмидингиз, Сувайдохон?

Қ а й с и н. Келмай қолмайдими, ишқилиб?!

С у в а й д о. Йўқ, аниқ келади... Турсун акани қандай яхши кўришини айтган эдим-ку, қабрларига ҳам бориб туради. Бугун у кишининг туғилган кунини хотирлаб ўтиришимизни роса кутганди. Турсун Муҳаммад яшаган, охирги манзилга кузатишган уйни, (*Қайсинга қараб*) яна унинг шогирдини кўраман деб ҳаяжонланаётганди.

Р о з а А ҳ м а д о в а (*кулиб*). Шунақами? Майли, келиб қолар. Унгача мен Сувайдохоннинг шеърдан ўқиб тураман.

С у в а й д о. Бугун фақат Турсун аканинг шеърларидан ўқиганингиз яхши, опа.

Р о з а А ҳ м а д о в а. У кишиникини, албатта, ўқиймиз. Совғам ҳам бор. Қизингиз келсин. (*Қўлига китоб олиб варақлаб*) Бир шеърингизни айтмоқчийдим, Сувайдохон, жуда ёқди.

С у в а й д о. Қайси, опа?

Р о з а А ҳ м а д о в а. Ҳозир... Ҳмм... Мана... Айниқса, мана бу ери... (*ўқийди.*)

...Бўшлиқ кўрдим фаслларнинг айланишида

Энг сўнги ишончдан жудо бўлган чоғ.

Йиқилдим. Шифокор бош чайқаб деди:

– Юрагингда чуқур доғ бор, жуда ёмон доғ...

– Ҳа, биламан, – дедим, – бир номарднинг оёқ изи бу

Ва бу ўша ишончимни ўлдирган куннинг

Қўлларидан карахт бўлиб ичганим жоду...

С у в а й д о. Опа, уйингиз бирам иссиқки.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Ўғлингиз билан шу ерга кўчиб келсанглар ҳам бўлади. Бирга яшардик. Совуқ жойда ҳамма касалликларингиз зўраяди. Бу уйда ёлғиз Турсунимнинг хоти-

раларини кўриқлаб (*девордаги сурат, жавондаги китобларга ишора қилади*) яшайман. (*Паст товушда*) Баъзида ёлғизлик еб кўяй дейди. Сизга ўхшаб битта болалик бўлиб олмаганимга афсусланаман. Хотиралар барибир ҳаёт бўлмас экан. Баъзида ўкириб йиғлайман. Уйнинг ҳамма ерида Турсуннинг изи қолган. Суратларга қарайман-да, уни чақираман... (*Йиғлаб юборади*) Лекин у чиқмайди. Кейин патефонга ёзиб олинган, ўзи ўқиган шеърларидаги овозини эшитиб тинчланаман...

С у в а й д о (*ёнига яқин келиб, қучоқлаб*). Йиғламанг, опа... Йиғламанг.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Биласизми, у тушимга кирган кунлари яна ухлайверсам дейман. Тушимни яна давом эттирсам, уни яна кўпроқ кўрсам, гаплашсам, ёнимда ҳис қилсам дейман. Ўша кунлари ишга ҳам бормайман. Туш пайтигача ухлаб, кейин туриб роса йиғлайман. (*Йиғлайди.*)

Қ а й с и н. Рўза опа, ўзингизни тутсангиз-чи...

Р о з а А ҳ м а д о в а. Хўп-хўп... (*Йиғи*) Ҳозир... Мана... Ҳаётимда уйқудан бошқа яхши нарса қолмади. Кўп ухлайин деб, уни ҳеч йўқса тушларимда кўрайин деб кўпроқ уйқудори ичиб ётаман.

С у в а й д о (*койиб*). Опа, бундай қилманг. Зарар.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Энди пенсияга чиқиб, мактабдан бўшасамми, деб турибман. Дарс беришга ярамай қолганимни ўзим сезяпман. Шавкат Раҳмонними, Лермонтовнингми, шеърияти ҳақида дарс ўта туриб, Турсунимни қандай қилиб гапириб юборганимни билмай қоламан. (*Маъюс қулади.*)

Эшик тақиллайди.

Қ а й с и н (*ўрнидан туриб*). Ана, у бўлса керак...

Сувайдо Қайсинга бир қараб кўяди. Роза Аҳмадова эшикни очгани чиқиб кетади ва Ялдо билан қайтиб киради.

Р о з а А ҳ м а д о в а (*Сувайдога*). Мана, қизингиз келди.

Я л д о. Ассалому алайкум.

С у в а й д о. Нега ҳаялладинг?

Я л д о. Репетиция...

С у в а й д о. Совуқ қотгандирсан?

Я л д о. Йўқ. Совуқ қотмадим.

С у в а й д о. Мана – Роза Аҳмадова. Турсун аканинг хотини. Бу эса – Қайсин Қули – менинг ўғлимдек бўлиб қолган. Турсун аканинг энг яқин шогирди.

Я л д о. Эссиз, мен Турсун Муҳаммадни ҳаётлигида кўра олмаганман. На шогирди бўла олдим, на... У кишини узоқдан... шеърларини ўқиб яхши кўриб қолганман.

С у в а й д о. Совуқ қотмадим дейсан... Ташқари совуқ-ку, кел, ўтир. Иссиқ чой ичсанг, исийсан.

Ҳамма ўтиради.

Я л д о (*қўзлари девордаги суратда, китобларда*). Уйни томоша қилсам, одобсизлик демайсизми?

Р о з а А ҳ м а д о в а (*жилмайиб*). Бемалол, қизим.

Ялдо ўрнидан туриб, хоналардаги буюмларни бир-бир кўздан кечиради. Овозсиз йиғлайди. Қайсин уни зимдан кузатади. Сувайдо нималарнидир сезаётгандек Қайсинга қараб-қараб қўяди.

С у в а й д о (*Роза Аҳмадовага*). Боя совға бор дегандек бўлгандингиз.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Ҳа! Мана... (*Жавондан қоғозларни олади.*) Турсунимнинг баъзи шеърларини русчага ўгирдим. Яна шунчасини ишласам, битта китоб қилиб чоп эттирамин. (*Қайсинга*) Тўғрими?

Қ а й с и н (*ёш болани алдаган оҳангда*). Албатта, китоб қиламиз.

С у в а й д о. Яхши иш қилибсиз, опа. Шу билан овунасиз. Ўзимиз шундай ишлар қилмасак, бошқалар Турсун акани эсламай қўйишди.

Р о з а А ҳ м а д о в а. Уни ҳамма унутди. Биздан бошқа, мендан бошқа ҳамма Турсунни унутди... (*Йиғлаб юборади, сўнг ичкари хонага кириб кетади.*)

С у в а й д о. Опа!.. (*Ортидан киради.*)

Я л д о. Бечора... (*Қайсинга*) Уни тушунаман...

Қ а й с и н. Қабристонда қолдирган хатларингизни мен олдим.

Я л д о. Сиз? Мен уни қабристоннинг биронта хизматчиси кўриб ташлаб юборган, деб ўйлагандим.

Қ а й с и н. Бошқа бундай қилманг.

Я л д о. Мен... сизларни топиш учун...

Қ а й с и н. Сиз у ерда: “Мен Турсун Муҳаммаддек ижодкорнинг рафиқаси бўла олардим. Унинг дарвешнамо ҳаётида у билан дарддош бўлиб яшай олардим...” дегансиз.

Я л д о. Мен...

Қ а й с и н. Буни ўқиган одамлар қандай тушунади? Айниқса, унинг аёллари зиёратга келганида бу ёзувни ўқиб... Роза опа-чи?!

Я л д о (*йиғламсираб*). Мен...

Қ а й с и н. Сиз жуда беғубор, самимий, софдил қизсиз. Туйғуларга берилгансиз. Сиз ҳам дарвешсиз. Ўз одамларингизни қидирасиз... Мен бундайлигингизни қораламайман. Қайтанга мени ҳаяжонлантирдингиз. (*Қоғозларни олади*) Новеллангизни ўқидим. Ўқидим-у, сизга ҳаётда қанчалар қийин бўлишини ҳис қилдим. (*Жилмайиб, оҳиста оҳангда*) Эркак киши бўлганингизда ҳам бошқа гап эди... Кўзларингиз тимқора. Маъюс, жуда чуқур – узун йўлга ўхшайди. Йиғлаганингизни кўрдим. (*Ўқийди*) “Қора ёлқинликда шивирлар оят”.

Я л д о (*Ўқийди*). “Кўзларингни тинглаяпман энтикиб”.

Қайсин (*кулиб*). Ҳа!

Я л д о. Асарни ўқиган бўлсангиз, бирон эътирозларингиз борми?

Қ а й с и н. Сиздан актриса чиқмайди. Сиз фақат ёзишингиз керак. Умуман, менга асарингиз ёқди. Аммо сиз актриса бўлмайсиз, қийналасиз.

Я л д о. Нега ундай дейсиз? Ахир, мени саҳнада кўрмагансиз-ку?

Қ а й с и н. Мен сизда актрисаликка қобилият йўқ, демокчимасман. Буни билмайман. Мен фақат бундай оғир фикрловчи, ўйчан одам ўзини бировга топшириб саҳнада ўйнолмайди, деяпман. Бунга аввало ўзингиз чидолмайсиз.

Я л д о. Мен театрни беҳад севаман. Унга мафтун бўлганман. Менинг мақсадим ва бутун орзуларим театр билан боғланган. Ҳм... Сизга қандай тушунтирсам экан... Ҳм... Эртага театрга репетиция кўргани келинг. Спектакль тугаганидан кейин саҳна бўшайди. Мен ёлғиз ишлайман. Чеховнинг “Чайка”сини саҳналаштиряпмиз. Мен унда Нина Заречнаяни ўйнайман. Агар режиссёр репетиция қилса, бегона одамларни киритмайди. Ёлғиз ишлаганимда, албатта, келинг.

Қ а й с и н. Бораман. Режиссёрингиз барча буюк режиссёрлар каби диктаторми?

Я л д о (*кулиб*). Ҳа, диктатор. Буюк режиссёр.

ИККИНЧИ САҲНА

Сувайдонинг уйи. Тун. Хонада дераза ёнидаги диванда Сувайдо тамаки чекиб, ташқарига қараб ўтиради. Ялдо келади.

Я л д о (*Сувайдонинг ёнига – диванга ўтиради*). Уйингиз ҳеч ҳам сиз айтганингизчалик хароб эмас экан. Менга ёқди.

С у в а й д о. Ухламадингми?

Я л д о. Уйқум келмаяпти. Ой ёруғи, дарахт кўланкаси, дераза ва чекиб ўтирган Аёл. Чиройли манзара.

С у в а й д о. Тутуни ёқмаяптими? Чекмайинми?

Я л д о. Йўқ, чекинг, чекаверинг... (*Сувайдонинг елкасига суянади.*) Тамакининг ҳиди энди биринчи марта ёқаяпти. Унинг қўлларида тамаки ҳиди келиб туради. Юзимни силаганида... (*Бошини кўтариб, сергак тортиб*) Бугун репетициядан кейин саҳнада у билан қолиб кетдик.

С у в а й д о. Яъни, Азим Ҳамдамов билан, а?

Я л д о (*тасдиқ ишорасини қилади*). У репетициялардан кейин ҳам театрда қолиб, томошабинлар ўриндиғининг орқа қаторида саҳнага қараб ўтиради. Мен репетициядан кейин унинг олдига қайтиб кирдим. Гаплашдик. Кейин... кейин... (*Юзини Сувайдонинг елкаси билан беркитиб*) Айтсам, ёмон кўрмайсизми? Енгилтаклик демайсизми, а?

С у в а й д о (*жиддий*). Айт.

Я л д о. Кейин... Мен у билан ўпишдим.

С у в а й д о. Мана шундай бўлишидан кўрқаётгандим. Сен қизгина эсингни еб қўйдингми? Унинг хотини бор. Хотинлари бўлган. Унинг устига, сендан анча катта. Балки, отанг тенги ҳам.

Я л д о. Ҳа. Отам тирик бўлганида, шу ёшда бўларди... Лекин нима қилибди?! Нима қилибди?! Мен уни севиб қоляпманку, демак, мумкин. Сиз жамият яратган қоидаю тартибларга қараманг. Мен уни севиб қоляпман. Ўтинаман, мени тушунинг. Биласизми, у менга нима деди? “Лайли ўз ишқини кўярга жой ахтарди. Сўнг унга Мажнуннинг кўнглидан муносиброқ жойни топмади. Сен ҳам ишқингни менинг кўнглимга қўй. Сен кўриб турган дунё – ёлғон дунё. Ҳали сенга бошқа дунёлар ҳақида гапириб бераман”, – деди.

С у в а й д о. Эй, Худо! Сен эсингни еб қўйдингми? Бу сеҳрлаш, холос. У сенинг кўнгил торингни қандай чертишни билди...

Я л д о. Йўқ, йўқ... Ундай эмас. Сиз уни билмайсиз. У менинг ичдан, азалдан қидирган одамим. У...

С у в а й д о. Бас қил!..

Я л д о. Йўқ, худо ҳаққи, мени тушунинг!..

УЧИНЧИ САҲНА

Театр саҳнаси. Унда Ялдо қўлида қоғоз, ролини ўйнайди. Бўм-бўш томошабинлар ўриндиғининг олд томонида Қайсин ўтиради.

Я л д о (*ёддан ўқийди*). "...Мен чайкаман... Йўқ, мен бошқа гапни айтмоқчиман. Мен актрисаман... Ҳа, шундай. У театрга ишонмас эди. Ҳамиша менинг орзуларимдан кулар эди. Мен ҳам аста-секин ишонмайдиган бўлиб қолдим, руҳим тушиб кетди... Бир ёқдан севги ташвишлари, рашк ҳамда кичкина туфайли доим таҳликага тушиш... Мен майда гап, ожиз бир кишига айланиб қолдим. Ўйинларим бемаъни бўлди... Қўлимни қаерга қўйишни, ўзимни саҳнада қандай тутишни билмадим, овозим ҳам ўзимга бўйсунмасди. Ёмон ўйнаётганингни ўзинг сезган вақтда юз берадиган ҳолатни сиз англамайсиз. Мен чайкаман. Йўқ, мен бошқа гапни айтаяпман... Эсингизда борми, сиз чайка отиб келган эдингиз. Бир одам тасодифан келди-ю, уни кўрди ва бекордан-бекорга ҳалок қилди... Кичкина бир ҳикоя учун сюжет... Йўқ, мен бошқа гапни айтаяпман... Нима тўғрисида сўзлаётган эдим?.. Ҳа, мен саҳна тўғрисида сўзлаётган эдим. Мен ҳозир унақа эмасман... Энди ҳақиқий актриса бўлиб кетганман. Саҳнада завқ билан ўйнайман, мароқланаман. Ўзимни ғоят яхши ҳис этаман. Ҳозирча бу ерда яшар эканман, доим яёв юраман, юриб ўйлайман, ўйлайман-да, кун сайин ўзимнинг руҳий кучим нақадар ўсаётганини сезиб бораман. Костя, мен энди англадимки, бизнинг ишимизда – саҳнада ўйнаймизми ёки ёзамизми, барибир, асосий нарса шуҳрат эмас, донг таратиш ёхуд мен орзу қилган нарсалар эмас, балки тоқат қилишни билиш экан. Мен буни билиб олдим. Ўз эътиқодингни қўлдан қўйма-ю, ишон... Мен эътиқод қиламан, шунинг учун ҳам менга унча оғир эмас, мен ўз истеъдодим ҳақида ўйлар эканман, ҳаётдан қўрқмайман".

Мана шу жойини ўйнаш менга жуда ҳам қийин бўляпти. Режиссёр ҳар сафар асарнинг шу ерига келганимда норози бўлаверади. Тўғри, ўзим ҳам сезиб тураман яхши ўйнамаётганимни.

Ҳм... Театрни шунчалар яхши кўраманки, мен аввал ҳаётдан қоникмас, ҳадеб исён қилаверардим, саволларимга жавоб тополмасдим. Руҳимда, ичимдаги исён шундай қийнаб юборардики, ичим тирналиб кетгандек азобланардим. Бошимга бир қўл кирса-ю, ундаги ўйлар, фикрларни олиб ташласа дердим. Реал ҳаётга дош бериш жуда азоб. Сиз буни ҳис қилганмисиз? Дунёдан тинмай норози бўласан, унга қўшиб ўзингни ҳам қусиб ташлагинг келади. Азоб... азоб... Ҳаёт мен учун ҳавоси сўриб олингандек эди. Сўнг театрни топдим. Фақат театрдагина мен нафас оладиган ҳаво бор. Сиз эшитиб кўрганмисиз ҳаётдаги кулгини, йиғини ва бошқа-бошқа кечинмаларни ифодаловчи сўзларни... Жуда паст товушда-я улар? Ернинг улканлигига сингиб, йўқолиб кетади. Мен ҳаётнинг рангини, оҳангини ҳам топа олмай қолдим. Кўзимга Ер бир тўда одамларнинг маъносиз, беҳуда ҳаракатланишию шовқинидан иборатдек кўрилади. Ердан озгинагина баландроқда бўлган мана шу сахнада эса ундай эмас. Мен учун сахнада ҳамма нарса чинакамига... Мен сахнада қайта-қайта ишлайман. Режиссёр “Қайтар” деса, яна бошқатдан ўйнайман. Кейин шунчалик чарчаб, лекин бу ёқимли чарчоқ, асл ҳаётга эса ҳолсиз бўлиб тушаман-да, кейин ҳеч қандай исён, норозилик сезмайман ўзимда. Чунки кўнгил очлигимни сахна билан тўлдираман (*нафсимни сахна билан қондираман*). Мени тушунапсизми?

Қ а й с и н. Сизни тушуниб турибман. Ялдо, тушунапман.

Я л д о. Сиз-чи? Ўзингиз нима иш қиласиз?

Қ а й с и н. Кўп нарса ва ҳеч нарса!

Я л д о. Тушунмадим.

Қ а й с и н. Шунақасиз-да! Мен сизни тушунаман-у, сиз эса мени тушунмайсиз. Мен ҳеч қаерда ишламайман, ҳеч қаерга боғланган эмасман. Ҳар куни эрталаб қайсидир кафега бориб чой ёки кофе ичиб, китоб ўқиб, хаёл суриб ўтираман. Баъзида нимадир ёзаман. Кейин... кейин дирдираб яшаётган таниш одамларимни бориб йўқлайман. Масалан, Рўза опа, Сувайдо опани. Яна бошқа кўнглим истаган ишлар...

Я л д о. Ҳа, ажойиб яшар экансиз. Сизга қараб Турсун Муҳаммадни кўргандек бўляпман. Билишимча, у ҳам шундай дарвишнамо ҳаёт кечирган.

Қ а й с и н. Дарвишликни билмадим-у, лекин мен озод одамман. Турсун ака озод бўлолмаган. Дардини ўзи кўтаролмай, аёлларга суянмоқчи бўлган. Аммо ҳеч қайси аёли билан

узоқ қола олмай барибир ташлаб кетган. Ўртада у аёлларнинг ҳаёти билан ўйнашгани қолди. Кейин у аёлларнинг ҳаёти яхши бўлган деб ўйлайсизми?! Роза опанинг аҳволига қаранг... Бу ҳаётда ҳеч ким ҳеч кимнинг дардини кўтаролмайди. Ўзини-ўзи кўтара олса ҳам катта гап. Инсон абадий ёлғиз. Буни тан олиш керак. Шунда осон бўлади.

Я л д о. Аммо у аёлларнинг ўзи Турсун акани севиб қолиб ҳаётларини тикишган-ку?..

Қ а й с и н. Ҳа, ўзларига жабр қилишган.

Я л д о. Турсун аканинг ўрнида сиз бўлганингизда қандай йўл тутардингиз?

Қ а й с и н. Мен у аёлларнинг ўз ёмонликларидан ўзларини асрадим.

Я л д о. Ахир, севги...

Қ а й с и н. Сиз мени севгини тушунмайди, деб ўйлаяпсизми? Мен севсам, қайтиб ундан чиқолмайдиган бўлиб кираман бу ишга. Мен учун бу ўйин эмас.

Я л д о (*ўқийди*). “Лайли ўз ишқини қўярга жой ахтарди. Сўнг унга Мажнуннинг кўнглидан муносиброқ жойни топмади”.

Қайсин (*қизиқсиниб*). Сиз буни қаердан биласиз?

Я л д о. Биламан. Сиз ҳам ишқингизни қўйгани қалб излаганмисиз?

Қ а й с и н. Ҳа!

Я л д о. Демак, биз ўхшаш эканмиз.

Қ а й с и н. Ялдо, сиз Турсун аканинг қабрига қолдирган хатингизда “Мен бундай ижодкор одамга дарддош рафиқа бўла оламан” деб ёзгандингиз. Шу ростми?

Я л д о. Ҳа, фақат у одам ким эканлигига...

Қ а й с и н. Масалан, менга?!

ТЎРТИНЧИ САҲНА

Ним қоронғу. Бўш саҳна. Томошабинлар ўриндиғида Азим Ҳамдамовдан бошқа ҳеч ким йўқ. Ялдо кириб келади.

А з и м Ҳ а м д а м о в. Кетмадингми?

Я л д о (*ёнига ўтириб*). Сизни яна кўргим келди.

А з и м Ҳ а м д а м о в (*Ялдонинг юзини силаб*). Фаришта...

Ялдо (*ашула қилиб айтади*). “Сени бугун кўрмасам бўлмас...”

А з и м Ҳ а м д а м о в. Сен дейишинг ёқди.

Я л д о. Сен буюксан. Афсонасан. Тирик афсона!

А з и м Ҳ а м д а м о в. Нега афсона?

Я л д о. Болалигимда бир кун келиб катта ишлар қилиб афсона бўламан деб орзу қилардим. Сиз ...сен худди мен орзу қилган даражадасан. Шунинг учун сен афсонасан. Менинг афсонам. *(Кулиб юборади.)*

А з и м Ҳ а м д а м о в. Беғуборсан ҳаддан ташқари. Фарриштам!

Я л д о. Афсона, сени ҳамма яхши кўради, сенга интилади.

А з и м Ҳ а м д а м о в. Йўқ. Мен ҳозирча бир иш қилиб, уларга фойдам тегаётгани учунгина мени яхши кўрадилар. Ҳали ҳеч ишга ярамай ётиб қолсам, улар ўз-ўзидан йўқ бўлишади. Мени фақат онам чинакамига яхши кўрарди. Ўлаётган чоғда ҳам кап-катта ўғлига: “Кўрқма, мен доим ёнингда бўламан”, – деганди. Сен мендан ҳеч қачон ажралмайсанми?

Я л д о. Ҳеч қачон. Сендан ҳеч қачон айрилмайман, айрилмайман!

А з и м Ҳ а м д а м о в. Қабристонда ҳали ҳам санғияпсанми?

Я л д о. Йўқ.

А з и м Ҳ а м д а м о в. Бундай юрма. Мен кетганимдан кейин борасан у ерга, хўп?

Я л д о. Хўп. Ўлганингда ҳам ёнингда бўламан, илож қилиб ҳар куни қабрингга бораман. Дуо ўқийман, сени ёлғиз қолдирмайман.

А з и м Ҳ а м д а м о в. Менга муҳаббатингни қадрлайман...

Я л д о. Сиз... Сен мени севасанми?

А з и м Ҳ а м д а м о в. Мен севгини билмайман. Менинг фақат кўнглимдаги одамларим бор. Сен ҳам кўнглимдаги одамсан.

БЕШИНЧИ САҲНА

Сувайдонинг уйи. Диванда Сувайдо билан Ялдо ўтиради. Сувайдо орқасига қалин ёстиқ қўйиб суяниб олган, оёғига ёпинчиқ ташлаган.

С у в а й д о. Келмасанг бўларди, сени кўрмоқчи эмасдим. Сени ўйласам, ғазабим келяпти.

Я л д о. Тушунинг мени.

С у в а й д о. Тушунай?! Енгилтаклик қилаётганингими?

Я л д о. Мен уни севаман. Нега мени тушунмайсизлар? Ҳамма мени енгилтакка чиқарган! Театрда ҳамма менга гапирди, ола қарайди! Сувайдо опа, кўзларимга қаранг. Унда енгилтаклик ёки бўлмасам шахват кўриняптими? Айтинг, менда муҳаббатдан бошқа нима бор, ахир? Қайсин ҳам қийнаб юборди. Ҳар кун театр атрофида юриб мени кутади. Келманг, десам ҳам келаверади. Ахир, менинг кўнглим, дардим бошқада. Мен унинг севгисини қабул қилолмайман.

С у в а й д о. У шахардан кетди.

Я л д о. Нима? Қаерга?

С у в а й д о. Қаергалигини айтмади. Бошим оққан томонга, деди. Яна айтдики, мен у қизни кул бўлиб севдим, деди.

Я л д о (*ўз-ўзига*). Кул бўлиб севдим... Эй Худо, бу қандай азоб?..

С у в а й д о. Биз, аёлларнинг ҳаёти фақат бахтсизликка ҳукм қилинганга ўхшайди. Мен биринчи эримнинг остонасидан муҳаббат деб чиқиб, кейин нималар топганимни биласанми? У ўзини осиб қўйди. Мен уни ташлаб, севиб қолган одамимга барибир тегдим. У кўнглимдаги эркак эди. У билан саккиз йил яшадим. Кейин... Кейин у бизни ташлаб кетди. Битта болам билан ёлғиз қолдим. Балки, мен ҳам ўша пайтдаги азобларимда ўзимни осиб қўярдим, агар болам бўлмаганида... Унинг учун яшашим керак эди... Ҳали ҳам кўрқаман. Касаллик бир кун мени йиқитса, ўғлим нима бўлади? Уни уйлантиришим, ҳаётини яхшилаб, изга солиб кетишим керак.

Я л д о (*йиғи*). Йўқ, сиз ўлмайсиз, ҳали кўп яшайсиз, кўрқманг, опа, кўрқманг...

С у в а й д о. Роза опанинг аҳволига қара. Уни ҳам кўриб ичим ачишади. У Турсун аканинг ўнлаб аёлларидан бири бўлган. Турсун ака улар билан озроқ вақт бирга яшарди-да, кейин уларини ўша хотинларига ташлаб, боши оққан томонга кетаверарди. Тўғри, мард одам эди. Аммо орқада қолиб кетган аёллар, болалар-чи?! Бошпанасиз юрган вақтида Роза опанинг уйига келиб яшаган. У Роза опани азбаройи яхши кўрганидан эмас, қаердадир яшаш кераклигидан унинг олдига борган. Бешафқатликни қара! Энди Роза опа ўша эркак учун ҳалигача узлат қилиб яшайди. Ўзинг кўрдинг, ақли ҳам сал оған, фақат “Турсун, Турсун” дейди. Турсун акадан кейин ҳам у билан яшаган вақтидаги хаёлларидан чиқолмади. Ўзича шеърларини таржима қилади. Бизни нега чақиради? Чунки фақат биз би-

лан Турсун ака ҳақида гаплаша олади. Дардини, муҳаббатини ташқарига чиқариб ўз-ўзига таскин беради.

Я л д о. Бечора. (*Ўзига-ўзи*) Бечора...

Бешинчи ва олтинчи саҳналар орасида икки йил ўтади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Роза Аҳмадованинг уйи. Уй кўриниши аввалги ҳолда. Хонада Сувайдо билан Қайсин ўтиради.

С у в а й д о. Яна қиш келяпти. Ташқари бирам совуқ. Совуқни қанчалик ёмон кўрсам ҳам, лекин бутун ҳаётимиз совуқда қолганга ўхшайди. Бу мени доим тушкунликка солади. Ичим дирдирайди. Сен кетганингдан бери икки қиш ўтибди. Бу орада Роза опа вафот этди.

Қ а й с и н. Келиб эшитдим.

С у в а й д о. Кўп уйқудори ичавериб бир куни қайтиб уйғонмади. Мактабда ишламай қўйди. Уйга қамалиб олиб ана шу дориларни ичиб ухлайверди. Бундай қилманг, деб уришиб берсам, “Фақат уйқуда, тушларимда яшай олсам нима қилай” дерди. “Вақт ўтмаётганга ўхшайди. Яшаш мен учун чидаб бўлмас азобга айланди” деб йиғларди. Ҳе-е, Турсун акани ҳам... Шу аёлнинг ҳаётини хароб қилиб, охири, мана, орқасидан олиб кетди.

Қ а й с и н. Ялдо-чи? У ўзи орзу қилгандек актриса бўлди-ми?

С у в а й д о. Уми? Бечора қизнинг бошига нималар тушмади дейсан? Бизнинг санъат, адабиётда эркак қанча хато қилса ҳам, унинг ишига қарашиб хатосини унутишади. Лекин аёл хато қилса, унга қора чаплашиб, ишини ҳам босиб ўтиб, хатосини пешонасига тамға қилиб қўйишади ва ҳеч қачон баландликка чиқишига йўл беришмайди. Ялдо Азим Ҳамдамовга хотин, тўғрироғи, жазман бўлгани учун... аслида ҳам Азим Ҳамдамов қизгинани фақат ўйнаш қилди, хотин эмас... Кейин Ялдони театрға сиғдиришмади. Азим Ҳамдамовнинг хотини фитналар уюштириб, охири уни театрдан кетишга мажбур қилди. Бу эркак эса уни ҳимоя қилмади, қайтанга охирги вақтларда бошқа яна бир аёл билан муносабат қилиб, Ялдони изтиробга солди. Унинг бадном бўлгани онасига бориб етди. Бечора онаси ҳам бунни кўтаролмади. Ялдони кечирмади, уйдан ҳайдаб юборди.

У ўша пайтлар менинг уйимда яшаб юрди. Театрдан кетгач, бирмунча вақт ишсиз қолди. Бошқа театрлар ҳам уни ишга олишни истамади. Азим Ҳамдамовнинг жазмани, ўйнаши деган ном ҳамма жойга ёйилган эди. Охири, қийналиб бир кичик театрга жойлашди. Театр гримхонасида тунаб қоладиган бўлди. Менинг уйимда бемалол яшайвер, десам, унамади. Рўза опадан кейин мана бу уй бўшаб қолди. Баъзида уйдан хабар олгани мен келиб тураман. Ялдога, шу уйга келиб яша, десам ҳам, кўнмади. “Роза опанинг аҳволига тушишни истамайман, уйдаги ҳамма нарса Турсун акадан қолган нарсалар. Ҳаммаси Роза опанинг изтиробларини, оғир ўтган кунларини эслатади. Улар менга таъсир қилади, руҳимни эзади. Ўзимнинг унга ўхшаб қолаётганимни эслатади”, – дейди.

Қ а й с и н. У қандай қиз эди-я... Ёруғ ҳаёт ва орзуларга ишонадиган, қалби эзуликка тўла, гўзал қиз эди. Уни нобуд қилишибди. Бунни эшитгандан кўра... қайтмасам бўларкан.

С у в а й д о. Сен қаерларда эдинг?

Қ а й с и н. Чет бир қишлоқда. Деҳқончилик қилдим. Кўксимни тупроққа бериб ётдим. (*Кўксини ушлаб*) Энди мана шу ерим баттар ачишиб куйяпти.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Театр гримхонаси. Хонадаги кўзгу қаршисида Ялдо тамаки чекиб ўтиради. Қайсин кириб келади.

Я л д о. Сиз? Нега келдингиз, қандай?

Қ а й с и н. Бостириб келмасам бўлмасди. Ўзингиз мажбур қилдингиз шундай қилишга. Ялдо, нега мен билан кўришишни истамаяпсиз? Театр қоровулидан чақиртириб юборсам, олдимга чиқмаяпсиз? Театр атрофида неча кундан бери изғиб сизни кутаман, кўринмайсиз.

Я л д о. Театрдан ташқари чиқмаяпман. Қаерга ҳам борардим?! Театрдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. (*Ўтиради*) Мени тинч қўйинглр.

Қ а й с и н (*тиз чўкиб, Ялдонинг қўлларини ушлаб*). Ялдо, ўтинаман...

Я л д о (*ўрнидан туриб, қўлларини олиб*). Бу нима қилганингиз? Туринг ўрнингиздан. Мени қийнаманг.

Қ а й с и н (*ўрнидан туриб*). Ялдо, мен ҳалиям сизни унутганим йўқ. Мен сиздан, ўзимдан қочиб кетиб, муҳаббатим,

дардим баттар зўрайди. Сиз менинг ўзлигимга айланиб кетгансиз. Сиз ичимдаги маъвомга ўхшайсиз... Юринг, мен билан кетинг. Чекка бир қишлоқда бирга яшаймиз.

Я л д о. Нималар деяпсиз? Менга театрсииз ҳаёт йўқ.

Қ а й с и н. Ахир, Ялдо...

Я л д о. Сиз... уйланмадингизми?

Қ а й с и н. Йўқ.

Я л д о. Нега?

Қ а й с и н. Бировнинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлиш... кейин унинг учун масъул, жавобгар бўласан... Мен уйлансам, гарчи уни севмасам ҳам, бутун умр унинг ҳаётини ўйлашим керак. Кейин бундай яшашдан тўйиб кетсам ҳам, уни ташлаб кетолмайман. Унақада ҳаётим даҳшатли азобга айланади. Бунинг нима кераги бор?

Я л д о. Нега энди?! Ҳаётда бировнинг қалби, ҳаёти билан ўйнашиб, кейин уни ярим йўлда ташлаб қўядиган одамлар бор-ку...

Қ а й с и н. Ялдо!..

Я л д о. Сиз... Сиз мен учратган барча одамлар ичида энг яхши, энг тоза одамсиз. Мен буни биламан. Сиз ҳақингизда ўйлаганимда виждоним қийналади. Лекин иложсизман. Мени тушунинг.

Қ а й с и н. Ялдо... Ахир!..

Я л д о. Сиз ҳаётимда нималар бўлганини, бошимдан нималар ўтганини билмайсиз. Билмайсиз... Эй Худо... Мен сизга муносиб эмасман. Ёдингиздами, мен Чеховнинг “Чайка”сида ўйнаган эдим. Мени ўша чайка қуши сингари бекордан-бекорга ҳалок қилишди. *(Ўқийди)*. “Мен чайкаман. Кичкина бир ҳикоя учун сюжет...” Мен энди тушундим. Мен энди у асарни бошқатдан ўйнашим керак... *(Йиғлайди)*. Ўша пайтларни соғинаман ҳам. Ўша спектаклда яна ўйнагим келяпти. Энди умуман бошқача ўйнасам керак. Мен ҳам чайкаман! “Кичкина бир ҳикоя учун сюжет...” *(Йиғи)* Сиз билмайсиз, мени ҳам бир кайфият, ижодий илҳом учун қурбон қилишди... Майли!

Қ а й с и н. Мен ҳаммасини биламан, Ялдо.

Я л д о. Биласиз? *(Аччиқланади)*.

Қ а й с и н. Ҳа, ҳаммасини эшитдим. Шунинг учун ёнингизга келдим, сизни олиб кетиш учун.

Я л д о. Билган бўлсангиз, яхши. Аммо мен сиз билан ҳеч қаерга кетмайман.

Қ а й с и н. Ялдо, ахир сиз бу ерда...

Я л д о. Бу ерда бировга ўйнаш бўлдинг демоқчимисиз? (Чекади.)

Қ а й с и н. Йўқ, Ялдо!.. Сиз чекапсизми?

Я л д о. Йўқ, чекаётган одамнинг ролини ўйнагим келяпти, холос. Ўтинаман, мени ўз ҳолимга қўйинг. Мен ҳеч қаерга кетолмайман. Театрни ташлаб кетишимни хаёл ҳам қилолмайман. Мен театрsiz яшолмайман!.. (Титраб йиғлаб) Мени... Мени ўйламанг, кўнглингиздан чиқариб ташланг!..

Қ а й с и н. Ахир, қандай қилиб, Ялдо?! Бунинг иложи йўқку!

Я л д о. Ана кўрдингизми!? Сиз ҳам бировни кўнглингиздан чиқазолмас экансиз. Унақада мен ҳам уни кўнглимдан қандай қилиб юлиб ташлайман?! Қандай унутаман?!

Қайсин йиғламоқчи бўлади. Сўнг хонадан отилиб чиқиб кетади.

Я л д о (ўз-ўзига, йиғлаб). Қандай унутаман?.. Қандай унутаман?!

САККИЗИНЧИ САҲНА

Сувайдонинг уйи. Ётоқ диванда Сувайдо бетоб ётибди. Диван олдидаги стулда Қайсин ўтирибди.

Қ а й с и н. Опа, касалхонага ётсангиз бўларди.

С у в а й д о. Бу эски дард. Барибир одам бўлмайман. Худойим умримни озгина чўзиб турса эди. Ўғлимни ҳозир ташлаб кетолмайман. Ёлғиз қолдиролмайман. Бир қизга уйлантириб, оилали бўлганини кўриб, кейин... Ўшанда хотиржам кетардим.

Қ а й с и н. Опа, ҳали бунни кўришга улгурасиз... Дадил бўлинг.

С у в а й д о. Ялдони кўрдингми?

Қ а й с и н. Ҳа, кўрдим... (Сукут) У аввал ёш, қувноқ, ҳаяжонга тўла қиз эди. Кўзлари салгина маъюс бўлса ҳам, ёниб турарди. Энди ўша кўзлардаги ёниш сўниб қолибди. Ҳазин тортиб қолибди, овозида изтироб... Ҳозир у ҳам келиб қолса керак.

С у в а й д о. Ҳа, аллақачон келиши керак эди.

Қ а й с и н. Унда кета қолай, мени кўрмагани маъқул. Яна қийналади...

С у в а й д о. Яхши.

Қ а й с и н. Эртага яна келаман. (Чиқиб кетади.)

Ялдо келади.

Я л д о (Сувайдонинг кўлидан ушлаб). Тузукмисиз?

С у в а й д о. Бироз... Нега ҳаялладинг?

Я л д о. Аллақачон келгандим. Бу ерга Қайсин ака кириб кетаётганини кўриб қолиб, кирмай ташқарида кутиб ўтирдим. У билан кўришгим келмади.

С у в а й д о. У ҳам сен билан кўришиб қолмаслик учун келди-ю, бироз ўтириб кетиб қолди.

Я л д о. Ҳа. Унга, сизни кўриш менга азоб беради дегандим. У қандай яхши одам-а!!! Уни кўрсам, у ҳақда ўйласам, виждоним қийналади. У фаришта!.. (*Ўз-ўзига*) Фаришта... Мен ҳам фариштадек эдим. Беғубор, тоза эдим.

С у в а й д о. Сен ҳали ҳам беғуборсан. Девонам...

Я л д о (йиғи). Йўқ! Йўқ... Кўп нарса ўзгарди.

Сувайдо (Ялдонинг юзини силайди). Иситманг бор-ку...

Я л д о. Парво қилманг! Парво қилманг...

С у в а й д о. Ҳаво совуқ. Театр ҳам совуқми?

Я л д о. Йўқ. Театрдан иссиқ, ҳароратли жой борми?!

С у в а й д о. Менинг уйимга келиб, олдимда яша, Ялдо, майли, дегин, жон қизим.

Я л д о. Майли, майли, опа, сизга қараш учун ҳам келаман унда.

С у в а й д о. Ялдо, сен уларни кечир. Мен ҳам кечирганман. Биз қанчалик совуқда ёлғиз қолиб кетсак ҳам, кучли бўлишимиз керак. Уларга нисбатан кўнглингда нафрат, адоват қолдирма. Унақада ўзинг баттар қийналасан. Дилингни тоза, баланд тут.

Я л д о. Ҳа, опа, бу менинг ҳаётим. Менимча, бошқача яшолмасдим ҳам. Бўлиб ўтганларда ҳеч кимни айблаш олмайман. Мен яшашим керак. Мен тинмай ишлайман. Одамни тушқунликдан фақат меҳнат қутқаради. Мен меҳнат қилишим керак. Биласизми, мен яна ёза бошляпман. Ўзимни тушуниш учун ёзаяпман ва гуноҳларим учун тавба-тазарру қиламан. Мен онамга хиёнат қилганман. (*Йиғлайди*) Бунга ўйласам, юрагим увишиб оғрийди. Онам менга ҳаётини бағишлаганди. Мен эса... энди унинг олдидаги бурчимни ҳам бажаришим керак. Ҳар куни уйим олдида бораман. Лекин журъат қилиб ичкари киролмаяпман.

С у в а й д о. Кўрқма, онанг сени кечиради.

Я л д о (ўз-ўзига). Кечиради... кечиради...

С у в а й д о. Кейин турмушга чиқ.

Я л д о. Йўқ... Йўқ. Мен енгилтак аёл эмасманки, кеча бировга, бугун эса бошқасига хотин бўлсам... *(Секин, паст товушда)* Мен уни ҳали ҳам севаман! Ҳали ҳам севаман!.. Опа, агар бировга эрга теккудек бўлсам, унинг олдига боролмайман. Агар унга керак бўлсам-чи?! Ёнидаги одамлар уни ёлғиз қолдиришса-чи? Бетоб бўлиб ётиб қолса-чи? Мен ўшанда унинг олдига бориб ғамхўрлик қилишим, ёнида бўлишим керак. Ваъда берганман. Кейин қабрига ҳар қуни қатнайман. Гуноҳлари учун Худодан афв сўраб тиловат қиламан... Агар эрга тегсам, буларни ҳеч бирини қилолмайман.

С у в а й д о. Сенга бошқаларнинг шунча жабр қилишгани етар, энди ўзингга-ўзинг жабр қилмоқчимисан?!

Я л д о. Йўқ, опа, бу жабр эмас... Мен чайкаман. Мен “Чайка”ни яна ўйнаяпман.

С у в а й д о. Девонам...

Я л д о. Менга фақат театр ҳамдард бўла олаётганини ҳис қиляпман. Театр ҳар қанча қурбонликларимизга арзийди.

ТАМОМ

Обиджон РЎЗИБОЕВ



1994 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтининг бакалавр ва магистратура босқичларини тугатган. 2012 йилда “Яшашнинг ўзи омад” номли ҳикоялар тўплами нашр этилган. Республика ёш ижодкорларининг “Зомин” семинари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг “I Республика ёш ижодкорлар форуми” иштирокчиси. “Меросхўр”, “Шапка”, “Қондошлар” каби асарлари вилоят театрларида саҳналаштирилган. Ҳозирда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасида фаолият юритмоқда.

438

М Е Р О С Х Ў Р

Икки парда, тўрт кўринишли драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Рустам – 40 ёшда.

Комил – 25 ёшда.

Қилич – Рустамнинг ўринбосари. 35–40 ёшларда.

Розия – Амма. 55–60 ёшларда.

Абдубарно – Боғбон. 30–35 ёшларда.

Ўғлой – Абдубарнонинг хотини.

Насиба – 30 ёшдаги уй хизматчиси.

Қўшни – 60 ёшларда.

Доктор – 50 ёшларда.

Қотил – 55 ёшларда.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Воқеа Россия ва Ўзбекистонда бўлиб ўтади.

Саҳна офисни эслатувчи замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Саҳнага қора костюм-шимда башанг кийинган, қўлига (пулдорлигини билдириш учун) катта кўзли узук тақиб, телефонда гаплашиб Рустам, унинг орқасидан эса изма-из қўлига файл (папка) кўтариб, белига тўппонча қадаб олган Қилич кириб келади.

Рустам. Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади, хўжайин. Буёғидан хавотир олманг. Йигитлар ишини билади. *(Столга ўтиради.)* Неча вагон? Тўртта? Бўлди, бўлди, жойлаб қўйишади. Иш яқунлангандан сўнг ўзим сизга қўнғироқ қиламан. Хавотир олманг. *(Телефонни ўчиради. Қиличга қараб)* Нима гап? Барча ишлар ўз маромида кетаяптими?

Қилич. Ҳиссадорлар билан ҳаммаси жойида. Фақат қора бозорнинг бошқаруви бироз қўлдан чиққан.

Рустам. Нега?

Қилич. Янги келган участкавой тихирлик қиляпти.

Рустам. Мени айтдингми?

Қилич. Айтдим. Аммо... *(Жим қолади.)*

Рустам. Нима, аммо?

Қилич. Катта хўжайиннинг шахсан ўзи билан учрашмоқчи экан. Хуллас, ўзига жуда баланд нарх белгиляпти.

Р у с т а м. Оғзига сиққанини бер. Агар рози бўлмаса, эски усулни кўлла.

Қ и л и ч. Айтганингиздек бўлади.

Р у с т а м. Яна нима гап?

Қ и л и ч. Уйингиздан хат келди.

Р у с т а м. Қизик, *(Бироз ажабланиб)* Ким экан мени йигирма йил деганда эслаб қолган. Яна шу замонда хат билан-а?

Қ и л и ч. Аниқроқ айтганда, бу хат эмас, отангиз қолдирган васиятнома. *(Кўлидаги файл ичидан қоғоз олиб, стол устига қўяди.)*

Р у с т а м. Отам... Менинг отамми?! Отамнинг ўлганига анча бўлган. Онамнинг гўри совимасдан туриб бир ёш жувонга уйланиб олганда мен учун ўлиб бўлган у. Эски хотираларни ҳам, ундаги одамларни ҳам эслашни хоҳламайман. Хуллас, менинг отам йўқ! Аввал ҳам бўлмаган. Бу сўзни эса бошқа тилингга олма!

Жаҳли чиқиб олдидаги қоғозни отиб юборади.

Қ и л и ч *(ердаги қоғозни олиб)*. Тўғри, балки, ҳақдирсиз. Лекин, хўжайин, бу васиятномада ёзилишича, масала отангиз ҳақида эмас, у қолдирган мерос ҳақида бормоқда.

Р у с т а м. Қилич, мен унинг садақасига зор эмасман. Ундан вақтида ота меҳридан бошқа ҳеч нарса сўрамаганман. Шундай экан, масаланинг бошқа томони бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жаҳли чиқиб, ўрnidан туриб кетади.

Қ и л и ч. Биласиз, кўп йиллардан буён хизматингиздан, нима десанги, шуни маъқул, деб келаман. Аммо бу гал бошингизга келиб қўнган бахт қушини учириб юборишингизга томошабин бўлиб туrolмайман.

Р у с т а м. Яна қанақа бахт, яна қанақа қушни гапираяпсан?

Қ и л и ч. Сиз отиб юборган мана шу қоғозда ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин бўлган жуда катта мол-давлат ҳақида ёзилган.

Р у с т а м. Менга шу ерда топган мол-давлатим ҳам етади. Ундан кейин у одам сен ўйлаётгандек бой бўлмаган.

Қ и л и ч. Тўғри, бу бойлик эмас, бизнинг замонда хазинанинг ўзгинаси. Хўжайин, шундай давлатингиз турганда қачонгача иккинчи одам бўлиб ўзга юртларда ўзингиздан катталарга қуллуқ қилиб юрмоқчисиз? Ундан кўра, васиятномада кўрсатилган қонуний мулкингизни олиб, ўз бизнесингизни йўлга қўйсангиз яхши эмасми?

Қоғозни Рустамнинг ёнига суради.

Р у с т а м (*бироз ўйланиб туриб, қоғозни олиб қарайди. Ўзига-ўзи гапириб*) Қизиқ, қария умрининг охирида тилла топиб олганмикин, бунча мол-давлат қаердан бунёд бўлган бўлса. (*Қиличга қараб*) Балки, гапингда жон бордир, бу ерда хўжайинларнинг қош-қовоғига қараб яшаш ўзимнинг ҳам жонимга теккан. Тўғри айтасан, пулнинг ортиқчаси бўладими?

Қ и л и ч. Шуни айтаман-да, хўжайин. Мана шу мол-мулк билан сиз бу ерда қўлига қараб ўтирганларнинг бир нечтасини хизматингизга олишингиз мумкин.

Р у с т а м. Демак, сен бу гапинг билан, бу ерда ёзилган кичик корхона ва тўйхоналар ҳамма-ҳаммаси сизники, демоқчимисан?

Қутилмаган катта бойликдан бироз ҳаяжонга тушади.

Қ и л и ч. Шундай деса ҳам бўлади. Аммо рўйхатдагиларнинг ярми сизга тегишли.

Р у с т а м (*бироз ҳайрон бўлиб*). Нега энди ярми?

Қ и л и ч. Васиятномада ёзилишича, отангиз қолдирган бойликларнинг тенг ярми сизники.

Қоғозни кўрсатади.

Р у с т а м. Қолгани-чи?

Қ и л и ч. Қолгани укангизга тегишли.

Р у с т а м. Укам?! Менинг укам йўқ. Ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Бу гапни қаердан олдинг?

Бу гапдан унинг жаҳли чиқиб кетади.

Қ и л и ч. Бу ердаги ҳужжатлар орасида сизнинг укангиз борлиги ва унга васийлик қилиш ҳуқуқини бўйнингизга олсангизгина мол-мулкнинг бутун қисми сизга ўтиши ҳақида ёзилган.

Р у с т а м (*қулиб*). Қизиқ, бугун тонгда муаммоларимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ эди. Кун охирига келиб эса отам ўлгани, ундан катта васият қолгани ва бу бахт ҳам етмагандек, қария кун келиб ёруғ оламини тарк этганда мени ёлғиз қолмасин деб ука ҳам қолдириб кетганини эшитдим. Қизиқ, бу жигарим қаердан пайдо бўлибди?

Қ и л и ч. Ҳужжатларда ёзилишича, отангиз янги оила қургандан сўнг фарзанд кўрган. Ўша фарзанд мероснинг тенг ярмига қонуний эга. Лекин у ногирон. Шу сабабдан энг яқин қариндоши сиз бўлганингиз учун қонун сизни васий этиб белгилаган.

Р у с т а м. Хотинининг руҳини чирқиратиб, фарзандига ўгай онани раво кўрган одамнинг тақдири шу бўлади-да. Энди бир камим бориб мажруҳга энагалик қилишим қолганди. Қанақа ногирон экан ўзи? Кўрми, карми?

Қ и л и ч. Кўр ҳам эмас, кар ҳам эмас.

Р у с т а м. Унда нима? Қўл-оёғи қийшиқми?

Қ и л и ч. Йўқ. Қўл-оёғи ҳам бутун.

Р у с т а м. Унда нима ками бор?

Қ и л и ч. Унинг ақли яхши ривожланмаган.

Р у с т а м (*қаттиқ кулиб юборади*). Жинни дегин? Демак, суюкли отажоним мендан тортиб олган меҳрини ўша эсипастга берибди-да. Яхши, меҳр уники, ўзи билади, лекин энди тортиб олиш навбати менга келди. Агар мен васийлик қилишдан бош тортсам-чи. Унда нима бўлади?

Қ и л и ч. Нима ҳам бўларди, давлат унга бошқа васий таъинлайди, меросга кўра давлатнинг сизга қолган ярми эса унга бўлади.

Р у с т а м. Ўша бойликни унга энагалик қилмай қонуний йўл билан олсам бўлмайдими?

Маккорона қарайди.

Қ и л и ч. Бўлади. Қонуний эмас-у, аммо олса бўлади.

Белидаги тўппончасини қўлига олиб қарайди.

Р у с т а м. Йўқ. Бундай қилиб бўлмайди. Ақлингни ишлат. (*Кўрсатгич бармоғи билан ўзининг пешонасига уриб*) Уни йўқ қиладиган бўлсак, биринчи гумондор ўзим бўлишим аниқ-ку. Ундан кейин у девонанинг бир ўзи яшамаса керак.

Қ и л и ч. Тўғри. У яшайдиган уй кулба бўлишига қарамай у билан яна бир-икки хизматчи яшайди. Шунинг учун сиз олдинроқ бориб, хужжатда кўрсатилгандек васийликни олинг, биров вақт ўтгач эса жиннини тинчитамиз.

Р у с т а м. Ҳаммаси яхши. Фақат сен эмас. Сен мен кетганда бу ерга керак бўласан. Яхшиси, шундай бир одамни топгинки, қотиллик худди табиийдек чиқсин. Масалан: отасининг ғамхўрлигига суяниб қолган девона ўғил у ўлгандан сўнг, бу жудоликни кўтара олмай, ўз жонига қасд қилди ёки бўлмаса, қаровсиз қолган ақли заиф боланинг устига тўсатдан қайнаб турган сув тўкилиб кетиб, бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмди. Хуллас, шунга ўхшаш сабаблар. Бир сўз билан айтганда, у ўз ажали билан ўлгандек бўлсин.

Қ и л и ч. Яхши, унда сиз бориб вазиятдан хабардор бўлиб туринг. Қолган ишлар учун эса шундай девоналарнинг қонига ташна бўлиб юрган бир савдойини биламан. Ана ўшани юбораман.

Р у с т а м (*қулиб*). Жинни учун савдойи дегин?

Қ и л и ч (*у ҳам қулиб*). Ҳа, шундай деса ҳам бўлади.

Р у с т а м (*жиддий туриб, амирона*). Фақат қара, ошириб юбормасин.

Қ и л и ч. Ҳаммаси айтганингиздек бўлади, хўжайин.

Р у с т а м. Унда, бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Қаерларда экан ўша жигарим.

Қ и л и ч. Мана бу ерда ҳамма манзил кўрсатилган. (*Рустамнинг қўлига қоғоз тутқазади.*)

Р у с т а м. Яхши. Айтганларимни унутма. Бугуноқ шу иш билан шуғуллан.

Иккаласи суҳбатлашиб саҳнадан чиқиб кетишади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Оддий қишлоқ, Дарахтга илинган бедананинг усти ёпилган савати, (аҳён-аҳёнда бедананинг овози келиб туради) остида сўри, хизматкор қиз – Насиба ҳовлини йиғиштириб юрибди. Дарвоза тақиллайди.

Н а с и б а. Ҳозир, ҳозир, ким у?

Дарвоза ёнига югуриб бориб сўрайди.

Р у с т а м (*ичкарига кириб*). Бу мен – Рустамман. Сиз кимсиз? (*У сўраша туриб қаттиқ аксириб юборади.*)

Н а с и б а. Соғ бўлинг. Менми, мен шу уйнинг хизматчиси бўламан.

Р у с т а м. Уйнинг эгаларидан кимдир борми?

Н а с и б а (*ичкарига қараб овоз беради*). Розия хола, қаранг, Рустам деган бир киши чақираяпти.

Уйнинг ичкарасидан Розия чиқиб келади.

Р о з и я. Ким? Рустамман дейдими? Киргиз ичкарига, менинг Рустамжоним келибди-ку.

Бошида оқ рўмол билан дарвоза томон югуради. Рустам ҳовлига нописанд қарайди.

Р о з и я. Келдингми, болам?

Рустамни юзларидан ўпиб, қучоқлаб йиғлайди.

Р у с т а м. Ҳа, келдим, амма, келдим.

У аммасига юқоридан, писанд қилмагандай қарайди.

Р о з и я. Насиба, тез дастурхон туза, чойга қара.

Рустамни қўлидан ушлаб сўрига бошлайди.

Н а с и б а. Хўп, холажон.

Розия Рустам билан сўрига ўтириб, акасининг ҳақиға қуръон тиловат қилади.

Р о з и я (*гап бошлайди*). Дийдор шу кунга битган экан, Рустамжон. Катта одам бўлиб кетибсан, қара, сочларингга ҳам оқ оралабди. Агар отангни ўзи бўлмаганингда, танимаган бўлардим.

Р у с т а м. Мен унга ўхшамайман.

Р о з и я. Ундай дема, жиян, отангнинг руҳи чирқирайди-я. Балки, сен отангнинг қилган ишини нотўғри деб ўйларсан, аммо жойи жаннатдан бўлгур, онангни жуда яхши кўрарди. Ундан кўра, гапир, шунча йиллардан буён қаерда эдинг? Нима иш қилдинг? Отанг бошқа рўзғор қилгани билан барибир сен менга жиян, мен эса сенга амма бўлиб қолавераман. Ёки гапимга қўшилмайсанми?

Р у с т а м. Унда нега онамнинг ўлимидан сўнг бошқа аёлга уйланди?

Р о з и я. Айтсам, ишонмассан, балки, аммо акам шўрлик онангдан сўнг қайта оила куришни истамади. Лекин онанг умрининг сўнгги кунларида тўшакка михланиб қолганда отангга: “Акбар ака, мен кетганимдан сўнг менсиз қийналиб қоласиз, Рустамжонимга она меҳри керак бўлади”, – деган эди. Хуллас, отанг онангни сўнгги илтимосини бажарди, дейиш ҳам мумкин.

Р у с т а м (*кутилмаган вазиятдан довдираб гап бошлайди*). Тўғри, аммажон. Балки, гапларингиз ростдир. Лекин мен ўтмишни эшлашни истамайман. Нимаики бўлган бўлса, бўлиб ўтди. Муҳими, мен қайтиб келдим.

Р о з и я. Ҳа, тўғри айтасан. Ўтмишни титкилашдан энди фойда йўқ. Ишқилиб, сен ҳам бизни ташлаб кетиб қолмасанг бўлгани. (*Кўз ёшларини артиб, хурсанд бўлади*)

Р у с т а м. Худо хоҳласа... (*Яна аксириб юборади.*) Энди шу ерда қоламан.

Р о з и я. Соғ бўл, жиян, нима, совуқ ўлкалардан иссиқ юртингга келиб шамоллаб қолдингми?

Р у с т а м (*бурнини артиб*). Йўғ-ей, ўзи аллергиям бор, бу ерда менга нимадир ёқмади, шекилли.

Р о з и я. Бу ернинг нимасидир ёқмади эмиш. Гапларинг ҳам совуқ юртларда яшайвериб совуқлашиб кетибди. Ҳой бола, билиб қўй, инсонда ҳеч қачон ўзи туғилиб ўсган уйга нисбатан аллергия бўлмайди. Шунчаки, узоқларда яшаб, ўзинг туғилган уйнинг муҳитидан узоқлашиб кетган бўлишинг мумкин.

Р у с т а м. Унда нима қил дейсиз? *(Яна аксиради.)*

Р о з и я. Ҳеч нарса қилмайсан. Ҳозир Насибага айтаман, битта аччиқ чой дамлаб келтирса, қолади-кетади. Насиба, битта аччиқ чой дамлаб кел.

Амма ортига қараб хизматкор қизни чақиради.

Р о з и я. Энди менга ростини айт. Чиндан ҳам бутунлай қайтиб келдингми?

Р у с т а м. Ҳа, амма. Бутунлай шу ерда қоламан.

Р о з и я. Агар гапларинг рост бўлса, унда нега келинни, жиянларимни бирга олиб келмадинг?

Р у с т а м. Оилам йўқ. У ёқларда бошим ишдан бўшамади.

Р о з и я. Ундай дема, Рустамжон. Сени оиланг шу ерда. Мана, биз – оиланг. Нега ҳалигача уйланмадинг?

Р у с т а м. Ҳа, шундай. *(Яна аксиради.)*

Шу пайт қўлида конфет билан уйдан бақириб, гавдали ва тўлачадан келган Комил чиқиб келади. Насиба ҳам орқасидан югуриб чиқади.

К о м и л. Йўқ, йўқ, менга ҳам конфет, мен ҳам ейман.

У бир ҳовуч конфетни маҳкам чангаллаб олган.

Н а с и б а. Майли, майли, аввал сиз енг. Қолганини меҳмонларга берамиз-а?

Худди ёш болага муомала қилгандек, Рустамдан хижолат бўлади.

Р о з и я. Индама, майли, эркатойим, бўғирсоғим, қани, келчи ёнимга.

Розия Комилни чақиради. Комил қўлидаги конфетларни маҳкам чангаллаб кўксига босганча сўрига келиб ўтиради.

Р о з и я. Рустам, таниш, бу сенинг уканг, Комил.

Р у с т а м *(бироз вақт нима қилишни билмай туради ва жиркангандек саломлашиш учун қўлини Комилга узатади)*. Салом.

Лекин Комил қўл чўзмай, бироз вақт Рустамдан кўзини узмай кўзатиб туради.

Р о з и я. Комилжон, ўғлим, нега салом бермаяпсан?

К о м и л. Мен бегоналар билан сўрашмайман. Кимсан сен?

Рустам ноқулай бўлиб, қўлини қайтариб олади.

Р о з и я (*Рустамга қараб, Комил ҳам Рустамга тикилиб туради*). Хижолат бўлма, унинг феъли шунақа, ҳаммани сен деб гапиреди. Ўзига яқин олган одамларнинг исмини айтиб чақиради. (*Комилга юзланиб*) Комилжон, бу одам бегона эмас. Бу сенинг аканг бўлади. Жиннивой, одам ўзининг акаси билан ҳам шундай сўрашадими?

Комил бироз жим туради-да, ўрнидан туриб Рустамни ёнига келиб уни қучоқлаб олади. Рустам ҳайратдан қотиб қолади.

К о м и л. Амма, бу менга нима олиб келди?

Р о з и я. Нима бўларди, Комилжон. Албатта, сен яхши кўрган шоколадлардан олиб келган-да.

Рустамни айланиб ўтиб, Комилга билдирмай унинг чўнтагига дастурхондан олган шоколадни солади ва Рустамнинг елкасидан имлаб қўли билан Комилга бер, деб кўрсатади.

Р у с т а м (*ўзини ўнглаб олиб*). Ҳа, ҳа, мана сенга шоколад.

Комил Рустамнинг қўлидан шоколадни юлиб олади.

Р о з и я. Энди нима дейиш керак?

Комилга қарайди.

К о м и л. Раҳмат.

Шу вақти бедананинг сайраган овози эшитилади. Комил қушининг қафаси томонга кетади. Розия Рустамга қараб гап бошлайди.

Р о з и я. Доктор акам раҳматликка: “Ўғлингизнинг дарди уйда сақлаб бўлмайдиган даражада оғир. Уни инсонлар билан муомалага киритишнинг иложи йўқ. Яхшиси, унга боғланиб қолмасдан касалхонага бериб юборинг”, – деганида, отанг, йўқ уни ўзим парвариш қиламан, деб ҳеч ким билан гапашмай, фақат уйнинг бурчагида деворга қараб ўтирадиган болани сабр билан ҳар куни шоколад бериб-бериб, дастлаб уни инсонларга, кейинчалик эса инсонларни унга ўргатди. Шу сабабдан у ким биландир танишмоқчи бўлса, албатта, ундан ширинлик олади. Негаки, у ширинлик олган ҳар бир инсонини худди отасидек меҳрибон деб билади.

Р у с т а м (*ўйланиб туриб*). Демак, унга ширинлик берган ҳар қандай одам яхши экан-да?

Р о з и я. Йўқ. У бегона одамнинг қўлидан нарса олмайди.

Р у с т а м (*ўзига-ўзи*). Эҳ! Аттанг.

Р о з и я. Нега “аттанг” дейсан, жиян?

Р у с т а м (*ўзини ўнглаб олиб*). А, йўқ, унга ҳеч нарса бера олмас эканман, деб куюнаяпман.

Р о з и я. Йўғ-э, нималар деяпсан, жиян, у сенинг жигаринг. Сендан бегона қилмайди.

Р у с т а м. Унда яхши.

Уларнинг гапини Комил бориб қушинг қафасидан мўралаши ва сакраб қўллари билан қарсак чалиб гапириши бузади.

К о м и л (*қувониб*). У гапиряпти, у гапиряпти, у мени яхши кўради.

Р о з и я. Албатта, Комилжон сени яхши кўрмай кимни яхши кўрсин? Яхши бола бўлганингдан кейин яхши кўради-да. Ундан кейин нафақат у, балки биз ҳам сени яхши кўрамиз. Тўғрими, акаси?

Рустамга қарайди.

Р у с т а м. Ҳа, ҳа, албатта.

К о м и л (*Рустамга қараб уни қўли билан кўрсатиб*). У мени яхши кўрмайди.

Р о з и я. Нега ундай дейсан, Комилжон? Ундай дема, аканг хафа бўлади-я.

К о м и л (*жиддий оҳангда*). У яхши кўрганда Комилни қучоқлаб қўярди.

Р о з и я (*вазиятни юмшатиш учун*). Э, қўйсанг-чи, шунақа гапларни. Ундан кўра уйга кириб, телевизорингни кўр.

К о м и л. Бўлмаса, ўзинг қўйиб бер, амма.

Дарров кулиб Розияни қўлидан ушлаб, уйга олиб кириб кета бошлайди.

Р о з и я. Сен ҳам узоқ йўлдан чарчаб келгансан, Рустамжон. Дастурхонга қараб тур, мен ҳозир чиқаман.

Комилни қўлидан ушлаганча уйга кириб кетади.

Р у с т а м. Бемалол.

Телефоннинг мусиқаси чалиниб, Рустамга телефон бўлиб қолади. Саҳнага телефонда Рустам гаплашаётган одамнинг овози эшитилади.

Р у с т а м. Эшитаман, Қилич. Нима бўлди? (*Аксиради.*)

Қ и л и ч. Хўжайин, шомолладизми?

Р у с т а м. Йўқ, бу жойнинг ҳавоси ёқмади, назаримда.

Қ и л и ч. Ҳечқиси йўқ, тез орада у жойнинг ҳавосини тозалаймиз, ҳаммаси сиз айтгандек.

Р у с т а м. Нимаси мен айтгандек? Агар бир кун бу жинни-хонада яшасам, ўзим ҳам жинни бўлиб қоламан.

Асабийлашиб овозини кўтаради.

Қ и л и ч. Узр, хўжайин, расми йўқ экан. Шуни топиш бироз муаммо бўлди-да. Аммо буни ҳам ҳал қилдик.

Р у с т а м. Менга қара, Қилич, майдалашма, сенга ярашмайди. Агар ҳафта охиригача иш ҳал бўлмаса, унда ўзингни шу жиннининг ҳолига соламан, тушундингми мени?

Қ и л и ч. Айтганингиздек бўлади.

Р у с т а м. Яхши хабаринг бўлмаса, қўнғироқ қилиб вақтимни олма.

Розия аммаси уйдан чиқиб келаётганини кўриб телефонни ўчиради. Аммаси суҳбатни эшитмайди.

Р о з и я. Мана шунақа экан-да дунё. Раҳматли акам онанг ўлганидан кейин, янги оила қурди, узоқ вақт фарзанд кутди. Сўнг комил инсон бўлсин деб туғилган ўғлига “Комил” деб исм қўйди. Худойимнинг иши экан, вақт ўтиб улғайгач, нуқсонни борлиги маълум бўлиб қолди. Дардига шифо излаб кўрсатмаган табибию доктори қолмади. Дунёнинг бир ками рост экан-да. Қўлингдан учирган бахтни мол-давлат билан топиб бўлмас экан. Баъзида шунақанги ишларни қиладики, ақли бут одамларнинг ҳам оғзи очилиб қолади. Табиатга меҳрини айтмайсанми. Бир ити бор эди, доимо ёнида олиб юрарди. Бир куни итини машина уриб кетиб ўлиб қолганда, роса ачиниби йиғлади. Шундан сўнг унга мана шу қафасдаги беданани олиб бердим. Мана энди бедана, кўриб турганингдек, унинг ёлғиз сирдошига айланган. Шунақа, гапирсам гап кўп.

Рустам ерга қараганча ўйлашиб гап бошлайди.

Р у с т а м. Худонинг иши шу экан-да. Сиз ҳеч ҳам сиқилманг, бир иш бошлаганман, ўхшаб кетса, кейин ҳаммаси яхши бўлади. Сиз билан ҳали гапимиз узоқ давом этади, аммажон. Қаерда дам олсам бўлади? (*Аксиради.*) Бало бўлди буюм.

Р о з и я (*Рустам гаплашишдан қочганини сезади. Бироз жилмайиб*). Қара-я, қаричилик шу экан-да. Одам кексайгани сари вайсақи бўлиб қолар экан. Эси йўқ аммангни кечир. Уйга кир, Насиба ичкарига жой солиб қўйган, яхшилаб дам олсанг, тонгда отдай бўлиб кетасан.

Иккаласи уйга кириб кетади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Тонг саҳар. Саҳна ёришганда ташқаридаги сўрида Рустам ухлаб ётибди. Унинг ёнига копток ўйнаб юрган Комил келиб, бошининг устида тик қараб туради.

К о м и л (*бақариб*). Тур, бирга ўйнаймиз!

Р у с т а м (*чўчиб уйғониб*). Йўқол, жинни!

К о м и л (*кулиб турган ҳолати ўзгариб, жиддийлашади*).
Мен жинни эмасман.

Р у с т а м. Ким бўлсанг ҳам, дардмисан, баломисан, хуллас,
икки қулоғингга қуйиб ол! Агар яна бир марта менга яқинла-
шадиган бўлсанг, қорнингга мана шу пичоқни тиқиб оламан.

Столнинг устидаги пичоқни олиб, пўписа қилади.

К о м и л. Сени аммага айтиб бераман.

Хафа бўлиб уйга кириб кетади.

Р у с т а м. Бор, бор, айтавер. Жинни!

*Уйдан патнисда нон, чой олиб чиқаётган Насиба гапга қў-
шилади.*

Н а с и б а. Сиз кимсиз ва бу ерга қаердан келдингиз, билма-
дим-у, аммо меҳмон бўлиб келиб, бу уйдагиларга бақиринингиз-
ни нотўғри деб биламан.

Р у с т а м (*ўрнидан туриб, юзини ишқалаб*). Сен кимсан ўзи?
Нега менинг ишимга аралашасан?!

Н а с и б а. Мен бу уйда бор-йўғи бир хизматчиман, аммо
бу уй ва унда яшовчилар ҳақида сиздан анча кўп нарсани би-
ламан.

Р у с т а м (*ўзига-ўзи одамларга эшиттириб*). Бу қиздан
тезроқ қутилмасам, ҳамма ишни белига тепади, шекилли.

Дастурхон тузаяётган Насиба унинг гапларини эшитмайди.

Н а с и б а. Нимадир дедингизми, меҳмон?

Р у с т а м. Яхши қиз, гарчи мендан олдин келган бўлсангиз
ҳам, бу уйда мен эмас, сиз меҳмонсиз. Чунки уй меники.

Насиба жим бўлиб қолади.

Р у с т а м. Энди менга айтинг-чи, хизматчи хоним, бу уйда
сизга ўхшаганлар билан бирга яна кимлар яшайди?

Н а с и б а (*хафа бўлган аҳволда, зарда қилиб*). Уй сизники
бўлса, сиз биласиз-да, бу уйда ким яшаш ёки яшамаслигини.

*Чиқиб кетади. Шу пайт уйнинг ичидан Розия аммасининг
қўлидан тортиб Комил чиқиб келади.*

К о м и л. Қара, мана бу одам мени хафа қилди.

Р о з и я. Ҳай, ҳай, Комилжон, ўғлим, мана бу одам эмас,
акам, дегин.

К о м и л. Хўп, акам.

Р о з и я. Энди айт-чи, укаям ўз акасидан хафа бўладими?
Бор, ярашиб ол. Ахир, катта боласан-ку.

Комил бориб Рустамга жимжилоқ бармоғини тутади. Рустам ҳам нима қилишни билмай бармоғини тутиб, ярашиб олишади.

Р о з и я. Майли, Рустамжон, укангни энди сенга ишониб ташлаб кетаман.

Р у с т а м. Қаерга кетаяпсиз?

Р о з и я. Уйимга борай.

Р у с т а м. Мен ўйлагандимки, сиз биз билан... *(Аксиради.)*

Р о з и я. Йўғ-а, шунчаки, Комилжонни онаси дунёдан ўтгандан сўнг, унинг ўрнини билдирмай деб бу ерга тез-тез келиб тураман. Қара, қари аммангни яна жағи очилиб кетди. Майли, мен кетдим. Сен ўзингга қара.

Р у с т а м. Эшиккача кузатиб қўяман.

Р о з и я. Қолавер, хайрлашишни ёмон кўраман.

Р у с т а м. Розиман, фақат бир шарт билан.

Р о з и я. Хўп.

Р у с т а м. Тезроқ қайтиб келинг.

Розия жилмайганча жавоб бермай саҳнадан чиқиб кетаётганда Комил кучоқлаб “кетма” деб йиғлайди. Уни бориб Рустам овутади.

Р у с т а м. Юр, копток ўйнаймиз.

К о м и л. Ўйнаймиз, ўйнаймиз.

Саҳнада иккаласи копток ўйнайди.

Р у с т а м *(саҳнага қараб)*. Қилич нима қиляпти экан? Тезроқ мана бу дардисар ишни ҳал қилса бўлмайдимми? Энг аввал анави хизматкордан қутулишим керак.

У ўз-ўзига гапирганча ошхонага ишора қилади.

Р у с т а м *(тўпни олиб саҳнадан ташқарига тепади. Комил тўпнинг орқасидан югуриб кетади)*. Бор, олиб кел.

Р у с т а м. Насиба! Аччиққина чой дамлаб чиқинг.

Насиба ичкаридан чой дамлаб чиқади. Рустам Насиба чойнакни қўяётган вақтида унинг қўлидан ушлаб олади.

Р у с т а м. Ўзингиз ҳам бир қултум сув билан ютса бўладиган қиз экансиз, жоним.

Н а с и б а *(ҳаяжондан қўрқиб кетиб бирдан қўлини тортиб олади)*. Нималар қиляпсиз?

Р у с т а м *(тиржайиб)*. Сувдай сероб бўлинг, дейман. *(Кулиб пиёладаги чойни хўплайди.)*

Н а с и б а *(ундан узоқлашиб)*. Раҳмат, сизам сувдай суюқ экансиз.

Р у с т а м. Жаҳлларингиздан сизни. Сиз нима десангиз шуда, жоним. *(Насиба томонга яқинлашади.)*

Н а с и б а. Жонимламай жонинг чиқсин. *(Ундан қочади. Узоққа бориб туриб олади.)*

Р у с т а м. Ҳазиллашдим. Вой-бў, шунга шунчами? Қўполлигим учун узр. Хуллас, гап бундай. Бир-икки кунга таътилга чиқсанг, дегандим.

Н а с и б а. Таътил, қанақа таътил?

Р у с т а м. Шу, оддий таътил.

Н а с и б а. Нега?

Р у с т а м. Шунчаки, укамни соғинганман. Шунга, бир-икки кун укам билан ёлғиз қолсамми дегандим?

Н а с и б а. Яхши-ку-я, лекин бунинг умуман иложи йўқ-да.

Р у с т а м. Нега? Қанақасига?

Н а с и б а. Бундан кўп йиллар олдин ота-онамдан ажраб етим бўлиб кўчада қолганимда, раҳматлик Аброр амаким менга раҳми келиб, сен ҳам менинг қизимсан, деб уйига олиб келиб менга бошпана, егани овқат бериб, асраб олишди. Худди ўзларининг фарзандларидек бошимни силаб, то умрларининг охиригача яхшилик қилдилар. Розия аммангизни ҳам онамдек яхши кўраман. Бирор марта ҳам менга ёмон гапирмаган. Комилжон эса туғишган укамдек бўлиб кетган. Уларнинг менга қилган яхшилигини бутун умр қайтара олмаслигимни билсам ҳам, нафим тегсин, деб уй юмушларига қарашиб юраман. Мен уларнинг олдида бутун умр қарздорман, улар учун жонимни ҳам аямайман. Хуллас, ўша қора кунлардан буён жажжи қизалоқнинг уйи ҳам, ишхонаси шу ер бўлиб кетган. Шунинг учун бошқа борадиган жойим йўқ. Илтимос, мени ҳайдаманг.

Р у с т а м *(жиддий бўлиб қолади)*. Узр. Билмагандим. Лекин мен сени ҳайдаётганим йўқ. Шунчаки, Комилни бир-икки кунга шаҳар айлантириб келсамми, дегандим.

Н а с и б а *(кўз ёшларини артиб)*. Яхши-ю, лекин укангизга бу умуман мумкин эмас.

Р у с т а м. Нега?

Н а с и б а. Билмасам, докторлар уни кўп одамлар билан суҳбатда бўлиш ва шовқиндан иложи борича узоқроқ сақлашни тайинлашган. Шунинг учун ҳам отангиз оламдан ўтгандан кейин уни ёдга соладиган хотиралар асабийлаштириб жиғига тегаверганидан укангизни мана шу қишлоқдаги эски уйлари-рингизга кўчириб келишга мажбур бўлдик.

Р у с т а м. Шовқин бўлса, нима бўлади?

Н а с и б а. Касали хуруж қилиб қолади.

Р у с т а м. Нима, у бу хуруждан ўлиб ҳам қолиши мумкинми?

Н а с и б а. Бу нима деганингиз?!

Р у с т а м. Мабодо аҳволи ёмонлашиб қолса, нима қиламан дегандим.

Н а с и б а. Шундай демайсизми, одамни қўрқитмай. Бунга эҳтиёж йўқ-ку, аммо аҳволи ёмонлашганини сезсангиз, мана бу доридан бир дона берасиз.

Чўнтагидан бир шишачани узатади. Рустам уни олиб чўнтагига солади.

Р у с т а м. Раҳмат. Илтимос, ўзинг биласан, укам менга мен эса укамга ўрганиб олишимиз учун бироз вақт керак. Шунга икки-уч кун ёлғиз қолсак, дегандим.

Н а с и б а. Майли, агар сиз шуни истасангиз, унда мен шаҳардаги уйларингиздан хабар олиб келаман. Бўлмаса, икки кундан кейин келаман. Ошхонани биласиз, фақат укангизга гуручли нарсаларни берманг, ёқтирмайди.

Чиқиб кетади.

Р у с т а м. Хўп, хўп.

Уни кузатиб қўяди.

Р у с т а м (*ўзига-ўзи*). Бориб келавер, (*кулиб*) унгача улгураман.

Қўлига телефонни олади.

Р у с т а м. Қилич, (*аксиради*) нима бўлди?

Қ и л и ч. Ҳалиям тузалмадизми, хўжайин?

Р у с т а м. Ишни битирсанг, тузаламан.

Қ и л и ч. Ҳаммаси тайёр. Уч кунда бу касофатдан қутиласиз, хўжайин.

Р у с т а м. Бунча имилламасанг. Тезлаш! (*Телефонни ўчиради.*) Жигарим, қаерларда қолиб кетдинг. Сени хурсанд қиладиган янгилигим бор. Сени ўлдираман деб келаётган қотил йўлга чиқибди. Икки кун вақтинг бор, яшаб қол. Энди унга ҳеч қандай дори ёрдам бера олмайди.

Қулади. Чўнтагидан дорини олиб отиб юборади ва саҳнадан чиқиб кетади.

И К К И Н Ч И П А Р Д А

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна чироқлари яна бир ўчиб ёнади ва бир кун ўтди деган маънода ёришади. Рустам сўрининг устига катта калонкаларни олиб келиб қўяди ва Комилни чақиради.

Р у с т а м. Комил, чиқ бу ёққа. Ҳой жинни, чиқ, сени чақираяпман. Кел, ўйнаймиз.

К о м и л. Нима ўйин ўйнаймиз?

Р у с т а м. Ўйин эмас, рақсга тушамиз.

К о м и л. Рақс? У қанақа бўлади?

Р у с т а м. Ҳозир биласан.

Калонкаларни бураб паст оҳангда мусиқа қўяди ва қўлларини кўтариб рақсга туша бошлайди. Бу мусиқа Комилга ҳам ёқа бошлайди. У ҳам қўлларини кўтариб ҳаракатлана бошлайди.

Р у с т а м. Яхши, яхши. *(Комилнинг устидан қулади)* Қойил-ей, жинни билан соғлом одамнинг рақсида фарқ йўқ экан-а? Сенинг рақсингга яна биров жозиба қўшамиз.

Бориб мусиқанинг овозини кўтаради. Комил икки қулоғини берктиб олади.

К о м и л. Ака, бўлди, бас қил, овозини ўчир.

Р у с т а м. Йўқ, йўқ. Нега? Мусиқа яхши-ку. Нега ўйнамапсан? Ёки овози пастлик қиляптими?

Бориб мусиқа овозини яна кўтаради.

К о м и л. Бас қил, ака! Ёмон мусиқа.

Бошини чангаллаб ётиб қолади. Рустам келиб унинг қулоқларидан қўлларини олиб, мажбурлаб тортқилайди.

Р у с т а м. Мана, эшит, эшит! Қани, ўйнасанг-чи, нега рақсга тушмайсан?

К о м и л *(бақиради)*. Ўлиб қоламан ҳозир.

Р у с т а м. Йўқ, ўлмайсан. Сенинг ўлишга ҳали ҳаққинг йўқ. Сени ажалинг менинг қўлимда эмас, тушундингми?

Рустам қулади. Комил ҳушидан кетиб қолади. Рустам мусиқани ўчириб, сув олиб келиб юзига сепеди. Комил чуқур нафас олиб ҳушига келади.

Р у с т а м. Тентакнинг жони қаттиқ бўлади дейишади. Рост экан. Тур, жигарим, бугунча етади. Ҳозирдан ўлиб қоладиган бўлсанг, келаётган қотилга нима дейман? Сиз келгунча сабри-миз чидамай ўзимиз эплаб қўйдик, дейманми? Уни хафа қилиб қўйсак бўлмас. А, жигар? Рақсга тушавериб қоринларинг ҳам

очиб кетгандир-а? Юр, мен сенинг туришингга ўз қўлларим билан сахардан мазза қилиб еб оласан деб гуруч қайнатиб қўйдим.

Кулиб Комилни уйга қўлтиқлаб олиб кириб кетади.

К о м и л (*судралиб*). Гуруч ёмон, гуруч ёмон.

Р у с т а м (*уйдан қайтиб чиқади*). Менинг отасиз еган азобларим олдида бу нима бўлибди? Э, отажон, мендек ўғлингиздан шу жиннини афзал кўрибсиз-да? Яхши, кимни суйиш бу сизнинг ихтиёрингиз, лекин энди менинг даврим келди! Энди ҳаммаси бошқача бўлади.

Чироқлар қоронғулашиб чигирткаларнинг овози келиб, кеч бўлганини билдиради. Сўрида Рустам ухлаб ётибди. Устига Комил кўрна олиб келиб ёпади. Рустам чўчиб уйғониб кетади.

Р у с т а м. Нима қиялсан тепамда? Ёки мусиқа камлик қилдим?

К о м и л. Йўқ, йўқ, фақат ундай қилма, ака. Комилга мусиқа ёқмайди. Мусиқа ёмон.

Р у с т а м. Сендан сўрадим. Тепамда нима қилаётган эдинг?

К о м и л. Сен совқотдинг. Мен эса устингни ёпиб қўйдим.

Р у с т а м. Нега бундай қилдинг?

К о м и л. Розия амма, бу – аканг, унга ғамхўрлик қил, деди.

Р у с т а м (*Комилнинг бу гапидан бироз ўйланиб қолади*).

Бўлмасам, эшитиб ол, ғамхўрлик менга эмас, сенга ўхшаган жинниларга қилинади. Агар яна бир марта уйқумни бузсанг, биласан-а нима қилишимни?

К о м и л. Бўлди, бошқа бундай қилмайман.

Тонг ёришади. Бедана сайрашни бошлайди.

К о м и л. Вой, қушчага овқат бериш керак.

Қушнинг олдига боради. Рустам буни қузатиб туриб, бориб қушнинг қафасини отиб юборади.

Р у с т а м. Сенинг жинниликларингга чидашга мажбур эмасман.

К о м и л (*бақариб қафасни олдига югуриб боради*). Қушча ўлиб қолади, ака!

Шу пайт эшик тақиллайди.

Р у с т а м. Ким у?

Эшик ортидан овоз келмайди, яна қаттиқ-қаттиқ тақиллайди.

Р у с т а м. Менимча, биз кутган меҳмон келди, шекилли.

Эшик ёнига бориб секин мўралайди. Комил қафаснинг олдида ўтириб қушчасини силаб йиғлаб ўтирибди. Эшик яна тақил-

лайди. Рустам дарвозани очади. Дарвозадан баланд бўйли, соқол-мўйлови ўсган, ўрта ёшли одам кириб келади. Рустам қўлидан ушлаб ичкарига бошлайди.

Р у с т а м. Ўзиям роса куттирдингиз. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши, деб икки кун олдин келаверибсиз-да. Ишни ўша айтилганидек бажараверинг, уйда ҳеч ким йўқ. Мен ҳам ҳозир чиқиб кетаман.

Қ ў ш н и. Бас қил. Артистликни йиғиштирсанг бўларди. Бир худо урган бандага бунчалар азоб бермасанг?! Нима бўлганда ҳам, у жигаринг.

Р у с т а м. Тўхтанг, сиз ким бўласиз ўзи?

Қ ў ш н и (*жаҳли чиқиб*). Нима, мени танимай қолдингми? Саттор амакинг бўламан. Болалигингда боғимдан мева ўғирлаб ердинг. Болалигинг қолибди-ю, бировнинг молига кўз олайтиришинг қолмабди-да.

Р у с т а м (*таниб вазиятни юмшатмоқчи бўлиб*). Эе-е, Саттор амакижон, келинг, бир бағримга босай!

Қ ў ш н и. Мен сени эмас, ўша болаликдаги жажжи Рустамжоннинг амакиси бўламан. Бунақа, тириклигида отасидан воз кечиб, ўлганида молининг ортидан қувиб келган молпараст Рустамнинг эмас.

Р у с т а м (*унинг гапини бўлиб*). Овозингни ўчир! Ўзингдан ўзинг бировнинг ҳовлисига бостириб келиб, нега шовқин кўтарасан? Ёшингни ҳурмат қилиб индамай ўтирганимга ҳадингдан ошма, қария. (*Ёқасидан олади.*)

Қ ў ш н и. Қўлингни ол!

Рустамнинг қўлини ёқасидан олиб, уни итариб юборади. Буни кўрган Комил дарров ўрnidан туриб “Акамга қўл кўтарма” деб қўшнисини ура бошлайди. Рустам ҳайратга тушиб қолади.

К о м и л. Комил акасини яхши кўради. Акамга тегинма. Комилнинг акаси яхши. У ёмонмас, у ёмонмас. (*Бошини чангаллаб уйга кириб кетади.*)

Қ ў ш н и (*ўрnidан туриб, устини тозалаётиб Рустамга қараб*). Комилдан хафа эмасман. Уни болалигидан танийман. Аммо мана шу йиллар оралиғида унинг бирор марта ҳам ножўя ҳаракатини кўрмаганман. У бугун жигарини ҳимоя қилиш учун менга қўл кўтарди. Агар яқинларини ҳимоя қилиш жиннилик бўладиган бўлса, унда ҳар кимга шундай жиннилик буюрсин. Тўғри, унинг ақли заиф. Лекин унинг ўша заиф ақли етган нарсани нега сен тушунмаётганингга ҳайрон қолаяп-

ман. Худойим синов деб ақлдан айирса айирсин-у, лекин қалбдан, меҳрдан айирмасин экан. Кеч бўлмасидан кўзингни оч! Бу ёруғ оламда қондошдан яқинини тополмайсан.

Рустам ўйлашиб туриб: “Бор, йўқол, насиҳатингни бориб болаларингга қиласан, деб қўшнини қувиб солади. (Аксиради.) Ичкаридан Комил бақирганча қўлида сув тўлдирилган тоғора билан чиқиб келади.

К о м и л. Бўлди, бас, етар, ака, сени ўзим даволамасам бўлмайди, шекилли. *(Рустамни сўрига ётқизиби, бошини маҳкам-маҳкам қисиб, дастурхон устидан бир тўғрам нон ва бир пиёла сувни олиб Рустамнинг бошидан ва қорнидан айлантиради.)*

Р у с т а м. Яна нима қилаяпсан, сен жинни, а? *(Комилнинг қўллари орасида типирчилайди.)*

К о м и л. Жим бўл *(пиёлани айлантираиб)*. Чиқ, бадбахт, чиқ, бадбахт, чиқмасанг, сенга лаънат, чиқармасам, менга лаънат, *(қўлларини баландга кўтариб)* кетсин, кетсин, кетсин, узоқларга дардлар кетсин.

Р у с т а м. Нима қилаяпсан?

К о м и л. Сени даволаяпман.

Р у с т а м. Мен касалмасман.

К о м и л. Ҳамма шундай дейди. Жим тур. *(Рустамнинг қорнини силаб)* Ризқдан кирган бўлсанг, чиқ, суқдан кирган бўлсанг, чиқ, шоколаддан кирган бўлсанг, чиқ. Йўқ, шоколаддан кирмайди. *(Айлантираётган шоколадни олиб киссасига солиб қўяди.)*

Р у с т а м. Қўйвор мени. Ҳозир сени...

К о м и л. Ҳозир, мана, оз қолди. Ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. *(Рустамни сўрига ўтқазиб, унинг шимини шимариб, оёғини тоғорада олиб келган сувига тиқади.)*

Р у с т а м *(оёғига сув теккандан сесканиб тоғоранинг ичидан югуриб чиқиб бақириб юборади)*. Ах! Нима қилганинг бу? *(Оёғини силкитади.)*

К о м и л. Нима қилдим, мен касал бўлиб қолсам, ҳар доим Розия шундай қилади. Сен ҳам яхши бўлиб кетасан.

Р у с т а м. Нима? Жинни, ахир бу совуқ сув-ку. Совуқ сувга ҳам ванна қиладими?

К о м и л *(хижолат бўлиб соддалик билан)*. Иссиқ сувга оёғинг куйиб қолмасин дедим-да, ака. Майли, ҳозир бундан зўрини топамиз. *(Ичкарига кириб кетади.)*

Р у с т а м (*Ўйланиб қолади*). Нега мана шу жиннини ақли етган нарсага менинг ақлим етмади-я! Нафс кўзимни кўр қилган экан, сал қолса, шундай жигаримни бошига етай дебман-а. Ахир, бу ҳали гўдак-ку, қандай қилиб уни... Унинг эмас менинг ақлим паст. Ўзингга шукур, худо, кўзимни очганинг учун.

Ўша пайт исиріқ тутатиб уйдан Комил чиқиб келади.

К о м и л. Буниси энди аниқ таъсир қилади. Насиба касал бўлгандаям, Розия оғриб қолгандаям, доим шу иш берган. (*Олиб келиб Рустамнинг бурнига тутади.*)

Рустам уни қаттиқ бағрига босади.

Р у с т а м. Ҳаммаси учун кечир. Бойликка ружу қўйган мендек номард акангни кечир. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Мен бахтни бойликда, пулда, мансаб, обрў-эътиборда деб билган эканман-у, аммо жигарларингсиз, оилангсиз буларнинг ҳеч бири татимаслигини билмаган эканман. Сен билан биз ҳали кўп жойларга борамиз, дунё кезамиз!

К о м и л. Розия ҳам биз билан борадими?

Р у с т а м. Боради, аммам ҳам, албатта, боради.

К о м и л. Қачон борамиз?

Р у с т а м. Эртага. (*Ўзига-ўзи савол беради. Қўрқиб кетади.*) Эртага? Мен аҳмоқ. Дарҳол Қилични топиш керак!

Телефонини олиб Қиличга қўнғироқ қилади. Телефоннинг чақирган овози эшитилади. Қилич жавоб бермайди.

Р у с т а м. Олақолсанг-чи, ярамас. Нега жавоб бермайсан?

Ҳовлиқиб юриб яна қўнғироқ қилади. Телефон бироз чақиргандан сўнг гўшак кўтарилади. Рустам бирдан гап бошлайди.

Р у с т а м. Қилич, сенга шошилинч топшириқ. Зудлик билан келаётган одамингни қайтар. Операция бекор қилинди, дегин. Тушундингми? Укамга ҳеч ким қўлини теккиза олмайди. Эшитдингми мени?

Гапи чала қолиб кетади. Телефондан жавоб келади.

Т е л е ф о н. Қилич бугун тонгда оламдан ўтди. Мархумнинг кими бўласиз?

Рустам ҳаяжон ва қўрқувдан ўзини йўқотиб, бироз вақт жим қолади.

Т е л е ф о н. Алло. Эшитяпсизми, кими бўласиз?

Р у с т а м (*Ўзини бироз тутиб олиб*). У менинг қўлимда ишларди. Нима бўлди?! Қандай қилиб, ахир?! Бўлиши мумкин эмас!

Т е л е ф о н. Бугун тонгда шифохонага келтиришди. Машина уриб кетган экан. Афсус, ҳаётини сақлаб қололмадик.

Рустам гапни охиригача эшитмай телефонини ўчириб қўяди. Ваҳимага туша бошлайди.

Р у с т а м. Нима ишларни бошлаб қўйдим-а? Энди нима бўлади? Уни қаердан топаман? Қандай танийман? Бу ишга нуқта қўйиш керак!

Комил нима бўлаётганидан беҳабар келади.

К о м и л (*бақариб айланганча*). Нуқта қўямиз, нуқта қўямиз.

Рустам Комилнинг билагидан икки қўли билан ушлаб олади.

Р у с т а м. Сен кўрқма, укажон, уни қайтара олмасак, тўхта-та олишимиз мумкин.

К о м и л. Мен фақат мусиқадан кўрқаман.

Ўша вақти Рустамнинг телефони жиринглайди. Рустам қўтаради.

Р у с т а м. Алло. Ким бу?

Қ о т и л. Мен Қилич айтган одам бўламан.

Р у с т а м (*хурсанд бўлиб юзига табассум югуради*). Ҳа, ҳа, ўзим ҳам сени қидириб юргандим.

Қ о т и л. Нега қидирасан? Мен келдим, айтилган жойдаман. Ичкари тозами?

Р у с т а м. Ҳа, ичкари тоза, лекин Қилич айтишга улгурмади. Буюртма бекор қилинди. Узрим сифатида Қилич берган пулларни ўзингда олиб қол.

Қ о т и л. Нима?! Қанақасига? Ахир, Қилич айтгандики, бориб шу рақамга боғлансанг, у ёғини ўзи тушунтиради деб.

Р у с т а м. Бўлди, у ёғи бўлмайди. Ҳеч қандай ортиқча изох керак эмас.

Қ о т и л. Майли, агар ёрдам керак бўлмаса, унда учрашгунча.

Р у с т а м. Хайр. Менимча, энди умуман учрашмасак керак (*телефонни ўчиради*). Худога шукур, ҳаммаси ҳал бўлди. Энди истаганча хурсанд бўлиш мумкин. Ака-ука даври даврон сурамиз.

Бир-бирини қучоқлаб айланишади. Яна дарвоза тақиллайди.

Р у с т а м. Ким у?

Бориб дарвозани очади. Қўлига бир сумкани қўтариб келади. Ҳайрон бўлиб ичини очётган пайтда телефони жиринглайди. Қўтаради.

Р у с т а м. Алло.

Қ о т и л. Пулни олдингми?

Р у с т а м. Ҳа, бу сенинг ишингмиди? *(Сумкадан пулни олади.)* Ахир, айтгандим-ку, ўзингда қолаверсин деб. Мен розиман.

Қ о т и л. Йўқ, ўзим қассоб бўлсам ҳам, сўйилмаган нарсага ҳақ олмайман. Ҳаромдан кўрқаман.

Р у с т а м *(хурсанд)*. Бекор қилибсан овора бўлиб, ўзингда олиб қолсанг бўларди. Мен фикримдан қайтдим. Сен ҳам тўғри қарор қабул қилибсан.

Қ о т и л. Сен мени нотўғри тушунибсан. Мен фикримдан қайтдим, деганим йўқ.

Р у с т а м *(жиддий оҳангда)*. Тушунмадим?

Қ о т и л. Худо раҳматига олгур Қилич сени яхши одам деганди. Шунга бир жиннини сен учун текинга йўқ қилиб беришга қарор қилдим. Мени кут, белгиланган вақтда айтган ишинг ҳал бўлади.

Телефон ўчганини билдирувчи товуш саҳна бўйлаб жаранглайди.

Р у с т а м *(таҳликада)*. Алло... Алло... Қаердасан?

Деразаларни бориб беркитиб, дарвозани маҳкамлаб, кўлига пичоқ олиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди. Бу воқеалар бўлаётган вақтда кўрқинчли мусиқа чалиниб кун ва тун алмаша бошлайди. Комил эса бир қушчасига қараб, бир копток ўйнаб, чарчаганда эса сўрида ухлаб ётади. Кўрқинчли мусиқа авжига чиқади. Дарвоза тақиллайди. Рустам кўлига пичоқни олиб, бориб аста дарвозадан мўралайди ва югуриб келиб Комилнинг кўлидан тортиб уйнинг ичига олиб киради.

К о м и л. Кўлим оғрияпти, кирмайман уйга.

Р у с т а м. Ўчир овозингни, бўлмасам, ҳозир... калонкаларни биласан-а? *(Комил кўрқади.)* Қани, тез уйга кир. Эшикни ҳеч кимга очма.

К о м и л. Сен Комилни яхши кўрмайсан. Сени Розияга айтиб бераман.

Уйга кириб кетади.

Рустам бориб кўлида пичоқ билан дарвозани очади. Кўлига сумка кўтарган ўрта ёшли одам эшикдан кирмай кўрққанидан кўлидаги сумкасини ташлаб юборади.

Р у с т а м. Кимсан? *(Пичоқ тўғрилайди.)*

Н о д и р *(жиддий туриб бирдан бақириб юборади)*. Вой ўлай, мени ўлдирманг, ака. Мен шу уйнинг боғбони Абдубарно бўламан. Илтимос, кўлингиздагини нарироқ олинг.

Р у с т а м. Нима? Боғбон, яна қанақа боғбон?

Н о д и р. Ахир, айтдим-ку, мен шу уйнинг боғбони бўламан, бой ака.

Р у с т а м. Унда нега мен сени аввал кўрмаганман?

Н о д и р. Мен ҳар ҳафтада икки кун келаман, бой ака.

Р у с т а м. Сумкангни олиб бер.

Боғбон сумкасини олиб беради. Бу вақтда уни ичкарига киритмай пичоқ тираб дарвозага суяб қўяди.

Р у с т а м (*сумканинг ичида ток қайчини кўргач*). Яхши. Туришингдан маълум, сен мен кутган одамга сира ўхшамайсан. Лекин барибир туришинг ёқмаяпти.

Шу вақт уйнинг ичидан Комил телефонни олиб югуриб чиқади.

К о м и л. Энди сени кунингни кўрсатади, Розия. Ҳаммасини унга айтиб бердим.

Р у с т а м (*боғбонга қараб*). Жойингдан жилма! (*Комилга қараб*), ахир, сенга айтгандим-ку, уйдан чиқма деб.

К о м и л (*боғбонга қараб*). Ие, бу Барно боғбон-ку! Нима, уни ўлдирасанми?

Н о д и р. Айтдим-ку сизга, боғбонман деб, бой ака. Ана, Комил мени танийди.

Р у с т а м. Комил, бунинг гапи ростми?

К о м и л. Жиннилар битта гапиради.

Р у с т а м (*пичоғини олиб*). Қани, кир ичкарига.

Дарвозани ёпишдан олдин кўчага яхшилаб қарайди.

Н о д и р. Майли, акажон, қайтиб кетсам ҳам, хафа бўлмайман. Яхшиси, бошқа сафар келаман. Мен бора қолай.

Комил келиб, унинг сумкасини титкиламоқчи бўлади.

Р у с т а м (*Комилга қараб*). Унга яқинлашма.

Р у с т а м (*боғбонга қараб*). Сен эса бугунча шу ерда қоласан.

Н о д и р. Мени қўйиб юборинг, жон ака, уйимга борай. Хотинимга, тез қайтиб келаман, деб кетганман.

Р у с т а м. Ҳали сенинг хотининг ҳам борми?

Н о д и р. Бу дунёда ҳамма эркакнинг ҳам хотини бўлади-да, бой ака.

Буларнинг гапига Комил қўшилади.

К о м и л. Бунинг хотини тикувчимиз Ўғилой бўлади.

Н о д и р. Худди шундай, тезда қайтиб бормасам, Ўғилойнинг жаҳли ёмон тез чиқади.

Р у с т а м. Гап тамом, ҳеч қаерга кетмайсан.

Н о д и р (*оғзини қўли билан ёпиб*). Вой ўлай! Менга бирор нарса бўлса хотинимга ким?.. Ўзингиз жавоб берасизми? А? Ким жавоб беради? Айтинг.

Р у с т а м. Ҳа, мен жавоб бераман. Сен бугун шу ерда қоласан.

Н о д и р. Вой ўлай, зўравонликни қарасин. Унда билиб қўйинг, бошимдан бир тола сочим тўкилса ёки хотиним мени излаб келса, ўзингиз жавоб берасиз.

Р у с т а м. Бўлди! Оғзингни юм! Ишингни қил.

Н о д и р. Нима қиламан?

Р у с т а м. Ҳеч овга чиққанмисан?

Н о д и р. Қанақа овга? Балиқ овигами?

Р у с т а м. Қанақа бўлса ҳам, фарқи йўқ.

К о м и л. Мен ҳам ўшанга чиқсам бўладими? (*Хурсанд бўлиб Рустамга қарайди.*)

Р у с т а м. Нимага чиқасан?

К о м и л. Ўша, сенлар чиқаётган нарсага.

Н о д и р (*гап қўшади*). Овга деяпти, бой ака.

Р у с т а м (*боғбонга қараб*). Сендан сўрадимми?

Н о д и р. Гапирмадим.

Р у с т а м. Яхши, унда.

Н о д и р. Лекин нима овига чиқамиз?

Р у с т а м. Одам овига.

К о м и л (*хурсанд бўлиб қарсак чалади*). Мен ҳам бораман!

Р у с т а м (*Комилга қараб*). Сен ов қилмайсан.

К о м и л. Нега?

Р у с т а м. Сен хўрак бўласан.

Н о д и р. Кимсиз, нимани гапиряпсиз, билмадим-у, лекин сиз айтаётган нарсаларга мени аралаштирманг. Менинг қўлимдан гул етиштиришу дарахт парваришлаш келади, холос.

Р у с т а м. Қўрқма, сен ҳеч нарса қилмайсан. Мен ҳаммасини ўзим қиламан. Сен фақат Комилга қараб турсанг бўлди.

К о м и л. Зўр бўлади. Одам овлагани ҳаммамиз борамиз?

Р у с т а м. Ҳаммамиз деганинг яна ким?

К о м и л. Ким бўларди, сен, мен, манави Барно боғбон, қушчам (*қафаснинг ёнига боради*), Розия аммам, Насиба.

Р у с т а м. Тўхта. Уларни ким чақирди?

К о м и л. Мен чақирдим,

Р у с т а м. Яна кимга нима дединг?

К о м и л. Иккаласига алё-алё қилиб, Рустам мени уйга қамаб қўйяпти, тез келинлар, дедим.

Р у с т а м. Бекор қилибсан. Ҳечқиси йўқ, хато қилган фақат сен эмас. Балки, яхши қилгандирсан, яна билмадим.

Яна Рустамнинг телефони жиринглаб қолади. Рустам шошиб кўтаради. Телефондан овоз келади.

Қ о т и л. Ҳа, қўрқиб кетдингми? Нима, укангни боғбон ҳимоя қиладими? Нега милицияга мурожаат қилмаяпсан? Э, бу ишларнинг бошида ўзинг турганинг учун кўрқасан-да?

Р у с т а м. Мен эмас, сен кўрқоқсан. Кўрқоқ бўлмаганингда каламушга ўхшаб беркиниб юрмасдинг. Эркак бўлсанг, чиқ, алоҳида гаплашамиз.

Қ о т и л. Сен билан кейин гаплашамиз. Аввал ишни битириб олай.

Р у с т а м. Нега бу ишга бунчалик ёпишиб олдинг? Нима, пулдан кўнглинг тўлмадими? Айт, тинч қўйишинг учун қанча истайсан?

Қ о т и л. Оооо! Бойвачча, пул сенга керак. Қилич ҳам шу пулни деб бошимни қотирган эди, тасодифан йўлда машина уриб кетди.

Р у с т а м. Нима? Ҳали Қилични сен...

Қ о т и л. Ҳа, ҳа, тўғри топдинг.

Р у с т а м. Мараз, мақсадинг пул бўлмаса, унда нима?

Қ о т и л. Мақсадим, бу дунёда заиф ва кучсиз одамларга ўрин йўқ. Улар фақат қолганларга ташвишу муаммо олиб келади. Шундай экан, уларнинг бу ҳаётда яшашга ҳаққи йўқ. Мен эса бу ҳаётда шундай ожиз ва мақсадсиз, заиф одамларни топиб, уларни муаммолардан қутқараман.

Р у с т а м. Менга қара, пасткаш, агар кимнидир ўлдирмоқчи бўлсанг, унда, мана, менинг жонимни ол.

Қ о т и л. Бўпти, ҳаммаси сен айтгандек бўлади. Фақат тартиб билан. Аввал анави эсипастни, кейин эса сени. Тез орада учрашамиз.

Р у с т а м *(бақириб)*. Қаердасан?! Шошма, шошма.

Телефон ўчади.

Р у с т а м *(Нодирга қараб)*. Бор, уйга кириб, Комилга энг керакли бўлган нарсаларини йўлга ҳозирла. Унинг устини ҳам эпаккага келтириб қўй.

К о м и л. Янги кийимларимни кийиб чиқсам бўладими?

Р у с т а м. Ҳа, ҳа, бўлади, фақат тезроқ бўл, укажон.

Комил хурсанд бўлиб уйга кириб кетади.

Н о д и р. Бу ишларга мени аралаштирмасангиз бўларди.

Абдубарно ҳам уйга кириб кетаётганда Рустам уни чақиради.

Р у с т а м. Барно, уйда машина борми?

Н о д и р. Ҳа, бор, охирги русумидан ўзиям.

Р у с т а м. Русумини нима қиламан, гараж қаерда?

Н о д и р (*ўўлни кўрсатади*). Ўзи қаёққа кетаяпмиз?

Р у с т а м. Бу сенинг ишинг эмас, тез айтганларимни бажар.

Рустам гаражга қараб кетаётганда эшик тақиллайди.

Р у с т а м (*бақариб*). Ким у?

О в о з. Менман, Рустамжон, амманг бўламан.

Рустам бориб дарвозани очади. Дарвозадан Насиба билан Розия аммаси кириб келади.

Р о з и я. Нима гап, соғлигинг жойидами? Рангингда ранг йўқ, оқариб кетибсан.

Р у с т а м (*чуқур нафас олиб*). Ҳа, ҳаммаси жойида. Маҳаллада бегона одамни кўрмадингизми?

Р о з и я. Йўқ. Нима бирор кимни кутяпсанми? (*Бориб Рустамнинг пешонасини ушлаб кўради.*) Иситманг бор-ку! Бор, уйдан дори олиб чиқ.

Р у с т а м. Йўқ, шарт эмас. Ҳеч кимни кутаётганим йўқ. Шунчаки сўрадим. Насиба, сен бу ерга қаердан келиб қолдинг?

Н а с и б а. Ахир, айтгандим-ку, икки кунда қайтиб келаман деб. Ростдан дори керакмасми?

Р у с т а м (*бошини ушлаб*). Ҳа-я, айтганча, ёдимдан кўтарилибди.

Р о з и я. Сўраб нима қиласан. Қара, қора терга тушиб кетган-ку. Олиб чиқ!

Н а с и б а. Хўп бўлади, холажон.

Уйга кириб кетади. Рустам аммасининг қўлидан ушлаб, сўрига бориб ўтқазади.

Р у с т а м. Аммажон, сиз билан бир маслаҳатли гап бор.

Р о з и я. Нима? Насибани ёқтириб қолдингми дейман? Ўзимнинг ҳам кўнглимдан ўтганди ўзи. (*Рустамнинг елкасига уриб кулади.*) Тўғри уйлабсан.

Р у с т а м. Йўғ-а, нималар деяпсиз? Умуман бошқа масала.

Уйнинг ичидан Насибанинг бақариқ овози эшитилади. Рустам уйга қараб югуради. Уйнинг ичдан Насиба чиқиб.

Р у с т а м. Нима бўлди, айтсанг-чи?

Н а с и б а. Уйда. Уйда...

Р у с т а м. Тезроқ айтсанг-чи, Комил қани?

Н а с и б а. Нима бўларди? Боғбон уйни ўмариб кетаяпти-ю, сизлар беҳабар ўтирибсизлар.

Р у с т а м. Одамни ўтакасини ёрай дединг. Барнога мен топшириқ бергандим.

Уйдан башанг кийимларда Комил чиқиб келади. Унинг орқасидан эса қўлига катта сумка олиб, “Мен ўғирлик қилганим йўқ, Насиба нотўғри тушунди”, деб Барно чиқиб келади.

Р о з и я. Яна ёқтирмайман дейсан. Овозини эшитиб югуриб кетдинг-ку.

К о м и л. Амма, келдингми? Қара, кийимим ярашибдими?

Бориб аммасини кучоқлайди.

Р о з и я. Ҳа, жуда ажойиб. Рустамжон, балки, сен тушунтириб берарсан, бу уйда нималар бўлаяпти ўзи?

Дарвоза тақиллайди. Рустам, ким у, деб сўрайди. Бир аёл, менман, дейди. Барно югуриб бориб, бу менинг хотиним, деб дарвозани очади.

Ў ғ и л о й (*эрига қараб*). Сиз ҳали ҳам шу ердасиз?

Н о д и р. Мен, ҳалиги, энди ишларимни бўлиб кетмоқчи бўлиб тургандим.

Ў ғ и л о й. Биламан, бу ерда Насибахон бўлса, ҳамма нарсани унутасиз.

Н о д и р. Сиз яна рашк қилаяпсиз, Ўғилойхон.

Ў ғ и л о й. Бўлди, бас қилинг. Сиз билан уйда гаплашамиз, ўртоқ Абдубарно жаноблари.

Н о д и р. Сиз нима десангиз шу, хоним.

Ў ғ и л о й. Ҳа-я, айтганча, мен бу ерга нега келгандим? (*Абдубарнодан сўрайди.*)

Н о д и р. Билмасам.

Ў ғ и л о й. Бундан кейин билиб юринг.

Н о д и р. Хўп бўлади.

Ў ғ и л о й. Бўлди, бўлди, эсладим.

Р о з и я. Ҳой, Ўғилой, нега бунча шанғилладинг-а? Кел-чи, ҳовлиқма, нима гап?

Ў ғ и л о й (*Розиянинг олдига ваҳима билан келади*). Холажон, эшитдингизми, одамларнинг айтишича, қишлоққа Искандар қайтган эмиш.

Р о з и я. Гапниям оласан-да, қўйсанг-чи. Унинг дараксиз йўқ бўлиб кетганига йигирма йилдан ошди-ёв, чамамда.

Ў ғ и л о й. Ҳа, шундай эди, хола. Ҳатто у ҳақда одамлар, ўлиб кетган экан, деган гап ҳам чиқаришганди. Лекин бундан бир ҳафта олдин уни қишлоқда бир-иккита одам кўрган эмиш.

Р о з и я (*қўрқувга тушиб*). Йўғ-е? Қаерда кўрибди? Нега ушлаб беришмабди?

Ў ғ и л о й. Қизиқмисиз, хола, унга ким яқин юради? Худо бас келсин унга.

Р о з и я. Қўйсанг-чи, шунақа совуқ гапларни. Доим шунақа миш-мишларни гапириб юрасан-а.

Ў ғ и л о й. Энди, билганимни айтдим-да, хола. Майли, айтма десангиз, айтмайман.

Бу гапларни эшитиб турган Рустам шубҳада таажжубланиб гапга қўшилади.

Р у с т а м. Амма, ким у Искандар деганлари?

Р о з и я. Э, оти ўчсин унинг. Эслатма!

Р у с т а м. Ким у?

Р о з и я. Бундан кўп йиллар олдин бир Искандар деган шофёр бўларди. Роса яхши, ҳожатбарор инсон эди. Аёли шўрлик қизчасини дунёга келтираётганда оламдан кўз юмди.

Н а с и б а. Мен ҳам билмас эканман. Ким у одам?

Р о з и я. Сен қаердан ҳам билардинг? Ахир, бу воқеалар бўлганда сен эндигина бизнинг уйга келган беш яшар қизалоқ эдинг. Хуллас, Искандар аёли ўтгандан сўнг, бошқа рўзғор қилмай бутун меҳрини шу қизига бериб униб-ўстирди. Кейин эса қизчаси мактабни тугатай деганда қишлоқдаги Мурод деган бир девона уни зўрлаб қўйди. Бу шармандалик бутун қишлоқ бўйлаб тарқалди. Орадан кўп ўтмай Искандарнинг қизи Лола ўзини уйида осиб қўйди. Искандар бу шармандалик ва жудоликдан қаттиқ ўкинди.

Р у с т а м. Кейин-чи, кейин нима бўлди?

Р о з и я. Бу ёғини айтишга менинг тилим ҳам бормайди.

Ў ғ и л о й. Бу ёғини мана мен айтиб бераман, мулла ака. Хуллас, ўша воқеадан сўнг Искандар ўша жиннини топиб ўлдирди. Сўнгра бу қотиллик учун уни қамашди. Айтишларича, у қамоқдан чиққандан сўнг ҳам шаҳарда бир жиннини ўлдириб, қайсидир бир чет мамлакатга қочиб кетган экан. Шу-шу, қишлоқ аҳли уни қайтиб кўришмади. Лекин бир ҳафта олдин у ҳақда шундай миш-миш чиқди.

Н о д и р. Вой, онажон, шундай одамлар билан ҳали бир ҳаводан нафас олиб юрибманми!

Р у с т а м. Уни кимдир танийдими, кўрса?

Ў ғ и л о й. Қайдам, ким танийди дейсиз? Ахир, орадан ўн беш йил ўтиб кетди.

Р о з и я. Бўлди қил. Худо унинг юзини тескари қилсин. Қўй, бундай гапларни. *(Рустамга қараб)* Қани, энди айт-чи, қаёққа шайланиб тургандинг?

Р у с т а м. *(Рустам бўлган воқеалардан қўрқувга тушиб қолиб, каловланиб гап бошлайди)* Ҳозир ўзим ҳам сиздан шуни сўрайман деб тургандим, мен укамни олиб, ака-ука бир дунё кезиб келмоқчи бўлиб тургандик.

Р о з и я. Яхши нарсани ўйлабсан, ўзи докторлар “шовқинга бўлмайди” дегани учун акам раҳматли уни болалигидан умуман кўчага чиқармасди. Балки, саёҳат унга яхши таъсир қилар.

Р у с т а м. Сизларни ҳам олиб кетаман. Фақат тез, жуда тез кетишимиз керак.

Р о з и я. Рустамжон, сен мени кўрқувга солаяпсан. Нималар бўлаяпти ўзи? Илтимо, тушунтириб бер.

Р у с т а м. Ҳаммасини йўлда тушунтириб бераман. Нодир, юкларни машинага жойла. *(Рустам Комилнинг қўлидан ушлаб)* Тезлашмасак бўлмайди.

Рустам гараж томонга юради.

К о м и л. *(Бирдан оёғини ерга тираб)* Кетмайман.

Р у с т а м. Нега кетмайсан, ҳозир инжиқлик қилишнинг мавриди эмас. Қани, юрсанг-чи.

К о м и л. Мен учун шу ердан яхши жой йўқ.

Р у с т а м. Мен сени бундан яхши ерларга олиб бораман.

К о м и л. Йўқ, отам айтган уйдан яхши жой бўлмайди. *(Кўшининг олдида бориб қафасни ушлаб)* Ҳатто қушлар ҳам қочса уйига қараб учади, уйдан ташқарига ҳеч қачон қочишмайди.

Р у с т а м. *(бироз ўйланиб қолади)* Йўқ, барибир кетмасак бўлмайди.

Р о з и я. Нега мажбурлайсан, ахир, кетишни истамаяпти-ку! *Дарвоза тақиллайди. Нодир очаман деб қадам ташлайди.*

Р у с т а м. Йўқ, жойингдан жилма, ўзим очаман.

Қўлига пичоқни олиб дарвоза томонга боради. Нодир, Насиба, Розия ҳаммалари қўрқиб ҳаяжонланиб қолишади.

Р о з и я. Нималар қилаяпсан, Рустам?

Н а с и б а. Мен қўрқиб кетаяпман, холажон.

К о м и л. Менимча, келди.

Н о д и р. Ким?

К о м и л. Ўлжа. *(Кулади.)*

Рустам бориб дарвозанинг тешигидан қараб, пичоқни белининг орқасига тиқиб очади.

Қ ў ш н и. Яна нима тўполон, яна нима жанжал, Рустамбек?

Р у с т а м. Ўзи сиз керак эдингиз. Биз оилавий кетаяпмиз. Илтимос, биз келгунча уйимиздан хабардор бўлиб туринг.

Қ ў ш н и. Тушунмадим? Қаёққа кетаяпсизлар? Қанча вақтга?

Р о з и я. Рустам ҳақиқатни менга айтмагунча ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмайди. Нима, сел келаяптими, нега бунча ҳовлиқмансанг?

Р у с т а м. Сел келганда ҳам майли эди. Қотил келяпти, амма, қотил.

Н о д и р. *(Насибага қараб)* Тавба, акаси ҳам жинни экан.

Р о з и я. Ўзингни бос, биламан, шу уч кун ичида ҳаётингда жуда кўп ўзгаришлар бўлиб кетди, лекин сиқилма, болам. Сабрли бўл. Ҳаммаси изига тушиб кетади.

Келиб Рустамни бағрига босиб бошини силайди.

Р у с т а м. *(Аммасининг бағридан чиқиб)* Нега тушунмайсизлар, агар ҳозир бу ердан Комилни олиб кетмасам, уни ўлдиришади.

Ҳамма жим бўлиб қолади. Розия гап бошлайди.

Р о з и я. Ҳой бола, нималар деяпсан? Ким ўлдиради? Бунинг ўлими кимга ҳам керак?

Р у с т а м. Менга, менга керак эди. Тинчгина ўзга юртларда кимдандир паст, кимдандир баланд бўлиб яшаётган эдим. Бирдан “Отангдан катта мерос қолди” деган мактуб олиб, шайтоннинг измига кириб, шошганча меросни бўлишишни истамай, ҳали ўзим бир марта кўрмаган укамни ўлдиришга одам ёллаттирдим.

Ҳаммалари бирдан гапириб шовқин қилиб юборишади. Бу шовқин Комилга ёмон таъсир қила бошлайди.

Н а с и б а. *(Бақариб юборади)* Наҳотки, инсон ўз жигарини-я...

Қ ў ш н и. Унда, уни қайтар.

Н о д и р. Милицияга телефон қилиш керак.

Розия йиғлаб юборади.

Р у с т а м. Уни мен қайтара олмайман.

Қўш ни. Нега қайтара олмайсан?

Рустам. Буни тушунтириб ҳам беролмайман. Милицияга телефон қилган ҳам бефойда, чунки уни ҳатто кўрмаганман. Танайман.

Розия аммаси дод-вой солиб қўз ёш қилишга тушади.

Розия. Наҳотки мол-давлатни деб одамзод шунчаликка борса? Сен келганингда қанчалар хурсанд бўлгандим-а!

Комил. *(Бошини чагаллаб)* Бўлди, бўлди! Бас, етар!

Комил бошини чангаллаб ётиб қолади. Уларнинг ҳаммаси Комилга ёпишиб, аралаш гапириб шовқин кўтаришади.

Рустам. Комил, кўзингни оч, укажон, мени кўрқитма.

Насиба. Нимадир қилиш керак.

Розия. Болам бечора ўлиб қолади. Тезроқ ёрдам беринглар. Нимадир қилсанглар-чи!

Рустам Комилни кўтариб сўрига ётқизади. Насиба сув олиб чиқиб унга сепеди. Комил ҳушига келмайди.

Рустам. “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилиш керак.

Насиба “Тез ёрдам”га телефон қилади. Биринчи марта телефон қилиб туша олмайди.

Насиба. Кўтаришмаяпти.

Рустам. *(Бақиради)* Яна қил.

Насиба яна қўнғироқ қилади. Улар кўтаришади.

Насиба. “Фаровон” кўчаси 57-уйда бир одам ҳушидан кетиб қолди.

Рустам. Барно, машинани ҳозирла, ўзимиз олиб бормасак бўлмайди.

Барно машина томонга югуриб кетади. Машинанинг ўт олиб ўчиб қолаётган овози эшитилади.

Розия. *(Оҳ-воҳ қилиб)* Комилжон, болам, кўзингни оч, мени кўрқитма.

Барно қайтиб келади.

Рустам. Нима бўлди?

Нодир. Аксига олиб машина ёнмаяпти. Менимча, ёқилғиси тугаган, шекилли.

Рустам. Жин урсин.

Насиба яна “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилади.

Насиба. Нима бўлди, келяпсизларми? Беш-ўн дақиқада шу ерда бўласизлар. Хўп, хўп, фақат шошилинглар.

Рустам. Чида, укажон, чида, ҳаммаси яхши бўлади. Амма, олдин ҳам кўп шундай бўлармиди?

Р о з и я. Йўқ, кўп бўлмасди. Охирги марта отасини уйдан олиб чиқишаётганда шундай бўлганди.

Р у с т а м. *(Паст овозда, ўзига-ўзи)* Йўқ, охиргиси унда бўлмаган. Насиба, ўшанда ўзига келиши учун нима қилгандинглар?

Н а с и б а. Докторлар келганди.

Р у с т а м. Яна телефон қилиб айт! Тез келмайдими булар?!

Қ ў ш н и. Уларни кутгандан фойда йўқ. Барибир кеч келишади.

Р у с т а м. Унда нима қил дейсиз? Нима, бирор таклифингиз борми?

Қ ў ш н и. Ундан кўра мен машинамни дарвоза ёнига олиб келиб тураман, сен эса Комилни олиб чиқавер.

Р у с т а м. Шунинг эртарақ айтсангиз бўлмасмиди?

Қўшни югуриб чиқиб кетади.

Р у с т а м. Барно, қарашиб юбор.

Комилни елкалаб дарвоза томонга юра бошлаганда дарвозадан доктор кириб келади. Рустам Комилни сўрига ётқизади. Доктор Комилнинг юрак уришини эшитади.

Д о к т о р. Нима бўлди ўзи?

Р у с т а м. Асабийлашиб, ҳушидан кетди.

Р о з и я. *(Йиғи аралаш)* Нима бўлибди, тузалиб кетадими? Ўзига келадими?

Н а с и б а. Аҳволи яхшими?

Д о к т о р. *(Комилнинг қон босимини ўлчаб кўриб)* Асаблари кучли толиққан. Сув келтиринг.

Насиба сув олиб чиқади. Комилга дори ичиради. Комил кўзини очади, қўлини кўтариб, аммасининг юзини силайди.

Р о з и я. Комилжон болам, амманг айлансин сендан. Мени эшитаяпсанми?

Комил жилмайиб бошини силкитади.

Д о к т о р. Холажон, унга ҳозир тинчлик керак.

Комилга укол қилади.

Р о з и я. Тўғри айтасиз. Қўллариңгиз дард кўрмасин, доктор болам.

Р у с т а м. Ҳаммаси жойидами?

Ҳаяжонланиб кетганидан ўзи ҳам ҳолсизланиб туради.

Д о к т о р. Хавф ортда қолди. Хавотирланишнинг кераги йўқ. Ўн дақиқада кўрмагандек бўлиб кетади. Сизга нима бўлди?

Р у с т а м. *(Сўрига суяниб)* Ҳечқиси йўқ, бироз асабларим толиқди, шекилли.

Д о к т о р. Қани, ўтиринг-чи. *(Рустамнинг ҳам қон босимини ўлчаб кўради.)* Қон босимингиз баланд, жуда қаттиқ асабийлашгансиз. Бунақада юракни ишдан чиқарасиз. Асабингизни тинчлантириш учун укол қиламан. *(Рустамга укол қилади.)* Ана бўлди, энди ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Р у с т а м. Раҳмат, доктор.

Д о к т о р. Биз шошиляпмиз, бошқа жойларга ҳам боришимиз керак.

Эшикдан чиқиб кетади. Уни Рустам дарвозагача кузатиб кўяди ва дарвозани маҳкам беркитади. Комил акасини чақиради.

К о м и л. *(Кўли билан Рустамнинг ёқасидан олиб)* Ака, бундан кейин мени жинни демайсан-а?

Р у с т а м. Демайман, укажон, демайман.

К о м и л. Деёлмайсан ҳам.

Р у с т а м. *(Жилмаяди.)* Нега, десам, кўшнини ургандек уриб ташлайсанми?

К о м и л. Йўқ, чунки мен кетаяпман.

Р у с т а м. Қаерга?

К о м и л. Отамнинг ёнига. Мени жинни десанг ҳам, сени яхши кўраман, ака.

Кўллари жонсиз ерга тушади.

Р у с т а м. Нега бундай бўлди?! *(Йиғлаб юборади.)*

Ҳаммалари бақириб йиғлашади. Рустам юрагини ушлаб кўриб, бурнига қулоғини тутиб кўради.

Р у с т а м. *(Бақириб).* У нафас олмаяпти!

Барно ҳам қайтадан юрагини текшириб кўради.

Н о д и р. Менимча, Комил энди йўқ.

Н а с и б а. Бўлиши мумкин эмас. *(Додлаб йиғлайди.)*

Р о з и я. *(Йиғлаб Рустамга ёпишади.)* Уни, менинг Комилжонимни сен ўлдирдинг.

Р у с т а м. Бўлиши мумкин эмас. Мени кечир, укажон. Сени мен ўлдирдим.

Шу пайт дарвоза тақиллайди. Барно юзуриб бориб дарвозани очади. Дарвоза ёнида оппоқ кийинган, қўлида сумкаси билан доктор туради.

Д о к т о р. Бу “Фаровон” кўчаси 57-уйми?

Р у с т а м. Доктор?!

*Дарвозагача бир-икки қадам ташлаб ерга ҳолсиз йиқилади.
Чироқлар ўчиб қоронғулашади. Сокин мусиқа жўрлигида ушбу
шеър ўқилади.*

Рустам монологи “Комил марсияси”

Еру осмон, жим турма,
Унинг куни битяпти,
Жигардан жафо топган
Бир ўғлонинг кетяпти.

Нафс балоси иймондан
Устун келди бу кеча.
Мол излаган молпараст
Молдан баттар бу кеча.

Не топдим юртдан олис
Жигардан, жондан холис.
Хаста сенмас, хаста мен,
Тайёрга бўлган ворис.

Бойлигу мол-давлатга
Бўлган эканман асир,
Қондошдек хазинани
Кўролмаган мен – басир.

Бугун ёруғ дунёни
Қабоҳатга тўлдирдим,
Меросхўрмас, меросни
Ўз кўлимда ўлдирдим.

Еру осмон, жим турма,
Бағрим куйиб кетяпти,
Жигардан жафо топган
Бир ўғлонинг кетяпти.

Бу дунёнинг ишлари
Жуда қизиқ бўларкан,
Овчиси ҳам, ўлжаси
Битта ўқдан ўларкан.

У дунёю бу дунё
Доим бирга бўлгаймиз,
Шўрлик отам ёнига
Бирин-кетин боргаймиз.

Еру осмон, жим турма,
Бағрим куйиб кетяпти.
Жигарининг ортидан
Бадбахт ака кетяпти.

ТАМОМ

Бобур ҲАМРОЕВ



1997 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. “Широқнинг қайтиши”, “Тўмарис”, “Устоз” каби пьесалар муаллифи. Республика ёш ижодкорларининг “Зомин” семинари иштирокчиси. Шеър ва ҳикоялари Республика матбуотида эълон қилинган. Айти пайтда Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти талабаси.

У С Т О З

Бир парда, етти кўринишли драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Қодир домла – 58–60 ёшларда. Ўқитувчи.

Фароғат янга – 55–58 ёшларда. Қодир домланинг хотини.

Абдулла – 16–17 ёшларда. Қодир домланинг ўқувчиси.

Ҳоким – 40–45 ёшларда. Бақувват, келишган киши.

Азамат – 35 ёшларда. Халқ таълими бўлими ходими.

Музаффар – 35–40 ёшларда. Абдулланинг бой амакиси.

Собир – 30–35 ёшларда. Тадбиркор. Қодир домланинг ўқувчиси.

Саҳобиддин – 30–35 ёшларда. Тадбиркор. Қодир домланинг ўқувчиси.

Хайрулла – 30–35 ёшларда. Тадбиркор. Қодир домланинг ўқувчиси.

Зафар – 30–35 ёшларда. Тадбиркор. Қодир домланинг ўқувчиси.

Насиба – 25–30 ёшларда. Қишлоқ шифокори.

Биринчи меҳмон – 45–50 ёшларда.

Иккинчи меҳмон – 40–45 ёшларда.

Саида она – 65–70 ёшларда. Музаффарнинг онаси.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қодир домланинг уйи. Саҳна ўртасида сўри, саҳна четида дарахт. Саҳнага Қодир домланинг ўқувчиси Абдулла устозини чақириб кириб келади.

Абдулла. Устоз... Янга...

Қодир домла. *(Саҳна ортидан овоз эшитилади)* Ҳозир, ҳозир.

Абдулла. Ассалому алайкум, устоз, безовта қилмадимми?

Қодир домла. Кел, келавер, Абдулла. *(Саҳна ортидан қўлини сочиққа артганча чиқиб келиб, қўли билан сўрига ишора қилади.)* Сени кутиб ўтирувдим. Энди бу ёғига яхшилаб тайёрланишимиз керак. *(Иккиси сўрига ўтиришади.)* Сен болани қулоғингдан тортиш керак, кеча онанг йиғлаб келди. Отам бўлганда пул топиб, Лондон олимпиадасига жўнатар эди, дебсан. Аҳмоқ бола, ўзи онангнинг кўнгли ярим бўлса, шуни ўйлама-

дингми? Ундан кўра, сен бола жиддийроқ тайёрлан, пул ҳақида ўйлама. Кеча онангга ҳам айтдим, эртага туман марказига тушиб, бу муаммони ҳал қилиб келаман. Оддий қишлоқ боласи Лондон олимпиадасига йўлланма олса-ю, ёрдам қилишмай-дими, қилишади, албатта, ёрдам қилишади, уқдингми?

А б д у л л а. Ҳа, онам айтди. Раҳмат устоз. *(Бироз жимликдан сўнг)* Кеча берган мисол ва масалаларингизнинг ҳаммасини ечиб келдим. *(Сумкасидан дафтарларни олиб узатади.)* Ечишга ечаяпман-у, ичимдаги ҳаяжонни босишга кучим етмаяпти.

Домла кўзойнагини тақиб, дафтар текшира туриб гапирди.

Қ о д и р д о м л а. Ҳаяжон бўлгани яхши, у одамни масъулиятлироқ қилади. Формулаларни-чи, ёдлай олдингми?

А б д у л л а. Ёдладим, фақат ўттиз еттинчи саҳифадаги формулага тушуна олмаяпман. Кеча мактабда айтганингиз бўйича ишладим, жавоб етти хонали сон чиқиши керак эди. Лекин чиқмаяпти.

Қ о д и р д о м л а. Нега чиқмас экан? *(Дафтарларни бир четга қўйиб, Абдулланинг ёнига келади.)* Қани, ўттиз еттинчи саҳифани оч-чи, бирга кўрамиз. Аввал айтганимдай, саволларни эътибор билан ўқисанг, жавобнинг эллик фоизи савол ичида яширинган бўлади.

Тўсатдан уй ичидан домланинг хотини Фароғат янганинг бақирган овози эшитилади. Устоз-шогирд чўчиб тушишади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Дадаси, тез бу ёққа қаранг, Эргашжоннинг мазаси бўлмаяпти.

Қодир домла ўрнидан туриб, саҳна ортига ўтиб кетади. Саҳна ортидан унинг овози эшитилади.

Қ о д и р д о м л а. Абдулла, тез чоп, қўшни янгангни, Насиба дўхтирни чақириб кел. Эргаш акамни мазаси бўлмаяпти экан, дегин. Тез келсин.

А б д у л л а. Хўп, бўлади.

Абдулла саҳнанинг бошқа томонидан югуриб чиқиб кетади. Қодир домла ичкарига киради. Орадан бироз ўтиб саҳнага Абдулла ва Насиба дўхтир шошиб кириб келишади. Насиба уй ичига кириб кетади. Шу вақт Қодир домла чиқиб, Абдуллани четроққа олиб гапирди.

Қ о д и р д о м л а. Абдуллажон, болам, сен уйингга бориб формула ва масалаларни такрорлаб тур. Эртага ўзим чақиртираман.

А б д у л л а. Хўп бўлади, устоз. Бирор ёрдам керак бўлса, чақиринг. Бир зумда етиб келаман.

Қ о д и р д о м л а. Хўп-хўп, боравер, керак бўлиб қолсанг, чақираман.

Абдулла сўри устидаги дафтар-қаламларини олиб, чиқиб кетади. Ичкаридан Насиба Фароғат янгага гапирганча чиқиб келади.

Н а с и б а. Оғриқ қолдирувчи укол қилиб қўйдим. Бирпасда оғриқ қолиб, ухлаб қолади. Уйғонганида оғриқ бўлмайди, мабодо оғриқ бўлса, чақиртиринг, хўпми?

Ф а р о ғ а т я н г а. Хўп, раҳмат, келин.

Насиба эшик томонга юради. Фароғат билан Қодир домла унинг ортидан эргашишади.

Қ о д и р д о м л а. Келин, ишқилиб, Эргашжоннинг касали жиддий эмасми?

Н а с и б а. Энди, домла, ўзингиздан қолар гап йўқ. Қишлоқ шифохонасининг шароитини мендан яхшироқ тушунасиш. Эргашжонни шаҳарга олиб бориб, мутахассис кўригидан ўтказиш керак. Мен билганим, оғриқ қолдирувчи воситалар ҳеч қачон беморни даволай олмайди. Вақтинчалик тинчлантиради, холос.

Ф а р о ғ а т я н г а. Эртагаёқ олиб борамиз, келин. Ўтирсангиз, чой дамлардим.

Н а с и б а. Майли, опа, овқат бошлаб қўювдим. Ҳали замон укангиз ишдан келиб қолади. Эртага яна келаман. Фақат тиббий кўрикни кечиктирманглар.

Насиба чиқиб кетади. Қодир домла билан Фароғат янга қолишади. Қодир домла хотинини тинчлантиришга уринади.

Қ о д и р д о м л а. Кўп куюнаверма, хотин. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Балки, шамоллагандир. Эртага бирга бориб, тиббий кўриқдан ўтказамиз.

Ф а р о ғ а т я н г а. Илоё, айтганингиз келсин, дадаси. Лекин оддий шамоллашга ўхшамаяпти. Нимагадир кўнглим ғаш. Майли, эртага сиз ишингиздан қолманг. Эргашжонни кўриқка ўзим олиб бораман. Сиз Абдуллажоннинг олимпиадаси масаласини ҳал қилаверинг.

Қ о д и р д о м л а. Тонг отаверсин-чи, кўрамиз. Ишқилиб, Эргашжоннинг касали енгил бўлиб, Абдуллажоннинг Лондонга бориши масаласида ҳам яхши хабар эшитайлик-да. Бу бола математика фанидан ўта иқтидорли. Қирқ йил мактабда дарс

бериб, ҳали бунақасини кўрмаганман. Синаш учун олий математикадан бир-икки мисол бериб кўрдим. Бир лаҳзада ечиб ташлади. Бунақа ноёб иқтидорли болалар жуда кам учрайди. Шунга жонимни жабборга бериб, югуриб юрибман-да.

Ф а р о ғ а т я н г а. Унинг ҳам сиздан бошқа суянадигани йўқ. Бунинг устига, кўнгли ярим. Қўлингиздан келса, ёрдам қилганингиз яхши, дадаси. Савоб бўлади. Майли, энди уйга киринг, овқатингизни олиб кираман.

Фароғат янга ва Қодир домла ичкарига кириб кетишади. Саҳна қоронғулашади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Туман халқ таълими бошқармаси биноси. Бошлиқнинг хонаси эшигига қабул вақти ёзилган. Бошлиқнинг хонаси. Иш столи. Стол устида турли китоблар ва ҳужжатлар. Азамат ниманидир ўқиб ўтирибди. Эшик тақиллаб, Қодир домла кириб келади.

Қ о д и р д о м л а. Мумкинми?

А з а м а т (*Ўрнидан туриб, тавозе билан кутиб олади*). Келинг, домла, ассалому алайкум, келинг.

Қ о д и р д о м л а. Ваалайкум ассалом, бугун бир собиқ ўқувчиларим, туманнинг янги катталарини йўқлай, дедим-да.

А з а м а т. Қадамларингизга ҳасанот, домла. Хуш келибсиз. Ташрифингиздан бошимиз осмонга етди. Биз бошқалар учун катта бўлсак ҳам, сизнинг қошингизда ҳамиша ўқувчимиз, устоз.

Қ о д и р д о м л а. Барибир адабиётчилигингга борасан-да, Азамат. Сени гапларингни эшитсам, худди китоб ўқиётгандай бўламан. Қани, илоҳи омин, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, оллоху акбар. Қандайсан, болам, ишлар билан чарчамаяпсанми?

А з а м а т. Минг шукур, домла, минг шукур. Сиз хафа бўлманг-ку, лекин мактабда адабиёт муаллимамиз Раъно опа бизни адабиётга ошиқ қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам опанинг йўлларида юриб, адабиёт муаллими бўлдик. Лекин тақдир экан, бугун бу ердамиз. Ўзингиз бардамсиз, домла? Бу юришингиздан са-а-ал безовтароқ кўринасиз?

Қ о д и р д о м л а. Яхшиман, Азаматжон, яхшиман. Безовта-лигим ҳам рост. Шу десанг, аввал манови мақтов ёрлиқларини бир кўрсанг. (*Қўлидаги папкани очиб, ичидан бир даста фахрий ёрлиқларни олиб узатади.*) Бу бола менинг ўқувчим. Жуда

иқтидорли йигит, яқинда интернет орқали олий математика мисолларини ечиб, ёшлар орасида Лондонда бўлиб ўтадиган Бутун жаҳон математика олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Ундан умидим катта.

А з а м а т. Хабарим бор, домла, хабарим бор. Ахир, туманимиздан ҳар куни бир ўқувчи Лондонга бормайди-ку. Кеча ҳокимлик соатида ҳам айтдим, ҳоким бува ҳам хурсанд бўлдилар. Қандини урсин шундай йигитлар. Айтинг, домла, биздан нима хизмат.

Қ о д и р д о м л а. Хабаринг бор, Абдуллажон отасиз улғайяпти, оиласи кам таъминланганлар рўйхатида туради. Унинг оилавий аҳволи бориш-келиш харажатларини кўтара олмайди. Маблағ борасида ёрдам сўраб келган жойим эди.

А з а м а т. Энди, домла, биласиз. Биз ўқувчингизга ваколатимиздан келиб чиқиб барча имкониятларни яратиб берамиз. Яъни, бепул тайёрлов курслари, ўзимизда бўладиган олимпиадаларда қатнашиш имкони ва шу кабиларни. Аммо биз бюджетга қараммиз, буни ўзингиз ҳам тушунасиз. Ўзингиз биласиз, Лондон олимпиадасига бориш катта маблағ талаб қилади. Истаган тақдиримизда ҳам, маблағ масаласида ёрдам бера олмаймиз. Лекин сиз сиқилманг, албатта, бу масалани кейинги ҳоким соатида ўртага ташлайман. Маслаҳатлашиб, бир йўлини топамиз.

Қ о д и р д о м л а. Ваколатинг бўлмаса, илож қанча. *(Фахрий ёрлиқларни сумкасига солиб, ўрнидан туради.)* Майли, саломат бўл.

А з а м а т. Домла, шошманг, ҳали иложи йўқ, демадим-ку. Ўйлаб кўрайлик, деяпман.

Қ о д и р д о м л а. Сенда имконият йўқлиги, гапингни индаллосидан маълум. Майли, қўявер, мен кетдим.

А з а м а т. Домла, кейинги сафар ўқувчингизни ҳам бирга олиб келинг. Уни тақдирлаймиз, бошқа мактаблар ўқувчиларига ибрат қилиб кўрсатамиз.

Қ о д и р д о м л а. Тақдирлайсан? Нима билан? Лондонга бора олмагани биланми?

А з а м а т. Домла, сиз мени тушунмаяпсиз, бекорга ранжияпсиз, мен ёрдам бермайман демадим-ку, ахир?

Қодир домла қўл силтаганча хонадан чиқиб кетади. Азамат оғир хўрсиниб қўяди. Саҳнанинг бир томони қоронғулашади. Эшикнинг тақиллаган овози эшитилиши билан саҳнанинг иккинчи томони ёритилади. Саҳна тепасида “Ҳокимият” деган

ёзув осилган. Саҳнада иш столи, стол устида турли ҳужжатлар. Беш-олтита телефон. Ҳоким телефонда ким биландир бақриб гаплашяпти.

Ҳ о к и м. Менга баҳона қилма, қачонгача сенларни деб гап эшитаман. Кўрсатаётган сабабларинг мени қизиқтирмайди, тушундингми? Режадаги ишларни бажар-да, кейин келиб, аризангни ёз. Агар яна бир марта сени деб юқоридан гап эшитсам, тамом. Қамоққа тиқтираман сени. Тушундингми? Тушундингми, деб сўраяпман сендан, галварс. Ҳе ўша сени туққан...

Котиба қиз хонага кириб келади ва қайтиб чиқиб кетишининг иложини топмай, ҳоким гаплашиб бўлишини кутиб туради. Ҳоким жаҳл билан трубкани қўйиб, котибага ўқрайиб қарайди. Шошиб қолган котиба қиз тутилиб-тутилиб гапирлади.

К о т и б а. Сизни бир одам сўраб келди. Ўқитувчингиз экан. Қодир домла десанг, ўзлари танийди, деб айтди. Жуда муҳим гаплари бор экан.

Ҳ о к и м. Мени шу ерда дедингми?

К о т и б а. Ҳа. (Ерга қарайди.)

Ҳ о к и м. Фақат тезроқ чиқинг, ҳоким мажлисга кетиши керак, деб айт. Ҳозир вилоятга кетишим керак, тушундингми?

К о т и б а. Хўп бўлади.

Қодир домла кириб келади.

Қ о д и р д о м л а. Ҳорманг энди, ҳоким бува.

Ҳ о к и м. Ассалому алайкум, домла, қани, келинг, келинг. Соғ-омонмисиз? Янгам бардам-бақувват юрибдими? Бизга нима хизмат?

Қ о д и р д о м л а. Раҳмат, раҳмат, яхшиман. Соғлигим жойида. Кўз тегмасин, янганг ҳам отдай.

Ҳ о к и м. Яхши-яхши. Домла, узр, мақсадга ўтайлик. Ўзингиз биласиз, вилоят раҳбари ўтказадиган мажлисга кеч қолиб бўлмайдими.

Қ о д и р д о м л а. Мана буни кўр. (Сумкасидан фахрий ёрлиқларни чиқаради.) Бу ўзимизнинг қишлоқдош, раҳматлик Ҳабибулланинг ўғлининг ютуқлари. Эсладингми, у сизлардан икки синф паст ўқирди. У ҳам иқтидорли эди. Лекин ҳаётда омади юришмади. Бола-чақага ўралишиб, ўқий олмади. Кейин хорижга ишга кетиб, ўша ёқлардан ўлиги келди. Абдулла – унинг тўнғич ўғли. Ноёб қобилиятли бола. Ёзда Лондонда бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон математика олимпиадасига йўланма олди.

Ҳ о к и м. Эшитдим, домла, эшитдим. Жуда хурсанд бўлдим. Хўш, мenden нима хизмат?

Қ о д и р д о м л а. Шу бола учун ўртага тушиб, бир илтимос қилиб келдим.

Ҳ о к и м. Домла, тезроқ мақсадга ўта қолинг. Кечикаётганимни айтдим-ку сизга.

Қ о д и р д о м л а. Олимпиада бошланишига уч кун қолди. Биз маблағ топа олмадик. Сендан илтимос, шу боланинг олимпиадага бориб-келиш йўлкирасини тўғрилаб берсанг.

Ҳ о к и м. Бу масала бўйича Халқ таълимига бормайсизми, ахир, иқтидорли ёшларнинг халқаро олимпиадаларда қатнашиши учун давлат томонидан маблағ ажратилади-ку?

Қ о д и р д о м л а. Бордим, Орифжон, Халқ таълимига ҳам бордим. Лекин “иложи йўқ” дейишди.

Ҳ о к и м. Нега?

Қ о д и р д о м л а. Айб ўзимиздан ҳам ўтди. Абдуллажон олимпиадага йўлланмани ўз шахсий ташаббуси билан интернет орқали танловда қатнашиб қўлга киритганди. Бундай ҳолатда харажатлар қатнашувчининг ҳисобидан бўлар экан. Шунинг учун сендан ёрдам сўраб келдим.

Ҳ о к и м. Ҳа-а, масаланинг бу томони бор денг. Лекин Лондонга бориб-келиш, у ёқда меҳмонхонада туриш, бунга қанча пул кетишини биласизми, домла? Мен бунча пулни қаердан топаман? Узр, домла, узр. Бу иш қўлимдан келмайди.

Қ о д и р д о м л а. *(Бирдан қизишиб кетиб, овозини қўтариб гапирди)* Нима узр, нима узр, а? Чўнтагингдан бер деяпманми сенга, қонуний пул ажрат, давлат бунга қарши бўлмайди.

Ҳ о к и м. Кам таъминланган бўлса, оиласига пул ажратганмиз. Лекин унга Лондонга бориб ялло қилиб келишига пул ажрата олмайман.

Қ о д и р д о м л а. Ялло қилмайди, олимпиадада қатнашади, деяпман сенга.

Ҳ о к и м. Хўп-хўп, нега қизишаверасиз, домла. Мениям тўғри тушунинг-да. Ўқувчингиз кетишига уч кун қолганда келиб, пул топиб бер деяпсиз. Керак экан, аввалроқ келмайсизми? Маслаҳатлашиб, бир йўлини топмайсизми? Ҳозир сизга шунча пулни қаердан топиб бераман? Нима ёки сиз ҳам айримларга ўхшаб ҳокимнинг сейфида даста-даста долларлар *(Жаҳл билан сейфнинг устига тақ-тақ уради)* ётади, деб ўйлайсизми?

Қ о д и р д о м л а. Шу ўзингмисан, Ориф?!

Ҳ о к и м. Хафа бўлманг, домла. Мен сизга омади гапни айтдим-қўйдим. Энди узр, йиғилишга кечикаяпман.

Қ о д и р д о м л а. Фахрий ёрлиқларни бер бу ёққа. *(Фахрий ёрлиқларни сумкасига сола туриб гапирди)* Унутма, худо сенга ҳар неъмат берса, синов. Тўғриси, сенинг ҳалоллигингни қадрлайман, гуноҳга қўл урмаганингни, ноҳақ бировнинг бурнини қонатмаганингни ҳам яхши биламан. Аммо, Орифжон, савоб қилмаслик ҳам гуноҳ бўлади, болам, гуноҳ бўлади. Нега ундай қарайсан? Савоб ишлар ҳам қилаяпман, демоқчимисан? Дема, чунки бу савоблар сенга тегишли эмас, сен буйруқларни бажараяпсан, холос! Лекин мана шу курсингда ўтириб қанча савоб ишлар қилишинг мумкинлигини биласанми? Биласан, сенда жуда катта имкон бор. Аммо ана шу имкондан фойдаланмайсан. Чунки қўрқасан, хато қилиб қўйишдан чўчийсан. Энди бор, тағин мажлисингга кечикиб юрма.

Қодир домла хонадан чиқиб кетади. Ҳоким бир муддат жойида ўтириб қолади. Маҳзун мусиқа оҳангида саҳна қоронғулашади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Қодир домланинг уйи, эшик тақиллаши билан саҳна ёришади, ичкаридан Фароғат янганинг овози эшитилади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Ҳозир. *(Овоз берганча бориб эшикни очади.)* Ассалому алайкум, дадаси, яхши келдингизми?

Қ о д и р д о м л а. Ваалайкум ассалом, мен яхшиман. Сизлар-чи? Текширув натижалари нима бўлди? Қўнғироқ қилмадинглар, телефон қилишга менинг ҳам вақтим бўлмади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Анализ топшириб келдик. Натижалари маълум бўлиши билан ўзлари хабар беришаркан. Ўзингизнинг рангингизда ранг йўқ. Тинчликми, ишқилиб?

Қ о д и р д о м л а. Тинчлик, хотин, тинчлик. Чарчоқники бўлса керак, аччиққина кўк чой дамласанг, чарчоқ чиқиб кетади.

Фароғат янга чой дамлагани кириб кетади. Шу пайт яна эшик тақиллайди.

Қ о д и р д о м л а. Кираверинг, дарвоза очиқ.

Қўлида сумкаси билан Абдулла кириб келади.

А б д у л л а. Ассалому алайкум, устоз.

Қ о д и р д о м л а. Ваалайкум ассалом, кел, болам, ўтир. Машқларни бажардингми?

А б д у л л а. Ҳа, устоз, юз фоиз бажардим, формулаларни сув қилиб ичиб юбордим. Ҳаммасини ёд олдим.

Қ о д и р д о м л а. Яша, ўғлим, баракалла.

А б д у л л а. Устоз, бугун бир жойларга бораман, дегандингиз. Эрталабдан бери уйингизга уч-тўрт марта келиб кетдим. Боя пешинда пойтахтдан ҳам телефон қилишди. Уч кундан кечикмасдан ҳужжатларни олиб келинглар, деганини зўрға тушундим. Чироқ йўқлигига, телефон яхши эшитилмади.

Қ о д и р д о м л а. *(Гапни бошқа ёққа буради)* Борамиз, албатта, борамиз, болам. Сен мен берган кўшимча машқларни ҳам кўриб чиқишга улгурдингми?

А б д у л л а. Охирги китобдаги масалалар қолди.

Қ о д и р д о м л а. Унда нима қилиб ўтирибсан бу ерда. Уйингга бор-да, топшириқларни охиригача бажар. Вақтимиз жуда кам қолаяпти.

А б д у л л а. Хўп бўлади, домла.

Қ о д и р д о м л а. Китоблар бугундан қолмасин. Эртага энг мураккаб формулаларни кўриб чиқамиз, уқдингми?

А б д у л л а. Хўп бўлади.

Абдулла саҳнадан чиқиб кетади. Фароғат янга чой олиб чиқади.

Қ о д и р д о м л а. Эргашжонни аҳволи қалай, нега уйдан чиқмаяпти?

Ф а р о ғ а т я н г а. Кўз тегмасин, отдек. Шифокорлар ҳам, шамоллаш бўлса керак, дейишяпти. Бугун кўп юрдик, чарчади, шекилли, ухлаб қолди.

Қ о д и р д о м л а. Айтувдим-ку сенга. Сен бўлсанг ваҳима қиласан. *(Қулади. Кейин хотинига эшиттирмай ўзига гапирди.)* Шундай бўлсин-да, ишқилиб.

Ф а р о ғ а т я н г а. Дадаси, чарчаган кўринасиз, ётиб дамингизни ола қолинг.

Қ о д и р д о м л а. Дам бўлса, олармиз. Сен жавон устидаги дафтар-китобларимни олиб келиб бер-да, дамингни олавер. Мен эртага Абдуллажонга баъзи мураккаб формулаларни ечиш йўлларини ўргатишим керак. Вақтимиз жуда оз қолаяпти.

Фароғат янга китоб-дафтарларни олиб чиқиб беради.

Ф а р о ғ а т я н г а. Дадаси, ҳозир дам олинг, эрталаб кўрарсиз шу китоб-дафтарингизни.

Қ о д и р д о м л а. Сен боравер, мен ҳам дарров ётаман. Ҳа, айтганча, бугун жуда чарчаганман, мабодо ухлаб-нетиб қолсам, бомдодга турганингда уйғотарсан.

Ф а р о ғ а т я н г а. Уйғотаман, дадаси, уйғотаман.

Фароғат янга уйга кириб кетади. Қодир домла сўрида ўтириб, китоб-дафтарларни титиб, нималарнидир ёза бошлайди. Фонда наст овозда майин мусиқа ва соатнинг чиқиллаши эшитилиб туради. Чироқ бир неча марта билинар-билинемас ўчиб ёнади. Кейин хўрознинг қичқирғи эшитилади. Саҳнага Фароғат янга чиқиб келади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Вой ўлмасам, дадаси, туни билан ухламадингизми?

Қ о д и р д о м л а. *(Ўчиб тушади ва ёқасига туфлаган киши бўлади).* Ўлма, хотин, ўлма. Лекин мени ҳам ўлдирма, нақ одамнинг юрагини ёриб юбординг-а.

Ф а р о ғ а т я н г а. Сизни ўйлаб, соғлигингизга ачиниб гапираяпман, дадаси.

Қ о д и р д о м л а. Ростдан ҳам менга ачинаётган бўлсанг, бор, аччиққина кўк чой дамлаб кел. Ишимни тугатай, деб қолдим. Кейин кетаман. Борадиган жойларим бор.

Фароғат янга саҳна ортига ўтади. Қодир домла дафтар-китобларини йиғиштириб, ўрнидан туради ва саҳна четидан турган обдастан юз-қўлини ювади. Бу орада Фароғат янга чой дамлаб келиб, хонтахтага қўяди.

Ф а р о ғ а т я н г а. Келинг, дадаси, ўтиринг, чой дамладим. *Қодир домла келиб ўтиради.*

Қ о д и р д о м л а. Қани-қани, *(чойдан хўплайди)* хотин, қўлинг ширин-да, бировлар фалончи ошни сайратади, деб гапиришади. Аммо сен чойни ҳам сайратиб юборасан. *(Иккаласи мириқиб қулишади.)*

Ф а р о ғ а т я н г а. Кеча жуда чарчаганим учун сўрамабман ҳам. Абдуллажоннинг иши ҳал бўлдимми?

Қ о д и р д о м л а. Эй-й хотин, сен сўрама, мен айтмай. Туман марказига бордим. Раҳбарларга учрашдим. Ҳеч бири рози бўлмади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Вой, тавба. Нега рози бўлишмайди?

Қ о д и р д о м л а. Ваколатимизга кирмайди, дейишди. Аслида, ўзлари ҳаракат қилишни хоҳлашмайди, мен сенга айтсам. Юқоридаги раҳбарларга бир энлик хат билан чиқишса-ку, олам гулистон. Вазиятдан хабардор бўлишса, сўзсиз ёрдам

беришади. Булар жойидан қўрқишади. Хато қилишдан қўрқишади, шунинг учун уриниб ҳам кўришмайди. Юқорида қанча катта ишлар бўлаяпти. Давлат раҳбари кечаю кундуз демай, куйиб-пишиб ишлаяпти. Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватланглар, рағбатлантинглар, деяпти. У кишининг даъватлари ҳали бизгача етиб келмаган кўринади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Қанча кетаркан ўзи шу чипта ўлгурга?

Қ о д и р д о м л а. Ўзимча хомчўт қилиб кўрдим, уч минг доллар бўлса, етиб қолар.

Ф а р о ғ а т я н г а. Уч минг долларингиз ўзимизнинг сўмда қанча бўлади, дадаси?

Қ о д и р д о м л а. Кўп бўлади, хотин, кўп бўлади. Тахминан йигирма беш миллионга бориб қолади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Эҳ-ҳе, жуда кўп экан-да. Бўлмаса, Эргашжоннинг тўйига йиғиб юрган пулимиздан бера қолайлик, демоқчи эдим.

Қ о д и р д о м л а. Ўзи, бу уч минг доллар деганинг сен билан менга ўхшаб давлат берган маошга яшаётганлар учун катта пул. Бу пулни пул демайдиган бойваччалар қанча.

Ф а р о ғ а т я н г а. Ана, қанча тадбиркор, бойвачча ўқувчиларингиз бор. Шуларга айтинг, бирортаси ёрдам қилар. Ахир, ўзингиз учун сўрамаяпсиз-ку. Шундай деяпман-у, лекин кўрғур жуда катта пул экан-да, а, дадаси.

Қ о д и р д о м л а. Эй хотин, пул бўлса, топилар. Лекин Абдуллажонда оддий билим кўникмаси эмас, туғма истеъдод бор. Олий математика мисол ва масалаларини ҳам киприк қоқмай ечиб ташлаяпти. Синфдошлари калькуляторга ёзиб бўлгунча, у ўн хонали сонларни хаёлда ҳисоблаб ташлайди. Тунов куни физика устози Шокир билан гаплашувдим. Алламбало ихтиролар қилиб борибди. Абдуллажоннинг синфига дарсга киришга чўчийман, мураккаб саволлар бериб, уялтириб қўяди, дейди. Унинг иқтидорини кўриб, Лондонда олиб қолишлари ҳам мумкин. Шунинг учун жонимни жабборга беряпман-да.

Ф а р о ғ а т я н г а. Муштдайлигидан бечора боланинг кўзини очирмай ўқитасиз. Эсингиздами, куйи синфлигида олдимга келиб, “муаллимга айтинг, тинч қўйсин, кўчага ўйнагани чиқсам ҳам савол бераверади. Жавоб бермасам, жўраларим билан ўйнагани кўймайди” деб йиғлаб келувди. Ўшанда онаси билан роса кулишгандик.

Қ о д и р д о м л а. Эсимда, ўшанда мен ҳам роса кулгандим. *(Қодир домла чойдан бир хўплаб, хаёлга чўмиб қолади. Кейин бир нарса эсига тушиб қолгандек, тўсатдан ўрнидан туриб кетади.)* Хотин, ёдимга келмаганини қара, гаражда машина турибди-ку. Барибир ҳайдамасам... *(Бирпас жим бўлиб қолади. Кейин бошқа оҳангда гапиреди)* Майли, бугун яна бир-икки учрашадиган жойим бор. Улардан ҳам сўраб кўрай-чи? Беришса, яхши. Беришмаса, машинани сотаман.

Ф а р о ғ а т я н г а. Дадаси, ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши. Ахир, бу машинани неча йил йиғиб-териб, қийналиб олувдик. Оғир-енгилимизга яраб турибди. Қолаверса, Эргашжонимизнинг машинага қизиқиши баланд.

Қ о д и р д о м л а. Биламан, онаси, биламан. Ҳеч бўлмаса, сен мени тушун. Ҳозир асосийси Абдуллажоннинг олимпиадага бориши. Балки, машинани сотишга ҳам тўғри келмас. Бугун Собиржон билан учрашаман. Ҳали телефонда гаплашувдим. Эсладингми, у мактабда жуда тўполончи эди. Лекин математикани яхши кўрарди. Ҳозир катта фермер бўлиб кетган, дейишади. Кейин Абдулланинг шаҳардаги тадбиркор амакисига ҳам бир учраб кўрай-чи. Зора, ундан бирон-бир ёруғлик чиқиб қолса...

Ф а р о ғ а т я н г а. Шунча йилдан бери ҳеч бўлмаса элнинг кўзи учун “Қандай ўтирибсизлар?” деб жиянларидан ҳолаҳвол сўрамаган амакиси энди ёрдам берармиди? Бориб овора бўлиб юрманг, сўзингиз синса, яна сиқиласиз.

Қ о д и р д о м л а. Чиқмаган жондан умид-да, хотин. Бир олдидан ўтиб кўрай, берса берар, бермаса... Ана, машина бор-ку.

Ф а р о ғ а т я н г а. Барибир, машинани сотишингизга қаршиман, дадаси.

Қ о д и р д о м л а. Сени ҳам улардан фарқинг қолмаяпти, хотин. Қани, илоҳо омин, тинчлик-хотиржамликни берсин, Эргашжоннинг таҳлил натижалари яхши чиқиб, Абдуллажоннинг ҳам ишлари юришиб кетсин, оллоху акбар.

Қодир домла юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан туриб, папкасини қўлтиқлаганча, саҳнадан чиқиб кетади. Фароғат янга ўрнида ўтирганча ўйланиб қолади. Майин мусиқа садолари остида саҳна аста-секин қоронғулашади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Чойхона. Хонтахта атрофига кўрпачалар тўшалган. Хонтахта усти тўла ноз-неъмат, ичимликлар. Хонтахта атрофида тўрт нафар тадбиркор: Собир, Хайрулла, Саҳобиддин ва Зафар қулишиб, суҳбатлашиб ўтиришипти.

С о б и р. Ошнинг гуручини солишдими, Зафар?

З а ф а р. Ҳа, ҳозиргина солишди. Ҳадемай тайёр бўлиб қолади.

С о б и р. Ҳа, яхши. Айтганча, болалар, бугун эрталаб Қодир домла телефон қилиб, учрашиб олайлик, деб қолса бўладими?

Х а й р у л л а. Бўлади-бўлади. Хўш, учрашдингми? Домла-нинг нима дарди бор экан сенда?

С о б и р. Йўқ, тушдан кейин қаерда бўласан, деб сўровдилар, чойхонани айтдим. Ҳали-замон шу ерга келиб қолсалар керак.

Х а й р у л л а. Зўр одам-да, шу Қодир домла, мактаб пайтимизда ҳаддан зиёд тергайверардилар-у, аммо ўша пайтда ҳам қаттиққўлликлари учун ҳурмат қилар эдим. Ҳалиям математикадан у киши ўргатган мисолларни мактабда ўқийдиган ўғилларимдан тез ечиб ташлайман. Билмадим, айб бугунги домлалардами ёки ўзи болаларимизнинг мияси пучми?

С а ҳ о б и д д и н. *(Зарда билан гапиради).* Хайрулла, фалсафа тўқишни йиғиштир. Чойхонага мияни суюлтиришга эмас, унга дам беришга келганмиз. Собир, сен ҳам шу домлангга эртага учрашайлик, деб қўя қолсанг бўлмасмиди?

С о б и р. Нега ундай дейсан?

С а ҳ о б и д д и н. Эй, елкангдаги бошми ёки бош деб бўш қовоқни кўтариб юрибсанми? Ҳозир сен билан менинг олдимга биров ҳол-аҳвол сўраб келмайди. Бир дунё муаммо кўтариб, ёрдам сўраб келади асабни бузиб.

З а ф а р. Саҳобиддин, худди бундан аввал бировнинг бир-иккита муаммосини ҳал қилиб қўйган одамдек гапирасан-а. *(Йигитлар қаҳ-қаҳуриб, кулиб юборишади.)*

С а ҳ о б и д д и н. Сен нимани билардинг, ғалча. Агар бугун бировининг муаммосини ҳал қилиб берсанг, эртага бутун уруғ-аймоғининг дардларини кўтариб келади бу дардисарлар.

С о б и р. Саҳобиддин, сени ишдан бўшатиб юборишган пайти шу фикрлар менинг хаёлимга келганда, ҳалиям бурнингни оқизиб, иш излаб юармидинг?

Саҳобиддин. Нима, бир пайтлар ишга олганингни энди миннат қилаяпсанми? Айт, қанча берай? Сендан қарзим бўлса, бугун орани очиқ қилиб қўя қолайлик.

Собир. Кўрмаганинг кўргани қурсин, жўра.

Уқўл силтаб, жаҳл билан ўрнидан туриб, чиқиб кетади.

Хайрулла. Саҳобиддинбой, сал пастроқ тушинг. Нима, бугун эрталабдан биров арпангизни хом ўрдими, ҳали унга, ҳали бунга қараб ташланасан?!

Саҳобиддин. Нима, мен сенга итмидимки, тўғри келган одамга ташлансам?

Зафар. Ҳай-ҳай, шайтонга ҳай беринглар, жўралар. Ким айтади бизни қирқ йиллик қадрдонлар, деб. Саҳобиддин, Хайрулла тўғри айтаяпти, са-а-ал ўпкангни босиб ол, жўра.

Саҳобиддин. Бўпти-бўпти. Ўша домлачанг ош сузилгунча келса, келсин, бўлмаса, ана, Собирнинг ўзи чиқиб, ташқарида гаплашиб келсин. Домла ҳозир бу ерга келса, бир нарса сўрамаганда ҳам, ичма-чекма, деб насиҳат қилиб, шусиз ҳам расво бўлиб турган кайфиятимизни бундан баттар қилади. Бўлди, ундан кўра, анови зормандадан қуй.

Зафар. Агар Қодир домла келиб, ҳамма ошни еб қўйса, сенга ўзим қайтатдан ош дамлаб бераман. Фақат бирпас жим ўтир, жўра.

Саҳобиддин. Нега ҳаммаларинг мени кўра олмайсизлар-а? Мен, домла ошимизни еб қўяди, демадим. Насиҳат беравериб, кайфиятимизни бузади, ўйнаб-кулиб ўтирайлик, дедим, жўралар.

Зафар. Саҳоб, жўра, бўлди қил энди, минғирлайвериб миянинг қатиғини чиқариб юбординг.

Шу пайт ташқаридан Собир билан Қодир домла ўзаро суҳбатлашиб кириб келишади.

Собир. Домла, ташқарида гаплашамиз деганингиз нима-си? Кириб, биз билан бирпас ўтиринг, бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзингизнинг ўқувчиларингиз.

Ҳамма домла билан ўрнидан туриб кўришади. Фақат Саҳобиддин ўтирган жойида қўл узатади. Собир ва Хайрулла унга ёвқараш қилади. Зафар бошини сарак-сарак қилиб, ундан норозилигини билдиради. Қодир домла ҳеч нарсани сезмагандай, дуога қўл очади. Дуою фотиҳа қилиб, бирма-бир сўрашишади.

Қодир домла. Ҳаммаларингиз шу ердалигингиз яхши бўлди. Бир илтимос билан катта бошимни кичик қилиб келдим.

Қодир домла сўзини тугатмай туриб Саҳобиддин киноя билан луқма ташлайди.

С а ҳ о б и д д и н. Бизни соғиниб келибсиз деб ўйлабмиз, домла, узр.

Йигитлар Саҳобиддинга ёмон қарашади. Саҳобиддин бироз ноқулай аҳволга тушиб қолади. Ўртага ёқимсиз жимлик тушади.

С о б и р. Гапираверинг, домла, бунга эътибор қилманг. Азалдан ҳазили совуқроқ шу ўқувчингизнинг.

Қ о д и р д о м л а. Ҳа, шунақами? Майли. *(Папкасини очиб, бир даста фахрий ёрлиқларни йигитларга узатади.)* Бу ўзимизнинг Абдулланинг ютуқлари. У Лондонда бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон математика олимпиадасига йўланма олди.

Йигитлар фахрий ёрлиқларни қўлма-қўл қилиб кўришади. Фақат Саҳобиддин уларга қарамайди. Зафар олдига қўйган бир нечта фахрий ёрлиқни намойишкорона кафтининг орқаси билан ўзидан узоқроққа суриб қўяди.

З а ф а р. Домла, биздан нима ёрдам керак?

Қ о д и р д о м л а. Абдулланинг отаси йўқлигини биласизлар. Шунга Лондонга бориб-келиш харажатига ёрдам қилиб юборасизларми, деган ўйда маслаҳатга келувдим. Ҳар ҳолда, ўзимизнинг қишлоқдан чиққан йигит.

Х а й р у л л а. Қанча кетаркан, домла, айтишдими?

Қ о д и р д о м л а. Ҳа, сўраб-суриштирдим, уч минг долларлар атрофида бўларкан.

Орага бироз совуқ жимлик чўмади. Ҳамма ерга қараб ўтирибди. Домла уларга бир-бир қараб чиқади. Йигитлар ундан кўзини олиб қочади. Саҳобиддин аввал улфатларига, кейин домлага бир қур ғолибона қараб олиб, сўз бошлайди.

С а ҳ о б и д д и н. Ҳозиргина нима девдим? А, нима девдим? *(Йигитлар жим.)* Домла, уч минг доллар оғзингизни бир четидан чиқиб кетди-я? Ўзи уч минг доллар қанча пул бўлишини биласизми? Сира шунча пулни кўлингизда ушлаб кўрганмисиз?

Қ о д и р д о м л а. *(Энди у ҳам киноя билан, салмоқлаб гапиради.)* Йўқ. Бунча катта пулни ушлаб кўриш у ёқда турсин, тушимдаям кўрганим йўқ, Саҳобиддинбой! Энди сиз ҳиммат қилиб, савоб учун деб берсангиз, ушлаб кўрармиз-да. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?!

Ўртага яна ноқулай жимлик тушади. Улфатлар Саҳобиддинга ёвқараш қилишади. Энди Саҳобиддин ўзини оқлаш учун бироз бошқачароқ оҳангда гапиради.

С а ҳ о б и д д и н. Гап йўқ, пулим бўлса, савобдан аярмидим, домла. Хабарингиз бор, туман марказида яна битта супермаркет қураяпман. Ҳозир қурилиш маҳсулотларининг нархи ҳаммага маълум. Қолаверса, ана, Абдулланинг бойвачча амакиси бор, ўшандан сўрасангиз бўлмайдими?

Қодир домла Саҳобиддиннинг гапини жавобсиз қолдиради.

З а ф а р. Домла, бунча пул бизга ҳам бироз оғирлик қилади. Шу, Абдуллажон бошқа олимпиадага борса бўлмасмикан?

Қ о д и р д о м л а. Бўлмайди-да, болам, бўлмайди. Агар у шу олимпиадада ғолиб бўлса, дунёнинг энг етакчи олий ўқув юртларида ўқиш имтиёзини қўлга киритади. Келажакда жуда катта иқтисодчи олим бўлиб етишса, сизу менга, юртга фойдаси тегади. Унда худо берган истеъдод бор. Ана шу истеъдод увол бўлмасин деб юрибман, йигитлар. Узр, сизларни ҳам ноқулай аҳволга қўйдим. Майли, мен энди бораё. Собиржон, анави фахрий ёрлиқларни узатиб юбор.

Қодир домла Собирнинг қўлидан фахрий ёрлиқларни олиб, ўрнидан тураётганда Собир яна уни тўхтатмоқчи бўлади.

С о б и р. Домла, ҳозир ош сузилади. Бир чўқим бўлса ҳам насибангизни еб кетинг.

Қ о д и р д о м л а. Раҳмат, Собиржон, ҳали борадиган жойларим бор. Ҳар доим еган ошимиз.

С о б и р. Домла, одам ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Қ о д и р д о м л а. Қизиқ бола экансан-ку, мен илтимосимни айтдим, сизлар аҳволларингизни, бунинг ҳеч ноқулай жойи йўқ. Мен сизлардан хафа эмасман. Суҳбатларингизни бўлиб қўйган бўлсам, мени кечиринглар.

Қодир домла шу гапларни айтиб, саҳнадан чиқиб кета бошлайди. Шу ерда унинг елкаси чўкиб қолгани яққол кўзга ташланади. Йигитлар ҳам ерга қараганча ўтиришибди.

С а ҳ о б и д д и н. Ана, боя нима дегандим сизларга?

С о б и р. Ўчир овозингни. Бунча қарғага ўхшаб қағилламанг...

З а ф а р. Менга қара, Саҳоб, домла ўзига эмас, биров учун сўради.

С а ҳ о б и д д и н. Эй, менга ақл ўргатмаларинг, ўзимам кўриб турибман. Ҳозир бекорга савоб иш қиладиган одам қоптими? Ўзиниям манфаати бор чолнинг.

С о б и р. Жўра, сен уч-тўрт сўм пул топиб, бировни менсимай қўйибсан. Пул одамни ўзгартиради деса, ишонмасдим. Мана, энди кўриб турибман.

С а ҳ о б и д д и н. Ўзингни файласуф қилиб кўрсатишинг шарт эмас. Ўзи ҳаммасига сен айбдорсан, ўтиришним расво қилдинг. (*Ўрнидан туриб кетади.*)

Х а й р у л л а. Йигитлар, бекорга гап талашмасдан, бир ўтиринглар. Балки, ҳаммамиз ташлашсак, ўша пулни йиғиб берармиз.

С о б и р. Менам шу ҳақда ўйлаб турувдим. Ишим ўхшаб қолса, мен минг атайман.

С а ҳ о б и д д и н. Ишинг ўхшамай қолса-чи?

С о б и р. Сен ўзингга жавоб бер.

С а ҳ о б и д д и н. Ундан кўра, беролмайман, деб қўя қол.

З а ф а р. Уни тинч қўй. Ўзинг-чи? Ўзинг қанча қўшасан?

С а ҳ о б и д д и н. Мен эркакман, ростини айтаман, ҳозир шароитим йўқ. Бир сўм ҳам бера олмайман.

Собир ўрнидан туриб, Саҳобиддиннинг ёнига боради.

С о б и р. Сен нима демоқчисан, ўзи? Ким эркак эмас экан?

С а ҳ о б и д д и н. Нима, гапимиз сизга тегиб кетдими, бойвачча? Бир пайтлар раҳматли онамни операция қилдириш учун пул сўраб борганимда қаерда эди шу ақлларинг. Бирортангнинг менга инсофдан дарс беришга ҳақларинг йўқ.

Собир Саҳобиддиннинг ёқасидан олади. Йигитлар туриб уларни ажратишади.

З а ф а р. Ўзи сенлар билан гаплашиб ҳам бўлмай қолибди.

Саҳобиддин жаҳл билан саҳнадан чиқиб кетади. Унинг ортидан Собир, кейин бошқалар чиқишади. Маҳзун мусиқа билан саҳна қоронғулашади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳашаматли уйнинг ички кўриниши. Саҳна ўртасида битта стол, иккита стул турибди. Стол усти ноз-неъматларга тўла. Абдулланинг амакиси Музаффар телефонда гаплашганча саҳнага чиқиб келади.

М у з а ф ф а р. Ҳа, тушундинг-а, энг зўр жойларга олиб бор. Энг қиммат ресторанларда овқатлантир. Келажагимиз шуларга боғлиқ. Оғзидан чиққанини муҳайё қил. Ҳисоб рақамингга ўн минг ўтказиб қўйдим... Кўкидан, галварс.

У телефонда гаплашаётган пайтда эшик тақиллайди. Музаффар телефонда гаплашиб бориб, эшикни очади. Эшикдан Қодир домла кириб келади. Музаффар унга қўли билан "стулга

ўтинг” дегандек ишора қилади ва саҳнанинг бошқа четига бориб суҳбатини давом эттиради.

М у з а ф ф а р. Улар қачонгача Ўзбекистонда бўлишини билмайман. Сени ҳам бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Асосийси, кўнглини ол. Уларни мен меҳмон қилаётганимни алоҳида уқтир. Бир-икки кун ичида ўзим ҳам етиб бораман. Агар пул етмаса, тортинма. Майли, алоқага чиқиб тур.

Телефонини ўчириб, чўнтагига солади ва Қодир домла билан қўшқўллаб кўришади.

М у з а ф ф а р. Ассалому алайкум, домла, келинг, келинг. Биз томонларга қайси шамоллар учирди?

Қ о д и р д о м л а. Ваалайкум ассалом, яхшимисан, Музаффар?

М у з а ф ф а р. Минг шукур, мана, бировдан кам, бировдан зиёд деганларидай, яшаб юрибмиз, домла. *(У домлага гапирга туриб боши билан ҳашаматли иморатига ишора қилиб кўяди.)* Қишлоқдагилар қалай? Янгам яхшими? Эргашжон ҳам катта йигит бўлиб қолгандир?

Қ о д и р д о м л а. Яхши юришибди, ҳаммалари сенга салом, деб юборишди.

М у з а ф ф а р. Саломат бўлишсин, қани-қани, ўтиринг.

Иккаласи ҳам ўтиришади.

Қ о д и р д о м л а. Қани, илоҳо омин, тинчлик-хотиржамликни берсин, шу хонадонда катта-катта тўйлар бўлсин, Оллоҳу акбар.

М у з а ф ф а р. Айтганингиз келсин. Элликта-элликта айтирайми, бир отамлашамиз, домла?

Қ о д и р д о м л а. Бирон марта ичганимни эшитган ё кўрган жойинг борми?

М у з а ф ф а р. Бу бир ҳазил-да домла, биздан нима хизмат?

Қ о д и р д о м л а. Мана буларни кўр. *(Папкасидан фахрий ёрлиқларни олиб узатади.)* Булар жиянингнинг ютуқлари.

М у з а ф ф а р. *(Фахрий ёрлиқларни нописанд кўра туриб, гапирди.)* Бу бола раҳматлик акамга ҳам, менга ҳам тортмади. Умри китоб титиб ўтиб кетади, шекилли.

Қ о д и р д о м л а. Ундай деманг, Музаффарбой, бу жиянингни ўта истеъдодли. Сизга бир хушхабар олиб келдим.

М у з а ф ф а р. Лондонга бориши ҳақида бўлса, хабарим бор. Кечадан олдин янгам келиб кетганди.

Қ о д и р д о м л а. Шунақами? Унда ҳаммаси аниқ экан. Шу жиянингни би-и-и-ир қўллаб юборсангиз, деб келгандим.

М у з а ф ф а р. Домла, янгамдан ҳаммасини эшитдим. Бу ерда гап икки юз, уч юз минг сўм ҳақида кетмаяпти. Уч минг доллар ҳақида гап бораяпти-я, уч минг доллар!

Қ о д и р д о м л а. Биламан, Музаффарбой, биламан. Лекин шу болани қўлласангиз, ҳам савоб бўлади, ҳам акангизнинг руҳи шод бўлади.

М у з а ф ф а р. Бултур қишлоқдаги масжидни таъмирлатиб берувдим, ҳозирча шунинг савоби етиб турар, домла. Тадбиркор дегани пулдан пул қиладиган одам, борини йўқ қиладиган эмас.

Қ о д и р д о м л а. Ахир, Абдуллажон ўта иқтидорли...

М у з а ф ф а р. Иқтидорли бўлса, нима қипти? Шунақа иқтидорли экан, Лондонда пишириб қўйибдими унга? Ана, ўқийман деса, контрактини тўлай олса, ўзимизда ҳам ўқиш тиқилиб ётибди. Ўзимизнинг диплом ҳам тешиб чиқмайди.

Қ о д и р д о м л а. Боланинг кўнгли синиб қолиши мумкин. Ахир, у акангнинг ўғли, жигаринг...

М у з а ф ф а р. Домла, мен аллақачон мактабни тугатиб, шаҳодатномамни олганман. Менга дарс берманг. Ўзингиз биласиз, менда жигардан кўпи йўқ. Бунинг устига хотиним ҳам серуруғ. Агар уларнинг ҳаммасига кўнгилчанлик қилаверсам, уйимни қайдан топаман. Ҳаётга жиддийроқ қаранг. Ундан кўра Абдуллага ўзингизга ўхшаб кетмон чопишни, пахса уришни, сувоқ қилишни ўргатинг, ҳарна онасининг қанотига киради. Ўтган гал борганда кўрдим, отам қурган уй тўкилиб, адо бўлибди. Хунар ўрганса, уйни у ёқ-бу ёғини ямаб-ясқаб, одам яшаса бўладиган қилармиди, дейман-да.

Қ о д и р д о м л а. *(Жаҳли чиқиб, баланд овозда гапирди)* У кетмон чопмайди. Сенга ўхшаб олибсотарлик қилиб, бировнинг ўчоғида исинмайди. Мен Лондонга боради дедимми, боради.

Улар суҳбатлашаётганда саҳнага ҳасса таянганча Музаффарнинг онаси Саида она чиқиб келади.

С а и д а о н а. Асабийлашманг, Қодир муаллим, соғлигингизга зарари бор. Сиз билан менинг ёшимда асабийлашиш кони зарар. *(Қодир муаллим ўғирилиб Саида онага қарайди. Саида бир қўлида ҳассага таяниб, иккинчи қўлини кўксига қўйганча домлага салом беради.)* Ассалому алайкум, муаллим, хуш келибсиз.

Қ о д и р д о м л а. Ваалайкум ассалом, Саида опа, суҳбатимизни эшитган чиқарсиз, ўғлингизга тушунтиринг, зора гапингизни олса.

С а и д а о н а. Эшитдим, муаллим, эшитдим. Лекин мен ҳам Музаффар томондаман. Бунни кеча Абдулланинг онасига ҳам айтганман. Келин жонивор яна уялмасдан сизни элчи қилиб юбордими?

Қ о д и р д о м л а. Бу нима деганингиз, Саида опа? Биринчидан, мени келин юборгани йўқ. Уни бу ерга келганини ҳозиргина Музаффардан эшитдим. Иккинчидан, Абдулланинг Лондонга боришига сиз нега қаршисиз?

С а и д а о н а. Муаллим, ҳаммасидан хабарингиз бор. Нима қиласиз эски яраларимни тирнаб? Агар ўша ойимча раҳматли Ҳабибуллоимни бошини айлантириб, тегиб олмагандайди, болам ҳозир тирик бўларди.

Қ о д и р д о м л а. Гап бу ёқда денг, ахир, орадан қанча йиллар ўтиб кетди, Саида опа. Мен бу ерда Музаффардан ранжиб ўтирибман, нега акасининг оиласига қарашмайди, деб.

С а и д а о н а. Биласиз, бошидаёқ уларнинг никоҳига қарши эдим.

М у з а ф ф а р. Қўйсангиз-чи, она...

С а и д а о н а. Нима она, а, нима она? Ўша гўрсўхта келинни кўрсам, ўғлимнинг қотилини кўргандек бўлавераман, ярам янгиладанаверади. Аввал “Онанг билан турмайман” деди, кейин “Бошқа ҳовли оламиз” деди, одамлар тўрт кун хорижда ишлаб, даста-даста доллар топиб келяпти, деди. Хуллас, у деди-бу деди, болажонимни ҳоли-жонига қўймай, хорижга жўнатди. Ана, икки ўртада мен тўнғичимдан, ўзи эридан, болалари отасидан ажраб, қон қақшаб ўтирибмиз...

Саида она сўзини тугата олмай, рўмолини юзига тутганча йиғлаб юборади.

Қ о д и р д о м л а. Опа, шу келин ҳам Ҳабибуллани ўлиб келади, деб ўйламагандир. Сиз ҳам уни тушунишга ҳаракат қилиб кўринг.

С а и д а о н а. Йўқ. Мен уни ҳеч қачон тушунмайман. Тушунишга ҳаракат ҳам қилмайман. У мен учун икки дунё бир келганда ҳам ўғлимнинг қотили!

Қ о д и р д о м л а. Лекин унинг фарзанди сизнинг набирангиз, ўғлингиздан ёдгор эмасми? *(Кейин Музаффарга қараб, қўлини бигиз қилади.)* Сени тус жиянинг эмасми, бойвачча?!

М у з а ф ф а р. Домла...

С а и д а о н а. Муаллим, қўйинг энди, бизни ҳам, ўзингизни ҳам ноқулай аҳволга солманг...

Қ о д и р д о м л а. Ноқулай аҳволга солманг, деганингиз нимаси? Мен сизлардан садақа сўрамаяпман. Ҳабибулланинг олдидаги бурчларингни эслатаяпман, холос. Қолаверса, худо куч-қувват бериб турса, ўзимниям қўлимдан келади. Абдуллажонни, албатта, жўнатаман, ўша лаънати олимпиадага.

Саида она саҳна четида турган стулга бориб бошини хам қилиб ўтиради.

М у з а ф ф а р. Қизишманг, домла, қизишманг. Ҳозир уч минг доллар пулни ҳеч ким бекорга бермайди сизга. Демак, жўната олмайсиз. Шундай экан, болани ҳам тинч қўйинг. Ўзингиз ҳам овора бўлманг.

Қ о д и р д о м л а. Жўнатаман, дедимми, бир мартага жўнатаман. Керак бўлса, машинамни сотаман.

М у з а ф ф а р. Машинангизни, қачон машина олган эдингиз? Қанчага сотасиз?

Қ о д и р д о м л а. Ўтган йили, Эргашжон ўқишни битирса минар, деган ниятда олиб қўйган эдим.

М у з а ф ф а р. Янгими?

Қ о д и р д о м л а. Нима, сен ўғлингга эски нарса олиб қўясанми?

М у з а ф ф а р. Маркаси қанақа, домла?

Қ о д и р д о м л а. Қишлоққа “Матиз”дан қулайи йўқ.

М у з а ф ф а р. Шуни Абдулланинг Лондонга бориши учун сотасизми?

Қ о д и р д о м л а. Сотаман!

М у з а ф ф а р. Қанчага?

Қ о д и р д о м л а. Баҳосини бозор чиқаради.

М у з а ф ф а р. Раз сотадиган бўлсангиз, менга сотинг. Бераман ўша уч минг долларни.

Қ о д и р д о м л а. Шунчалар ҳам пасткашмисан?..

М у з а ф ф а р. Ҳақорат қилманг, домла. Мен сизни, жиянимни ўйлаб, савоб учун оламан, деяпман ўша машинани. Бўлмаса “Матиз”ни бошимга ураманми? Ана, дарвозахонада кўрмадингизми, ёғи артилмаган иккита “Каптив” турибди. Мен айтган нарх ёқмаса, ана, якшанба кунни бозорга олиб чиқинг. Бугун сешанбами, демак, сиз машинангизни сотаман деганингизча, олимпиадага кетадиганлар кетиб бўлади.

Қ о д и р д о м л а. Заррача инсоф қолмабди сен болада. Ўлай агар, биров шу гапни айтса, ишонмасдим. Абдуллага мен кимман-у, сен кимсан. Раҳматли аканг бўлмаганда ҳалиям юрган бўлардинг такасалтанг жўраларинг билан қарта ўйнаб.

Музаффар. Домла, қўйинг энди шу эски гапларни...

Қодир домла. *(Бирпас ўйланиб туриб, сўнг сўзлайди).*
Бўпти, розиман, бер пулни.

Музаффар. Гап йўқ. Аввал нотариусга борамиз, сиз машина ва унинг хужжатларини олиб келинг, пулни ўша ерда оласиз.

Қодир домла. Яхши. Нотариус идорасида учрашамиз.

Қодир домла стол устида сочилиб ётган фахрий ёрлиқларни йиғиштириб, папкасига солади ва ўрнидан туриб чиқиб кетади. Ортидан Музаффар чиқади. Саида она ҳам ўрнидан туриб, ерга қараганча саҳнадан чиқа бошлайди. Саҳна четига етганда томошабинларга қайрилиб қарайди. Ва уларга яқин келиб бир муддат залга тикилиб туради, сўнг залга қараб, титроқ оҳангда гапирди.

Саида она. Нега менга ундай қараяпсиз? Нафратлана-япсизми? Ғазабингизни тўкиб сочгингиз келаяптими?.. Менга бундай қараманг, илтимос. Кимнинг набира суйгиси келмайди, ким ўз жигари, кўзининг оқу қорасини ёнида бўлгиси келмайди? Мен ҳам Абдуллажонимни жонимдан ортиқ суяман, уни бағримга босиб, эркалатгим келади. Аммо раҳматли ўғлим, ўша отинг ўчгур хориждан туриб сўнгги марта қўнғироқлашганида: “Она, жуда қаттиқ оғриб қолдим, агар ўлиб-не-тиб қолсам, ҳовли-жойни хотиним ва боламдан олиб қўйманг, улар кўчада қолишмасин”, – деганди. Эшитаяпсизми, болам: “Она, мендан рози бўлинг”, деб эмас, уйни хотинимга беринг, деб розилашганди мен билан. Шундан бери ўзим келин бўлиб тушган, умримнинг асосий қисми ўтган ҳовлига қадам босмадим. Тўнғичимнинг тилаги ижобат бўлсин, дедим. Лекин кутдим. Ойлар, йиллар давомида кўзим эшиқда бўлди. Йиллар мобайнида келиним мени бир марта ҳам йўқлаб келмади. Абдуллажонимни ҳам юбормади. Ўтган йиллар давомида на мен, на келин ғурур отидан тушмадик.

Кейин ҳам кўп ўйладим. Балки, буларнинг бариси Оллоҳим томонидан менга берилаётган синовдир дедим ўзимга-ўзим. Лекин ҳар қандай синовнинг ҳам ниҳояси бор. Менинг азобларим эса кундан-кунга, йилдан-йилга ортгандан ортиб бораверди. Жуда тез қаридим, мункайиб қолдим. Ўтган йиллар давомида ичимда олов ёнди. Дўзахнинг оловидек даҳшатли олов! Шунда тушуниб етдимки, бу – жазо! Жазо бўлганда ҳам, шундай жазоки, ичкучёв ўғлининг уйида сиғинди бўлиб, кели-

нининг хизматини қилиб, қачон худо жонимни оларкин деб, кутиб яшаш жазоси...

Мен нима қилдим?! Қаерда хатога йўл қўйдим?! Яратганим нега менга бу дунёда бу қадар оғир жазони раво кўрди?! Билмайман?! Энди била олмасам ҳам керак?! Билганим шуки, ҳеч кимсанинг пешонасига меникидек аччиқ қисмат ёзилмасин!..

Илтимос, Музаффаримни айбламанглар. Мен сабаб у ҳам акасининг хотини ва фарзандига нафрат билан қарашга ўрганди. Пулпараст оилага ёлғиз ичқуёв бўлиб, ўзи ҳам пулпараст кимсага айланиб қолди!..

Саида она ортига ўгирилиб, саҳнадан чиқиб кетади. Маҳзун мусиқа янграб, саҳна қоронгулашади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Қодир домланинг уйи. Қодир домла сўрида ўтирибди. Олдида оппоқ тугунча. Абдулла кириб келади.

Қ о д и р д о м л а. Қани, тайёрмисан, кийимларингни ҳам олиб келдингми?

А б д у л л а. Ҳа, дарвозанинг олдига қўйдим. Устоз, қувонганимдан ўзимга сиғмай кетаяпман. Ҳеч рақс тушмаганман-у, ҳозир худди Митхун Чакрабортидай ўйнагим келиб кетаяпти. Тўғриси, пул топишимизга ишонмагандим. Бу яхшиликларингизни икки дунё бир бўлса ҳам, қайтаролмасам керак.

Қ о д и р д о м л а. Бунақа китобий гапларни қаердан оласан-а? Қачон сўзимнинг устидан чиқмовдим. Хуллас, бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Сенинг вазифанг, Лондон олимпиадасида ғолиб бўлиб, олтин медаль олиш. Тамом-вассалом. Ҳа, айтганча, ғолиб бўлганингдан кейин мухбирлар сендан интервью олишади. Ўшанда мактабимиз ҳақида алоҳида гапир. Менгаям Лондондан туриб салом йўлла, уқдингми. Телевизорда кўриб, янганг билан Эргаш акангга би-и-ир мақтанай.

А б д у л л а. Хўп.

Қ о д и р д о м л а. Янганг билан аканг шифохонадан келсин, Эргашжоннинг анализлари натижасини билайлик, кейин йўлга чиқамиз. Сен уйингда бўлиб тура қол, ҳали ўзим чақиртираман.

А б д у л л а. Хўп бўлади, устоз, уйда кутиб ўтираман.

Қ о д и р д о м л а. Тўхта, менга ташкилотчиларнинг телефон рақамини бериб кет. Манзилларини, қандай ҳужжатлар

олиб бориш кераклигини ўзим ҳам бир сўраб олай. (*Чўнтагидан телефонни олиб, узатади.*) Сен онангдан оқ фотиҳа ол, дуо қилиб турсин. Ғолиб бўлиб қайтсанг, қўй сўйиб, қишлоққа байрам қилиб берамиз. (*Абдулла Қодир домланинг телефонига рақам ёзиб, қайтариб узатади.*)

А б д у л л а. Кеча шу рақамдан телефон қилишганди.

Қ о д и р д о м л а. Бўпти, сен боравер. Ўзим чақираман.

Абдулла саҳнадан чиқиб кетади. Қодир домла рақам теради. Бирпас телефоннинг чақирган овози эшитилиб туриб, гўшакдан қиз боланинг овози эшитилади.

Қ о д и р д о м л а. Алло. Ассалому алайкум, адашмадимми, менга Лондон олимпиадаси ташкилотчилари керак эди.

Қ и з б о л а н и н г о в о з и. Тўғри тушдингиз, қандай ёрдам керак?

Қ о д и р д о м л а. Ҳалиги, ҳалиги, мен Усмонов Абдулланинг ўқитувчиси бўламан.

Қ и з б о л а н и н г о в о з и. Эшитаман. Хизмат.

Қ о д и р д о м л а. Бугун йўлга чиқаётган эдик. Шунга қандай хужжатлар керак, ўзимиз билан қанча пул олайлик, шуни яна бир марта аниқлаштириб олай, дегандим?

Қ и з б о л а н и н г о в о з и. Тўғри кўрсатилган манзилга келаверасизлар. Кеча Усмоновнинг ўзи билан гаплашганимизда янги нархлар ҳақида айтган эдик. Сизга айтдим?

Қ о д и р д о м л а. Нима... Нарх... Нега янги бўлади?

Қ и з б о л а н и н г о в о з и. Бошида англашилмовчилик бўлиб, сизларга чипта ва меҳмонхонанинг ўтган йилги нархи бўйича маълумот беришган экан. Хато бизлардан ўтган. Бу учун узр сўраймиз. Бошқа иштирокчиларга ҳам хабар бердик.

Қ о д и р д о м л а. (*Паст ва бўғиқ овозда*) Ҳа, кеча телефон яхши эшитилмади, деганди. Тушунмаган бўлса керак. Янги нархлар қанча экан, қизим?

Қ и з б о л а н и н г о в о з и. Домла, йўлкирани алоҳида айтайми ёки умумий харажатларни?

Қ о д и р д о м л а. Ҳаммасини биратўла айтиб қўя қолинг, қизим.

Қ и з б о л а н и н г о в о з и. Умумий ҳисобда беш минг етти юз доллар бўлади.

Қ о д и р д о м л а. Соғ бўлинг...

Қодир домла телефонни ўчиради. Саҳна ғира-шира ёритилади. Ёруғлик фақат Қодир домланинг юзига тушиб туради.

Қ о д и р д о м л а. Энди Абдуллага нима дейман? Унинг кўзига қандай қарайман? Эй худо, нега шунча овора қилдинг?! Қарз сўраб, сарғайган одамларим устимдан кулмайдимми?!

Шу пайт эшик тақиллайди. Саҳна ёришади.

Қ о д и р д о м л а. *(Паст ва ҳорғин овозда гапиради)* Эшик очик, келаверинг.

Саҳнага Азамат билан Собир кириб келади. Қодир домла билан саломлашишади.

А з а м а т. Домла, ўша қуни сизга ёрдам бера олмаганим учун жуда хижолат бўлдим. Ўзингиз ҳам гапимни охиригача эшитмай кетиб қолдингиз. Ўша кундан бери ҳомий қидираман. Собиржонга қўнғироқ қилсам, бу киши ҳам сиздан хижолат бўлганини айтиб қолди. Дарров хат-хужжатларни расмийлаштириб, олдингизга бошлаб келавердим. Буни туман халқ таълими бўлими томонидан, қолаверса, Собиржоннинг фермер хўжалиги номидан ҳомийлик ёрдами, деб қабул қиласиз. *(Азамат Қодир домлага конверт узатади.)* Ичида сиз қидирган маблағ, роппа-роса уч минг доллар бор.

Қодир домла ўрnidан туриб, Азамат ва Собирни қучоқлайди.

Қ о д и р д о м л а. Азаматжон, Собиржон, сизларга мингдан-минг раҳмат. Яна озроқ кечикканларингда мендан айрилиб қолармидинглар. *(Ўзининг гапи ўзига наша қилиб, қулиб юборади.)* Бугун бир нафси ўпқонга машинамни уч минг долларга сотиб, пулни тайёрлаб ўтирувдим. Ҳозиргина ташкилотчиларга қўнғироқ қилсам, нарх-наво янгиланди, деб қолишди. Сўрасам, беш минг етти юз доллар олиб келинг, дейишди. Шунга ҳафсалам пир бўлиб, худога нола қилиб ўтирувдим.

С о б и р. Машинани ярим пулига сотибсиз-ку?

Қ о д и р д о м л а. Истасангиз шу, ёқмаса, бозорга олиб чиқиб, уч-тўрт кун кутасиз, деб туриб олгандан кейин нияям қилардим.

С о б и р. Ким экан у виждонсиз? Манзилини берсангиз, пулини бериб, машинангизни қайтариб олиб келаман.

Қ о д и р д о м л а. Нега энди олиб келаркансан? Одамнинг ҳайвондан фарқи нимада эканини биласанми, ўзи?! Билмасанг, билиб қўй, одам ҳайвондан лафзи билан фарқланади, Собиржон. У мени мажбур қилгани йўқ. Пул керак эди, сотдим. Энди бу масалага қайтмаймиз.

А з а м а т. Ихтиёрингиз, домла, унда бизга рухсат. Ишлар қўп. Абдуллажонга омад тилаб қўйинг, кутиб олгани, албатта, чиқамиз. Ўзингиз ҳам бир ошга қарздор бўлдингиз.

Қ о д и р д о м л а. Бир эмас, минг марта ош қилиб бераман. Ўзи сал олдин Абдуллажонга айтувдим, ғолиб бўлиб қайтсанг, элга қўй сўйиб, ош берамиз, деб. Бирпас ўтирсанглар, ҳозир ҳам ошга уннаб юборавераман.

С о б и р. Домла, укамиз Лондондан ғолиб бўлиб келган куни ошни, мана, биз бўйнимизга оламиз. Аэропортда битта кўчқор, қишлоқ гузарида битта кўчқор, мактабда битта кўчқорни думалатмаган, номард!

А з а м а т. Бўлди-бўлди, домла, бизга энди рухсат беринг. Индамасам, Собиржон Лондонга бориб ҳам қўй сўяман, деб юборади ҳозир.

С о б и р. Лондон нима бўпти? Худога шукур, қўрамда қўй-кўзим бор. Хоҳлаган жойимга бориб сўявераман.

А з а м а т. Бўлди, Собиржон, бўлди, биз ютқиздик. Домла, қани энди дуо беринг, ҳазил-ҳазил билан кўп ўтириб қолдик. У ёқда ишни ўзингиз биласиз...

Қ о д и р д о м л а. Илоҳи омин, сизлардан худо рози бўлсин, топганларингнинг баракасини берсин, юртимизда сизлардай диёнатли одамлар кўпайсин, оллоҳу акбар.

Собир билан Азамат Қодир домла билан хайрлашиб чиқиб кетишади. Қодир домла сўрида ўзи билан ўзи суҳбатлашиб ўтирибди.

Қ о д и р д о м л а. Эй худойим, яхшиям, дўст-душманнинг олдида шарманда қилмадинг. Мен бўлсам сендан нолиб ўтирибман. Гуноҳкор бандангни ўзинг кечир, яратган эгам!

Кутилмаганда саҳнага Фароғат янга изиллаб йиғлаганча кириб келади.

Қ о д и р д о м л а. Фароғат, ҳой хотин, кўрқитма мени. Ўзи шу туришда ҳам бугун икки марта юрагим ёмон бўлди. Нега йиғлайсан, Эргашжон қани, бундай ўпкангни босиб олиб, гапирсанг-чи?

Ф а р о ғ а т я н г а. Олиб қолишди, зудлик билан жигарини операция қилиш керак экан.

Қ о д и р д о м л а. Нега операция қилади? Ахир, эрталаб ўз оёғи билан юриб чиқиб кетган эди-ку? Бунча ваҳимани қардан кўтариб келдинг, операциясиз даволаса бўлмасмикан?

Ф а р о ғ а т я н г а. Аввалги ҳафта топшириб келган анализлар натижаси жуда ёмон чиқипти. Қанча тез операция қилинса, соғайиб кетиш имкони шунча кўпроқ бўлар экан.

Қ о д и р д о м л а. *(Юрагини чангаллаб ўтириб қолади.)* Шундай дегин...

Ф а р о ғ а т я н г а. Тезроқ ҳаракат қилинг, дадаси. Операцияга жуда катта пул кетади, дейишяпти. Энди пул топиш керак, дадаси, пул!

Қ о д и р д о м л а. Топамиз, хотин, топамиз. Ўзингни бос, бориб сув-пув ичиб ол.

Фароғат янга саҳна четидаги дарахтга илинган челақдан сув олиб ичади.

Ф а р о ғ а т я н г а. Операция учун катта пул керак экан. Машинани сотдингизми?

Қ о д и р д о м л а. Ҳа, сотдим, хотин, сотдим.

Ф а р о ғ а т я н г а. Пули қанча бўлди? Тезроқ шифохонага боришимиз керак.

Қ о д и р д о м л а. Уч минг долларга сотдим.

Ф а р о ғ а т я н г а. Нима? Янги машинани ярим пулига сотдингизми? Кимга? Эй худо, одам ҳам шунчалик содда бўладими?

Қ о д и р д о м л а. Абдуллажонни бориб-келишига етса бўлди деб, сўраганига бериб юбораверибман.

Ф а р о ғ а т я н г а. *(Бақриб юборади)* Ўғлингиз оғир аҳволда ётипти, тушуняпсизми? Фарзандингизнинг ҳаёти қил устида?! Шу пайтда қандай қилиб хаёлингизга Абдуллажон сиғаяпти? У ҳали ёш бўлса, бунинг устига соппа-соғ. Бу уйдаги шароитни унга ўзим тушунтираман. Йўқ, демайди. Сиз бор пулни олинг-да, шифохонага боринг!

Қ о д и р д о м л а. Эргашжон фақат сени боланг эмас-ку?

Ф а р о ғ а т я н г а. Агар боламга бир гап бўлса, сизни ҳам, ўша етимчани ҳам бир умр қарғаб ўтаман!

Қ о д и р д о м л а. Ҳой эси паст хотин, нималар деб алжира-япсан. Бор, уйга кир. Бир иложини топамиз. Яратганнинг ўзи бир йўлини кўрсатади.

Фароғат янга уйга кириб кетади. Саҳна нимқоронғу ҳолатга келади. Ваҳимали куй янграйди. Қодир домла у ёқдан-бу ёққа тез-тез юради. Унинг ҳаракатларидан асабийлашаётгани яққол сезилиб туради. Сўнг хонтахта устидаги икки тахлам пулни қўлига олиб, бирпас томошабинларга қараб туради ва бироздан сўнг ўз-ўзига гапирди.

Қ о д и р д о м л а. Мени кечир, болам, кечир...

Шу гапни айтиб, бир-бир босганча саҳнадан чиқиб кетади. Ваҳимали мусиқа баландлашади. Саҳна буткул қоронғулашади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна секин-аста ёришади. Саҳна ортида карнай-сурнай, қувноқ куй-қўшиқ садолари эшитилиб турибди. Саҳнада Ҳоким, Азамат ва биз чойхонада кўрган тадбиркор йигитлар. Саҳна тепа-сида “Аэропорт” ёзув ўчиб-ёниб турибди. Ҳоким одамлар орасидан ажралиб чиқиб, томошабинларга яқин келиб гапиради.

Ҳ о к и м. Бизнинг туманимиздан, янаям аниқроғи, шахсан менинг ҳамқишлоғим Абдулла Усмонов Лондон шахрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон ёш математиклари олимпиадасида ғолиб бўлди. Бу Қодир домланинг ютуғи! Бундай дейишимнинг сабаби, домла Абдуллажонни ўзи тарбиялаб, ўзи Лондонга жўнатиб, касбга фидойилик қандай бўлишини, одамийлик бурчи нима эканлигини бизга яна бир марта кўрсатиб қўйдилар. Бугунги байрам Қодир домланинг шу саъй-ҳаракатларининг меваси!

Ҳоким яна кутиб олувчилар орасига аралашиб кетади. Энди оломон орасидан Саҳобиддин ажралиб чиқади. У ҳам саҳна четига келиб, томошабинларга юзланиб гапиради.

С а ҳ о б и д д и н. Абдуллани Лондонга жўнатиш масаласи кўтарилганда, шахсан ўзим ташаббускор бўлганман. Ўшандаёқ бу боланинг истеъдодига қойил қолганман. Шунинг учун қўлимдан келганча уни қўллаб-қувватладим. У барчамизнинг ишончимизни оқлади. Юзимизни ёруғ қилди. Яшавор, ота ўғил!

Саҳобиддин ҳам ортга ўгирилиб, одамлар орасига сингиб кетади. Қўтилмаганда саҳнада Музаффар пайдо бўлади.

М у з а ф ф а р. Булар айтаётган Абдулла Усмонов аслида каминанинг жияни бўлади. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ одамларнинг бу ерга келиб олиб қариллашини қаранг. “Абдуллани мен назорат қилганман. Абдуллани мен қўллаб-қувватлаганман” деб. Ҳаммаси бекорларнинг бештасини айтибди. Мана, мен уни раҳматли акамнинг ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилиб, қўллаб-қувватладим. Қизиқиши борлигини билиб, математика фанидан репетиторга бердим. Репетиторга ойма-ой жарақ-жарақ пул тўлаб турдим. Ўқиса, одам бўлса, келажаги порлоқ бўлади, дедим-да. Жиянимнинг зеҳни ўткир, менга тортган-да. Мана, халқаро олимпиадада ғолиб бўлиб, барча қилган харажатларимни оқлади. Амаки-жиян бир бўлиб, акамнинг ҳам руҳини шод қилдик-да, а, лаббай.

Шу пайт самолётнинг пастлаётган товуши эшитилади.

Одамлар орасидан “Ана-ана, келишди, карнай-сурнайни баландроқ чалинлар” деган овозлар эшитилади. Орадан бироз ўтиб, саҳнага жомадон судраган Абдулла чиқиб келади. Ҳамма бирин-кетин уни кучоқлаб табриклайди. Кимлардир уни тепага ирғитади. Саҳна ўртасида турган Собир саҳна ортига қараб бақириб гапиради.

С о б и р. Турсун ака, кўчқорни думалатинг!

Ҳ о к и м. Абдуллажон, яшавор, болам, ишончимизни оқладинг. Бутун туманга ўзим тўй бераман. Ҳамма тенгдошларинг сендан ўрناق олишсин.

М у з а ф ф а р. Абдуллажоннинг амакиси бор, ҳоким бува. Сиз бизга қаерда, қанча одамга ош бериш кераклигини айтинг, бу ёғи биз тан.

С о б и р. Ҳоким бува, сўзингизни икки қилганим учун узр-у, аммо, лекин Абдуллажон Лондонга кетишидан бир кун аввал, ғолиб бўлиб қайтса, албатта, қўй сўйиб, элга ош бераман, деб лафз қилиб қўйганман. Бизда гап битта бўлади. Ким нима қилса, майли, фақат мендан кейин навбатга ёзилсин.

Музаффар энди Собирга бўйнини чўзиб келади.

М у з а ф ф а р. Нима-нима, сен нима деяпсан, ҳой Собир. Пулинг кўпайиб қолдими? Бор-бор, тошингни тер, Абдуллажонни ўз туғишган амакиси бор. У сен сўядиган тирриқ кўзига муҳтож эмас.

Собир Музаффарга ҳайрон бўлиб қарайди. Бу орада гапга Саҳобиддин аралашади.

С а ҳ о б и д д и н. Абдулла, укам, булар нима деяпти, ўзи? Эшитаяпсанми, акам бор, ҳаммасини ўзлари ҳал қилади, деб айт бу мақтанчоқларга.

Абдулланинг қулоғига ҳеч кимнинг гапи кирмайди. Кўзлари аланг-жаланг кимнидир қидираётгани яққол сезилиб туради. Ва ниҳоят сабр-тоқати тугаб, ёнида турган Собирдан сўрайди.

А б д у л л а. Собир амаки, онам қани? Устозим, Қодир домла келмадиларми? Улар менга сени ўзим кутиб оламан деб, кузатиб қўйгандилар. Нега кўринмаяптилар?

Абдулланинг саволига Собирдан олдин Ҳоким жавоб беради.

Ҳ о к и м. Энди, биласанми, Абдуллажон, устозинг ҳозир келолмайди. Сал кейинроқ ўзим сени у кишининг олдига олиб бораман.

Ҳоким сўзини тугатмасдан одамлар орасидан Қодир домланинг гулдираган овози эшитилади.

Қ о д и р д о м л а. Абдулла, болам!

А б д у л л а. *(Хурсандлигидан бақариб юборади).* Устоз!!!

Одамлар орасидан югуриб ўтаётиб, ногиронлар аравачасида ўтирган устозини кўриб, бирдан тўхтаб қолади. Фароғат янга ҳамда Насиба дўхтирлар ногиронлар аравачасини суриб келишмоқда. Қодир домла ногиронлар аравачасида ўтирипти, лекин унинг руҳи тетиклигини томошабин яққол ҳис қилади. Унинг тиззасида бир даста гул. Абдулла югуриб бориб, чўккалаб ўтириб, устозининг оёқларини кучоқлаб, йиғи аралаш савол беради.

А б д у л л а. Сизга нима бўлди, устоз?

Н а с и б а. Йиғлама, устоз соппа-соғ. Фақат Эргаш акангинг жигари озгина хасталанган экан. Шунга домла ўғилларига ўз жигарларини берди. Худога шукур, операция муваффақиятли ўтди. Ҳадемай Эргаш аканг ҳам кўрмагандай бўлиб кетади. Домлаям ҳали шифохонада бир-икки кун ётишлари керак эди-ю, лекин сенга ваъда берганлари учун “Аэропортга бормасам бўлмайди” деб оёқ тираб туриб олдилар. Шунинг учун шифокорлардан яширинча бўлса-да, олиб келдик.

Ф а р о ғ а т я н г а. Сен бола уч-тўрт кун жўраларинг билан мазза қилиб ўйнаб қол. Бу чол шифохонадан чиқса, яна кўзингни очирмай қўяди.

А б д у л л а. Устоз, нега ундай қилдингиз? Нега Эргаш акам оғир аҳволда эканини айтмадингиз? Мен учун машинангизни қайсидир қаллобга сотганингизни, Эргаш акам оғир касал эканини Лондонда туриб синфдошларим билан телефонда гап-лашганда эшитдим. Нега машинангизнинг пулларини Эргаш акамга эмас, менга бердингиз?

Қ о д и р д о м л а. Сен кетишингдан бир кун олдин пулни олиб шифохонага бордим. Авваллари жигар жарроҳлиги фақат хорижда бўлади, деб эшитиб юрардим. Бу учун жуда катта пул кетишини ҳам билардим. Шифохонада энди бундай операциялар ўзимизда амалга оширилаётганини, хорижга боришга ҳожат йўқлигини айтишди. Бу учун отнинг калласидек харажат ҳам кетмас экан. Бу хабарни эшитдим-у, яратганга шукур қилиб, сени Лондонга жўнатиш ҳаракатига тушдим. Кўриб турибсан, операция яхши ўтди. Ҳадемай Эргаш аканг ҳам, мен ҳам оёққа туриб кетамиз.

Қодир домла сўзини тугатиши билан одамлар орасидан Собир, Ҳоким ва Азамат ажралиб чиқиб келади ва бирин-кетин домла билан кўришишади. Азамат гап бошлайди.

А з а м а т. Домла, бу ерда кўп туриб қолдик. Қани, бир дуо беринг. Абдуллажонникига борамиз. Уйда Саида момо билан онаси кутиб ўтирибди. Қайнона-келин ҳар қанча соғинган бўлишмасин, “биз Абдуллажонни ота уйида кутиб оламиз” деб аэропортга келишга унашмади.

Қ о д и р д о м л а. Ким дединг? Саида момо дедингми?!

А з а м а т. Ҳа, тезроқ бора қолайлик, улар ҳам жигарларини соғинишган. Ахир, бир ойдан буён кўзлари тўрт бўлиб кутишяпти.

Қодир домла у ёқ-бу ёққа қараб олиб, дуога қўл очаётган пайтда саҳнага костюм-шим кийиб, галстук тақиб олган икки басавлат меҳмон кириб келади. Улар аввал бориб Ҳоким билан кўришадилар. Ҳоким келиб, Абдуллажонни қўлидан етаклаб, келганларнинг олдига олиб боради. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолган. Ҳоким Абдуллажонни келувчиларга таништиради.

Ҳ о к и м. Мана, Абдуллажон Усмонов. Дунёни лол қолдирган ўқувчимиз мана шу азамат!

Келганлар кетма-кет Абдуллажонни бағирларига босиб, пешонасидан ўпишади. Улардан ёши каттароғи сўз бошлайди.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н. Азизлар, биз бу ерга шахсан Президентимизнинг топшириғи билан келдик. У киши Абдуллажон Усмоновни қўлга киритган ғалабаси билан қутлаб, юртимизни, миллатимизни яна бир бора дунёга танитгани, Бутунжаҳон ёш математиклари олимпиадасида Ватанимиз байроғини баланд кўтаргани учун махсус совға бериб юбордилар. *(У ички чўнтагидан калит чиқариб, баланд кўтаради ва эълон қилади.)* Мана бу “Малуби” машинасининг калити. Шахсан давлатимиз раҳбарининг совғаси. Бу эса... *(у чўнтагидан яна бир калит чиқаради)* Янги, намунали уйнинг калити. Бу ҳам ёш, иқтидорли, келажаги порлоқ ғолибимизга Президент совғаси.

Ҳамма қарсак чалиб юборади. Абдуллажон бирпас довдираб туриб қолади. Сўнг ўзини қўлга олиб, Қодир домланинг олдига келади. Яна унинг ёнига тиз чўкиб гапирди.

А б д у л л а. Устоз, мана шу машинанинг калитини сиз олсангиз!

Қ о д и р д о м л а. Сен бола эсингни еб қўйганмисан? Бу сенга, сенинг меҳнатларингга берилган совға. Буни мен қабул қила олмайман.

А б д у л л а. Устоз, мен олимпиадада қатнашишим учун машинангизни сотдингиз. Энди бу машина сизники. Эргаш акам тузалиб чиққач, минади.

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

Адабий-бадий нашр

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ УФҚЛАРИ

Пьесалар

Мухаррир *Дилрабо Минзбоева*
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Мусахҳих *Шаҳзода Ҳакимова*
Саҳифаловчи *Нилуфар Тўйчихонова*

«ADABIYOT NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.
+99890 900 75 77.

Босишга 2020 йил 18 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.
Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт босма табоғи 16.
Адади 1000 нусха.

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.